Efir moylarining o`simlik a'zolarida qanday funksiyani bajarishi va ahamiyati to`g`risida bir qancha qarashlar hamda fikrlar mavjud bo`lib, ularning ba'zilari haqida quyida to`xtalib o`tamiz, masalan, ba'zi qarashlarga ko`ra efir moylari o`simlikni turli kasalliklardan va zararkunandalarning ta'siridan saqlab qoladi. Shu bilan bir qatorda o`simlikning to`qimalari shikastlanganda, uning chirimasligi va qaytadan tiklanishi uchun xizmat qiladi. Lekin adabiyotlar va shaxsiy kuzatishlarimizdan ma'lumki, yalpiz, marmarak, yorongul, tog`rayhon, avrug va boshqa ko`pchilik efir moyli o`simliklar , odatda, har xil kasalliklarga uchraydi va shikastlanadi. Efir moylari o`simliklarni hayvonlar tomonidan yeyilishidan himoya qiladi, degan ikkinchi fikr bor. Shuni aytish kerakki, shuvoq, estragon, lavanda kabi o`simliklarni qoramol, qo`y va echkilar yeyishi hammamizga ma'lum. O`simlik gullaridagi efir moylari hasharotlarni o`ziga jalb qiladi va ular yordamida changlanadi, degan uchinchi fikr ham mavjud. Efir moylari bug'lanib chiqib, o`simlik atrofini o`rab oladi va issiq havo yo`lini ma'lum darajada to`sadi. Natijada kunduz kunlari o`simlikni haddan tashqari qizib ketishdan va kechalari sovib qolishdan saqlaydi , shuningdek o`simlikda suv bug`lanishini ham boshqarib turadi. Efir moylari o`simliklarda zapas modda sifatida ularning yashil qismida hosil bo`ladi. So`ngra meva beradigan a'zolari tomon asta-sekin o`ta boshlaydi. Gullash davrida ularning bir qismi sarflanadi, qolgan qismi esa yana barglarga qaytadi. Efir moylari o`simliklarning hayot protsessida hosil bo`lgan tashlandiq modda bo`lib, uni o`simliklar barcha a'zolaridan chiqarib tashlashga harakat qiladi.

Yuqorida bayon etilganlardan ma'lum bo`ladiki, o`simlik organizmida efir moylarining hosil bo`lishi sabablari va ularning ahahmiyati to`g`risida xilma-xil fikrlar, farazlar mavjud bo`lib, bu fikrlar hali qat'iy kelishib olinmagan farazlar bo`lib kelmoqda. Efir moylari murakkab birikmalardan tashkil topgan bo`lib, ularning tarkibiy qismlari har xildir. Shuningdek, efir moylari komponentlarining hosi bo`lishi ham turlichadir. Lekin shuni ta'kidlash kerakki, efir moylari o`simliklarda qanday muhim fiziologik rolni bajaradi. Ular modda almashinuvi tufayli hosil bo`lgan murakkabbirikmalardan tashkil topgan mahsulotdir. [1]

O`simliklarda hosil bo`ladigan efir moylaridan odamlar juda qadim zamonlardan buyon ovqatlarga yaxshi, mazali ta'm berish va yoqimli hid berish maqsadida turli-tuman ziravor va efir moyli o`simliklarning barglaridan, mevalaridan hamda urug`laridan foydalanib kelmoqdalar. So`nggi paytlarda xalq xo`jaligining turli tarmoqlarida efir moyli o`simliklardan olinayotgan xom ashyo mahsulotlari ishlatilmoqda. Ayniqsa, efir moylaridan parfyumeriya sanoatida atir-upalar, tish pastalari va poroshoklar, pomadalar hamda sovunlar ishlab chiqarishda keng foydalaniladi. Farmatsevtikada ba'zi bir efir moylari hamda ularning aralashmalari (komoponentlari)dan mentol, timol, anetol va boshqalardan davolashda, antiseptik xususiyatlarga ega bo`lganligi sababli turli xil ( tish og`rig`i, teri kasalliklari, sochlarga ishlov beradigan) dorilar tayyorlashda foydalaniladi. Mentolning spirtli eritmasi og`iz bo`shlig`i jarohatlanganda va nafas olish yo`llari yallig`langanda , oshqozon- ichak yo`llari infeksiyasiz kasallik bilan og`riganda davolash maqsadida ishlatiladi. Validol, kamforadan-yurak, timol va yevgenoldan-tish kasalliklarini davolashda keng foydalaniladi. Efir moylari uchuvchanlik va bakterisidlik xususiyatlarga, xushbo`y hidga ega bo`lagnligi sababli ulardan jamoat binolarini ,

maktablarni, bolalar bog`chalarini, kino-teatrlarni dizinfeksiya qilishda ishlatish mumkin. Ulardan qishloq xo`jalik o`simliklarini zararkunanda va kasalliklarga qarshi kurashishda foydalaniladi. Efir moylari oziq-ovqat sanoatida katta ahamiyatga ega. Ular konfetlar, har xil bulochkalar, spirtli va spirtsiz ichimliklar, vinolar, likyorlar ishlab chiqarishda qo`llaniladi. Konserva baliqchilik sanoatlarida efir moyisiz ish ko`rish mumkin emas. Ba'zi o`simliklarning ( kori- andr, anis, tmin) urug`laridan efir moylari ajrtib olingandan so`ng, ulardan texnik maqsadlarsa ishlatiladigan yog`lar olinadi. Qolgan kunjaralari esa hayvonlar uchun yuqori sifatli oqsilli oziq hisoblanadi. Ko`pchilik efir moyli o`simliklar atirgullar, gulsavsarlar, rayhonlar, piyozgullar o`z navbatida manzarali, lavanda, koriandr, marmarak va issoplar esa eng yaxshi asalchil o`simliklardir. So`nggi paytlarda o`simlik moylaridan tashqari , sun'iy yo`l bilan xushbo`y moddalarham olinmoqda. Lekin ular o`simlik moylarining o`rnini bosa olmaydi. Sun'iy yo`l bilan olingan hidli moddalardan konserva va baliqchilik sanoatida, aroq, vino va likyor ishlab chiqarishda foydalanish mumkin emas. Ulardan meva essensiyalarini tayyorlashda foydalaniladi. Shunday qilib, efir moylari xalq xo`jaligining turli sohalarida ishlatilishi bilan bir qatorda xalqaro bozorda ularga bo`lgan talab kun sayin ortib bormoqda.[3]

**Adabiyotlar ro`yxati:**

1. Кудряшев С.Н. – Эфирномасличные растения и их культура в Средней Азии. Изд.во «Наука» , 1986, Ташкент, с. 79-91
2. Hojimatov Q.X. Efirmoyli o`simliklar. "Fan" nashriyoti. Toshkent, 1988
3. Hojimatov Q.X. O`zbekiston o`simliklari. "O`qituvchi" nashriyoti. Toshkent 1990. 157-166-betlar

УДК **581.4**

## SMOLA SAQLOVCHI KOVRAKLAR (*FERULA FOETIDA* (BUNGE) REGEL.) VA *F.TADSHIKORUM* (PIMEN)) URUG'LARINING MORFOLOGIYASI VA UNISH BIOLOGIYASI

Xalquziyeva M.A.,
Jizzax politexnika institute, assistant.
Raxmonqulov U.
Jizzax Davlat Pedagogoka institute, professor.

**Annotatsiya:**Ushbu maqolada sassiq kovrak (Ferula foetida (Bunge) Regel.) va tojik kovragi (F.tadshikorum (Pimen) urug'larining morfologik tuzulishi va unish dinamikasi haqidagi ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** Plantatsiya, o'simlik, ferula foetida, ferula tadshikorum, urug', kurtak, smola, dorivor, tuproq, tabiiy.

## THE MORPHOLOGY AND GROWTH BIOLOGY OF SEEDS OF FERULA WHAT SAVE RESIN (*FERULA FOETIDA* (BUNGE) REGEL.) AND *F.TADSHIKORUM* (PIMEN))

Halkuzieva Mokhira.,
Assistant, Jizzakh polytechnic institute

Raxmonqulov U.
Doctor of Biology, Jizzakh state pedagogical institute

***Annotation:****This article provides information on the morphological structure and growth dynamics of of the seeds of Ferula foetida (Bunge) Regel.) and F.tadshikorum (Pimen).*

***Keyword:*** *plantation, plant, ferula foetida, ferula tadshikorum, seed, bud, resin , healing, soil, native.*

## МОРФОЛОГИЯ И РОСТОВАЯ БИОЛОГИЯ СЕМЯН ФЕРУЛЫ, КОТОРАЯ СОХРАНЯЕТ СМОЛУ (*FERULA FOETIDA* (BUNGE) REGEL.) И *F.TADSHIKORUM* (PIMEN))

Халкузиева М.,
*Джиззакский политехнический институт, ассистент.*
Рахмонкулов У.
*Джиззакский государственный институт, профессор.*

***Аннотация':****В данной статье дается обзор морфологическогоом строении и динамике прорастания Ferula foetida (Bunge) and F.tadshikorum (Pimen).*

***Ключевые слова:*** *плантация, трава, ferula foetida, ferula tadshikorum, семя, почка, смола, лекрственный, естественный.*

STRShifobaxsh o‘simliklar orasida Ziradoshlar (Apiaceae L.) oilasi vakillari alohida o‘rinni egallaydi. Bu oila ichida kovrak (FerulaL.) turkumi turlari muhim ahamiyatga ega bo‘lib, ular jahonda 200 ga yaqin turni tashkil qiladi. O‘rta Osiyoda ularning 114 ta turi, O‘zbekistonda esa 50 ga yaqin turi uchraydi[8].

Ferula L. turkumi turlari – ko‘p yillik, o‘tsimon, geofit o‘simlik. Mavsumiy rivojlanish ritmi bo‘yicha ular efemeroidlardir. Ya’ni, o‘simlik har yili bahorda qisqa vegetatsiya davrida o‘sib, rivojlanadi, havo harorati, tuproq o‘simlik o‘sishini tormozlagan paytlarda yoz, kuz va qish oylarida atmosfera yog‘ingarchiligi kam davrda tinch holga kiradi[1][2].

Ferula L. turkumi turlarining biologik xususiyatlari, ekologiyasi, sistematikasi, xo‘jalik ahamiyati ko‘pchilik olimlar tomonidan ilmiy adabiyotlarda bayon qilingan, ammo o‘simlikning ontogenezi haqidagi ma’lumotlar ancha kam[8].

Keyingi yillarda kovrak turkumi vakillaridan sassiq kovrak (*Ferula foetida* (Bunge) Regel.), tojik kovragi (*F.tadshikorum* Pimen) ildizlaridan smola tayyorlanib, chetga eksport qilinmoqda, natijada o‘simliklardan rejasiz, shafqatsizlarcha foydalanish natijasida uning tabiiy zahiralari keskin kamayib ketmoqda. Bu holat o‘simliklarning populyasiya holatiga va kovrakzolar ekologiyasiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bu esa sassiq kovrak va tojik kovraklarning biomorfologik xususiyatlarini o‘rganish muhim bo‘lib, ular monokarpik o‘simliklar , hayotida 6-8 (25) yillarda bir marta gullab urug’laydi.

Biz sassiq kovrakning urug’lari Jizzax viloyatining Forish tumanidan, tojik kovragining urug’lari Qashqadaryo viloyatining Dehqonobod tumanidan 2016-2019 yillar

davomida yig'ib keltirilan urug'larning morfologiyasi va hona sharoitida unish dinamikasini o'rgandik

*Urug'ning morfologiyasi*. *Ferula* L. turkumi turlari urug'larining dissemenatsiyasi - ballistoxor shaklda, ya'ni, urug' yetilgach o'z og'irligi va mevaning qanotlari orqali atrofga tarqaladi. *Ferula* L. turkumi turlari ichida ballistik - anemoxorlari ham uchraydi. Urug'lar o'z og'irligidan tashqari shamol yordamida ham tarqaladi (anemoxor). Tabiatda urug'larning yerga tushib, tuproq namligini qabul qilib, uning unib chiqish muddatini aniqlash qiyin. Chunki, urug'lar pishgan sayin navbatma-navbat to'kila boshlaydi. Shuning uchun "yangi yig'ilgan urug'" deyilganda o'simlik urug'ining o'sha yili kuzda terib olingan urug'lari tushiniladi [ 8] .

Nikolayeva (1950), E.V. Tyurina va boshqalar (1978), U. Rahmonqulov (1999) ma'lumotlariga ko'ra O'rta Osiyoda o'suvchi *Ferula* L. turkumi turlarining urug'dan unib chiqishi erta bahorda kuzatiladi [3][4][5]. Qishda urug'larning tabiiy stratifikatsiyasi kuzatiladi [6].

O'rganilgan *Ferula foetida* (Bunge) Regel. turining urug'larining absolyut (1000 dona urug'ning) og'irligi o'rtacha 37 gramni, *F.tadshikorum* Pimen turining urug'lari esa 33 grammni tashkil qiladi.

Quyida *Ferula foetida* va *F.tadshikorum* turlarining morfologik o'lchamlari ,ularning bir-biridan farqi berilgan(1 jadval).

*1-jadval*

*Ferula foetida* va *F.tadshikorum* turlarining morfologik o'lchamlari

| **Turlar** | **Urug' (merikarpiy)** | | **Endosperm** | | **Murtak** | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **bo'yi sm** | **Eni sm** | **bo'yi** | **eni** | **bo'yi** | **Eni** |
| *Ferula foetida* | 1,4-3,3 | 1,1-1,8 | 0,4-2,5 | 0,8-1,3 | 0,8-1,15 | 0,07-0,44 |
| *F.tadshikorum* | 1,2-2,5 | 0,8-1,1 | 0,3-1,1 | 0,6-8,6 | 1,1-6,3 | 0,01-0,24 |

Jadvaldan ma'lumki, sassiq kovrakning urug'i tojik kovraginiga nisbatan yirik bo'lib, shakllari har xil (1-rasm).



***1-rasm .*** Sassiq kovrak urug'i Tojik kovrak urug'i


*Urug'larning unish dinamikasi. Ferula* L. turkumi vakillariga urug'ning unuvchanlik darajasi passiv, unish va fiziologik tinch davrni o'tkazish xususiyatlari xosdir. Buning sabablari har xil bo'lishi mumkin: urug' murtagining to'liq rivojlanmaganligi, urug'ning tinch davrga (holatga) ehtiyoji bo'lishi kabilar.

Urug'ning to'liq rivojlanmagan murtagi ba'zi turlarda morfologik tinch holatda bo'lib, ba'zilarida u fiziologik tinch holatda bo'ladi [7].

Tabiatda unish jarayonini boshqarishda harorat faktori muhim rol o'ynaydi (namlik faktori urug'ning undirishdagi roli hisobga olinmadi, chunki, tabiatda urug' una boshlash davrida namlik yetarli bo'ladi) [9]. Urug'ning hatto bir xil sharoitda ham tinch davrning davomiyligi har xil bo'lishi mumkin. Har xil haroratda urug'ni undirish ularning tashqi sharoitga moslashuvi haqida fikr yuritishga imkon beradi[ 5].

Raxmonqulov U.(1999) ishlab chiqqan metodikasi asosida, quyidagi 2 turlarining bir necha yillar va oylar davomida quruq holda xona haroratida saqlab, keyin urug'ni sovuq harorarda -(0) + $4^0$ da undirilganligi haqida materiallar beramiz.

Ikkala tur 2019 - yilning noyabrida 2016- 2017- 2018 va 2019 yilgi muddatdagi urug'larini xona haroratida saqlanib, so'ngra 0 - + $4^0$ haroratda petri likopchasiga 100 tadan urug' saralanib, 90 kun davomida urug' undirilishga qo'yildi. 2 – rasmda berilgan.




***2-rasm.*** *Sassiq kovrak va tojik kovrak turlarining oddiy sharoitda (xona haroratida) saqlab, so'ngra – (0) + $4^0$ da undirish.*

Rasmdan ma'lumki sassiq kovrak va tojik kovraklarining 2019 yildagi yig'ilgan urug' unish jarayoni 2016 yilga nisbatan ancha yuqori bo'lib, yillar o'tkan sari unish

jarayoni pasayishi kuzatildi. Tojik kovragiing urug'i sassiq kovrakka nisbatan unish foizi ancha yuqori ekanlgi aniqlandi.

Xulosa qilib aytganda, sassiq kovrakning urug'lari tojik kovrakka nisbatan yirikroq, absolyut og'irligi yuqori. Har ikkala tur bo'ycha urug'lari unish jarayonida tojik kovragining unishi sassiq kovrakka nisbatan jaddalroq kechadi. Yillar davomida har ikkala turning urug'lari unish jarayoni pasayib borishi kuzatildi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Нечаева Н.Т., Приходько С.Я., Аванесов М.С. Кормовая характеристика некоторых зонтичных пустынного Туркменистана и использование их для улучшения пастбищ // Изв. АН Туркм. ССР. 1954. Сер. биолог. 5. С. 25-31.
2. Бурыгин В.А., Маркова Л.Е. Зимневегетирующие растения Узбекистана их эколого-биологические особенности. Ташкент. ФАН. 1975. С. 84-89.
3. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. М. –Ташкент. ОГИЗ. 1934. 497 с.
4. Васильченко И.Т. О филогенетическом значении морфологии прорастания у зонтичных (*Umbelliferae*) // Сов. ботан. 1941. 3. С. 30-40.
5. Денисова Г.А. Драницына Ю.А. Локализация соединений кумаринового ряда в тканях плоды и корня *Archangelica decurrens* Ldb. // Ботанич. Журн. 1963. Т. 48. 12. С. 15-24.
6. Рахманкулов У. Терпеноидсодержащие растения Западного Тянь-Шаня и их использование. Дис. ...докт. биол. наук. -Ташкент. 1999. 243 с.
7. Николаева М.Г. К биологии прорастания некоторых видов *Ferula* L. // Экспериментальная ботаника. М. –Л. 1948. Т. 6. С. 218-228.
8. Rahmonqulov U., Avalboyev O.N. O'zbekiston kovraklari (monografiya) // «Fan va texnologiya» nashriyoti, - Toshkent. 2016. 240-Б.
9. Бабушкин Л.Н. О некоторых способах определения температурных показателей скорости развития сельскогохозяйственных культур // Труды по с. –х. метеорологии. М. –Л. Изд-во гидрометеоролог. 1938. Вып. 25. С. 37-67.
10. С. Рахимов,Г.Р. Денисова "Некоторые ообенности подземных органов *FERULA TADSHIKORUM M. PIMEN" (FERULAL.*) Вестник Алтайского государственного аграрного университета № 8 (154), 2017 87.

## БАРГ УСТКИ ЁНҒОҚ ШИРАСИНИНГ МАВСУМИЙ МИҚДОР ДИНАМИКАСИ

Юлдашева Шохиста Қобилжоновна-биология фанлари номзоди, доцент
Фарғона Давлат Университети

***Аннотация:*** *Panaphis juglandis ёнғоқ дарахтларининг ёш ниҳолларида кўплаб озиқланади, у баргларни эгаллаши билан бирга яшил новдаларнинг учларида ҳам кўплаб тўпланади. Айрим ҳолатларда ўсимликни қуриб қолишига сабабчи бўлади.*

*Panaphis juglandis миқдор зичлигининг 1-баҳорги юқорига кўтарилиши 3-4-бўғин личинкалари ҳисобига, 2-кузги кўтарилиш эса 9-11–бўғин личинкалари ҳисобига юзага келади.*

*Ёнғоқ ширалари миқдор динамикасининг мавсумий ўзгаришлари математик статистик таҳлили натижаларига кўра Марказий паст текислик ва тоғ олди ҳудудларидаги индивидлар миқдор динамикасининг аппроксимация чизиқларида иккитадан кўтарилиши мавжуд.*

***Калит сўзлар:*** *Марказий паст текислик, тоғ олди ҳудуди, аппроксимация, личинка, миқдор зичлик, энтомофаг, корреляция, декада, ишончлилик даражаси.*

## СЕЗОННАЯ КОЛИЧЕСТВЕННАЯ ДИНАМИКА ВЕРХНИЙ ОРЕХОВОЙ ТЛИ

Юлдашева Шохиста Кобилжоновна-кандидат биологических наук, доцент
Ферганский Государственный Университет

***Аннотация:****Panaphis juglandis много питается молодыми побегами ореховых деревьев, он накапливается много даже на концах зеленых ветвей, наряду с тем, что он занимает листья. В некоторых случаях это приводит к высыханию растения.*

*Panaphis juglandis 1-й Весенний восходящий тренд количественной плотности происходит за счет 3-4-х слоговых личинок, 2–й осенний подъем происходит за счет 9-11-х слоговых личинок.*

*По результатам математико-статистического анализа сезонных вариаций динамики количества ореховых тли отмечается увеличение динамики количества особей в Центральной низменной плоскости и предгорных районах на две линии аппроксимации.*

***Ключевые слова:*** *Центральная низменность, предгорная зона, аппроксимация, личинка, количественная плотность, энтомофаг, корреляция, декада, степень достоверности.*

## SEASONAL QUANTITY DYNAMICS OF LEAF TOP NUT APHIDS

Yuldasheva Shokista Kobiljonovna-candidate of Biological Sciences, docent
Fergana State University

***Annotation:****Panaphis juglandis is fed a lot on the young shoots of walnut trees, it accumulates a lot even at the ends of the green branches, along with the fact that it occupies the leaves. In some cases, it causes the plant to dry out.*

*Panaphis juglandis the 1-th spring uptrend of the quantitative density occurs on the account of 3-4-th syllable larvae, 2-th autumn ascent occurs on the account of 9-11–th syllable larvae.*

*According to the results of mathematical statistical analysis of seasonal variations in the quantity dynamics of walnut aphides, there is an increase in the number dynamics of individes in the Central low plane and Foothill regions by two in the approximation lines.*

***Key words:*** *Central low plane, foothill area, approximation, larva, quantity density, entomofag, correlation, decadence, degree of reliability.*

Ёнғоқ шираларининг ўсимликдаги миқдорини кўп ёки оз бўлиши озуқа хилига ҳамда улар тарқалган минтақанинг тупроқ - иқлим шароитларига боғлиқ. Ёнғоқ шираларининг қишлаган тухумлардан очиб чиққан личинкаларини кам сонда бўлганлиги, уларнинг ривожланиб вояга етиши чўзилганлиги апрел ойининг ўртаси

ва унинг иккинчи ярмида бу турнинг миқдор зичлиги паст даражада сақланишини таъминлайди.

*Panaphis juglandis* нинг сезиларли даражада учраши унинг 3-4 бўғинлари ҳисобига юзага келади. Марказий текисликларда ёнғоқ дарахтларида барг ширасининг миқдорий динамикаси 3-бўғин ҳисобига апрел ойининг охири - май ойининг бошларида (2.05.2016, 47 дона; 5.05.2017, 143 дона; 30.04.2018, 200 дона; 4.05.2019, 45 дона, Фарғона шаҳри) кўтарила бошлаган бўлса, тоғ олди ҳудудларида у май ойининг ўрталарида барг устки ширасининг 4-бўғини ҳисобига юқори даражага етади (15.05.2016, 37 дона; 16.05.2017, 100 дона; 12.05.2018, 254 дона; 14.05.2019, 40 дона; Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғи).


Бу вақтда ёнғоқ дарахтларининг ҳамма барглари барг ширалари билан қопланади. Мазкур ҳолат барг устки ёнғоқ ширасы кўпайишининг 1-юқори чўққиси сифатида таърифланиши мумкин.

Баҳорнинг охири - ёзнинг бошларида ҳаво ҳарорати барг ширалари ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Бу пайтда уларнинг ривожланиши секинлашади, миқдор зичлиги озайиб кетади. Бу ҳолат ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, ёнғоқ баргларининг дағаллашуви, энтомофаглар фаоллигининг ортиши ва бошқа омиллар ҳисобига юзага келади. Шунга қарамасдан, барг остки ёнғоқ ширасы ёнғоқда бутунлай йўқолиб кетмайди. Унинг маълум миқдордаги индивидлари ёз давомида сақланиб қолади.

Барг устки ёнғоқ ширасининг миқдор зичлиги май ойининг охири - июн ойининг бошларидан камая бошлайди.

Депрессиядан чиққан барг устки ёнғоқ ширасининг миқдор зичлиги сентябр ойида қайта кўтарила бошлайди. Унинг 2-кузги юқори чўққига эрта кўтарилиши сентябр ойининг бошларига (3.09.2018, Фарғона), кеч кўтарилиши эса октябрнинг 2 - ўн кунлигининг бошланишига (12.10.2017, Фарғона) тўғри келади.

2016 йилда марказий паст текисликларда 2-(кузги) юқори чўққига кўтарилиш сентябр ойининг 1-ўн кунлигига (7.09.2016, 14 дона индивид, Фарғона), тоғ олди минтақасида у шу ойнинг ўрталарига тўғри келди (15.09.2016, Қўрғонтепа, 27 та индивид) (1-расм).




1-расм. Марказий паст текислик минтақасида 2016 йилда *Panaphis juglandis* индивидлари миқдор зичлигининг мавсумий ўзгариши ва аппроксимацияси


Марказий паст текисликларда барг устки шираси миқдор зичлигининг 2-тўлқинини юқори чўққиси 2017 йилда сентябр ойининг ўрталарида (10.09.2017, 10 см новда учидаги баргларда 23 дона), тоғ олди минтақасида октябр ойининг бошларида (6.10.2017, 10 см новда учидаги баргларда 44 дона) қайд қилинди. Барг устки ёнғоқ шираси миқдор зичлигини юқори чўққига кўтарилиши марказий паст текисликларда турнинг 9-10 бўғинлари, тоғ олди минтақасида 10-11 бўғинлар ҳисобига юзага келади.

Июл ойининг ўрталаридан бошлаб барг остки ёнғоқ шираси 9-бўғин ҳисобига кўпая бошлайди. Миқдор зичликнинг эрта ортиб кетиши август ойининг бошларига тўғри келади (2.08.2017, 10 см узунликдаги новда учидаги баргларда 75 дона; 2.08.2018, 29 дона личинка ва 1 тирик туғувчи урғочи зот; 5.08.2016, 10 см узунликдаги новда учидаги баргларда 30 индивид, Фарғона тумани; 7.08.2018, 10 см узунликдаги новда учидаги баргларда 42 личинка ва 4 тирик туғувчи урғочи индивид; 8.08.2016, 10 см узунликдаги новда учидаги баргларда 39 дона, Фарғона шаҳри).


Миқдор зичликнинг кечроқ юқори чўққига кўтарилиши август ойининг 3-ўн кунлигида кузатилади (20.08.2017, 10 см узунликдаги новда учидаги баргларда 78 дона; Фарғона шаҳри).

2017 йилда октябр ойининг 3-ўн кунлигида охирги личинкаларнинг туғилишини сезиларли даражада камайиши барг шираларининг миқдорини камайтириб юборди.

2018 йилда июл ойининг охирларидан бошлаб зичлиги кўтарила бошлаган барг устки ёнғоқ ширасининг миқдори сентябр ойининг биринчи декадасига келиб, марказий паст текисликларда юқори чўққига чиқди (5.09.2018, 10 см новда учидаги баргларда 73 дона, Фарғона). Тоғ олди минтақасида бундай ҳолат шу ойнинг ўрталарига тўғри келиши кузатилди (15.09.2018, 10 см новда учидаги баргларда 30 дона, Қўпғонтепа).




2-расм. Марказий паст текислик минтақасида 2018 йилда *Panaphis juglandis* индивидлари миқдор зичлигининг мавсумий ўзгаиши ва аппроксимация чизиғи




3-расм. Тоғ олди минтақасида 2018 йилда *Panaphis juglandis* индивидлари миқдор зичлигининг мавсумий ўзгаиши ва аппроксимация чизиғи

Барг устки ёнғоқ ширасининг кузги юқори чўққига кўтарилиш муддатлари айрим йилларда турли бўғинлар ҳисобига вужудга келади. Жумладан, 2016 йилда бу ҳолат 9-бўғин, 2017 йилда марказий паст текисликларда 9-, тоғ олди минтақасида 11-бўғин личинкалари ҳисобига юзага келиши қайд этилди. Барг устки ёнғоқ шираларининг бу пайтдаги кўпайишида ёнғоқ дарахтлари қандсимон суюқлик билан ифлосланмайди.

Марказий паст текислик ҳамда тоғ олди ҳудудларидаги иккала тур барг шираларининг мавсумий миқдор зичлиги солиштирилди. Пирсоннинг хи-квадрат усули бўйича математик статистик таҳлилларга кўра, *Panaphis juglandis* туринининг марказий паст текислик ҳамда тоғ олди ҳудудларидаги индивидлари миқдор зичлиги бир-биридан кескин фарқ қилиши аниқланди. Мазкур жараёнда корреляцион таҳлиллар асосида фарқланиш ишончли ($P > 0{,}001$) эканлиги исботланди (1-жадвал).

1-жадвал


***Panaphis juglandis* тури миқдор зичлигининг марказий паст текислик ҳамда тоғ олди ҳудудларидаги фарқланиши (2016 йил)**

| $x_i$ | $P_1$ | $P_2$ | $P_1+P_2$ | $n_1P_2$ | $n_2P_1$ | $n_1P_2 - n_2P_1 = d$ | $d^2 / P_1+P_2$ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 5 | 5 | 10 | 700 | 650 | 50 | 250 |
| 2 | 9 | 8 | 17 | 1120 | 1170 | -50 | 147,0588 |
| 3 | 43 | 20 | 63 | 2800 | 5590 | -2790 | 123557,1 |
| 4 | 47 | 32 | 79 | 4480 | 6110 | -1630 | 33631,65 |
| 5 | 26 | 37 | 63 | 5180 | 3380 | 1800 | 51428,57 |
| 6 | 10 | 28 | 38 | 3920 | 1300 | 2620 | 180642,1 |
| ∑ | **140** | **130** | **270** | **18200** | **18200** | **0** | **389656,5** |


**Ё**нғоқ ўсимлигида зараркунандалик қиладиган барг устки ва барг остки ёнғоқ шираларини популяция зичлигини ортиши ёки аксинча камайиши баҳор, ёз ва куз ойларида декадаларга боғлиқ холда бўлади. Фаслларда ҳароратни кўтарилиши, нисбий намликни камайиши ёки ёғингарчиликларни бўлиши индивидларни

миқдор зичлиги ва декадалар орасидаги корреляцион боғлиқликнинг бузилишига сабаб бўлади.

Марказий паст текислик ($P_1$) ва тоғ олди ($P_2$) минтақаларидаги *Panaphis juglandis* тури миқдор зичлигининг ўзгариши (баҳор, 2016).




Марказий паст текислик ($P_1$) ва тоғ олди ($P_2$) минтақаларидаги *Panaphis juglandis* тури миқдор зичлигининг ўзгариши (баҳор, 2018).




2016 йилда олинган натижаларга кўра барг устки ёнғоқ ширалари миқдор зичлиги ва декадалар орасида тоғ олди ва паст текислик минтақаларида боғлиқлик мавжуд.

*2-жадвал*

***Panaphis juglandis* миқдор зичлиги ўзгаришинг декадаларга боғлиқлиги корреляция коэффициентлари (март-май)**

| Йиллар | Ҳудудлар | r | rs | tf | tst | P |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2016 | Паст текислик | 0.75 | 0.33 | 2.27 | 2.78 | - |
| | Тоғ олди | 0.86 | 0.25 | 3.37 | 2.78 | >0.05 |
| 2018 | Паст текислик | 0.97 | 0.12 | 7.98 | 4.6 | >0.01 |
| | Тоғ олди | 0.98 | 0.1 | 9.8 | 8.61 | >0.001 |

Лекин март-май ойларида олинган натижаларга кўра марказий паст текисликлардаги боғлиқлик r=0,75 га тенг бўлганда, корреляция муносабатлари ишончлилик даражасида қайд этилмаган (P < 0,05). Тоғ олди минтақаларида r=0,86 га тенг бўлганда, корреляция коэффициентининг ишончлилик даражаси қуйи (P > 0,05) поғонада бўлган (2-жадвал).

2018 йилда паст–текисликларда r=0,97 га тенг бўлганда, ишончлилик чегараси ўрта (P > 0,01), тоғ олди минтақаларида r=0,98 бўлганда, корреляция коэффициентининг ишончлилик даражаси юқори (P > 0,001) чегарада бўлган (3-жадвал).

*3-жадвал*

***Panaphis juglandis* миқдор зичлиги ўзгаришининг декадаларга боғлиқлиги корреляция коэффициентлари (май-июль)**

| Йиллар | Ҳудудлар | r | rs | tf | tst | P |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2016 | Паст текислик | -0.83 | 0.27 | 2.97 | 2.78 | >0.05 |
| | Тоғ олди | -0.94 | 0.17 | 5.5 | 4.6 | >0.01 |
| 2018 | Паст текислик | -0.87 | 0.24 | 3.5 | 2.78 | >0.05 |
| | Тоғ олди | -0.96 | 0.14 | 6.85 | 4.6 | >0.01 |

Май ойининг охири июл ойларидаги тадқиқотлар натижаларига кўра ёнғоқ ўсимлигида индивидлар сони камайиб боради, бу камайишдаги боғлиқлик 2016–йилда паст текисликларда r=-0,83 бўлганда, корреляция коэффициентининг ишончлилик даражаси (P > 0,05) поғонасида бўлган. Тоғ олди минтақаларида r=-0,94 га тенг бўлса, корреляция коэффициентининг ишончлилик даражаси ўрта (P > 0,01) поғонада бўлган. 2018 йилда паст текисликлардаги боғлиқлик r=-0,87 бўлганда, ишончлилик чегараси (P > 0,05) га, тоғ олди минтақаларида r=-0,96 га тенг бўлганда, корреляция коэффициентининг ишончлилик даражаси (P > 0,01) доирасида бўлган (3-жадвал). Бундай боғлиқликлар июл-сентябр ва сентябр-октябр ойлари декадаларида ҳам кузатилди.

**Хулоса.** *Panaphis juglandis* миқдор зичлигининг 1-баҳорги юқорига кўтарилиши 3-4-бўғин личинкалари ҳисобига, 2-кузги кўтарилиш эса 9-11–бўғин личинкалари ҳисобига юзага келади. Ёнғоқ ширалари миқдор динамикасининг мавсумий ўзгаришлари математик статистик таҳлил натижаларига кўра Марказий паст текислик ва тоғ олди ҳудудларидаги индивидлар миқдор динамикасининг аппроксимация чизиқлари ҳар бир турнинг иккитадан кўтарилиши мавжудлигини исботлади.

*Panaphis juglandis* тури миқдор зичлиги Сьюдент мезонига мувофиқ ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил этилганда, марказий паст текислик ҳамда тоғ олди ҳудудлари

ўртасидаги кўрсаткичлар ишончли даражада фарқланиши исботланди ($P > 0{,}001$).

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мухамедиев А.А., Юлдашева Ш.К. К биологии ореховых тлей (Homoptera, Aphidinea) Ферганской долины // Естественные и технические науки. – Москва, 2005. – №2 (16).
2. Мухамедиев А.А., Юлдашева Ш.К., Мустафакулов Х. К экологии верхней ореховой тли (Homoptera, Aphidinea) в Ферганской долине // Научный вестник. Баткенского гос. университета. – Баткен, 2009. – N 5.
3. Зокиров И.И. Ўзбекистон ляхнина (Homoptera, Lachninae) ширалари (ҳаёт цикли, этологияси, газлар алмашинуви): Биол. фан. номз. ...дисс. афтореф. –Тошкент, 2009.

**УДК 595.143**

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЗУЛУКЛАРИНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ИЛК МАЪЛУМОТЛАР

Иззатуллаев Зувайд1, Солижонов Хайрулла Хабибулла ўғли2
1Самарқанд давлат университети, профессор
2Андижон давлат университети, докторант

***Аннотация:*** *Мақолада Ўрта Осиё, Ўзбекистон, Фарғона водийси сувларида тарқалган зулукларнинг ўрганилиш тарихи таҳлил қилинган. Фарғона водийси зулукларининг турлар таркиби адабиётлар асосида шакллантирилган.*

***Калит сўзлар:*** *Фарғона водийси, Сирдарё, биотоп, зулуклар, паразитлар.*

## ПЕРВЫЕ ДАННЫЕ ПО ИЗУЧЕНИЮ БИОРАЗНООБРАЗИЯ ПИЯВОК ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ .

Иззатуллаев Зувайд[1], Солижонов Хайрулла Хабибулла угли[2]
[1]Самаркандский государственный университет, профессор
2Андижанский Государственный Университет, докторант

***Аннотация:*** *В статье анализируется история изучения пиявок, распространенных в водах Средней Азии, Узбекистана и Ферганской долины. Изучения видового состава пиявок Ферганской долины основана на литературных источниках.*

***Ключевые слова:*** *Ферганская долина, Сырдарья, биотоп, пиявки, паразиты.*

## FIRST DATA ON THE STUDY OF BIODIVERSITY OF LEECHES OF FERGANA VALLEY

Izzatullaev Zuvayd[1], Solijonov Khayrulla Khabibulla ugli[2]
[1]Samarkand State University, professor
[2]Andijan State University, doctorant

***Annotation:*** *The article analyzes the history of studying leeches common in the waters of Central Asia, Uzbekistan and the Ferghana valley. The study of the species composition of leeches in the Ferghana valley is based on literary sources.*

***Keywords:*** *Fergana Valley, Syrdarya, biotope, leeches, parasites.*

Маълумки, экосистема барқарорлигини таъминлашда биохилма-хиллик компонентларидан оқилона фойдаланиш бугунги кунда нафақат маҳаллий доирадаги, балки бутун дунё миқёсидаги глобал муаммо ҳисобланади. Инсоният ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда, табиий ерларни аргоэкосистемаларга ўзгартирмоқда, урбанизация жараёнини жадаллаштирмоқда. Натижада атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиатдаги организмларнинг генофондини камайишига сабаб бўлмоқда.

Бу ҳолат нафақат бутун Ўзбекистонни, балки Фарғона водийсини ҳам четлаб ўтмаяпти. Ушбу ўзгаришлар, Фарғона водийси тоза сув гидробионтлари – зулукларнинг ҳам тур таркибини қисқаришига олиб келмоқда. Айрим паразит тур популяция ареалларининг кенгайишига таъсир этмоқда. Ҳозирги кунда бу борадаги жараёнлар юзасидан фундаментал тадқиқотларни олиб бориш ва натажаларни амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Зулуклар энг қадимий организмлар ҳисобланиб, асосан паразит ва йиртқич ҳолда озиқланади. Улар умуртқали ҳайвонларнинг ҳамма вакилларига, умуртқасизлардан – юмшоқтанлилар, қисқичбақалар, сув ҳашаротлари ва чувалчангларга ҳужум қилиб, паразитлик қилади. Сутэмизувчилар ва одам қонини ҳам сўради. Зулуклар нафақат зарарли, балки уларнинг фойдали жиҳатлари ҳам мавжуд. Улардан тиббиёт зулуги (*Hirudo medicinalis*) қадим замонлардан бери инсонларнинг турли ҳасталикларини даволашда ишлатилган ва ҳозирда ҳам ушбу юмушни бажаради. У гипертония, склероз, инсульт, зотилжам каби касалликларни даволашда ишлатилади. Зулуклар тоза сув санитарларидир. Ҳозирги кунда Ер юзида зулукларнинг таҳминин 680 га яқин турлари маълум (Sket, Trontelj, 2008), уларнинг 480 тури дарёлар, кўллар, каналлар, чашмалар, булоқлар ва бошқа сув биотопларида ҳаёт кечиради (Циплёнкина, 2016) [2, 12].

Адабиётлар маълумотини таҳлил қилишда, зулукларни ўрганиш 4 босқичда амалга оширилди. Улар қуйидагилар: зулуклар фаунаси ва тарқалишини ўрганиш, амалий аҳамиятини таҳлил қилиш, тур ичидаги систематик ва молекуляр-генетик белгиларга асосланган ҳолда ўрганиш.

Дастлаб, XVIII асрнинг иккинчи ярмида фаолият кўрсатган табиатшунослар К.Линней, О.Ф.Мюллер, Браун де Бленвил ва бошқаларнинг ишларида зулукларнинг айрим турлар ва уларнинг тарқалиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Кейичалик XIX асрнинг бошларида чоп қилинган И.А.Двигубский “Primitiae Faunae Mosquensis” номли ишида К.Линнейнинг “Табиат тизими” га мувофиқ битта *Hirudo* уруғига киритилган бешта энг оддий турлар келти-рилган: *H.medicinalis, H.sanguisuga, H.vulgaris, H.stagnalis, H.geometra* [1].

XIX асрнинг 50-80 йилларида табиатшуносларнинг диққатини тиббиёт зулуклари ўзига жалб қилган. Кўплаб мақолалар ва катта ҳажмдаги монографиялар тиббиёт зулукларига бағишланиб, уларда *H.medicinalis* турининг тузилиши, биологияси, турли формалари, ушбу чувалчангларни сунъий кўпайтириш ва уларни ташиш шароитлари батафсил ёритилди. Ушбу йўналишдаги А.Воскресенский томонидан ёзилган «Монографии врачебных пиявок» номли китобидаги маълумотлар *H.medicinalis* нинг географик тарқалишига оид тадқиқотларнинг олиб борилишига сабаб бўлди.

Ўрта Осиё ҳудудларида биринчи биологик тадқиқотларни 1868-1871 йилларда Россия табиатшуноси ва сайёҳи А.П.Федченко ўтказган. У ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламини ўрганиш ва коллекцион материал тўплаш билан бирга тиббиёт зулугининг тарқалиш ареалини ва сонини биринчи бўлиб таърифлаб берган.

XX асрдан бошлаб, Ўрта Осиёдаги республикаларинг турли ҳудудларидан зулуклар фаунаси учун янги турлар қайд этила бошлади. В.Плотников (1905) биринчилардан бўлиб, Туркистон зулугини (*Limnatis turkestanica*) – Самарканд, сохта от зулугини (*Haemopis sanguisuga*) – Тошкент, Фарғона атрофи ҳудудларидаги сув ҳавзаларидан топилганини тадқиқот натижаларида акс эттирган [11].

1912 йилда Г.Г.Щеголев “К фауне пиявок Туркестана” номли ишида илк бор ушбу ҳудуд сув ҳавзаларида яшовчи қорабалиқ турида паразитлик қилувчи Туркистон трахелобделласи (*Trachelobdella turkestanica*) зулугини аниқлаб, унинг биоэкологик тавсифини ёритди ва гирудофауна учун янги тур сифатида киритди [13].

1913 йилда рус биолог олими К.И.Скрябиннинг “Fischparasiten aus Turkestan” номли мақоласида илк бор Сирдарё сув ҳавзасидаги балиқларда паразитлик қилувчи *Trachelobdella turkestanica* ва *Piscicola geometra* турларини учратганлигини қайд қилган. Кейинчалик, 1934 йилда В.А.Догель ва Б.Е.Быховскийлар Орол денгизи балиқлари паразитларини ўрганиши натижасида, Орол трахелобделласи (*Trachelobdella aralensis*) (=*T.turkestanica*) мўйловли балиқда паразитлик қилиб яшашини аниқладилар. Кўп вақт ўтмасдан, 1940 йилда Г.В.Никольский Сирдарё балиқларини ўрганиш вақтида мўйловли балиқда паразитлик қилувчи *Trachelobdella turkestanica* турини учратди [3, 4].

1934 йил Е.Н.Павловский “Паразитирование пиявок у человека и у млекопитающих в Туркмении” номли мақоласида *Limnatis turkestanica* инсон ва сутэмизувчиларда паразитлик қилиши ҳақида маълумотлар берган [10].

XX асрнинг 40-80 йилларида гирудофаунанинг систематик жиҳатдан тадқиқ қилиш янада жадаллашди. Зоолог олимлар Е.И.Лукин ҳамда В.М.Эпштейн томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида, Палеарктика ҳудудида яшовчи чучук ва шўр сув зулукларининг фаунаси, биологияси, экологияси, географик тарқалиши ҳақидаги маълумотлар тўпланиб, китоб шаклида чоп этилди.

1976 йилда Е.И.Лукин “Пиявки пресных и солоноватых водоемов” номли асарида Палеартика худудида учровчи 60 га яқин турларни батафсил шарҳлаб берди. Улар орасида Ўзбекистон сув хавзаларида тарқалган 8 тур: *Hemiclepsis marginata, Glossiphonia complanata, Limnotrachelobdella turkestanica, Piscicola geometra, Hirudo*

*medicinalis, Limnatis nilotica, Haemopis sanguisuga* ва *Herpobdella octoculata* зулукларининг анатомик-морфологик тузилиши, ҳаёт цикли, экологик ҳусусиятлари, географик тарқалиши ҳақидаги маълумотлар муҳим ҳисобланади [6].

В.М.Эпштейннинг илмий ишларида асосан чучук ва шўр сув балиқларида паразитлик қилувчи зулукларни тадқиқ этди. У 1987 йилда "Определитель паразитов пресноводных рыб фауны СССР" номли аниқлагичида балиқларда паразитлик қилувчи 14 тур зулукларнинг биологияси, тарқалиш ҳудудлари, турларнинг ҳўжайинлари ҳақида маълумотларни келтирди. Ушбу турлар ичида *Limnotrachelobdella turkestanica* (=*Trachelobdella turkestanica*) Орол денгизи, Сирдарё, Амударё, Зарафшон дарёларида учраши ва Самарқанд храмуляси, Туркистон мўйловли балиғи, қорабалиқ, зоғора каби балиқларда паразитлик қилишини аниқлади [14].

Паразитолог ва ихтиолог олим С.О.Османов Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги балиқлар паразитофаунасини ўрганган. Унинг 1971 йилда ёзган "Паразиты рыб Узбекистана" номли китобида *Rhynchobdellea* бўлимига кирувчи зулуклардан 3 тури: *Hemiclepsis marginata, Trachelobdella turkestanica, Piscicola geometra* каби турларни тарқалиш жойи, ҳўжайин турлари ҳақида маълумотлар берди. *H.marginata* Орол денгизи, Сирдарё, Зарафшон дарёси сув ҳавзаларида яшовчи Туркистон мўйловли балиғи ва лаққа балиқ терисида паразитлик қилади. *Piscicolidae* оиласига кирувчи *T.turkestanica* ва *P.geometra* каби турлар ҳам Орол денгизи, Сирдарё, Амударё сув ҳавзаларида учраб, 10 га яқин балиқ турларининг териси, сузгичлари, оғиз бўшлиғида паразитлик қилади [9].

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, гидробиолог олим А.М.Мухамадиев (1967,1986) илмий ишларида Фарғона водийси сув ҳавзаларининг характеристикаси, у ерда яшовчи зоопланктон ва бентослар биомассаси ҳақида маълумот берган, аммо зулуклар гирудофаунаси ҳақида маълумотлар келтирилмаган. 1976 йилда "Умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси" номли ўқув қўлланмасида тиббиёт зулуги (*Hirudo medicinalis*), нил зулуги (*Limnatis nilotica*), сохта от зулуги (*Haemopis sanguisuga*), оддий балиқ зулуги (*Piscicola geometra*), туркистон трахелобделаси (*Limnotrachelobdella turkestanica*) каби турлар Ўзбекистон сув ҳавзаларида учраши ҳақида ёзган [7,8].

З.Иззатуллаев, Ж.Иззатуллаев, С.Азимовлар (2000) Зарафшон тоғ тизмаси жанубининг Еттиуйлисой дараси булоқларида зулуклардан *Hemiclepsis marginata, Herpobdella octoculata* ва *Piscicola geometra* ларнинг тарқалиши, экологияси, аҳамияти хусусида маълумотлар келтиришган. Ушбу зулуклар орасида биринчи тур кўп сонли эканлиги қайд этилган [5].

Юқорида таҳлил қилинган адабиётлардаги маълумотларга асосан Фарғона водийсининг турли сув биотопларида учровчи зулукларнинг фаунистик таркиби шакллантирилди [6]. Унга кўра, *Hirudinea* синфига тааллуқли 8 тур зулуклар – 8 уруғ, 4 оила, 2 туркум, 2 кенжа синфга мансублиги аниқланди. Уларнинг таксономик таркиби қуйида келтирилади.

***HIRUDINEA* Lamarck, 1818 синфи**

***EUHIRUDINEA* Lukin, 1956 кенжа синфи**

***RHYNCHOBDELLEA* Blanchard, 1894 туркуми**

*GLOSSIPHONIDAE* Vaillant, 1890 оиласи

*Hemiclepsis* Veydowsky, 1884 уруғи

***1.Hemiclepsis marginata* (Müller, 1774)**

*Glossiphonia* Johnson, 1816 уруғи

*Glossiphonia s. str.* Lukin, 1976 кенжа уруғи

***2.Glossiphonia complanata* (Linnaeus, *1758)***

*ICHTHYOBDELLIDAE* Leuckart, 1863 оиласи

*Limnotrachelobdella* Epstein, 1968 уруғи

***3.Limnotrachelobdella turkestanica* (Stschegolew, 1912)**

*Piscicola* Blainville, 1818 уруғи

***4.Piscicola geometra* (Linnaeus, 1761)**

***ARHYNCHOBDELLEA* Blanchard, 1894 туркуми**

*HIRUDINIDAE* Whitman, 1886 оиласи

*HIRUDININAE* Blanchard, 1892 кенжа оиласи

*Hirudo* Linnaeus, 1758 уруғи

***5.Hirudo medicinalis* (Linnaeus, 1758)**

*Limnatis* Moquin-Tardon, 1826 уруғи

***6.Limnatis nilotica* (Savigny, 1822)**

*Haemopis* Savigny, 1822 уруғи

***7.Haemopis sanguisuga* (Linnaeus, 1758)**

*HERPOBDELLIDAE* Blanchard, 1894 оиласи

*Herpobdella* Agassiz, 1846 уруғи

*Herpobdella* Lukin, 1976 кенжа уруғи

***8.Herpobdella octoculata* (Linnaeus, 1758)**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг турли сув биотипларида гидробиологик тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, Фарғона водийсида сув ҳавзаларида тарқалган зулукларнинг фаунаси, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти тизмлаштирилган ҳолда ўрганилмаган. Бу ўз навбатида, келгусида Фарғона водийси гирудофаунасини ҳар томонлама ўрганиш кераклигидан далолат беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


**1.** Dwigubsky J.A. Primitiae Faunae Mosquensis. M. 1802. –S. 1-136

**2.** Sket B., Trontelj P. Global diversity of leeches (*Hirudinea*) in freshwater // Hydrobiologia. Vol. 595. 2008. P. 129-137.

**3.** Skrjabin K.I. Fischparasiten aus Turkestan. I. *Hirudinea und Cestodaria*. Arch. Naturg., Leipzig, 79, A ; 1913. –S. 1-10.

**4.** Догель В.А. и Быховский Б. Е. Фауна паразитов рыб Аральского моря. Паразитол. сб. Зоол. инст. АН СССР, IV : 1934. – С. 241-346.

**5.** Иззатуллаев З., Иззатуллаев Ж., Азимов С. Еттиуйлисой дараси зулукларининг экологияси, тарқалиши ва аҳамияти // Иқтидорли талабаларнинг изланишлари. Самарқанд: СамДУ. 2000. -55-58 б.

**6.** Лукин Е.И. Пиявки пресных и солоноватых водоемов. В серии: Фауна СССР. Пиявки. Т.I. 1976. Изд-во «Наука», Ленингр. отд-ние. Л., 1-484 с.
**7.** Муҳамедиев А.М. Гидробиология водоемов Ферганской долины. –Ташкент: Фан, 1967. – С. 275.
**8.** Муҳамедиев А.М. Ракообразные Ферганской долины. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 160.
**9.** Османов С.О. Паразиты рыб Узбекистана Т.: 1971. – С. 229-232
**10.** Павловский Е.Н. Паразитирование пиявок у человека и у млекопитающих в Туркмении. Тр. Каракалинской и Кзыл-Атрекской экспед. 1931 г., Л. : 1934. – С. 149-154.
**11.** Плотников В. *Glossosiphonidae, Hirudinidae* и *Herpobdellidae* Зоологиче-ского музея Академии Наук. Ежегодн. Зоол. муз. Акад. наук., X 1905. – С.133-158.
**12.** Циплёнкина И.Г. Тип Кольчатые черви-*Annelida*. Подкласс Пиявки-*Hirudinea* // Определитель зоопланктона и зообентоса пресных вод Европейской России. Т. 2. Зообентос - М.-СПб.: 2016. – С. 98-121.
**13.** Щеголев Г.Г. К фауне пиявок Туркестана. Тр. Гидробиол. ст. на Глубоком озере,.М., IV : 1912. – С. 163-192.
**14.** Эпштейн В.М. Кольчатые черви. Пиявки // Определитель паразитов пресноводных рыб СССР, - М., 1987. Т,3, - С.340-372.

## ҚОРАТЕПА ТОҒ МАССИВИНИНГ ЎРТА ЗОНАСИ БИОЦЕНОЗЛАРИ НЕМАТОДАФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нарзуллаев Сардор Бахриддинович[1], Мавлонов Очил Мавлонович[2], Хакимов Нажмиддин Хакимович[1]
[1] Самарқанд давлат университети, зоология кафедраси, Ўзбекистон, 140104, Самарқанд, ул. Университет ҳиёбони, 15.
[2] Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон, 100070, Ташкент, Бунёдкор кўчаси, 27
e-mail: narzullayev.sardor@mail.ru

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада Зарафшон тоғ тизмасининг Қоратепа тоғ массиви ўрта зонаси табиий биоценозларида нематодалар фаунасини ўрганиш учун мазкур ҳудудда кенг тарқалган 7 тур кўп йиллик ёввойи ўсимликларнинг вегетатив аъзолари ва ризосфераси тупроғи топилган нематодалар систематик жиҳатдан таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида зона нематодафаунаси 93 турдан иборат эканлиги маълум бўлиб, улар Nematoda лар (Nematodes) типининг иккита синфи (Enoplea, Chromadorea), 3 та кенжа синф (Enoplia, Dorylaimia, Chromadoria) ва 6 туркумига мансуб бўлди. Топилган нематодалар озиқланиш усулига биноан параризобионтлар, эусапробионтлар, девисапробионтлар, микогельминтлар, эктопаразитлар, эндопаразитлар каби трофик гуруҳларга ажратилди. Экологик гуруҳлар орасида параризобионтлар ва эктопаразитлар 27 тадан турлари билан доминантлик қилиши маълум бўлди.*

***Калит сўзлар:*** *биоценоз, трофик хусусиятлари, паразит фитонематодалар, тоғ, ёввойи ўсимликлар.*

# НЕМАТОДАФАУНА И ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ БИОЦЕНОЗОВ В СРЕДНЕЙ ЗОНЕ ГОРНОГО МАССИВА КАРАТЕПА

Нарзуллаев Сардор Бахриддинович[1], Мавлянов Ачил Мавлянович[2], Хакимов Нажмиддин Хакимович[1],
[1] Самаркандский государственный университет, каф. зоологии, Узбекистан, 140104, Самарканд, ул. Университетский бульвар, 15.
[2] Ташкентский педагогический университет им. Низами, каф. зоологии и анатомии, Узбекистан, 100070, Ташкент, ул. Бунёдкор, 27.
e-mail: narzullayev.sardor@mail.ru

***Аннотация.*** *В данной статье приводятся систематический обзор фитонематод, встречающихся в почве ризосферы и вегетативных органах 7 видов многолетних диких растений, распространенных в естественных биоценозах средней зоны гор Каратепа Заравшанского хребта. Данные показывают, что нематодафауна данной зоны состоит из 93 видов, относящихся к двум классам (Enoplea, Chromadorea), 3 подклассам (Enoplia, Dorylaimia, Chromadoria) и 6 отрядам типа Nematodes. Обнаруженные нематоды по своим трофическим связями с растениями подразделены на несколько групп: параризобионты, эусапробионты, девисапробионты, микогельминты, эктопаразиты и эндопаразиты. Среди этих экологических групп доминантными являются параризобионты ва эктопаразиты, содержащие по 27 видов.*

***Ключевые слова:*** *биоценоз, трофические особенности, паразитные фитонематоды, горы, дикие растения.*

# NEMATODAFAUNA AND ECOLOGICAL FEATURES OF BIOCENOSES IN THE MIDDLE ZONE OF THE KARATEPA MOUNTAIN RANGES

Narzullaev Sardor Bakhriddinovich[1], Mavlyanov Achil Mavlyanovich[2], Khakimov Najmiddin Khakimovich[1]
[1] Samarkand State University, department of zoology, Uzbekistan, 140104, Samarkand, ul. University Boulevard, 15.
[2] Tashkent Pedagogical University, department of zoology and anatomy, Uzbekistan, 100070, Tashkent, st. Bunyodkor, 27.
e-mail: narzullayev.sardor@mail.ru

***Annotation:*** *This article provides a systematic review of phytonematodes found in the soil of the rhizosphere and vegetative organs of 7 species of perennial wild plants that are common in natural biocenoses of the middle zone of the Karatepa Mountains of the Zarafshan Range. The data show that the nematodafuna of this zone consists of 93 species belonging to two classes (Enoplea, Chromadorea), 3 subclasses (Enoplia, Dorylaimia, Chromadoria) and 6 orders of the Nematodes type. The detected nematodes are divided into several groups according to their trophic ties with plants: para-isobionts, eusaprobionts, devisaprobionts, mycohelminths, ectoparasites and endoparasites. Among these ecological groups, paralyzobionts and ectoparasites containing 27 species each are dominant.*

***Keywords***: *biocenosis, trophic features, parasitic phytonematodes, mountains, wild plants*

## КИРИШ

Табиий биоценозлар нематодафаунасини тоғ зоналари бўйлаб ўрганилишидан олинган назарий маьлумотлар биоценозларнинг фаунистик ҳолатига баҳо бериш, тупроқнинг минерал ва органик таркибини баҳолашда биоиндикатор сифатида фойдаланиш ва агроценозлар нематодафаунасининг шаклланиш хусусиятларини таҳлил қилишда амалий аҳамиятга эга. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ушбу йўналишда бир қатор аҳамиятга молик тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Жоей Женевиеве Т.Мартинез (Joey Genevieve T. Martinez) ва бошқалар томонидан турли иқлимга эга бўлган биоценозларда тупроқнинг физик-кимёвий таркиби нематодофаунанинг шаклланишидаги ролини очиб бердилар. Изланишлар натижасида тупроқ нематодалари орқали биоценознинг ҳолатини баҳолашда индикатор сифатида фойдаланиш мумкинлигини аниқлашган [4].

Ке Донг ва бошқалар томонидан Япониянинг Норикура тоғ тизмаси табиий биоценозларида нематодаларнинг вертикал тарқалиш хусусиятлари ўрганилди. Олинган натижалар тадқиқот ҳудудида тоғнинг ўрта зонасида нематодофауна хилма-хиллиги энг юқори бўлиши аниқланган. Муаллифлар нематодофаунанинг шаклланишида асосий омил сифатида тупроқнинг физикавий-кимёвий таркиби, гумус миқдори, намлик ва ўсимлик қоплами кабиларнинг таъсирини ўрганиб қимматли маълумотларни олишган [5].

Min Zhang ва бошқалар томонидан Хитой халқ республикасининг Чанбай (Changbai) тоғида нематодафауна таркиби ва унинг шаклланиши бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилган. Муаллифлар ўзларининг ишида тоғ тизмасининг ғарбий ва шарқий ёнбағирларида нематодафаунанинг фарқ қилиши тупроқ таркибидаги, гумус, pH қиймати ва минерал элементлар миқдорига боғлиқлигини кўрсатиб беришган [7,11].

Ўрта Осиёда Т.С.Иванова Тожикистон Республикаси шароитида Марказий Помир – Олой тоғларида Tylenchorhynchidae оиласига мансуб нематодаларнинг вертикал тақсимланиши хусусиятларини ўрганган. Муаллиф томонидан тадқиқот ҳудудида Tylenchorhynchidae оиласига мансуб 16 тур топилган. Тоғнинг ўрта минтақалари учун Merlinius bogdanovi-katjakovii, M.gaudalis, M.rugosus, M.stegus, Tylenchorhynchus mashhodi, T.maximus кабилар характерли турлар сифатида қайд этилган [3].

Келтирилган тадқиқот ишларидан ташқари тоғ биоценозлари нематодафаунаси, унинг шаклланиш хусусиятлари ва омиллари бўйича яна бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган [2,6,12]. Лекин ҳозирги кунгача Ўзбекистоннинг тоғ биоценозлари шароитида ушбу йўналишдаги тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

### Тадқиқот материали ва услублари

Қоратепа тоғ массивининг ўрта зонаси (денгиз сатхидан 1200-1700 м баланд) нематодафаунасини ўрганиш учун ушбу зонада нисбатан зич учрайдиган 7 турдаги

кўп йиллик ёввойи ўсимликлар: каррак (Cousinia microcarpa), жингалак отқулоқ (Rumex crispus L.), янтоқ (Alhagi kirghisorum Schrenk.), ўрмаловчи какра - (Agroptilon repens L.), қўзиқулоқ (Phlomis olgae L.), пиёзли арпа (Hordeum bulbosum Torn.), пиёзли қўнғирбош (Poa bulbosa L.) лар танлаб олинди. Ҳар бир ўсимликнинг вегетатив аъзолари ҳамда ризосфера тупроғининг 0-10 ва 10-20 см ли қатламларидан 300 га яқин намуналар олинди. Олинган намуналарга ўша куннинг ўзида ишлов берилди.

Ўсимликларнинг вегетатив аьзолари ва ризосфера тупроғидан нематодаларни ажратиб олиш учун лаборатория шароитида фитогелъминтологияда кенг қўлланиладиган Берманнинг воронкали усули ва унга айрим ўзгартиришлар киритилган бошқа усуллардан [8] фойдаланилди. Ажратиб олинган ва 5 % ли формалинда фиксацияланган нематодалардан вақтинчалик (глицерин-спирт) ва доимий (глицерин-желатинда) микропрепаратлар тайёрланди.

**Тадқиқот натижалари**

Қоратепа тоғ массивининг ўрта зонасида ўсувчи кўп йиллик ўсимликлар нематодафаунаси 93 турдан иборат бўлди. Аниқланган турлар Де Лей ва бошқалар [1] томонидан таклиф этилган замонавий филогенетик систематикага асосланган ҳолда таҳлил қилинди. Натижада нематодафауна таркибидаги 93 тур Nematoda (Nematodes) лар типининг иккита синфи (Enoplea, Chromadorea), 3 та кенжа синф (Enoplia, Dorylaimia, Chromadoria) ва 6 туркумига мансуб бўлди.

Аниқланган турлар туркумлар бўйича таҳлил қилинганда Rhabditida туркуми ўз таркибидаги турлар сони (63 тур, 67,7%) билан яққол доминант эканлиги маълум бўлди. Қолган турлар туркумлар бўйича қуйидагича тақсимланди: Monhysterida – 3, Plectida – 4, Areolaimida – 2, Dorylaimida – 17, Mononchida – 4 тур.

Кўп йиллик ўсимликларда топилган турларни озиқланиш усули ва ўсимликлар билан боғланганлик даражасига кўра А.А.Парамонов (1962) ва G.Yeates (1993) томонидан ишлаб чиқилган принципга асосида қуйидаги экологик гуруҳларга ажратилди [9,10]:

**Параризобионтлар гуруҳи.** Ушбу гуруҳ жами 27 турни ўз ичига олган ҳолда ўз навбатида озуқа тури ва озиқланиш усулига биноан учта кичик гуруҳларга ажратилди.

а) параризобионт детритофаглар – тупроқда ва сувдаги ўсимлик чириндиси билан озиқланувчилар ҳисобланиб, улар Monhystera, Rhabdolaimus, Cylindrolaimus авлодларининг 5 турини ўз ичига олди.

Другой важной характеристикой оценки потенциальной опасности эрозии почв является интенсивность выпадении осадков. Например, по наблюдениям установлено, что размыв почвы при ливневой эрозии неразрывно связан с

интенсивностью выпадения осадков в единицу времени. На большой части края смыв начинается при интенсивности дождей 0,2 мм/мин. Превышение этой интенсивности резко увеличивает смыв поверхностного слоя почвы. При малой крутизне склона и на начальной стадии эрозии происходит плоскостной сток. При увеличении крутизны склона и его протяженности образуется лавинный эффект и происходит линейный размыв почвы [4] (А.Федотов, 2005).

Следующим фактором определяющие потенциальную опасность эрозии является почвенные показатели. По мнении М.Н.Заславского [2] к основным почвенным показателям, определяющим степень потенциальной опасности эрозии можно отнести:

1) Генетической тип и подтип почв- генетические типы и подтипы почв характеризуются разной противоэрозионной устойчивостью, точнее с различием мощности гумусового горизонта, содержанием карбонатов, механическим составом почв и т.д. При составлении карт эрозионноопасности земель по этому признаку должна проводиться с учетом структуры почвенного покрова по следующим показателям: площадь почв данного генетического типа в % на количественный показатель противоэрозионной устойчивости почв + площадь почв другого генетического типа в % на количественный показатель противоэрозионной устойчивости + и т.д.

2) Степень смытости почв – противоэрозионная устойчивость различных генетических и подтипов почв во многом определяется степенью их смытости, причиной этому является изменения в их химическом составе. С увеличением смытости почв как правило их противоэрозионная устойчивость снижается, причем уровень снижения зависит от типа почв. Исходя из этого, для разных типов и подтипов почв должны быть приняты различные коэффициенты количественной оценки уровня снижения противоэрозионной устойчивости в связи со степенью смытости.

3) Оструктуренность почв – содержание суглинистых и глинистых почвах водопрочных структурных агрегатов является важнейшей характеристикой их противоэрозионной устойчивости. Для оценки потенциальной опасности эрозии в связи с состоянием оструктуренности почв должна быть выработана оценочная шкала, учитывающая содержание водопрочных структурных агрегатов.

4) Водопроницаемость почв- степень потенциальной опасности эрозии определяется и их водопроницаемостью в период выпадения осадков и стока талых вод. При этом водопроницаемость почв определяется механическим составом легких почв, оструктуренностью тяжелых почв, а также состоянием физического состояния верхнего слоя почвы.

Очередным фактором потенциальной опасности эрозии почв является растительный покров. Климат, рельеф и почвы могут в той или иной мере создавать потенциальную опасность эрозии, а растительные покров уменьшает возможность проявления эрозии или полностью ее предупреждает.

Большую противоэрозионную роль играет не только хорошо развитая надземная часть травянистой растительности, но и ее сильно развитая корневая

система. Такие авторы как В.Л.Арманд [1], В.Н.Павлов [3], М.Н.Заславский [2] в своих трудах упоминали, что корневая система скрепляет поверхностный слой почвы, образует хорошую дернину и уменьшает проявление эрозии. Почвозащитная характеристика растительного покрова должна учитываться по ее состоянию в эрозионноопасные периоды: в период стока талых вод, в период выпадения наиболее количество осадков, которые в свою очередь вызывают эрозию.

В данной статье мы рассмотрели наиболее общие показатели оценки потенциальной опасности эрозии в связи с проектированием противоэрозионных мероприятий.

**Список литературы:**

1. Арманд В.Л.Региональные системы противоэрозионных мероприятий. Изд-во «Мысль». М., 1972.
2. Заславский М.Н.Эрозия почв и земледелие на склонах. Изд – во «Карта Молдовеньскэ», Кишенев, 1966.
3. Павлов В.Н.Растения против эрозии. «Природа», №12, 1969
4. Федотов А., Морозов Н., Федотова Л. Как уберечь землю от водной эрозии. «Земля и жизнь» независимая аграрная журнал Кубани, №15. 2005. сайт: Smi.kuban info/ www. Forexclub.ru.

**УДК: 633.511+631.524**

## БАРГ ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН ҒЎЗА НАМУНАЛАРИНИНГ $F_1$ ЎСИМЛИКЛАРИДА ТУРЛИ СУВ РЕЖИМИ ШАРОИТЛАРИДА “БИТТА КЎСАКДАГИ ПАХТА ОҒИРЛИГИ” БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

Хамдуллаев Шухрат Абдурахмонович, Абзалов Мирадхам Фузаилович, Набиев Саидған
Мухторович, Шавқиев Жалолиддин Шамсутдинович.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз қўрғони, E-mail: shuxratxamdullayev@mail.ru

***Аннотация:*** *Мақолада ғўзанинг G.hirsutum L. турига мансуб, барг шакли яхлит (Л-501, Детерминант-2), ланцетсимон (Детерминант-3), қирқимли (Л-490) бўлган тизмалари барг шакли киртикли бўлган Ишонч нави билан дурагайлашдан олинган реципрок дурагай ўсимликларида “битта ўсимликдаги пахта оғирлиги” белгисининг турли сув режими шароитларида ирсийланиши ва мослашувчанлик кўрсаткичлари келтирилган. Олинган натижаларнинг таҳлилига кўра, Ишонч навининг мазкур белгини назорат қилувчи генлари Л-490 х Ишонч ва Ишонч х Детерминант-2 комбинацияларида Л-490, Детерминант-2 тизмаларининг генлари устидан тўлиқ, Ишонч х Детерминант-3, Детерминант-3 х Ишонч, Ишонч х Л-501, Л-501 х Ишонч комбинацияларида эса Детерминант-3 ва Л-501 тизмалари генлари устидан тўлиқсиз доминантлик қилиши баён этилган.*

***Калит сўзлар:*** *Ғўза, G.hirsutum L., барг шакли, сув режими, ирсийланиш, доминантлик, гетерозис, мослашувчанлик.*

# НАСЛЕДОВАНИЕ В РАЗНЫХ УСЛОВИЯХ ВОДНОГО РЕЖИМА ПРИЗНАКА «ВЕС ХЛОПКА-СЫРЦА ОДНОЙ КОРОБОЧКИ» У РАСТЕНИЙ $F_1$ ОБРАЗЦОВ ХЛОПЧАТНИКА С РАЗНОЙ ФОРМОЙ ЛИСТА

Хамдуллаев Шухрат Абдурахмонович, Абзалов Мирадхам Фузаилович, Набиев Саидғани Мухторович, Шавқиев Жалолиддин Шамсутдинович.

***Аннотация:*** *В статье привидении показатели наследования и адаптивности признака «вес хлопка-сырца одной коробочки» у реципрокных гибридных растений, полученных при скрещивании линий с цельнокроеными листьями (Л-501, Детерминант-2), ланцетными листьями (Детерминант-3), рассеченными листьями (Л-490), и с сорта Ишонч с пальчато-дольчатыми листьями вида G.hirsutum L. По анализу полученных результатов гены контролирующие данного признака у сорта Ишонч, полностью доминируют в комбинациях Л-490 х Ишонч и Ишонч х Детерминант-2 над генами Л-490 и Детерминант-2 и не полностью доминируют в комбинация Ишонч х Детерминант-3, Детерминант-3 х Ишонч, Ишонч х Л-501 и Л-501 х Ишонч над генами Детерминант-3 и Л-501.*

***Ключевые слова:*** *Хлопчатник, G. Hirsutum L., форма листьев, водный режим, наследственность, доминирование, гетерозиз, адаптивность.*

# INHERITANCE UNDER DIFFERENT CONDITIONS OF THE WATER REGIME OF THE TRAIT “MASS PER BOLL” IN $F_1$ PLANTS OF COTTON SAMPLES WITH DIFFERENT LEAF SHAPES

Khamdullaev Shukhrat Abdurakhmonovich, Abzalov Miradham Fuzailovich, Nabiev Saidgani Mukhtorovich, Shavkiev Jaloliddin Shamsutdinovich.

***Annotation:*** *In a ghost article, the indicators of inheritance and adaptability of the trait “mass per boll” in reciprocal hybrid plants obtained by crossing lines with round leaf (L-501, Determinant-2), lanceolate leaves (Determinant-3), okra leaves (L-490), and from Ishonch cultivar with normal leaves of the species G.hirsutum L. According to the analysis of the results, the genes controlling this trait in Ishonch cultivar completely dominate the combinations of L-490 x Ishonch and Ishonch x Determinant-2 over the genes L-490 and Determinant 2 and e totally dominated in combination Ishonch x Determinant-3, Determinant-3 x Ishonch, Ishonch x L-501 and L-501 x Ishonch above genes Determinant-3 and L-501.*

***Key words:*** *Cotton, G. Hirsutum L., leaf shape, water regime, heredity, dominance, heterosis, adaptability.*

**Кириш.** Ҳозирги замон ғўза селекциясининг камчиликларидан бири - ғўза генофондининг дунёвий хилма-хиллигидан етарли даражада фойдаланмаслигидадир [1].

Ўзбекистон ғўза коллекцияларида кўплаб хорижий ва маҳаллий намуналар тўпланган, бу намуналардан селекция жараёнида фойдаланиш ҳозирги замон талабидир.

Кейинги йилларда Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда сув танқислиги рўй бермоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қурғоқчиликка чидамли ва айни пайтда ҳосилдорлиги ҳамда ҳосил сифати юқори бўлган навларни яратиш ва уларни жорий этиш лозим. Шу сабабли, ғўза коллекциясидаги мавжуд намуналарни турли сув режими шароитларида ҳосилдорлик элементлари бўйича ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ғўза ўсимлигида битта кўсакдаги пахта оғирлиги ҳосилдорликнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам генетик селекцион изланишларда мазкур белгининг намоён бўлиши, ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

А. Имомалиев (1965) ўз тажрибалари натижасида битта кўсакдаги пахта оғирлиги аввало шу навнинг биологик хусусиятларига, кўчат қалинлигига, сув ва озиқа режимларига боғлиқлигини қайд этган [2].

Бир қатор хорижий ва маҳаллий олимларнинг изланишларига кўра, ғўзада турли чатиштиришлар асосида олинган дурагайларда битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгиси кам ўзгарувчан бўлиб, тўлиқ ҳамда тўлиқсиз доминантлик ҳолатида ирсийланади [3-6]. Шу билан бирга, турли сув режими шароитларида барг шакли ҳар-хил бўлган намуналарда бу белгининг намоён бўлиши ва $F_1$ ўсимликларида ирсийланиши деярли ўрганилмаган.

**Тадқиқот методологияси** Тадқиқот объекти сифатида ғўза коллекциясидаги барг шакли билан ўзаро фарқланувчи Детерминант-2 (яхлит-думалоқ), Детерминант-3 (яхлит-ланцетсимон) *Л*-501 (яхлит-думалоқ), *Л*-490 (беш панжали - ўта қирқимли) тизмалари оддий барг шаклига (беш панжали - киртикли) эга бўлган Ишонч нави билан ўзаро дурагайлаб олинган $F_1$ реципрок ўсимликларининг битта кўсакдаги пахта оғирлиги кўрсаткичлари турли суғориш режимларида ўрганилди.

Барг пластинкаси шаклини номлашда М.Ф. Абзалов томонидан келтирилган классификациядан фойдаланилди. [7]

Тажриба турли суғориш схемаларида олиб борилди. Сув билан оптимал таъминланган 1:2:1 схемасида 4 марта суғориш, Сув билан кам таъминланган 1:1:0 схемаси бўйича 2 марта суғориш ўтказилди. Ҳар икки фонда бир хил агротехника ишлари олиб борилди.

Ғўза намуналарининг қурғоқчиликка бирор белги бўйича таъсирчанлик даражалари, мослашувчанлик коэффициенти (Кмос%.) S.A. Ebarhart, W.A. Russel [8] формуласи бўйича аниқланди:

$$Кмос\% = (\frac{x_1}{x_2} * 100) - 100\%$$

Бунда: $x_1$ – белгининг сув танқислигидаги кўрсаткичи, $x_2$ – белгининг сув билан оптимал таъминлангандаги кўрсаткичи.

$F_1$ авлодларида доминантлик коэффициенти G.M. Beil ва R. E. Atkins [9] ишларида келтирилган S. Wright формуласи бўйича ҳисобланди:

$$hp = \frac{F_1 - MP}{P - MP}$$

hp – доминантлик коэффициенти, $F_1$– биринчи авлод белгисининг ўртача арифметик кўрсаткичи, MP – иккала ота – она шакл белгисининг ўртача арифметик кўрсаткичи, P – энг яхши ота ёки она шакл белгисининг ўртача арифметик кўрсаткичи.

**Таҳлил ва натижалар.** Тажриба натижаларига кўра, ота-она шаклларининг ичида Ишонч навининг битта кўсакдаги пахта оғирлиги энг юқори бўлиб, сув билан оптимал таъминланганлик шароитида 5,90±0,35 граммни, сув танқислиги шароитида эса 5,37±0,43 г ни ташкил этди. *Л*-501 тизмасида белги бўйича оптимал шароитда 2,96±0,20 г., сув танқислиги шароитида эса 2,84±0,10 г. кўрсаткич билан энг паст натижа қайд этилди. Битта кўсакдаги пахта оғирлиги бўйича мослашувчанлик коэффициенти (Кмос%) нинг энг паст кўрсаткичлари барг шакли яхлит бўлган Детерминант-2, *Л*-501, ва Детерминант-3 тизмаларида бўлиб, мос равишда -5,7%, -4,1% ва -2,4% ни, барг шакли киртикли Ишонч нави ва ўта-қирқимли *Л*-490 тизмасида -9,0% ва 8,3% ни ташкил этди, яъни Ишонч ва *Л*-490 ушбу белги бўйича турли сув режими шароитларида юқорироқ ўзгарувчанликка эга бўлдилар (1-жадвал).

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида $F_1$ ўсимликларида битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгисининг энг юқори кўрсаткичлари *Л*-490 х Ишонч (6,09±0,16 г.), Ишонч х *Л*-490 (5,80±0,32 г.) ва Ишонч х Детерминант-2 (5,91±0,21 г.), нисбатан майда кўсак Ишонч х *Л*-501 (3,69±0,15 г.) комбинациялари ўсимликларида қайд этилди (1-жадвал).

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида *Л*-490 х Ишонч ва Ишонч х Детерминант-2 комбинацияларида битта кўсакдаги пахта оғирлиги бўйича ирсийланиш даражаси мос равишда hp= 3,9 ва hp= 1,0 ни ташкил этиб, биринчи комбинацияда ижобий ўта устунлик, иккинчи комбинацияда эса юқори кўрсаткичли Ишонч навининг тўлиқ устунлиги ҳолатлари қайд этилди. Барг шакли киртикли бўлган Ишонч навининг яхлит баргли Детерминант-3 ва *Л*-501 тизмалари билан чатиштириб олинган реципрок дурагай комбинацияларида ушбу белги паст кўрсаткичли тизмаларнинг тўлиқсиз устунлиги ҳолатида ирсийланди. (1-жадвал).

Сув танқислиги шароитида $F_1$ ўсимликларида битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгисининг энг юқори кўрсаткичи Ишонч х Детерминант-2 ва *Л*-490 х Ишонч комбинацияларида (мос равишда 5,82±0,19 г. ва 5,61±0,13 г.) аниқланди. Ишонч нави ва *Л*-501 тизмасининг ўзаро реципрок дурагай ўсимликларида эса ушбу белги бўйича кўрсаткичи бошқа комбинацияларга нисбатан паст натижани (Ишонч х *Л*-501 - 3,48±0,17 г., *Л*-501 х Ишонч - 3,78±0,14 г.) намоён қилди (1-жадвал).

Сув билан танқислиги шароитида битта кўсакдаги пахта оғирлиги бўйича ирсийланиш даражаси *Л*-490 х Ишонч ва Ишонч х Детерминант-2 комбинацияларида мос равишда hp=7,0 ва hp=1,5 бўлиб, белги ижобий ўта устунлик ҳолатида ирсийланди. Ишонч х *Л*-490 комбинацияси ўсимликларида белги бўйича ирсийланиш даражаси hp= -12,3 ни ташкил этиб, салбий гетерозисли ўта устунлик ҳолати кузатилди. Ишонч навининг Детерминант-3, ва *Л*-501 тизмалари билан ўзаро реципрок дурагай ўсимликларида битта кўсакдаги пахта оғирлиги оралиқ ва паст кўрсаткичли тизмаларнинг тўлиқчиз устунлиги ҳолатларида ирсийланди.

1-жадвал

**Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ғўза намуналари ва уларнинг $F_1$ ўсимликларида битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгисининг ирсийланиш даражаси ва мослашувчанлик коэффициенти**

| | Ота-она ва $F_1$ ўсимликлари | О.Ф. | hp | Гет% | М.Қ. | p | Гет% | Кмос% |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ишонч | 5,90±0,35 | | | 5,37±0,43 | | | -9,0 |
| | *Л*-490 | 5,77±0,03 | | | 5,29±0,15 | | | -8,3 |
| | Детерминант-2 | 3,71±0,19 | | | 3,50±0,35 | | | -5,7 |
| | Детерминант-3 | 3,37±0,23 | | | 3,29±0,78 | | | -2,4 |
| | *Л*-501 | 2,96±0,20 | | | 2,84±0,10 | | | -4,1 |
| | Ишонч х *Л*-490 | 5,80±0,32 | -0,5 | -1,7 | 4,84±0,22 | 12,3 | -9,9 | -16,6 |
| | *Л*-490 х Ишонч | 6,09±0,16 | 3,9 | 3,2 | 5,61±0,13 | ,0 | 4,5 | -7,9 |
| | Ишонч х Детерминант-2 | 5,91±0,21 | 1,0 | 0,2 | 5,82±0,19 | ,5 | 8,4 | -1,5 |
| | Детерминант-2 х Ишонч | 4,19±0,52 | -0,6 | -29,0 | 4,26±0,35 | 0,2 | -20,7 | 1,7 |
| | Ишонч х Детерминант-3 | 4,55±0,25 | -0,1 | -22,9 | 4,24±0,17 | 0,1 | -21,0 | -6,8 |
| | Детерминант-3 х Ишонч | 4,40±0,08 | -0,2 | -25,4 | 4,29±0,25 | 0,04 | -20,1 | -2,5 |
| | Ишонч х *Л*-501 | 3,69±0,15 | -0,5 | -37,5 | 3,48±0,17 | 0,5 | -35,2 | -5,7 |
| | *Л*-501 х Ишонч | 4,12±0,18 | -0,2 | -30,2 | 3,78±0,14 | 0,3 | -29,6 | -8,3 |

*Изоҳ: О.Ф. –Оптимал сув режими фони; М.Қ. – Моделлаштирилган қурғоқчилик; hp – Доминантлик даражаси; Гет%- Гетерозис; Кмос% - Мослашувчанлик коэффициенти.*

Тадқиқотларимизда ўрганилган биринчи авлод ўсимликлари битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгиси бўйича сув танқислиги шароитига турлича таъсирчанлик кўрсатдилар.

Сув танқислиги стрессига энг юқори таъсирчанлик Ишонч х *Л*-490 комбинациясида (Кмос%= -12,3%), энг кам таъсирчанлик эса Ишонч х Детерминант-2 (Кмос%= -1,5%) ва Детерминант-2 х Ишонч (Кмос%= 1,67% ) комбинацияларида қайд этилди (1-жадвал).

Оптимал ва сув танқислиги шароитларида ўрганилган $F_1$ комбинациялари ичида *Л*-490 х Ишонч ва Ишонч х Детерминант-2 ўсимликларининг битта кўсакдаги

пахта оғирлиги юқори бўлиб, белги бўйича ижобий гетерозис намоён бўлди. бошқа комбинацияларда эса ҳар иккала фонда салбий гетерозис ҳодисаси кузатилди.

**Хулоса.** Ғўза ҳосилдорлигининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган – битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгисини ривожланишида иштирок этувчи генларни турли сув режими шароитларида тадқиқ қилиш жараёнида бошланғич ашё сифатида фойдаланилган Ишонч навининг мазкур белгини намоён қилувчи генлари *Л*-490 х Ишонч *Л*-490 ва Ишонч х Детерминант-2 комбинацияларида *Л*-490, Детерминант-2 тизмаларининг генлари устидан тўлиқ доминантлик қилиб, белги бўйича ижобий гетерозис кузатилди. Ишонч х Детерминант-3, Детерминант-3 х Ишонч, Ишонч х *Л*-501, *Л*-501 х Ишонч комбинацияларида эса Детерминант-3 ва *Л*-501 тизмалари генлари устидан тўлиқсиз доминантлик қилиши қайд этилди. Сув танқислиги шароитида битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгиси бўйича дуругайлаш ишларини олиб боришда Ишонч навини *Л*-490 тизмаси билан она сифатида, Детерминант-2 тизмаси билан эса ота сифатида фойдаланиш самарали эканлиги аниқланди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Kohel, R. J., Yu J. Z., Park Y.H., and Lazo G.. «Molecular mapping and characterization of traits controlling fiber quality in cotton». Euphytica 121: 2001. 163–172.
2. Имомалиев А. Регулятолры роста растений, Изд-во Узбекистан. - Ташкент, 1965. с. 157.
3. Абдул Джалил Хассан Мухамед Аль Харани. Эффективность парной и сложной гибридизации в улучшении селекционно-ценных признаков хлопчатника: Автореф. на соис. уч. степ. канд. с\х. наук . Ташкент- 1995. с.-19
4. Сайдалиев Х., Исмоилов Н., Тожибоев А. Кўсак вазнининг ирсийланиши. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2005. №1. –Б.15.
5. Рахимбоев Р.Р., Зеленина Р.Ф. Наследование некоторых хозяйственных признаков у хлопчатника// Генетика и селекция хлопчатника.- Т.: Фан, 1976.- С.91-96. 324 б.
6. Shakeel A., Farooq J., Amjad Ali M., Riaz M., Farooq A., Saeed A. and Saleem M. Inheritance pattern of earliness in cotton (*Gossypium hirsutum L.*) // Australian Journal of Crop Science. October 2011. p. 1224-1231
7. Абзалов М.Ф. Gossypium hirsutum L. ғўзада генларнинг ўзаро таъсири. “Фан” наширёти, Тошкент 2010. 12 бет.
8. Ebarhart S.A, Russel W.A. Stability parameters for comparing parameters. // Crop. Sci, 1966. V. 6. – P. 36-40.
9. Beil G.M., Atkins R.E. Inheritance of quantitative characters in grain sorgum // Jowa State Journal of Science., V.39.-№3. 1965.– P. 345-358.


**УДК:631.481; 452**

## МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ШИМОЛИЙ ҚИСМИ ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АНТРОПОГЕН ОМИЛ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ

Қаландаров Назимхон Назирович, Исмонов Абдувахоб Жўраевич, Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич[1]

1. Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти
2.

***Аннотация***. *Мақолада Марказий Фарғона шимолий қисмида жойлашган Мингбулоқ туманида тарқалган гидроморф тупроқларнинг 1971, 1984 ва 2019 йиллардаги ҳолати ўзаро таққосланган бўлиб, ўзлаштириш ва сугориш таъсирида кейинги 40-45 йил давомида асосий тупроқ гуруҳлари ва механик таркибида бир қатор ўзгаришлар содир бўлган. Яъни 1971 йилда шўрхоклар мажмуаси Мингбулоқ тумани жами ер майдонининг 42,2 фоизини ташкил этган бўлиб, бугунги кунда ерларни қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритилиши натижасида, шўрхоклар ўрнинида сугориладиган кучсиз ва ўртача даражада шўрланган гидроморф тупроқлар ҳосил бўлган.*

***Калит сўзлар:*** *Марказий Фарғона, гидроморф тупроқлар, сугориладиган ўтлоқи тупроқлар, ўтлоқи аллювиал, шўрланиш даражаси, механик таркиб.*

## ГИДРОМОРФНЫХ ПОЧВ СЕВЕРНОЙ ЧАСТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ ФЕРГАНЫ И ИХ ИЗМЕНЕНИЕ ПОД ВЛИЯНИЕМ АНТРОПОГЕННОГО ФАКТОРА

Каландаров Назимхон Назирович, Исмонов Абдувахоб Жураевич, Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич[1]
1. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии

***Аннотация***. *В статье преставлен материал по сопоставлению данных по состоянию гидроморфных почв Мингбулакского района в распростаненных в северной части Центральной Ферганы и установлено, что в результате их освоения и орошения последные 40-45 лет, произошли измененния в основных группах почв и их механическом составе. В 1971 году солончаковый комплекс в Мингбулакского районе занимал 42,2 % от общей площади земель и в настоящее время, в результате их сельскохозяйственного использования, на месте солончаков образовались гидроморфные почвы слабо и средней засоленыя.*

***Ключевые слова:*** *Центральная Фергана, гидроморфные почвы, орошаемые луговые почвы, луговые аллювиальные, степень засоления, механический состав*

## HYDROMORPHIC SOILS OF THE NORTHERN PART OF CENTRAL FERGANA AND THEIR CHANGE UNDER THE INFLUENCE OF ANTHROPOGENIC FACTOR

Kalandarov Nazimkhon, Ismonov Abduvahob, Abdurakhmonov Nodirjon[1]
1. Research Institute of Soil Science and Agrochemistry
2.

***Annotation.*** *The article presents material on comparing data on the state of hydromorphic soils of the Mingbulak district in those distributed in the northern part of Central Fergana and it is established that as a result of their development and irrigation the last 40-45 years, changes have occurred in the main soil groups and their mechanical composition. In 1971, the solonchak complex in the Mingbulak district occupied 42.2% of the total land area, and now, as a result of their agricultural use, hydromorphic soils of weakly and medium salinity have formed on the site of solonchaks.*

***Key words:*** *Central Ferghana, hydromorphic soils, irrigated meadow soils, meadow-alluvial, degree of salinization, mechanical composition*

## КИРИШ

Ҳозирги кунда республикамизда суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурлари доирасида кенг кўламли мелиорация тадбирлари ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш» бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, республикамизда суғориладиган гидроморф тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, мавжуд деградация жараёнларни олдини олиш, тупроқларни экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ сифатини баҳолаш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш муҳим аҳамият касб этади.

## МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Марказий Фарғона чўл зонасининг шимолий қисмида жойлашган тадқиқот объекти - Мингбулоқ тумани суғориладиган тупроқлари, ўтган асрнинг иккинчи яримидан бошлаб оммавий равишда ўзлаштирила бошланган. Дастлабки ўзлаштириш ишлари ҳудудда Й. Охунбобоев номли канал қурилгандан сўнг жаддаллашган ва канал сувлари етиб бориши мумкин бўлган, чап ва ўнг томонлари ҳамда Сирдарёни II-қайир усти терасаларини ўзлаштириш ишлари бошланган. Ҳудуднинг тупроқ қопламларида ўзлаштириш ва суғориш ишлари шарқдан ғарбга томон, яъни оқар сувларни йўналиши бўйлаб давом эттирилган, чунки бирламчи қазилган зовурлар суви оқимини таъминлаш биринчи ўринга қўйилган эди.


Ўтган асрнинг 75 йилларига келиб, тупроқ-мелиоратив тадқиқотлари маълумотлари асосида қўшимча 160 минг гектар ерларни ўзлаштириш ва суғориш ишлари жадал бошланган. Бу даврда Марказий Фарғона ерлари республикада тайёрланган пахта хом ашёсининг 8% ини ташкил этган. Марказий Фарғона чўл зонасида Катта Андижон, Катта Фарғона каналларини ўтказилиши ҳудудда қўшимча 75% ўзлаштирилмаган ерлардан фойдаланиш имкониятларини очиб берган ва уч вилоят бўйича қўшимча 150 та хўжаликларни фаолият юритишига олиб келган [1].

Ҳозирги даврда Марказий Фарғона чўл зонасида хусусан, тадқиқотлар олиб борилган унинг шимолий қисми ҳудудларида катта ер майдонлари ўзлаштирилган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига киритилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига киритилган ер майдонлари турли литологик, геологик ва рельеф тузилишларига эга бўлганлиги боис, ҳамма ерларда ҳам ўзлаштириш ишлари яхши натижалар кўрсатмаган. Ҳудуд тупроқларидаги асосий муаммо тупроқларни мелиоратив ҳолати оғирлиги бўлиб, ўзлаштириш ишлари бошлангандан сўнг ер

ости сувлари сатҳини вегетация даврида кўтарилиб кетиши оқибатида, мелиоратив ҳолати оғир шўрланган ерлар майдонининг кенгайиб кетиши ҳамда шамол эрозияси натижасида, тупроқда эрозия жараёнларининг ривожланиши кузатилган. Бу албатта, тупроқларни унумдорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган, оқибатда эса қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилни камайиб кетишига олиб келган.

## ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАР

Тадқиқот ҳудуди Мингбулоқ тумани N-40°51'48", E-71°27'35" денгиз сатҳидан 374 м баландликда, Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашган бўлиб, шимолдан вилоятнинг Тўрақўрғон, шимолий-шарқдан Наманган, шимолий-ғарбдан Поп туманлари, жанубий-шарқдан Андижон вилояти, жанубий ва жанубий-ғарбдан Фарғона вилоятининг туманлари билан чегараланган (1-расм).




**1-расм. Мингбулоқ тумани географик ўрни (схематик харитаси)**

Тадқиқот объекти сифатида Марказий Фарғонанинг шимолий қисмида жойлашган Наманган вилояти Мингбулоқ тумани суғориладиган тупроқлари танланган. Тадқиқот ўтказиладиган ҳудуд тупроқ қоплами, чўл зонасининг:

- Сўх дарёси ёйилмаси чекка қисмидаги қадимги аллювиал текисликларга ёндош, пролювиал-аллювиал ётқизиқлардан ташкил топган ҳамда;

- Сирдарё дарёсининг қатламли аллювиал ётқизиқлардан ташкил топган I ва II террасалари геоморфологик районларида жойлашган.


Дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар ТАИТИ ва ЎзПИТИ институтларида ишлаб чиқилган умумқабул қилинган услубларда, шунингдек, охирги йилларда чоп этилган “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома” лар [2,3] асосида амалга оширилган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Марказий Фарғона шимолий қисмида жойлашган Мингбулоқ тумани ер майдонлари (1971 йили Ер кадастри шўъба корхонаси (ШК) маълумотлари) тупроқ

қопламларида ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи, шўрхоклар ва типик шўрхоклар, ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқ мажмуалари ажратилган. Натижаларга кўра, ўтлоқи тупроқлар 42,1 фоиз, ботқоқ-ўтлоқи 6,3 фоиз, шўрхоклар 19,3 фоиз, типик шўрхоклар, ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқ мажмуалари 22,9 фоизни, бошқа ерлар 9,4 фоизни ташкил этган (2-расм). Тупроқларни механик таркиби 1971 йилда турли-туман бўлиб, бу уларнинг генезиси, тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар ва инсонларнинг маданий ирригация фаолияти билан боғлиқ. Тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларни асосини пролювиал, аллювиал, кўл–аллювиал, аллювиал–пролювиал ётқизиқлар ташкил қилганлиги сабабли, ётқизиқларда ҳосил бўлган тупроқларнинг механик таркиби ҳам турлича жумладан, оғир қумоқли, ўрта қумоқли ва енгил қумоқли тупроқларни учратиш мумкин.

Механик таркибини қатламлилиги тупроқлардан ковланган ҳар бир кесмаларда ҳам кузатилди. Ўрганилган тупроқлар асосан механик таркиби бўйича оғир, ўрта, енгил қумоқли бўлиб, кесма бўйича пастга томон қумлоқли таркибдан иборат. Унга кўра, туман тупроқларида оғир қумоқли тупроқлар 17,7 фоиз, ўрта қумоқли 22,1 фоиз, енгил қумоқли 50,8 фоиз, бошқа ерлар 9,4 фоизни ташкил этган(2-расм).





| «Еркадастри» ШК маълумотлари | «Еркадастри» ШК маълумотлари | Н.Қаландаров маълумотлари |
|---|---|---|

**2-расм. Мингбулоқ тумани ерларининг асосий тупроқ гуруҳлари бўйича ер фонди тавсифи (майдони фоиз ҳисобида)**

Кейинги ўтказилган тупроқ тадқиқотлари (Ер кадастри ШК) 1984 йилда бўлиб, ўтлоқи тупроқлар майдони 60,0 фоиз, ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар 5,0 фоиз, шўрхоклар 7,0 фоиз ва типик шўрхоклар, ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқ мажмуалари 28,0 фоиз ва бошқа ерлар 3,0 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, ўрганилган тупроқлар асосан механик таркиби бўйича оғир, ўрта, енгил қумоқли ва қумлоқли таркиблардан ташкил топган. Бунда оғир қумоқли тупроқлар 17,0 фоиз, ўрта қумоқли 21,0 фоиз, енгил қумоқли 11,0 фоиз, қумлоқли ва қумлар 48,0 фоиз, бошқа ерлар 3,0 фоизни ташкил этган.

Биз олиб борган тупроқ тадқиқотларимиз давомида (2008-2017 йиллар) олинган маълумотларга кўра, туман тупроқларида катта ўзгаришлар қайд этилган яъни, янгидан ажратилган ўтлоқи аллювиал тупроқлар 29,6 фоиз, ўтлоқи саз тупроқлар 15,0 фоиз, ўтлоқи тупроқлар 28,5 фоиз ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар 0,3 фоиз ва бошқа ерлар 26,5 фоизни ташкил этди. Ўрганилган тупроқлар турли механик таркибида учрайди, унга кўра оғир қумоқли тупроқлар 8,9 фоиз, ўрта қумоқли 17,3 фоиз, енгил қумоқлилар 18,5 фоиз, қумлоқлар 17,4 фоиз, қумлар 11,4 фоиз ва бошқа ерлар 26,5 фоизни ташкил этди (3-расм).




| Ер кадастри ШК маълумотлари | Ер кадастри ШК маълумотлари | Н.Қаландаров маълумотлари |
|---|---|---|

**3-расм Мингбулоқ тумани ерларининг механик таркиби бўйича ер фонди тавсифи (майдони фоиз ҳисобида)**

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, Марказий Фарғона чўл зонасининг шимолий қисмида жойлашган ва ҳозирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жадал фойдаланилаётган тупроқ қопламларида кейинги 40-45 йил мобайнида, тупроқ гуруҳлари, механик таркиби ва мелиоратив ҳолатиларида катта ўзгаришлар юз берганлиги қайд этилди [4]. Ўрганилган тадқиқот жойи тупроқ қопламларидан 1971, 1984 ва 2017 йилларда қишлоқ хўжалигида жадал фойдаланишлар яъни, узлуксиз суғоришлар натижасида ҳозирги кунга келиб, ўтлоқи аллювиал тупроқлар гуруҳи майдони 29,6%, ўтлоқи саз тупроқлар гуруҳи 15,1% ташкил этганлиги ҳамда ушбу тупроқлар 1971 йилда ушбу алоҳида тупроқ гуруҳлари сифатида қайд этилмаган. Сабаби, тупроқларни таснифлашда юқоридаги тупроқ гуруҳлари алоҳида ажратилишига маълумотлар етарли эмас эди. Бу ерда чўл зонасининг ўтлоқи тупроқлари майдони 1971 йилда 42,1 % дан 2017 йилга келиб 28,5% га камайганлиги аниқланди. Шунингдек, 1971 йилда шўрхоклар мажмуаси сифатида ажратилган майдонлар ҳозирга келиб кузатилмади. Бу ҳолат Марказий Фарғонани шимолий қисми ҳудудларида ўтказилган деҳқончилик тизимини юритиш ишлари (мелиоратив тадбирлар, қуритиш ишлари ва бошқалар) билан боғлиқ бўлган [5;6].

Ўрганилган ҳудуд тупроқларининг ҳайдов қатлами бўйича механик таркиби таққосланганда оғир қумоқли ер майдонлари 1971 йилда 17,7 % ташкил этган, ҳозирги кунга (2019) келиб улар майдони 8,9 % ташкил этганлиги кўринади ва бу ҳолат, тупроқларда ўтказилган текислаш ва агротехник тадбирлар билан боғлиқ бўлиб, натижада тупроқ профилида эллик йил мобайнида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқарганлиги билан изоҳланади. Ўрта қумоқли механик таркибли тупроқлар 1971 йилга нисбатан кам ўзгаришга учраб улар миқдори 22,1 фоиздан, 2017 йилда 17,3 фоизга камайган, енгил қумоқли тупроқларда ўзгаришлар катта бўлиб, 1971 йилда енгил қумоқли, қумлоқли ва қум таркибли ер майдонлари 50,8 фоиз майдонларда тарқалган бўлса, 2017 йилга келиб улар майдони 18,5 фоизга камайган, қумлоқ таркибли ер майдонлар 17,4 фоизни, қумлар 11,4 фоиз ва бошқа ерлар 26,5 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат тупроқ таркибидаги майда заррачаларни қуйи қатламларга ювилиши натижасида, тупроқни механик таркиби янада енгиллашган ва қумлоқли таркибга ўтганлиги ҳамда қўшимча қумли қўриқ ер майдонларини ўзлаштиришга тортилганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, эллик йил мобайнида шамол эрозияси ва ерларни даврий текислашлар натижасида ҳам ушбу тупроқларни юқори қатламлари қумоқли механик таркибдаги тупроқларга айланганлиги қайд этилди [7,8].

## ХУЛОСА

Марказий Фарғона шимолий қисмида гидроморф тупроқлар табиий омиллар натижасида шаклланган бўлиб, антропоген омил таъсирида ҳудуд агроландшафтлари рельефи нисбатан текисланган ва дарё сувларида келтирилган жинсларга боғлиқ ҳолда суғориладиган тупроқларда янги маданий қатламлар ҳосил бўлган.

Тадқиқот объектида 1971 йилларда мавжуд бўлган шўрхоклар мажмуалари ўрнида суғориладиган ўтлоқи аллювиал ва ўтлоқи саз тупроқлар ривожланган бўлиб, ҳозирда суғориладиган гидроморф тупроқларнинг майдони қарийб 3 баробарга ортганлиги қайд этилди.

Суғориладиган гидроморф тупроқларда механик заррачаларнинг энг кўп миқдори суғориш даврига боғлиқ ҳолда ўтлоқи аллювиал тупроқларда йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари, ўтлоқи саз тупроқларда майда қум (0,1-0,05 мм) заррачалари ҳамда ботқоқ-ўтлоқи тупроқларда майда чанг (0,005-0,001 мм) заррачалари тарқалган бўлиб, механик таркиби бўйича енгил қумоқ, қумлоқ ва қумли ерлар, оғир ва ўрта қумоқли ер майдонларига нисбатан 2 баробарга кўпайганлиги ниқланди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мақсудов А. Почвы Центральной Ферганы. –Ташкент, 1979.120 с.
2. Қўзиев Р., Абдурахмонов Н.Ю., Исмонов А.Ж. ва бошқалар Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома. -Тошкент, 2013.
3. Қўзиев Р., Сектименко В.Е., Исмонов А.Ж. Ўзбекистон тупроқ қопламлари атласи. Тошкент. 2010, - 48 бет.

4. Исмонов А.Ж., Парпиев Г.Т., Каландаров Н.Н., Мамажанова Ў.Х., Турдалиев Ж. Современное состояние орошаемых почв пустынной зоны Ферганской долины. Узбекский биологический журнал АН УзР, 2015. № 2. – стр. 46-49.
5. Муаллифлар жамоаси. Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги. ТАИТИ. Моногрфия. Тошкент, 2017. 328 бет.
6. Тешаев Ш., Холиқов Б., Қўзиев Р., Абдурахмонов Н., Исмонов А., Мансуров Ш., Иминов А., Расулова Ф., Хакимов Р., Саимназаров Ю., Сатторов М. // Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари тупроқлари ҳолати ҳамда унумдорлиги паст ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар. ТАИТИ. Илмий нашр. Тошкент, 2017.-72 бет.
7. Исмонов А.Ж., Абдурахмонов Н.Ю., Қаландаров Н.Н. Мингбулоқ тумани суғориладиган тупроқларининг ҳолати ва улар унумдорлигини сақлаш ва оширишга доир тавсиялар. “ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси” Тошкент, 2019. 23 бет.
8. Қаландаров Н.Н. Марказий Фарғона шимолий қисми суғориладиган гидроморф тупроқларининг ҳолати ва уларнинг антропоген омил таъсирида ўзгариши. Автореф. б.ф.ф.д. (PhD). –Тошкент, 2019. 20 бет.

## 05.00.00 ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
## ТЕХНИЧЕКИЕ НАУКИ
## TECHNICAL SCIENCES

# ЭКСТРИМАЛ ШАРОИТДА ЕТИШТИРИЛГАН КОВАР (CAPPARIS SPINOSA) ЎСИМЛИК МЕВАЛАРИНИ ҚУРИТИШДА МАХСУЛОТ ЧИҚИШ МИҚДОРИ ВА СИФАТ КЎРСАТГИЧЛАРИГА ҚУРИТИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

талаба Шарафиддинова Маҳлиёхон Фахриддин қизи.
ТошДАУ проф. Салихов Сурат Акрамович,
НамМТИ ҚХМСДИТ кафедра ассистенти Каримов Ислом Рустамалиевич,
магистр Хакимова Азиза Закирожон қизи,

***Аннотация:*** *Мақолада экстримал шароитда етиштирилган ковар(Capparis spinosa) ўсимлик меваларини қуритишда махсулот чиқиш миқдори ва сифат кўрсатгичларига қуритиш усулларининг таъсири хақида тадқиқотлар натижалари келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *ковар, қуритиш, офтоби, суний қуритгич, конвектив, қуритгич, ваиант.*

# ВЛИЯНИЕ МЕТОДОВ СУШКИ НА КОЛИЧЕСТВО И КАЧЕСТВО ПРОДУКТОВ ПРИ СУШКЕ ПЛОДОВ КОВАРА(CAPPARIS SPINOSA), ВЫРАЩЕННЫХ В ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ УСЛОВИЯХ

Салихов Сурат Акрамович профессор Ташкентского государственного университета
Каримов Ислом Рустамалиевич ассистент кафедры хранения и первичной переработки сельскохозяйственной продукции Наманганского инженерно-технологического института.
магистр Хакимова Азиза Закиржон қизи,
студент Шарафиддинова Маҳлиёхон Фахриддин қизи.

***Аннотация:*** *В статье представлены результаты исследования влияния методов сушки на количество и качество выхода продукта при сушке плодов кавара (Carraris spinosa), выращенных в экстремальных условиях.*

***Ключевые слова:*** *кавар, сушка, солнце, искусственная сушилка, конвективная сушилка, ваиант.*

# INFLUENCE OF DRYING METHODS ON THE QUANTITY AND QUALITY OF PRODUCT YIELD DURING DRYING OF FRUITS OF KOVAR (CAPPARIS SPINOSA) PLANT GROWN IN EXTREME CONDITIONS.

Salikhov Surat Akramovich professor of Tashkent State University
Karimov Islom Rustamaliyevich assistant of the Department of Storage and Primary Processing of Agricultural Products of Namangan Institute of Engineering and Technology.
Students Khakimova Aziza Zakirjonovna qizi,

Sharafiddinova Makhliyokhon Fakhriddin qizi.

***Annotation:*** *The article presents the results of research on the effect of drying methods on the quantity and quality of product yield in the drying of fruits of kavar (Carraris spinosa) grown in extreme conditions.*

***Keywords:*** *kavar, drying, sun, artificial dryer, convective, dryer, vaiant.*

Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш саноатида қуритиш алохида ахамият касб этади. Мева ва сабзавотларни қуритиш билан бирга шифобахш ўсимликларни хам қуритиш ахоли саломатлиги учун мухим хисобланади. Хозирги кунда қуритишда суний ва табиий усулда қуритиш технологиясидан фойдаланилади. Саноатда турли типдаги қуриткичлар ишлатилади. Қуритгичлар бир – биридан турли белгилар билан фарқ қилади. Нам материалга иссиқлик бериш усулига кура қуриткичлар конвектив, контактли ва бошқа турдаги қуритгичларга бўлинади. Иссиқлик ташувчи сифатида ҳаво, газ ёки буғ ишлатилиши мумкин. Қуритиш камерасидаги босимнинг қийматига кўраатмосферали ва вакуумли қуритгичлар бўлади. Жараённи ташкил қилиш бўйича даврий ва узлуксиз ишлайдиган қуриткичлар мавжуд. **[1]**

Конвектив қуритгичларда материал ва қуритувчи агент бир – бирига нисбатан тўғри, қарама – қарши ёки перпендикуляр ҳаракат қилиши мумкин. Қуритилиши лозим бўлган материал донасимон, кукунсимон, пастасимон ёки суюқ ҳолатда бўлади. Қуритувчи агентнинг босимини ҳосил қилиш учун табиий ёки мажбурий циркуляция ишлатилади. Донасимон материаллар ишлатилганда қатлам зич, кенгайтирилган, мавҳум қайнаш ва фонтансимон ҳолатларда бўлади. Қуритувчи агент буғ, иссиқсув, олов билан ишлайдиган калориферларда ёки электр токи ёрдамида иситилади. **[2]**

Шунга мувофиқ кавар (Capparis spinosa) ўсимлиги мевасидан техник етилган вақтида қуритиштехнологиясини амалга оширишда турли қуритиш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб хисобланган холда тажрибалар ўтказилди. Тажриба икки хил вариантда амалга оширилди. Биринчи вариантда қуритишнинг офтоби усулидан фойдаланилди. Иккинчи вариантда эса қуёш коллектори ёрдамида ишловчи суний қуритгичда олиб борилди. **[6]**

Тажрибалар Наманган вилоятининг Чуст туманида ўтказилди. Бунда мевалар кўндалангига 5 мм қалинликда кесилди сўнгра қуритиш учун 1 м²юзага эга бўлган патнисларга ёйиб қуритилди. Қуритиш муддати вариантлар бўйича 8-12 суткани ташкил этди. Қуритилган махсулотлар табиийлигини сақлаб қолиш мақсадида қуритиш технологиясига қатий амал қилинди.Тажриба натижаларига кўра икки хил вариантдаги қуритиш жараёнидаги қуйидаги кўрсатгичлар ўрганилди ва таққосланди. Қуритиш учун хар бир вариантга 10 кг дан махсулот олинди ва тажриба натижалари 1-расмда келтирилган.

1-расм

Кавар ўсимлик мевасидан қуритилган махсулот чиқиш миқдорига қуритиш усулларини таъсири.

| № | Махсулот тури | Қуритиш усули | Куритишга куйилган махсулот | Куритишдан кейинги махсулот |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Техник етилган ковар меваси | Офтоби | 1 0 | 2 , 8 |
| 2 | Техник етилган ковар меваси | Қуёш коллектори | 1 0 | 3 , 2 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики биринчи вариантда техник етилган кавар мевасини офтоби усулда қуритилганда 28 % махсулот чиқиши аниқланди. Иккинчи вариантда, яъни қуёш хаво истгичида қуритилганда махсулот чиқиш миқдори 32 % ни ташкил қилди. Бундан ташқари хосил бўлган маҳсулотларда сифат кўрсатгичлари ва ранг ўзгаришлари турлича бўлганини кўришимиз мумкин (2-расм).

2-расм

Кавар ўсимлик мевасидан қуритилган махсулот таёрлашда сифат кўрсатгичлари ва ранг ўзгаришлари.

| № | Махсулот тури | Қуритиш усули | Куритишдан сўнг пўст ранги | Қуритишдан сўнг эт ранги |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Техник етилган кавар меваси | Офтоби | Қўнғир яшил (хиралашган) | Сарғайган |
| 2 | Техник етилган кавар меваси | Қуёш коллектори | Оч яшил (Шаффоф) | Оқ |

Тажрибалардан шуни айтишимиз мумкинки офтоби усулда қуритилган кавар меваси оргонолептик сифат кўрсатгичлари қуёш коллекторида қуритилган махсулотга нисбатан бироз пастроқ эканлиги аниқланди. Тажриба жараёнида яна шуни кўриш мумкинки офтоби усулда қуритилганда сифат ва миқдор кўрсатгичларига қуйидагилар ўз таъсирини кўрсатди.

Офтоби усулда қуритилганда қуёш нурининг тўғридан тўғри махсулот юзасига тушиши қуритилган махсулотда намликни кескин камайиб кетишига таъсир кўрсатиб, натижада қуруқ мева эти ва пўсти қаттиқлашади, бу эса фойдаланишда қўшимча ишловлар беришга сабаб бўлади. Бундан ташқари махсулотда қуритиш жараёни очиқ мухитда ўтказилганлиги учун сифат кўрсатгичлари бироз ёмонлашганини кўришимиз мумкин. **[1]**

Қуёш коллекторида қуритилган махсулотларимиз сифат кўрсатгичларига кўра офтоби усулда қуритилганга нисбатан яхши сифат кўрсатгичларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Сабаби қуёш нури ва махсулот орасида девор борлиги учун махсулот юмшоқ ва ранг хусусиятлари тўлиқ сақланиб қолган.

Хулоса сифатида айтганда ковар мевасини етиштиришлик вилоятимиз қишлоқ хўжалиги учун истиқболли тармоққа айлана олади. Ҳудуд иқтисодиётини

кўтариш, экспорт салоҳиятини ошириш, бунда аввал ишга солинмаган ресурслардан унумли фойдаланиш долзарблик касб этар экан, фурсатни қўлдан бой бермаслик керак. Бундан ташқари, ковулчилик экологик жиҳатдан ҳам юқори самарадорликка эга. Ушбу йўналиш қишлоқ хўжалигига татбиқ этилса, чўл бағрида кўркам иҳотазорлар барпо бўлади. Ўсимликлар биохилмахиллиги сақланибгина қолмай, ҳудуд экомуҳити мўътадиллашишига ёрдам беради. **[3]** Шунингдек, аҳолининг банд бўлмаган қатлами мавсумий иш билан таъминланади. Бинобарин, замонавий тиббиётда ковар илдизидан олинган дамлама гепатит, пояси ва барги тери касалликларидан фориғ бўлишда, меваси таркибидаги йод бўқоқни бартараф этишда фойдаланилади. Шундан бўлса керак, мазкур ўсимлик дунё мамлакатларининг фармацевтика саноатида, тиббиётда, озиқ-овқат соҳаларида кенг қўлланиб келинади. Бундан ташкари ковар ширали ўсимлик бўлиб, ундан кўп миқдорда асал йиғиб олиш мумкин. Унингкаттагулибиртомчиасалберади. Биртупиданэсамавсумдавомидаучмингтомчиасалолишимкони бор. УнингНон парель тури даромадбоплигибўйичадунёбозоридаузумгатенглашаолади. **[4…5]**

Кавар мевасини қуритишдан мақсад. Ўсимлик экстремал шароитларда ўсиб ривожланади, натижада мев салмоғи барча минтақаларда хам етарли даражада эмаслиги учун ахолди эхтиёжларини қондириш мақсадида қуритилади ва озиқ овқат махсулоти сифатида фойдаланишга юборилади. Кавар мевасида йодакапарин моддаси мавжуд. Ахолини табиий йод моддасига бўлган эхтиёжини қондириш мақсадида ва фармацевтика саноатига хом ашё базасини шакиллантириш учун қуритилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Мацкевич В.В., Лобанов П.П. Сельскохозяйственная энциклопедия. Том 3, 4. М., 1975 г. **[1]**
2. Широков Г.П. Практикум по технологии хранения ва переработки плодов и овошей. М., 1974 г. **[2]**
3. Саҳобиддинов С.С. Ўсимликлар систематикаси. Т., 1966 й. **[3]**
4. Саломатлик энциклопедияси. Т., 1985 й . **[4]**
5. Қорабоев Қ. Она табиатни асрайлик. Т., 1991 й. **[5]**
6. Холматов Х.Х., Хабибов З.К. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари. Т., 1991 й. **[6]**

07.00.00 ТАРИХ ФАНЛАРИ
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES

# МАДАНИЙ- МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШ ТАРИХИДАН

Наманган муҳандислик-технология
институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси
доценти Дилфуза Насриддинова

***Аннотация :*** *Ушбу мақолада XIX аср охири –XX бошларида Туркистонда маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланган татар муаллималари ҳақида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:****Туркистон, жадидчилик, миллий тараққийпарварлар, маданият, хотин-қизлар маорифи, қизлар мактаблари, татар муаллималари, маърифатчилик фаолияти, хотин-қизлар мактабларининг кўпайиши*

# ИЗ КУЛЬТУРНОЙ И ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ИСТОРИИ ВОСХОЖДЕНИЕ

***Аннотация :*** *В данной статье будут идти речь об татарских учительницах, которые занимались просветительской деятельностью в конце XIX начале XX веках в Туркистане.*

***Ключевые слова:****Туркестан, джадидизм, национальные просветители, культура, женское образование, женские школы, татарские учительницы, просветительская деятельность, рост женских школ.*

# FROM CULTURAL AND EDUCATIONAL HISTORY OF ASCENT

Namangan Enginering –texnology institute
Department of Social sciences
Associate professor
Dilfuza Nasriddinova

***Resume:****in this article spoken about tatar woman which worked in the field of education in Turkistan in the and of XIX century and the beginning of XX century.*

***Keywords****Turkistan, djadid movement, national enlighteners, culture, women education, periodical press, women schools, tatar women teachers, educationa activity, the inscrease of the number of women schools.*

XIX аср охири XX аср бошлари Туркистон халқлари тарихида муҳим ўзгаришлар даври бўлди. Бу даврда жадидчилик ҳаракати вужудга келиб, маориф маданият, матбуот ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Жадидчиликнинг замирида халқни замонавий билим ва кўникмалар билан қуроллантириш, шарққа нисбатан анча илгарилаб кетган ғарб маърифати ва маданиятини тарғиб қилиш, шу билан бирга рус ҳукумати билан муроса-ҳамкорлик

йўлини тутиб фурсат туғилганда мустақилликка эришиш каби эзгу мақсадлар ётарди[2]. Жадидчиликнинг асосчиси бўлган И.Гаспринский (1851-1914) ўз издошлари бўлган татар маърифатпарварлари ва ўлка тараққийпарварлари билан фаол ҳаракат олиб борди.

Чор ҳукуматининг олиб борган руслаштириш сиёсатидан норози бўлган татар маърифатпарварлари, ўлкадаги мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш орали бу хавфдан қутилиб қолиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Шу мақсадда усули жадид мактабларини очиб, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитиш ишларини олиб борганлар. Татар маърифатпарварлари бу ишлар билан чекланиб қолмай, туркий халқларни бирлашиши ҳамда мустақиллик учун кураш ғояларини илгари суриш билан биргаликда, хотин-қизлар маорифига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаганлар. Чунки аёл миллат фарзандларини тарбияловчи ва улғайтирувчи зот бўлиб, унинг илмли ва юксак заковат эгаси бўлиши баркамол авлодни шаклланишида юқори ўрин тутишини тушунганлар.

«Бутун инсоният оламининг тирикчилиги ёлғиз хотунлар соясидандир деб айтсак шояд хато қилмаган бўлурмиз, хотунлар бутун олам инсониятининг онасидирлар: пайғамбарлар, расуллар, подшоҳлар, олимлар, адиблар ва шоирлар ҳаммаси шул муҳтарам волидаларнинг болаларидирлар»[3]. Татар аёлларининг ўртасида илм-фанга бўлган юксак мухаббатни ортишига сабаб, миллатни ўзини орасида шаклланган маърифатчилик ғоялари, қолаверса, ўша даврда вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳадаги ўзгаришлар туртки бўлган дейишимиз мумкин. Усули жадид мактабларида татар маърифатпарвар аёлларининг фаолият кўрсатишлари ўша даврнинг прогрессив ҳодисаларидан бири бўлиб, “Туркияда бундай ҳолатни диндан қайтиш деб ҳисоблаб қаттиқ жазога мустаҳиқ этилган” [4]. Жадид мактабларида татар муаллималариниг фаолият кўрсатишларига жадид маърифатпарварларининг ҳам ўрни беқиёсдир.

Татар аёлларида бошқа мусулмон халқларидан фарқли ўлароқ, маърифатга интилиш, шижоатлилик, ташаббускорлик каби ҳислатларни кузатишимиз мумкин. «Бизнинг эрларимиз ҳар хил илмларни ўрганади, турли мактабларга қатнайди. Ҳамма китоб ва газеталарни ўқийди, маърифат меваларидан баҳраманд бўлиб, ақлларини ўстиради ва руҳларини шодлантиради. Биз татар аёллари ҳар қандай таълим ва тарбиядан маҳруммиз, йилт этган умидсиз ва тасаллисиз умримизни ғам-ғусса ичида, охири-кети кўринмайдиган ташвишлар билан ўтказишга мажбурмиз»[5] Бундан кўриниб турибдики, татар аёллари ўртасида маърифатга интилиш ҳисси кучли бўлиб, бошқа мазлумаларни (Россия империяси ҳукмронлиги остидаги турк - мусулмон дунёси назарда тутилмоқда Д.Н.) ҳам илмга бўлган қизиқишларини

2

3

4

5

ортиришда дастлабки кўмакчилардан бўлганлар дейишимиз мумкин. Туркистонда маориф соҳасининг тараққий этишида татар маърифатпаравар аёлларининг тутган ўринлари салмоқлидир. Усули жадид мактабларида ўқитиш услуби анча содда ва осон бўлиб, ўқувчилар қисқа муддат ичида савод чиқариб, фанларни тез ўзлаштириш билан биргаликда ҳунар ҳам ўрганишган. Бу эса маҳаллий аҳолини болаларини янги усул мактабларига оммавий равишда беришларига сабаб бўлган.

Татар аёллари ўлкада фаол ҳаракат олиб бориб, маҳаллий аҳоли қизларини илмли бўлишида, қолаверса, маърифий ва маданий ишларни муваффақиятли олиб борилишида муҳим рол ўйнаганлар. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Туркистон генерал-губернаторлигининг маьмури 1913 йил 4 январдаги ҳисоботида, Перовск уездининг Жулек участкасига қозоқ, сарт(ўзбек), қирғиз болаларини ўқитиш мақсадида 1911 йилнинг ёзидан Уфанинг «Галия» мадрасасидан ёш татар ўқитувчилари келган бўлиб, усули жадид бўйича мактаблар очиб унда аҳоли болаларини ўқитганликларини таъкидлаб, бунда ўқувчилар арифметика, география, тарих, татар тили грамматикасини ва қуръон ўқиш билан биргаликда, шариат қонунларини ҳам ўрганаётганликларини айтган[6].

Янги ўқитиш услуби афзалликлари ҳақида шуни таькидлаш жоизки, эски мактабларда толиблар китобларни ёд олиш орқали таьлим олишиб, мазкур китоблар қай мақсадларда ёзилганлигидан бехабар бўлганлар. Эски мактаблардаги ўқиш ва ўқитиш услуби замон талабларига жавоб бермас, шогирдлар 4-5 йил ўқиб ҳатто араб тилини ҳам яхши ўзлаштира олмаганлар. Ваҳоланки, таълим бераётган мударрисларнинг ҳам билим саъвияси ва дунёқараши жуда паст даражада бўлган. Фикримизнинг далили сифатида А.Хўжаевнинг қуйидаги фикрини келтиришимиз мумкин “Мадраса деб юритилган адолатхоналаримизда тарбия кўруб мулла бўлғон афандиларимизда фикр ва идрок шул даражада пастдирки, бу афандилар ила миллий ва ижтимоий мавзулардан сўз гапирмак ҳозирги вақтда имкон хорижидандир” [7].

Давр эса шиддат билан ривожланиб, асрий қолоқликдан тезроқ чиқиб, тараққиёт сари одимлаш лозимлигини тақозо этарди. Усули жадид мактаблари замон талабларига жавоб бериб, унда диний ва дунёвий билимларни қўшиб ўқитилиши, олдинга қўйилган юксак мақсадларни амалга оширишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлди. Татар ўқитувчилари бадавлат қозоқлар ёки қирғизлар томонидан ёлланган бўлиб, улар болаларга уч ой давомида 100 сўм пул ва закот (бадавлат кишилар ўз молидан камбағаллар учун берадиган улуш Д.Н.) эвазига билим беришган. Ҳар йили ёз ойларида татар ўқитувчиларидан 40 нафарга яқини Жулек участкасига келишган. Бундай муаллимлар қаторида татар аёллари ҳам бўлиб, маҳаллий аҳоли қизларини илм ва ҳунарли ҳамда, маърифатга бўлган қизиқишларини ортишида уларнинг хизматлари борлигини айтиб ўтиш лозим деб топдик. Бизнинг фикримизча татар маърифатпарарвар аёлларининг Туркистон

6

7

ўлкасида фаолият олиб боришларининг асосий сабабларидан бири шуки, ислом динида ҳар бир муслим ёки муслима бирор илмни ўрганиб уни билмаганларга ўргатиши лозим, акс ҳолда, у гуноҳкор ҳисобланган.

Бундан кўриниб турибдики, татар тараққийпарвар аёллари зиммасида ўлка аёлларини маърифатли ҳолда кўриш ҳамда, уларни ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашишга даъват этишдек шарафли ва машаққатли вазифалари турган. Шундай эзгу мақсадлар йўлида келган муаллималар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз. Салатепа станцияси яқинида қозоқ Соатбой уйида у томонидан йилига 400 сўм миқдоридаги пулга ёлланган татар муаллимаси яшаб, аҳоли қизларини ўқитиш билан шуғулланган[8] .Тошкент темир йўлининг Салатепа станциясида бадавлат қозоқ Қобул Эркабоев томонидан ёлланган Мунаввара Рашитова истиқомат қилиб, 4 нафар қизни ойига 25 сўм пул эвазига ўқитган[9]. Богородск қишлоғидан узоқ бўлмаган овулда муаллима Биби Марям Исҳоқова ҳам ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланган[10]. Қозон губерниясидан келган Гафия Хисматуллина Сагетдинова 15 нафар қизни, Менглижамол Шигабутдинова 15 нафар қизни, Розия Сагадиева Даутова эса10 нафар қизларни оилавий ахволига қараб 5 тийиндан 20 тийингача ўқитишган[11].

Маҳаллий аёлларни илм оладиган масканлари яъни, мактаблари бўлишини хоҳлаб татар аёллари газеталарга мақолалар берганлар. Асли касби муаллима бўлган подшо хоним Жалилова маҳаллий аёлларни ачинарли ҳаётини ўзгартириш даври келганлигини, вақтларини беҳуда ишларга сарфлаб, илм олишдан бебаҳра қолаётганликларини таъкидлаб, хотин-қизлар учун мактаблар очиб беришларини истаб мақолалар ёзган[12] .

Олиб борилган саъйи-ҳаракатлар натижасиз кетмади, Туркистон ўлкасининг барча ҳудудларида хотин-қизлар мактаблари очилиб, унда татар муаллималари фаолият кўрсатишган. Шундай мактаблардан бири Тўқмоқ шаҳрида ҳам очилган бўлиб, унда ўқиш ва ўқитиш ишлари анча ривожланган эди. Татарларнинг бадавлат кишилари мактаблар қурилиш ишларига ҳам ҳомийлик қилишган. Тўқмоқдаги ўғил болалар мактабида ўз пайтида Уфадаги «Галия» мадрасасини тамомлаган Мусо афанди Асқаров мударрислик қилган. Қизлар мактабида эса унинг рафиқаси Равзатул Ҳаёт
муаллималик фаолияти билан шуғулланиб, бу мактабда 5 синфлик дастур асосида таълим берилиб, дарслар усули жадид бўйича олиб борилган. 3-синфдан бошлаб қизларга ҳунар ўргатилган. Ҳар олти ойда ота-оналар иштирокида имтиҳон бўлиб,

8

9

10

11

12

бунда ўқувчилар билим ва ҳунарни қай даражада ўзлаштириб олганликлари синовдан ўтказилган[13].

Ҳулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Туркистонда хотин-қизлар маорифини шаклланиш жараёнлари ўзига хос тарзда давом этди. Ўлкада анъанавий "отинойи" мактаблари билан биргаликда усули жадид асосидаги жадид мактаблари ҳам ўз фаолиятини олиб борди. Маориф соҳасида миллий тараққийпарварлар билан биргаликда татар маърифатпарвар аёллари ҳам ўз фаолиятларини олиб бордилар. Татар муаллималарининг ўлкада олиб борган фаол фаолиятлари натижасида, маҳаллий аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошиши ҳамда улар орасидан ҳар соҳанинг илғор билимдонлари етишиб чиқиши ва ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиш, қатъиятлилик, маърифатга бўлган интилиш каби ҳислатарни уйғонишига олиб келди дейишимиз мумкин.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т, Маънавият, 2002, -Б. 6-8
2.Фатхиддинзода З. Ҳуқуқи нисвон // Садои Туркистон, 1914, 12 ноябр
3. ВамбериХ. Маьрифат йўлидаги уйғониш // Тафаккур, 2000, 2-сон, 79-бет.
4. ВамбериХ. Маьрифат йўлидаги уйғониш // Тафаккур, 2000, 2-сон,79-бет.
5. ЎзРМДА-И-1-жамўарма, 27-рўйхат, 148-иш, 3-варақ
6.Муллаларимизда даражаи фикрия // Садои Туркистон,1914, 55-сон, -Б .2
7. ЎзРМДА-И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 148-иш,3-варақ ва орқаси
8.ЎзРМДА-И-461-жамғарма,1-рўйхат, 1406 –а-иш, 22-варақ
9.ЎзМДВА-И-1-жамғарма, 1-рўйхат,148-иш, 32-варақ
10.ЎзРМДА-И-17-жамғарма,1-рўйхат, 15374-иш, 10-11-варақ ва орқаси
11. Хўжаев А. Хонимлар товуши // Садои Туркистон,1914, 11 июл
12. Тоторлар // Садои Туркситон, 1914, 29 июл

## ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Абдулбоқиев Фахриддин Авазбек ўғли
Ўзбекистон Миллий Университети таянч докторанти

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада бугунги кунда Республикамиздаги аҳоли сонининг ошиб бораётганлиги, ушбу демографик жараёнларда ёшларни салмоги ва уларнинг иш билан бандлик масалалри, давлат сиёсатининг ўрни ва аҳамияти қай холда эканлиги кенг ёритилган*

***Калит сўзлар:*** *демографик жараён, ёшларни бандлиги, меҳнатга лаёқатли ахоли, иш билан таъминлаш, ишсизлик, бандлик*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЗАНЯТОСТИ МОЛОДЕЖИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Абдулбоқиев Фахриддин Авазбек ўғли

13

Аспирант Национального университета Узбекистана

***Аннотация:*** *В данной статье подробно описывается текущий рост населения в республике, роль молодежи в этих демографических процессах, их занятость, роль и значание государственной политики*

***Ключевые слова:*** *демографический процесс, занятость молодежи, трудоспособное население, занятость, безработица, занятость*

## TOPICAL ISSUES OF YOUTH EMPLOYMENT: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Abdulbokiev Fakhriddin Avazbek og'li
PhD student at the National University of Uzbekistan

***Annotation:*** *This article details the current population growth in the Republic, The role of young people in these demographic processes, and their employment, The role and importance of public of policy*

***Keywords:*** *demographic process, youth employment, able-bodied population, employment, unemployment, employment*

## *САЙЁРАМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ, ФАРОВОНЛИГИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ИНСОН БЎЛИБ КАМОЛГА ЕТИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ. БИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ – ЁШЛАРНИНГ ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ҚИЛИШИ УЧУН ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИШДАН ИБОРАТ [1].*

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар меҳнат бозорини тартибга солиш, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари сони ва сифатини ошириш, ёшлар тадбиркорлик кластерлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида - ... ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига

жалб этиш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшларга оид

давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали

фаолиятини ташкил этиш вазифалари белгилаб берилган [2]. Бу вазифаларни ҳал этишда ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда ёшлар меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш сингари йўналишларда илмий-тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Жамиятнинг келажаги кўпроқ хар йили фаол ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга кириб келаёрган ёшларнинг онги билан белгиланади. Аммо фуқароларнинг ижтимоий кайфияти, фикрлари, баҳолари ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги асосан уларнинг ўзларини ўзлари идрок этишлари ва мавжуд бўлиш шароитлари, хусусан, ўз оилалари моддий ҳолатини баҳолаш билан аниқланади. Шунинг учун ҳозирги шароитда Ўзбекистонда ёшларнинг кайфиятларини тадқиқ қилиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўли танланиши қатор макроиқтисодий муаммоларни ҳал этиш масаласини юзага келтирди. Шундай макроиқтисодий муаммолардан бири аҳолининг иш билан бандлигини тўла таъминлаш ҳисобланади. Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин: иш билан бандлик — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир [3].

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича қуйидаги бир қатор муаммолар ва камчиликлар кўриб чиқилиб ўз ечимини топмоқда:

- иш билан таъминланишга муҳтож аҳоли сонининг кўплиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги;
- хорижда ишлаб қайтганларни иш билан таъминлаш борасидаги ишларнинг самараси паст эканлиги, бу борада мавжуд имкониятларнинг ишга солинмаганлиги;
- касаначилик иш жойларини кўпайтириш имкониятлари ишга солинмаётганлиги;
- янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ишлари (натижадорлигининг паст эканлиги);
- ташкил этилган иш жойларининг салмоқли қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгалиги;
- иш билан банд аҳолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги.

Ёшлар мамлакат ва минтақадаги ўзгартирувчи жараёнлар, иқтисодий ўсиш ва илмий-техник тараққиётнинг асосий ўтказгичи бўлишлари керак. Бу эса уларнинг иш билан бандлигини талаб қилади. Шу сабабли ёшларнинг иш билан бандлиги муаммосини, энг аввало, худудий иқтисодий тизимдаги ёшларнинг иш билан бандлигини бошқариш механизимини шакллантириш йўли билан ҳал этиш таклиф қилинади.

Меҳнат бозори эҳтиёжлари ёшларнинг ишни фаол қидиришга тўсиқ бўлувчи омилларнинг ҳаётий қадирятлар билан мос келмаслиги мавжуд муаммолар сирасига киради. Бу ҳолат ўз навбатида ёшларни иш билан бандлигини бошқаришнинг тегишли механизимини шакллантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2017 йил 5 июлдаги - Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ПФ-5106-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги 834-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 август - Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳузуридаги Ёшлар - келажагимиз жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида 669-сонли қарорлари ҳамда соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириб келинмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотининг таъкидланишича ёшлар ўртасида ишсизлик, ҳозирги вақтда дунёда 15-24 ёшдаги йигит-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 12,0 %ни ташкил қилади. 2019 йилда курраи заминимиздаги 70 млн.дан кўпроқ йигит-қиз иш топа олмаган. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан камайган бўлса ҳам, бугунги кунда жаҳон бўйича жами ишсизларнинг 35,0 %ини ёшлар ташкил этади. Бу эса дунё бўйича ишсизликнинг ўртача даражасидан деярли уч баравар кўплигини англатади. Шу жиҳатдан ҳам давлатлар томонидан ёшлар ишсизлигини камайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Жаҳонда ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш борасида олиб борилаётган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада меҳнат бозорида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишда молия-кредит тизимидан унумли фойдаланиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш, ишсиз ёшларни ишга жойлаштиришда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматини ривожлантириш каби илмий йўналишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Расмий маълумотларга кўра Ўзбекистон аҳолиси бугунги кунда 34 млн кишидан ошган бўлиб уларнинг 17,1 эркаклар, 16,9 аёллар [4] ташкил этмоқда. Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 17 305,0 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,5 %), қишлоқ аҳолиси сони 16 749,1 минг кишини (49,5 %) ташкил этди. Бизнинг халқимиз МДҲ давлатлари орасида энг ёш, бутун дунё бўйича ёшлардан бири саналади. Агар курраи заминдаги ёшлар (14 ёшдан 30 ёшгача) аҳолининг ўртача 18%ини ташкил этса, айнан Ўзбекистонда улар 31% атрофида. Агар 14 ёшгача бўлган болаларни ҳам инобатга оладиган бўлсак, аҳолимизнинг тахминан 60%и ҳали 30 ёшга тўлгани йўқ [5]. Кўп сонли ёш авлодга муносиб келажак таъминлаб бериш учун ёшлар сиёсатини нафақат тўғри олиб бориш, балки уни доимий равишда такомиллаштириш даркор. Шундан келиб чиқиб фикир юритадиган бўлсак бугунги кунда Ўзбекистон ахолисининг меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғи ортди ва уларни иш билан таъминлаш масаласи асосий вазифага айланди.

Республика доимий аҳоли сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар 1991 йил 43,1%ни, 2006 йил 35,5 %ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсатгич 30,3 %ни ташкил этган, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 1991 йил 49,1%ни, 2006 йилда 57,9%ни, 2019 йилда эса 59,5 %ни ташкил эган, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 1991 йил 7,8 %ни, 2006 йил 7 %ни, бугунги кунда 10,2 %и ҳиссасига тўғри келмоқда.

Юқоридаги кўрсатгичлар шуни англатадики 1991 йилдан бугунги кунга нисбатан мехнатга лаёқатли ёшдан кичикларни сони 12,8 %га қисқарган. Лекин меҳнатга лаёқатли ёшлар 10,4%га, мехнатга лаёқатли ёшдан катталар эса 3,4 %га ошган. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг сонининг ошиб бориши ўз навбатида уларни муносиб иш ўринларини яратишни тақазо этади.

**Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши (2019 йил 1 январь ҳолатига; жамига нисбатан % да) [6]**

| Ҳудудлар | Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар | Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар | Меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | 30,3 | 59,5 | 10,2 |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | 30,7 | 60,3 | 9,0 |
| **Андижон** | 30,4 | 59,6 | 10,0 |
| **Бухоро** | 28,3 | 60,7 | 11,0 |
| **Жиззах** | 31,5 | 58,8 | 9,7 |
| **Қашқадарё** | 32,2 | 59,1 | 8,7 |
| **Навоий** | 29,3 | 60,5 | 10,2 |
| **Наманган** | 30,4 | 60,1 | 9,5 |
| **Самарқанд** | 31,9 | 58,3 | 9,8 |
| **Сурхондарё** | 32,7 | 59,1 | 8,2 |
| **Сирдарё** | 30,7 | 60,8 | 8,5 |
| **Тошкент** | 28,5 | 59,4 | 12,1 |
| **Фарғона** | 29,6 | 59,8 | 10,6 |
| **Хоразм** | 30,7 | 60,4 | 8,9 |
| **Тошкент ш.** | 26,0 | 58,3 | 15,7 |

Бугунги кунда Ўзбекистон 15дан 19 ёшгача бўлган ёшлар сони бўйича Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида (МДҲ) фақат Россиядан 9212,1 мингтага 28742,3 мингта мутаносиблигида ортда, Давлатлараро статистика қўмитаси маълумотларига асосланган ҳолда. Айни пайтда Ўзбекистонда ушбу гуруҳ бутун аҳолининг деярли учдан бирини (31022,5 минг) ташкил қилса, Россияда фақат бешдан бирини (146267,3 минг) ташкил этади. Россия ва Ўзбекистондан сўнг Украина (8301,5 минг), Қозоғистон (4287,6 минг), Озарбайжон (2564,5 минг), Тожикистон (2528,3 минг), Беларусь (1872,6 минг), Қирғизистон (1670,8 минг), Молдова (871 минг) ва Арманистон (721,7 минг) боришмоқда. МДҲ бўйича 15дан 19 ёшгача бўлган ёшлар 62 млн кишига тенг бўлиб, бу бутун аҳолининг (282 млн киши) деярли ҳар бешинчиси деганидир [7].

2019 йилнинг март ойида Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан республикадаги 108 та туман ва шаҳарларда кенг кўламли ижтимоий текширувлар ўтказди. Фуқароларнинг 462 та ўз-ўзини бошқариш органлари, 4900 та уй хўжалиги ва 25691 нафар фуқаро қамраб олинди [8].

Текширув натижаларига кўра, ижтимоий фаол аҳолига нисбатан ишсизлик даражаси 9,4 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2018 йилга (9,3 фоиз) нисбатан 0,1 фоизга кўп. Энг юқори ишсизлик даражаси 9,7 фоиз билан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳрида (8,0 фоиз) аниқланди. Ишга муҳтож аҳоли сони 1 391,1 минг кишини ташкил этди. Ишсизлик даражаси 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида 15,3 фоизни, шундан 15-25 ёшлилар ўртасида 17,1 фоизни, аёллар ишсизлиги эса 13,0 фоизни кўрсатди [9].

Меҳнат ресурслари миқдори меҳнатга лаёқатлилар сонининг 183,2 минг кишига ортгани ҳисобига 18 953,8 минг аҳолини ташкил этди. Бу 2018 йилга нисбатан 1 фоизга кўп.

Ижтимоий фаол аҳоли сони эса 14 767,1 мингга етган (2018 йил январь-март ойларига нисбатан 1 фоиз юқори). Бунда расмий ижтимоий сектордаги бандлик 5 412,1 минг кишини ташкил қилади. Мазкур кўрсаткич ижтимоий соҳада банд бўлганлар (92,2 мингга), шунингдек, патентга эга юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар (76,9 мингга) ортиши ҳисобига 176,3 мингга (3,4 фоизга) кўпайган.

Норасмий сектордаги бандлик эса ўтган йилги кўрсаткич билан бир хилда қолган – 7 963,9 минг киши. Бунда вақтинчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар сони (41,9 мингга) ошгани кузатилган, меҳнат шартномаларисиз ишлаётганлар ва махсус рухсатномасиз тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётганлар сони эса умумий олганда бироз (3,6 мингга) камайган.

Ўзбекистонда ишга муҳтож аҳоли сони – 1 миллион 391 минг кишини ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони – 18 954 минг (ўсиш - 1,0%), банд аҳоли сони – 13 376 минг (ўсиш - 1,3%) нафарни ташкил этади. Расмий секторда бандлар – 5 403 минг кишини ташкил этиб (ўсиш - 3,4%), расмий бандликнинг умумий бандликдаги улуши 40,5%ни ташкил этмоқда. Иқтисодиётнинг норасмий

секторида бандлар – 7 964 минг (59,5%), шу жумладан, хорижда ишлаётганлар – 2 365,4 мингни ташкил этади [10].

Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган, замонавий техника ва технологиялар, ўқув дастурлари асосида ўқитиш имкониятига ҳамда бошқа зарур шарт-шароитларга эга нодавлат таълим муассасалари билан ўзаро натижага йўналтирилган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан мазкур таълим муассасаларида мавжуд таълим йўналишлари, муддатлари ва ихтисосликлар тўғрисидаги маълумотларни ишсиз ёшларнинг кенг оммасига етказиш бўйича чоралар кўриш, бандликка кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида юборилган ишсиз ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун кетган харажатларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан молиялаштиришни кенгайтириш имконини берди.

Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши меҳнат бозорининг юқори малакали кадрларга эҳтиёжларини қондириш, касбга ўқитишни ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштириш, касбий билим ва кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизимини жорий этиш имконини берди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан қуйидаги хулосаларга келинди:

Ёш меҳнат ресурслари рақобатбардошлиги ёшларнинг муайян меҳнат бозори доирасида иш берувчиларнинг меҳнатга эҳтиёжини ходимларнинг бошқа тоифаларига нисбатан яхшироқ қондириш қобилиятини белгилаб берувчи хусусиятлар йиғиндисини намоён этади ва ушбу хусусиятлар муайян ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятида иштирок этишнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Ҳудудий даражада ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий субъектлар жумласига қуйидагилар киради: маҳаллий ҳокимият органлари; хўжалик юритувчи субъектлар; ёш мутахассисларда зарур хусусиятларни шакллантириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар билан тегишли тарзда ўзаро ҳамкорлик қилиши лозим бўлган таълим муассасалари киради. Мазкур вазифани ҳал этиш учун юқорида тилга олинган субъектлар ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини шакллантириш жараёнини тартибга солишнинг институционал, иқтисодий,
ташкилий, ахборот, маъмурий воситаларини қўллайди.

Ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш муаммоларининг иш берувчилар учун зарур хусусиятларни шакллантириш ҳисобидан ҳал этилиши меҳнат бозорига ундаги талабнинг таркибига мос келмайдиган касб-ҳунар маълумотли ёшларнинг чиқишига йўл қўймаслик учун алоҳида аҳамиятга эга. Исталган натижаларга эришиш учун солиқ тизимининг тартибга солувчи функциясини ривожлантириш йўналишидаги ишларни сезиларли даражада фаоллаштириш зарур, унинг моҳияти давлатнинг жамиятдаги ижтимоий ва

иқтисодий жараёнларга иқтисодий воситалар ёрдамида фаол таъсир кўрсатишидан иборат.

Ҳудудларда ишсизлик даражасини камайтириш мақсадида ёшлар рақобатбардошлигини шакллантириш жараёни самарадорлигини ошириш ва уларнинг самарали иш билан бандлигини таъминлаш учун меҳнат бозорининг ёшлар сегментида ходимлар ва иш берувчилар хатти-ҳаракати доираларини тартибга солувчи институционал муҳитни такомиллаштириш чора-тадбирлари зарур. Бунда, айниқса, қуйидаги чора-тадбирлар ўта муҳим ҳисобланади: меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ёшлар рақобатбардошлигини шакллантириш жараёнини тартибга солиш субъектларининг функцияларини кенгайтириш ва ёш меҳнат ресурслари рақобатбардошлигини шакллантириш жараёнини мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш асосида ушбу жараённи тартибга солишга нисбатан

ялпи ёндашувни жорий этиш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони
3. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017 йил www.interfinance.uz
4. https://stat.uz/uz/2-uncategorised/5221-o-zbekiston-aholisi
5. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/davlat_ikki_oy_ichida_eshlar_uchun_nima_qildi
6. https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/14.pdf
7. http://uztag.info/uz/news/zbekiston-yeshlar-soni-b-yicha-md-da-fa-at-rossiyadan-ortda
8. https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/migrantlar_soni_kamayadi_tadbirkorlar_kupayadi
9. https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/migrantlar_soni_kamayadi_tadbirkorlar_kupayadi
10. https://sof.uz/post/bandlik-va-mehnat-munosabatlari-vaziri-o-zbekistonda-ishga-muhtoj-aholi-soni-1-mln-391-ming-kishi
11. (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 5 июлдаги 01/00-02/00-4964-сонли маълумотнома).

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ҚИСҚА НАЗАР (ИЛК ҲУКМДОРЛАР ДАВРИДАН БОШЛАБ ХУДОЁРХОННИНГ ТАХТ ТЕПАСИГА КЕЛГУНГА ҚАДАР)

Икромжон Исмоилов
Наманган муҳандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси
998-93-9164242, ikrom_ismoilov@yandex.ru

**Резюме:***Ушбу мақола Қўқон хонлиги илк ҳукмдорлари давридан бошлаб Худоёрхон ҳукмронлигига қадар бўлган сиёсий жараёнларнинг тарихига бағишланган. Бу давр тарихшунослик асарларида "Жангнамама-и Худаяри", "Таърих-и муҳожирон" ва бошқа рисолалар асосида батафсил ёритилган. Бу давр Бухоро амири Насруллоҳ томонидан Қўқонга бостириб кирган муҳим ва фожиали воқеаларни ўз ичига олади.*

***Калит сўзлар ва иборалар:*** *хонлик, ҳукмронлик, маккор, нотиқ, хиёнаткор*

Ikromjon Ismailov
Namangan Institute of Engineering and Technology
Teacher of the Department of Social Sciences
998-93-9164242, ikrom_ismoilov@yandex.ru

Abstract

***This article*** *is devoted to the early history of political processes in the Kokand khanate till the reign of Khudayar. This period is thoroughly discussed in historiographical works like "Jangnama-yi Khudayari", "Ta'rikh-I muhajiran" etc. This period also include an important and tragic event which is invasion of Kokand by the Bukharan emir Nasrullah.*

***Keywords and expressions:*** *khanate, rule, insidious, eloquent, perfidious*

Икромжон Исмаилов
Наманганский инженерно-технологический институт
Преподаватель кафедры общественных наук
998-93-9164242, ikrom_ismoilov@yandex.ru

**Абстракт:***Статья посвящена раннему периоду политический процессов в Кокандском ханстве до правления Худаяра. Это период широко освящен в историографический сочинениях таких как «Джангнама-йи Худаяр», «Тарих-и мухажиран» и.т.д. Исследуемый период включает в себя и такую трагическую событию как завоевания Коканда бухарским эмиром Насраллы*

***Ключевые*** *слова и выражений:* *ханства, правление, коварный, красноречивый, вероломство*

Қўқон тарихчилари асарларининг турли тил ва жанрда яратилишига хонликнинг қуйидаги тарихий-сиёсий жараёнлари туртки бўлган.

Қўқон хонлигига асос солган минг қабиласининг бошлиғи Шоҳрухбий ибн Ашур Муҳаммаддир[14]. У тахминан 1669-1670 йиллари таваллуд топган. Минг уруғи XVIII асрнинг бошларида сиёсий ҳукуматни хўжагон сулоласининг қўлидан куч билан тортиб олган эди.

Маълумки, хўжагон жамоаси Махдуми Аъзам – Аҳмад ибн Жалолиддин хўжагон Косоний авлодларидан бўлиб, уларнинг ҳукмронлиги XVII асрда Шарқий Туркистонга ҳам тарқалган эди. Шоҳрухбий ҳам хўжалар билан иттифоқ тузиб, ҳукмронлигининг мустаҳкамлаш учун Чодак хўжаларидан бирининг қизига

уйланади. 1709 йили уруғ зодагонлари ҳамда хўжалари розилиги билан Шоҳрухбий хонлик тахтига кўтарилади. Унинг қасри Эски қўрғондан Қўқонга кўчирилади. Шоҳрухбий даврида Ўш, Ўзган, Хўжанд ҳали мустақил бўлиб, Қўқон давлатининг шимолий чегараси Наманганнинг Шоҳидонигача чўзилади. Шоҳрухбий ўлимидан сўнг унинг ўрнига уч ўғлидан бири бўлмиш Абдураҳимбий ҳижрий 1132 (милодий 1721) йили шаввол ойида (июль) тахтга ўтиради. Низомиддин Муҳаммад Абдураҳимбий ҳижрий 1110 (милодий 1690) йили оламга келган эди. Отаси даврида у Наманганда ҳоким бўлиб, унга Муҳаммад Баҳодур номли киши оталиқ бўлган. 1725 йили у Хўжандни Оқ Бўтабий юз қўлидан олиб, бир йилдан сўнг Ўратепани забт этиб, Қўқон давлатига қўшади.

1729-1730 (баъзи манбаларда ҳижрий 1145, милодий 1732) йилда Абдураҳимбий Самарқандга юриш қилиб, шаҳарни қамалга олади. Лекин шаҳар аъёнлари ва оқсоқоллари бир неча кун ўтмай, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Бу вақтда Туркистоннинг кўп жойларида қабила ва уруғлар ўзаро уруш ва жанглар билан машғул эди. Шу боис Абдураҳимбий қабила ва уруғ раҳбарлари билан иттифоқ тузиб, давлат чегараларини кенгайтиради. Шаҳрисабз волийси Иброҳим оталиқ кенагас билан эса қариндош бўлиб, унинг қизига уйланади. Мингларнинг кенагас уруғи билан тузган бу иттифоқи XIX асрнинг 60-йилларигача давом этади[15]. Аммо орадан олти ой ўтмай, Бухоро хони Абулфайзхон Самарқандни ўз тасарруфига қайта киритади. Абдураҳимхон бундан хабардор бўлгач, Қўқондан Хўжандга келганида ўлдирилади ва ўрнига Абдулкаримбий ибн Шоҳрухбий (1734-1750)хон бўлди.

Муҳаммад Абдулкаримбий ҳижрий 1115, милодий 1703 йилда таваллуд топган. У хон бўлишидан олдин валиаҳд сифатида Наманганда ҳоким эди. Абдулкаримбий асосий эътиборини давлатни мудофаа қилиш ишларига қаратади. Унинг замонида Қўқон шаҳри атрофи қўрғон билан ўралади, Исфара, Қатағон, Марғилон, Ҳайдарбек дарвозалари қурилади. 1741-1745 йилларда Фарғона жунғорлар ҳужумига дуч келади. Абдулкаримбий қипчоқ-қирғизлар ҳамда Ўратепа ҳокими Фозилбий юз ёрдамида улар билан урушлар олиб боради. Шу вақтда Абдулкаримбий ҳам Тўрақўрғон ва Самарқандга Абулфайзхон илтимосига биноан юришлар қилади. 1745 йили Миёнколда хитой-қипчоқлар Ибодуллоҳбий раҳбарлигида бош кўтаради. XIX асрнинг бошларида Хитой ҳукумати тазйиқи остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийсига қалмоқлар, уйғурлар, қирғизлар, қорақалпоқ ва қозоқ-қипчоқлар кўчиб келишади[16]. Фарғона водийси XVIII асрнинг ўртасида кўплаб халқ ва жамоалар учун ватан бўлади.

Водийда хўжалик ва маданий ҳаёт ривожлана бошлади. 1749 йили Абдулкаримбий қалмоқ (жунғорлар) билан сулҳ тузади. Сулҳ шартларига кўра, қалмоқлар ватанига қайтганига қадар қозоқ даштларида яшаб туриш ҳуқуқига эга бўлади. Қўқон хонлиги даврида эса уларга ўтроқ халқ билан савдо-сотиқ қилишга

ижозат берилади. Қалмоқлар Қўқон худудига бостириб кирмасликни зиммаларига олади. Яна иттифоқ тўлиқ ишонарли бўлиши учун жунғор-қалмоқлар ўз томонидан бир шаҳзодани Қўқандга жўнатади ва Қўқанддан Бобобек ибн Абдулкаримбий кўчманчилар қароргоҳига юборилади.

1750 йили Абдулкаримбий вафот этади ва ўрнига унинг ўғли Абдураҳмон тахтга кўтарилади. Аммо тўққиз ойдан кейин Марғилонга ҳоким этилиб, хонликка Абдураҳимбийнинг иккинчи ўғли Эрдонабий (Абд ул-Қаюмхон) ўтқазилади. Эрдонабий хонлиги даврида музокаралар олиб бориб, Хитойнинг Қўқон хонлигига ва Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон – Қошғар ишларига дахл қилмаслиги ҳақида шартнома тузилади ва анча муддат тинчлик ўрнатилади.

Эрдонабий даврида (1750-1762) Фарғона тўрт вилоятга бўлинар эди. Булар: Андижон вилояти, Наманган вилояти, Чуст ва Қўқон мулки. Қўқон дор ус-салтанат, яъни давлатнинг пойтахти эди. Эрдонабий Исфара ва Хўжандни мулкларига қайта қўшиб олиб, 1754 йили Ўратепага юриш қилади, лекин шу юришда мағлуб бўлади[17]. Эрдонабий 1762 йили вафот этади. Уруғларнинг бий ва оқсоқоллари ўзаро маслаҳатлашиб, Сулаймонхон ибн Шодибий ибн Шоҳрухни тахтга кўтариш хусусида қарор қабул қилишади. Аммо бир неча ойдан сўнг у тахтдан туширилади ва хонлик тахтига Абдулҳамидхон ибн Абдураҳимхон «Норботир» – Норбўтабий (таваллуди ҳижрий 1163 йили, муҳаррам ойининг учинчи куни, милодий 1749 йил 13 декабр, вафоти ҳижрий 1213, милодий 1798 йили) ўтиради[18]. Норбўтабий ва Олимхон даврида (1798-1810 милодий йиллар) Қўқон хонлигининг бирлашиш жараёни охирига етади. Олимхон даврида Тошкент ва Чимкент хонлик ҳудудига қўшилади.

Унинг даврида хонликнинг ҳўжалик ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади ва Қўқон Фарғонанинг маданий ва иқтисодий марказига айланади. XIX аср бошларида Қўқон хонлиги қўшни давлатлар билан алоқалар ўрнатиб, уларга ўз элчиларини ҳам юборади. Қўқоннинг Хива, Шарқий Туркистон, Бухорога юборган элчилари ҳақида маълумотлар бор[19].

1805 йили етти йиллик ҳаракатлардан сўнг Олимхон Хўжандни, 1806 йили эса Ўратепани забт қилиб, итоатига киргизади[20]. Лекин кўп ўтмай Ўратепа мустақилликни қўлга киритиб, Махмудхўжа ҳоким бўлади. Олимхон Бухоро қўшинидан мағлуб бўлиб, сиёсатини ўзгартиради. Энди у Тошкентга юриш қилишга қарор қилиб, 1809 йили бу вилоятни ишғол этади. Бу ерда туриб Олимхон қишнинг ўрталарида қўшинини Сайрам ва Чимкентга, чекинган тошкентликлар қўшинига қарши юборади. Об-ҳавонинг қийинчиликлари, қишнинг совуқ келгани ҳамда Олимхон қаҳру-ғазабидан тўйган қўшин бошлиқлари ва хон душманлари унинг укаси Умархон тарафига ўтади. Умархон ҳам бу кишиларни қўллаб туриб,

эътироз билдирмайди[21]. Умархон қўзғолон кўтарган қўшин билан Қўқонга қайтади ва хонлик тахтига кўтарилади. Олимхон Тошкентда қолган яқинлари билан Қўқонга қайтаётганда Умархон ва Тошкент зодагонлари одамлари томонидан Сарой деган мавзеда отиб ўлдирилади[22].

Олимхон ўлимидан сўнг (ҳижрий 1225, муҳаррамнинг биринчи куни, милодий 1810 йили олтинчи февраль) Қўқон тахтига Умархон ибн Муҳаммад Абдулҳамид (Норбўтахон) Баҳодир ўтиради. Умархон даврида эса зодагонлар қайта ҳокимият устига келиб, руҳонийлар ҳам давлат ва сиёсат ишларига аралашадиган бўлади.

Бу даврда Самарқандга Юсуф мингбоши раҳбарлигидаги қўшин юборилиб, бу вилоятнинг чегаралари талон-тарож этилади. 1816 йили эса Ражаб қўшбеги бошчилигидаги қўшин Туркистонни забт этиб, у хонлик худудига киритилади. Шу юришдан сўнг Умархон руҳонийлар розилиги билан «амир ал-муслимин» унвонини олиб, ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлади. Умархон даврида Қўқон хонлигининг давлат тузуми, давлат ишларини юргизиш қонун-қоидалари, диний ишлар тартибга келтирилиб, мамалакат чегаралари аниқлаб олинади. Энди Қўқон давлатининг чегараси шимолда Туркистон ва Дашти Қипчоққача, ғарбда Самарқандгача, Жанубда Кўҳистон ҳамда Кўлоб, Ҳисор ва Шаҳрисабзгача, Шарқда эса Шарқий Туркистонгача етарди[23]. Умархон 1822 йили 30 декабрда вафот этгач, унинг вориси Муҳаммадалихон даврида (1822-1842) Қўқон ҳукуматини Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ тан олади. Муҳаммадалихон даврида қирғизларнинг баъзи туманлари Қўқонга қўшиб олинади.

Сирдарё бўйларидан Александр тоғлари ёнларигача Қўқон истеҳкомлари қурилди, уларнинг атрофида зироатчилар ва савдогарлар келиб яшарди. «XVIII аср воқеаларидан (жунгарлар истилоси давридан) сўнг қишлоқ ва қисман шаҳар ҳаёти қайта тиклана бошлади», – деб ёзган эди В. В. Бартольд[24]. Бу жойларда Бишкек ва Тўқмоқ қалъаси (1825 й.), Куртка (1823 й.) ва бошқа истеҳкомлар қурилди. Аммо Ўратепа вилояти Қўқон ва Бухоро учун жанг ва урушларнинг майдони бўлиб қолди. Бу урушлардан фақат халқ азоб чекарди, холос[25]. Умархон давридан бошлаб Қўқон Ўрта Осиё минтақасида сиёсий жараёнлар ва халқаро муносабатларда фаол аралаша бошлади.

Муҳаммадалихон 1822 йили Маъсумхон Тўра, шайх ул-ислом Домулло Зокирхўжа эшон ва тоғалари Қосим беклербеги томонидан хонлик тахтига кўтарилади[26]. XIX асрнинг 20-йилларида Қўқон давлати хўжаларнинг ҳаракатлари сабабли Шарқий Туркистон ишларига аралаша бошлайди. 1832 йили Пекин Қўқон

билан сулҳ тузиб, Қўқонга баъзи енгилликлар берди. Масалан, Қўқон хони ўз оқсоқоллари орқали Қошғардаги раъийатдан солиқ олиш ҳуқуқига эга бўлади[27].

1833-34 йиллари Қоратегин босиб олинди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Қўқон ҳукуматини Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон шоҳлари ҳам тан олди. Қирғизлар яшайдиган ерлар ҳам хонлик ҳудудига қўшиб олинди. Лекин Муҳаммадалихон ҳукмронлиги даврининг охирги йилларида Қўқон давлатининг ички аҳволи оғир эди. Қўқон ҳудудига қўшилган қирғиз ва қипчоқ бошлиқлари бир томондан, ўтроқ аъён ва зодагонлар кучлари, раҳбарлари иккинчи томондан ўзаро қаршилик ва душманликни бошлай берди. Тошкент ашрофлари, муҳожирликда бўлган турли гуруҳлар намоёндалари (Муҳаммад Ҳакимхон бошчилигида) марказий ҳукуматни қўлга олиш учун курашни кучайтирди. Сарой ва хон атрофидаги мансабдор шахслар ҳам баъзан иғволарга қўл урарди. Бухоро амири Насруллоҳ (1826-1860) ҳам қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, бу бой ўлкани эгаламоқчи эди.

Натижада, 1842 йили май ойида Бухоро амири Насруллоҳ Қўқон шаҳрини эгаллайди. Бу юриш ҳар хил гуруҳларнинг ички сиёсий қаршиликлари натижаси эди. «Шу гуруҳларданг бири – Тошкент аъёнлари ва Шаҳрисабздаги қўқонлик муҳожирлар бирлашгач, ўз душманларини йўқ қилиш учун ҳамма воситалардан фойдаланиб, мақсадларига эришолмай, Бухоро амири Насруллоҳдан мадад сўрашди», - деб ёзилган манбаларда[28]. Бу юриш ташкилотчиларидан бири муҳожирликда бўлган Қўқон хонлари авлодига мансуб Ҳакимхон тўра ибн Маъсумхон шайх ул-ислом эди[29]. Амир Насруллоҳ қўшини Фарғона водийсини талон-тарож этиб, Қўқонни ҳам ғорат қилади. Қўқон хони Муҳаммадалихон ҳамда унинг яқинлари, укаси Султон Муҳаммад, онаси шоира Моҳларойим (Нодира), ўғли хонзода Муҳаммадаминхон ҳам ўлдирилади. Бу воқеадан олдин Бухоро амири Хўжа Қаландар мисгар қўзғолонини ҳам бостиради. Қўзғолон Бухоро истилосига қарши кўтарилган бўлса ҳам, унинг натижасидан хон душманлари фойдаланди[30].

Бухоро амири Қўқонда 13 кун туриб, хонликдаги кўплаб ҳунарманд косиблар, усталарни мажбуран Бухорога олиб кетади. Кўплаб хотин-қизлар ҳам ўз ватанларидан кетиб, ғурбат ва ғарибликка дуч келади[31]. Амир Насруллоҳ Иброҳим парвоначи манғитни Қўқонда ҳоким этиб, ўзи Бухорога қайтади. Иброҳим парвоначи «Хаёл» икки ой ҳукмронлиги даврида янги-янги солиқлар солиб, Фарғона халқига ниҳоятда жабр-ситам етказади. 70 кундан сўнг Қўқон халқи қипчоқ ва қирғиз жамоалари кучлари билан манғитларни Қўқондан ҳайдаб, тахтга Шералихонни кўтарадилар. Янги хон муваффақиятига Хива хонининг Бухоро

ирлигига қилган ҳужуми ҳам мадад бўлади[32]. Кўп вақт ўтмай, Қўқон хонлиги олдинги чегараларини тиклаб олади. Қўқондан Тошкент, Хўжанд ва жанубий Қозоғистонгача бўлган мулкларга волийлар қайта тайинлана бошлади. Шералихонни тахтга кўтарган қипчоқ-қирғиз жамоаси раҳбарлик мансабларини қўлга олади. 1842 йили кузда Талас қирғизларининг бошлиғи Муҳаммадюсуф Шералихонга ёрдам бериб, уни хонлик тахтига кўтариб, ўзи мингбоши бўлиб олади. Манғитлар лашкарини Қўқон мулкидан ҳайдашда иштирок этган қипчоқларга олий мансаблар тегмайди. Муҳаммадюсуф ҳам уларга қарши хатти-ҳаракатларни бошлайди. Бу хабарни эшитиб, қипчоқлар Андижон ва Шаҳрихонга бориб қўшин йиғади. Олдиларига музокара учун Юсуф мингбоши ва Шералихоннинг ўғли Саримсоқбек юборилади. Қипчоқлар талаби билан Муҳаммад-Юсуф мингбошилик мансабидан олинади ва ўрнига Кали Шоди деган киши вазир бўлади. Муҳаммадюсуф Марғилонга ҳоким этиб юборилади. Каримқули додхоҳ Андижонда ҳоким бўлгач, Мусулмонқул унга ботурбоши этиб тайинланади. Шу билан «Мусулмонқул давлат отига миниб, ўнг қўлига қудрат қиличини олиб, белига душманга қирон келтирадиган шамширини осади»[33]. Мусулмонқул асли қипчоқларнинг қулон уруғидан бўлган экан[34]. У Марғилон қўшинига сардор эди ва 1843 йили қўзғолон кўтариб, Муҳаммадюсуфни Чуст яқинида мағлуб этади. Мусулмонқулнинг норозилигига қипчоқларга қарши уюштирилган суиқасд сабаб бўлган эди. Юсуф мингбоши қабиладошлари билан Шоди додхоҳни, Шоди додхоҳ эса Юсуф ва Мусулмонқулни давлат ишларидан четлаштирмоқчи бўлади. Мусулмонқулни қипчоқлар ҳамда қорақалпоқ ва қалмоқлар қўллайди. У Наманганни олгач, Шоди додхоҳни ҳам мағлуб этиб, ўлдиради. Қипчоқлар Қўқонни босиб олади, натижада Ўтамбий Марғилонда, Кўри Сидиқ Андижонда, Мирзот Наманганда, Шер Кировучида, Нормуҳаммад Тошкентда, Норбахши Хўжандда ҳоким бўлиб олади. Каримқули дастурхончи ва Қулбобо (Ҳотамқули қипчоқ) рисолачи бўлишади[35]. 1844 йили қирғизлар ҳам куч йиғиб, Моду ва Ўш атрофида бош кўтаради. Улар Алимбек, Сайид додхоҳ ва Пўлод додхоҳ бошчилигида Мусулмоқулга қарши жангга чиқади. Мусулмонқул Қўқон лашкари билан Ўшга келади. Аммо унинг йўқлигидан фойдаланган махаллий аъён-ашрофлар Олимхоннинг ўғли Муродхонни тахтга кўтариб, Шералихонни ўлдиради. Бу хабарни эшитган Мусулмонқул Ўшдан тезлик билан пойтахтга келиб, 11 кун ҳокимлик қилган Муродхонни қатл қилади ва Шералихоннинг ўғли Худоёрхонни хон деб эълон қилади. Ёш хонга ўз қизини бериб, унга қайнота бўлгач, оталиқ унвонини ҳам олади. Ҳукумат қипчоқбийлари қўлига ўтади.

[32] Ўша жойда. 244[а]-245[б] вар.

[33] Ўша жойда., 181[а] вар.

[34] Жангномайи Худоёрхоний, 5[а,б] вар.

[35] Жангономайи Худоёрхоний, 5[б] вар; Зафарномайи Худоёрхоний, 6[а] вар.

Шералихон катта ўғли Саримсоқбек(Абдураҳмонбек)ни Тошкент мулкида, Худоёрхонни Андижонга ҳоким этган эди[36].

Шералихонни тахтдан олиб, ўлдирилишига фаол қўл урган руҳонийлар – Зокирхўжа шайх ул-ислом, домла Холмуҳаммад-раис, домлахўжамқули аълам, Сулаймонхўжа, шаҳар ва заминдор ашрофларидан Раҳматилла додхоҳ, Сотиболди додхоҳ, Охун додхоҳ, Муҳаммадкарим халифа, Мулла халифа ва бошқаларни Мусулмонқул ўлдирди.

Ёш Худоёрхон қайнотаси Мусулмонқул ва қипчоқлар таъсирида қолиб, давлат бошқарувидан бутунлай четлатилган эди. «Шундай замон бўлдики, - деб ёзади замондош муаррих Аваз Муҳаммад, - ҳар ким ўзича ҳукм сурарди. Хон унвони маъносиз бўлди. Мусулмонқул ва қипчоқнинг бошқа ашрофлари ўлкани ўзаро бўлиб олдилар»[37]. Мусулмоқул мингбошилик лавозимига эга бўлади. Қипчоқлар ўз авлодлари билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб Қўқонга кириб яшай бошлади. Шаҳардаги аҳолини ҳайдаб чиқариб, ер, мол-мулкларига эга бўлишди. Манбаларда хабар берилишича, Мусулмонқул ҳатто эски Ўрда ерини ҳам ўз қабиладошларига бўлиб берган [38].

## AN’ANAVIY HUNARMANDCHILIK TARIXIDAN (PICHOQCHILIK MISOLIDA)

Namangan muhandislik texnologiya instituti “Ijtimoiy fanlar” kafedrasi asistenti
Mahmudov Abduqahhor Burhonjon o’g’li

***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada an’anaviy hunarmandchiligining pichoqchilik sohasi yoritilgan. Pichoqning paydo bo’lish tarixi. Pichoqning turlari va O’zbekistoninig qadimiy pichoqlar topilgan hududlari.Pichoq yasash texnologiyasi.*

***Kalit so’zlar va iboralar:*** *pichoqchilik tarixi, pichoq turlari,ukki, ustara, stol bargi, pichoqchilik markazlari.*

## ИЗ ИСТОРИИ ТРАДИЦИОННЫХ РЕМЕСЕЛ (НА ПРИМЕРЕ ВЛАДЕНИЯ НОЖОМ)

Намангаский инженерно-технологический Институт,ассистент кафедры «общественных наук»
Махмудов Абдуқаххор Бурхонжон ўгли

***Аннотация:*** *Эта статья дает вам краткий обзор по изготовлению ножей. История ножа. Виды ножей и древние регионы Узбекистана, где были найдены ножи. Технология изготовления ножей.*

***Кулючевые слова и фразы:*** *история ножей, типы ножей, укки, бритва, столик, ножевые центры.*

## FROM THE HISTORY OF TRADITIONAL CRAFTS (IN THE EXAMPLE OF STABBING)

Namangan institute of engineering and Technology , Makhmudov Abdukakhkhor Burhonjon o'g'li assistant of the deparment "Social sciences".

***Abstract:*** *This article gives you a brief overview on knife making. History of the knife. Types of knives and ancient regions of Uzbekistan where knives were found. Knife making technology.*

***Key words and phrases:*** *knife history, knife types, ukki, razor, table leaf, knife centers.*

O'zbeklarning boy madaniy merosi va xalq amaliy hunarmandchilik an'analarini chuqur tadqiq etishga keng imkoniyatlar mustaqillik davridan boshlandi desak mubolag'a bo'lmaydi.

O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.Karimov ta'kidlaganidek: "Biz hamma vaqt keng aholi qatlamlarining ham mumtoz, ham zamonaviy milliy madaniyatning eng yaxshi namunalaridan bahra olishiga imkon berib kelgan madaniyat sarchashmalariga avaylab munosabatda bo'lishni o'rganib olishimiz lozim. O'zbekistonda musiqa, tasviriy, monumental va amaliy san'at sohalarida katta muvaffaqiyatlarga erishilganligi tasodifiy emas. Milliy va jahon madaniyatining eng yaxshi namunalarini keng targ'ib qilish va ommalashtirish yosh avlodni, hozirgi yoshlarimizni ma'naviy tarbiyalashning asosi bo'lmog'i kerak"[1: 150].

Shunga ko'ra, hunarmandchilikni rivojlantirish yo'lidagi mavjud muammo va to'siqlarni tizimli bartaraf etish, O'zbekiston xalqlarining boy madaniy me'rosi va tarixiy an'analarini to'liq saqlab qolish va yanada boyitish, hunarmandchilikni keng miqiyosda qo'llab-quvvatlash hamda hunarmandchilik bilan shug'ullanishga aholini, ayniqsa, yoshlar, ayollar va va kam ta'minlangan oilalarni jalb qilishga rag'batlantirish maqsadida 2017 yilning 17 noyabrida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash chora tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni qabul qilindi[2: 2].

Farg'ona vodiysi nafaqat O'zbekistonda, balki Markaziy Osiyoda yirik etnomuloqat va etnogenetik mintaqalardan biri hisoblanib, bu yerda hunarmandchilikning rivojlanishi o'ziga xos tarzda kechgan. Farg'ona vodiysida milliy hunarmandchilikning to'quvchilik, kulolchilik, zargarlik, ko'nchilik, yog'ochga ishlov berish, temirchilik, pichoqchilik turlari rivojlangan. Ayniqsa, ushbu hunarmandchilik turlarining vodiyga xos taraqqiyot yo'li bu erda alohida, lokal madaniyat shakllanganligidan dalolat beradi.

Pichoq yasash boshlang'ich paleolit davridan ma'lum bo'lgan. Temir davrida hunarmandchilik paydo bo'lgan va rivojlangan. Mis va bronzadan pichoq yasash bronza davriga kelib avj olgan. Temirning kashf etilishi pichoqchilik san'ati taraqqiyotida katta burilish bo'ldi. O'rta Osiyoda pichoqchilikning eng rivojlangan joyi arab mamlakatlari

bo'lgan, Ispaniya va Itliyada esa tez usib rivojlanib ketgan.XVI asrda Germaniya, Angliya, Avstriya, Fransiyalarda pichoqchilikni kasb sifatida ta'qiqlab, pichoqni oshxonalarda ishlatishgan. XVII asr boshlarida pichoqning ochib yopiladigan, pakki, ustara va boshqa cho'ntakda saqlanadigan pakkilar yuzaga keldi. Arxeologik topilmalardan ma'lumki, O'rta Osiyo hududida millodan avvalgi 2 ming yillikga oid pichoq namunalari topilgan. Bolalik tepa, Afrosiyob, Varaxsha devorlariga ishlangan rasmlardan ma'lum bo'ldiki, pichoq uy-ro'zg'ordan tashqari harbiy qurol sifatida ishlatilgan. VI—XII asrlarda pichoq yasash rivojlanib uni bezash texnologiyalari o'zgargan. XV—XVII asrlarda yonga osib yuriladigan pichoqlarning turli xillari paydo bo'ldi. Buni Navoiy, Bobir asarlarida ishlangan miniatyuralardan ko'rish mumkin. Keyinchalik pichoqchilikning o'ziga xos maktablari paydo bo'ldi. Farg'ona vodiysi, Samarqand, Buxoro, Tashkent, Xorazm, Qashqadaryo, Surxondaryo qadimdan pichoqchilik markazlari bo'lib, ular o'zining ishlash texnologiyasi, shakli, katta-kichikligi va bezaklari bilan farq qilgan O'rta Osiyoda qadimdan metallni qayta ishlash, ya'ni hunarmandchilik qurollari ishlab chiqarish uchun sharoit mavjud edi. Hunarmandlar qadimdan bir-biri bilan birikib bir mahallada yashaganlar, shuning uchun mahallalarining ko'pi ko'pchilik qaysi hunar bilan shug'ullansa shu nom bilan yurgizilgan. O'rta Osiyo hududlarida bunday mahallalar ko'p bo'lgan, Pichoqdan kesuvchi asbob tariqasida kunda foydalanilsa, qadimda O'rta Osiyoda erkaklarning eng zarur ish quroli, bezagi tariqasida foydalanilgan, Pichoqlarni badiiy bezash ham katta rol o'ynagan. Shuning uchun ham Sharq madaniyatining eng yaxshi an'analarini qayta tiklash va o'zlashtirish natijasida O'zbekiston jum-huriyatidagi pichoqsozlar milliy pichoqni sanat darajasiga ko'targanlar.

Dastlab Pichoq kosiblik do'konlarida ishlab chiqarilgan. Hozir Pichoq, asosan, sanoat korxonalarida ishlab chiqarilmoqda. Ishlatilishiga ko'ra ro'zg'or Pichoqlari, bog'dorchilik, kosibchilik va boshqalarda qo'llanadigan xillari bor. VI-XII asrlarga oid pichoq namunalari metall tarkibining, pichoq yasash texnikasining va bezaklarining o'zgarib, taraqqiy eta borganligini tasdiqlaydi. XVII- asr boshlaridan esa ochib-yopiladigan cho'ntakda saqlanadigan—pakki, ustara kabi pichoqlar tayyorlana boshladi.

Navoiy, Bobur asarlariga ishlangan miniatyuralarda yonga osib yuriladigan pichoqlarning turli xil namunalari ko'rsatilgan. Hozir O'zbekistonda 20 ga yaqin pichoqchilik markazlari bor. Parkent, Shahrixon, Chust, Qorasuv, Qo'qon, Chimyon, Boysun, Buxoro kabilarni misol qilib keltirish mumkin. Chust, Shahrixon, Qorasuvda (Farg'ona vodiysi) ishlangan pichoqlar milliy shaklining nafisligi, ixcham va o'tkirligi bilan qimmatlidir. Bu pichoqlar respublikamizda va uning tashqarisida muhim sovg'asifatida ham qadrlanadi.

O'rta Osiyoda pichoq alohida razmiy ma'noda ya'ni barcha yovuzliklardan saqlash ma'nosida masalan, "dandon sopli pichoq" va " karkesopli pichoq" lar iloxiy hisoblangan.. Bu pichoqlar kishini ins-jinsdan, yomonlikdan asrashda muhim ahamiyatga ega bo'lgan. Pichoq dastasini ushlash ilon chaqishidan, ayollarni esa farzandsizlikdan asraydi deb irim qilishgan. Ushbu pichoqlar hozir ham noyob, hatto ustalar uchun ham kamyob hisob. pichoqni yasash jarayonida pichoqni tig'i o'tkirlash uchun ishlatiladigan suv tomoq og'rig'i hamda yurakni davolashda ishlatilgan. Bundan tashqari kashtachilikda, me'morlik bezagida, sopolchilikda pichoqni ramziy holatda tasvirlaydilar.

Shuni takidlab o'tish kerakki hunarmandchilik tarmog'ida barcha marosim, urf-odatlar asosini hunarmandchilik homiy-pirlari bilan bog'liq e'tiqodiy qarashlar tashkil etadi[3:63].

Pichoqchilik ishi mayda va nozik bo'lib, juda mayda asbob-uskunalar ishlatilgan. Pichoqchilikning katta do'konida usta bosqonchi va damg'ir birgalikda ishlagan. Mehnatda usta va bozg'onchi qatnashib damni goh usta, goh bosqonchi bosib turadi. XIX asr va XX asrning birinchi yarmida pichoqning dumi po'latdan yasalgan, uning dastasi esa suyak, muguz yoki yog'ochdan yasalgan. Pichoqning dastasi karkidonning muguzidan filning tish va suyagidan yasaladi. Pichoqqa ajratilgan temir qalam bilam kesiladi, Bo'lingan har bir bo'lakdan bittadan pichoq tayyorlanadi. Bo'laklarni Andijon, Namangan, Qorasuv, Marg'ilon pichoqlari kesindi deb yuritadilar. Ish jarayoni esa kesindi qilish deb yuritiladi.Metall bo'lakchasini o'tda toblab olib sandonga qo'yib bosqon hamda bolg'a bilan urib tig' keltiriladi. Agar metall etarli bo'lsa dum ham yasaladi. Ustalarimiz asboblarni keskir, puhta bo'lishi uchun ish jarayonida suvga tiqib olinadi. Bu jarayonni sug'orish yoki suv berish deb ataladi. Yasaladigan po'latni qattiq-bo'shligiga qarab suv beriladi, Pichoqni qizdirib keyin suvga tiqib yana o'tda qizdirib qarab turilsa yasalayotgan pichoqni qizigan qizil rangi ketib sarg'ish tusga kiradi. Shu vaqtda suvga tiqilsa tilla rang tusi saqlanib qoladi. Bu jarayonni tilla rangga sug'orish deb yuritiladi. Agar shu jarayonda ko'k rangda kizdirsa suvga tiqilsa, unda ko'kka sug'orish deb ataladi. Oqish tusga kirganda sug'orilsa, oqqa sug'orish deb yuritiladi. Tig' sug'orilib bo'lingandan so'ng, ya'ni o'tda bo'ladigan ish jarayoni tugaydi. Uni g'iraga qistirib katta chorsi egovda egovlanadi. Ortiqcha joylari olib tashlanadi. Pichoq qabzagirlik asbobiga qistirib uni bir tomonga yupqa qilib charxlanadi. Bu jarayonni dam olish deb ataladi. Shundan so'ng yirik va mayin pardoz beriladi. Keyin esa rishta egov bilan loqa qirrasi bo'ylab ishqalab, pichoq tig'ining yuzini dumga ulangan joyidan to uchigacha ingichka soy yoki koma ochiladi. Shundan so'ng naqsh bigiz yoki duvduv bilan ustaning ismi, familiyasi va ishlagan vaqti yozib qo'yiladi. Pichoq charxlanib bo'lingandan so'ng uni qirovi to'kiladi. Pichoqni zon nomli suyuq moddaga botirib olinadi va pichoq qoramtir tusga kiradi. Zok surtilgan pichoq ishlatilib o'tmas bo'lib qolinsa, uni charxlamay balki, qayrab o'tkirlanadi. Tig' tayyor bo'lgandan so'ng unga pichoq dastasi o'rnatiladi. Zavodlarda pichoq quyidagi texnologiyada bajariladi. Zavodda mahsus sexda tig'lar tayyorlanadi. Keyin boshqa sexda pichoqchi ustalar pichoq dastasini tayyorlaydilar. Pichoq dastalari esa hayvon shoxlaridan va yog'ochlardan yasalgan[4: 24]. Bundan tashqari plastinkalardan ham tayyorlanadi. Plastinkapar dastani tig' bilan biriktirish uchun mahsus teshiklar ochiladi.Pichoq dastasi mustahkam turishi uchun mis qistirgichlar quyiladi. Misdan yasalgan bu halqacha gulbant deb yuritiladi. Gulbandga arracha bilan ishlov beriladi. Guldor sherlak bilan bezaladi va grav-yurovka qilinadi. Shoxdan va suyakdan yasalgan dastalarni dag'al joylari tekislanadi. Guldor plastmassadan qilingan va jez falga bilan qoplangan ko'z (gul) deb ataladigan manzarali mentlar mahsus teshib ochilgan joyga o'rnatib chiqiladi. Arracha bilan ishlov berilib, silliqlanadi, ya'ni pardoz beriladi. Zavodning teri galantereya sexida pichoqlar uchun xrom va lokpi terilardan qinlar tayyorlanadi. Ayrim pichoq turlari bo'lganki ular faqat qo'l mehnati orqali tayyorlangan va bu jarayon uni qimmatini ham oshirgan. Masalan "stol bargi", "qaychi pichoq", "avrador pichoq" kabi pichoqlar huddi xanjarga o'xshash uzun bo'lib, ba'zilari toshlar bilan bezalgan bo'ladi[5: 13].

Xulosa qilib aytganda, xalq ustalari avloddan-avlodga o'tib ardoqlanib kelinayotgan pichoqchilik san'ati ijodiy tajribalari, mohirlik sirlari, otadan bolaga, bobodan nevaraga meros bo'lib kelyapti. Ustalarimiz butun bir tajribalarga asoslanib, betakror uslubdagi pichoq namunalari yaratib kelmoqdalar.

**Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro'yhati:**

1. Каримов И. Узбекистан XXI аср бусагасида. Хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тарадиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni "Xunarmandchilikni yanada rivojlantirish va xunarmandlarni har tomonlama qo'llab - quvvatlash chora tadbirlari to'g'risida". // Xalq so'zi. 2017 yil 21 no'yabr № 234 (6928) soni.
3. Эсонов З. Фарғона водийси ҳунармандларининг пирлар билин боғлиқ эътиқодий қарашлари // ФарДУ ахборотномаси, 2019. № 5.
4. Zoxidov N. M. "Yog'ochsozlik va metal bilan ishlash" (o'quv qo'llamna). – T.: "Voris", 2007.
5. Носирова З. Фарғона водийси бадий хунармандчилиги // Мозийдан садо, 2014. № (62) .

## XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АНЪАНАВИЙЛИК

Патхиддинов Рухиддин Хусниддин ўғли,
Наманган муҳандислик-технология институти ўқитувчиси

***Аннотация:*** *Мақолада аср охири – аср бошларида Туркистонда тиббиёт тарихининг мусулмон аҳолиси анъаналари ҳақида сўз боради*

***Калит сўзлар:*** *халқ табобати, profilaktika, kasallik, sog'liq, sanitariya*

## СИСТЕМА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В ТУРКЕСТАНЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ: ТРАДИЦИИ

Патхиддинов Рухиддин Хусниддин угли,
преподаватель Наманганского инженерно-технологического института

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются вопросы истории медицины Туркестана конца XIX – начала XX вв. в контексте традиций в деле оказания медицинской помощи мусульманскому населению края.*

***Ключевые слова:*** *народная медицина, профилактика, болезни, здоровье, санитария*

## THE HEALTH SYSTEM IN TURKESTAN IN THE LATE XIX - EARLY XX CENTURIES: TRADITIONS

Patkhiddinov Ruhiddin Husniddin o'g'li,
lecturer, Namangan institute of engineering and technology

***Abstract:*** The article deals with the history of medicine in Turkestan of the late 19th – early 20th centuries in the context of traditions and innovations in the provision of healthcare to the Muslim population of the region.

**Keywords:** traditional medicine, prevention, disease, health, sanitation

Анъанавий соғлиқни сақлаш тизими ва халқ табобатининг қадимий усуллари сўнгги йилларда олимларни ва жамиятни қизиқтириб келмоқда. Бу Ер юзи аҳолисининг 2/3 қисми соғликни сақлаш тизимида асосан халқ табобатидан фойдаланаётгани билан боғлиқ. Хитой ва Ҳиндистон каби давлатларда эса замонавий тиббиёт ва халқ табобатини бирлаштириш орқали катта натижаларга эришилди. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда соғлиқни сақлаш тизими ўзига хосдир. Бу даврда маҳаллий аҳоли асосан халқ табобатидан фойдаланган, аста-секинлик билан замонавий тиббиёт кириб келаётган эди. Биз бу мақолада Туркистонда соғлиқни сақлаш тизимининг анъанавий йўлларини ёритишга ҳаракат қилдик.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда маҳаллий аҳоли анъанавий тиббиёнинг уч туридан фойдаланган: халқ табобати, исломгача бўлган тиббиёт ва исломий тиббиёт[1.18]. Исломгача бўлган тиббиёт вакиллари (шаманлар, бахшилар ва бошқалар) даволашнинг психотерапевтик усулларига асосланишган.

Шахар ва қишлоқ халқи асосан халқ табобатидан фойдаланган. Халқ табобати – бу шундай даво йўлики, бунда халқнинг ўзи касалликни даволаш мақсадида ўзи билган усулни қўллайди. Бу усул анча оддий, лекин хар доим хам фойдали эмас. Асосий қўллаш воситалари қуйидагилар: шифобахш ўтлар, минераллар, хайвонларни баъзи бир аъзолари. Улардан мазь, порошок, дамламалар тайёрланган. Халқда бу «туркана дори» - «уй дориси» деб аталган. Бу дорилар асосан уйда кузатувчи ёки маслахатчи ёрдамида тайёрланган. Халқ табобати касалликни белгиларини йўқотишга йўналтирилган. Халқ табобати табиблари назарий билимга эга бўлмаган ва касалликни сабаби хамда патогенези билан қизиқишмаган. Улар касалликни белгиларини аниқлашган (яра, коринда оғриқ, томокда оғриқ, қон кетиш, иситма ва бошкалар) ва уларни мумкин бўлган йўллар билан даволаганлар[4.145]. Симптомлари оркали халқ табобати табиблари қуйидаги касалликларни аниқлашган: қизамиқ, боски, тепки, ангина, нома, дифтерия, стоматит, диспепсия, малярия, флегмона, фурункул, темиратки, экзема, ришта, пендин яраси ва бошқалар. Симптомларига қараб баъзи ички касалликлар ва жарроҳлик касалликларини аниқлашган: гастрит, зотилжам, грыжа, геморрой ва бошқалар. Уларни даволаш учун шундай йўллардан фойдаланишган: коринда оғриқ булса (опий, ревень, анор пўстининг дамламаси, аччик чой, енгил овқат); нафас олиш йўли касалликларини даволашда (лавлаги шарбати, душица дамламаси, асал); безгакда (анор пўстининг дамламаси). Чипқон чиққан жойга қўй ёғи суртиб яра пишиб ёрилгунга қадар боғлаб қўйишган. Одамларда тоза ва ифлос яралар ҳақида тушунча бўлган. Янги кесилган ва тешилган яраларга кул сепишган. Кул биринчидан қонни тўхтатган, иккинчидан стерил бўлганлиги сабабли ярани йирингламасдан битишида ёрдам берган. Халқ табиблари ичида ўзига хос

ихтисослаштириш бўлган. Масалан: массажистлар, тери билан шуғулланувчилар, қон олувчилар, риштани даволовчилар, тиш докторлари ва бошқалар[2.160]. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда яшовчи ахоли бир неча асрлик орттирилган тажрибага асосланиб, соғлиқни асраш ва касалликларни олдини олиш мақсадида бир катор гигиеник ишлар ишлаб чиқишган. Улар орасида асосий эътибор хаммомга каратилган. Шахарларда яроқсиз озик-овкатлар натижасида келиб чикадиган касалликлар тарқалмаслигига катта эътибор берилган. Шахар идораси таркибида бозорларда сотиладиган озиқ-овқатларни, айниқса гўшт ва нонни яроқлилигини текширувчи шахслар бўлган. Қассоблардан қуйидаги коидаларни бажариш қатъий талаб қилинган: сўйишга фақат соғлом ва тетик молларни олиш, сўйилган молни обдон тозалаш, лимфа безларини топиб олиб ташлаш, қон ва бошқа олиб ташланган жойларни чуқур казиб, у ерга ташлаш. Нонвойлардан эса нонни кунжут билан ёпиш талаб килинган. Овқатланадиган жойларнинг эгалари овқатларни ўта сифатли махсулотлардан тайёрлаши шарт эди.

Ифлосланган сув касаллик ўчоғи бўлиши мумкинлиги сабаб ариқ ва бошқа сувларни ифлослаш, ахлат ташлаш таъқиқланган ва гуноҳ саналган. Юқумли касалликларни профилактикасига катта ахамият берилган. Асрлар давомида ишлаб чиқилган ўликларни кўмиш коидалари, улар билан кейинчалик алоқа бўлмаслиги учун ишлаб чиқилган. Ўзбекистондаги бу қатъий гигиеник коидалар, ўрта асрларда Европада содир бўлган каби эпидемияларни олдини олишда қўл келди.

Бу даврда беморларни даволаш билан эшонлар, муллалар, отинлар ва бошқалар ҳам шуғулланишган. Улар беморларни Қуръоннинг сураларини, баъзи дуоларни ўқиш оркали даволашган. Дуоларни ўқиш пайтида бемор курбонлик учун сўйилган молни терисига ўралган ҳолда бўлган. Мулла дуони идиш ичига туш билан ёзган, бемор эса бу идишга сув солиб, дуони чайиб ичиши керак бўлган. Тери касалликларида эса бу дуолар терини зарарланган жойига ёзилган. Бундан бошқа бир қанча даволаш усуллари бўлган. Отин ойимлар бу усулларни аёлларда қўллаган. Масалан, аёллар ва болалар ёмон кўз таъсирида касал бўлади деб хисобланган. «Кинна солиш» қорин оғришида, бош оғришида ишлатилган, бунда кинначи идиш олиб, уни мато билан ёпган ва зарарланган аъзо устида ушлаб турган ва дуо ўқиган. «Суфлаш»да (бу енгил касалликларда ишлатилган) нон бўлаги ишлатилган. «Парихонлар» хам алохида гурухни ташкил этган. Улар қирқ кунлик рўза тутиш оркали рухлар билан гаплаша олиши ва беморлар учун рахм сўраши мумкинлигига одамларни ишонтиришган. Кўпчилик кишилар рухлар ва ёмон кучларга ишонганлиги сабабли туморлар, кўзмунчоқлардан фойдаланишган. Тиббиётда турли жойларни зиёрат қилиш хам ўз аксини топган. Масалан, риштадан даволашда Бухородаги Ходжи Исмат қабрини зиёрат қилиш, бўғимларда оғриқ бўлганда эса, Ўшдаги Дониёр бек қабрини зиёрат қилиш тавсия этилган. Болаларни кўкйўталдан даволаш учу ота-оналари болани Кўк масжидга олиб келишлари керак эди (Тошкент шахри, Чорсуда). Бу ерда халигача касал бола ялаши керак бўлган кўк тош сақланиб қолган. Тошкентда Сўгалли-ота қабри мавжуд, у сўгални даволашда зиёрат килинган. Самарканддаги Бибихоним масжиди аёлларни бепуштликдан даволайди деб хисобланган. Бунинг учун улар Куръон турган иккита катта тошни

орасидан ўтишлари керак бўлган. Бу ерда тарихий парадокс ҳолат юзага келади, чунки Бибихонимнинг ўзи хам бепушт бўлган. Шундай қилиб, асрлар давомида халқ касалликларни даволаш ёки беморни аҳволини енгиллаштириш мақсадида турли хил даво йўлларини ишлаб чикишган. Бу йўллар оддий, қўл остида мавжуд бўлган нарсалар орқали ёки психологик таъсир оркали бажарилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда маҳаллий аҳоли асосан касалликларни анъанавий тиббиёт усулларидан фойдаланган ҳолда даволаган. Россия империяси орқали замонавий тиббиёт кириб келган бўлсада, унинг хизматларидан асосан ҳарбийлар ва кўчириб келтирилган рус аҳолиси фойдаланган. Маҳаллий аҳоли орасида ҳам замонавий тиббиёт аста секинлик билан тарқала бошлади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аллаяров Х.А. История народной медицины Средней Азии: дис. докт. мед. наук. М., 1993. 32 с.
2. Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи. Т. 2015
3. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. Т.: Янги нашр. 2011.
4. Шодмонова С. Медицина и население Туркестана: традици и новации. (конец XIX – начало XX вв) //Историческая этнология. Том 2. №1. 2017
5. Тиббиёт тарихи. Руствмова Ҳ ва бошқалар. Т. 2014.

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ.

Хонқулов Шавкатжон Хурсаналиевич
ФарПи “Ўзбекистон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси
Нурматова Салима Собировна
ФарПи “Чизма геометрия ва муҳандислик” кафедраси ассистенти

***Аннотация:*** *Мазкур мақолада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг она тили ривожига қўшган ҳиссаси, ўзбек тилнинг ривожлантиришдаги ҳаракатлари ва усуллари, унинг асарларида келтирилган сўзларнинг мазмун-моҳияти ёритилиб берилган.*

***Таянч сўзлар:*** *Миллат, сўфи, пурист, пантуркист, Ойна, бидъат, мажусият, пўнқорғолар, Явмул вафот.*

## РОЛЬ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА В ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ ХАМЗЫ ХАКИМЗОДА НИЯЗИ

Хонкулов Шавкатжон Хурсаналиевич
старший преподователь кафедры “История Узбекистана”
Нурматова Салима Сабировна
ассистент кафедры “геометрия чертежа и инженерия”

***Аннотация:*** *В этой статье описывается Хамзы Хакимзода Ниязи в развитие родного языка, его действия и методы в развитии узбекского языка, содержание его*

*произведениях.*

***Ключевые слова:*** *нация,суфи, пурист, пантуркист, Ойна, еретик, магианство, вареники, Явмуль умер*

## THE ROLE OF THE UZBEK LANGUAGE IN THE HISTORY OF DEVELOPMENT IN THE WORK OF HAMZA HAKIMZODA NIYAZI

Xonkulov Shavkatjon Xursanaliyevich
Senior Lecturer of the Department “History of Uzbekistan”
Nurmatova Salima Sabirovna
assistant of the Department "Descriptive geometry and engineering"

***Annotation:*** *In this article Hamza Hakimzadeh Niyazi contribution to the development of the native language, the ways and methods of developing the Uzbek language, the content of the words mentioned in his works are highlighted.*

***Key words:*** *nation, turtle, purist, panturkish, War, heresy, mausi, bark, Yawmul died*

Ҳар бир миллатни узоқ ўтмиши, урф-одати унинг она тилига боғлиқ. Она тилимиз тарихини билиш, унинг ўзига хос бўлган томонларини англаш, таҳлил этиш тилимизнинг тараққий этиши учун муҳим бўлган хусусиятлардан саналади. Ҳозирги кунда тилимиз тарихини ўрганиш, халқимизнинг эъзозлаб келаётган маънавиятини юксакка кўтариш билан баробар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини Биринчи Президенти Ислом Каримов “Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради” [1-203]. – деб таъкидлайди.

Шу сабабдан президентимиз Шавкат Мирзиёев “Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий – маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебоҳо маҳсули маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир” [2]- деб айтган фикрлари бежис эмас. Дарҳақиқат, аждодларимиз томонидан такрорланиб келинаётган тилимиз-миллатимиз кўзгуси, унинг қалби саналади. Шунинг учун шоир ва ёзувчиларимиз тилимизга ғоят ҳурмат кўрсатиб, унинг сержилолиги, кўп маънолигини ўзларининг тарихий асарларида кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Зеро, бу тилда Алишер Навоий, З.М.Бобур, Нодира, Огаҳий, Муқимий, Фурқат сингари сўз мулкининг султонлари сўзлаган ва ижод қилганлар. Тилимизнинг маданиятлилиги, сермаънолиги, жилвадорлигини оширишда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У XX аср ўзбек адабиёти тарихи ҳамда халқ таълими соҳасидаги ижодий меҳнати билан ҳам ҳурматга сазовар бўлган адиблар сирасига киради. Ҳамзанинг тарихий асарларида XX аср бошларидаги ўзбек адабий тилининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини эски ўзбек тили билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини билиш имкони туғилади. XX аср бошларидаги ўзбек адабий тили ўзининг лексик, фонетик, грамматик хусусиятлари ва тил тармоқлари жиҳатидан эски ўзбек адабий тилидан фарқланиб туради. Шунинг учун ҳам олимлар бу давр тилига алоҳида аҳамият бериб, “XX аср бошларидаги давр, ўзбек адабий тили шаклланишининг муҳим

босқичи деб қарайдилар" [3-15]. XIX аср охири, айниқса, XX аср бошларига келиб, жамият тарихи билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар адабий тилга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади.

XX аср бошларида ўзбек тилида юз берган ўзгаришларни ўша даврнинг барча соҳаларида айнан кўришимиз мумкин. "Жонли сўзлашув тилидан фарқли хусусиятларга эга бўла бошлаган анъанавий фонетик, лексик хусусиятлар, грамматик формалар билан ёнма-ён ҳолда адабий тил қобиғида жонли сўзлашув тилига хос хусусиятлар қўллана бошлади. Айни вақтда адабий тилда грамматик, лексик дублетлар юзага келади.

Ижтимоий муҳитнинг интенсив ўзгариши, капиталистик муносабатларнинг туғилиши, обьектив ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ижтимоий меҳнат дифференциясининг тармоқлашуви адабий тилининг янги услубларини вужудга келтиради" [4-10,15]. Яъни Туркистонни Россия империяси тамонидан истило қилиниши нафақат моддий бойликларга зарар келтирди, балки маънавий қиёфага ҳам ўзининг салбий унсурлари билан кириб келди. Ўзбек адабий тили ўз бошидан ана шундай мураккаб адабий тилга ўтиш жараёнини кечираётган бир вақтда адабий тил билан иш кўрувчи зиёлилар панисломизм, пантуркистик оқимлар юзага келди.

XX аср биринчи ярмида Туркистоннинг йирик шаҳарларида рўзнома ва ойномалар ташкил топа бошлади. 1905 йилларда жадидизм деб аталган ғоявий оқим вужудга келиб, ижтимоий ҳаётда кенгроқ тарқала бошлади. Бу ҳаракат аввалаXX асрлар тор рамкада бўлиб, янги усул мактаблари ва бошқа ислоҳотлар ташкил қилиш, эски усул мактабларини ислоҳ қилиш ғояси билан боғланган ҳолда давом этиб келди. Жадидчилик оқими таъсирида вақтли матбуот саҳифалари орқали ўзбек адабий тилига кўплаб турк, рус, араб ва форс тиллари лексик-грамматик элементлари кириб келди.

XX асрнинг бошларидаги ўзбек тили ривожи босқичлари турлича бўлган. Масалан, бир гуруҳ зиёли вакиллар, пантуркистларнинг мақсадлари туркий тилда сўзлашувчи аҳоли учун умумий ва ягона бир адабий тил яратишга қаратилган эди. Бу ягона тил негизини уларнинг фикрича, усмонли турк тили ташкил қилиш керак эди. Бу оқимнинг ғоялари Кавказ ва Ўрта Осиёга ҳам етиб келди. Натижада, ўша вақтларда чиққан газета ва журналлар тилида айрим туркча, татарча сўз ва грамматик формалар қўллана бошлади.

Яна бир гуруҳ зиёлилар пуристлар деб номланган бўлиб, уларнинг мақсади эски ўзбек тилини четдан кирган ва кираётган ажнабий сўзлардан тозалаш эди. Бу ҳаракатнинг XX аср бошларида чиққан матбуот саҳифаларида айнан кўриш мумкин: "Ойна" ойномасида бир пурист зиёли қуйидагича ёзади: "Замонимиздаги энг муҳим масалалардан бири тил масаласидур. Ҳушёр миллатлар муни барча масалалардан ортуқ санайдурлар. Чунончи, тилларни, кундан-кун софландуруб, тиллари ичиға кирғон бегона сўзларни ташқари ислоҳ қилур"[5-834]. Бу ҳақида ўша давр яшаган Андреев деган шахс ўзининг мақоласида "Ойна журнали икки – ўзбек ва форс тилларида чиқади дейилса ҳам, аксари материаллар ўзбекча чиқаётганини" - қайд қилади [6]. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркия, Қрим, Волгабўйи ва Туркистонда яшовчи халқларининг зиёли табақалари орасида

умумтуркий адабий тил яратиш тўғрисида ғоя тарқалган эди.

Россияда биринчи бўлиб умумтуркий адабий тил тўғрисидаги пантуркистик ғояни Исмоил Гапспирали кўтариб чиққан. У ўзининг "Таржимон" (1883-1914) номли газетасида бу ғояни тарғиб қила бошлади. Туркистондаги маҳаллий аҳоли вакиллари матбуртни қанчалик қудратли кучга эга бўлишини муайян даражада тасаввур қилардилар. Зотан, улар Боқчасаройда 1883 йилдан буён чиқаётган "Таржумон" газетасини, умуман олганда, хорижда (Туркия,Эрон,Ҳиндистон ва Миср) чоп этилаётган туркча ва форсча газеталарни ўқишиб, "кўзлари очилаётган", онгида ўзгаришлар содир бўлаётган эди [7-109]. 1906 йили Бутунроссия мусулмонлар съездида Исмоил Гаспирали таъсирида умумтурк тилида Туркистон, Озарбайжон, Татаристон болаларини ўқитиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Шундан сўнг туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг вақтли матбуоти, айрим қўлланма ва бадиий асарлари тилида умумтуркий элементлар қўллана бошлайди. Шуни таъкидлаш керакки, татарча, туркча сўз ва сўз формалари Ҳамза насрий асарлари тилида ҳам учрайди. Ҳамзанинг ижодий фаолияти ва қолдирган мероси кўп қиррали бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, ўзбек адабиёти, санъати, педагогикаси ва маданияти тарихининг шаклланишини ёритишда муҳим манба ҳисобланибгина қолмай, балки ўзбек тилининг шаклланишини кўрсатувчи асосий манба ҳисобланади.

Ҳамза асарларида ўзбек тилининг халқчиллиги, персонажлар тилида учрайдиган халқ мақоллари катта ўрин тутади. Ҳамза ўз навбатида демократ шоирларимиз Муқимий, Фурқат ва Завқийлар изидан бориб, оммага тушунарли услубда ижод намуналари яратиши, ўз асарлари ўзбек тилида лексик, грамматик жиҳатдан соддаликка интилиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ғояларни ифодалаши билан ажралиб туради. Ҳамзанинг янги халқчил ғояларни ифодалаш учун халқ тилига мурожат қилади.

Мана шу маънода Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларнинг тили ҳам халқимиз тили билан ҳамоҳанг деб айтсак муболаға қилмаган бўламиз. Чунки, у халқ шеваларида учратадиган сўзларни ўзбек адабий тилга дадиллик билан киритди: "Бидъатми? Мажусиятми" [8-233], "Шоҳимардон пўнқорғолари" [9-303] , "Явмул вафот" [10-254]. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзбек тилини бутун борлиғи билан севди. Унинг бойлигидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Баъзи ўринларда арабча-форсча сўзлар ўрнига туркий сўзларни қўллади: кучлангалар (зўрланганлар), яшурун хатин (жосус хотин). Йўлдошлик (ҳамрохлик) сингари. У халқ мақолларини ва хикматли сўзлар негизида янги-янги мақоллар яратди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларини сўзларнинг генетик манбаларига кўра таҳлили ўтмишда миллатлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда ўзбек тили луғат таркиби, грамматик қурилишининг тарихий шаклланиш илмий асосларига хизмат қилади.

Ҳамза асарлари тилининг хусусиятларидан бири сўзнинг маъносини шундайлигича келтирилганидир. Тилшуносларни таъкидлашича, Ҳамза асарларида "Эски ўзбек адабий тили товушлар уйғунлигини (сингормонизм) тўлалигича бўлмаса ҳам сақлаб келарди" [11-54]. Тилшуносларнинг фикрича,

Фарғона ва Тошкент тип шевалари тарихи бу қонунни асосан йўқотган. “Бу ҳол адабий тил билан жонли сўзлашув тили ўртасидаги фарқни кучайтириб юборган эди. Мавжуд сунъийлик 1917 йилдан кейингина аста-секин йўқола бошлади. Бу даврда мавжуд бўлган дублет формаларни қиёс қилайлик: бозоға-бозорга, борғон-борган, борғил-боргил-боргин, борғунча-боргунча ва ҳ.к.” [12-71].

Юқорида қайд қилганимиздек, сингармонизм қонуни ёзувда тугал бўлмаса ҳам, XX аср бошлари ва 1934 йилгача адабий тилимизда сақланиб келди. XX асрга келиб бу йирик фонетик ҳодиса ривожланган ва даврнинг ёзув тилида баралла намоён бўла бошлаган эди. Асримизнинг бошларида тузилган қўлёзмаларда, тошбосмада чоп этилган китобларда ҳам бу фонетик ҳодиса дарҳол кўзга ташланади. Ҳамза асарлари тилида арабча ўзлашмаларнинг арабча асл маъносидан ўзгачароқ холатлари ҳам учрайди: Масалан:

Миллат - араб тилидаги асл маъноси 1) дин; 2) диний жамоа[13-335].

Миллат - Ҳамза тилида халқ уюшмаси.

Сўфи - араб тилидаги асл маъноси: 1) жундан кийим кийган одам, чунки суф (жун); 2) тасаввуф йўлига ўтган киши, тақводор.

Сўфи - Ҳамза тилида азон айтувчи, кишиларни намозга чақирувчи киши.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ўзбеклар ҳаётида ижтимоий сиёсий ўзгаришлар юз берди. Бу даврда Ўзбекистонда замонавий саноат, фан ва маданиятнинг янги куртаклари пайдо бўла бошлади. Мана шу даврда Ўрта Осиёга, жумладан Ўзбекистонга рус маданияти ва тили кириб кела бошлади. Ўзбек ва рус халқлари ўртасида ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий ҳамкорлик юзага келди. Ўша даврдан бошлаб рус тили ўзбек тилига рус тилидан бир қатор сўзлар кириб кела бошлади.

Рус тилининг ўзбек тилига таъсири бу даврда бир неча сабабларга кўра юзага келди[14-126]. XIX аср иккинчи ярмидан XX аср бошларигача бўлган даврда ўзлаштирилган русча сўзларнинг кўпи аниқ предметлар номи, ўзбек ҳаёти учун янгилик бўлган моддий, маънавий тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир. Илк давр русча ўзлашмалар ўзбек тилига оғзаки нутқ ва матбуот тили орқали кириб келгани ҳаммага маълум.

Бу илк давр русча ўзлашмаларнинг талаффузи ва имлосида стихияли ҳол ҳукм сурганини, уларнинг ўзбек тилида ҳам нормаллашмаганини кўрсатади. Натижада хатто ўзбек матбуоти тилида ҳам русча сўзлар асосан оғзаки талаффуз шаклларида ёзилади” [15-128]. Ҳамза асарлари тилида ҳам русча сўзлар кўплаб учрайди. Булар: роман-рўмон, газета-газет, жўрнал, чўт, доска, минут, истанса ва бошқалар.

“Ўзбек тилининг негизи қадимги туркий қабила ва уруғ тиллари даврида олтой-мўғул тиллари билан алоқада бўлган. Ўзбек тили негизининг мўғул тили билан алоқаси қадимий даврларда қадимий олтой тиллари билан муносабатларда ва XIII асрда мўғулларнинг Ўрта Осиёни истило қилиши даврларида юз берди” [16-31,32].

Бундай сўзлар Алишер Навоий асарларида, жумладан Ҳамзанинг насрий асарларида ҳам кўплаб учрайди. Ҳамзанинг тарихий асарларида унинг кўпгина

тасвирий воситалардан фойдаланганлигини гувоҳи бўламиз. Бунга асосий сабаб Россия империяси ва совет даврида фикр, ғояларни очиқ баён қилиш имконияти йўқ эди. Хулоса ўрнида айтиш керакки, XX аср бошларидаги ўзбек тилимизнинг муҳим ёдгорликларидан ҳисобланган Ҳамзанинг тарихий - насрий асарлари она тилимиздаги айрим сўзларни ўтмишдаги бой маъносини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар**

1. Каримов И.А.. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.; "Ўзбекистон". 1996 й. 203-бет
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш. Мирзиёевнинг 2019 yil 21 oktyabrdagi "Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5850-сонли фармони
3. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир. "Ўзбек тили ва адабиёти". 1977 й. 15-бет
4.Турдалиев Б. Ҳамза ва ўзбек адабий тили. Т.; 1982 й, 10-15-бетлар.
5. "Ойна". Самарқанд. 1914 й. 834-бет
6. Андреев Г. Самаркандский журнал "Ойна" и его редакториздатель Махмуд Ходжи - Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915 йил 17-18 сентябр.
7. Дўстқориев Б. Ўзбекистон журналистика тарихи. Т.; "Ғофур Ғулом". 2009 й. 109-бет
8. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Т.; "Фан". 1988 й. 2-том. 233бет.
9 . Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Т.; "Фан". 1988 й. 2-том. 303бет.
10. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Т.; "Фан". 1988 й. 2-том. 254бет.
11. Абдуллаев Ф., Б.Турдалиев. Ҳамза ва ўзбек адабий тили. Т.; 1981 й. 54 -бет
12. Абдураҳмонов Ш ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.; "Ўқитувчи". 1980 й. 71-бет.
13. Ўзбек тили лексикологияси. Т.; 1981 й. 335-бет.
14. Ўзбек тили лексикологияси. Т.; "Фан". 1981 й. 125-126-бетлар.
15. Ўзбек тили лексикологияси. Т.; "Фан". 1981 й. 127-128-бетлар.
16. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Т.; "Фан". 1983 й. 31-32-бетлар.

08.00.00 ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
ECONOMIC SCIENCES

## TO PROBLEMS OF IMPROVEMENT OF MARKETING IN EDUCATION

Nabieva Nilufar
Ferghana Polytechnic Institute
Lecturer at the Department of Economics

***Abstract:*** *This article highlights issues related to educational marketing. Arguments are given in favor of marketing activities in the educational field. The assessment of ongoing reforms in education is given.*

***Keywords:*** *marketing, education, higher education institutions, reforms.*

## К ПРОБЛЕМАМ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МАРКЕТИНГА В ОБРАЗОВАНИИ

Набиева Нилуфар Муратовна
Ферганский политехнический институт
Преподаватель кафедры «Экономика»

***Аннотация:*** *В данной статье освещаются вопросы, связанные с маркетингом в образовательной сфере. Приводятся доводы в пользу проведения маркетинговых мероприятий в образовательной сфере. Дана оценка проводимым реформам в образовании.*

***Ключевые слова:*** *маркетинг, образование, высшие учебные заведения, реформы.*

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАРКЕТИНГНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Набиева Нилуфар Муратовна
Фарғона политехника институти
“Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:*** *Мақолада таълим жараёнига маркетингни жорий этиш масалалари ёритилган. Таълим жараёнида маркетинг тадбирларини ўтказиш бўйича фикр-мулохазалар келтирилган. Таълим жараёнидаги ислохотларга бахо берилган.*

***Калит сўзлар:*** *олий таълим, маркетинг, олий таълим муассасалари, ислохотлар.*

Today, fundamental changes are taking place in the educational system of Uzbekistan. Partnership in this area is growing with educational higher educational institutions of foreign countries. President of the country Sh. Mirziyoyev in his speeches has repeatedly spoken about ongoing reforms in the educational sphere.

“It is necessary to raise the quality of general secondary education to a new stage. Moreover, based on what skills a student will receive in each class, it is necessary to

review state educational standards and curricula. It is necessary to create and publish textbooks on the basis of the most modern methods, strengthen in schools such areas as technology, the basics of engineering, mathematics, art, foreign languages, and re-equip subject laboratories. Attention should also be paid to ensuring the continuity of pre-school and higher education systems"[1]

In our article we would like to draw attention to the concept of marketing in education. In this case, the product is educational services. In modern times, in our country, along with state educational institutions, private educational institutions are also successfully operating.

Convenient investment in consistent implementation of structural changes in the country. The environment is a major factor [7].

And in this context, marketing in education is becoming relevant. The consumer of educational services is the population of our country. In our informational twenty-first century, every parent wants his child to receive a quality education. And in this case, he will rely on marketing in education. Since it is marketing services in the educational sphere that can provide information to a potential consumer about the range of services provided.

In the recent past, services in this area were limited only to state educational institutions, but a number of non-state private educational institutions have now appeared, and here the consumer of these services can make the choice in favor of one or another educational institution after familiarizing themselves with their activities[8].

Educational services help to satisfy a person's need for knowledge, skills and assignment of a certain qualification. Higher educational institutions of Uzbekistan cannot fully satisfy the demand for educational services, as demand significantly exceeds supply.

In 2019, more than one million applicants applied to universities in Uzbekistan. According to statistics, the largest number of applications were submitted to Samarkand State University - 74377 (42197 - full-time), Andijan State University - 45977 (29288), Karshi State University - 44676 (24899), Ferghana State University - 42118 (26259) and Urgench State University (39405) 25959). In this regard, it can be noted that the presence of branches of foreign educational institutions helps to solve this problem, since applicants who have not entered domestic universities have an additional opportunity to get higher education in these educational institutions.

It should be noted that for the promotion of marketing in education matters of staff motivation.

Currently, in the context of fundamental economic transformations, it is important to improve personnel motivation methods [6].

Today, the demand for educational services of the above educational institutions is growing exponentially.

Of particular note is the fact that the organization of training centers that provide educational services with their own specifics is becoming relevant. This is a language training - English, Russian, German, Korean and others.

The main goal of marketing in education is precisely to give the holder of a complex of educational events certain competitive advantages.

As you know, education is not freely convertible, but directly related to each individual who is involved in this process. In this regard, it is important for each consumer of educational services that they be provided in a high-quality and most optimal way.

A product that offers an educational institution that determines the quality of education and creates its image is characterized by a number of indicators:

- competence of an educational institution (according to students);
- the proportion of teachers with academic degrees and titles;
- tuition fees;
- forms of training;
- technological and computer armament of the educational process;
- the availability of special courses and additional educational and professional services;
- Assigned qualifications for training;
- the degree of individualization of the educational process;
- historical traditions of educational institution;
- demand for graduates;
- relations with enterprises;
- exchange of experience with universities of a similar direction;
- Innovation potential; [2]

It should be noted that by 2030 Uzbekistan intends to enter the top 30 leading countries in the world according to the rating of the International Program for the Assessment of Educational Achievements of PISA students. For this, a fundamental reform of the educational sphere will be carried out in the republic. [7]

According to the authors of the document, the training of future specialists is negatively affected by the methods of modern education. The program is more aimed at memorization and does not contribute to the development of critical thinking and independent search and analysis of information.

- At the same time, there is an acute shortage of teachers in the mountainous and desert areas. There are no benefits for students from remote areas, as a result of which these areas are left without qualified personnel. [3]

For consumers of educational services, the availability of appropriate infrastructure is also of no small importance.

Suppose catering networks (canteens, buffets, etc.), the presence of a hostel and other necessary conditions for receiving a full-fledged education. We can greet an example: the Ferghana Polytechnic Institute is located as an aforementioned architectural ensemble. Educational buildings are located in the immediate vicinity of the student dormitory. The distance between the hostel and educational buildings is from 50 to 100 meters inclusive.

This is a convenience for students living in a dormitory and saving their budget minus transportation costs. Nearby is the dining room, in the educational institution itself, an information resource center with the necessary resources. On the territory of the university, students can use Internet services as well.

Let us single out a number of problems that the educational institution faces in connection with the development and implementation of the marketing mix:

1. The expected characteristics of applicants - future students.

2. The demand for educational programs by consumers of the educational system (students, parents, employers, the state). Adequate balance of general cultural, fundamental and applied competencies.
3. The duration of the development of programs.
4. Location and type of educational organization.
5. Training technologies and the result of the provision of services.
6. Qualitative characteristics of the faculty.
7. Used innovative teaching aids, provision of the educational process with modern laboratory equipment.
• Opportunities for students to implement their ideas in the course of scientific research [4].

It should be noted that when conducting marketing activities in the educational sphere, it is necessary to pay attention to the quality of labor resources. At the present stage of the formation and development of market relations there is a competition for a place on the market. From this point of view, the quality of labor resources is a task of paramount importance [5].

Along with the foregoing, it should be noted that the presence of certain moral and spiritual values in a higher educational institution, which are passed down from generation to generation, is also of great importance in the educational process. These are moral values. Educational aspect and others.

The goal of educating students of a higher educational institution must be considered the diverse development of the personality of a future competitive specialist with a higher professional education, who has a high culture, intelligence, social activity, and the qualities of a patriotic citizen.

**List of used literature**:

1. https://kun.uz/ru/news/2018/07/17/savkat-mirzieev-neobhodimo-podnat-kacestvo-obsego-srednego-obrazovania-na-novyj-etap
2. https://cyberleninka.ru/article/v/marketing-v-obrazovatelnoy-deyatelnosti
3. https://uz.sputniknews.ru/Uzbekistan/20190430/11398330/ID-karty-i-predmety-po-vyboru-kak-izmenitsya-obrazovanie-v-Uzbekistane.html
4. Нарижная Н.В. МАРКЕТИНГ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ // Инновации в науке: сб. ст. по матер. LVI междунар. науч.-практ. конф. № 4(53). Часть II. – Новосибирск: СибАК, 2016. – С. 114-117.
5. Давлятова Г. М. EVALUATION OF ECONOMIC EFFICIENCY OF INVESTMENTS ISSUES //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 149-156.
6. Usmanova Z. M. EFFECTIVE USE OF LABOR RESOURCES-TIME REQUIREMENT //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 5. – С. 142-146.
7. Usmanova Z. M. TO QUESTIONS OF PERSONNEL MOTIVATION AT INDUSTRIAL ENTERPRISES //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 116-121.

8. Vahobovna B. L. Issues of Strengthening of Local Budget Revenues by Assessing the Financial Potential of Regions //Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN. – 2019. – Т. 2249. – №. 0892.

## БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИ- РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Усманова Зулфия Мусаевна
Фарғона политехника институти
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация:*** *Мақолада рақамлаштирилган миллий иқтисодиётда блокчейн технологиясини жорий этиш истиқболлари ёритилган. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодиёт, давлат бошқаруви тизимини янада таркибий ўзгартириш, шунингдек, давлат, бизнес ва аҳоли ўртасида рақамли технологияларга асосланган ўзаро ҳамкорликнинг янги моделларини яратиш масалалари ўрганилган.*

***Калит сўзлар:*** *блокчейн технологияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, «Электрон ҳукумат», сунъий интеллект, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, “Рақамли ишонч” жамғармаси, инвестицион лойихалар.*

## ТЕХНОЛОГИЯ БЛОКЧЕЙН В КАЧЕСТВЕ ОСНОВНОГО ФАКТОРА ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

***Аннотация:*** *В статье освещены перспективы внедрения блокчейн-технологий в цифровую национальную экономику. Изучены вопросы развития цифровой экономики, структурных изменений системы государственного управления, а так же задачи создания моделей партнёрства между представителями бизнеса и населения основанных на цифровых технологиях.*

***Ключевые слова:*** *блокчейн технологии, национальное агенство по управлению проектами при Президенте Республики Узбекистан, «Электронное правительство», искусственный интеллект, единый портал интерактивных государственных услуг, фонд «Цифровое доверие», инвестиционные проекты.*

## BLOCKCHAIN TECHNOLOGY AS A BASIC FACTOR OF DIGITAL ECONOMY

Usmanova Zulfia
Ferghana Polytechnic Institute
Department of Economics

**Abstract:** The article highlights the prospects for the implementation of blockchain technologies in the digital national economy. The issues of the development of the digital economy, structural changes in the public administration system, as well as the tasks of creating models of partnerships between business and public representatives based on digital technologies were studied.

**Key words:** blockchain technology, the national project management agency under the President of the Republic of Uzbekistan, “Electronic Government”, artificial intelligence, a single portal of interactive public services, the “Digital Trust” fund, investment projects.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, саноатни модернизациялаш ҳамда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этиш мақсадида қатор чора тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда [1].

Бугунги кун амалиёти юзасидан бажарилган таҳлиллар комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ғов бўлаётган муаммоларни вақтида аниқлаш ва бартараф этиш лозимлигини талаб этмоқда.

Жумладан бунда давлат аҳамиятига молик йирик молиявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслиги, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш суръати ва самарадорлигини тезкор кузатиш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёнига етарлича жорий этилмаганлиги ҳамда давлат ва ҳудудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда шаффофлик даражасининг пастлиги бу борада молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, турли хил суиистеъмолчиликни келтириб чиқараётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз [2].

Шунингдек, давлат харидларини амалга ошириш жараёни шаффофлигини таъминловчи давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат корхоналари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ягона ахборот платформасининг мавжуд эмаслиги бугунги кунда иқтисодиётга блокчейн технологияларини тадбиқ этишни бош масала сифатида қўймоқда [3].

Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишда бугунги кунга келиб қатор чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 2019 йил 17 декабрь куни Корея Республикасининг Седжонг шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Корея Республикасининг Давлат бошқаруви ва хавфсизлиги Вазирлиги ўртасида Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт бўйича ҳамкорликдаги Марказ очилишига оид Келишув имзоланди[4].

Мазкур келишувга асосан Корея Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳукуматини ривожлантириш учун 2 миллион доллар миқдорида беғараз ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари миллий агентлик делегацияси 2019 йил 5-6 декабрь кунлари Хайкоу шаҳрида (ХХР) бўлиб ўтган рақамли иқтисодиёт ва блокчейн технологияси халқаро форумида иштирок этди[5].

Форум Хитойда инновацион технологияларни (сунъий интеллект, катта маълумотлар, нарсалар Интернети, блокчейн) ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда уларга асосланган истиқболли лойиҳаларни, асосан реал секторда (саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт) амалга ошириш учун биринчи ихтисослашган пилот зона ташкил этилган «Хайнан» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида бўлиб ўтди.

Агентлик делегацияси «Hainan Resort Software Community Group», «Hainan Free Trade Zone Blockchain Pilot Zone» махсус зоналари дирекциялари билан ҳамда «Innovation Intelligence Union Group Company», «Huobi Group», «WeiZhongJie» компаниялари вакиллари билан ишчи учрашувларини ўтказди, «Oxford-Hainan Blockchain Research Institute» ва инновацион ўрта мактаб «iSchool» фаолияти билан танишди.

Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан республиканинг ирригация соҳасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирни амалиётга жорий қилмоқда.

Мослаштирилган интеллектуал тизим LPWan ва Нарсалар Интернети технологиясини амалга оширади ва WI-FI, GSM алоқа каналлари орқали ҳар қандай қурилмадан (планшет, смартфон, ноутбук), стационар компьютерлардан фойдаланган ҳолда бошқарилади ва диспетчерлик тизимини ташкил қилади[7].

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш иқтисодиёт, давлат бошқаруви тизимини янада таркибий ўзгартириш, шунингдек, давлат, бизнес ва аҳоли ўртасида рақамли технологияларга асосланган ўзаро ҳамкорликнинг янги моделларини яратиш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир[6].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги №ПФ-5624-сонли фармонига асосан Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУК ташкил этилди. Марказ фаолиятининг йўналишлари:

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш ва “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини амалга ошириш доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш доирасида дастурларни келгусидаги стратегик йўналишлари, ягона ёндашув, механизм ва босқичларини ишлаб чиқиш;

лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳолатини тизимли мониторинг қилиш ҳамда дастурлар доирасида давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш самарадорлигининг рейтинг баҳоларини шакллантириш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларида «ақлли» ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш;

жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ «Электрон ҳукумат» тизимининг ривожланиш даражасини тавсифловчи статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва ҳисобга олиш тизимини юритиш;

«Электрон ҳукумат» тизимининг инфратузилмасини, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизимини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янада ривожлантиришни таъминлаш кабилар белгиланди[8].

“Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 сентябрдаги №ПҚ-3927-сонли Қарорига биноан “Рақамли ишонч” жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма рақамли иқтисодиёт ва блокчейн соҳасидаги лойиҳаларни ривожлантириш ва амалга ошириш учун инвестицияларни жамлайди, блокчейн соҳасидаги кадрлар ва стартапларни тайёрлаш бўйича таълим тадбирларини қўллаб-қувватлайди ҳамда крипто-активлар ва блокчейн соҳасидаги чет эл ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этишга кўмаклашади[9].

Жамғарма блокчейн, крипто-активлар, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги компанияларнинг устав капиталидаги акция ва ҳиссаларни харид қилиш, стартапларни қўллаб-қувватлаш учун грант ва кредитлар ажратиш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш каби тадбирларни амалга ошириши белгиланди.



**1-расм. Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг асосий тамойиллари ва моддий таъминот ресурслари**[39]

1-расмда иқтисодиётни рақамлаштиришнинг асосий тамойиллари ва моддий таъминот ресурслари келтирилган бўлиб, булар орасида инсон капитали, янги бизнес моделларнинг яратилиши, турли даражадаги технологик қуролланиш каби ресурслар аҳамияти муҳим ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида блокчейн технологиясидан фойдаланиш муҳим босқич бўлиб ҳисобланади.

Блокчейн технологияси бу блоклар ёрдамида амалга ошириладиган транзакциялар ҳисобланиб, блоклар ва бетлар кетма кетлигидан иборат бўлган махсус бухгалтерия дафтари сифатида эътироф этиш мумкин[10].

Блокчейн технологияларидан давлатлар миқёсида фойдаланиш амалиёти геолакцияси келтирилган бўлиб, эътибор қаратадиган бўлсак, криптовалюта тўловлар, мол мулкни рўйхатга олиш, овоз бериш технологияси, шахсни иденфикация қилиш, етказиб бериш занжирини бошқариш, соғлиқни сақлаш, ишончнома орқали овоз бериш, юридик шахсларнинг давлат регистрациясин амалга ошириш, солиққа тортиш тизимида ва давлат пенсия таъминотини амалга ошириш тизимларига жорий этишган[6].

Албатта рақамлаштириш жараёнида блокчейн технологияларини жорий этиш давомида қатор муаммоли вазиятлар юзага келиши ҳам кузатилиши мумкин[11].

Аммо мазкур технологиянинг жорий этилиши қатор давлат томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари жумладан таълим, медицина, молиявий хизмат турларига бўлган харажатлар ҳажмини сезиларли равишда пасайтиришга, улар сифатини оширишга, умумий қамров даражасини кескин оширишга олиб келиши мумкин.

Жаҳон амалиётига назар соладиган бўлсак айнан бу технологияларни иқтисодиётга жорий этилиши унинг рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш билан бир қаторда, янги бизнес моделларини яратилишига, технологик-революцион жараёнларни тезлаштиришга, турли соҳа ва тармоқларнинг трансформациялаш жараёнининг тезлашишига, ишлаб чиқариш самарадорлигининг оширилишига, қўшимча қийматни яратилиш жараёнининг оптималлашишига жиддий таъсир кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Brynjolfsson E and Kahin, B, eds. (2002). Understanding the Digital Economy. Massachusetts Institute of Technology, Cambridge, MA.

2. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019 й.

3. Бекмуродов Т.Ф. Исследования по компьютерной технике и информатике в

[39] Муаллиф ишланмаси.

Узбекистане: история и перспективы.|Сб. научных трудов НПО “Кибернетика” АН Руз - Ташкент,2004.-с.78-84

4. Муминова Э.А Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда “блокчейн” технологияларининг ўрни ва аҳамияти// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнали. Тошкент, ТДИУ.- № 2, март-апрель, 2019 й.

5. Муминова Э.А. Корпоратив молиявий режалаштиришни ташкил этишда блокчейн технологияси. Монография. GlobeEdit, 2019. – 96 б. ISBN 978-620-0-50876-8 Muminova E., Tukhtasinova D. THE ISSUES OF DEVELOPMENT OF FINANCING OF INVESTMENT PROJECTS BY COMMERCIAL BANKS //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 121-125.

6. Муминова Э. А., Шарафуддинова Н. Ф. К. К вопросам вхождения стран в Международный экономический форум (WEF) //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 5 (138).

7. Курпаяниди К. И., Муминова Э. А., Бузни А. Н. ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ СРЕДЫ ДЛЯ УСПЕШНОГО ВЕДЕНИЯ БИЗНЕСА //ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2019. – С. 28-41.

8. Muminova E., Tukhtasinova D. THE ISSUES OF DEVELOPMENT OF FINANCING OF INVESTMENT PROJECTS BY COMMERCIAL BANKS //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 121-125.

9. Tuychieva O. QUESTIONS OF INCREASING ECONOMIC EFFICIENCY OF PRODUCTION //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 105-108.

10. Vahobovna B. L. Issues of Strengthening of Local Budget Revenues by Assessing the Financial Potential of Regions //Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN. – 2019. – Т. 2249. – №. 0892.

11. Муминова Э. А., Умаралиев З. Р. Банковская система Узбекистана и ее роль в рыночной экономике //Символ науки. – 2017. – Т. 1. – №. 2.

## ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ахунова Маърифат Хакимовна
Фарғона политехника институти
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналарида агро кластерларнинг роли, кластерли ёндашувнинг афзалликлари ҳамда кластерларни ривожлантиришнинг асосий омиллари каби масалалар қараб олинган.*

***Калит сўзлар:*** *кластер усули, агрокластерлар, пахта-тўқимачилик кластери*

## ЗАДАЧИ РАЗВИТИЯ ХЛОПКО-ТЕКСТИЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ

***Аннотация:*** *В статье рассматривается ролъ агрокластеров на сельско-хозяйственных предприятиях, особенности и перспективы развития кластеров.*

***Ключевые слова****: кластеры, агрокластеры, хлопко-текстильный кластер*

## THE DEVELOPMENT OF COTTON-TEXTILE CLUSTER'S ISSUES

***Annotation:*** *In this article the role of innovation clusters in industrial enterprises, some of the key factors that shape the development and development of innovative potential.*

***Key words:*** *clusters methods, cotton-textile cluster, agrocluster*

Миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва инновацион ривожлантириш масаласи иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб, бу борада нафақат республика иқтисодиётининг хом ашёга йўналганлигини ўзгартириш, балки аҳолининг зарур истеъмол товарлари билан таъминловчи рақобатбардош корхоналарни шакллантиришга эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқ ва корхоналарини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш вазифаси хўжалик субъектлари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда инновацион жараёнларни ташкил этишга қаратилган бозор ислоҳотларининг ажралмас қисмига айланди.

Мамлакат ва жамиятнинг мукаммал инновацион қиёфасини яратишда кластер усулидан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганлиги фикримз исботидир.Умумий маънода, ишлаб чиқариш кластери иқтисодиётнинг бир хил ёки бир-бирига боғлиқ соҳаларида фаолият юритадиган ва географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган корхоналар гуруҳидир [1].

Бу корхоналарнинг технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлиши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ушбу корхоналар битта умумий мақсад учун – рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун бирлашган. Жорий этилган янги тизим - кластерлар институти амалда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, шу жумладан, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, маҳсулот етиштиришнинг инновацион усулларини яратиш, уларни чуқур қайта ишлаш ва экспорт қилиш йўналишларида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Натижада ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошмоқда. Юртимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 66 та мамлакатга экспорт қилинмоқда Масалан, пахта-тўқимачилик кластерининг технологик занжири пахта-хом ашёсини ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш, пахта толасидан калава ип ишлаб чиқариш, газлама ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига қамраб олади. Шу билан бирга, фермерларни (пахта хом ашёсини етиштирувчиларни), пахта тозалаш заводини, пахтани қайта ишлаш

Гап шундаки, бугунги кунгача ўзига хос тажрибалар билан бойиб келган давлат бошқаруви амалиёти илмий жамоатчилик томонидан ўрганилиб, шу асосда муайян концептуал фикрлар илгари суриб келинмоқда. Билдирилаётган фикрлар, *асосан шаклан* ва *қисман мазмунан* очиб берилаётган бўлиб, уларда масаланинг моҳияти чуқур ўз ифодасини топмаяпти. Яъни у ёки бу давлат ёхуд давлатлар бирлашмасидаги бошқарув қандай хусусиятга эга бўлгани ва бўлаётгани, кейинги сифат босқичига қандай қилиб эришилиши мумкинлиги каби масалалар таҳлил этилгани билан, уларда нега айнан шундай хусусиятга эга бўлаётгани, яъни бунинг сабаблари ва туб ҳаракатлантирувчи омиллари, қолаверса тавсия этилаётган амалиёт охир-оқибатда нималарга олиб келиши ҳақидаги масалалар очиқ қолаётганини таъкидлаш жоиз. Мисол учун, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури қошидаги Давлат хизматини такомиллаштириш Глобал маркази томонидан 2015 йилда чоп этилган рисола мазмуни фикримиз далили бўлиб хизмат қилади [1].

Вашингтондаги Жаҳон ресурслари институти Бошқарув бўйича Глобал директори Марк Робинсоннинг келтиришича, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти давлатларида* кечган давлат бошқаруви амалиёти узлуксиз такомиллашиб келмоқда, айниқса ҳозир глобаллашув ва плюрализм таъсирида сиёсий муаммолар оддийлашиш ва миллийлашиш ўрнига, тобора кескин ўзгаришларга, мураккабликларга учрамоқда. Айни пайтда, ривожланаётган мамлакатлардаги давлат сектори ислоҳотлари сиёсий экспериментлар, ИҲТТ давлатларида вужудга келган ташкилий тажрибалар таъсирида, аммо анъанавий давлат бошқаруви парадигмаси доирасида кечмоқда. Табиийки, ривожланаётган давлатлар шароитидаги давлат секторини ислоҳ қилиш ҳаракатлари ўз моҳияти билан ИҲТТ давлатларидаги ҳокимият бошқарувининг табиатидаги ўзгаришлар ва давлат бошқарувига замонавий қарашлар мазмунидан фарқ қилди. Яъни, бир томондан, ривожланаётган давлатлардаги вазият тақозо этган ҳолат моҳияти ва иккинчи томондан, ИҲТТ давлатларидаги тажриба ўзгаришларга учраётгани ўртасида тафовут (иккиланиш) пайдо бўлди [2].

* Австралия, Австрия, Бельгия, Канада, Чили, Чехия, Дания, Эстония, Финляндия, Франция, Германия, Греция, Венгрия, Исландия, Ирландия, Исроил, Италия, Япония, Корея, Латвия, Люксембург, Мексика, Нидерландия, Янги Зеландия, Норвегия, Польша, Португалия, Словакия, Словения, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Бирлашган Қироллик, АҚШ.

Хўш, мавжуд адабиётларда давлат бошқаруви амалиётининг сўнгги 160 йиллик тажрибалари ҳақида қандай хулосалар шаклланди? Унинг қандай моделлари мавжуд ва қай бири мамлакатимиздаги ислоҳотлар мазмунига мос келади? Бу каби саволларга жавоб топиш, жорий ҳолатга ойдинлик киритиш ҳамда кейинги босқичдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш жоизки, юртимиз ижтимоий фанлар тадқиқотлари доирасида мазкур масала махсус ўрганилмаган. Айрим адабиётларда бунинг жузъий қисми бўлган давлат хизмати ва кадрлар тайёрлаш масаласига оид хорижий тажрибалар муайян даражада тадқиқ этилган [3]. Дунё миқёсида эса кўплаб изланишлар олиб борилган ва ҳамон чуқур тадқиқотлар олиб бориляпти. Ҳозиргача давлат бошқаруви ва давлат сектори ислоҳотларини ўрганувчи аксарият тадқиқотлар ушбу масала доирасида асосан:

1. Эски (анъанавий) давлат маъмурчилиги;
2. Янги давлат менежменти;
3. Янги давлат хизмати;
4. Янги давлат бошқаруви ёки Пост-янги давлат менежменти каби концепцияларни ифода этади.

Ушбу тасниф давлат бошқаруви соҳасидаги ўзгаришларни муайян яхлитлаштириб идрок этишга ёрдам беради. Мазкур концепцияларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш учун қуйида уларнинг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтиш тақозо этилади.

1884 йилдан эътиборан Вудро Вильсон ва Макс Вебер **эски ёки анъанавий давлат маъмурчилиги *(Old Public Administration)*** моделини ишлаб чиқишда жонбозлик кўрсатдилар [4]. Унга кўра, давлат ҳокимияти сайланган сиёсий шахсларга хизмат қилади ва уларнинг олдида жавобгар ҳисобланади. Унинг назарий асосини юқоридан қуйига (бюрократия) принципига таяниш, иерархия, меритократия, мустақиллик ва интеграция қадриятлари билан иш кўриш ҳамда сиёсатчи ва фуқаролардан ажратилган расмий шахсларни назарда тутувчи элитаристик ёндашув ташкил этади. Қайд этиш жоизки, элитаристик ёндашув 19-аср охирида Британия ва Пруссияда бошқарув қарорларининг патронаж ва фаворитизм таъсирида бўлгани ва буни ислоҳ қилиш зарурати сифатида вужудга келиб, марказлашган назоратга, қоида ва кўрсатмаларни жорий қилишга, сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишнинг бир-биридан ажратилишига, иерархик ташкилий тузилма фаолиятига таянади. Бу ёндашувнинг бош шиори – бюджет ва инсон ресурсларини бошқаришда маҳсулдорлик ва самарадорлик, яъни камхаржлилик эди [5]. Шунингдек, ушбу моделда буйруқ ва назорат, белгилаб қўйилган аниқ давлат сектори ахлоқи орқали таъминланувчи тузилмавий ва ташкилий самарадорликка жиддий урғу берилади.

Таниқли инглиз олимлари Мартин Миногу ва Вилли МкКортларнинг фикрича, бу моделнинг марказий жиҳатлари – сиёсат ва сайланган сиёсатчиларнинг маъмурият ва тайинланган амалдорлардан ажратилиши; маъмуриятнинг узлуксизлиги, олдиндан айта билишлиги ва қоидалар билан бошқарилиши; маъмурий бошқарувчиларнинг малака асосида тайинланиши, яъни малакали

профессионаллиги; меҳнатнинг функционал тақсимланиши ҳамда топшириқ ва одамларнинг иерархиявийлиги; ресурсларнинг ташкилотдаги одамларга эмас, балки ташкилотга тегишлилиги; давлат хизматчилари хусусий манфаатларга эмас, балки жамиятга хизмат қилиши ҳисобланади [6].

Мазкур "буйруқ-назорат" ёндашувига мувофиқ бюрократик тизимга таянган давлат бошқаруви дунёнинг колониал тизимлари ва мустақилликдан сўнгги МДҲ давлатларида амал қилди. Бошқа давлатларда эса, аввало Француз ва Япон тажрибаларида бу моделнинг бошқа варианти – марказлашган бюрократик модел остида сиёсий омиллар таъсиридаги бошқарув хусусиятлари намоён бўлди. Бундай ёндашув кўплаб мамлакатларда, жумладан Сингапурда ҳам яхши амал қилдики, бу ерда мустақилликдан сўнгги сиёсий етакчилик туфайли юқори сифатли ва самарали давлат хизматини шакллантирилди.

Бюрократиянинг, яъни давлат хизматчиларининг ўлчовли (мерит) тайинлаш тизими ва каръерасининг барқарорлиги иқтисодий ўсишга катта таъсир этганини Жаҳон банкининг 1997 йилги Дунё ривожланиш ҳисоботида акс этган статистик таҳлил кўрсатади. Шунингдек, бу соҳадаги ютуқлар сифатида: 1) иқтисодий ривожланиш қатъий интизом ва аниқ статистик таҳлил таъминланган бюрократия билан бирга кечганини; 2) амалдорларнинг (патронаж эмас) меритологик асосда қабул қилинишини; 3) давлат амалдорларининг каръеравий барқарор фаолиятининг таъминланганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Айни пайтда, ривожланаётган мамлакатлардаги давлат хизмати ислоҳотларида мазкур моделнинг сиёсат ва сиёсий иқтисод динамикасига етарлича эътиборнинг камлиги; давлатнинг ташкилий структураси ва амалиётидаги контекстуал фарқларни англамасдан бошқасига алмаштиришга уриниш; сонни ва харажатни камайтиришга ҳаддан зиёд диққат қилиш каби умумий муаммоли оқибатлари кўрсатилади.

1980 йиллардан бошлаб дунё миқёсида Янги давлат менежменти **(*New Public Management)*** модели асосида давлат ва жамият бошқарувини ташкил этишга ўтила бошланди. Унда давлат бошқаруви органлари, асосан молиячилар олдида жавобгар тарзда фаолиятни ташкил этгани бир қатор адабиётларда қайд этилади. Назарий таянчи сифатида келтириладиган жамоатчилик танлови ва принципиал-агент концепциясида ҳам худди шу ижтимоий тоифа жамоатчиликнинг асосий субъекти, деб қаралар эди. Мазкур моделнинг туб сабабларидан бири шуки, у Иқтисодий ҳамкорлик ва тикланиш ташкилотига аъзо давлатларда рақобатли бозор иқтисодиёти талабларини бошқарувчи эски давлат маъмурчилигининг камчиликларига жавобан вужудга келди. Мазкур ёндашув Бирлашган Қироллик, Янги Зеландия, АҚШ ва Скандинавия мамлакатларида 1980-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди.

Унинг марказий масаласини харажатлар масаласи ташкил этиб, унда рақобатчилик ва хусусий сектор бошқаруви принциплари амал қилади. Расмий шахсларнинг ўз ички қизиқиш ва хулқ-атворини мажбурий назорат қилиши орқали самарсизлик ҳамда коррупциянинг олдини олишни кўзловчи принципиал-агент ёндашувига таянилади. Бюрократик хулқ-атворни назорат қилувчи мезонларни

рақобатчилик, делегация, ижрочилик ва сезувчанлик ташкил этади. Шу сабабли ҳам унинг энг муҳим таянч элементлари сифатида:

- хусусий сектор менежментида ўрнак олишга эътибор,
- давлат хизмати ташкилотларида тадбиркорлик етакчилигига диққат қаратиш,
- ички ва ташқи назорат, аудитнинг ташкил этилгани,
- давлат хизматчиларининг аксарият базавий қисмлари билан синтезнинг йўқлиги ва ўзларининг харажатлари бошқарувига катта эътибор,
- давлат хизмати доирасида бозор, рақобат ва шартномалардан фойдаланишнинг ўсиши алоҳида ажралиб туради.

Ушбу моделни амалиётга татбиқ этиш борасида ижрочи агентларнинг ижодкорлиги ва демократик ҳисобдорлигининг сусайиши, сиёсий фрагментация натижаси сифатида ҳукумат атрофидаги алоқанинг қисқалиги, кўплаб агентликларнинг алоҳида иш кўриши, фуқаровий манфаатлар ўрнига бозор (даромад) манфаатларнинг устунлик касб этиши каби камчиликлар намоён бўлади.

2000 йиллардан эътиборан европалик олимлар Осборн С.П., Денхартларнинг таъбирича, тадбиркорлар қатламига урғу берадиган, ана шу қатлам олдида жавобгарлик ва хизмат қилишни олға сурадиган Янги давлат хизмати ***(New Public Service)*** модели амал қила бошлади [7]. Демократик назарияга таянувчи мазкур моделда мансабдор шахслар тадбиркор фуқаролар олдидаги ҳисобдорлиги, жамият устидан ҳукмронлик қилиш эмас, аксинча фуқароларга хизмат қилишини ва улар олдидаги жавобгарликни назарда тутувчи тамойиллар ишлаб чиқилди ва амалиёти йўлга қўйила бошланди. Шунингдек, унда фаолиятга рағбат мажбурият ёки манфаатдан эмас, балки фазилатдан келиб чиқади. Диққат эътиборда асосан тадбиркор фуқаролар, жамоатчилик ва фуқаролик жамияти туради. Яъни давлат хизматчиларининг биринчи галдаги вазифаси назорат ёки ҳукмрфармонлик эмас, балки тадбиркор фуқароларнинг ўзини аниқ баён этиши ва манфаатларини рўёбга чиқаришга ёрдам бериш ҳисобланади.

Демократик давлат бошқарувининг моделлари шу билан чекланиб қолмади. Жуда қисқа фурсатда, яъни 2006-2010 йиллардан бошлаб таниқли инглиз олими С.П.Осборннинг қайд этишича, эндиликда фуқароларга хизмат қиладиган, улар олдида жавоб берадиган Янги давлат бошқаруви ***(New Public Governance)*** ёхуд америкалик социолог олим Н. Кохеннинг фикрича, Пост-янги давлат менежменти ***(Post-New Public Management)*** модели кун тартибига қўйилди [8]. Унинг ўзига хослиги шундаки, давлат бошқарув органлари сайланган раҳбарлар томонидан ҳимоя қилинадиган айрим шахсларнинг манфаатларига ёки бизнес устуворлигига эмас, аксинча фуқаролар ҳамда кенг жамоатчилик манфаатларига қаратилган фаолият олиб боради.

Ҳукумат сиёсий муҳокамалар ва хизмат кўрсатиш жараёнларига бошқалар каби жалб қилинади. Яъни сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни амалиётга татбиқ этишнинг ягона ва устувор субъекти деб қаралмайди. Бу моделнинг яна бир ўзига хос жиҳати – ишонч, муносабатлар капитали ва шартномалари ҳокимият ўзагини ташкил этиб, бир ташкилот эмас, балки ташкилотлараро муносабатларни

устувор деб қарайди. Давлат бошқаруви органлари ташкилотлараро жараёнларда хусусий сектор ва ННТлар билан муносабатда шартномавий фаолият олиб боради, давлат бошқарув органлари ичида эса ҳукумат устуворлигида ишлайди.

Эътибор берилса, давлат бошқаруви моделларининг турли шакллари ва стандартлари дунё миқёсида такомиллашиб, тобора демократик тус олиб келган. Ушбу хусусият сўнгги 160 йил давомида шиддат билан конкретлашиб борди. Масаланинг ижобий жиҳати шундаки, асрлар оша илгари суриб келинган умуминсоний сиёсий қадриятларни эндиликда аниқ дастурий асосда рўёбга чиқаришнинг имкониятлари кенгайди. Демократик тараққиёт йўлини танлаган давлатлар учун бундай тажрибаларни ҳар бир мамлакат миқёсида ўрганиш ва тегишли хулосаларни чиқариш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодий ва демократик қадриятлар бирмунча қарор топган ва топаётган мамлакатларнинг ўзида ҳам бунинг рўёбга чиққанига кўп вақт ўтгани йўқ. Уларда ҳам бу жараён муайян камчиликлар билан амалга ошиб келган. Шундай экан, демократик ривожланиш жараёнига қўшилган нисбатан ёш мамлакатлар учун ушбу моделларни, пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида татбиқ этиш фойдали бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Mark Robinson. From Old Public Administration to the New Public Service. Implications for Public Sector Reform in Developing Countries. UNDP Global Centre for Public Service Excellence. Singapore. - 2015.– p. 20.
2. Ўша асар. 4-б.
3. Султонов А.Ф. Давлат ҳокимиятида демократик бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнлари. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – Б. 164-192.; Маликова Г. Маҳаллий бошқарув дунё тажрибасида // «Жамият ва бошқарув», 2002, №2. 65–66; Бегматов А. Бошқарув кадрлари тайёрлаш: хориж тажрибаси // «Жамият ва бошқарув», 2002, №3. 11–12; Холбеков А., Юсупов С. Хорижлик олим ҳайрати // «Жамият ва бошқарув», 2003, №4. 14–16; Абдухалилов А. Рационал бюрократия концепцияси // «Жамият ва бошқарув», 2009, №1. 105–106; Юсупов К., Бектемирова Н., Нурмухамедов А., Рахматуллаева Н. Французская национальная школа администрации – востребованная модель педагогической инженерии // «Жамият ва бошқарув», 2013, №2. 80–85; О механизме отбора при подготовке управленцев высшего звена // «Жамият ва бошқарув», 2013, №2. 110–114; Шадиева З. Индонезияда давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари // «Жамият ва бошқарув», 2013, №4. 96–101; Давлат бошқаруви ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш жараёни: миллий ва хорижий тажриба. (Ҳисобот – консультант Т. Турсунмуратов, координатор М. Қаршиев). – Т.: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД), 2015. – 31 б.
4. Wilson W. The study of public administration. – 1886.; Weber M. Bureaucracy //Working in America. – Routledge, 2015. – С. 29-34.
5. Osborne, S. P. (2006). The New Public Governance? Public Management Review, vol. 8, No. 3, pp. 377-388. Available from spp.xmu.edu.cn/wp-content/uploads/.../the-New-PublicGovernance.pdf

6. Minogue, M. (2001) The Internationalization of New Public Management. In The Internationalization of Public Management: Reinventing the Third World State, W McCourt and M. Minogue, eds. Cheltenham: Edwin Elgar, pp. 1-19.; McCourt, W. (2013). Models of Public Service Reform: A Problem-Solving Approach. Policy Research Working Paper, No. 6428. Washington D.C: The World Bank.
7. Denhardt, R. B. and J. V. Denhardt (2000). The New Public Service: Serving Rather Than Steering. Public Administration Review, vol. 60, No. 6, pp. 549–559.; Denhardt, J. V. and R. B. Denhardt (2011). The New Public Service: Serving, Not Steering. 3rd Edition. Armonk, NY: M. E. Sharpe.
8. Osborne, S. P. (2010). The New Public Governance. London: Routledge.; Osborne, S. P., Z. Radnor and G. Nasi (2013). A New Theory for Public Service Management? Towards a (Public) Service Dominant Approach. The American Review of Public Administration, vol. 43, No. 2, pp. 135-158.; Cohen, N. (2016). Forgoing new public management and adopting post-new public management principles: The on-going civil service reform in Israel. *Public Administration and Development*, *36*(1), 20-34.

## ИЖТИМОИЙ ИШДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

Юлбарсова Хуршида Абдуллажоновна
Фарғона давлат университети
фалсафа доктори (PhD)

***Аннотация****: Мақолада ижтимоий ишнинг самарали метод ва воситалари ўрганилган. Бугунги кунда ижтимоий ишнинг амалий аҳамияти, унинг жамият тараққиётида ҳамда оила ва болалар билан ижтимоий хизматни ташкил этишдаги ўрни чуқур тахлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *ижтимоий иш, илмий тадқиқот методлари ва воситалари, генограмма.*

## НАУЧНО ИСЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ МЕТОД И СРЕДСТВА В СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЕ

Юлбарсова Хуршида Абдуллажоновна
Ферганский государственный университет
доктор философии(PhD)

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются эффективные методы и средства социальной работы. Проанализирована практическая значимость социальной работы, его роль в развитии общества и в организации социальных услуг для семьи и детей.*

***Ключевые слова****: соцальная работа, научно исследовательский метод и средства, генограмма*

## SCIENTIFIC RESEARCH METHOD AND MEANS IN SOCIAL WORK

Yulbarsova Khurshida Abdullajonovna
Fergana state university

doctor of philosophy (PhD)

***Annotation:*** *The article discusses effective methods and means of social work. Analized the practical significance of social work, his role in community development and in organizing social services for families and children.*

***Key words****: social work, scientific research methods and means, genogram*

Ўзбекистон инсон манфаатларини таъминланиш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш”[1] каби муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, бу ижтимоий соҳаларда қатор илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда амалиётга жорий қилишни талаб этади. Жумладан, ижтимоий иш амалиётга ва олий таълимга асосланган касб тури бўлиб, у жамоатчиликдаги ўзгаришларга ҳамда ривожланишга, ижтимоий бирликка, инсонларга имкониятлар бериш ва уларни озод қилишга имконият беради. Ижтимоий ишнинг назарияларига, ижтимоий ҳамда гуманитар соҳа билимларига асосланган ҳолда ҳамда маҳаллий спецификани билиш ва тушуниш ҳисобига ижтимоий иш ўзига инсонлар ҳамда турли структураларни инсонлар фаровонлигига эришиш учун ҳаётий муаммоларни хал қилишга жалб этади. Шу билан бирга “Иштимоий иш назарияси психологлар, социологлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари, хуқуқшунослар, файласуфлар, шунингдек, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатишнинг турли жиҳатларини тадқиқ қиладиган бошқа соҳа вакиллари саъй-ҳаракатлари туфайли юзага келди”[2].

Илмий тадқиқот иши тадқиқотчидан биринчи навбатда, ўз соҳаси, унга даҳлдор долзарб муаммоларни аниқлай олишни, баҳолашни, иккинчидан, илмий изланишлар олиб бориш методлари ва методологиясини эгаллашни талаб қилади. Ижтимоий ишда илмий тадқиқот олиб боришнинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш тамойилини амал қилиши, ижтимоий сохаларни илмий тадқиқ этиш метод ва воситаларини ўрганиш ва такомиллаштириб бориш, амалиёт билан узвий боғлашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Иккинчидан, ижтимоий иш соҳасида илмий тадқиқот олиб боришнинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилишда бой хорижий тажрибалар тўпланган. Илғор мамлакатларда олиб борилаётган илмий изланишларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш бугунги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, жамиятда яратилаётган ижтимоий ҳимоялаш тизими ижтимоий иш соҳаларига тизимли ёндошишни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир ижтимоий иш ходимидан назарий ва илмий методларни яхши ўзлаштириши билан боғлиқ.

Тўртинчидан, ижтимоий иш соҳаларини илмий тадқиқ этишда оила ва болаларни илмий ўрганиш, алоҳида катта аҳамият касб этади. Бу биздан тугал даражаларда илмий методлардан фойдаланиш масаласига эга бўлишни талаб қилади.

Илмий адабиётларда[3] ижтимоий ишни назарий асослаш, уни ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури, ижтимоий ҳодиса сифатида тушинишнинг бир неча моделлари тахлил қилинади. Бу методларнинг ҳар бири муайян мазмунни, ижтимоий профилактикасини кўзда тутади. Ўзаро таъсир хусусиятларига кўра, ижтимоий ишнинг назарий моделларини психологик йўналишдаги, социологик йўналишдаги, ижтимоий-педагогик йўналишдаги, комплекс йўналишдаги моделларга ажратишимиз мумкин.

Психологик йўналишдаги моделлар кўпроқ психологик билимга инсоннинг руҳий мавқеи ва ривожланишидаги қонуниятларга таянади.

Социологик йўналишдаги моделлар ижтимоий тараққиёт қонунларини билишга, жамиятни ташкил этувчи элементларнинг ривожланиш ва амал қилиш қонуниятларини ўрганишга асосланади.

Ижтимоий-педагогик моделлар жамиятнинг бутун педагогик салоҳиятидан ҳар бир шахснинг ривожланиши, индивидуал имкониятларини намоён қилиши, таълим тарбия жараёнини узвийлигини кўзда тутади.

Комплекс йўналишдаги моделлар эса инсоннинг биоижтимоий мавжудот сифатидаги ҳаётий кучларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш муаммоларига бутунлик сифатида ёндошишга йўналтирилади.

Шундай экан, ижтимоий иш ходимлари ижтимоий иш назарияларига таянган ҳолда, мижоздаги мавжуд ижтимоий муаммоларни аниқлаб, тўғри баҳолашни ўтказишлари шарт. Чунки муаммога тўғри ташхис қўйилсагина, муаммони бартараф этиш юзасидан методларни ҳам тўғри танлай олади. Бу эса, ижтимоий иш ходимига ишга назарий ёндашиш билан амалиёт ўртасидаги бир бутунликни таъминлайди. Шундагина ижтимоий иш мазмунига ижобий таъсир кўрсатади, ишончли натижалар олинади.

Ижтимоий иш методлари бирор-бир мақсадга эришиш, муайян (илмий-тадқиқот ёки амалий) масалани ҳал қилиш, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, камайтириш ҳамда тахлил қилиш усулларидир. Ижтимоий ишда илмий тадқиқот методлари аниқ маълумотлар олиш учун қўллайдиган амаллар ва воситалар йиғиндиси бўлиб, улардан илмий назариялар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш учун фойдаланилади. “Қуйидагилар ижтимоий ҳимоя тизимида ижтимоий ишнинг асосий методлари ҳисобланади: якка тартибда иш олиб бориш, гуруҳ билан ва жамоа (маҳалла)да иш олиб бориш”[4]кабилар.

Ижтимоий хизматчининг мижозга ёки ижтимоий муҳитга муайян вазифаларни ҳал қилиш мақсадида таъсир ўтказиш усули ижтимоий воқеликни ўзгартириш методлари деб аталади. Ижтимоий иш ходимлари мижозларнинг моддий ва маънавий, миллий, оилавий, бошқа манфаат ва эҳтиёжларига таъсир ўтказиш орқали ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ижтимоий-иқтисодий усуллар ҳисобланади. Ижтимоий ва меҳнат интизомини англаш, бурч ва масъулият

сингари мотивларга йўналтириш кабилар ташкилий-буйруқ методлари саналади. Психологик-педагогик методлар мижозга унинг ўзини ўзи ҳис қилиши ва хулқ-атворини бошқариш хусусиятларига таъсир ўтказиш орқали бевосита амалга ошириш билан характерланади. Шунингдек, ижтимоий ишда кенг тарқалган ижтимоий терапия методи ҳам мавжуд. Терапия (“юнонча” ҳиссиётлар, ғамхўрлик, даволаш) шахсга ёки шахслар гуруҳига хиссиётлар, фикрлар, муносабатларни тартибга солиш учун мунтазам равишда, муаммони бартараф этиш ёки юмшатиш, мақсадга эришишга йўналтирилган ёрдам тури тушунилади.

Ижтимоий терапия қуйидаги функцияларни бажаради:

- даволаш (мижозга унинг муаммоларини ечишда тиббиёт хизматчилари билан биргаликда ёрдам кўрсатиш);

- ижтимоий хаёт фаолиятига мослаштириш, мижознинг ижтимоий саломатлигига ижобий таъсир кўрсатувчи биргаликдаги ривожланиш жараёнини ташкил қилиш, хулқ-атворни тузатиш, коррекция қилиш, дисфункцияларнинг олдини олиш, шахснинг ўзини намоён қилишга кўмаклашиш шулар жумласидадир.

Оилавий терапия – ижтимоий хизматчининг бир бутунлик ҳисобланадиган оила аъзолари гуруҳи билан олиб борадиган фаолият. Бунда оила аъзоларининг вербал ва новербал хатти-ҳаракатларидан фойдаланилади.


Ижтимоий ишда оилалар билан ишлашнинг ўзига хос амалий метод ва воситалари мавжуд. Оилалар билан ишлашнинг методларидан генограмма оила тарихини ўрганиш методи ҳисобланади. Генограмма 3-4 авлодларда оилавий муносабатлар тизими тузилиши диаграммасидан иборат. Мюррей Боуэн томонидан 1978 йилда оилавий терапияда “Авлодлараро ёндошиш” доирасида таклиф этилган. (Bowen,1978). Унинг мақсади – хулқ намуналари ва оилавий муносабатлар авлодларга қандай ўтишини ва оила аъзоларининг вафот этиши, касалликлари, катта касбий муваффақияти, янги жойга кўчиб ўтиш каби ҳодисалар замонавий хулқ намуналарига ҳамда оилавий диадалари ва учбурчакларига таъсир этишини кўрсатишдан иборат.

Генограмма ижтимоий иш ходими ҳамда психотерапевтга ва оилага қандайдир интеграл вертикал-йўналишдаги кўринишда бутун оилавий ҳаёт ҳодисалари ҳамда ҳолатларини кузатиб, яхлит манзарани олишларига имкон беради. Баъзида у оила аъзолари учун сир бўлган ҳолатларни ёритиб беради. Ушбу ёндошиш оила тарихи бўйича маълумотларни тўплаш анъанавий ёндошиши билан кўп ўхшашликларга эга, тизимлилик ва схемалаштирилганлик унинг асосий ажралиб туриш хусусияти ҳисобланади. Техника, одатда, кенг оила аъзолари иштирокини кўзда тутади. Генограмма оилавий муносабатлари ўзига хос хусусиятларини намойиш этиш учун бошқа маълумотлар билан бир қаторда оила аъзолари муносабатларини ва оилавий тизимда уларнинг қарашларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган рамзлардан фойдаланади[5]. Бундай диаграмма гўё оила харитасини ифода этади. Оила аъзоларидан ҳар бирининг исмлари, ёшлари, никоҳдан ўтишлари, вафоти, ажралишлар, туғилишлари тўғрисида маълумотлар тўпланганида оилавий тизим фаолиятининг – бошқа алоқаларнинг тез-тезлиги ва сифати, эмоционал узилишлар, низолар ва хавотирликка олиб келувчи омиллар,

оилавий тизимларнинг ва умуман оиланинг очиқлик-яширинлик даражаси каби муҳим ҳолатларни тўплашга киришиш мумкин. Ушбу техника асосида интервью давомида оилавий сценарийлар, қадриятлар, қоидалар, эркаклар ва аёллар хулқ стандартлари ҳам аниқланиши мумкин.

Генограмма методикасининг мақсади шундаки, оиланинг камида уч авлод давомида кенгайтирилган тарихни акс эттирувчи диаграммани олиш имкониятига эга бўламиз. Ишни оила билан мунтазам учрашишлар бошланган заҳотиёқ исталган вақтда бошлаш мумкин ва бу иш муаммони яхшироқ тушуниб олиш ҳамда унинг ечимини излаш учун оила ҳақида ахборот тўплаш машаққатли усулидан иборат бўлади. Бу иш, одатда, ахборотни тинглаш ва тушунишга қодир оиланинг барча аъзолари, шу жумладан, болалар иштирокида ўтказилади. Ушбу ахборот оила аъзоларига қизиқарли, ўзларининг яқин қариндошлари ҳақида батафсил билиб олишга қизиқадилар, деб тахмин қилинади.

Генограмма кичик ҳажмда схематик кўринишда тақдим этилган кўп сонли ахборотлардан ташкил топади, бу эса оиланинг бутун тарихини бир қарашда қамраб олишга имкон беради. Ушбу техника асосида ишлаш жараёнида оила аъзолари ўз мансубликларини, ўзларини билиб олиш имконига эга бўладилар, уларнинг оилаларида аслида нималар содир бўлаётганлигини, ўзларининг тарихий келиб чиқишлари ва мана шу келиб чиқишлари оиладаги




муносабатларнинг ҳозирги ҳолатига қандай таъсир кўрсатаётганлигини билиб оладилар. Генограмма билан ишлар экан, ижтимоий иш ходими ва психотерапевт оилага ҳиссий алоқалар узилишларини, дисфункционал учбурчаклар ва альянс (бирлашма) ларни йўқотишга, хавотирларини пасайтиришга, яъни оилавий тизимда ижобий ўзгаришлар содир этишга ёрдам беради. Бундан ташқари, генограмма кучли ташҳис воситаси ҳисобланади, у ушбу мутахассиснинг аниқ назарий йўналиши қарашлари бурчаги остида қўлланилиши мумкин. (1-расм)

**1-расм. Генограмма**

Илмий натижалар турли холатларнинг олдини олишда ижтимоий иш ходимининг иштироки, унинг мижозлар билан ишлаш методи ва техникаси тўғрисида йўл-йўриқлар, тушунтириш ишлари илмий фикрларда ўз ифодасини топади. Ижтимоий иш касбий фаолиятида Ўзбекистонда хали ёш, янги йўналиш бўлишига қарамасдан қисқа муддат ичида самарали ишларни амалга оширишга улгурилди. Олиб борилган тадқиқотларда оила ва болаларни, аҳолининг турли гуруҳ ва қатламларини ҳар томонлама илмий-назарий ўрганиш билан бир қаторда амалий ечимини ҳам топиш бўйича илмий хулосалар ишлаб чиқилмоқда. Юртимизнинг келажагимиз бўлган фарзандларимизни жисмонан соғлом, руҳан ақлли, етук, комил инсон бўлиб етишиши учун ҳар бир оилада ота-оналар маъсулиятни ҳис этган холда ўз фарзандлари билан маданий мулоқотда бўлишлари тўғрисидаги илмий хулосалар берилади. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки:

- ижтимоий иш – жамиятдаги ижтимоий муаммоларни хал қилувчи касбий фаолият ҳисобланади;

- ҳозирда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёлғиз қариялар, имконияти чекланган инсонлар, кам таъминланган оилалар ва аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож бошқа қатламларини ҳар томонлама ҳимоялаш тизими чуқур илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади;

- ижтимоий иш метод ва воситалари жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ўрганишда аниқ илмий натижалар олиш имконини беради;

- ижтимоий иш жамиятдаги мавжуд ижтимоий муаммоларни хал қилишга кўмаклашувчи илмий-амалий фаолият ҳисобланади;

- ижтимоий иш ҳодимлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож гуруҳлари муаммоларини ҳал қилиш бўйича ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бу дастурларнинг самарадорлигини баҳолаш фаолиятини амалга оширишга асосланган илмий методлар билан қуролланиши керак;

- ижтимоий соҳани доимий равишда ўрганилиши мавжуд муаммоларни олдини олиш ва уни бартараф этишга кўмаклашиш учун илмий кадрлар тайёрлашга алоҳида катта аҳамият бериш керак;

- бола ва оилага қанчалик тез ёрдам кўрсатилса, ноқобил ёки хавф остидаги оилалар деб аталувчи тоифаларга кириб қолишлари хавфи, болага эса институционал муассасаларга бориб қолиши ёки шафқатсиз ва эътиборсиз муносабатлар хавфи остида қолиши эҳтимоли шунчалик кам бўлади;

- ижтимоий иш ижтимоий хизматларини ташкил қилиш ёки мавжуд бўлган ташкилотларга ижтимоий иш ходими штат бирлигини киритиш давлатга оилада боланинг ҳолати ёмонлашишини олдини олишга, эрта босқичда ёрдам кўрсатиш ва шу билан республикада болалар ҳамда оилалар фаровонлигини яхшилашга ёрдам беради. Юқоридаги хулосаларга таяниб қуйидаги тавсияларни келтирамиз:

- ижтимоий иш ходими илмий тадқиқот метод ва воситалар тизими ҳақида билиши, балки бу билимларни амалиётда қўллай олиш малака ва кўникмаларига ҳам эга бўлиши шарт;

- оила ва болалар билан иш олиб боришда уларнинг барча томонларини яхши ўрганган ҳолда, оилавий шароитларни, оиладаги аҳвол билан танишган ҳолда ишга киришиш лозим;

- оила ва болалар билан ишлашда ижтимоий иш ходими бирламчи ва чуқурлаштирилган баҳолаш методидан фойдаланиши шарт;

- ногирон болалар ва ногирон болали оила билан иш олиб боришда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан четга чиқмаслик, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида тинмай изланиш лозим;

- ижтимоий ишни тарғибот қилиш бўйича ҳудудларда жамоатчилик ўртасида семинар тренинглар ташкиллаш зарур;

- ижтимоий иш ходимлари ижтимоий иш назарияларига таянган ҳолда, мижоздаги мавжуд ижтимоий муаммоларни аниқлаб, тўғри баҳолашни ўтказишлари шарт;

- ижтимоий ишчи касбини муқаддас билиб, ижтимоий ёрдамга мухтож оила ва болаларга сидқидилдан ёрдам бериш шарт;

- таълим муассасаларида, жумладан, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларда психологлар билан бир қаторда ижтимоий иш ҳодимларига ҳам штат бирлиги берилиши зарур. Бу эса таълим муассасасида болаларнинг ижтимоий муаммоларини камайишига, эрта аниқланишига, ҳамда тўғри ташхис қўйилиб тадқиқот методларининг тўғри танланишига асос бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони,Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2. Ганиева М.Х. Ижтимоий иш асослари. Методик қўлланма. –Т.: Чашма принт нашриёти. 2010. Б-8

3. Теория и методология социальной работы. Учеб. пособ. для высш. учеб. завед./Под ред. С.И.Григорьева – М.: Наука. – 1994; Ром М.В., Ром Т.А. Теория социальной работы. – Новосибирск, 1999; Социальная работа: Учеб.пособие/ под общей ред. В.И.Курбатова – Ростов н/Д: Феникс, 2003.

4. Ганиева М.Х. Ижтимоий иш асослари. Методик қўлламма. –Т.: Чашма принт нашриёти. 2010. Б-8

5. Р. Шерман, Н.Фредман. Структурированные техники семейной терапии. *Генограмма.* www.psichology.vuzlib.net/book.

## YOSHLARDA KITOBXONLIK MADANIYATINI YUKSALTIRISH – ZAMON TALABI

Soxibov Salohiddin Anvar o’g’li
Farg’ona davlat universiteti falsafa kafedrasi o’qituvchisi

***Annotasiya:*** *Maqolada ilm olish, kitob yozish, ijod qilish har doim ham millatning mavjudligi va u nimaga qodir ekanligini ko’rsatuvchi, shuningdek, kitob insoniyatning tarixiy*

*xotirasi, o'z ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy zaminimizni mustahkamlovchi vosita ekanligi yoritib berilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *axborot, kommunikatsiya, kitobxonlik, matbuot, tarbiya, intellekt, madaniyat, ta'lim, dunyoqarash,tarixiy xotira.*

## ПОВЫШЕНИЕ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ У МОЛОДЕЖИ-ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

Сохибов Салоҳиддин Анвар ўғли
Ферганского государственного университета преподаватель кафедры философии

***Аннотация:*** *В статье показано, что изучение, письмо и творчество всегда свидетельствуют о существовании и мощи нации, и что книга является исторической памятью человечества, средством обогащения нашей научной и образовательной базы.*

***Ключевые слова****: информация, общение, чтение, пресса, воспитание, интеллектуал, культура, образование, мировоззрение, историческая память.*

## RAISING READING CULTURE IN YOUNG PEOPLE IS A REQUIREMENT OF TIME

Sokhibov Salohiddin Anvar o'g'li
Teacher of the Departament of Philosophy of Fergana State University

***Annotation:*** *The article shows that learning, writing, and creating are always indicative of the existence and might of the nation, and that the book is a historical memory of mankind, a means of enriching our scientific and educational background.*

***Keywords:*** *information, communication, reading, press, upbringing, intellectual, culture, education, worldview, historical memory.*

Yurtimizda ma'naviy-ma'rifiy ishlarning rolini oshirish orqali fuqarolarimizning, ayniqsa, mamlakat yoshlarining ma'naviy va jismoniy jihatdan barkamol etib tarbiyalash, Vatan ravnaqi, yurt tinchligi va xalq farovonligi g'oyasi orqali yuksak fuqarolik mas'uliyatini his qilish, anglash va jamiyatga daxldorlik tuyg'usi bilan yashashga muntazam da'vat etish barchamizning maqsadimizdir.

"Ta'lim tarbiya, ilm-fan, sog'liqni saqlash, madaniyat va san'at, sportni rivojlantirish masalalari, yoshlarimizning chuqur bilimga ega bo'lishi, chet tillarini va zamonaviyaxborot-kommunikatsiya texnologiyalarini puxta egallashni ta'minlash doimiy ustvor vazifamiz bo'lib qoladi" [1]. Olimlar, ziyolilar, mamlakat va millat kelajagi uchun chuqur qayg'urganlarni yaqin-yaqingacha bir narsa qiynab kelardi: nega yoshlarimiz, umuman, fuqarolarimiz o'rtasida kitobxonlik madaniyati pasayib ketdi, nima uchun yerdan ko'kka ko'taradigan, bizni barkamollik sari yetaklaydigan, insonlar qalbiga yorug'lik va iliqlik kiritadigan, oq bilan qora, yaxshilik bilan yomonlik, vayronkorlik bilan bunyodkorlikning farqini ongli ravishda anglatishga yordam beradigan, insoniyat tomonidan yaratilgan eng noyob kashfiyot – kitobning qadri tushib ketmoqda? Ne sababdan ayrimlar kitob o'qiganlarni zamondan orqada qolayotganlar qatoriga qo'shib qo'ymoqda?

Darhaqiqat, bu savollar barchamizni qiynar edi. Men shu o'rinda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 2016-yil 19-oktabrda

Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati-O‘zbekiston Liberal-demokratik partiyasining VIII syezdidagi saylovoldi ma'ruzasida bildirilgan ayrim fikrlari xususida to‘xtalmoqchi edim. Ma'ruzada bugungi kunda axborot – kommunikatsiya texnologiyalari, Internet tizimini keng rivojlantirmasdan turib, mamlakatimizni modernizatsiya qilish va yangilash, barqaror taraqqiyotga erishish haqida so‘z yuritish mumkin emasligiga e'tibor berilgan.

Aynipaytda, - deydi Shavkat Miromonovich, - axborot-kommunikatsiya sohasidagi oxirgi yutuqlarni o‘zlashtirish bilan birga, yoshlarning kitob o‘qishga bo‘lgan qiziqishini oshirishga, ularni kitob bilan do‘st bo‘lishga, aholining kitobxonlik saviyasini yanada oshirishga alohida e'tibor qaratish lozim bo‘ladi. Buning uchun, avvalo, milliy adabiyotimiz va jahon adabiyotining eng sara namunalarini ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirish va ularni keng targ‘ib qilishga alohida e'tibor berishimiz muhim ahamiyat kasb etadi.Yoshlarimiz xaqli ravishda Vatanimizning kelejagi uchun javobgarlikni zimmasiga olishga qodir bo‘lgan, bugungi va ertangi kunimizning hal qiluvchi kuchiga aylanib borayotgani barchamizga g‘urur va iftixor bag‘ishlaydi [2]. Gapning ochig‘ini aytadigan bo‘lsak, ushbu fikrlar mamlakatimizdagi barcha ziyolilar, millat kelajagi, uning ma'naviy barkamolligi uchun tashvishda bo‘lganlarning yurak-yuragidagi gap bo‘ldi. Kitob barchamizga charog‘on yo‘lni ko‘rsatishini, ma'naviy olamimizni shakllantirishini, kelajakdagi yagona to‘g‘ri yo‘lni tanlashga yordam berishini bilsakda, uni o‘qimasak, kitobning insoniyat tomonidan yaratilgan eng buyuk kashfiyot ekanligini tushunsakda, ammo uni “kult” darajasiga ko‘tarmasakbu holda bizning kitob to‘g‘risidagi tasavvurlarimiz xato bo‘lmaydimi?

Ana shu fikrlar bilan oshno bo‘lib turganimizda, kechagina muhtaram Prezidentimiz Shavkat Miromonovichning “Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ibot qilish bo‘yicha komissiya tuzish to‘g‘risida” (2017 yil 12 yanvar)gi farmoyishi e'lon qilindi. Mazkur farmoyish kitob, kitobxonlik madaniyatining jamiyat ma'naviy hayotidagi o‘rni va rolini yana bir yangi bosqichga ko‘targanligi bilan izohlanadi. Ta'kidlanishicha, bugungi kunda matbuot, noshirlik va axborot sohasida tegishli huquqiy asos yaratilgan bo‘lib, 10 dan ortiq qonun va 30 dan ortiq qonunosti hujjatlari qabul qilingan. 1677 ta matbaa korxonalari, 118 ta nashriyot davlat ro‘yxatiga olingan. Zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlangan Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi, 14 ta hududiy birlik axborot-kutubxona markazi, tuman va shahar markazlaridagi ta'lim mussasalarida 200 ga yaqin axborot-resurs markazlari tomonidan aholiga axborot-kutubxona xizmatlari hamda “Kitob olami”, “Sharq ziyokori” va “O‘zdavkitobsavdota'minot” majmualari tomonidan kitob savdosi xizmati ko‘rsatish yo‘lga qo‘yilgan.

Farmoyishning ibratli jihati shundan iboratki, unda kitob mahsulotlari nashr etish, tarqatish, kitob mutolaasi, kitobxonlik madaniyatining bugungi kundagi holati, mavjud kamchilik, xatolar ro‘y-rost ochib berilgan. Ayniqsa, badiiy, ma'rifiy, ilmiy-ommabop, tarbiyaviy, yoshlarning intellektual salohiyatini oshirishga qaratilgan adabiyotlarni chop etish, ular bilan ta'lim muassasalarini ta'minlash, milliy va jahon adabiyoti namoyandalarining yetuk asarlarini saralash, tarjima qilish ishlari puxta o‘ylangan tizim

asosida tashkil etilmagani, ta'lim va madaniyat muassasalari uchun kitob xarid qilishga mablag‘lar yetarli darajada mavjud bo‘lgan manbalar hisobidan jalb etilmayotgani, kitob sotishga ixtisoslashgan korxonalar tomonidan ta'lim muassasalari, kutubxonalar va mahallalarda yangi kitoblar taqdimotlarini o‘tkazish, mutolaa madaniyatini oshirish, shu jumladan, ommaviy-axborot vositalari orqali targ‘ibot-tashviqot qilishga qaratilgan tadbirlar yuksak talablar darajasida emasligiga alohida e'tibor berilgan.

Mamlakatimiz rahbarining kitob, kitobxonlik madaniyatini yaxshilash to‘g‘risida kuyunib gapirayotganliklarining chuqur falsafasi bor. Birinchidan, yuqorida qayd etilgani kabi, kitob insonni yerdan ko‘kka ko‘taruvchi, uning ma'naviy quvvatini oshiruvchi buyuk kuch hisoblanadi. Ikkinchidan, kitob insoniyatning tarixiy xotirasi, barchamizni o‘z ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy zaminimizni mustahkamlovchi, kelajakni yorqin ko‘rsatib borishga qodir mash'ala hisoblanadi.

Shuning uchun ham bizning yurtimizda ilm olish, kitob yozish, ijod qilish har doim ham millatning mavjudligi va u nimaga qodir ekanligini ko‘rsatuvchi muqaddas tushunchalar hisoblanadi. Farobiy o’zining “Baxt-saodatga erishuv haqida” asarida inson kamoloti uchun qanday ilmlarni egallash zarurligini alohida uqtirib o’tadi [3]. Arastu hakimdan Abu Ali Ibn Sinoga, Aflotundan Abu Rayhon Beruniygacha, Jaloliddin Rumiydan-Alisher Navoiygacha, Sohibqiron Amir Temurdan Muhammadsharif Gulxaniygacha yuzlab, minglab mutafakkirlarning shakllanishi, dunyoga tanilishi, zamonlar oshsada ahamiyati yo‘qolmaydigan tadqiqot-u kashfiyotlari faqat va faqat kitob orqali yuz berdi. Ularning bugungi avlod tomonidan chuqur o‘rganilishi, ular ilmiy-ma'rifiy bisotiga bot-bot murojaat qilishning sababi ham mutafakkirlarimiz tomonidan yaratilgan kitoblar tufaylidir. Xo‘sh, kitobxonlik madaniyati deganda nimani tushunamiz? Bular quyidagilardan iborat: o‘zining kasbiy-mutaxassislik hamda badiiy-ma'naviy barkamolligini oshirish uchun kitobni tanlay olish va o‘zi uchun zarurini o‘qish, kitob ustida ishlash malakasini obdon o‘rganib olish va unga chuqur amal qila bilish, kitobni mustaqil o‘qiy bilish, o‘qigan kitobning asosiy mazmunini talqin qila bilish, uning fusunkor olamiga kira bilish, o‘qiganlaridan hayotiy xulosalar chiqarish, kitobning kerakli, zarur joylarini yon daftarchaga ko‘chirib olish, notanish bo‘lgan so‘zlarni esda saqlab qolishga intilish; muntazam ravishda o‘qish ko‘nikmasiga ega bo‘lish, kitob bilan muomalada eng qadrdon do‘stingga munosabatda bo‘lganday e'tibor bilan qarash, kitobni yaroqsiz holiga keltirmaslik uchun undan to‘g‘ri foydalana bilish, kitobni shoshilmasdan, o‘ylab, diqqat-e’tibor bilan o‘qish malakasiga ega bo‘lish, kutubxona kartotekalari bilan ishlay bilishni o‘rganish, o‘qigan kitobni do‘stlar bilan o‘rtoqlashish, yaxshi kitobni ularga tavsiya qilib, uni boshqalar ham o‘qib chiqishiga erishish, har bir yaxshi kitobni ilm qal'asining kaliti deb bilib, uning boqiy umrini ta'minlash.

Ayni paytda, yoshlarning kitobxonlik madaniyatini shakllantirish uchun farmoyishda belgilangan sotsiologik so‘rovnomani o‘ta mas'uliyat bilan tashkil etish lozim. Bunday so‘rovnoma bir tomondan, yoshlarning kitobxonlik madaniyati darajasini aniqlasa, boshqa tomondan, jamiyat talab etayotgan muammolarni aniqlash, mavzular tanlashga imkon beradi. shuningdek, mutaxassislar, soha xodimlari “Yoshlarga tavsiya etilayotgan 100 ta asar” ro‘yxatini tuzish, unda milliy va jahon adabiyotining nodir

durdona asarlarini o‘qishni tavsiya etish ham muayyan ahamiyatga ega bo‘ladi, deb o‘ylaymiz.

Sharqda axloq-odob borasida buyuk asarlar yaratgan Muhammad Jabalrudiyning kitob haqidagi quyidagi firklariga bir quloq tutaylik: “Ey aziz! Kishi uchun kitobdan azizroq va yoqimliroq suhbatdosh yo‘qdir. Kitob fasohat, balog‘atda, latofatda tengi yo‘q, munofiqlikdan holi hamrohdir. Yolg‘izlikda va g‘amli ayyomlarda munis ulfatdir. Unda na nifoq boru, na gina. U shunday hamdamki, so‘zlarida yolg‘on va xato bo‘lmaydi. Suhbatidan esa kishiga malollik yetmaydi. U o‘z do‘stining dilini og‘ritmaydi. Yuragini esa siqmaydi. U shunday rafiqdirki, kishi orqasidan g‘iybat qilib yurmaydi. Uning suhbatidan senga shunday fayzli foydalar yetadiki, bunday foydani odamlardan topa olmaysan. Aksincha, aksar odamlar suhbatidan kishiga zarar yetadi. Kitobdek do‘st ichida barcha ilmu hilm mujassamdirki, u kishilarni o‘tmishdan va kelajakdan ogoh qilib turadi. Shuning uchun ham “Kitob aql qal'asidir”, deganlar”.

Bunga uzoq va yaqin tariximizdan misollar ko‘p. Masalan, ma'rifatparvar vatandoshimiz Is’hoqxon Ibrat o‘z uyida kattagina, boy kutubxona tashkil qiladi va uni “Kutubxonai Ishoqiya”, deb ataydi. Ibrat arxividagi kitoblar ro‘yhati shuni tasdiqlaydiki, kutubxonada ta'lim-tarbiya va o‘qitishga oid o‘zbek, rus, turk, tatar, fors-tojik tillarida ko‘plab kitoblar bo‘lgan. Bu kutubxonadan nafaqat o‘zi, shuningdek, qishloq aholisi ham unumli foydalangan. Ishoqxon Ibrat o‘z maktabi o‘qituvchilarini kutubxonada saqlanuvchi kitoblar bilan ta'minlagan. Kutubxonaning maktab o‘qituvchilariga bag‘ishlangan qismida Saidrasul Saidazizovning “Ustodi avval”, “Abdulla Avloniyning “Birinchi muallim”, “Turkiy guliston yohud axloq”, Rustambek Yusufbek hoji o‘g‘lining “Rahbari hisob” kabi ko‘plab darslik, o‘quv qo‘llanmalari saqlangan. Ibrat kutubxonasi doimiy ravishda kattalashib borgan. U kutubxona a'zolarining kitob olish va o‘qib bo‘lgach, uni topshirish daftarlarini ham tashkil qilgan, a'zolarning, ayniqsa, yoshlarning kitob o‘qishlarini Ishoqxonning o‘zi nazorat qilib borgan. Ishoqxon Ibrat kabi ziyoli, ma'rifatparvar yurtimizda juda ko‘plab yetishib chiqishgan. Ularning barchasi o‘z kutubxonalariga ega bo‘lishgan. Bunday shaxsiy ziyo maskanlaridan oddiy xalq juda unumli foydalanishgan. Shu o‘rinda mazkur Prezident farmoyishidagi bir holatga e'tibor berish lozim. Bu hududlarda yozuvchi, shoirlar ishtirokida kitob bayrami va yarmarkalarini tashkil etish, aholi o‘rtasida badiiy jihatdan yuksak milliy va jahon mumtoz adabiyotlari namunalarini targ‘ib qilish, kitobxonlar, bosma va elektron kitob ishlab chiqaruvchilar, kitob sotuvchilar hamda kitobxonachi va targ‘ibotchilar orasida turli tanlovlar o‘tkazish masalasidir. Haqiqatdan ham, hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o‘z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo‘qotmaydigan masala bo‘lib qolmoqda [4]. Darhaqiqat, bu o‘ta zarur masala. O‘z shaxsiy kuzatuvlarim natijasida shuni aytishim mumkinki, bugungi kunda oilaviy kutubxonasi bor yuzlab, minglab vatandoshlarimiz mavjud. Ularning kutubxonalarida shunday noyob, nodir kitoblar borki, ular juda kamyob va yagona nushada. Biz ”Eng yaxshi kitobxon oila” tanlovini o‘tkazish orqali o‘sha nodir asarlar nafaqat mazkur oilaning, shuningdek, butun jamiyatning ma'naviy mulkiga aylanishini, ulardan qo‘ni-qo‘shnilar, soha mutaxassislari samarali foydalanishlarini istardik. Oilaviy kutubxona faqatgina uyning bezagi, uy egasining “ziyoliligi”ni bildiruvchi belgi bo‘lishini istamas edik. Shu ma'noda, oilaviy kutubxona

tanlovida u yoki bu kitobning chiroyliligi, sahifalarning buklanmaganligiga emas, aksincha, uning qay darajada ko‘p o‘qilganligini anglatuvchi ko‘rsatkichlariga e'tibor berish lozimligini ko‘rgimiz keladi.

Endi bugungi kitoblar, ayniqsa badiiy asarlar hususida ayrim fikrlarni bayon etsak: ma'lumki, kitob umuman, badiiy asar kishilarning dunyoqarashi, ijtimoiy-siyosiy salohiyatini ma'naviy barkamolligini ta'minlashi lozim. Bunday asarlar, darhaqiqat, yaratilmoqda, xalqimiz, ayniqsa, yoshlarimiz ularni o‘qishdan charchamayapti. Ammo, buguni asarlarning barchasiga ham shunday baho qo‘yish mumkin emas. Ayrim asarlar yaxshi niyatda yaratilayotgan bo‘lsada, ammo ular “teskari samara” bermoqda. Turli salbiy ko‘rinishlar, zo‘ravonlik, ur-yiqit, odamlarda “olomon fikrlash” darajasini ko‘tarishga urinish, fahsh, illatlarni targ‘ib etish kabi holatlar ba'zi asarlarda avj olayotganing guvohi bo‘lmoqdamiz.

Masalan, shoir Abdulla Oripovning “Jannatga yo’l” dramatik dostonini olaylik. Unda bir talay axloqiy, falsafiy muammolar badiiy tarzda yoritilgan [5]. Mutafakkir-allomalarimiz johillikning birinchi belgisi-go‘zallikni ko‘rmaslikdir, deydilar. Haqiqatdan ham shunday. Atrofimizda shuncha yangiliklar, yangilanishlar, islohatlar sodir bo‘lmoqda, odamlarimiz tafakkur tarzi o‘zgarmoqda. Ana shu ijobiy holatlarni badiiy jihatdan pishiq asarlar orqali xalqimizga, ayniqsa yoshlarimizga yetkazish juda to‘g‘ri bo‘lar edi.

Madaniyat, san'at, ayniqsa badiiy adabiyotda zamonamiz qahramonini topish, uning obrazini yaratish, nazarimizda, o‘ta dolzarb masalalardan biridir. Prezident farmoyishida ko‘rsatilgan eng muhim masalalardan biri ham shunda. Ayrimlar zamonamiz qahramonini “ko‘rmaydilar”. Ammo, shu narsani alohida ta'kidlash lozimki, bunday qahramonlar biz bilan birga, oramizda, ular har kuni jasorat ko‘rsatmoqdalar. Ayb – biz ularni ko‘rmaganligimizda. Angren-Pop temir yo‘lida Farhodning jasoratini takrorlagan, chegarani mustahkamlashda mardlik ko‘rsatgan, yangi texnologiyalar asosida fermerlik harakatining unumdorligini oshirayotgan, turli jahon arenalarida mamlakat bayrog‘ini baland ko‘tarayotganlar-bular zamonamiz qahramonlari emasmi?

Xalqimiz aynan ana shunday kitoblarni kutmoqda. Ayrim vatandoshlarimiz “hozirgi yoshlarga jiddiy badiiy asarlarni tavsiya etgan bilan, ular bunday kitoblarni o‘qimaydilar, chunki zamon o‘zgardi”, deyishmoqda. To‘g‘ri, zamon o‘zgardi. Ammo bizning o‘zbekligimiz o‘zgargani yo‘q. Shunday paytda, yoshlarimizning kitobxonlik madaniyatini oshirish, ular ma'naviy ehtiyojini shakillantirish uchun nimanidir tavsiya etishni ba'zan unutayotganga o‘xshaymiz. Yoshlar ma'naviy ehtiyojini shakillantirish uchun ularga ma'noli asarlar tavsiya etishimiz lozim.

Xulosa qilib aytganda, davlatimiz rahbari tomonidan belgilab berilgan vazifalar bir tomondan, azaldan kitobsevar xalqimiz, shu jumladan yoshlarimizning kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish yuzasidan hozirgi zamon talablari darajasida juda keng imkoniyatlar yaratishga qaratilgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan, yaqin vaqt oralig‘ida O‘zbekistonimizning tom ma’noda kitobxonlar yurtiga aylanishiga xizmat qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati**

1. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qatiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz,- T.: O'zbeiston, 2017. – C. 16.
2. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz,-T.: O'zbekiston, 2016. – C. 13.
3. Jahon falsafasi tarixidan lavhalar.– T.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2004, № 2. -C. 115.
4. Mirziyoyev Sh. Qonun ustvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash-yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi.– T.: O'zbekiston, 2017. - C. 23.
5. Erkaev A. Ma'naviyat-millat nishoni.– T.: Ma'naviyat, 1999. – C. 46.

## ЖАМИЯТ ВА ТАБИАТ ОРАСИДАГИ МУВОЗАНАТНИНГ БУЗИЛИШИ ГЛОБАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯ КРИЗИСИ СИФАТИДА

Абдумаликов Абдумалик Абиджанович
Фарғона давлат университети доценти в.б
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада жамият билан табиат орасидаги мувозанатнинг бузилиб кетиши, яъни табиат, бутун она замин кишилик жамиятининг ўзига нисбатан нооқилона муносабатини, бебошликларини, тажаввузини ортиқ кўтара олмай қолгани оқибати сифатида экологик кризисни шаклланаётганлиги таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *Экологик кризис, глобал цивилизация, биосфера, ноосфера, техноген маданият, оқилоналик.*

## НАРУШЕНИЕ ПРОТИВОРЕЧИЯ МЕЖДУ ОБЩЕСТВОМ И ПРИРОДОЙ КАК ГЛОБАЛЬНАЯ ЦИВИЛИЗАЦИЯ.

Абдумаликов Абдумалик Абиджанович
Фарғона давлат университети доценти в.б
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

***Аннотация:*** *В данной статье анализируется возникновение экологического кризиса в результате нарушения баланса между обществом и природой, то есть природой всей земли, которая не может преодолеть иррациональное отношение, произвол и агрессию всего человеческого общества.*

***Ключевые слова:*** *экологический кризис, глобальная цивилизация, биосфера, ноосфера, искусственная культура, интеллект.*

## VIOLATION OF CONTRADICTIOONS BETWEEN SOCIETY AND NATURE AS A GLOBAL CIVILIZATION

Абдумаликов Абдумалик Абиджанович
Фарғона давлат университети доценти в.б
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

***Annotation:*** *This article analyzes the emergence of an ecological crisis as a result of the collapse of the balance between society and nature, that is, the nature of the whole of the earth,*

*which can not overcome the irrational attitude, arbitrariness and aggression of the whole human society.*

***Key words:*** *Ecological crisis, global civilization, biosphere, noosphere, nan-made culture, intelligence.*

Экологик кризис эса жамият билан табиат (биосфера) орасидаги мувозанатнинг бузилиб кетиши, яъни табиат, бутун она замин кишилик жамиятининг ўзига нисбатан нооқилона муносабатини, бебошликларини, тажаввузини ортиқ кўтара олмай қолгани оқибатидир. Эндиликда бутун башарият глобал экологик кризисга дуч келганини наинки йирик мутафаккирлар, фан намоёндалари, иқтисодиёт, сиёсат, маданият арбоблари, зиёлилар, балки оддий тафаккур эгалари ҳам аянч билан тан олмоқдалар. Энди олимлар хатто "инсониятнинг атроф муҳитга етказган зарарли таъсири оқибатларини бартараф этиш мумкин деган фикрни илгари суриш учун ҳеч қандай илмий асосга эга эмасмиз... эндиликда инсоният секин ишлайдиган қопқонга тушиб қолгани аниқми ёки бу қопқондан чиқиш... мумкинми, бу ҳақида фан аниқ бир нарса дея олмайди"[1] қабилидаги хулосаларга келмоқдалар. Очиғини айтганда, эндиликда олимлар нафақат экологик уйимизни, балки "ақлли инсон"нинг ўзини ҳам яқин ўн йилликлар мобайнида ҳалок этадиган экологик коллапс содир бўлишини башорат қилмоқдалар.

Юқоридаги каби хулосалар кўплаб мисол ва фактларда ўз тасдиғини топади. Бу борада, масалан, Россиянинг Петербургдай тарихий шаҳрини тузатиб бўлмас экологик ҳалокат кутаётгани ҳақида ёзилган бир ахборот диққатга сазовор. Ушбу ахборотга кўра, Петербугдан атиги 30 км нарида жойлашган, химиявий чиқиндилар полигонига айланган "Красный бор" деган жойда бу чиқиндилар жуда тўлиб кетгани туфайли энг хавфли захарли химикатлар яқин орада Нева дарёсига тошиб чиқиши хавфи борлиги ва бу масала депутатлар томонидан мухокама этилиши кутилаётгани ҳақида ҳабар қилинади. Ваҳоланки, бунчалик машҳур бўлмаган жойларда аҳвол қандайлиги ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Эндиликда инсоният ўзининг кейинги асрлар мобайнидаги фаолияти туфайли содир бўлган ҳалокатли жараёнлар миқёсини сезмаслиги қийин. Шу маънода экологияни инсониятнинг анча кечикиб бўлса ҳам уйғонган виждон азоби деб таърифлаш мумкин. Чиндан ҳам, Хиросима фожиаси, Чернобль аварияси каби аянчли ҳодисалар инсоният қалбида чуқур жароҳат қолдиргани, озон қатламининг сийраклашиб кетгани, иқлимнинг ўзгариб кетаётгани, тропик ўрмонларнинг зарарланаётгани, ёнғинлар ва сув тошқинлари, ер, сув, хавонинг ифлосланиб кетгани, цунамилар, химиявий ва бактериал уруш синовлари каби фактларни санаб тугатиб бўлмайди ва буларни кўриш учун энди олим бўлиш ҳам шарт эмас.

Ушбу жараёнлар инсоният олдига бундан буён Ер юзида яна қанча яшаш мумкин деган масалани қўяётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Чунки энди гап нафақат табиий бойликларнинг, энергия манбаларининг камайиб, йўқолар даражага етгани, табиатнинг заҳарлагани, балки инсон бу муҳитда хатто тоза ҳаво билан нафас олиш имкониятидан, тоза озуқа манбаъларидан маҳрум бўлаёзгани

ҳақида, бутун бошли дарёлар, ўрмонлар йўқ бўлгани, денгиз, океанлар, еру кўк, тошу тупроқ тиклаб бўлмас зарар кўргани ҳақида кетмоқда. Яъни, инсоният интеллектуал қобилияти ва цивилизацияси қанча ривожланса, унинг ўзи қулайдиган чоҳ шунча катталашиб, чуқурашиб бориши, техника эса табиатни эксплуатация қилиш воситасидан инсониятнинг ўзини вайрон этиш қуролига айланиб кетавериши маълум бўлмоқда.

Умуман олганда, замонавий медицинанинг кризиси ялпи антропологик кризнинг бир қисми бўлиб, у хилма-хил кўриниш ва тамойилларда намоён бўлмоқда. “Булар орасида энг асосийси, дейди таниқли рус файласуфи, академик В.С.Степин, - инсоният эволюциясининг миллионлаб йиллари мобайнида шаклланган генофонди пойдеворида атроф муҳитнинг (кимёвий ва радиоактив таъсирлар туфайли) ифлосланишида намоён бўлган бевосита сабаб бўлса, иккинчиси (турли касалликлар туғдирувчи микроб ва вируслар) таъсирида содир бўлаётган бевосита кучли ўзгаришлардир. Ваҳоланки, кишилик жамиятида бу генофонднинг сақланишига хизмат қилувчи табиий факторлар (яъни, табиий танланишнинг) фаолияти ўз аниқ чегарасига эга. Масалан, танланиш вазифасини бажарадиган урушларда асосан соғлом ва насл қолдира оладиган одамлар қирилиб келган. Катта тезлик билан ўзгариб бораётган нобарқарор ижтимоий вазиятлар ва барча соҳаларда содир бўлаётган рақобатлар ичида кечаётган ҳозирги ижтимоий ҳаёт эса ўз стресслари билан антропологик кризисни янада кучайтирмоқда. Бу эса нафақат юрак, қон томирлари, онкология касалликларини, балки руҳий касалликларнинг ҳам кўпайишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда, депрессия (оғир руҳий сиқилиш) каби руҳий хасталик XX аср охири XX1 аср бошларининг энг кенг тарқалган касаллигига айланди”[2].

Баъзи кишиларга ҳозир ҳам шак-шубҳасиз фақат ижобий ҳодиса бўлиб кўринаётган илмий-техника ютуқларини инкор этмаган ҳолда, айни шу ютуқлар туфайли цивилизация боши берк кўчага кириб қолганини эндиликда нафақат мутафаккир файласуфлар, гуманитар соҳа вакиллари, балки кўпчилик олимларнинг ўзлари ҳам оғир афсус билан тан олаётганларини алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Масалан, Россия таниқли фан намояндалари шундай ёзадилар: “Олимлар сиёсатчиларнинг қўлига бутун Планетадаги ҳаётни бир эмас, бирнеча неча бор йўқ қилиш қувватига эга бўла оладиган қуролларни тутқаздилар, ваҳоланки, келажакда уларни қандай йўқотиш ва нима қилиш мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилмадилар..., улар энергиянинг янги манбаъларини кашф этдилар ва эмоқдалар, шунинг билан бирга радиоактив чиқиндилар ва ядровий терроризмдан қутулишдай жуда жиддий муаммоларини ҳам вужудга келтирдилар..., улар одамларга антибиотикларни совға қилдилар, айни пайтда, зарарли микроорганизмларнинг табиий танланиш жараёнини кучайтирдилар” [3].

Лекин, бошқа тоифадаги олимларнинг жиловсиз тафаккури инсоният бошига яна қандай савдолар солиши ҳали номаълум бўлган янги ихтиро ва технологияларни яратиш иштиёқи билан ёнишда давом этмоқда. Улар, эндиликда кўпчилик фан арбобларини ҳам жиддий ҳавотирга солаётган, фан ва техниканинг нанотахнологиялар, машина интеллекти, генетик медицина каби соҳаларида

изланишлар олиб бормоқдалар ва сезиларли натижаларга эришмоқдалар. Оксфорд университети директори, профессор Ник Бостром бу ишларнинг салбий оқибатлари ҳақида ўйлаб кўрилмаётгани ҳақида шундай дейди: "Технологик прогресснинг тезлашуви туфайли инсоният ҳозир ўз тараққиётининг кескин бурилиш нуқтасга катта тезлик билан яқинлашиб келаётган бўлишининг эҳтимоли катта. Инсониятга яхши таниш бўлиб қолган ядровий хавфу хатар ёнига эндиликда нанотизимлар ва машина интеллекти каби соҳаларнинг жадал ривожлана бошлаган технологиялари мисли кўрилмаган ўз имкониятлари ва хатарлари билан қўшилмоқда. Бизнинг келажагимиз, агар у бор бўлса, бизнинг ана шу жараёнларга муносабатимизга боғлиқ. Ҳамон биз жадал ривожланаётган технологияларга боғлиқ эканмиз, инсоният жамиятидан "пост-инсоният" (кейинги инсоният, аниқроғи, анти-инсоният- Ш.Қ) жамиятига ўтиш динамикасини яхши англаб етишимиз керак. Айниқса тузоқ қаерда жойлашганини, муқаррар ўлимга олиб бориши мумкин бўлган йўлларни пайқай билишимиз зарур." [4]

Бизнингча ҳам, инсон биологик асосини ўзгартириш борасида генетик олимлар олиб бораётган ҳозирги ишлар антропологик кризиснинг кучайишига олиб келиши аниқ. Чунки, геномни ўрганиш натижасида олимлар инсоннинг нафақат ирсий касалликларини даволаш, балки унинг (ақлий ва жисмоний) қобилиятларини ҳам сунъий (нотабиий, ноэволюцион) кучайтириш имкониятларини қўлга киритадилар). Улар бугунги кундаёқ инсон қонидаги гемоглобинни ирсий йўл билан ошириш борасида муайян натижаларга эришганлар. Бу эса ҳозирданоқ спортсменларга ўйинларда қўллаш тақиқланган допингларни олимлар ўзлари танлаган одамларга тутқазиш имконияини қўлга киритганларини билдиради. Улар кимни танлашлари эса ё уларнинг ўзларининг, ёки хўжайинларининг хоҳишларига,аниқроғи уларнинг ахлоқига, маънавиятига, дунёқарашига боғлиқ. Ваҳоланки, фан намояндалари, юқорида айтганимиздай, одатда маънавият, ахлоқ, гуманизм масалаларига бефарқ бўлиб келганлар.

Бошқа томондан қараганда, табиат билан жамият орасидаги мувозанат бузилишинг ҳам камида икки асосий сабаби бор. Биринчиси, нуқул иқтисодий истеъмолчиликка асосланган техноген цивилизациянинг кўпдан буён табиатга қарши қилаётган зўравонлиги бўлса, иккинчиси, Ерда аҳоли сонининг ортиб кетгани билан боғлиқ бўлган демографик кризисдадир. Шуларнинг натижаси ўлароқ эндиликда табиат нафақат жиддий заҳарланди, балки унинг инсонга керак бўлган неъматлари, биринчи навбатда, асосий энергия заҳиралари тамом бўла бошлади. Эндиликда шунинг билан боғлиқ бўлган ресурслар кризиси ҳам келиб чиқди. Мазкур кризис эса, ўз навбатида, табиат ресурсларидан фойдаланиш этикасининг йўқлиги ва, умуман олганда, на фан ва на унинг амалиётга қўлланиш шакллари бўлган техника ва технологияда ахлоқий критерийларнинг буткул назардан четлатилгани билан ва давлат структураларида шунга мувофиқ ташкилотлар жуда кеч шаклангани, ҳар бир янги илмий ва техник-технологик кашфиётнинг амалиётга татбиқи оқибатлари тегишли назорат остида бўлмагани, бундай ташкилотлар эндиликда бор бўлса ҳамки, ҳамон коррупция ва порахўрлик қарор топган муҳитда самара бермаётгани каби сабаблар билан боғлиқ.

Россия ядро синтези илмий марказининг олимлари академик В.Черток, геохимия институти директори, академик Э.Галимов ва б. бу муаммонинг ҳам гениал ечимини топган кўринадилар. Улар яқин орада ёқилғи ресурсини Ойдан Ерга олиб келиш режасини олдинга сурдилар. Бу мўлжаллар уларнинг узоқни кўра олиш қобилияти яна панд бермаслигига, яъни ўз атрофидаги ўрмон, полиз ва боғларнинг барча меваларни еб битириб, хўжаликнинг ўзини поймол этиб бўлиб, қўшни боғда ҳам шу ишни давом эттириш пайига тушган "маймунлар галасининг ваҳшиёна хўжалик юритиш санъати"нинг замонавий илмий кўриниши эмаслигига ким кафил бўла олади? Бир сўз билан айтганда, кризисларнинг глобал характери БМТ ва унга тегишли ЮНЕСКО ташкилотида, қолаверса, Рим клуби хужжатларида акс этган. Бу, масалан, Рим клубида муҳокама қилинган докладларнинг номлариданоқ кўринади. Масалан, улардан бири "Инсоният бошидаги мушкулотлар", иккинчиси "Инсоният икки йўл орасида" деб аталгани аҳволнинг нақадар жиддийлиги кўрсатади. Шу маънода эндиликда илмий-техника прогресси салбий оқибатларини бартараф этишнинг ўзи ҳам умумбашарий муаммога айланди. Булар эса, ўз навбатида, иқтисодий, молиявий[5] кризислар ва улар билан узвий бўлган турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орасидаги низоларнинг кескинлашувларни, айрим халқлар ўртасидаги қон тўкилишларни олдини олиб бўлмаётган сиёсий кризисларга олиб келмоқда. Хатто кейингиларининг кескинлиги экологик кризисникидан кам бўлмаяпти. Чунки, буларнинг ўзи ҳам кенг миқёсли ва чуқур ижтимоий кризисни келтириб чиқариши табиий.

Таниқли рус маданият арбоби, актёр Алексей Баталов мазкур шароитнинг шахс, оила маънавиятида қандай аксланиётганини ва бу аҳвол хатто собиқ Иттифоқ давридагидан ҳам ёмонлашганини чуқур дард билан ҳис этаркан, шундай дейди: "Мени бугунги кун кишилари пулнинг қулига айланиб қолаётгани қаттиқ ҳавотирга соламоқда. Одамлар кўз ўнгимизда жуда тез ўзгармоқдалар. Наҳотки, набира ўз бувисини квартирадан сиқиб чиқарса...Мен ҳарқандай шароитда ҳам одам ўз Инсонлигини сақлаб қола олган муҳитда ўсиб улғайган эдим. Агар атрофимда шундай одамлар бўлмаганида, балки бошқача бўлармидим..."[6] Ваҳоланки, бу санъаткор бутун манзаранинг ўзигагина намоён бўлган кичик бир лавҳаси ҳақида шунчалик аянч билан фикр юритмоқда. Бунда машҳур актёрнинг собиқ шўролардан олдинги маънавий меросдан баҳраманд бўлганлар авлод таъсирида ҳам яшаган авлодга мансублигини ҳам ҳисобга олиш керак албатта. Унинг учун хаттоки ўзига намоён бўлган мана шу кичик ҳол ҳам катта ёвузликдир.

Юқорида санаб ўтилган кризислар орасида оила кризиси алоҳида диққатга сазовор. Рус файласуфларининг оила муаммоларига бағишланган илмий ишларда Россияда бугунги кунда бу муаммо нафақат ечилиши, балки адекват тарзда тушунилиши қийин бўлган, оқибатини тасаввур этиб бўлмайдиган кенг кўламли фожиага – оиланинг парчаланиб кетиши, яъни оила кризиси муаммосига дуч келганини кўрсатмоқда. Оиланинг парчаланиши эса бу "жамият тўлиқ маънавий деградацияга (инқирозга) учраётганини, бу охир-оқибатда Россиянинг ўзини ҳам мавжуд бўлиши учун жиддий хавф туғилганини кўрсатади. Бу жараёнлар замирида чет эл маданиятининг оила илдизларига болта урадиган индивидуализм ва

гедонизм каби сохта оммавий қадриятларининг жамият маънавий ҳаётига стихияли равишда катта тезлик билан оқиб кираётгани факти ҳам ётади.

Фалсафий нуқтаи назардан ёндошилса, юқорида санаб ўтилган барча кризисларни бартараф этиш учун уларнинг туб асосида нима ётганини билиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, уларнинг асосида ётган битта умумий сабаб бор. У ҳам бўлса, юқорида ҳам айтганимиздай, яратиш эмас, фақат истеъмол қилиш психологиясига асосланган техноген цивилизациянинг зўравонларча хўжалик юритиш тартиботидадир.

**Адабиётлар.**

1. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. - Б. 361.
2. Степин В.С. Философия в эпоху перемен. // Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №4. 2006. Б. 18-34.
3. Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего Изд. 2-ое. М.: Эдиториал УРСС 2001. - Б.3 – 5.
4. Ник Бостром - Ph.D., is Director of Oxford University's new Future of Humanity Institute.Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. //2007. http://www.nickbostrom.com
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий иқирози, Ўзбекистон шароитида кни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.56.
6. Баталов А. Свыше даются нам испытания // Аргументы и факты. 2008. №47.5- б.

## ГЕНДЕР СИЁСАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Тошкент Молия Институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси
катта ўқитувчиси
Султонова Азиза Рихсивоевна

***Аннотация:***Ушбу мақолада бугунги глобаллашув даврида гендер сиёсатидаги муаммо ва ечимларга асосланган ҳудудларнинг менталилтети ва ижтимоий стратегия ишлаб чиқилиши, гендер тенгликда барқарор ривожланишга эришиш, ҳамда гендер сиёсатида ягона ижтимоий-маданий шароит билан чекланмаслик, жинсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан гендер тенглиги ўзаро тушуниши муҳим аҳамиятга эгалиги очиб берилган.

***Калит сўзлар:***Гендер, сиёсат, глобаллашув, ечим, қонун, норма, ҳуқуқ, халқаро, демократия, мадания, манфаат, жамият, муаммо, тизим.

## ГЕНДЕРНАЯ ПОЛИТИКА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Султанова Азиза Рихсиваевна, Старший преподаватель
кафедры «Социальные науки»
Ташкентского финансового института

***Аннотация:***В этой статье подчеркивается важность гендерного менталитета и социальных стратегий для решения гендерных проблем и решений в современной

глобализации, достижения устойчивого развития в области гендерного равенства, а не только социальных и культурных условий в гендерной политике и гендерного равенства.

***Ключевые слова:***Гендер, политика, глобализация, решение, закон, норма, право, международный, демократия, культура, интересы, общество, проблема, система.

## GENDER POLICY: CHALLENGES AND SOLUTIONS

Sultanova Aziza Rikhsivaevna, Senior Lecturer
Department of Social Sciences
Tashkent Financial Institute

***Annotation***This article emphasizes the importance of gender mentality and social strategies for solving gender problems and solutions in modern globalization, achieving sustainable development in the field of gender equality, and not just social and cultural conditions in gender policy and gender equality.

***Key words:***Gender, politics, globalization, decision, law, norm, law, international, democracy, culture, interests, society, problem, system.

Гендер сиёсати муаммоси ва унинг ечими бутунжаҳонда устувор сиёсий қарашлар ва тамойиллари ҳамда маълум бир фаолият йўналишларига тегишли усулларини амалга ошириш механизмлари халқаро тенг ҳуқуқлари, имкониятлар, эркаклар ва аёллар тенг ижтимоий-сиёсий ҳолатининг кафолатлари, бу демократик давлатларнинг демократик ривожланиши ва жамиятда гендер сиёсати маданиятининг шаклланишини муаммони ечими сифати билан изоҳлаш мумкин.

“Гендер сиёсати ўз-ўзидан ечимини топадиган муаммо эмас. Бунда аввало ижтимоий-сиёсий томонлама субъектларнинг яъни, эркаклар ва аёлларнинг манфаатларини тенг ҳуқуқий асосини ечимини бера олиши лозим”40 - бу фикрдан жамиятда гендер тенглик ривожланиши тенденциялари ҳам ва ечимини беради деган хулоса келамиз.

“Гендер сиёсатининг мақсади жамиятда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигига эришишдир. Бу барча инсонларда стереотипларларда анъанавий гендер муаммоларидаги тизимли таҳлилий эркинлик деган маънони англатади”[41]. И.Ҳирдман “Гендер тизимини эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлар мажмуи”[42] - деб ҳисоблайди. Жумладан, жамиятда маълум бир қоидалар ва нормалар эркак ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни, мақсадлари ва мавқеига мувофиқ

[40] Мельник Т.М. (2002). Ґендер у політиці. Основи теорії ґендеру: Навчальний посібник. (с. 219–265). Київ: «К.І.С.».

[41] Рекомендации к «Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации женщин». URL: http: // www.un.org (дата обращения: 08.02.2010).

[42] Хирдман И. Женщины — от возможности к проблеме? Конфликт полов в «государстве всеобщего благоденствия» — шведская модель // Северная Европа. – М.: АСТ-Пресс, 1995. С.38.

белгиланиши жинслар ўртасида масъулият, ҳамда сиёсий қарорлар қабул қилиш гендер тизимининг устувор тамойилларидан бири ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув даврида гендер сиёсатидаги муаммо ва ечимларга асосланган ҳудудларнинг менталилтетини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий стратегия ишлаб чиқилсагина, гендерда барқарор ривожланишга эришиш мумкин.

Бугунги кунда гендер сиёсатида ягона ижтимоий-маданий шароит билан чекланиб қолмаслик лозим. Бунда сиёсий жараёнлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жинсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан гендер тенглиги ўзаро тушуниши муҳим аҳамиятга эга.

Бу жамият тараққиётида қуйидаги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Сиёсий қарорлар қабул қилишда демократик институтларнинг қонунийлигини заифлаштиради ва сиёсий фаол гендер тенглигига эришишда сиёсий партияларнинг иштирокида вакиллик институтларининг барқарор ривожланиши мақсадларига эришиш учун жамиятда аёллар ролини ижтимоий-сиёсий жараёнларга тенглаштириш лозим.

Сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилишнинг барча жараёнларда сиёсий партияларнинг гендер тенглигини тарғиб қилиш мажбуриятини намойиш этиш ва асосий ҳужжатларда гендер тенглиги нормалари ва мақсадларини ифодалаш орқали стратегик режаларни ишлаб чиқилиши, гендер тенгликда маълум бир тизимлар, жараёнлар, амалиётлар ва сиёсий маданиятга таъсир кўрсатадиган муҳитни яратиш.

**Юридик фанлар доктори Абдуғафур Сатторов** таъкидлашича, бугунги кунда мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу қонунда «гендер тенглиги» тушунчаси ва турларига аниқ тавсифлар берилади, бу масала бўйича ваколатли органларнинг вазифалари белгиланади. Шунингдек, Президент қарорига мувофиқ, Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича республика комиссияси ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Гендер тенглигини таъминлаш бўйича давлат миқёсида ишлаб чиқилган қонунлар ва дастурлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда амалиётга жорий этилган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Президентимизнинг бешта муҳим ташаббусида ҳам аёлларнинг жамиятдаги тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу эса барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланиш йўлида дадил одимлаётган мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи янада ошишига хизмат қилади.

Жоҳилия даврида иккинчи даражали ҳисобланган аёллар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида иштирок этиш имконияти бўлмаган. Демократик давлатларда фуқаролик жамиятида гендер тенглик шаклларини ривожлантиришга интилаётган замонавий жамиятда муҳим шартидан биридир.

Гендерда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар мафкурасига асосланган тузилмаларни тубдан ўзгартириш ва барқарор ривожланиш жараёнларига жаҳонда хотин-қизларининг ўрни ҳамда салоҳиятидан фойдаланишдан иборат.

Бунда биз эътибор берадиган бир жиҳат БМТ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Наргиза Жўрабоева, БМТ тизими мувофиқлаштириш маслаҳатчиси ва Ифода Абдуразакова, БМТнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ёрдамчиси, муаллифлари томонидан "МРМ ҳақида ёшларга қўлланма"сида: "Гендер тенглик ўғил ва қиз болаларга, эркак ва аёлларга таълимнинг барча даражаларида ва ҳар қандай меҳнат фаолиятида тенг ҳуқуқлар, ресурсларни тенг назорат қилиш имконини ҳамда жамият ва сиёсатда тенг вакиллик берилишини англатади. Қизларга таълим берар эканмиз, уларга ижтимоий ва оилавий муаммоларни мустақил баҳолаш, гигиена ва санитария ҳақида кўпроқ нарса билиш, соғлом фарзанд туғиш ва ўстириш, маданият ва эстетика қадриятларини тушуниш имкониятини яратиб берамиз. Аёлларнинг жамият ижтимоийсиёсий ҳаётида иштирок этиши унинг янада ривожланишига ва шу тариқа, умумжаҳон тараққиётига ёрдам беради. Ёшлар таълимидаги гендер тенгсизлик масаласи қизларни расмий ва норасмий таълим билан камраб олишга қодирдир. Бошланғич мактабга қатнамайдиган болаларнинг учдан икки қисми қизлар, дунёдаги ёши катта 876 миллион саводсиз кишиларнинг 75% аёллардир Дунёдаги барча иш вақти давомийлигининг учдан икки қисми аёллар меҳнати ҳиссасига тўғри келади, аёллар озиқ-овқатларнинг ярмини ишлаб чиқарадилар, аммо жаҳон даромадининг фақатгина 10%ни ишлаб топадилар ва дунёда мулкнинг 1%дан камига эгалик қиладилар. Ғарбий ва Марказий Африкада 24 миллион бола бошланғич мактабга қатнамайди, улардан 13 миллиони қиз болалардир. Жанубий Осиёда 42,8 миллион бола мактабга қатнамайди, улардан 23,5 миллиони қиз болалар. ЮНГЕЙ Қизлар таълими соҳасида БМТ Ташаббуси (UNGEI) «Таълим барча учун» дастури доирасида қизлар таълими бўйича ҳамда таълимда гендер фарқларини бартараф этиш бўйича асосий дастур. ЮНГЕЙ ташаббусининг мақсади 2015 йилга бориб дунёнинг барча чеккаларидаги, ўғил болалар ҳам, қиз болалар ҳам бошланғич мактабни тугатиш имконига эга бўлиши ва бу вақтга келиб ўғил ва қиз болалар таълимнинг барча даражаларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлишини таъминлашдан иборат".[43]

Демократия гендер фарқларидан хабардор бўлиши ва ҳис қилиши керак. Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида қарор қабул қилишда ҳуқуқларнинг тенглиги демократияни мустаҳкамлайди.

Халқаро ҳамжамият гендер истиқболини нафақат демократияни шакллантиришга, балки муаммонинг бутунжаҳон маданиятининг келажагидир. Шунинг учун ҳам бу муаммо даражасида кўрилади.

Гендер тенгсизлиги бутун инсониятнинг барқарор ва ажралмас ривожланишига тўсқинлик қилади. Гендер ассиметрияси нафақат унинг қурбонларига, балки уни амалга оширувчиларга ҳам таъсир қилади. Сиёсатчилар кўпинча фақат аёллар учун Гендер масалаларини кўриб бўлса-да, кўп маълумотлар ҳозир Гендер муаммо янада кенг эканлигини кўрсатади ва бу ривожланиш муаммоси сифатида белгиланади.

[43] http://www.ungei.org

Хотин - қизлар дунё аҳолисининг ярмини ташкил етади, бу еса инсоният салоҳиятининг ярмига тенг. Инсон ҳуқуқларининг енг муҳимларидан бири бўлган Gender тенглиги жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланиш асосида инсон салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришда асосий рол ўйнайди. Хотин-қизларнинг жамиятга жалб етилиши ҳосилдорликнинг ошиши ва иқтисодий ўсишни таъминлаётгани исботланган.

Жамият эркаклар ва аёлларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятлари жиҳатидан тўлиқ тенглигига эришиш учун бир миллиарддан ортиқ аёллар дунё бўйлаб жинсий зўравонлик ҳуқуқий ҳимоя етишмайди.

Мана бугунги кунга келиб Ўзбекистон парламентида аёллар бир неча баробарга кўпайганлиги Ўзбекистонда гендер тенглиги жаҳон ҳамжамияти гендер тенглиги нормалари даражасида десак хато қилмаган бўламиз.

Бугунга кунга келиб аёлларга ишлатиладиган зўравонликни барча кўринишларини тугатиш, хотин-қизлар, эркаклар ва ўғил болалар учун таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодий ресурсларга тенг киришни таъминлаш ва сиёсий иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиш муҳимдир.

БМТ бош котиби Антонио Гутеррешнинг айтишича, гендер тенглигига эришиш ва хотин — қизларни ҳуқуқларини тенгалаштириш бугунги кунимизнинг тугалланмаган вазифаси ва дунёдаги инсон ҳуқуқларининг энг буюк вазифасидир.

БМТ ташкилотнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти унинг Уставини эълон қилишдан бошланди. Низомнинг 1-моддасида кўрсатилган БМТ мақсадлари орасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш таклиф этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, ирқ, жинс, тил ёки диндан фарқ қилмасдан тарғиб қилиш ва тарғиб қилиш.

Халқаро феминистик ҳаракат 1970 йилларда авж ола бошлагач, БМТ Бош Ассамблеяси 1975 йилни халқаро аёллар йили деб эълон қилди ва Мехико шаҳрида аёллар бўйича биринчи жаҳон конференциясини ташкил этди. Конференциянинг шошилинч тавсияси билан 1976-1985 йиллар давомида БМТнинг ўн йиллик хотин-қизлар қўмитаси деб эълон қилинди ва ўн йиллик ихтиёрий Фонд ташкил етилди.[44]

Бу қабул қилинган қарор ва нормалар гендер номутаносиблиги ҳар икки жинс тажрибасини ҳисобга олувчи тўлақонли ижтимоий фаолият турларининг шаклланишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам гендер сиёсатида аёлларни ҳар қандай даражадаги ҳокимиятдан четлаштириш давлат ва унинг сиёсати самарадорлигини чеклайди. Ахир, аёллар сиёсатга турли хил мезонларни келтириши, сиёсий мулоқотда янги истиқболларни очиши ва анъанавий бошқарув услубини кўпроқ тушуниши мувофиқлик ва гуманистик йўналиш жиҳатидан ўзгартириши мумкин.

# ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАРДА АКСИОЛОГИК ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Фарғона политехника институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси Расулова Шоира Азизовна,
ўқитувчи Азимов Улуғбек Абдухалилович

***Аннотация:*** *Мақолада глобаллашув жараёни, унинг жамият тараққиётига таъсири ва ёшлар маънавиятини шакллантиришда аксилогик онгнинг аҳамияти тахлил этилган.*

***Калит сўзлар:*** *Глобаллашув, аксиологик онг, миллий қадриятлар, шарқ фалсафаси, онг қадрияти, объектив қадриат.*

# ФОРМИРОВАНИЕ АКСИОЛОГИЧЕСКОЙ СОЗНАНИЕ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Расулова Шоира Азизовна старший преподаватель кафедры «Общественные науки», Азимов Улуғбек Абдухалилович преподаватель кафедры «Общественные науки». Ферганский политехнический институт

***Аннотация:*** *В статье анализируется процесс глобализации, и её влияние на развитие общества, а также значение аксиологическая сознания в формировании духовности молодёжи.*

***Ключевые слова:*** *Глобализация, аксиологическое сознание, национальные ценности, восточная философия, ценность сознания, объективная ценность.*

# FORMATION OF AXIOLOGICAL CONSCIOUSNESS IN THE ERA OF GLOBALIZATION

Rasulova Shoira Azizovna senior teacher of department “Social science”,
Azimov Ulugbek Abduhalilovich teacher of department “Social science”
Fergana Polytecnical Institute

***Annotation:*** *The article analyzes the process of globalization, and its impact on the development of society, as well as the importance of axiological consciousness in the formation of youth spirituality.*

***Keywords:*** *Globalization, axiological consciousness, national values, eastern philosophy, the value of consciousness, objective value.*

Ўзбекистонда инсонпарвар, фуқаролик жамияти қурилиши авж олиб борилаётган ҳозирги глобаллашув шароитда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришиши билан қадриятлар муаммоларини ўрганиш йилдан-йилга авж олиб бормоқда. Ҳозирги кунда илғор давлатлар ҳаётининг демократик тамойиллари ҳам инсон қадрини нечоғли юксакликка кўтариши билан баҳоланади. Ўзбекистонда кечаётган туб ўзгаришлар,

ислоҳотларнинг моҳияти ҳам ана шу тамойилдан келиб чиқади. Бу тамойилни амалга оширишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган янгича дунёқараш, соғлом тафаккурнинг шаклланиши катта аҳамиятга эга.

Миллий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу қадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русмларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаётий мўлжаллари, "замон қаҳрамони" ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий қадриятлардан келиб чиқиб шаклланади.

Глобаллашув даврида ёшлар аксиологик онгни объектив англашда қадриятлар ва маънавият оламини билиш ва уни амалий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Қадриятлар аллақандай ходиса, воқеа ёки нарсанинг ўзига хос хусусияти ёки хоссаси эмас, балки унинг моҳияти, ўз навбатида борлиқнинг у ёки бу объектининг яшаши, мавжуд бўлиб туриши учун том маънодаги зарурий шартидир. Ҳар қандай қадрият ҳам инсон онги ва фаолиятининг маъсули, яъни ҳар қандай қадрият одамлар томонидан яратилади, авлодлар томо-нидан ўзлаштирилади, кишиларнинг онги ва шуурига сингиб, амалий фаолиятига қудратли стимул беради, катта ижтимоий кучга айланади.

«Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олийжаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги англаб етилганлиги мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз шу заминга таянади» [1].

Хўш, қадриятлар ўзи нима? Уларнинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало, шуни қайд қилиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун ва кўп қиррали тушунчадир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчанинг моҳиятини ифодалашда турлича ёндашувларни учратишимиз мумкин. Масалан, «Фалсафий энциклопедия»нинг бешинчи жилдида қадриятлар қуйидагича тавсифланган: «Қадрият фалсафий ва социологик тушунча. У, биринчидан, бирор объектнинг ижобий ёки салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг меёрий, белгиловчи-бағишловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари)ни ифода этади. Шунга кўра объектив (ашёвий) ва субъектив (онг) қадриятлари бир биридан фарқланади».[2]

Мазкур манбада ёзилишича, табиий бойликлар ва табиат ҳодисалари (булар яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан баҳоланади) меҳнат маҳсулларининг истеъмол қиймати (умуман фойдалилик); ижтимоий ҳодисаларда мужассамлашган ижтимоий эзгулик ва ёвузликлар; тарихий ҳодисаларнинг прогрессив ёки реакцион

аҳамияти, ҳозирги замон кишиларининг бойлиги сифатида намоён бўлувчи маданий мероси, илмий ҳақиқатнинг фойдали самараси ёки назарий аҳамияти, кишиларнинг ҳатти ҳаракатларида ифодаланувчи ахлоқий, яхшилик ёки ёмонлик, табиий ва ижтимоий объектларнинг ҳамда санъат асарларининг эстетик жиҳатдан тавсифланиши, саждагоҳлар, диний ибодат буюмлари ва бошқалар ашёвий қадриятларга киради[3].

Онг қадриятларига меёрий тасаввурлар (яхшилик ва ёмонлик, адолат, гўзаллик ва хунуклик ҳақидаги, тарихнинг маъноси ва инсоннинг вазифаси ҳақидаги тасаввурлар, идеаллар, ҳаракат меёрлари ва тамойиллари тарзида ифодаланган ижтимоий кўрсатмалар ва баҳолар, талаб ва таъқиқлар, мақсад ва лойиҳалар киради.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради. Қадриятларнинг бошқат урлари, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир»[4].

Аждодларимизнинг маънавий мероси асосида ёшларда аксиологик онгни шакллантириш хусусида гап кетганда бу борада олимларимиз олдида турган масалаларни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди, албатта. Фикримизча, Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, уларни она тилимизда чоп этиб, халқимизга етказиб бериш, республика олимларининг олдида турган биринчи вазифа бўлса, Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотидаги миллий қадриятларимизга асосланган янги, замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиб, ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялашнинг янгича механизмларини йўлга қўйиш иккинчи вазифа деб, билмоғимиз керак.

Халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросимларидаги озодлик, эркинлик учун кураш руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий руҳ берган тафаккур тарзида намоён бўлади. У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган. Бу тафаккурнинг марказида оламнинг энг улуғ мўжизаси бўлмиш инсоннинг улуғлиги ва мўтабарлиги ғояси ётади. Бинобарин, у қадрланиши, эъзозланиши лозим. Чунки мамлакатнинг ҳаёти, фаровонлиги, ана шу меҳнаткаш инсонларнинг меҳнати, фаолиятига боғлиқ.

**Миллий қадриятларга содиқлик** - миллий ғоянинг таянч негизларидан биридир. Бу тамойил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадриятларини асраб-авайлаш, келажак авлодларга этказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Ўтмишдан қолган буюк маданий бойликларимиз, мумтоз қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ижодий жиҳатдан ўрганиш - бу принципнинг асосий жиҳатидир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т. Ўзбекистон. 1995 йил. 140-бет
2. Философская энциклопедия. 5-Жилд. - М.: Наука, 1970, 462-бет.
3. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 – жилд. - Т., 1980, 7- бет.
4. Тугаринов В.П. О ценностях жизн и культури.- Л.,1960, 3-бет.

## МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ МОҲИЯТИ

Ибраҳимов Баротжон
Ботирович
Наманган давлат университети
Катта ўқитучи

***Аннотация:*** *Мақолада таълим-тарбия тизимида миллий моделимизнинг асосий хусусиятларини таҳлил этаётганда кўпроқ унинг миллий тарбиядаги ўрни ҳамда унинг фалсафий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *олий таълим, шахс, давлат, жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, тарбия , мафкура, ёшлар*

## СУЩНОСТЬ ИДЕЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ

Ибраҳимов Баротжон Ботирович
Наманганский государственный университет
Старший преподаватель

***Аннотация:*** *В статье анализируя основные особенности национального моделя учебно-воспитательной системы во многом учитывается её роль в национальном воспитании и мтарается открыть ихние философские значения.*

***Ключевые слова:*** *Высшее образование, личность, государство, общество, непрерывное образование, наука, производство, воспитание, идеология, молодёжь*

## THE ROLE OF IDEOLOGICAL EDUCATION

Ibrakhimov Barotjon Botirovich
Namangan state University
Disuguished teacher

***Annotation:*** *In this article, it is tried to open more the philosophical significance of national upbringing and main characteristics of our national model in the process of analyzing in terms of education system.*

***Key words:*** *higher education, person, state, society, constinuous education, subject, manufacturing, upbringing, ideology, the young*

Кадрлар тайёрлаш миллий моделидан бош муддао қилиб, Комил инсон ва етук малакали мутахассисни тайёрлашни қўйилишида ҳам юқоридаги масалалар билан мантиқий алоқадорлик мавжуд. Зеро, кадрлар тайёрлаш миллий модели

фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Миллий моделимиз, бу – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, миллий моделимиз концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан боғлиқдир. Шу боисдан ҳам республикамиз жамиятшунос олимлари файласуфлар, таълим-тарбия тизимида миллий моделимизнинг асосий хусусиятларини таҳлил этаётганда кўпроқ унинг миллий тарбиядаги ўрни ҳамда аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилишмоқда.

Жумладан, таниқли файласуф, академик Э.Ю.Юсупов мазкур моделнинг миллий тарбиянинг қуйидаги хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларини кўрсатган эди:

- миллий тарбияда, юксак аҳлоқий фазилатларни шакллантириш;
- ёшларга миллий мерос ва қадриятларни ўргатиш;
- инсон омилини шакллантириш;
- кишиларни ҳалол меҳнат қилишга, ишбилармонлик ва тадбиркорликка ўргатиш;
- ёшларда миллий ғурур туйғусини тарбиялаш;
- таълим ва тарбияни узвийлигини таъминлаш.

Олимнинг фикрича миллий тарбиянинг бу хусусиятлари замонавий таълим тизими билан уйғунлаша олиши билан бир қаторда миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз билан боғлансагина ижобий самара беради.

Тарбия муаммолари, деб хулоса қилади Э.Юсупов, инсоният тарихининг барча даврларидаги ғоялар, мафкуралар тизимидан ҳам катта ўрин олган. Инсоннинг онги, эътиқоди учун бўлган курашлар ҳам ёшларга тарбиявий йўллар орқали таъсир этиш шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам жисмоний соғлом, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш Ўзбекистон миллий мафкурасининг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда [1].

Маълумки, миллий моделнинг бош муддаоси комил инсонни тарбиялашдир. Ушбу масалада ҳам республикамиз олимлари ўзига хос концепцияларни илгари суришмоқда. Жумладан, файласуф олим Ж.Туленов, маънавий баркамол инсон ақл-идрок асосида ҳаракат қилади. Ватанига, халқи ва миллатига содиқ бўлиш ҳам маданиятлилик, маънавийлик, баркамоллик, ахлоқий поклик белгиларидан ҳисобланади[2] - деган фикрни илгари суради. Улфат Маҳкамов эса, одамлардаги яхшилик қилиш, ростгўйлик, ҳаёли бўлиш каби энг улуғ фазилатлар бирлашсагина, у комил инсон бўлиб етишишини таъкидлайди[3].

Нозар Тўраев, Мансур Олтиновлар «Юқори малакали мутахассис олим, меъмор, санъаткор, ҳарбий ходим бўлиш баркамолликни англатмайди, инсон камолотга етиш учун зарур ҳаёт мактабини ўташи, иймон-эътиқод йўлига кириш талаб этилади», [4] деб таъкидлайдилар. Фалсафа фанлари доктори М.Холматова эса комилликнинг шакллантиришда кўпроқ ўзимизга мос шарқона маданий-маънавий

анъаналар, унинг ўзига хослиги, афзалликларига оид адабиётларни чоп этиш, тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир – деган фикрга таянади.

Бизда қадимдан "Маърифатли инсон" тушунчаси анча кенг маънони англатган. Унутмаслигимиз керакки, маърифат халқимиз, миллатимиз қонидадир. Анъанавий шарқона қарашга кўра маърифатлилик –билим, маънавият ва гўзал аҳлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз билимли, комил инсон деганда айнан шундай одамларни кўз олдига келтиради.

Миллий меоделимизда комил инсон ғоясига, уни тарбиялаш масалаласига алоҳида эътибор берилганлиги ҳам айни ана шу ҳақиқат билан боғлиқдир.

Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилишида, биринчи навбатда, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга боғлиқдир.

Маълумки, тарбия - инсон шахси, маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимидир. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга ҳунар ўргатиш, билим беришдир. Инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган жараёндир. Абдулла Авлоний таълим ва тарбиянинг муштараклиги ҳақида шундай ёзади: «Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бироз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир. Чунки дарс олувчи - тарбия олувчи, амал қилувчи демакдир» [5].

Иснон шахси шаклланишида тарбия устивор аҳамиятга эга бўлади. Умуман айтганда, тарбия таълим бериш жараёнини барча маърифий мажмуасини ҳам ўз ичига олади. Ҳар қандай таълим, тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга замин бўлади.

Тарбия, хусусан миллий тарбия хусусида сўз борганда, бу тушунчанинг моҳияти устида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Тарбия сўзи асли арабча бўлиб, «парвариш қилиш, таълим бериш, ўргатиш» деган маънони англатади.

Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсдир. Мукаммал тарбия бериш маънавий камолотнинг барча жабҳаларини ривожлантириш учун субъектив омил яратишдир.

Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларни ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ҳамда малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар.

Шунга кўра, ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир[6].

Соғлом ғоявий тарбия эса – юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини ҳам англатади. Шу ўринда тарбия ҳамда таълим берувчининг шахсий сифати ҳамда ўз ишига фидойилиги бу масалада ғоят муҳим эканлигини унитмаслик керак. Бу хусусда Ғаззолий шундай ёзади. «Шайхнинг (тарбиячининг) муридини тарбиялаш калити - ердан унган неъматнинг яхши ҳосил бермоғи учун деҳқон унинг атрофини бегона ўтлар, тиканлардан тозалагани каби бир ҳол» [7].

Худди шунинг учун И.А.Каримов тарбия, муаллим ҳамда мураббийнинг таълим тизимидаги ўрнини атрофлича таҳлил этиб шундай деган эди: «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, «Таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам шу ерда, ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ҳам шундай билимга эга бўлиши керак». Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларни ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим. Албатта бу масалани бирданига ечиш қийин, лекин уни ечмасдан туриб келажак авлоднинг тарбияси тўғрисида гапиришнинг ўзи мутлоқо номақбулдир» [8]. Зеро, биз янги асрда ва янги бир цивилизация даврида яшаяпмиз. Бу цивилизацияда меҳнат қилиб, ўзининг устида тинмай ишлайдиган, узлуксиз таълим оладиган, доимий равишда ўз билим эҳтиёжларини қондириб, олган билимларини оиласи, халқи ва давлати ривожланишига сарф қила оладиган шахсгина муносиб ўринни эгаллаши мумкин. Шунинг учун ҳам Миллий моделимизда узлуксиз таълимга катта аҳамият берилган. Чунки жамиятимиз ўз олдига қўйган олий мақсад – келажаги буюк Ўзбекистонни, озод, обод Ватанни яратиш ва умуман, ислоҳотларнинг тақдири охир-оқибатда бугун шаклланаётган авлоднинг дунёқарашига, ижтимоий мўлжаллига замонавий илм-фан ва касбларни эгаллашига, амалий ташкилотчилигига бевосита боғлиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**1.** Юсупов Э, Юсупов Ў. Оила – маънавият булоғи. – Т.:, Маънавият, 2003, Б.18

**2.** Туленов Ж., Ғофуров.З. Фалсафа. Олий ўқув юртлари учун.- Т.: Ўқитувчи, 1997, Б.294

**3.** Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари.- Т.: Фан, 1994, Б.72

**4.** Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси.- Т.: Ўзбекистон, 2000, Б.174

**5.** Авлоний Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ.- Т.: Ўзбекистон, 1992 йил, Б.15-16

**6.** Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари.- Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002 йил, Б.7

**7.** Абу Хамид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. -Бухоро, 1992 йил Б. 18

**8.** Баркамол авлод орзуси.- Т.: Шарқ нашриёт матбаа концерни бош таҳририяти. -Т.: 1999 йил, Б. 12

## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – БУГУНГИ КУННИНГ МУХИМ ВАЗИФАСИ

Мухторжонова Мохинур Равшанбек қизи
Ўзбекистон Миллий университети 2-курс магистранти,
Тел: +99891 620-64-64
e-mail: mmoxi6464@mail.ru
Холиярова Маҳбуба Соттаровна
Ўзбекистон Миллий университети 2-курс магистранти,

Тел: +99890 995-28-84
e-mail: mmoxi6464@mail.ru

***Аннотация:*** *Мақолада глобаллашув даврида ёшларни турли хил ёт ва зарарли гоялардан ҳамда маънавий таҳдидлардан химоя қилишда таълим-тарбиянинг аҳамияти очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *Глобаллашув, таълим, тарбия, мафкуравий тарбия, маънавий таҳдид, ахборот хуружи.*

## В МИРЕ ГЛОБАЛЗАЦИИ УЛУЧШЕНИЕ МОЛОДЕЖНОГО ДУХА В ЯВЛЯЕТСЯ САМЫМ ГЛАВНЫМ ВОПРОСОМ В СЕГОДНЕШНЕЕ ВРЕМЯ

Мухторжонова Мохинур Равшанбек кизи
Магистр 2-го курса Национального Университета Узбекистана
Тел: +99891 620-64-64
e-mail: mmoxi6464@mail.ru
Холиярова Махбуба Соттаровна
Магистр 1-го курса Национального Университета Узбекистана
Тел: +99890 995-28-84
e-mail: mmoxi6464@mail.ru

***Аннотация:*** *В статье объясняется важность образования и воспитания для защиты молодежи от различных чуждых и вредных идей и моральных угроз во время глобализации*

***Ключевые слова:*** *Глобализация, образование, воспитание, идеологическое воспитание, моральная угроза, информационная атака*

## IMPROVEMENT OF YOUTH'S SPIRIT IN GLOBLIZATION PERIOD - THE MOST IMPORTANT TASK TODAY

Muxtorjonova Moxinur Ravshabek qizi
2nd year undergraduted student of the National University of Uzbekistan
Contacts : +99891 620-64-64
e-mail: mmoxi6464@mail.ru
Xoliyarova Mahbuba Sottorovna
Contacts : +99890 995-28-84
e-mail: mmoxi6464@mail.ru

***Annotation****: The article explains the importance of education and upbringing to protect young people from various alien and harmful ideas and moral threats during globalization.*

***Keywords:*** *Globalization, education, upbringing, ideological upbringing, moral threat, information attack.*

Хозирги даврда халқаро майдонда глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бормоқда. Бунинг натижасида турли салбий маънавиятга нисбатан

бўлаётган таҳдидлар ортиб бормоқда. Глобаллашув даврида маънавий таҳдидлар, дунёнинг мафкуравий манзараси жамиятнинг барча соҳасини қамраб олмоқда. Бугунги дунёни эгаллаш учун олдингидек турли ҳил тўқнашувлар эмас балки тинч, урушларсиз ғоя ва мафкуралар орқали эгаллашга уринмоқдалар ва бунда ёшлар дунёқарашини эгаллашда интернет ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланилмоқда. Эндиликда бирор бир давлатни эгаллашда турли хил қуроллар билан эмас, балки, ғоялар билан амалга оширилмоқда. Хозирги кунда энг қиммат товар сифатида ғоя ўзининг аҳамиятини ошириб бормоқда. Бу йўлда ахборот ресурсларидан давлатлараро тўқнашув, геосиёсий мақсадларни амалга ошириш учун майдон сифатида фаол фойдаланмоқда.

Ҳозирги замон демократик андозаларга мос, миллий қадриятларимизни ҳимоялашга йўналтирилган кучли ахборот сиёсатини юритишни тақазо қилмоқда. Глобаллашув жараёнларида Ғарб давлатлари томонидан Шарқ давлатларига ўзларининг ғоялари экспорт қилинмоқда. Яъни айрим Ғарб давлатлари томонидан ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда “демократия экспорти”, сиёсий ва ахборот хуружи асосий воситага айланмоқда. Глобаллашув жараёнини бевосита ахборот билан боғлиқ эканини тушуниш қийин эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича хозирда ахборот иқтисодиётнинг энг сердаромад манбаига айланиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот хуружларидан ёшларни химоя қилиш замон талабига айланмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг шундай ахборот хуружлари ва мафкуравий курашлар даврида ёшларнинг онгини ўз миллий ғояси, қадрият, анъаналари билан тўлдириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мана шундай турли ҳил ёт ғояларнинг таъсирига тушиб қолмаслик ҳамда юртимиз келажагининг ривожи айнан мана шу ёшлар қўлида эканини ҳеч қачон унутмаслик зарурдир. Бу эса таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим эканлигини тақазо қилади. Таълим ва тарбияни уйғун холда олиб бориш долзарб хисобланади. Таълим ва тарбия ҳамма замонларда ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, аллома Фаробий таълим-тарбияга биринчилардан бўлиб таъриф берган мутафаккир саналиб, “Таълим - инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия - инсоний фазилатни ҳамда маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир”, дейди олим. IX-X асрдан кейинги даврларда яшаб ўтган алломалар ҳам инсон ахлоқи, ёшлар тарбияси масаласига оид кўплаб илмий ишлар олиб борганлар. Бу хайрли ишга тасаввуф оламининг алломалари Нажмиддин Кубро, Фаридиддун Аттор, Баховуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий ва бошқа олимлар ҳам ҳисса қўшганлар. Бу алломаларнинг ижодий фаолияти, бой маънавияти туфайли миллий тарбия тизимининг асослари вужудга келди.

Юртимизда таълим-тарбия масаласига жуда катта эътибор қаритилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекисон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишлари Ижтимоий соҳани ривожланиришнинг устувор йўналишлари” [1] деб

номланиб, унинг 4.4 банди Таълим ва фан соҳасини ривожланитириш деб номланган. Ушбу бандга мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларини имкониятларини ошириш, меҳнат бозорларида рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлашга алохида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода умумий ўрта таълимни янада ривожлантириш мақсадида 2019 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентнинг "Халқ таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-5812-сонли Фармони[2] қабул қилинди. Юртимизда таълимнинг сифатини ошириш ҳамда рақобатбардошилигини таъминлаш мақсадида юртимизда хусусий мактаблар ҳам ўз фаолиятини очиб бермоқда.

Уларда ўқувчи-ёшларга замонавий билим бериш билан биргаликда уларга мафкуравий иммунитетни шакллантириб бериш мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта мухим ташаббус доирасид тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Глобаллашув даврида мана шундай тизимли таълим-тарбия халқни, миллатни ўзлигини сақлаб қолишда асосий ўрин эгаллаб, бунда мафкуравий тарбияни ҳам сингдириб бориш муҳим вазифа хисобланади. "Мафкуравий тарбия - инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён[3]. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам ўз ғоялар таъсирига тортишга ҳаракат қилади.

Мафкуравий тарбия инсоннинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги муайян билимлар, баҳолар ва улар замирида юзага келадиган мақсадлар тизими сифатида чиқиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам, мафкура шахснинг ижтимоий тасаввурлари, билимлари, қадриятлари тизими, ҳаётий мўлжалларининг шаклланишига кучли даражада таъсир кўрсатади. Шундай экан, мафкуравий тарбия, яъни шахс жамият ҳаёти, унинг тараққиёт қонунларини, кузатилаётган ҳодиса, жараёнларни нечоғли тўғри ва тўлиқ тушуниши, ўринли ва адолатли баҳолаши, қандай мақсадларни кўзлаб фаолият олиб бориши масаласи маънавий таҳдидларнинг олдини олишда энг долзарб ва аҳамиятли бўлиб ҳисобланади.

Мафкуравий курашлар даврида ёшларни турли хил ёт ва зарарли ғоялардан ҳимоя қилиш мақсадида уларда мафкуравий иимунитетни шакллантира олсак давлатнинг ривожланишига эриша олган бўламиз. Жамиятнинг хал қилувчи қатлами бу ёшлардир. Ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш ҳамма замонларда долзарб бўлган. Ёшлар жамиятнинг эмоционал қисми хисобланади. Шу сабабдан давлатларни эгаллашда ҳам ғояни айнан ёшлар онгини заҳарлашга қаратидилар. Ёшларни мафкуравий курашлар даврида маънавий салоҳиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу йўлда албатта маънавий-маърифий ишларнинг ўрни каттадир. Маънавий-маърифий ишлар яъни, турли хил тадбирлар орқали ёшларни жамият хаётида юз бераётган барча ўзгаришларга ва вазиятларга кенг жалб этишдир. Улар сиёсий, маънавий иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларга ўзларининг фикр ва малохазаларини билдира олиши

жамият билан биргаликда бориши зарур. Жамият хаётидан узилган, мақсади йўқ, бугуним ўтса бўлди дейдиган ёшларни камайтириш зарур. Ундай ёшлар уюшмаган ёшлар деб аталади. Уюшмаган ёшлар кўпайиб бориши жамяитни таназзулга юз тутишига сабаб бўлади. Шу сабабдан юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий қисми ёшларга тегишлидир.

Жамият ҳаётида содир бўлаёган ўзгаришлар, мамлакатимизга нисбатан кечаётган информацион хуружлар ёшлардан ўқиши, ўз касби, ён-атрофга ўта маъсулият билан ёндашишни ҳаётий мақсадини тўғри танлашини талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам бу масалага тўхталиб қуйидаги фикрларни билдириб ўтганлар: “Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам қўйингки, хаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибти. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида хеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас. шу сабабдан таълим-тарбия тизимида жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда[4]. Зеро, касб махорати қанчалик муҳим бўлса, бўлғуси малакали мутахассис, юксак инсоний фазилатлар ва маънавият ҳам шунчалик муҳим бўлади. Шу сабабдан юртимизда илм-фан соҳасига жуда катта эътибор қаратилиб, бир қатор норматиқ-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 24 январь санасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепциясини ишлаб чиқиш, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур[5], деб таъкидлаган эдилар. Юртимизда ёшларни билим савиясини ошириш ва илмий салоҳиятни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига кўра “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, 2019 йил 10 октябрдаги “Илм фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ № 576-сон, Ўзбекистон Республикаси Қонуни[6]нинг қабул қилиниши ёшларни илм-фанга янада кенгроқ йўналтиришда катта аҳамиятга эга. Хозирги кунда давлатни ривожлантиришнинг ягона йўли бу халқни хар томонлама илм-маърифат ва билим савиясини юксалтиришга боғлиқдир. Шу жиҳатлар инобатга олиниб юртимизда хозирги кунда илм фанга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан 2020 йилни “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиёт” йили деб эълон қилиниши ҳам юртимизда илм фан соҳасига берилаётган эътиборни кўрсатади. Ушбу қабул қилинаётган барча қонун хужжатларининг асосий мақсади ёшларни юксак маънавиятли ва ўз касбининг хақиқий мутахассиси этиб тарбиялашдан иборат. Таълим ва тарбия бу хеч қачон ўзининг қийматини йўқотмайдиган йиллар ўтиши билан бойиб борадиган жараён хисобланади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиққан холда таълим беришда фанларнинг тарбиявий функциясига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, шарқ мамлакатларида тарбия, одоб, ахлоқ масаласига алоҳида эътибор қаратилганини унутмаслик ва ёшларни миллий тарбия руҳида тарбиялашда

аждодларимиздан қолган бой маънавий меросларидан фойдаланиш юқори самара беради. Негаки, Шарқ алломаларининг асарларида асосий эътибор таълим ва тарбияни уйғун ҳолда олиб боришга қаратилган. Бу эса бугунги мафкуравий хуружлар даврида ёшларни ўзларининг мустақил фикр ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлиб, ўзининг дунёқарашини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Мафкуравий курашлар даврида ёшларни онгини юксалтиришда Президентимиз томонидан ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда белгилаб берган беш ташаббуснинг ҳам аҳамияти бенихоя каттадир. Айниқса ёшлар ўртасида китобхонлини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилаётган "Ёш китобхон" кўрик танлови ҳам ёшлар ўртасида катта қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Зеро, шундай танловлар ёшлар ўртасида китобга бўлган мехр, мутолаа қилиш, ўқиб ўрганишга бўлган қизиқишни ошириб бормоқда. Бу эса жаҳолатга қарши маърифат билан кураш ғоясининг инновацион усули деб атасак ҳам бўлади. Ёшларни китобга мухаббатини ва қизиқишларини ошириш юртимизнинг келажаги янада мустахкам бўлишида ўзининг катта аҳамиятини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. www.lex.uz. Ўзбекисон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"
2. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 6 сентябрда "Халқ таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812- сонли Фармони
3. Фалсафа қомусий луғат.-Т.: Шарқ, 2004, 250 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.:, Ўзбекистон. 2018 195-196 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси Халқ сўзи газетаси 2020 йил 25 январ.
6. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 октябрда "Илм фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги ЎРҚ № 576-сон, Қонуни


## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК


Шарипов Абдухакимжон Зиёитдинович
Бухоро давлат университети, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси фалсафа фанлари номзоди, доцент



***Аннотация.*** *Ушбу мақолада социал стратификация ва тенгсизлик муаммосини ўрганишнинг асосий назарий ёндошувлари, XXI аср ижтимоий-фалсафий тафаккурига айланиши кўриб чиқилди. Мақолада глобаллашувнинг жамият структуравий тузилиши, социал стратификацияга таъсири, янгича ижтимоий қадриятлар ва қатламлар*

*ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик зарурияти таҳлил қилинган ва барқарорликнинг асоси сифатида мустаҳкамланиши тўғрисида таклифлар берилган.*

***Таянч сўзлар:*** *глобаллашув, табақаланиш, гуруҳ ва қатламлар, барқарорлик, ҳамкорлик.*

## СОЦИАЛЬНЫЕ СТРАТИФИКАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ И СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЕРСТВО В ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Шарипов Абдуксакимжон Зийоитдинович
Бухарский государственный университет, история ислама и
кафедра философии,
кандидат философиских наук,

***Аннотация.*** *В данной статье рассматриваются основные теоретические подходы к изучению проблемы социальной стратификации и неравенства, а также трансформации взглядов на проблему в социально-философское мышление XXI века. В статье анализируется влияние глобализации на социальную структуру общества, социальная стратификация, необходимость новых социальных ценностей и сотрудничества между слоями. Были сделаны предложения о статусе стратификации общества в разных странах, основы социальной стабильности.*

***Ключевые слова:*** *глобализация, стратификация, критерии, общество, устойчивость, сотрудничество.*

## SOCIAL STRATIFICATION PROCESSES AND SOCIAL COOPERATION DURING GLOBALIZATION

Sharipov Abduxakimjon Ziyoitdinovich
Bukhara State University, History of Islam and
Department of Philosophy,

***PhD, Associate ProfessorAnnotation****. In this article, the main theoretical approaches of studying social stratification and the problem of inequality, moreover, the change of theories related to this matter social-philosophical thinking of the XXI century have been observed. In the article, the need of social cooperation between new social values and lays, structural community formation and the effects of globalization to social stratification have been analyzed. Strengthening of the middle class as a basis of social stability of community.*

***Keywords:*** *globalization, discrimination, measurements, community, stability, partnership.*

Ҳозирда инсоният социумнинг барча соҳаларини қамраб олаётган, барча мамлакатлар амалда ягона бозорга бирлашуви ҳақидаги фикрлар олдинга сурилаётган, саноат ишлаб чиқариши кўп жиҳатдан трансмиллий корпорациялар назорати остида амалга оша бошлаган, интернет туфайли ҳар қандай янги ахборот ер юзининг исталган маконига яшин тезлигида тарқалаётган, олимлар Ерда ягона

цивилизация қарор топиши хусусида муҳокама юритила бошлаган ҳамда “умумий уй”, “умумий тақдир” ва умумий ташвишлар билан яшашга киришаётган, бир сўз билан айтганда, “глобализация” (глобаллашув) деб аталаётган жараёнлар содир бўлаётган замонда яшамоқда.

Шундай экан жамият структураси, қатлам ва гуруҳлари ҳам эндиликда нафақат миллийлик, балки глобаллик хусусиятини касб этмоқда. Бу даврда ижтимоий тараққиётга эришиш учун, тинч ва барқарор ҳаётни таъминлаш учун эскича тафаккур тарзини, инсон ҳаётий фаолият мақсадини ўзгартириш тақозо этилади.

Бизнинг ҳудудимизда ҳам одамларни қул қилиб чет элларга сотиш, гиёҳвандлик ва “наркобизнес”, коррупция, уюшган жиноятчилик, порахўрлик каби жиноий фактлар юзага чиқаётгани, авлодлар, оила аъзолари орасида келишмовчилик ва ажрашувлар, шунингдек, маҳаллийчилик мавжудлиги ҳам сир эмас.

Чиндан ҳам жамиятимизнинг маънавий ҳаётига стихияли равишда катта тезлик билан оқиб кираётган “оммавий маданият” таҳдидларидан, чет эл маданиятининг оила илдизларига болта урадиган ахлоқсизлик ва зўравонлик каби иллатлардан ҳимоялаш воситаси сифатида ўзбек жамияти структурасини ташкил этаётган турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги ижтимоий ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва шериклик асосида иш олиб боришлари кераклигини яна бир марта кўрсатиб турибди.

Юқоридаги омиллар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришдай мураккаб жараён “ўта мураккаб шароитда – бозор иқтисодиёти муносабатлари ва чуқур модернизацион ислоҳотлар олиб борилаётган, янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда” ташқи мафкуравий таҳдидлар, глобал инқироз ва информацион портлаш шароитида кечаётганини ҳисобга олишни тақозо этади.

Социал стратификация ижтимоий-фалсафий таълимотларнинг марказий муаммоларидан бири бўлиб, унинг атрофида кўплаб илмий ва мафкуравий низолар келиб чиққан. Постмодерн жамиятшунос олимларини “нима учун жамиятдаги баъзи гуруҳлар бошқаларга қараганда бой ёки кўпроқ кучга эга”, “постиндустриал жамиятларда тенгсизлик қандай кўринишларда намоён бўлмоқда” ҳамда “тараққийпарвар жамиятда нима учун қашшоқлик давом этмоқда” каби кўплаб саволлар қийнаб келмоқда.

Ушбу муаммонинг аҳамияти социал-фалсафий билим тарихида доимий равишда ўрганиб келинади. Тенгсизликни тавсифлаш ва изоҳлаш учун олимлар социал стратификация назариясидан фойдаланадилар. “Стратификация” атамаси муайян ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий иерархия тизимидаги ўрнини очиб берадиган ижтимоий структуранинг вертикал қисмини англатади. “Страта - бу табақаланиш миқёсида ўхшаш объектив кўрсаткичларга эга бўлган одамларнинг ижтимоий қатлами. Ҳар бир қатламга фақат бир хил даромадга, кучга, маълумотга ва обрўга эга бўлган кишилар киради”[Б.Алиев, 2011, б.128]. Шунга мувофиқ жамият

маълум бир иерархияда тартибга солинган “қатламлардан” иборат деб ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш жараёнининг ўзига хос хусусияти эскича фикрлаш ва яшаш тарзини ўзгартириш ва янги ижтимоий тузилмалар ва институтларни яратиш орқали юзага келадиган муаммоларни бартараф этишдир [ПФ 4947-сон, 2017].

Реал бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шакллари ва муносабатлари, сиёсий ҳокимият ва бошқарув шакллари, адлия тизими, умуман олганда турмуш тарзи ўзгармоқда. Ўзбек жамиятининг ўзгариш жараёни кўплаб мураккаб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жараёндир.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамият томон тезкор ҳаракат Ўзбекистон жамияти ижтимоий табақаланиш тизимининг ўзгаришига ва янги мезонларининг шаклланишига олиб келди. “Мулкка эгалик қилиш”, “молиявий-иқтисодий капиталнинг мавжудлиги”, “ижтимоий мавқе” ва бошқа мезонларнинг аҳамиятини таҳлил қилиш зарурати туғилди.

Стратификация муаммоларининг пайдо бўлиш тарихи классик ижтимоий фикр (ижтимоий-сиёсий фалсафа) назарияларига, шу жумладан Ж.Ж.Руссо, А.Смит, Д.Рикардо, Сен-Симон каби муаллифларнинг асарларига, шунингдек классик социологларнинг О.Конт, Г.Спенсер, М.Вебер, П.Сорокин ва замонавий ишланмалар У.Уорнер, Ч.Миллз, Г.Брейверман, О.Райт, А.Турен, Р.Дарендорф, П.Бурдье асарларига бориб тақалади.

Ўзбек халқи миллий мафкурасининг бош ва асосий ғояси, бунёдкор, дунёвий, умумхалқ ҳамда умумбашарий ғоялар жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоялар эканлиги, уларга бир қатор эзгу ғоялар билан бир қаторда ижтимоий ҳамкорлик алоҳида ўринга эгалиги тўғрисида И.Каримов [Каримов И. 2000, б.502], Қ.Назаров [Назаров Қ. 2011; 2012], С.Мамашокиров [Мамашакиров С. 2007], Б.Умаров [Умаров Б. 2006], А.Мухторов [Мухторов А. 2015], Ж.Яхшиликов ва Н.Мухаммадиевлар [Яхшиликов Ж., Мухаммадиев Н. 2017] ўз илмий тадқиқотларида қатор фикр-мулоҳазалар билдирадилар.

“Манфаатли ҳамкорлик” тамойили жаҳон ҳамжамияти учун бирдек ахамиятлидир. Жамиятдаги турли синф ва гуруҳларнинг ўз эҳтиёж, мақсад-муддаолари бўлиши табиий. Агар бирон-бир гуруҳ манфаатлари бошқа қатламлар эҳтиёжларига зид қўйилса, жамиятда низо ва конфликтлар кучаяди, ижтимоий ҳамкорлик тамойилларига путур етади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Бу борада илгари ҳам айтган бир фикримни такрорлашни истардим. Биз қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, аксинча, ҳамкорлик килиш йулини изчил давом эттирамиз. Ҳамкорликни тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови деб биламиз. Қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва манфаатли ҳамкорликни қанча ривожлантирсак, бундан юртимиз ҳам, бутун минтақамиз ҳам шунча кўп наф кўради” – деган фикри ижтимоий ҳамкорлик

принципини янгиланаётган Ўзбекистон жамиятининг барча соҳаларига киритишни, унга амал қилиб ислоҳотларни амалиётга жорий этиш зарурлигини кўрсатади [Мирзиёев Ш.М. 2017. б.480].

“Глобаллашув савдо, инвестиция, молия-иқтисод, маданият ва бошка иктисодий-ижтимоий соҳаларда ҳукуматлар, ташкилотлар ва халқларнинг ўз мамлакатлари чегараларидан чиқиб. ҳамкорликка интилиши деган таърифлар келтирилган [Назаров Қ. 2012. б.676-677].

Ижтимоий хамкорлик тушунчаси жамиятнинг ижтимоий таркиби билан ўзаро алоқадордир. Ижтимоий бирликларнинг ўзига хос бўлган мақсад ва вазифалари ҳам мавжуд. Энг асосийси, уларни ягона мафкуравий мақсад байроғи остида бирлаштиришдир. Бу шарафли вазифани бажарадиган энг муҳим ғоялардан бири - жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликдир.

Глобаллашув даврида барча жамиятларнинг ижтимоий тузилишида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ушбу ўзгаришлар ижтимоий қатламлар мезонларини ўзгартирди. Замонавий ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг ҳолати, ривожланиш тенденциялари ўзгарди, глобаллашув жараёни шароитида ижтимоий ҳаракатчанликнинг янги имкониятлари пайдо бўлди. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари ушбу жараёнда иштирок этаётган турли мамлакатларнинг иқтисодий, табиий, демографик, маданий ва бошқа шароит ва имкониятларига, шунингдек уларнинг ҳақиқий мақсадларига мувофиқ белгиланади.

Янги даврда жамиятимиз структурасининг ижтимоий ўзгариши табақаланиш тизимида илгари мавжуд бўлмаган қатламларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Буларга бевосита ишсизлар, маргиналлашган кишилар синфи, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, йирик ва ўрта мулкдорлар синфини киритиш мумкин. Ўз навбатида, ижтимоий тузилманинг ўзгариши шахс ва гуруҳнинг ўзига хослигини англаш, ушбу қатламларнинг янги ижтимоий воқеликка мослашиши, уларнинг ижтимоий иерархиядаги ўрни, янги мақом, рол ва функциялари билан боғлиқ илмий таҳлил этилиши керак бўлган муаммоларни келтириб чиқаради.

Глобаллашув оқибатлари ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларига таъсир қилади. Аммо глобаллашув очиқ ва ички зиддиятли жараён бўлгани учун унинг оқибатларини олдиндан билиш ва бошқариш мушкулдир. Бу ўринда фалсафий билимларнинг прогностик функцияси алоҳида аҳамият касб этади [Шермухамедова Н. 2014, б.127]

Замонавий ижтимоий ҳаёт – бандлик соҳасида янги тенденцияларнинг пайдо бўлиши, эртанги кунга нисбатан ноаниқлик, шахсни шакллантиришда урф-одатлар ва уларнинг таъсири, оиланинг ижтимоий масъулиятини ошириш ва ижтимоий муносабатларни демократлаштириш каби сифатлар билан тавсифланмоқда. Ушбу хавфлар билан бир қаторда, тенгсизликни олдини олиш муаммоси алоҳида жамиятда ҳам, дунёнинг турли мамлакатлари ўртасида ҳам юзага келади.

Ўзгаришлар жараёнида анъанавий синф ҳақидаги мунозаралар ҳақиқатни акс эттирмайдиган маънога айланди. XX асрнинг иккинчи ярмидаги ишчилар синфи ва

меҳнат ҳаракати ҳақидаги мунозаралар нотўғри алтернативанинг муҳри билан белгиланади [Ричард Анкер, 2008].

Бир томондан, тобора кўпроқ капитализм шароитида ишчи синфнинг мавқеи яхшиланганлигини кўрсатувчи (моддий фаровонлик, таълим олиш имкониятлари, касаба уюшмаси ва сиёсий ташкилотлар, ижтимоий кафолатларга бўлган ҳуқуқлар) далиллар келтирилмоқда. Бошқа томондан, барча яхшиланишларга қарамай, синф аҳволи, яъни меҳнатга муносабат ва унга боғлиқлик, бегоналашув ва хатарлар ўзгаришсиз қолмоқда, бундан ташқари улар янада кенгайиб ва кучаймоқда (ишсизлик, профессионализм етишмаслиги ва бошқалар). Ушбу хулосалар биринчи ҳолда – ишчи синф парчаланганлигини исботлаш, иккинчидан эса – мавжудлигини давом эттиришга уринишдир. “Иккала ҳолатда ҳам ривожланишнинг асосий йўналиши тан олинмайди, яъни: синф ва синфнинг тарихий симбиози парчаланади ва шу тариқа, бир томондан, синф субкултуралари йўқолади, иккинчи томондан, синф табиатининг асосий белгилари умумлаштирилади” [Махкамова Ш. 2017].

Кўриниб турибдики, ҳар қандай ижтимоий инқирозлар индивидуал бўлиб кўринади ва энди уларнинг ижтимоий мазмунида сезилмайди. Ижтимоий ҳаёт шакллари ва қадриятлар ўзгарганда, иқтисодий тамойиллар муқаррар равишда ўзгаради. Бошқача айтганда, технологик тараққиёт ижтимоий тараққиётга тенгдир. Аммо, ҳозирги вақтда хавфларнинг ошиши сабабли техник ва ижтимоий тараққиётнинг мувофиқлиги йўқолиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши контекстида “ижтимоий табақаланиш” тушунчаси алоҳида ўрин тутади. Жамиятнинг қатлам ва гуруҳларга бўлиниши орқали алоҳида табақалари – ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, нафақахўрларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш, гендер тенглиги, кам таъминланган оилалар фаровонлигини ошириш бўйича чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жамиятнинг табақаланишида ўрта синф алоҳида ўрин тутади. Ватанимизда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим элементи ва кафолати бўлган ўрта синф – мулкдорлар синфини шакллантириш муҳимлигини таъкидланиши бунга мисол бўла олади.

Замонавий социал фалсафий таълимотларда ўрта синфни аниқлаш:

- ҳаёт даражасини белгилайдиган фаровонлик даражаси;
- юқори технологиялашган хўжалик буюмлари ва хизматлардан фойдаланиш қобилияти;
- юқори малакали меҳнат шароитлари ёки корхона, ташкилотни бошқариш имконини берадиган таълим ва маданият даражаси;
- иқтисодиётнинг бозор шаклига йўналтирилган, мустақиллик ва ўзини-ўзи молиялаштирадиган, капитал йиғиш ва инвестицион активлик шаклидаги бошқарув;
- демократик тамойиллар, қонунларга бўйсуниш ва давлатнинг қонунлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаблари билан белгиланадиган сиёсий йўналишлари;

- меҳнат муваффақияти, турмуш тарзи, жамият аъзолари ўртасидаги мавқеи каби омиллар билан характерланади. [ПРООН, 2019].

Шундай қилиб, сифат тавсифларида биринчи навбатда, меҳнат шароити ва таркиби, турмуш тарзи ҳар қандай жамият динамикасида ўрта синфнинг барқарорлашув роли асос қилиб олинади.

"Фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва ўрта синфнинг шаклланиши деярли синонимдир"[Жалилов А. 2015].

Мақолада таҳлил қилинган муаммо юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди ва тавсиялар шакллантирилди:

- ўрта синф жамиятнинг устуни ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Социал стратификация тизимида ўрта синфнинг катта қисми жамиятнинг "ривожланган", "цивилизациялашган" деб таърифланган муҳим хусусиятларидан биридир;

- ўрта синф миқдорини аниқлаш учун барча мамлакатлар учун ягона методологик ёндашув мавжуд эмас, ҳар бир мамлакат ўзининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз усулини танлайди;

- яшаш шароитларининг ижтимоий стандартлари ишлаб чиқилган мамлакатларда аҳолини қонунчиликда белгиланган истеъмол стандартларига қараб ўрта синфга ажратиш мезонлари белгиланган;

- товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ўрта синф даражасини ҳисобга олиш тавсия этилади, чунки асосий истеъмолчи ўрта синф – бу жамиятнинг ижтимоий барқарорлигининг кўрсаткичидир. Ва бу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик режаларида ўз аксини топиши ва ўрта синфни ривожлантириш ва кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак;

- тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиш, кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг билим олиш ва самарали меҳнат қилишлари учун имтиёзлар бериш керак, чунки асосий аҳолини (65%) ёшлар ташкил этади;

- ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва уларни иш билан таъминлашга эътибор қаратиш: ёшларни ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятини учун қўллаб-қувватлаш учун рағбатлантириш; ўқув юртларида техник мутахассисликларни кенгайтириш ва кичик ёшдан бошлаб инновацион фаолиятга жалб қилиш учун ихтисослаштирилган техник тўгараклар, уюшмалар ташкил этиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алиев Б., Муллажонова М., Рахмонов Б. (2011) "Социология". Дарслик. Тошкент, Иқтисодиёт, 2011, - Б.128.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги қарори - 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон.

3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. -Тошкент: "Ўзбекистон", 2000.

4. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. -Тошкент: Akademiya, 2011.

5. Мамашакиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. -Тошкент: “Маънавият”, 2007.
6. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. -Тошкент: Маънавият, 2006.
7. Мухторов А. Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни бартараф этиш омиллари. -Тошкент: Маънавият, 2015.
8. Яхшиликов Ж.Я., Мухаммадиев Н.Э. Миллий ғоя ва мафкура. Монография. -Тошкент: “Фан”, 2015.
9. Яхшиликов Ж.Я., Мухаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси [Матн]: монография / -Тошкент: “Фан”, 2017.
10. Назаров Қ. Фалсафа асослари. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012.
11. Шермухамедова Н.А. (2014) “Илмий тадқиқот методологияси” Дарслик. Тошкент, «Fan va texnologiya», 2014, 512 бет.
12. Ричард Анкер. (2008) Черта бедности в странах мира: новая методология и сопоставимые оценки // Международный обзор труда. – Том 144. – №4. – М. 2008.
13. Махкамова Ш.Ю. (2017) Стратификация общества и средний класс «Biznes-Эксперт» илмий-амалий, иқтисодий ойлик журнали: №10(118)-2017
14. Продовольственная безопасность в Узбекистане. ПРООН. 2019. http://msd.com.ua/ideas/.
15. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. — Тошкент, 2015, 264 б.

## ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ.

Абдулатиф Абдуллаевич Жалилов
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бош мутахассиси

***Аннотация.:****Ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш илмий-методологик тадқиқотни талаб этади. Шунинг учун ҳам ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш давлатнинг истиқболи учун бевосита хизмат қилади. Мақолада ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари илмий тадқиқ қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *Ёшлар, ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар сиёсий маданияти, фуқаролик позицияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, кадрлар салоҳияти.*

## РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ В ФОРМИРОВАНИИ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРИ. АННОТАЦИЯ.

Абдулатиф Абдуллаевич Жалилав
Главный специалист Центрального Совета Союза молодежи Узбекистан

*Формировние молодежной политической культуры на основе целей государственной молодежной политики требует научно-методических исследований. Поэтому формировние политической культуры молодежи непосредственно служит будущему государства. В статье рассматриваются социально-философские аспекты формирования молодежной политической культуры.*

***Ключевые слова:*** *Молодежь, государственная молодежная политика, молодежная политическая культура, гражданское положение, национальные и общечеловеческие ценности, человеческие ресурсы.*

## THE ROLE OF STATE YOUTH POLICY IN SHAPING THE YOUTH POLITICAL CULTURE.

Abdulatif Abdullaevich Jalilov
Chief Specialist of the Central Concul of the Youth Union of Uzbekistan

***Annotation:****The formation of political culture in young people based on the goals of the state youth policy requires scientific and methodological research. Therefore, shaping the political culture of the youth directly serves the future of the state. The article discusses the socio-philosophical aspects of the formation of youth political culture.*

***Keywords:*** *Youth, state youth policy, youth political culture, civic position, national and universal values, human resources.*

Бугунги глобаллашув жараёни дунё мамлакатларидаги барча соҳаларда сифат ва миқдор ўзгаришлари кузатилмоқда. Шу маънода ҳар бир давлатнинг келажагини, унинг эртанги салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлами – ёшлар масаласи долзарб аҳамиятга эга саналади. Зеро, ҳар бир жамиятнинг бугунги ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғли меҳнати натижаси, уларнинг маънавияти ва онглилиги даражаси билан белгиланиши шубҳасиз.

Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ [1.252]. Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Мазкур нуқтаи назарга кўра ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламнинг муҳим қисмидир.

Бинобарин, бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни мақсади кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошираётган ва тараққиёт йўлида фаолият юритаётган мустақил мамлакатимизда ушбу ўзгаришларни теран идрок этадиган эркин фикрли, фаол, озод шахсларга тарбиялашга эҳтиёж мавжуд. Ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда ёшларга оид давлат сиёсатининг ўрни беқиёсдир. Чунки давлат томонидан ёшларнинг ўз иқтидор ва салоҳиятларини амалда намоён қилишлари учун шароит яратиб берилиши вақти келиб ўзи самарасини бериши шубҳасиз. Ёшларнинг сиёсий маданияти ошгани сари теран

фикрли, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган баркамол шахсларни камолга етишини унутмаслигимиз керак. Биз ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилдик. Шу асосда янгича ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда [2.71].

“Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” Қонунида белгилаб қўйилганидек, – давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими [3.4], деб белгилаб қўйилган. Бундан маълумки, ёшлар сиёсий маданиятининг кўринишлари уларни давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокларида ҳамда уларнинг сиёсий фаолиятида намоён бўлади. Умуман олганда ёшлар орзу-ниятларини амалга ошириш, аввалambор, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топганлигига, тараққиётимизнинг янги босқичида мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Ёшлар сиёсий маданиятининг ошириш уларни бошқарув соҳасига кенг жалб қилиш орқали давлат ва жамият ривожини янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун шарт шароитлар яратилишдан иборатдир. Ақлий қобилият коэффициенти кадрлар салоҳияти сифатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Зеро, фан ва таълим жамиятни ривожлантиришнинг асосий манбаига айланиши тайин [4.35]. Бу масала муносиб раҳбар кадрларни тарбиялаш, уларга муносиб ўринбосарлар тайёрлаш ва уларни ўз ўринларига қўйиб бориш муаммосидир.

Ёшларни сиёсий маданиятини ошиши бир вақтнинг ўзида ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, дунёни янгича идрок этадиган, ўз тақдирини ватанининг тақдири билан боғлиқ, деб биладиган янги авлод вакилларининг вужудга келишига имконият яратади. Натижада, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий салоҳиятига ўз ҳиссасини қўшадиган билимдон, зукко, тадбиркор инсонларнинг вакиллари пайдо бўлади. Мамлакатимизнинг аксарияти қисмини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак бу масала қанчалик муҳимлиги ойдинлашади. Аҳолининг қарийб 60 фоизидан кўпроғини ташкил этувчи ёшлар катта ижтимоий-сиёсий куч эканлиги бир томондан давлат зиммасига улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан эса ёшларга оид мақбул давлат сиёсатини амалга оширишни ижобий имкониятларини ҳам беради. Яъни, ёшларни сиёсий фаоллиги билан уларни ҳаётга тўғри йўналтириш, уларга ўзларини реал ҳаётда тутиб олиши учун моддий ва маънавий шароит яратиб бериш асносида ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабат мустаҳкамланади. Ўз навбатида давлат томонидан ёшларга нисбатан юритилаётган бундай сиёсат бевосита ёшларнинг ўз ҳуқуқлари ва бурчларига риоя қилиш

масъулиятини оширади. Шу билан бирга уларнинг сиёсий маданиятини амалда намоён бўлишини ҳам англатади.

Ислоҳотларнинг тақдири, самарали натижалар бериши ва истиқболи аҳолининг, айниқса, ёшларнинг фаоллигига, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ. Чунки давлатнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири шу мамлакат ёшларининг фаоллиги, ақл-заковати ва фидойилигидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш учун авваломбор, келажак вориси ҳисобланган ёшларнинг демократик жараёнларнинг чинакам иштирокчисига, демократик қадриятларнинг фаол ҳимоячисига айланишига эришиш лозим. Бу ўта мураккаб вазифа ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини собитқадамлик ҳамда қатъият билан юксалтириб боришни талаб этилади.

Жамиятнинг “инсон – жамият – давлат” тарзидаги янги формуласининг конституциявий асоси белгиланганлиги ҳам эътиборга молик бўлади. Негаки, дастлаб инсоннинг иродаси кейин жамиятнинг иродаси ва сўнгра давлат иродасининг ифодаланиши умумбашарий демократиянинг муҳим талабларидандир. Ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Шунингдек, халқимизнинг миллий менталитетидан келиб чиқиб, ёшлар сиёсий маданиятини оширишнинг мақсади билан чамбарчас боғлиқ бўлган 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги [5] Қонунларини келтиришимиз мумкин . Ушбу қонун ёшларга таълим тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашни назарда тутади. Миллий дастур эса кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни мақсад қилиб қўйди.

Ёшларимизнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, етук кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этишни ўзида мужассам этади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиши мобайнида ёшларни мазкур жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш ҳамда муносиб ворислар етиштиришда уларга тегишли ҳуқуқий шароитлар яратиб беришни назарда тутади.

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришда давлатнинг ёшларга оид сиёсатининг ўрни ва вазифалари биринчилар, ёш авлодимизнинг манфаатларини

таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур. Иккинчидан, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш керак. Учинчидан, жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришда ёшларга оид давлат сиёсатининг ўрни бугунги кунда жамиятни барча аъзоларининг ҳамкорлиги ва масъулиятини оширишдан иборат. Давлат ва жамиятнинг ўзи ўз ҳақ-ҳуқуқларини, бурч ҳамда масъулиятини англайдиган, мустақил фикрли, салоҳиятли, қобилиятли, истеъдодли ворисларни тарбиялашдан манфаатдор эканлигини хис этиши керак. Айнан, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришда мулоҳазали, андишали, салоҳиятли, қобил фарзандлар ҳеч вақт давлат ва жамият олдидаги масъулиятини унутмайди. Улар давлатнинг ёхуд кенг қамровли ислоҳотларнинг муносиб ворислари бўлади.

Демак, ёшлар оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни тарбиялашнинг асосий омилларини аниқлаштиришимиз керак бўлади. Яъни, ёшлар сиёсий маданияти индивид ёки фуқаролик жамиятининг фаол аъзоларини тарбиялаш масала давлатнинг диққат марказда туриши керак. Мавжуд барқарор демократик сиёсий тизимни юксалтиришда, унинг мазмун моҳиятини англайдиган ва мазкур жараёнда онгли тарзда иштирок этадиган сиёсий фаол фуқароларни шакллантиришнинг илмий жиҳатига диққат эътиборни қаратилиши ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. Бу мақсад ўз навбатида ёшларнинг сиёсий маданиятини ошиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Ш.М.Мирзиёев. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ. 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ. 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуни. – Тошкент: Адолат, 2016.
4. С.Юлдашев. Жамиятни илмий бошқариш ва ижтимоий-маданий технологиялар. Монография – Тошкент. “Фан” 2019.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон.

# НОСИРИДДИН ТУСИЙ ШАХСИЯТИ

Қўшшаева Нафиса Мансуровна
БухДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими”кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:*** *Мақолада Носириддин Тусийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг дунёқараши шаклланишига таъсир этган ижтимоий ва маънавий муҳит, унинг ўзига хос жиҳатларининг таҳлил этилган.*

***Таянч сўзлар:*** *Диннинг мудофачиси, диннинг кўмакчиси, “Аъмут” қалъаси, астраномия, расадхона, илминужум, фалсафа, ахлоқ.*

# ЛИЧНОСТЬ НАСРЕДДИНА ТУСИ

Кушшаева Нафиса Мансуровна
БухГУ «Национальная идея, основы духовности»
Преподаватель кафедры права и образования

***Аннотация:*** *В статье рассматривается жизнь и деятельность Носириддин Туси,социальная и духовная среда,повлиявшая на его мировоззрение, и её особенности.*

***Ключивые слова****: Защитник религии (веры), сторонник религии, крепость“А’мут”, асраномия, обсерватория, астрология, философия, нравственность (этика, мораль, повидения).*

# THE PERSONALITY OF THE NOSIRIDDIN TUSI

Kushshayeva Nafisa Mansurovna
BukhSU “National idea, bases of spirituality
Teacher of the Department of Law and Education

***Annotasion:*** *The articie analyzes the life and work of Nosiriddin Tusi, the social and spiritual environment that influenced his word outlook, and his features.*

***Key words:*** *Defender of religion ( faith),supporter of religion, “A’lamut” fortress, astronomy, observatoriy, astrology, philosjphy, morality (etics,behavior).*

Носириддин Тусий 1201 йилда Тусда Фирузшох Жеҳрудий номи би-лан танилган Шайх Важҳиддин ибн Ҳасан номли кишининг оиласида туғилган. Дастлабки таълимни отаси Муҳаммад ибн Ҳасандан олган Ту-сий болаликдан ўз истеъдоди билан муаллим ва илм аҳлларини ҳайрат-лантирар эди. Хусусан, мустаҳкам қобилияти билан фарқланиб турувчи Носириддин Тусий кейинчалик Фаридиддин Дамадин ёнида ҳам таҳсил олади[1]. Шариатга доир билимларни отасидан, илк илмий таҳсилни эса риёзиётчи ва мантиқшунос Носириддин Муҳаммад Шаидан, фиқҳ, ҳадис ва ҳандасага доир илмларни эса бошқа бир Насриддин Абдуллоҳ ибн Ҳамзадан ўрганган. Ислом динининг нозик жиҳатларини ўргатиш билан машғул бўлган Носриддин Абдуллоҳ ибн Ҳамза ўз севимли

шогирдига “Носириддин” *(Носириддин сўзи арабчадан диннинг мудофачиси, диннинг кўмакчиси)* лақабини берган.

Носириддин Тусий отаси васиятига амал қилган ҳолда, илм олишни давом эттирди. Илм олиш мақсадида даставвал Нишопур, сўнгра Рай, у ердан Қум шаҳрига қараб йўл олган Тусий ўз даврининг машҳур олим ва файласуфларидан бири ҳисобланган Камолиддин ибн Юнусдан, Сиро-жиддин Қамарий, Фаридиддин Нишопурий, Салим ибн Бидардан, Шам-сиддин Хусравшоҳий, Қутбиддин Мисрий, Аттор Нишопурий ва Асирад-дин Абҳарийдан турли хил илмларнинг нозик жиҳатларини ўрганиш би-лан машғул бўлди. Фалсафий билимларни эса, Шамсиддин Хусравшоҳ ва Асираддин Абҳарий билан машҳур перипатетик файласуф Бахманёр ибн Марзбанддан ҳам ҳикмат, мантиқ ва идрок назарияси ҳақидаги илмлар-дан таҳсил олган.

Носириддин Тусийнинг Нишопурда олган билимлари жуда юксак кайфиятга молик бўлгани, унинг илм йўлидаги кейинги саёҳатлари, яъни Қум, Исфаҳон ва у ердан Ироққа кетиши учун сабаб бўлди. Муинаддин Салим ал Мисри ал Мазаний ибн Бадраний номли машҳур ҳадис оли-мидан 1223 йилда шаҳодатнома олгани тарихий китобларида ўз тасдиғи-га эга.

1230 йилда Жанубий Хуросон вилоятининг Қаин номли шаҳрида оила ҳаётини қурган Тусий бир неча ой бу ерда яшаганидан сўнг, оила-си билан биргаликда Кўҳистон исмоилийларининг раҳбари Насриддин Абдураҳмон ибн Абу Мансур Муҳташамийнинг ҳузурига чақирилади. Исмоилий раҳбари Тусийни ўз саройида ахлоқ борасида бир асар ёзиб беришини сўрайди. Бу хоҳиш аслида машҳур бўлган бу буюк олимнинг йигирма олти йиллик асоратда яшашининг бошланиши эди. Носириддин Тусий умрининг 26 йили исмоилийлар назоратида, умрининг 22 йили эса исмоилийларнинг асосий стратегик объекти бўлган “Аъламут” қалъасида зиндонда сақланишининг асосий сабаби унинг Аббосийлар халифасига яширин тарзда мактуб ёзгани ва бу мактубда исмоилий фирқасидан Бағ-дод халифасига шикоят этгани эди.

Носириддин Тусийга нисбатан диний – сиёсий тариқат ҳисобланган исмоилийларнинг нафрат билан қарашида Кўҳистон валийси Абулфатҳ Абу Шахобуддин билан бўлган алоқаси ва Аббосий халифаси Мутаъсим (1242 – 1258) га мадҳнома ёзиши ҳамда исмоилийларнинг ўзбошимча ҳа-ракатларидан шикоят этиши, унинг исмоилийлар томонидан Аъламутда ҳибсда сақланишига сабаб бўлди.

Астрономия соҳасига катта аҳамият қаратган Исмоилийлар Носи-риддин Тусийнинг билимларини назарга олиб, уни ўлдирмасликка қарор қилдилар. Бу даврнинг энг ҳашаматли кутубхоналаридан бирининг Аъла-мут қалъасида бўлиши ва бу ердаги мунажжимлик чизмалари соясида файласуф бу ерда ҳам ўз илмий фаолиятига йўл очди.

XIII асрнинг бошларида бошланган мўғулларнинг аёвсиз юришлари-нинг оқибатида Исмоилилар давлати ҳам тиз чўкди. Аслида исломнинг душманига айланган бу террорчи ташкилотнинг борлигига 1256 йилда сўнгги нуқтани қўйган Хулагухон Носириддин Тусийни ҳам йигирма ол-ти йиллик (1230 – 1256) асоратдан

озод этди. Мутафаккир Хулагухоннинг хоҳишига амал қилиб, унинг ёнида маслаҳатчи бўлиб қолди.

Исмоилийларнинг қон тўкилмасдан Хулагу хонга таслим бўлишида катта рол ўйнаган Носириддин Тусий мўғул Элхонининг ёнида катта нуфузга эга эди. Носириддин Тусийнинг кўрсатмаларига амал қилган Ху-лагухон Бағдодни ишғол этди. Бу ҳодисадан сўнг хоннинг ишончини қо-зонган файласуф Мароға расадхонасининг қурилишига розилик олади.

Носириддин Тусийнинг кенг фаолият асосида Шарқ дунёсида илм ўчоғига айланган расадхонада араб мамлакатларидан, Ҳиндистон, Хитой-дан, Мўғулистондан, Европадан келган олимлар илмий – тадқиқотлар би-лан машғул бўлиб, турли хил илм соҳаларига оид асарлар яратар эдилар.

Умрининг ижтимоий – сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган фай-ласуф Хулагухоннинг 1265 йилда вафоти билан алоқадор ҳокимиятга чиққан Абақахон (1265 – 1282) ҳам отасига содиқ қолган ҳолда Носирид-дин Тусийни ўзига вазир қилиб тайинлайди. Ҳаётининг қолган қисмини вазирликка сарф этган файласуф ўн беш йилга яқин расадхонанинг илмий раҳбари бўлиб, бу икки оғир масъулиятли вазифани сидқидилдан бажа-ради.

Носириддин Тусий 1274 йилда вафот этади. Унинг васиятига кўра, жасади Ироқда Бағдод яқинидаги Казимейнда дафн этилади. Ҳар доим ўз ақли ва истеъдоди соясида юксак ном қолдирган бу инсоннинг қабр тошларига қуйидаги сўзлар ёзиб қолдирилган. “Миллатнинг ва диннинг кўмакчиси, илм дунёсининг моҳи”. Тарихи Фазлиллоҳ Рамидуддин “Жоме ат - таворих” асарида файласуфнинг дафн маросимини кенг ва атрофлича акс эттирган[2]. Бу буюк олимнинг муассирлари унинг ахлоқий харак-терлари ҳақида маълумот берар экан, унинг ижобий хусусиятлари, атроф-даги инсонларга намуна ва ибрат бўла олишини қайд этади. Бу энцикло-педик олим буюк фазилат соҳиби, саховатли, тавозели, меҳрибон, самимий ва Шарқона ақл заковат эгаси сифатида муассирларнинг ва олимларнинг ёдида қолди. Тарихчилар унинг заҳматкаш, фаол, актив ва хушмуомалали бўлганини ёза туриб ва ҳеч бир замон илмли кишиси илмини ўз ахлоқидан устун тутмаслигини билдирадилар.

Фазлиллоҳ Рашидуддиннинг[3], М.Ғазнавийнинг ва М.Занжаний каби тарихчиларнинг берган маълумотларига асосланган ҳолда Тусийнинг аза-лий турк бўлганини қайд этадилар. Лекин, бу масалада субъектив ва бе-тараф муносабат билдирган форс татқиқотчиларидан М.Разавий, С.Нафи-сий, М.Машкат ва А.Д.Субҳий Тусийни форс эканлигини иддао этади-лар. Ўрта Осиё татқиқотчилари орасида эса ушбу фикр турлича талқин қилинади.[4]

Аммо, Азарбайжонлик файласуф олимлар Намиқ Аббосов ва Раҳим Ҳасанов ўзларининг тадқиқотларида Носириддин Тусийни асл Ҳамадон-лик эканлиги, Тус шаҳрида туғилганлиги учун Тусий лақабини олган, деб кўрсатади.Фазлиллоҳ Рашидуддин ўзининг “Жомеъ ат - таворих” асарида Тусийни Ҳамадонлик эканлигини қайд этади. Бундан ташқари Ҳамидул-лоҳ Қазвиний ҳам “Тарихи Қозизода” асарида Тусийнинг асли Жаҳруддан бўлганлигини ёзади.

Турк олими Ҳамит Дилқоннинг “Буюк турк олими Носириддин Тусий” (Истанбул, 1956) номли тадқиқотида ва А.Карпинскийнинг “The mathematics of the orient” (Шарқда риёзиёт, 1334) номли китобида унинг турк эканлиги айтилади[5].

Садриддин Али, Асиладдин Ҳасан ва Фахриддин Ахмад номли уч ўғли бўлган Тусийнинг йўлини буюк ўғли Садриддин Али давом эт-тирди. Расадхонага раҳбарлик қилган, риёзиёт билан машғул бўлган ўғли Асиладдин Ҳасан Бағдодда валий бўлиб ишлади. Тарихий манбаларда А.Ҳасаннинг Қозон хони билан Шомга кетгани ва сўнгра Бағдодда юксак мансаб соҳиби бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Носириддин Тусийнинг кичик ўғли Фахриддин Аҳмад риёзиёт ва астрономия билан машғул бўлиб, вақфлар мудири вазифасида ишлади. Элхоний ҳукмдори Арқун хоннинг ёнида фаолият кўрсатган Фахриддин Аҳмад 1301 йилда Сивас шаҳрида ўлдирилади[6].

Булардан олдинроқ Носириддин Тусий номидан Зиёвуддин ибн Асиладдин Ҳасан, Мирзо Кафи ва Содиқ Ордубади каби илм ва фазилат соҳиблари ҳам етишиб чиққан эдилар. Баъзи тарихий манбаларда Тусий давомчиларининг XIV асрда Мароғадан Ордубага кўчгани қайд этилади. Ҳар доим ҳурмат ва эътиборга лойиқ кўрилган бу насл давомчилари Сафавийлар империясининг раҳбарлари томонидан ҳам катта эҳтиромга лойиқ кўрилади. Ҳатто Сафавий ҳукмдори Шоҳ Аббоснинг бош вазири, машҳур давлат арбоби, шоир Ҳотамбей Ордубади ҳам Тусий наслининг давомчиларидан бири эди.

Хулагу хон 1256 йилда VIII исмоилий шайхи Рукниддин Ҳуршохий (1255 – 1256) ўлдиргандан сўнг, 1258 йилда Носириддин Тусийнинг масла-ҳати билан сўнгги Аббосий халифа Муътасим Биллаҳ (1242 – 1258) ҳам ўлдирилди. Тинчлик даври бошланди. Шубҳасизки бу тинчлик даври Ту-сий фаолиятининг натижаси эди.Аслида эътиқодий келиб чиқиши жиҳа-тидан христиан бўлган Хулагунинг мусулмон дунёсига босқини аслида бошқа маънога эга эди. Илк аввал мусулмонларни омонсизларча қирган мўғулларнинг бу фаолиятига ҳам Тусий каби узоқни кўра оладиган ва тадбирли бир одам моне бўла оларди. Мўғулларнинг ва ғайри мусулмон халқларининг нияти ҳақидаги фикрлар А.Массенинг “Ислом” китобида ўзининг тўлиқ ифодасини топган[7].

Тусийнинг педагогик фаолиятидан баҳра олган бир талай машҳур олимлардан Нажмиддин Қазвиний (1203 – 1277) , Қутбиддин Шерозий лақаби билан танилган Маҳмуд ибн Маъсуд ибн Муслиҳ Шерозий (1236 – 1311), Аллома Ҳиллий номи билан танилган Ҳасан ибн Каммуна Ис-роилий ва бошқалар Тусийнинг педагогик фаолиятининг маҳсули эдилар. Унинг севимли шогирдларидан Саййид Рукниддин Астрободий унинг китобларига шарҳлар ёзди[8].

Носириддин Тусий қаламига мансуб асарлар унинг тадқиқотчилари орасида турлича талқин қилинади. Алломанинг форс ва қисман араб тилида ёзилган асарларининг сонини Азарбайжон олими Агабала Ризаев “Носириддин Тусий ” номли китобида 206 тасини номини кўрсатади. Булардан 14 таси ҳақида қисқача маълумот беради. Турли хил манба-ларда Тусий ҳақида берилган маълумотларнинг ранг – баранглиги унинг илмий дунёқараши ранг – баранг бўлганлигини тасдиқлайди.

Носириддин Тусий бутун илм соҳалари билан яқиндан таниш бўлган, кенг илмий – фалсафий идрокка эга бўлган энциклопедик маълу-мотли бир мутафаккирдир. Унинг асарларини немис шарқшуноси Карл Броккелман 10 гуруҳга бўлади. Улар фиқҳ, калом, фалсафа, риёзиёт, астрономия, табобат, минерология, мусиқа. Тусийшунос олим ҳар бир бў-лим ҳақида қисқа маълумот беради[9].

Ибн Сино ва Бахманёр мактабига мансуб бўлган мутафаккирлардан таҳсил олгани учун илмий дунёқараши шаклланишида Шарқ ва Қадимги юнон идеалистик фалсафасининг ва ўрта асрлар Шарқ перипатетиклари-нинг таъсири сезилиб туради. Ўзига Аристотел ва Ибн Сино каби эн-циклопедик олимларни ўрнак деб билган бу машҳур олим фалсафа, психология, илми нужум, мантиқ, риёзиёт, маданшунослик, тарих, адабиёт, география, илоҳиёт, этика, эстетика, иқтисодиёт ва бошқа кўплаб соҳалар-га оид ёзган асарларга ўз умрини сарф этди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Носириддин Тусий ижтимоий соҳа, мусиқашунослик, минерология ва тиббиёт ҳақида бир қанча асарлар яратган қомусий, энциклопедик алломадир. У ҳар доим очиқ дунёқарашга, теран илм ва тафаккурга эга шахсиётдир. Носириддин Тусий ақидасига кўра, илмий билимлар инсонларни бахтли этиш учун олиб борувчи йўлдир. Бу даражага эришиш учун инсонлар кенг ва теран илмий яратувчанликка эга бўлиши лозим. Тусийни ўзи бу соҳада барчага намуна ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1 Анар Гафаров. Илмга аталган умр. Носириддин Тусий. Анкара: Геча китаблиги йайинлари, 2017.
2 Məmmədov F. Kulturologiya. Bakı, 2002.
3 Basil Gray. An Unknown Fragment of the «Jāmi' al-tawārīkh» in the Asiatic Society of Bengal. Ars Orientalis, Vol. 1, (1954), pp. 65-75
4 Bayraktar M. İslamda bilim ve teknoloji tarihi. Ankara, 1992.
5 A.Şirinov. Nasiruddin Tusi (Düşünce sistemi, Varlık anlayışı, Uluhiyyet, Tecrübi ilimlerdeki yeri, Eserleri) // TDV İslam Ansiklopedisi, 41. cilt, s.439, İstanbul, 2012.
6 Воспитание и обучение с точки зрения мусульманских мыслителей Том 2. Москва: Фонд исследований исламской культуры, 2018.
7 Namiq Abbasov, Rəhim Həsənov. Nəsirəddin Tusinin müdriklik fəlsəfəsi, Bakı, 2012.
8 Массэ А. Ислам. Очерки истории.Москва.: Издательство восточной литературы, 1961.
9 A.Rzayev. Nəsirəddin Tusi (həyatı, elmi, dünyagörüşü). Bakı, 2001.

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Азизбек Исомиддинов Абдумажидович
ФХТХҚТУМОИ ўқитувчиси

***Аннотация:****Мазкур мақолада ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ўрни илмий ўрганилган. Жамиятдаги ислоҳотлар ёшлар интеллектуал салоҳиятини ижтимоий-маданий омилларни амалга оширишга асос бўлиши ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар.*** *Ёшлар, интеллектуал салоҳият, ижтимоий-маданий омиллар, Ҳаракатлар стратегияси, янги тараққиёт босқичи, маданий қадрият, таълим-тарбия.*

## СТРАТЕГИЯ ДЕЙСТВИЙ КАК СОЦИОКУЛЬТУРНЫЙ ФАКТОР ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИ.

Азизбек Исомиддинов Абдумажидович
преподаватель в ФИНОО

***Аннотация:****В данной статье рассматривается роль Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан в повышении интеллектуального потенциала молодежи. Социально-философский анализ преобразований общества как основа реализации социокультурных факторов интеллектуального потенциала молодежи.*

***Ключевые слова:*** *Молодежь, интеллектуальный потенциал, социокультурные факторы, стратегия действий, новый этап развития, культурные ценности, образование.*

## STRATEGY OF ACTIONS AS A SOCIO-CULTURAL FACTOR OF YOUTH'S INTELLECTUAL POTENTIAL.

Azizbek Isomiddinov Abdumajidovich
is a teacher at the FMSXKUM

***Annotation:****The article explores the role of the Strategy for Further Development of the Republic of Uzbekistan in enhancing the intellectual potential of young people. The socio-philosophical analysis of the reforms of society as a basis for the implementation of socio-cultural factors of the intellectual potential of young people.*

***Keywords:*** *Youth, intellectual potential, socio-cultural factors, Strategy of action, new stage of development, cultural values, education.*

Бугунги глобаллашув даврида соғлом, юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашга интилиш инсоният олдида турган долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

“Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” [1.505]. Чунки, бугунги ёшлар эртанги Ўзбекистоннинг келажаги ва тақдирини белгилаб берувчи кучдир.

Тараққиётнинг янги босқичида ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислоҳотларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, 2016 йил 14 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, унинг асосий принциплари ва йўналишлари белгилаб берилди. Бу ўз навбатида ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-маданий омилларини асослаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бу жамиятни модернизациялаш жараёнида ёшлар интеллектуал салоҳиятини ижтимоий-маданий омилларини ҳаётга тадбиқ этиш эҳтиёжидан келиб чиқаради.

Янги тараққиёт босқичида жисмоний соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Жумладан, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида белгиланганидек, "жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш", шунингдек, "ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш..."[2.26] ёшлар интеллектуал салоҳияти ижтимоий-маданий омилларини долзарб эканлигини англатади.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини ижтимоий-маданий омиллари уларнинг ақлий меҳнати, яъни интеллектуал салоҳиятини ишга солиш, ёшларнинг жамият учун зарур маданий қадриятни вужудга келтиради. Бундай ижтимоий-маданий омиллар натижасида вужудга келган маданий қадриятлар ўз навбатида шу жамият учун инсон капиталини муҳим эканлиги кўрсатади.

Жамиятдаги инсон капиталини муҳимлиги ёшларни ақл тизимининг бугунги ҳолати, ёшлар ҳаётининг маълум бир давр босқичида ёшлар интеллектуал фаолиятини самарадорлигини баҳолаш учун ижтимоий-маданий омилларининг самарадорлиги билан ўлчанади.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятининг ижтимоий-маданий омилларини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар мақсадидан ҳам маълум. Чунки Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга тадбиқ этилиши интеллектуал авлоднинг салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолади. Салоҳият – истеъдоднинг бир тури бўлиб, инсоннинг муайян тарзда ўз илҳомини қабул қилишга тайёрлангандан сўнг юз берадиган сифат [3.502] деб таърифланади. Ушбу муҳим стратегик вазифани ҳал қилиш ҳозирги кунда кўп жиҳатдан оила, маҳалла, умумтаълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг биргаликда самарали фаолият олиб боришини талаб этади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши ва бахтли яшаши учун барча масъулдир. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали "Кучли

давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш ижтимоий-маданий омилнинг бошланғич нуқтасидир.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини ижтимоий-маданий омили – бу ақл ва идрок тизимининг янги даражасига ўтиш учун зарур бўлган воқеликнинг ўзига хос акси, сифат жиҳатдан янги элементлар ва функциялар тизимини англаб етилишидир. Шу билан бирга ўзига хос бўлган воқеликда ўз вазифасини фукционал жиҳатдан тўғри баҳолай олиш ҳамдир.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятни оширишнинг ўзига хос ижтимоий-маданий омиллари мавжуд бўлиб, бу омиллар ичида таълим-тарбия етакчилик қилади. Чунки шахсдан, хусусан, ёшлардан ўз истеъдод ва иқтидорини намойиш этиши учун барча шарт-шароитларни таълим-тарбия яратиб беради. Дарҳақиқат, тараққиётнинг янги босқичида бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмоқда. Шунингдек, аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали тўла ечилмаган муаммоларини интеллектуал салоҳият билан ечиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-маданий юксалтириш асосий вазифасидир. Ёшлар тарбияси фақат мактабда ёки оилада эмас, балки бутун жамият олдидаги ўта стратегик ва зарурлик жиҳатидан муҳим мақсад ҳисобланади.

Яна Ҳаракатлар стратегиясида белгиланадики, “...таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш” ёшларнинг таълим-тарбиясига берилган катта эътибор уларнинг зиёлилик даражаси, одоб-ахлоқи, зукколиги, ҳаракатчанлиги ва шижоати, ўзгаришларга тайёрлиги - жамият тараққиётининг янги босқичи даражасини белгилашлиги билан аҳамиятлидир. Шундай экан, ёшлар ва жамият тараққиёти ўзаро боғланган ва узвийлик касб этган ижтимоий-маданий воқелик бўлиб, ёшлар онгида ва қалбидаги интилишини тўғри йўналтириш муҳим ҳисобланади. Бу ўз навбатида ёшларнинг интилишлари, ўз орзулари билан бевосита жамиятнинг келажакдаги ривожланиш омилларини ҳам белгилаб беради.

Тараққиётнинг янги босқичида ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш учун давлат сиёсати даражасидаги ҳаракати ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда тизимли равишда давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти, давлат ва оила устуворлиги ҳамда ҳимояси, давлат ва таълим-тарбия, давлат ва аҳоли саломатлиги, давлат ва хотин-қизлар, давлат ва ёшлар каби ўзаро алоқадор ижтимой-маданий воқеаларнинг изчил, ҳамнафас ва бир-бирини тўлдирувчи ижтимоий-маданий категориялари ривожланмоқда. Шу билан бирга, давлат ўз сиёсатини амалга оширар экан, табиий равишда, ёшлар қатламини унинг таянчи ва истиқболини белгилаб берувчи асос сифатида қабул қилади. Натижада, ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш давлатнинг энг муҳим ижтимоий-маданий қадриятига айланади.

Демак, ёшлар интеллектуал салоҳиятини ижтимоий-маданий омилларини Ҳаракатлар стратегияси билан ўзаро алоқадорлиги демократик ҳуқуқий давлат

қуриш ва шахс эркинлигини таъминлашнинг устувор вазифаси бўлади. Бу борадаги ҳар бир устувор йўналишлар ёшларнинг ўз куч-қуввати, билими, салоҳияти, идроки ҳамда журъатини кучайтиришга қаратилган давлат сиёсати билан интеграшув хусусиятига эгадир. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ёшлар интеллектуал салоҳиятининг ижтимоий-маданий омиллари Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор вазифалар билан қуйидаги жараёнларда ижтимоийлашади;

Биринчидан, Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларида белгиланган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун ёшлар интеллектуал салоҳиятини ижтимоий-маданий омилларини ўзига хос миллий моделини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, ёшлар интеллектуал салоҳиятини ижтимоий-маданий омилларини ривожини таълим босқичларини барча даврига боғлаган ҳолда ривожлантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун таълим-тарбия даражасини янги босқичга кўтариш;

Учинчидан, ёшларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантириш орқали интеллектуал салоҳиятли ёшларни аниқлаш ва уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш кабилар Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хулоса қилиб, Республикамизда Ҳарактлар стратегиясини амалга оширувчи катта куч ёшлар эканлигини ҳисобга олган ҳолда ёшлар интеллектуал салоҳияти омилларини давлат сиёсати моҳиятига кўра ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга таянилган ҳолда амалга оширилиши кўзланган мақсадга эришишга асос бўлади.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини омиллари, хусусан, таълим-тарбия билан юксалтириш ёшлар маънавияти, дунёқарашига алоқадор бўлган жараёнда шаклланади. Шу маънода, таълим-тарбия ҳақиқий маънавият ўчоғида, мафкуравий тарбия омили ва муҳитида юксалади. Тарбия шаклларини амалга оширишнинг энг муҳим омили аввало ота-оналарнинг маънавий билим савиясини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантириш орқали амалга ошади. Ёшлар интелектуал салоҳиятининг ижтимоий-маданий омилларини Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар билан боғлиқлиги давлат ва жамият тараққиёти асосини белгилайди. Жамиятда соғлом эътиқод ва замонавий ёшлар дунёқарашини шакллантира олсаккина, ёшлар интеллектуал салоҳиятини тўғри йўналтирган бўламиз.

Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий-маданий тараққиётда ёшларни тўлақонли иштирок этишлари, таълим-тарбия тизимига оид амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшлар интеллектуал салоҳиятини амалга оширишнинг муҳим механизми бўла олади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида /Расмий нашр/ Тошкент: “Адолат”, 2017.
3. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент. 2010.
4. Энциклопедия социологии. Москва. 2016.
5. Aranguren J.L. El buen talante // Obras Completas.-Madrid: Trotta, El buen talante.-C.638.
6. С.Ў.Юлдашев. Жамиятни илмий бошқариш ва ижтимоий-маданий технологиялар. /Монография/ Тошкент: “Фан”, 2019.

## ПОСТМОДЕРНИЗМ ТАЪЛИМОТИДА МОДЕРН ИНСОННИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мухтасар Олимова – Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

***Резюме:****Мақолада постмодернизм ва модерн одам хусусиятлари, одатлар ва стереотиплар, дунёқараш, замонавийликнинг муаммоли макони ва унинг қадриятлари, замонавий даврнинг технократизми ва функционализмининг инсон эркинлига салбий таъсири каби муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, таниқли постмодерн назариётчилари М. Фуко, Жан. Деррида, Р. Уорт каби назариётчиларнинг қарашлариджа инсоннинг “мен”ни фарқлаши ва уни тушунишда «янги санъат» илмий билим тамойилларининг қўлланиши каби жиҳатлар ўрганилган.*

***Калит сўзлар:*** *модерн, постмодернизм, модерн одам, стереотиплар, дунёқараш, замонавийлик, замонавий давр, технократизм, функционализм, инсон эркинлига, постмодерн назариётчилари, инсоннинг “мен”и, «янги санъат» тамойиллари.*

## НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОВРЕМЕННОГО ЧЕЛОВЕКА В ПОСТМОДЕРНИЗМЕ

Мухтасар Олимова – Старший преподаватель Гулистанского государственного университета

***Резюме:****В статье анализируются постмодернизм и современные человеческие особенности, обычаии и стереотипы, мировоззрение, проблемное пространство современноси и его ценностей, а также негативное влияние современного технократизма и функционализма на свободу человека. А также изучена взглядs известны постмодернистские теоретики М. Фуко, Ж. Деррида, Р. Уорт исследовали способы, которыми человек идентифицирует «Я» и применяет принципы «нового искусства» к научному знанию.*

***Ключевые слова:*** *модерн, постмодернизм, современный человек, стереотипы, мировоззрение, модерн, модернизм, технократизм, функционализм, свобода человека, постмодернистские теоретики, «Я», принципы «Нового искусства».*

**SOME ASPECTS OF THE MODERN PERSON IN POSTMODERNISM** Mukhtasar Olimova - Senior Lecturer, Gulistan State University

***The article*** *analyzes postmodernism and modern human features, customs and stereotypes, worldview, the problem space of modernity and its values, as well as the negative impact of modern technocratism and functionalism on human freedom. Also, the views of famous postmodern theorists M. Foucault, J. Derrida, R. Worth were studied, and they studied the ways in which a person identifies the "I" and applies the principles of the "new art" to scientific knowledge.*

***Keywords:*** *modernism, postmodernism, modern man, stereotypes, worldview, modernism, modernism, technocratism, functionalism, human freedom, postmodern theorists, "I", the principles of "Art nouveau".*

Маданият назарияси ва замонавий фалсафий антропологияда биз модернизмни ўзига хос тасвирлар, стереотиплар ва дунёқарашлар билан мустақил маданий давр сифатида аниқлашга қаратилган кўплаб уринишларга дуч келмоқдамиз. Хронологик жиҳатдан модернизм чегараларини аниқлаш анча қийин. Ҳозирги замонни баҳолаш ва мулоҳазалар ушбу даврни Янги даврнинг бошланиши (XVII аср) ёки маърифатчилик даври (XVIII аср) билан аниқлашга имкон беради. Бироқ, баъзида замонавий маданият ҳақидаги бундай умумлашмалар замонавий маданиятнинг ўзига хослигини аниқлаш учун ишлатилади.

Бундан ташқари, модерн маданияти ниҳоятда қарама-қарши ва ранг-баранг бўлиб, биз фақатгина ўзини ўзи қадрлаш, одатлар ва стереотиплар, инсоннинг дунёқараш қадриятларини ўзида мужассам этган замонавийликнинг муайян муаммоли макони ҳақида гапириш мумкин. Замонавий эркинликни изоҳлаш инсоннинг иқтисодий, илмий ва сиёсий фаолияти соҳаларини чексиз миқдордаги кенгайтиришга қаратилган эди.

Модернизм 19 асрнинг 2-ярми —20 асрнинг 50—60-йилларида Европа, АҚШ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи. Дастлаб, Францияда ташкил топган символизм, акмеизм, импрессионизм вакиллари, мусиқада К.Дебюсси, М.Равель каби композиторлар ижодига нисбатан қўлланган. Модернизм нафақат мазкур давр санъати, балки илм (З. Фрейднинг психоанализ назарияси, Ф. Де Соссюрнинг структурал лингвистикаси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, Н. Винернинг кибернетикаси) ва фалсафа (Ф. Ницше, А. Бергсон, М. Хайдеггер ва бошқанинг ғоялари) билан ҳам боғлиқ бўлган[1.44].

Ҳозирги замон дунёқарашидаги инқирозга табиат ва чегараларнинг бугунги ижтимоий-маданий воқеликлари сабаб бўлган эди. Бундан ташқари, замонавий даврнинг технократизми ва функционализми, уларнинг мутлақ ажралиб чиқиш ва бирлашиш истаги билан, инсон эркинлигининг мутлақлиги, инсониятнинг "Мен" ўз мустақиллиги ва ўзини ўзи таъминлаш ғояларига зид фикрлар мавжуд эди. Бу, аслида, замонавий маданиятнинг ички зиддиятлари сифатида қабул қилиниши

лозим. Инсоннинг кўп ўлчовлилиги ва инсоннинг моҳияти Постмодернизм давридаги одамнинг моҳияти ҳақидаги фикрларнинг номувофиқлиги оқим вакилларидан М. Фуко, Ж. Делеузе, Ж. Дерриданинг "Субъектнинг ўлими" каби ғояларида ўз аксини топди[2.364].

Одамнинг постмодерник қиёфасини аниқлаш кўплаб мушукулотлар билан боғлиқ. Масалан, инсоннинг тарихий турларини кўриб чиқиш учун қилинган ҳар қандай уринишлар ҳар доим замонавийликни баҳолаш учун ўзига хос уринишлар кенг мазмунли ва баъзан яширин бўлган. Бу нафақат постмодернизмни аниқлашни мураккаблаштиради, балки баъзи жойларда постмодернизм ва замонавийликни аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, маданият назариётчилари ўртасида мунозаралар давом этмоқда: постмодернизмни замонавий маданиятда содир бўлаётган жараёнларни тушуниш деб ҳисоблаш мумкинми? Ёки, эҳтимол постмодернизм - бу дунёни замонавий идрок этиш инқирозига бўлган муносабатми? Аммо ҳар қандай ҳолатда, кузатилаётган ижтимоий-маданий ўзгаришлар ҳеч бўлмаганда дунёнинг замонавийлиги тўғрисида гапиришга имкон беради.

Янги "Инсон оламини" излашда постмодернизм фалсафаси юнон ва рим муаллифлари - милоднинг биринчи асрларига оид файласуфлар, риториклар, шифокорлар ва ёзувчилар Плутарх, Эпиктет, Сенека, Плиний, Марк Аврелий, Галеннинг асарларидан фаол равишда фойдаланади. Юнон мутафаккирларининг янгиликлари, Фуко фикрига кўра, этика улар учун билим соҳаси эмас, балки улар ўзларини назорат қилишни ўрганадиган ҳаётий машқлар ёки машқлар соҳаси бўлган. Ҳокимият эса кучлар мувозанати билан эмас, балки инсоннинг фикрлари ва ҳаракатларининг мувозанати билан ўзлари устидан ҳокимиятни қўлга киритиш эди[3.13].

Замонавий даврда дунёнинг рационаллиги илмий билимларнинг, идеалларнинг, тасаввурларнинг ва ҳоказоларнинг мос келадиган идеаллари билан ўзаро муносабатларнинг устунлиги сифатида тан олинган.

Постмодернизм билим соҳасини кенгайтиради: у инсон фаолиятининг атрибути сифатида, инсон фаолиятининг турли шакллари билан белгиланадиган маданий-тарихий ҳодиса сифатида кўриб чиқилади. Фикр инсонни танасидан маҳрум қилишни истак манбаи сифатида тўхтатади. Фикрлаш энди вакиллик ва тан олиш жараёни эмас. Бу "ички муносабатлар", "алоқа", "қобилиятсиз розилик" бўлиб қолди, бунда рационал ва иррационал ўртасидаги фарқ зарур эмас: "Ўйлаш - бу индивидларни ўйнаш, митинглар занжирларини қуриш ва ҳар сафар битта индивидга туташган ҳудуддан, бошқа индивидга туташ майдондан ўтиб кетадиган сериялар яратишдир" [4.182].

Постмодернизмнинг ўзига хос хусусияти, замонавий даврда мавжуд бўлган субъективлик тушунчаларидан фарқли ўлароқ, "субъективликни йўқотиш" ғоясидир. Таниқли постмодерн назариётчилари Ж. Деррида[7.317-321] томонидан замонавий ўзини-ўзи тутиш ва инсоннинг мутлақлиги ҳақидаги, замонавий ирода воқеликнинг оқибатлари сифатида ирода эркинлигининг чексизлиги ҳақидаги замонавий ғоялар кўриб чиқилди. Уларнинг фикрига кўра, маданиятнинг ҳақиқати

бизга шахснинг онгининг ижтимоий ва психофизик тузилмаларга боғлиқлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Шу сабабли, Мишел Фуконинг “одам ўлиши” ғояси маълум машҳурликка эришди: “инсон қумга бўялган юз каби йўқолиб кетади”. Инсон ўлими ғояси М. Фуко учун ўзига хос когнитив принцип бўлиб, инсоннинг замонавий қиёфаси тўғрисида тушунча беришга имкон берди[8.320].

Шу нуқтаи назардан, П. Козловскийнинг назариясибиз учун қизиқарли бўлиб, у инсоннинг яхлитлигини постмодернистик дунёқарашнинг ҳақиқий намойиши деб билади. Унинг фикрига кўра, инсоннинг постмодернистик қиёфаси Ҳегелнинг классик формуласига асосланиши керак: ов оғзи - бу субъект сифатида предмет, шу билан бирга субъект сифатида субъект. Постмодернизмнинг аксиомаси бўлинмас ва асосий модда сифатида субъективлик тамойили бўлиши керак [11.239].

Бу Аристотел урф-одатларига биноан шахснинг моҳиятини англашга уриниш билан шахснинг индивидуал ўзига хослиги ҳақидаги фикрларни яраштиришга уринишдир. Козловский одамнинг тегишли тушунчалари билан постмодерн маданиятнинг мавжудлигини анархо-либерализмнинг зарур ўтиш шакллари деб ҳисоблайди. Анархо-либерализмнинг ўрнини босувчи постмодернистик эътиқод ўзининг асосий кўринишларида антропологикдир: воқеликнинг яхлитлиги инсонни англаш орқали маълум, у ҳақиқатни англаш учун намуна бўлиб хизмат қилиши керак бўлган шахсдир.
Унинг фикрига кўра, постмодернизмнинг антропоморфизми инсон тажрибасининг ўзига хослиги иқтисодиёт, фан, санъат ва бошқалар каби шаклларга ўтишида ётади. Аслида постмодернизм даври фалсафаси субективлик фалсафаси сифатида, фалсафий антропология сифатида таърифланиши мумкин бўлган, инсоннинг ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган ҳаёт шакллари ва онгнинг экзистенсиал тузилмаларини тушуниш мумкин.

Инсоният моҳиятига функционал ёндашув замонавий даврга хос бўлган, яъни инсоннинг “мен”и ижтимоий, ақлий ёки табиий ҳаётнинг ўзига хос функцияси сифатида кўриб чиқилган. Бундай ёндашув одамга нисбатан ва бир томонлама қарашни яратди. Шунинг учун постмодернизм замонавийликнинг камчиликларини инкор этиш ва бартараф этиш, монад сифатида инсон ғоясига қайтиши керак: инсоннинг моҳияти инсоннинг ўзига хослигининг асоси бўлган бирликдир[12.61].

Постмодернизм назариётчилари қисман хулосага келишадики, инсоннинг маълум бир статик қиёфасини, шунингдек бутун дунё тасвирини постмодернизм даврида ақлсиз утопия қилишади. Аммо постмодернизм даври одамининг статик ва ҳаракатсиз тасвирини акс эттиришнинг иложи йўқлиги кўплаб замонавий назариётчилар бошқача хулосага келишди: инсон намоён бўлишининг кўп қиррали эканлиги нафақат тарихий ўзгарувчанлик ва инсон ғояларининг ўзгарувчанлиги ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш сифатида кўриб чиқилиши керак; кўп ўлчовлилик инсоннинг моҳиятидир. Замонавий одамнинг қиёфаси аниқ инсоннинг ўзига хослиги ва кўп қирралилигини изоҳлаш учун мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда инсон моҳиятининг ўзига хослиги ва кўп қиррали эканлиги ғоясини нафақат постмодернистик назариянинг, балки бутун дунёқарашнинг ҳал қилувчи ва бошланғич ғояси сифатида қараш мумкин. Юқорида

айтиб ўтилганидек, бундай ғоянинг шаклланиши кўп жиҳатдан замонавий даврнинг когнитив ва маданий маконидаги инқироз ҳодисаларига боғлиқ эди. Шунинг учун кўп ўлчовлилик ғояси фалсафий антропология, фаннинг методологияси ва табиатшунослик тадқиқотлари, умуман, санъат ва диний эътиқодлар доирасида жуда кўп турли хил кўринишларга эга бўлди.

Аммо бизнинг мавзуимиз учун инсон моҳиятининг кўп қиррали эканлиги ҳақидаги тушунча дунё ҳақидаги яхлит ғоялар маконида шаклланганлиги жуда муҳимдир. Гап шундаки, постмодернизм назариётчилари дунёнинг тартибсизлигини аниқладилар.

Дунёни бетартиблик каби қараш, яъни ҳар қандай сабаб-оқибат муносабатларининг кўнгил очиши постмодернизмнинг асосий ғояларидан бири сифатида қаралиши мумкин. Табиий, ижтимоий ва руҳий жараёнларнинг тартиблилиги, тузилиши ва детерминизми ғояси замонавийлик устувор бўлган дунёнинг қиёфасини яратиш сифатида кўриб чиқилган. Ҳар қандай "дунёнинг моделларига" нисбатан ишончсизлик ва шубҳаларни ўзига хос услубий тамойил сифатида қабул қилиш керак эмас (Декарт фалсафасида бўлгани каби), аммо постмодернизм даврининг зарурий "умумий маъноси" сифатида қараш керак.

Замонавий давр умумбашарий ғояларга ишончсизлик даври бўлиб, унинг қоидаси бирлашган дунёни бирлаштиради. Аммо бу постмодернизмни мета-турларнинг бир хиллиги бўйича тенглик даражасида яшашга имкон беришини англатмайди: дунёнинг муҳим кўп қиррали эканлиги бизга ҳар қандай тизимнинг (одамнинг) барча таркибий элементларининг тенг эҳтимоллиги ва эквивалентлиги тўғрисида гапиришга имкон беради.

Шунинг учун бу каби ноаниқлик, тасодифийлик, эклектизм дунёнинг бошқа "модели" сифатида эмас, балки дунёнинг аломатлари сифатида қабул қилинмаслиги керак. Борлиқнинг бу кўп қиррали эканлиги шу тарзда инсон субективлигининг кўп қиррали ва ўзига хослигини аниқлашга имкон беради. Инсоннинг экзистентсионал кўп қиррали эканлиги, одамнинг дунёга муносабати намоён бўлишининг хилма-хиллиги ва эквивалентлигини келтириб чиқаради, яъни инсон хатти-ҳаракатлари, фикрлари, ижтимоий хулқ-атвори ва бошқалар хилма-хиллиги принтсипи сифатида нима аниқланиши мумкин.

Дарҳақиқат, инсоннинг муҳим кўп ўлчовлилиги ва инсон ҳаётининг монотонлиги ўртасидаги номувофиқлик маданият ва умуман инсоният ҳаётига таҳдид солмоқда. Постмодернизм назариётчилари орасида бундай муаммо француз пост-структуралистлар томонидан ишлаб чиқилган. Хусусан, постмодернизмни инкор этиш эмас, балки рационалликни кўпайтириш сифатида тушуниш керак деган хулосага келди: "Замонавий даврда мумкин бўлган ягона ижобий нарса бу тиллар, мантиқлар ва турли таъсир кучларининг кўпайишидир".

Маълум бир вақтда имкониятларнинг чексиз кенгайиши салбий ҳолатга айланади ва постмодернизм даври айнан шу нуқтада турибди. Постмодернизм давридаги инсон "мен" нинг кўп қиррали эканлиги танлаш имкониятларини расмий равишда оширишни эмас, балки шахснинг ахлоқий маданиятини оширишни талаб қилади. Айнан шундай шароитда одамнинг "мен"ни фарқлаши

шахслараро мулоқот учун ижобий асос бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни нафақат гуманитар ва табиий-илмий билимлар соҳасидаги, балки ижтимоий муносабатлар амалиётида ва умуман олганда дунёни инсон қарашининг табиати фалсафий ва антропологик тафаккур ривожига таъсир эта олмайди.

Зеро, фалсафий антропология, хусусан, ижтимоий ва этно-маданий воқеликнинг ўзига хослиги ва ўзини ўзи англашидир. Шу сабабли, фалсафий антропологиянинг вазифаларидан бири инсоннинг тарихий ва муҳим кўп қиррали муаммоларини, инсоннинг муҳим белгиларига ва ижтимоий-маданий ривожланиш воқеликларига, шахсий ва маданий алоқалар муаммоларига ва ҳоказоларга услубий тушуниш бўлиши керак.

Фалсафий антропологияни ўрганиш мавзуси ўзининг яхлитлигидаги одам бўлиши керак. Бунинг учун асосий жиҳатларни принципиал жиҳатдан тенг деб ҳисоблаш керак, шунингдек, инсониятнинг моҳиятини одатий нарсаларга (масалан, ҳайвонот дунёсига) эмас, балки шахснинг ўзига нисбатан тушуниш керак. Бу инсоннинг индивидуал белгиларини инобатга олган ҳолда, уларни мутлақлаштирмаслик, уларни белгиловчи тамойил даражасига этказиш эмас, балки инсоннинг яхлит қарашлари билан бевосита боғлиқ бўлган бундай кўринишни тушуниш имконини беради.

Хуллас, барча мафкуравий ва дунёқараш қарама-қаршиликларига қарамай, модерн инсоннинг шахсий эркинлиги ва автономияси ғояси, озодлик ғояси, инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликлари асосий ғоялари ҳисобланади. Албатта, унинг инсон моҳияти ҳақидаги тасаввурида модернизм шахснинг мутлақ иродасини ёки ижтимоий ҳуқуқнинг тўлиқ ҳукмронлигини эътироф этади, бу ижтимоий амалиётда тенг даражада хавфли бўлиб, анархизм ёки сиёсий тоталитаризмни келтириб чиқаради. Аммо замонавийлик маданияти унинг мавжудлиги учун мухторият ва индивидуал эркинлик ғоялари билан боғлиқдир. Замонавийликнинг ижтимоий тизим сифатида хусусиятлари ва инсоннинг моҳияти ҳақидаги ғояларига келсак, биз бошқача айтишимиз мумкин.

Инсонга доир ғоялар ва қадриятларини шакллантиришда социализм модернизми, яъни фан ҳақидаги ғоялар дунёнинг тасвири сифатида устунлик қилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу жамиятнинг ахлоқий асосларини аниқлади. Дарҳақиқат, маърифатда билим ғояси бахтга эришиш йўли сифатида шакллантирилган эди.

Шундай қилиб, замонавий фан томонидан тан олинган детерминистик-аналитик усуллар ҳақиқатнинг универсал қиёфасини, хусусан, табиат, шахсий ва ижтимоий ҳаёт ҳақидаги ғояларни аниқлади. Дунёни англашнинг сабаб-белгиловчи моделларининг устунлиги тарих ғоясини чизиқли, йўналтирилган жараён ва шунга мос равишда инсоннинг тарихий жараёндаги ўрни ҳақидаги ғояни аниқлади. Инсон нафақат ижтимоий муносабатлар контекстида, балки айрим ўринларда ўзини ўзи қадрлаши тарихий тараққиётнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш воситаси сифатида кўриб чиқилган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Ўзбекистон миллий энкциклопедияси, 6-жилд. -Тошкент, «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 44
Деррида Ж. Структура, знак и игра в дискурсе гуманитарных наук // Деррида Ж. Письмо и различие. СПб., 2000. С. 364.
Сигнаевская О. Р. Мир человека: смыслы и ценности эпохи постмодерна // Вестник Челябинского государственного университета. 2012. № 4 (258). Философия. Социология. Культурология. Вып. 23. С. 11–16.
Делез Ж. Различие и повторение. СПб., 1998. С. 182..
Деррида Ж. От частной экономики к экономике общей: безоговорочное гегельянство // Деррида Ж. Письмо и различие. СПб., 2000. С. 317– 321.
Грицанов, А.А. Мишель Фуко / А.А. Грицанов, В.Л. Абушенко. – Минск : Книжный Дом, 2008. – 320 с.
Козловский П. Миф о модерне: поэтическая философия Э. Юнгера: [пер. с нем.] / П. Козловский – М.: Республика, 2002. – 239 с.
Алейник Р.М. Проблема человека в философской постмодернистской литературе // Вестник Томского государственного университета № 296 март 2007. –С. 61

10.00.00 ФМЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

# ROLES OF CLT AND ITS FEATURES IN TEACHING ENGLISH.

Mavzuna Shavkatovna Kodirova
Student of Tashkent state pedagogical university
Email: Mamura1980@mail.ru

***Abstract***: *The article reveals the features of Communication Language Teaching and differences between Grammar Translation method and Communicative Approach, besides them there are given some activities to improve students' speaking and listening skills by the help of Communicative Approach.*

***Key words:*** *CLT, GTM, (Grammar translation method),CA,*

# РОЛЬ CLT И ЕГО ОСОБЕННОСТИ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ.

Мавзуна Шавкатовна Кодирова
студентка Ташкентского государственного
педагогического университета
Email: Mamura1980@mail.ru

***Аннотация:*** *В этой статье освещаются различия между языковым обучением и переводом грамматики, и коммуникативным подходом, а также рядом игр и заданий для развития у студентов навыков речи и аудирования с использованием коммуникативного подхода.*

***Ключевые слова:*** *CLT, GTM, (Способ грамматического перевода), CA*

# INGLIZ TILINI O'QITISHDA CLTNING ROLLARI VA ULARNING XUSUSIYATLARI.

***Annotatsiya***: *Ushbu maqolada muloqot tilini o'rgatish xususiyatlari va grammatik tarjima usuli va kommunikativ yondashuv o'rtasidagi farqlar ochib berilgan, shu bilan birga kommunikativ yondashuv yordamida talabalarning nutq va tinglash ko'nikmalarini rivojlantirish bo'yicha bir qator o'yinlar va tasklar keltirilgan.*

***Tayanch so'zlar:*** *CLT, GTM, (Grammatik tarjima usuli),CA,*

According to learning teaching (Jim Scrivener 2005 p.38) book, we can learn some well-known methods and approaches were spread among the countries. Before starting, I would like to clarify what is method and approach. A method is a way of our teaching. Our choice of method is dependent on our approach, what we believe about what language is, how people learn, how teaching helps people learn.

Based on such beliefs we will make methodological decisions about the aims of a course, what to teach, teaching techniques, activity types, ways of relating with students, ways of assessing.

Jim Scrivener thinks that one of the well-known approach is Communication Language Teaching (CLT) or Communicative Approach (CA).

CLT is based on beliefs that learners will learn best if they participate in meaningful communication. It may help if we distinguish between a strong and a weaker Version of CLT.

Strong CLT: Students learn by communicating; doing communicating tasks with a limited role for explicit teaching and traditional practice exercises.

Weak CLT: Students learn through a wide variety of teaching, exercises, activities and study with a bias towards speaking and listing work.

For example: For me, CLT approach is more useful rather than GTM or Traditional method. This method has been developing nowadays. As the result, CLT is more developing. In these methods we can use a variety of models of interaction patterns. But we must know how and when to use them.

What do you think, which of the following working arrangements would be possible for this task?

| **If you were the prime Minister or President of your country what would you do? Look ideas below.** |
|---|
| build better hospitals/schools<br>pay teacher/politicians more<br>open more university/cinemas<br>make the weekend four days long the working day shorter<br>make the army bigger/smaller build more roads/shopping mall<br>clean up cities/rivers<br>give more money to old people/the unemployed |

1. **Students think and then write answers on their own**
2. **Students prepare a short monolog statement of their own views which they then present to the whole class**
3. **A whole class work discussion**
4. **Pair work discussion**
5. **Small group discussion**
6. **Students talk around and mingle with other students**

I think, in this activity, we better use the Pair work discussion. In this process, Pair work helps students to promote in cooperative learning. And it comes interaction with each other. According to Materials development in teaching (Alison Mackey and Susan M. Gas 2005). The Interaction-Based Research, the goal is usually to manipulate the kinds of interactions in which learners are involved, the kind of feedback they receive during interaction, and the kind of output they produce in order to determine the relationship

between the various component of interaction and second language learning. The most common way of gathering data is to involve learners in a range of carefully planned tasks. There are a variety of task types as one way and two ways. In a one way task, the information flows from one person to the other, as when a learner describes a picture to his or her partner.

In other words, the information of the task is being conveyed is held by one person. On a two-way task, there is information that is vital to the resolution of the task.

For example, in a story completion task, a learner may hold a portion of the information and must convey it to another person before the task can be successfully completed. There are some types of tasks.

**Picture Description Task**

Many picture description tasks are information gap tasks successful task completion usually depends on learner sharing information. In many such tasks it is important to ensure that if someone is describing a picture to another, the describer's picture can't be seen. Whatever is used, the point is to ensure that none of the pictures can be seen through the back. In some versions of picture description tasks, one person is given a picture with instructions to describe the picture so that another person can draw it. Instructions must also indicate that the person with the picture can't show the picture to the other person. In some instances, such as when one wants to manipulate different types of input, record instructions and descriptions may be appropriate. There are experimental contexts in which one might want standardized input, which is the same for all participants


**Spot the differences**

Spot the difference tasks utilize picture that are differences can be so that the participant have a goal towards which to work.

In this case, students will interact with each other, their speech will be improved.

**Jigsaw task**

Jigsaw task, which is a two-way task, individuals have different pieces of information. In order to solve the task, they must orally interact to put the pieces together. Pica says that one example of a jigsaw task is a map task (for example of jigsaw tasks (1993)) in which participants are given a map of section of city. Each participant is provided with different information about which streets are closed and when. Once this portion is completed, they have to work together to determine a route from Point A to point B by




car, keeping in mind that certain streets are closed. Alternatively, each person can be given a map with pre blocked-of streets. In this instance, participants would receive a separate block map in order to draw the route, with instructions not to show the original map to each other

**Used literature**

[1] Learning teaching (Jim Scrivener 2005 p.38)
[2] Materials development in teaching (Alison Mackey and Susan M. Gas 2005)
[3] Coughlan, Neil. "Board Game Materials." ESL-Lounge (May 5, 2010),
[4] www.eslloungе. com/board-gamesindex.shtml (accessed June 21, 2010).
[5] El-Shamy Susan. Training Games: Everything You Need to Know About Using Games to Reinforce Learning. Virginia: Stylus, 2001.

[6] Foreman Joel. “Next Generation Educational Technology Versus the Lecture,” Educause Review, July/August, Pearson Longman.2003. P. 12-22.
[7] Harmer J. How to teach English. London: Longman.1998
[8] Hansen M. The use of games for vocabulary presentation and revision. Vol 36 No1, January, March 1998. Available at http://www. Esldepot.com /section.php/4/0

## SO’Z BIRIKMASINING TILSHUNOSLIKDAGI SINTAKTIK BIRLIK SIFATIDAGI TADQIQI

Asqarova Muazzam Xamidullo qizi
NamDU lingvistika(o’zbek tili) mutaxassisligi magistranti

***Annotatsiya:*** *Mazkur maqolada so’z birikmasiga sintaktik sath birligi sifatida sistem tilshunoslik nuqtai nazaridan yondashib, bu sintaktik birlikning shakily va mazmuniy xususiyatlarini yoritishga e’tibor qaratiladi.*

***Tayanch so’z va iboralar:*** *sintaktik birliklar, tugallangan so’z birikmasi, murakkab nom, bosh so’z formasi.*

## THE STUDY OF VOCABULARY AS A SYNTACTIC UNIT IN LINGUISTICS

Asqarova Muazzam Xamidullo qizi
Master of majoring in linguistics at NamSU(uzbek language)

***Annotatsion:*** *In This article approach on the vocabulary of the system as a syntactic layer unit from the linguistic point of view, take into condideration the form and meaning of this syntactic unit.*

***Key words and word exspressions:*** *syntactic unity, completed unity of word,intricate title, figure of main word.*

## ИССЛЕДОВАНИЕ СЛОВОСОЧЕТАНИИ КАК СИНТАКТИЧЕСКОЙ ЕДИНИЦЫ В ЛИНГВИСТИКЕ

Аскарова Муаззам, Хамидулло қизи
Магистрант НамГУ по специальности лингвистика(ўзбекский язык)

***Аннотатция:*** *Данная статья посвящена изучению словосочетании как синтаксической единицы уровня с лингвистической точки зрения, объясняя свойству синтастической единицы по форме и значении .*

***Ключевые слова и выражения:*** *синтактическое единица, законченное словосочетание, сложное названии, главная фигура.*

O’zbek tili vatanimiz tarixi singari ko’plab murakkab sinovlardan o’tdi. O’lkamizni o’tmishda istilo qilgan bosqinchilar o’zbek xalqini ona tilidan mahrum qilishga intildi. Tilning ishlatilish doirasi cheklandi. Bu tilda rasmiy doiralarda gapirish va ilmiy asarlar yozishning ming bir yo’llarini izlab topishdi. Bosqinchilar o’zlarining tilini mahalliy xalqqa zo’rlik va zug’um bilan singdirish rayida bo’lib, mahalliy xalq tilida yozilgan

qo'lyozmalarni yoqib yuborishdi. O'zbek xalqi mana shunday damlarni boshidan kechirdi, ammo u bunday qiyinchilik va sinovlarni aql-u zakovati, irodasi, yuksak ma'naviyati bilan mardonavor yengdi. Bugun iftixor bilan takror va takror aytmoq lozimki, yuqorida qayd etilgan qiyinchiliklar istiqlol sharofati tufaylik ham qorong'u kecha o'laroq ham o'tib bo'lingan fursat o'laroq tarix qa'rida qoldi. Charog'on kunduz-la qovushgan o'zbek tili va tilshunosligining qaddi ham, qadri ham tamoman tiklandi. Bugungi kunda ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma'rifiy sohadagi islohotlarni amalga oshirish jarayonida o'zbek tilshunosligi oldiga ham qator yangi vazifalar qo'yilmoqda "Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'liga o'tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta, chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi".[1] Hozirgi davr o'zbek tilshunosligini ham yangi ilmiy ishlar bilan boyitish muammosi dolzarb qilib qo'yilmoqda. Bunday haqqoniy fikrlar tilshunoslarni, umuman, ona tili taqdiriga daxldor har bir kishinini yanada faolroq ishlashga, bu boradagi mas'uliyatni teranroq anglashga undaydi.

Keyingi yillarda sintaktik nazariya rivojlanishida katta o'zgarishlar ro'y berdi. Tilshunosligimizda tilni sistema sifatida o'rganish borasida ko'pgina nazariy va amaliy ishlar amalga oshirildi. Tilning barcha sathlarida nazariy fikrlar aytildi. Ana shu bois sintaktik sath birliklarida ham tilshunoslikda o'rganilmagan yoki e'tibordan oz bo'lsa-da, chetda qolib ketayotgan masalalarga ham yuz burildi. Shu jihatdan ham tilshunoslikda yangi-yangi o'rganilmagan mavzularga yo'l ochildi. Vatanimiz tilshunosligidagi eng dastlabki grammatik adabiyotlarda so'zlarning o'zaro bog'lanish qonun-qoidalari berilgan bo'lib bu qonun qoidalar asosida so'zlarning sintaktik butunlik hosil etishi ko'rsatilgan. Sintaksisga oid dastlabki ilmiy ishlarda so'z birikmasiga e'tibor berilgan. Lekin bu o'zgarish izchillik bilan olib borilmagan; u tarqoq va tasodifiy xarakterda bo'lgan. Bu asarlarda so'z birikmasi alohida sintaktik birlik sifatida qayd eyilmagan va uning boshqa sintaktik birliklar orasida tutgan muayyan o'rni belgilab berilmagan.[2]

Grammatika fanidan logik, keyinroq esa psixologik yo'nalishning rivojlanishi bilan sintaksisning vazifasini tushunish ham o'zgardi. Bu yo'nalishlarning tarafdorlari gapni logik va psixologik hukmning ifodasi deb tushunib, sintaksisda gap to'g'risidagi ta'limotni birinchi o'ringa qo'ydilar. Shunday qilib, gap sintaksisning asosiy predmeti bo'lib qoldi va so'zlarning o'zaro aloqasini o'rganish gapning bo'laklari haqida ta'limot asosida qaralgan bunday tarzdagi tadqiqotda, tabiiy, so'z birikmasi tushunchasi kerak bo'lmas edi. XIX asrning o'rtalaridagi eng yirik tadqiqotlarda so'z birikmasi to'g'risidagi ta'limot umuman yo'q.

So'z birikmasiga sintaktik sath birligi sifatida sistem tilshunoslik nuqtai nazaridan yondashib, bu sintaktik birlikning shakily va mazmuniy xususiyatlarini yoritish keyingi davr tilshunosligida alohida ahamiyat kasb etmoqda. Rus tilshunoslaridan V.Vinogradov, Shaxmatov, N. Shvedova kabilar, o'zbek tilshunoslaridan A.Nurmonov, N.Mahmudov, H.Usmonova kabilar so'z birikmasini sistem nuqtai nazaridan atroflicha tadqiq etganlar.

So'z birikmasi nazariyasini ishlab chiqishda F.F.Fortunatovning tadqiqotlari yangi bosqichni tashkil etdi. U so'z birikmasini bir so'zning boshqa bir so'z bilan birikuvidan

tashkil topgan ma’noviy butunlik deb ataydi. Fortunatov so’z birikmasini faqat bir turi, xususiy bir ko’rinishidir, aniqrog’i, gap tugallangan so’z birikmasidir.[3]

Fortunatovning qarashlari undan keyingi olimlarning bir qator ishlarida yanada rivojlantirildi. Biroq bu gap nazariyasidan butunlay voz kechishi mumkin emasligini, so’z birikmasi tushunchasidan keltirib chiqaradi. Bu narsa uni bir so’zdan tashkil topadigan so’z birikmasi ham bo’lishi mumkin, degan xulosaga olib keladi. U turli- tuman bir so’zdan tashkil topgan gaplarni shunday so’z birikmalari qatoriga kiritadi. Tushuniladiki, F.F.Fortunatov va uning shogirdlari tobe aloqaga kirgan so’z qo’shilmasini, shu jumladan ega bilan kesimning o’zaro aloqasi asosida hosil bo’lgan konstruksiyasini ham teng aloqaga kirishgan so’zlar qo’shimchasini ham so’z birikmasi sanaydilar.

A.A.Shaxmatov so’z birikmasi faqat bir so’zning boshqasiga tobelanib birikuvchi asosda hosil bo’lgan grammatik butunlik sifatida ta’riflaydi. Shuning uchun u ikki yoki undan ortiq so’zdan tashkil topgan gaplarni ham tugallangan fikr bildirishiga muvofiq keladigan “tugallangan so’z birikmasi” deb biladi. Biroq Shaxmatovning fikricha, gap faqat so’z birikmasining oddiy bir turi, xususiy bir qurilishi emas, gap alohida sintaktik birlikdir: u so’z birikmasi tarzidagina emas, balki bir so’z formasi tarzida ham namoyon bo’lishi mumkin.[4] Demak, A.A.Shaxmatov so’z birikmasi bilan gapni ma’lum darajada o’zaro aloqador bo’lgan alohida ikkita sintaktik birlik sifatida ajratadi va ularni “Gap haqida ta’limot” hamda “so’z birikmalari haqidagi ta’limot” degan maxsus sarlavhalar ostida tadqiq etadi. So’z birikmasini prinsipial boshqacha tushunilishini V.V.Vinogradov asarlarida ham uchratamiz. Uning bu sohadagi konsepsiyasiga Shaxmatovning so’z birikmasi to’g’risidagi ta’limotining o’ziga xos nazariy yo’nalishi bevosita asos bo’ladi. V.V.Vinogradov tilda ikkita sintaktik birikmaning – so’z birikmasi va gaplarning mavjudligi haqidagi A.A.Shaxmatov tomonidan oldinga surilgan tezisdan kelib chiqadi. V.V.Vinogradov so’z birikmasini murakkab nom sifatida tushunadi. Uning fikricha, so’z birikmasi aloqa birligi bo’lish, gapdan farq qilib so’z bilan bir qatorda va so’z singari gap uchun qurilish materiali bo’lib xizmat qiladi. V.V.Vinogradov o’zining “Russkiy yazik” degan asarida shunday yozadi: “So’z birikmasi tushunchaga mos emas…so’z birikmasi murakkab nomdir. U xuddi so’z singari nominativ vazifani bajaradi”.[5

Demak, Vinogradovning fikricha, so’z formasining sintaktik aloqa vositasidagi har qanday birikuvlarini tasvirlash so’z birikmasi ta’limotiga kirmaydi, balki murakkab nom hisoblanadigan va so’z formalari bilan ”kengayishi” asosida tashkil topadigan birikuvlarigina so’z birikmasi ta’limotiga kiradi. So’z formalarining muayyan gap tiplari uchun xoslangan birikuvi, masalan: ikki sostavli gaplardagi ega bilan kesimning birikuvi so’z birikmasi hisoblanmaydi, bunday birikuv gap nazariyasining zaruriy qismini tashkil etadi. V.V.Vinogradovning nuqtai nazari bo’yicha, so’z birikmasi to’g’risidagi ta’limot faqat ba’zi bir birikuvlarni tasvirlashi lozim. So’z birikmasi sintaksisining vazifasi- qanday qilib turli so’zlar u yoki bu shakldagi tobe so’zlar so’zlar bilan kengayishi natijasida hosil bo’lgan murakkab nomlar qanday ma’nolar ifodalashini aniqlashdir. V.V.Vinogradov so'z birikmasining so'z bilan yaqinligi haqidagi fikrni davom ettirib, so'z birikmasi formasini uning hokim komponenti formasi sifatida o'ziga xos tushunishni oldinga suradi. Bunda so’z birikmasi xuddi bosh so’z formasi sistemasiga egadir, degan xulosa kelib chiqadi. Masalan, kitobni o’qimoq so’z birikmasining formalar sistemasi, o’qimoq fe’lining forma

o'zgarishiga muvofiq quyidagicha bo'ladi: kitobni o'qimoq, kitobni o'qiyman, kitobni o'qidi, kitobni o'qi, kitobni o'qib, kitobni o'qisang.

So'z birikmasi bilan gapni izchil farqlashni N.Yu.Shvedova yanada davom ettirib, bir necha asarlar yaratdi. U V.V.Vinogradovning izidan borib, uning so'z birikmasi va gapga doir asosiy qarashlarini rivojlantirdi va konkretlashtirdi. Uning bu sohadagi o'ziga xos qarashi ikki nuqtada namoyon bo'ldi.

N.Y u Shvedovaning fikricha, so'z bilan muayyan so'z formasining faqat "Sistemaviy semantik anglashuvchi aloqasi" asosida birikuvidan paydo bo'ladi. Bu qarashga binoan viloyatda nimadir aytmoq, viloyatda unga terim boshlanganini aytishdi tipidagi birikuvlar-grammatik jihatdan to'gri, biroq semantik jihatdan okkazional, tasodifiy aloqador bo'lib, so'z birikmasi hosil qilmaydi, bular gapga xos xususiyatlardir. Bundan xulosa qilib shuni aytish mumkinki, N.Yu Shvedovaning nuqtai nazari bo'yicha, so'z birikmasining chegarasi yanada torayadi. N.Yu.Shvedova so'z birikmasi bilan gap orasidagi farqni bu birliklarga xos bo'lgan sintaktik aloqalardan ham qidiradi. U sintaktik qarashlarga ba'zi o'zgarishlar ham kiritadi. N.Yu Shvedova kabi sintaktik aloqa bir so'zning boshqasiga formal, Grammatik tobeligi bo'lib, so'z birikmasidagi muayyan formadagi tobe so'zning kategorial xususiyatlari bilan belgilanishini qayd etadi.

N.Yu.Shvedovaning konsepsiyasida tobe aloqa teng aloqaga zid qo'yilmaydi, balki gapga xos bo'lgan maxsus aloqaga qarshi qo'yiladi. Gapga xos bo'lgan maxsus aloqaga ega bilan kesim orasidagi aloqadan tashqari viloyatda aytmoq, bazadan yozilmoq birikuvlaridagi aloqa va yana boshqa ba'zi aloqalar ham kiritiladi. N.Yu.Shvedovaning fikricha, so'z birikmasi so'z bilan uni kengaytiruvchi so'z formasini har qanday grammatik to'g'ri birikuvi emas, balki faqat kengaytiruvchi so'z bilan sistemaviy ma'noviy aloqada bo'lgan birikuvidir. Demak, N.Yu.Shvedova so'z birikmasini belgilashda ikki tomoni-sof grammatik tomoni va leksik tomonini hisobga oladi.

Xulosa qilib aytganda, gap sintaktik yarusning eng kichik birligi ekan uni shakllantirib berishda so'z birikmasi asosiy element sifatida asosiy rol o'ynaydi. Gapning har bir so'zi qo'shni so'zlar bilan ma'lum aloqaga kirishib so'z birikmalari hosil qiladi hamda ular shu bilan birgalikda gap strukturasini tashkil etadi. Shu sababli ham so'z birikmasiga sintaktik sath birligi sifatida sistem tilshunoslik nuqtai nazaridan yondashish va ushbu sintaktik birlikning shakliy va mazmuniy xususiyatlarini yoritish hamda mazmun tomoniga ham katta e'tibor berish bugungi davr tilshunosligida alohida ahamiyat kasb etmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 23 декабрь, №258.
2. Нурмонов А ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 1992-й, 10- бет.
3. Фортнатов Ф. Ф. "О препграм. Русс. Яз. Вер. Школе.- в. Кн."
4. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Москва: УРСС, 2001.
5. Виноградов В.В.Русский язык. Москва, 1972.

## ASSONANS YOKI VOKALIK ALLITERATSIYASI

Kuliyeva Dilshoda Alijon qizi
Namangan Davlat Universiteti Ingliz tili va adabiyoti kafedrasi o'qituvchisi

***Annotatsiya :*** *Ushbu maqolada hozirgi kundagi eng dolzarb bo'lgan tarjima aynan she'riy tarjimada yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolar haqida fikr yuritilgan. Ingliz va boshqa xalqlar she'riyatini o'z tilimizga tarjima qilish uchun ana o'sha tilning badiiy vositalarini she'rda saqlab qolish va buning uchun esa ulardan habardor bo'lishimiz kerak. Quyidagi maqolada aynan shu masalalar haqida muhokama qilamiz.*

***Kalit so'zlar:*** *alliteratsiya, assonans, qofiya, evfoniya, anaphora, epifora, paronomasiys;*

## ASSONANCE OR VOCAL ALLITERATION

Kulieva Dilshoda
Namangan State University, teacher of English language and literature department

***Annotation:*** *This article deals with the problems of translating poems. When we translate English or any other nation's poems into Uzbek we should be aware of their arts which they use in their poems. The following article discusses these problems.*

***Key words:*** *alliteration, assonance, rhyme, evfoniya, anaphora, epifora, paronomasia;*

## СОЗВУЧИЕ ИЛИ ВОКАЛ АЛЛИТЕРАЦИЯ

Кулиева Дилшода
Наманганская Государственний Университеть, кафедра Английский язык и литература

***Аннотация:*** *В данной статье рассматриваются проблемы перевода стихов. Когда мы переводим стихи на английском или любом другом языке на узбекский язык, мы должны знать об их искусстве, которое они используют в своих стихах. В статье обсуждаются эти проблемы.*

***Ключевые слова:*** *аллитерация, ассонанс, рифма, эвфония, анафора, эпифора, парономазия;*

Hozirgi kunda o'zbek kitobxonlari orasida ingliz tiliga va ingliz adabiyotiga bo'lgan qiziqish ortib bormoqda. Ingliz tilida badiiy asar o'qish uchun esa ans shu tilning stilistik xususiyatlarini to'liq xis eta bilish kerak. Zero, buningsiz biror-bir badiiy asarni tasavvur etib, va, albatta, tushunib ham bo'lmaydi.

Ketma-ket ishlatilayotgan so'zlar, iboralarda urg'u olayotgan bir xil unli tovushlar takrori assonans deb ataladi.

Assonans hodisasi nasrga qaraganda ko'proq she'riyatga xos xususiyat sanaladi. Boshqa fonetik vositalar qatori assonans hodisasi ham she'rning ohangdorligini oshirish uchun xizmat qiladi.

**Masalan:**

The men died as I dined
On the lentils, the dreg of stew and eggs,
And as I drunk down the wine they shuddered
The poison in their belies festered, they died.
My vile deed I greeted with glee
What a grand end to my valiant but docile foes!
But as I made merry, I felt a festering fire
In my belly, a deadly great pain
To the ground I crushed, like I was gunned down
And dense darkness fenced me off, I to died.

Assonans hodisasidan amerikalik mashhur yozuvchi Edgar Po ham o'z she'riyatida keng foydalangan.

**Masalan:** Biz yuqorida murojat etgan "Raven" she'rini olaylik:

"…The this soul, with sorrow laden, if within the distant Aiden,
I shall clasp the sainted mainden, whom the ongels name Lenore –
Clasp a rare radiant maiden, whom the angels name Lenore? "

Юқорида зикр этилган муаллифларнинг туризм соҳасига оид луғатларида сўз ва сўз бирикмаларини изоҳланган ҳолда таржима қилинганини, аниқ адекват вариант келтирилмаганини, конкретлаштирилмаганини, маъно мос келмаган ҳолатларини, манба ва таржима тилидаги бир хил ибораларни гувоҳи бўламиз. Таҳлиллар натижасидан маълум бўладики, мисол тариқасида келтирилган луғатларни лингвистлар эмас, балки иқтисодиёт соҳасидаги ёки бизнес туризм соҳасидаги бевосита иштирокчилар томонидан бажарилгани ойдинлашади. Бундай ҳолатлар луғат билан реал ҳаётий жараёнда тафовутларни келтириб чиқаради. Улар туристлар учун мўлжалланган луғат таркибини бойитишда ўз тажрибаларидан келиб чиқиб ёндошадилар. Комплекс лингвистик кузатувлар туризм ва бизнес туризм луғатларини сифатли тайёрланиши муҳимлигини кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида Россиянинг бир қатор нуфузли махсус туризмга оид (Туризм: практика, проблемы, перспективы»; «Туристские фирмы», «Гостиничное дело» и др.), электронные специализированные издания (газеты Российского союза туриндустрии: RATANEWS, RATANEWS Hotel&Resort, RATANEWS VIP-туризм;

Вестник индустрии гостеприимства) журналларини, дасрлик ва ўқув қўлланмаларини кўриб чиқдик. **[Биржаков, 2.56]** Натижалар шуни кўрсатдики, туризм соҳасига оид 690 та рус тилидаги туризм ва ббизнес туризм соҳасига оид терминлар мавжудлигини ва бу терминлар таркиби матнлар ва ситуациялар билан боғлиқ йиғилгани, махсус туристик жараёнга мос ихтисослашган терминлар эмаслигини англатади. Биз ўзбек тилига кўплаб туризм ва бизнес туризм **(кейинги ўринларда Т ва БТ шаклида келтирилади)** атамаларнинг бевосита ва билвосита истеъмолга кириб келганини ҳисобга олиб, Рус тилидаги луғатларни тадқиқот материали сифатида танлаганимиз бежиз эмас. Туризм терминлар тизимини таҳлил қилишда луғатдаги атамалар қайси мезонлар асосида ажратиб ўрганилишини муҳим деб ҳисоблаймиз. Бу борада рус ва ўзбек тилидаги Т ва БТ атамаларининг таҳлилини рус олими С.В. Гринева **[Гринева С.В., 5:309]** концепциясидаги меъзонларга кўра структурал таҳлил қиламиз.

1) *умумий:*

- тарихий атамалар ( Тва БТ атамаларинг босқичлари ва сабаблари),
- терминлар тизимини тадқиқ этилганлигига кўра;

2) *шаклан:*

- атамаларинг структурал таркиби (бир, икки ва ундан ортик сўзли атама ва атамалари тизими билан боғлана олишига кўра ),
- морфологик ва синтактик жиҳатдан дериватив қурилиши жараёни (терминларни асосий таркиб топишига кўра);

3) *семантик:*

- терминлар тизимини лексик семантик структураси (атамаларнинг ички курилишида лексик семантик жиҳатдан гуруҳланишига кўра),
- тўлиқ ҳолдаги терминлар тизимига кўра (терминлар истеъмолдан тушириб қолдирилган архаик ёки янги пайдо бўлган неологизм),
- терминлар тизимини мазмунан тазимлаштириш (термин ясалишидаги ўзакдошлилигига кўра),
- терминлар тизимида мазмунан изоморфик (тил яруслрининг барчасига мосланишига кўра ҳам) қурилишига кўра (синонимик, омонимик, полисемик ва антонимик қурилишига кўра);

4) *функционал:*

- терминлар тизимидаги фаоллигига қўра (ички тизимда фаол фойдаланилишига кўра);
- терминлар тизимидаги функционал муаммоларига кўра.

Юқорида келтирилган концепция мезонлари асосида Т ва БТ атамаларининг шаклан ва тизимли таҳлили бу соҳа фойдаланувчиларига ўзаро уларни осон ва тушунарли бўлишига ҳизмат қилади.

Қуйидаги тадқиқотларимизда туризм соҳасида изланишлар олиб бораётган мутахассислар учун теминларнинг ясалиши ва мазмун моҳияти, шаклан мезонлари уларни тушунишга муҳим аҳамият касб этади. Терминларнинг шаклан таҳлилига кўра ва кўплаб бажарилган илмий тадқиқот

ишларининг таҳлиллари Тва БТ терминларини икки асосий гуруҳга қамраб олишга асос бўлганлигини айтиб ўтмоқчимиз. **[Вавилова Е.В., 3:6]**

Биринчи гуруҳ Тва БТ га сўз (бир компонентли) терминлари ва иккинчи гуруҳ сўз бирикмалари (кўп компонентли) терминларидан иборат.

Терминлар тизимини статистик шаклда ўрганишда Тва БТ оид сўз (бир компонентли) терминлари 41,5%, сўз бирикмаси (кўп компонентли) терминлари 58,5% ташкил этади. Янада аниқлаштирадиган бўлсак, туризм терминлар тизимида рус тилида бир компонентли туризм терминлари - 287 бирликни 41,5%ни; икки компонентли терминлар - 369 бирликлар 53,4%ни; уч компонентли терминлар - 33 бирликлар 5%ни; тўрт компонентли терминлар - 1 бирлик 0,1%ни ташкил этади. Терминология бўйича С.В. Гринев, О.И. Казачкова, В.И. Куманинларнинг илк ишларида кўп компонентли терминлар рус тилида кўплаб 70 фоизни ташкил этади ва бу маълумот рус тилида туризмга оид терминология ривожланишда давом этмоқда деган фикрни беради.. Илмий тадқиқот ишларида кузатувларимизга кўра, махсус туризмга оид терминларнинг кўп компонентли бирликлари интерсификацияси, терминларнинг структурал, иерархик шаклланиши кабилар уларнинг деривацион алоқаси билан узвий боғлиқ экан.

Туризм терминларининг морфем структурал таҳлили бир компонентли терминлар юзасидан қуйидаги мезонларни кашф этади.
Т ва БТ терминлар тизимини морфемик таҳлили бир компонентли- сўз атамаларини қуйидаги типларини кўрсатади: **[Казачкова О.А. и другие, 6:63 ]**

1) оддий туб сўз терминлар (непроизводных терминов) атамалар, сўз атама ўзак билан боғлиқ бир компонентли лексик бирликлар: *встреча, круиз, сафари, ботелъ, джакузи, кабана, квота, курорт, сьют, парадор, хостел, джанкет, банкет, сезон, класс, трансфер, хаб* (рус тилида Т ва БТ терминлари тизимида 109 тагача мавжуд;

2) Ясама сўз терминлар (производные термины), сўз атама ўзаги ва суффикслар орқали шаклланган бир компонентли лексик бирликлар 81 та атамани ташкил этади.

Ўзбек тилидаги қўлланиладиган Т ва БТ терминларини Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 189-сонли «Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги карори; Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан тасдиқланган «Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби» (2-илова).; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом» асосида таҳлил қиламиз. Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган: [**Мирзиёев Ш.М., 1:1]**

**гид (гид-таржимон)** — ахборотга оид ва ташкилий хизматлар кўрсатиш, туристлар ва экскурсантларни вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) туристик ресурслар билан таништириш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс; **йўриқчи-йўл бошловчи** — туристик йўналишларда туристлар ва экскурсантларга ҳамроҳлик

қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс; **мустақил туризм** — туристлар томонидан туроператорлар ва турагентлар иштирокисиз мустақил равишда ташкил этиладиган саёҳат; **туризм соҳасининг субъектлари** — туристик хизматлар мажмуини ёки уларнинг бир қисмини кўрсатиш, қўшимча туристик хизматларни (ишларни) бажариш ҳамда туристлар ва экскурсантларга товарларни реализация қилиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар; **тур** — туристик хизматларнинг камида иккита турини ўз ичига олган туристик хизматлар мажмуи билан таъминланган, белгиланган йўналиш бўйича аниқ муддатлардаги саёҳат; **туризм** — жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши); **турист** — вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга борувчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) камида бир кеча тунаб қолувчи жисмоний шахс; **туристик ваучер** — туристнинг тур таркибига кирувчи хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва уларнинг ҳақи тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат; **туристик йўналиш** — саёҳат вақтида турист, экскурсант ташриф буюрадиган асосий жойларнинг рўйхати бўйича туристнинг, экскурсантнинг режалаштирилган ҳаракатланиш йўли; **туристик хизматлар** — жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, экскурсия ва маслаҳат хизмати кўрсатиш бўйича хизматлар, шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган хизматлар; **экскурсант** — вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) тунаб қолмасдан йигирма тўрт соатдан ошмайдиган даврда саёҳат қилувчи жисмоний шахс; **экскурсия етакчиси** — туристлар ва экскурсантларни муайян туристик ресурс билан таништириш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс.

Инсонлар фаол меҳнат қилиш билан бирга дам олишни ҳам режалаштирадилар. Инсон омили оғир меҳнатдан кейин дам олишни ҳеч қачон рад этмайди. Психологларнинг таъкидлашларича, инсонларнинг дам олиш омиллари қаторида саёҳат етакчи ўринда турар экан. Саёҳат инсонга руҳий енгиллик бериш билан бирга меҳнатга тўла куч ва ғайрат билан қайтишнинг энг зарур омилидир. Саёҳат бирламчи иш фаолиятини тиклаш ва ҳордиқ чиқариш учун ҳамда иккиламчи ўзга юртда ишлаш ёки иш юзасидан қилинади. Қуйида, биз саёҳат ва туризм моҳиятига тўхталиб ўтмоқчимиз. Биламизки, инсонлар турли ҳил сабабларга кўра саёҳат қиладилар. Шу ўринда биз саёҳат турларини эслатиб ўтамиз. **[ Cartrin E.Morriis, 2:4]**

Вақтни мазмунли ўтказиш учун қилинадиган саёҳат, кўнгилхушлик, ҳордиқ чиқариш туризми инглиз тилида **Recreational tourism** деб номланади**.** Бу жараёнда инсон фаол дам олиш унсурлари масалан, дам олиш учун вақтичоғлик, кино кўриш,

рақс тушиш, китоб ўқиш, кино кўриш кечки сеансда ёки прьемера, ёқтирган таомларини истеъмол қилиш каби фаолиятлар саёҳат давомида бажарилади.

Маданий туризм инглиз тилида **Cultural tourism** деб юритилади. Бу жараёнда сайёҳ ташриф буюрган давлатнинг тарихий жойларини, диққатга сазовор жойларини ва биноларини, табиат манзараларини, музейлари, кутубхоналари, ўша юртда яшовчи халқнинг урф одатлари ва қадриятлари, санъати ҳамда яшаш тарзини томоша қилиш ўрганиш учун сафар қилинади.

Саргузашт туризм инглиз тилида **Adventure tourism**-деб номланиб узоқ сафарга саргузаштли воқеаларга гувоҳ бўлиш учун ёки янги жой ва ажойиб инсонлар ҳаёти ва яшаш тарзи билан танишиш мақсадида узоқ ва нотаниш юртларга саёҳат қилинади.

Табиат муҳофазаси экотуризм инглиз тилида ҳам **Ecotourism**-дейилади(тилшуносликда бу ҳолатни англисизм деб атаймиз, яъни сўзни тилда айнан транскрипция ёки транслитерация варинтини истеъмол учун тўғридан тўғри қабул қиламиз), атроф муҳит мухофазасига доир фаолият билан қизиққан ҳолатда табиат манзараларини томоша қилиш, этник ва табиий фауна ва флоралар билан яқиндан танишиш учун амалга оширилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда Агротуризм- **Agrotourism** ривожланмоқда.

Қишки туризм инглиз тилида **Winter tourism** деб аталади ва инсонлар доимо қиш фасли ҳукмрон юртларга ёки қиш фасли даврида ёғаётган қор ва табиий музликлардан завқ олиш учун ҳамда қишки ўйинлар: қорли тепаликларда лижа учиш, муз устида конки учиш, қор бўрон ўйнаш, ва қорбобо ва муз ҳайкалларини ясаш учун саёҳат қиладилар, ҳатто сунъий муз ҳайкаллари ясаш конкурсларида қатнашиш учун ҳам сафарга чиқадилар.

Спорт туризми ҳам англисизм ҳисобланади ва инглиз тилида **Sport tourism** деб номланиб, спорт ўйинларини ўйнаш ёки кузатиш ҳамда нуфузли спорт воқеаликларида: анъанавий ёзги ва қишки спорт олимпиадаларида қатнашиш ёки томоша қилиш учун саёҳат қилинади.

Маърифий **(**Таълимий саёҳат) туризм инглиз тилида **Educational tourism** деб номланиб, ўзга давлатда таълим олиш, ўша юрт тилини мустаҳкам ўрганиш мақсадида ва малака ошириш, тажриба алмашиш учун таълим муассасаларига хизмат сафари билан характерланади.

Бугунги кунда янги туризм инглиз тилида **Health tourism**-(тиббий) саломатлик туризмини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, сабаби бугунги кунда инсонлар ўз соғлигини тиклаш учун хорижий давлатларга ташриф буюриб, санаторийларда даволаниб, дам олиб, ўзга юрт тиббиёт мутахассислари ёрдамида саломатликларини тиклаб даволаниб қайтмоқдалар.

Зиёрат **(**диний) туризм инглиз тилида **Religious tourism**-бу жараёнда инсонлар муқаддас Каъба жойлашган юрт Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж сафари ва диний байрам ва воқеаликларни нишонлаш мақсадида ташриф буюрадилар.

**Gap-year tourism-** кўнгиллилик ёки ёшлар туризми дейилади ва бир йилгача ёки кўпроқ муддатга кўнгилли тарзда ишлаш мақсадида, таълим муассасалари:

мактаб, коллеж ва университетларга ишлаш ва тажриба орттириш мақсадида сафар қилиш ва мактаб, коллеж ва университетни тугаллаганидан сўнг саёҳатга чиқишга тушинилади.

Биз бажараётган мазкур тадқиқот ишимизда туризм соҳасида янги йўналиш **Қора туризм (Dark or Black Tourism) ни** ҳам ривожлантириш зарурлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу туризмнинг моҳияти шундаки, табиий офатлар ёки фалокат туфайли ўлим топган ва мамлакатда дафн этилган турист оиласи аъзоларини мамлакатга ташрифидан иборат. Бу саёҳат тури кўпинча диний туризмда, яъни ҳаж ва умра сафарларида халок бўлган ҳожиларнинг оилаларига мўлжалланганлигини амалда кўрганмиз, бироқ бундай ҳолатлар ачинарли бўлсада, ҳар қандай давлатда ҳохлаймизми, йўқми учраб туради**. (Ivory Research Co.Ltd. 1 Fore Street London, EC2Y 9DT 2019)**

Қора туризм Халқаро ва ички туризм туризмнинг шаклларидир. Халқаро туризм қуйидагиларни ўз ичига олади: кириш туризми — Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саёҳати; чиқиш туризми — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг бошқа мамлакатга саёҳати.

Ички туризм Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саёҳатини ўз ичига олади. Туризм ташкил этилаётган турнинг ўзига хослиги, мавзуси, давомийлиги, ҳаракатланиш усуллари ва турнинг бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм ҳамда туризмнинг бошқа турларига бўлиниши мумкин.

Юқорида Тва БТ терминларини лингвистик таҳлилида рус терминологиясини таҳлилини мисол тарикасида маълумотлар берган эдик, шу ўринда туризм соҳаларини ҳам таништиришга жазм этдик. Россия давлатида туризм соҳаси Ўзбекистондаги каби ички ва ташқи аъло даражада ривожланган ва фаолиятида давом этмоқда. Туризм соҳасининг турлари ҳақида маълумот берсак уларда туризм соҳалари қуйидаги катта гуруҳларга бўлинади: **Танлов туризми-** (альтернативный туризм )— туризмнинг шундай бир тури бўлиб, турст ў мақсадоларига кўра маданий алоқалар ва тарихий нарса ва ҳодисаларни ўрганиш ва улардан завқланиш учун мамлакат ичида ва хорижга саёҳат қилади; **Саёҳат туризми** –(караванный туризм) — туризмнинг бу соҳаси автомобилларда ва уларга уланган фургон (караван) воситаларда саёҳат қилишга тушинилади; **Ҳодисавий туризм** – (событийный туризм )— инглиз тилида event-driven дейилади, этник байрамлар, юбилей тадбирлари, катта ҳажмдаги спорт мусобақалари, ҳалқаро бизнес учрашув ва келишувлари маданият соҳасидаги тадбирлар билан боғлиқ туризм; **От туризми-** (конный туризм) — спорт туризми тури ҳисобланиб, парклар ва кўчаларда отлардан иборат маршировкали юришлардан иборат сайрдир.

Туризм соҳасида турли кўринишдаги фаолиятлар: ушбу соҳани ривожлантириш ва жадал юритилиши билан боғлиқ малакали кадрларни, гидларни тайёрлаш, янги меҳмонхоналар очиш, миллий ҳунармандчилик, саноатни

туризм билан боғлиқ маҳсулот ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, турли ҳил фирмалар, хорижга жўнатиш ва сайёҳларни кутиб олиш хизматлари ёки ички ва ташқи туризмда фаолият олиб борувчи ташкилот ва идораларни очилиши, ташкилотлар ва муассасалар томонидан турли ҳил тадбир ва конференцияларни ўтказилиши, туристларни дам олиши билан боғлиқ фаолият олиб борувчи хизматлар масалан меҳмонхона ва транспорт хизматини юритиш, туристлар учун миллий ва чет эл таомлари озиқ овқатларини тайёрлаш ва етиштириш каби бизнес соҳалари ҳам жадал ривожланади ҳамда соҳалар бўйича давлат солиқлари ва божларини тўланиши ҳам алоҳида ривожланиш омили ҳисобланади.

**Фойдаланилаган адабиётлар:**

1. Шавкат Мирамонович Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси туризми тўғрисидаги № 549 сонли 18 июль 2019 йилда имзоланган қонуни, 2019, 24б.
2. Биржаков М.Б. // Туристские фирмы. 2007. №2. С.56.
3. Вавилова Е.В. Основы международного туризма. М.: Гардарики, 2005. С.6.
4. Cartrin E.Morriis, Flash on English for tourism, second edition, 1996.
5. Гринев С.В. Введение в терминоведение. М.: Моск. лицей. 1993. 309 с.
6. Казачкова О.А., Куманин В.И. Толкование терминов в толковом терминологическом словаре «Технология художественной обработки металлов» // Новые металлы и технологии. Мат. науч.-техн. конф. М.: МГАПИ, 2001. С.61, 63.

**УДК 801,2**

## ТИЛ ТИЗИМИ ҲАР ХИЛ БЎЛГАН ТИЛЛАРДА ПОЛИСЕМИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Нарзуллаева Фируза Олимовна, Бухоро давлат Университети,
инглиз тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqola полисемия ва улар турларининг тил тизими ҳар хил бўлган (инглиз ва ўзбек) тилларда ифодаланишига бағишланган.*

***Kalit so`zlar:*** *кўп маънолилик, лексема, бош, тушунча, сўз, маъно, белги, таҳлил, омоним, метафора, метаномия.*

## ПОЛИСЕМИИ И ЕГО ТИПИ В СИСТЕМЕ РАЗНОСИСТЕМНЫХ ЯЗЫКАХ

Нарзуллаева Фируза Олимовна, преподаватель кафедры английского языкознания
Бухорского государственного университета

***Аннотация.*** *В данной статье рассматривается выражения полисемии и его типи в системе (английского и узбекского) разносистемных языках*

***Ключевые слова:*** *полисемия, лексема, голова, консепт, слова, значение, символ, анализ, омоним, метафора, метаномия.*

# POLYSEMY AND ITS TYPES IN THE NON-RELATED LANGUAGES

Narzullaeva Firuza Olimovna teacher of the English linguistics department of the Bukhara State University

***Annotation.*** *This article is dedicated to the expression of the polysemy and its types in the system of non-related (english and uzbek) languages.*

***Key words:*** *polysemy, lexeme, head, consept, word, analys, homonym, metaphor, methonymy.*

**Кириш.** Барча тил бирликлари моносемантик ва полисемантик деб иккига гуруҳланади, булардан полисемантик тил бирликлари алоҳида диққат билан ўрганишни талаб қилади.

Биргина тушунча ёки тасаввурни англатиб келган сўзлар бир маъноли ёки моносемантик сўзлар дейилади: шаҳар, қишлоқ, уруғ, кесим, роман... .

Икки ва ундан ортиқ тушунча ё тасаввурни ифодалаб келувчи сўзлар полисемия дейилади: бош, қош, кўз, тил, қўл, бел, йўл, ер, лаб [1, 34].

Қуйидаги маъноларни таққосласак:

Ўзбек тилида: тиззанинг кўзи, тахтанинг кўзи, булоқнинг кўзи, игнанинг кўзи, яранинг кўзи, хуржуннинг кўзи, узукнинг кўзи, деразанинг кўзи, картошканинг кўзи ва ҳоказо.

Инглиз тилида бу лексемаларнинг айримларигина «кўз» ("eye") орқали ифодаланган: fibula, twig on a board, the source of well, eye of a needle, aperture of abscess, a part of the bag, the stone of the ring, a part of the window, eye of a potato [3, 52].

**Асосий қисм.** Кўриниб турибдики, айни бир тушунча ҳар иккала тилда бошқа-бошқа лексемаларга ёки муқобил лексемаларга бириктирилган бўлади. Айни шу тушунчани англатувчи маънолар ҳар бир тилда ҳар хил лексик системаларга бирлашади ва шунга кўра мавқеи ҳам турлича бўлади.

Кенгроқ ёндашсак, сўз билан тушунча орасидаги муносабат анчагина мураккаб. Бир томондан, ҳар бир сўз маълум маънони билдиради, аммо ҳар бир сўзнинг тушунча англатишини кутиш тўғри келмайди (тушунча англатиш номловчи сўзларга хос хусусиятдир). Иккинчи томондан, бир сўз (лексема) икки ва ундан ортиқ тушунчанинг ифодаси бўлиб хизмат қила олади: кўп маъноли лексеманинг ҳар бир маъноси айрим-айрим тушунчани англатади.

Масалан, «кўз» лексемасининг «кўриш аъзоси» маъноси бир тушунчани, «игнанинг ип ўтказиладиган тешиги» маъноси иккинчи тушунчани, «узукдаги қимматбаҳо тош» маъноси бошқа бир тушунчани англатади [1, 33]. Полисемантик сўзларнинг маъноси фақат матнда билинади: М: Бобомнинг кўзи ҳали яхши кўради (орган); Булоқнинг кўзи. игнанинг кўзи (туйнук); Узукнинг кўзи (узукка қўйилган тош); Тахтанинг кўзи (тахтадаги доира шакл). For example: Soames shook her hand and went downstairs (орган); He never read a book in his life and ... still writes a schoolboy hand (ҳуснихат); It would be like trying to make the hands of a clock move backwards to

its ticking (соат мили); Mr Hunter suddenly failed, and all hands in the mill were turned off ... (ишчилар).

Баъзида полисемияни омонимиядан фарқлаш қийин кечади. Бунда биз полисемантик сўзнинг бош маъносининг кенгайиб боришини ёққа тутишимиз керак. Мисол тариқасида «катта тош», «чўққи», маъноларига эга от «рок» ҳамда «қимирламоқ» ёки «тебранмоқ» маъносига эга бўлган феъл «to rock» ни кўриб чиқсак.

Кўриниб турибдики бу сўзлар шубҳасиз омонимлардир. Лекин «to rock» ҳамда «rock (music)» сўзлар орасидаги алоқа полисемантик ҳисобланади. Чунки мусиқанинг бу тури шубҳасиз қимирлаш (тебраниш) билан боғлик.

Полисемантик сўзнинг ҳар хил маънолари, маъно яқинлиги жиҳатидан бирлашиши мумкин. Масалан, «blanket» сўзини олсак, у қуйидаги маъноларга эга: Жун қопламли тўшак. Отнинг тўшак қоплами. Қор қоплами (кўчма маънода) - a blanket of snow [1, 52].

Масалан: «crust» сўзининг бош маъноси «ноннинг қизарган қаттиқ қисми», сўнг «бирор нарсанинг қаттиқ қисми» (a pie, a cake), «қор устидаги муз қатлам» «одамови, камсуқум инсон», «беҳаё, бетгачопар» каби маънолар шаклланган. Бу мисолларда биз охирги 2 маънонинг бош маъно билан ҳеч қандай алоқасини кўрмаяпмиз. Бундай ҳолларда тилда омонимларнинг шаклланиши юз беради. Полисемия эса тарқалиб кетади [1:57].

Полисемия тил учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки тилда янги сўз ҳосил қилиш осон эмас.

Полисемия эса янги маъно касб этиб, тилнинг луғавий бойлигини бойитиб боради.

Полисемантик сўзларнинг тизими асрлар давомида шаклланиб, янгидан янги маънолар вужудга кела бошлади, шунингдек баъзилари йўқолиб кетди.

Шундай қилиб, полисемия шаклланишининг мураккаб усули бу янги тушунча (маъно)ларнинг пайдо бўлиши ёки эскиларининг йўқолиб кетишидир.

Ҳозирги инглиз тилининг мақсади инглиз луғатини бойитиб, унинг манбаларини шакллантиришдир. Полисемантик сўзларнинг 2 хил таҳлили мавжуд [2, 46]:

1. Сўзнинг маъно тузилиши маънолар системаси, тизими бўлиб ҳисобланади.

Марказ сўзни топиш ҳар бир полисемантик сўзда ҳам мавжуд эмас. Баъзи бир семантик структуралар бошқа хил таҳлилга эга. «Dull» сифатини олиб қарайдиган бўлсак, унда бош ёки марказий бирлаштирувчи сўзни топиш жуда мушкул:

1. A dull book, a dull film - uninteresting, monotonous, boring;
2. A dull student - slow in understanding, stupid;
3. Dull weather, a dull day, a dull colour - not clear or bright;
4. A dull sound-not loud or distinct;
5. A dull knife-not sharp;
6. Trade is dull - not active;
7. Dull eyes (arch) - seeing badly;
8. Dull ears (arch) - hearing badly [1, 52].

Бу ерда биз ҳар хил тушунчалар орасидаги умумийликни фаҳмлашимиз мумкин.

Юқоридаги мисолларимиздан кўриниб турибдики, «dull» сўзининг семантик структурасининг бирлаштириш марказида бир сўз эмас, балки аниқ бир компонент (deficient), ажралган тушунчаларни осонгина бирлаштирмоқда. Сўз семантик структурасининг 2-таҳлилида: ҳар бир ажралган тушунча системали анализнинг субъекта бўлиб, у семантик компонентнинг тармоғи сифатида келади.

"Dull" сўзининг семантик структурасидан кўриниб турибдики, сўзнинг маъно тузилиши шунчаки маъно ёки тушунчалар системаси эмас, балки ажралган тушунчаларнинг кичик бўлинмаси бўлиб, ўзининг ички структурасига эга. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки сўзнинг семантик структураси бу иккала таҳлил орқали ўрганилиши зарур.

Palmer таъкидлаганидек, нафақат ҳар хил лексемалар турли хил маъноларга эга, балки бир лексема ҳам бир қатор маъноларни бериши мумкин. Бу полисемиядир ва бундай лексема полисемикдир [1:100].

Полисемия кўплаб лексемаларни характерлайдиган ягона лексеманинг хусусиятидир. Масалан, "neck" оти стандарт инглиз луғатларида якка лексема сифатида кўрсатилган бўлиб, бир неча фарқ қиладиган маъноларга эга: "part of body", «part of bottle", "part of a shirt or other garment".

Демак, "neck" лексемаси полисемантикдир [2, 52].

Leechнинг фикрига кўра полисемия бу (икки ёки ундан ортиқ маънога эга бир сўз) тушунчаларнинг 2 йўл: тарихий ва психологик йўлларга боғлиқ бўлиб, бир бири билан мос келиши шарт эмас. Икки маънонинг психологик боғлиқ бўлиши: интуитив сезилади ва шу сўз турли хил маъноларда сўзловчилар томонидан қўлланилади [3, 45].

Бу икки қараш полисемияни омонимия (икки ёки ундан ортиқ, ҳар хил ёки бошқа хил маъноларга эга, талаффузи бир хил сўз) дан фарқлаш учун қўллаш мумкин.

"Head" полисемик лексемаси қуйидаги маъноларга эга: the head of a person, the head of a company, the head of a table ва ҳоказо.

Энди эса "Bank" лексемасини таҳлил қилсак, у бир хил талаффузга эга, лекин маъно жиҳатидан фарқ, қиладиган қуйидаги маъноларга эга:

1. "a business establishment in which money is kept for saving or commercial purposes or invested, supplied for loans, or exchanged", яъни пул операциялари олиб бориладиган ташкилот (банк).

2. "the slope of land adjoining a body of water, especially adjoining a river, lake or channel", яъни киргок [1, 52].

Яна шундай сўзлар ҳам борки, улар психологик эмас, балки тарихий жиҳатдан боғлиқдир.

Масалан, "pupil" лексемаси икки хил маънони билдириб, манбаси бир:

1. «Кўз қорачиғи», 2. «Ўқитувчи назоратидаги талаба» [2:79].

Palmer ва Lyons 2 хил критерия: этимология (сўзнинг келиб чиқиши) ҳамда тушунчаларнинг боғлиқлигини кўрсатишади.

Луғатшунослар эса полисемия ва омонимияни этимологияга асосланиб ўрганишади. Бир хил шаклга эга, келиб чиқиши бир манбаадан бўлган сўзлар полисемикдир ҳамда улар луғатда бир тушунча орқали берилган. Бунга қарама-қарши ҳолда, бир хил шаклга эга, манбаси бошқа бўлган сўзлар омонимлардир ва бу сўзлар луғатда турли хил тушунчалар орқали ифодаланган.

Шундай қилиб, "head" бир тушунча орқали, "bank" эса икки хил тушунча ёки маънога эга.

Масалан ўзбек тилидаги «йўл» лексемасини кўриб чиқсак, у асли «ўтиш жойи» маъносини англатади.

Шаклий ўхшашлик асосида бу лексема «сатр» («бир чизиқ бўйлаб жойлаштирилган ёзув») маъносини ҳам англата бошлаган.

Инглиз тилидаги «line» лексемаси асли «чизиқ» («тўғри чизиқ») маъносини англатиб, шаклий ўхшашлик асосида бу лексема «сатр», «шеър» (4 қаторлик), «ажин» (юздаги чизиқлар), «арқон» маъноларини англата бошлаган [1, 51].

Метафора йўли билан кўчиришнинг асосий кўринишлари:

1. Бир нарсанинг номи бошқа бир нарсага шаклий ўхшашлик асосида кўчирилади: оғиз (одамнинг оғзи), оғиз (шишанинг оғзи); қўлтиқ (одамнинг қўлтиғи), қўлтиқ (денгиздаги қўлтиқ); mouth (одамнинг оғзи), mouth (шишанинг оғзи); этак (кийимнинг этаги), этак (тоғнинг этаги); foot (одамнинг оёғи), foot (мебелнинг оёғи).

2. Бир нарсага (баъзан ҳаракатга) хос белгининг номи бошқа бир нарсадаги белгига кўчирилади: аччиқ (аччиқ қалампир), аччиқ (гап), sweet (sweet chocolate), sweet (sweet dream).

3. Бир нарсага хос ҳаракатнинг номи бошқа бир нарса ҳаракатига кўчирилади: чўкмоқ (чўккаламоқ), чўкмоқ (иморатнинг чўкиши), чўкмоқ (одамнинг қариганда чўкиши); ўлмоқ (жонлиларда ҳаётнинг тугаши), ўлмоқ (ўсимлик палагининг сўлиши) каби.

Бирор нарсанинг номи бошқасига улар бажарган вазифадаги ўхшашлик асосида кўчирилиши функционал кўчириш дейилади.

Функционал кўчириш ҳам ўхшашлик асосида бўлади. Бу жиҳатдан у метафора йўли билан кўчиришга жуда яқин туради. Фарқ шундаки, метафора йўли билан кўчиришда предметлар орасидаги ташқи кўриниши жиҳатидан ўхшашлик асосга олинса, функционал кўчиришда вазифа жиҳатидан ўхшашлик назарда тутилади.

Масалан, қуш танасидаги учиш учун хизмат қилувчи аъзо «қанот» дейилади. Шунга ўхшаш вазифани бажарувчи қисм самолётга нисбатан ҳам қанот деб номланган.

Бир нарса, белги, ҳаракатнинг номи бошқа бир нарсага ўхшашлик асосида эмас, балки ўзаро боғликлик асосида кўчирилиши метонимия йўли билан кўчириш дейилади.

Масалан, дастурхон лексемаси «овқатланиш учун ёзиладиган буюм»ни англатади; бу лексема билан овқатнинг ўзи, «дастурхонга қўйиладиган ноз-неъмат»ни ҳам билдирилади.

Метонимия билан кўчиришнинг асосий кўринишлари:

1. Бир предметнинг номи шу предметдаги бошқа бир предметга кўчирилади: бош (киши организмининг бўйиндан юқори қисми), бош («мия»: бошим оғрияпти); ич («ички томон»), ич («қорин бўшлиғидаги аъзолар»: Ичим оғрияпти); уй («иморат»), уй («уйда яшовчилар»): Бутун уй югуриб чиқди); hall («зал»), hall («залда ўтирганлар»: The hall applaused).

2. Бир нарсанинг номи шу нарсага асосланган ўлчов бирлигининг номи бўлиб хизмат қилади: кун («қуёш»), -кун («сутканинг ёруғ қисми»); ой («планета номи»), ой («йилнинг ўн иккидан бир қисми»).

**3.** Бир нарсанинг номи шу предметдан ҳосил бўладиган предметга кўчирилади: тил («нутқ аъзоси»), -тил («нутқ»); чой («ўсимлик») -чой(«ичимлик») каби;

4. Белгининг номи шундай белгиси бор нарсага кўчирилади: кўк (ранг номи) -кўк («кўкат»), кўк («осмон»); кир («ифлос») -кир («ифлосланган ёки ювилган кийим-кечак»); юпқа («қалиннинг акси») -юпқа (таом номи);

5. Ҳаракатнинг номи шу ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган нарсага кўчирилади: тўймоқ-тўй, аталамоқ-атала, кўчмоқ-кўч каби (баъзан қарама-қарши маъно ҳам туғилади: кўрмоқ-кўр).

Бир предметнинг номи бошқа бир предметга қисм билан бутун муносабати асосида кўчирилиши синекдоха йўли билан кўчириш дейилади.

Синекдоха йўли билан кўчириш метонимия йўли билан кўчиришнинг бир кўриниши деб юритилади. Синекдоха йўли билан кўчириш икки хил: а) Бир нарсанинг номи сифатида унга хос бирор қисмнинг номи ишлатилади (қисм орқали бутун англатилади): туёқ (қисм) -туёқ (бутун): Баҳона билан туёққа эга бўлиб қолди; тирноқ (қисм) -тирноқ (бутун): Дунёда тирноққа зор одамлар оз дейсизми?!); юрак (қисм) -юрак (бутун): Бу оташин юрак... каби; б) Бир предметнинг номи сифатида шу предметни ҳам ўз ичига олган бутуннинг номи ишлатилади (бутун орқали қисм англатилади); бош (бутун) -бош (қисм-«бошнинг устки қисми»; Дўппи бошимга тор келди; қўл (бутун), қўл (қисм)-«бармоқ»: Беш қўл баробар эмас; панжа (бутун) -панжа (қисм)-«бармоқлар: Беш панжангни оғзингга тиқма»); ош (умуман овқат) -ош (палов) каби [1, 34].

Полисемантик фраземалар ҳам анчагина бўлиб, буларнинг кўпи икки ва уч маънолидир.

Масалан, “бош(и) айланди” фраземаси икки маънолидир:

1) «бехуд бўлмоқ», 2) «эсанкирамоқ», “Бош суқмоқ” фраземаси уч маънони англатади: 1) «гавдаси ташқарида қолиб, бошини тиққан ҳолда қарамоқ», 2) «кирмоқ» 3) «аралашмоқ»; “Бош кўтармоқ” фраземаси эса қуйидаги тўрт маънони англатади: 1) «қарамоқ», 2) «қилиб турган ишини тўхтатмоқ», 3) «қўзғалмоқ», «ҳаракатга келмоқ», 4) «курашга чоғланмоқ».

Охирги фраземанинг ишлатилишига мисоллар: 1) «Поччаев,-деб бош кўтарди Элчибек,-Сизнинг касбингиз нима?» (А. Мухтор). 2) Сафарали столдан бош кўтарди, ҳалиги рус қизига бир нима деб кулди (Ойдин). 3) Қишлоқда эл эрта ётади, чунки

қуёшдан олдин бош кўтаради (И.Р). 4) Бош кўтарган халқни мардликка етаклаган косиб Санжар Маликнинг нафаси пок шабадага қанот бўлмоқда (Ш. Тошматов).

Энди эса инглиз тилидаги полисемантик фраземаларни кўриб чиқсак: to feed the fishes қуйидаги маъноларга эга: 1) чўкмоқ, 2) денгиз касалига чалинмоқ; to give way фраземаси эса 4 маънони англатади: 1) чекинмоқ, 2) жой бермоқ, 3) касалланмоқ, 4) нархини пасайтирмоқ, туширмоқ.

Фразеологик полисемия деганда фраземанинг ўзи икки ва ундан ортиқ луғавий маъно англатиши тушунилади. Ўзаро шаклан ўхшаш боғланмадан ва фраземадан англашиладиган маънолар бир нуқтага бирлаштирилиб, полисемия деб қаралмайди. Чунки булар ҳар хил ҳодисалардир: эркин боғлама-нутқ бирлиги, фразема-тил бирлиги.

Масалан, аравани қуруқ олиб қочмоқ эркин бирикмаси нутқда ишлатилади, шу билан бирга тилда аравани қуруқ олиб қочмоқ фраземаси ҳам мавжуд [1, 20].

Биринчисидан туғри маъно, иккинчисидан кочма маъно («уддасидан чиқа олмайдиган иш ёки нарса ҳақида ортиқ даражада мақтанмоқ») англашилади. Бу маъноларни бир тил бирлиги эмас, балки икки ҳар хил тил ҳодисалари англатгани сабабли полисемия воқе бўлмайди. Фраземанинг луғавий маъноси бирдан ортиқ бўлса, худди лексемаларда қилинганидек, бош маъно ва ҳосила (иккинчи) маъно белгиланади.

Масалан, «жар солмоқ» фраземаси «жарчи воситасида эшиттирмоқ» (бу-эски маънога айланган), «керагидан ортиқ даражада бўрттириб хабар тарқатмоқ» маъноларни англатади. Биринчиси-бош маъно, иккинчиси шундан ўсиб чиққан ҳосила маъно.

«Бино қўймоқ» фраземаси уч маъноли: 1) «ортиқча баҳо бермоқ», 2) «қиёфасига алоҳида эътибор бермоқ», 3) «эътиқод билан қарамоқ». Бу фраземанинг иккинчи, учинчи маънолари биринчи маъносидан ўсиб чиққан:

Тили чиқди фраземасида эса фразеологик маъноларнинг боғланиши ўзгача: 1) «нутқга эга-бўлмоқ», 2) «индамай юрган киши гапирадиган бўлиб қолмоқ», 3) «айтишадиган бўлмоқ».

Демак, биринчиси-бош маъно, учинчиси-ҳосила маъно, иккинчиси эса аввалги маънога нисбатан ҳосила маъно, кейингисига нисбатан бош маъно (нисбий бош маъно).

Лексемада бош лексик маъно, одатда, тўғри маъно бўлади. Фраземада эса бош фразеологик маъно кўчма маъно бўлади. Чунки фраземанинг бош маъноси ҳам, ҳосила маъноси каби, устама кўчма маъно тарзида гавдаланади, маълум образга асосланади. Демак, фраземанинг табиати тўғри маънони истисно қилиб қуяди.

Полисемантик фраземада луғавий маънони ва унинг таракқиётини семик таҳлил методикаси билан ўрганиш бу ҳодисаларни равшанроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Масалан, кўнгли айниди-икки маноли фразема. Бу фраземанинг биринчи маъноси учун семаларни қуйидагича белгилаш мумкин: феъл бўлгани сабабли, аввало «таъсир кўрсатмоқ» семасини белгилаймиз. Таъсир кўрсатиш «ижобий ва салбий» бўлади. Бу таъсир киши «организм»ида намоён бўлади.

Таъсир этувчи-«жисм», аниқроғи «овқат», шу сабабли «организм»ни аниқроқ қилиб «овқатланиш аъзолари» деб белгилаймиз. Овқатланиш аъзоларига овқатнинг таъсири «жисмоний» бўлади. Юқорида ажратилган семалар йиғиндиси шундай тартибланади: «овқатланиш аъзолари» + «жисмоний» + «салбий» + «таъсир кўрсатмоқ». Ана шу семалар асосида бу фразеологик маънони «организм қабул қилмагани туфайли беҳузур бўлмоқ» деб таърифлаймиз.

«Кўнгли айниди» фраземасининг иккинчи маъноси биринчи маъносидан ўсиб чиққан. Янги маъно бу фраземани овқатдан бошқа нарсага кўчириб ишлатиш натижасида юзага келган. Бундай кўчириш туфайли биринчи маъно таркибидаги «салбий», «таъсир кўрсатмоқ» семалари сақланади, овқатдан бошқа нарсага қарата ишлатилиши сабабли «овқатланиш аъзолари» «ҳиссиёт» семасига алмашади, шу билан бирга, «жисмоний» семаси ҳам «руҳий» семасига алмашади. Натижада шундай семалар йиғими воқе бўлади: «ҳиссиёт» + «руҳий» + «салбий» + «таъсир кўрсатмоқ». Ана шу семалар йиғими асосида бу фразеологик маънони «табиатига ёқмагани туфайли ижирғанмоқ» деб таърифлаймиз.

**Хулоса.** Шундай қилиб, шуни айтиш мумкинки фраземаларда маъно тараққиёти конкретдан мавҳумга томон йўналишда воқе бўлар экан.

Полисемантик фраземалар ҳам анчагина бўлиб, буларнинг кўпи икки ва уч маънолидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. - Т., 1978.
2.Asher R.E. The Encyclopedia of language and Linguistics. Oxford and New York: Pergamon Press. 1994.
3.Ожегов С. Словарь русского языка. М.: Русский язык, 1984.
4.An English - Uzbek Dictionary of selected words with explanations in English and Uzbek. - T., 2004.
5.Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т.:Ўқитувчи, 1995.
6.An English - Uzbek Dictionary of selected words with explanations in English and Uzbek. - T., 2004.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т., 1981.
8.Asher, R.E. The Encyclopedia of language and Linguistics. Oxford and New York: Pergamon Press. 1994.
9.1.Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқа фразеологик луғати. - Т.: Фан, 1984.

**УДК 81.44**

# ТЕРМИНОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ КОМБИНАТОР-ТАРКИБИЙ ВА ФУНКЦИОНАЛ-СИНТАКТИК ТАҲЛИЛИ

Шукурова Мадина Аскаровна БухДУ Инглиз тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада терминологик бирликларнинг комбинатор-таркибий ва функционал-синтактик таҳлили масалалари ва ушбу соҳадаги мутахассисларнинг турли фикрлари муҳокама қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *мезон, фан, тил, ўзаро муносабат, лексика, лексикография, лексик маъно, семантика, хусусият, тилшунос олимлар, тадқиқот, босқичлар, фонетика, морфология, атама, таркиб*

# КОМБИНАТОРНО-КОМПОНЕНТНЫЙ И ФУНКЦИОНАЛЬНО-СИНТАКСИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

Шукурова Мадина Аскаровна Преподаватель кафедры английского языкознания БухГУ

***Аннотация.*** *В данной статье анализируется проблема комбинаторно-компонентного и функционально-синтаксического анализа терминологических единиц и разные взгляды ученых в этой области.*

***Ключевые слова:*** *принцип, наука, язык, соотношение, лексика, лексикография, лексическое значение, семантика, особенность, лингвисты, исследование, этапы, фонетика, морфология, термин, структура*

# COMBINATORIAL-COMPONENT AND FUNCTIONAL-SYNTACTIC ANALYSIS OF TERMINOLOGICAL UNITS

Shukurova Madina Askarovna Teacher at the department of English linguistics of BSU

***Annotation.*** *The article deals with issues of combinatorial-component and functional-syntactic analysis of terminological units and different points of specialists on this field.*

***Key words:*** *principle, science, language, correlation, vocabulary, lexicography, lexical meaning, semantics, peculiarities, linguists, research, steps, phonetics, morphology, term, structure*

**Введение.** В связи с внедрением системного принципа в изучении истории языка особую актуальность приобретает изучение языка как динамической системы (1, 76). Проблема соотношения языка и внеязыковой действительности на современном этапе развития науки о языке является одной из основных, так как «современная лингвистика вновь возвращается к пониманию языка как глобального средства выражения сознания и психики человека» (2, 122).

Лингвистика как объяснительная наука невозможна без историзма, который находит свое обоснование в природе языка, как феномене изменяющемся (3, 13). Характеризуя внутренние стимулы и внешние факторы эволюции языка, совершенно справедливо утверждается, что «обогащение лексики языка относится к

явлениям развития». В истории английского языка таковым является заимствование. Заимствование - это фактор эволюции и важный источник развития языка, его лексики, так как «лексика представляет собой область языка, в наибольшей степени «открытую" для всякого рода внешних влияний, область, в которой находят отражение все изменения, происходящие в социально-духовной жизни общества». Для английской лексики заимствования - центральная тема, о чем свидетельствует и история английского языка, и история лексикографии.

**Основная часть.** В лингвистической литературе последних лет все чаще появляются высказывания по поводу важности и необходимости возрождения исторических исследований во всех аспектах языка (4, 66). Целый ряд работ подчеркивает необходимость рассмотрения и анализа языковых явлений определенных исторических периодов (5, 23).

При изучении словарного состава на первый план выдвигается проблема его обогащения в процессе исторического развития языка; обогащение словарного состава при этом идет по определенным сферам, характер которых обусловлен условиями исторического периода (6, 16). В трудах академика В.В.Виноградова неоднократно указывалось на важность исследования смыслового развития как отдельных слов, так и лексико-семантических групп в историческом плане, что дало бы возможность выявить характерные особенности семантического развития словарного состава того или иного языка (7, 312), поскольку «изучение семантической истории слов рисует объективную картину их значений и развития смыслового содержания, что, во-первых, одновременно ведет к восполнению этимологии этих лексических единиц и, во-вторых, определяет сферу первоначального употребления их в период заимствования из языка-источника в язык-реципиент. Решение данной проблемы обуславливает анализ семантической эволюции слова в новых языковых условиях, важность которого не подлежит сомнению» (8, 580).

Имеется ряд исследований, освещающих различные этапы процесса заимствования, но единого мнения относительно самого определения иноязычных заимствований как результата данного лингвистического процесса в виду отсутствия единообразия в понимании последнего не выработано. Кратко остановимся на основных положениях вышесказанного, поскольку в нашем исследовании заимствования составляют подавляющее большинство лексики этики XVI-XVII веков. Еще С.К.Булич указывал, что «явление языкового заимствования представляет собой интерес для изучения и в том отношении, что, быть может, ни в одном из прочих явлений жизни языка не проявляется так резко социальная основа и природа последнего. Ни одно из других языковых явлений не имеет таких тесных и многочисленных связей с разными факторами общественной жизни, и поэтому также ни одно из языковых явлений не представляет ... такой сложности и разнообразия, смеющихся над попыткой исследователя уложить относящиеся сюда факты в какую-либо простую и ясную систему». Под заимствованием понимает процесс перемещения различных элементов из одного языка в другой. Под различными элементами имеются в виду единицы различных ярусов языка -

фонологии, морфологии, синтаксиса, лексики, семантики. В общих чертах так выглядит подход разных авторов к пониманию термина «заимствование».

В нашей работе мы особо обращаем внимание на два основных этапа: «момент проникновения» и «дальнейшее развитие на новой языковой почве», т.к. в исследовании рассматриваются стадии освоения заимствования в языке-рецепторе в течение первых 100 лет, причем не менее важным представляется первый этап («момент проникновения»), изучение которого дает возможность рассмотреть механизм и специфику этого сложного процесса.

В работе заимствованное слово рассматривается в лексико-семантической системе английского языка, которая определяется нами, как "вся область смысловых отношений лексических единиц, своеобразие типов взаимодействия их друг с другом и с элементами других аспектов языка, условия и формы языкового выражения результатов семантического варьирования словесных знаков (9, 251).

Семантическая общность лексики этики устанавливается на основе анализа контекста, в котором они выявлены, а также их словарных дефиниций. Разного рода модификации в графическом оформлении слов признаются не релевантными в силу того, что в анализируемый период английский язык еще не обладал твердым сводом правил орфографии литературного стандарта (10, 95).

Под словосочетанием понимается смысловое и грамматическое объединение двух полнозначных слов, которые не являются предложжением (11, 10). Большую помощь в определении особенностей семантического усвоения лексических единиц дает анализ - в плане синхронии или диахронии - таких объективных параметров функционирования слов, как жанровая представленность анализируемой лексики путем установления авторов, употреблявших то или иное слово, характера произведений, в которых они зафиксированы, а также анализ их комбинаторных возможностей, т.е. учет их лексической сочетаемости в составе тех или иных моделей, анализ семантики сочетавшихся с ними единиц. Особенно полезным такой метод оказывается при анализе слов с совпадающей семантикой (лексические со-ответствия), поскольку он дает возможность установить тонкие смысловые и стилистические различия, факты преобладания того или иного слова или его ЛСВ над соперничающими с ним словами на определенном этапе. Подобная методика предложена К.Б.Шадмановым (12, 76). По этому пути идем и мы в своем исследовании семантического аспекта усвоения анализируемой лексики.

С точки зрения семантики сочетающаяся лексика (по частям речи) распадается на:

Глаголы: а) конкретного действия: show, hide; б) движения: move, follow, quit; в) восприятия: see. feel; е) умственного восприятия: know, conceive; д) слова общей семантики: do, become.

Имена существительные: а) собственные: Jeroms', Lucretias', Adams', Wallenstein, Thonas Ave По; б) собирательные: Greeks', Romans, men. women; в) названий профессий, должности, положения: master, mere-hand, cardinal, Emperor, Prince; г) религиозного характера: God, Angel, soul; д) абстрактные: observation,

harmony, cooperation, sequence, uniformity, process, cause, judgement, consequence, evidence.

Имена прилагательные распадаются на несколько групп, выражающих: а) эмоциональную оценку: pretty, dearest, sweet, marvellous, great; б) количество: all, many, full of; в) определенные черты: bashful, English, mild, sober, vestal, wantom; г) качес-венную характеристику: 1) внезапности - sudden, accidental, causal, unusual; 2) с отрицательной оценкой - ungodly, shamefast, indecent, cruel, ill; 3) с положительной - generous, wrathful. Местоимения: any, some, my, those, this, all. Предлоги: in, with, by, for, of, from, to.

Избирательность в сочетании заимствований XVI-XVII веков с абстрактными словами представляется, на наш взгляд, чертой, свидетельствующей о наличии семантической обусловленности формы словосочетаний, которая действует на уровне конкретной лексической наполняемости ее модели и означает свойство слов определенной ЛСГ сочетаться с единицами только определенной семантики (т. е. отмечается лексическая избирательность).

Для установления общих тенденций, многоаспектно характеризующих основной состав тематической лексики этики, возникает необходимость проследить трансформации, определяемые фактором времени. Прежде всего, это относится к семантической области, причем, как метко замечает М. А. Хэллидей, грань между изменениями интраязыкового характера и социально обусловленными весьма расплывчата (13, 157). Это замечание весьма кстати в связи с анализом лексики этического характера, которая, как известно, играет особую роль в формировании мышления нации.

Эволюция той или иной терминосистемы определяется, как известно, потребностями.общественного развития. Так, Г. Сейвори считает, что научная лексика не меняет значений в течении столетий, объясняя это ее устойчивостью в форме и функции, что позволяет передавать знания от поколения к поколению (14, 51). Несколько отлична точка зрения других исследователей, которые полагают, что термины науки обладают большей изоморфностью, чем слова обыденного языка, поскольку в них вкладывается большее семантическое содержание (Налимов В.О., Тендл, Туркин, Andrews и др.). Справедливость вышеуказанных точек зрений можно не оспаривать при условии, что речь идет о структурно-стабильной и во многом действительно изоморфной, номенклатуре, скажем, химической, медицинской и др., хотя номенклатура эта, как принято считать, не является элементом терминологической системы. Однако, когда речь идет о периоде становления, формирования и обогащения лексикона языка английской этики, эту точку зрения едва ли можно признать верной без оговорок.

Действительно, терминологическая лексика развивается во многих случаях быстрее общелитературной, ибо потребность оформляющейся в самостоятельную отрасль терминосистемы должна обеспечиваться оптимальными языковыми средствами, когда научное мышление опережает повседневное. Это, в свою очередь, обусловлено более гибкой семантикой терминологических систем и динамичностью самих терминов, позволяющей им отражать не только определенные научные

понятия, но также и фиксировать потенциально возможные изменения в той или иной научной области, равно как и непосредственно в научном мировоззрении.

Л.С.Бархударовым указаны случаи частичных соответствий, в частности, отношения пересечения, когда между двумя словами наблюдается лишь частичное совпадение значений, но уже такое, при котором круг значений слов, скажем, в языке А не может быть полностью включен в круг значений слова в языке (15, 12). Так как данные слова имеют как совпадающие, так и расходящиеся значения. Им же приведены причины, вызывающие данные явления. Эти положения принимаются нами за исходный момент при анализе. При совпадении значений можно говорить о полном усвоении термина в семантическом плане, в том случае, если анализируемое слово этического характера по указанным выше параметрам явно преобладает над взаимодействующим словом: тогда по существу происходит процесс вытеснения одного слова другим, обычно завершающийся полным выпадением последнего из состава словаря.

Исследование семантического аспекта ассимиляции слов этического характера проводится как по линии рассмотрения процесса становления семантической структуры их на английском почве, так и по линии изучения тех трансформаций, которые вызываются взаимодействием новых заимствований этико-философского порядка с бытующей лексикой воспринимаемого языка Особо обращается внимание на два основных этапа: «момент проникновения» и «дальнейшее развитие на новой языковой почве», т. к. в своем исследовании мы рассматриваем стадии освоения заимствований в языке-рецепторе в течение первых ста лет, причем немаловажным представляется первый этап, изучение которого дает возможность рассмотреть механизм и специфику этого сложного процесса в свете нового миропонимания и мышления представителей эпохи и их национально обоснованного стремления к упорядочению и систематизации лексики и словарного состава английского национального литературного языка.

Употребление этической лексики в подавляющем большинстве жанров является одной из характерных черт литературы эпохи. Вместе с тем, приобретение лексическими единицами новых значений, оттенков, характерных для выражения морально-этической мысли, свидетельствует о том, что наблюдается процесс постепенной профессиональной дифференциации языка этики в связи со специализацией знания, оформлением ее в отдельную науку (anticipation, concurrence, gradation etc.): «anticipation is when we prevent those wordes that another would saie» (T.Wilson. Rtet. 100); «so shall my anticipation prevent your discovery» (Shaks. Haml. 11.2. 304).

Однозначные лексические единицы отличаются незначительной частотностью, однако они обладают высокой степенью семантической автономности, независимой от контекста (modesty, presupposition, ratiocination), «..is according unto the light and presupposition of that which is delivered" (F.Bacon. Adv. L. 11.126); "withot any discourse of reason, or ratiocination» (Holland Plutarch, Mor. 1344); «..be pastime passing excellent, if it be ... with modesty» (Shaks. lnd. 1.66); «The that which maiden modestie doth warrant, bet all my sins look meray» (Ado. IV. 181).

Наблюдается отчетливое различие в значениях одного и того же слова, которые не сопровождаются нарушением его тождества; появление двух или более различных этико-философских значений у слова является результатом расширения семантических границ слова за счет развития его внутренних смысловых возможностей (modesty, compendium, quiddity, vacuity, expectation, levity).

По своему происхождению этическая лексика делится на: 1) слова, возникшие из общенародной исконной лексики и 2) слова, заимствованные из других языков. Отмечены некоторые особенности введения в обиход новых заимствованных единиц: а) авторские толкования в словарях, где по самой природе свойственна простота и ясность изложения; б) перифразы - обычно путем описательного перевода или посредством использования синонимов, например: ratiocination is, that cometh of logie of any Commodity, or to ecaheve any discomodity, levity, lightnesse, inconstancie;

В отдельных случаях не только терминологические ЛСВ анализируемых, но и вся совокупность значений лексической единицы отличается терминологичностью, узкой сферой распространения: ratiocination, anticipation, pressupposition.

Следует различать слова, которые относятся к лексике этики и выражают важные, основополагающие понятия данной сферы (fact, coherence, modesty, levity), от слов, являющихся философскими терминами в анализируемый период: ratiocination, gradation, medium, ubiquity, prescupposition).

В анализируемых текстах к термину, как показало изучение, обычно сначала присоединяются единицы микрополя, т.е. совокупности специальных лексических единиц, сочетающихся с данным словом в пределах терминологичной системы, а позднее - слова общелитературного языка. К примеру, сочетаемость лексической единицы ratiocination в первые 100 лет на английской почве: process of-; discourse of-; reason or-. 15 слов-нововведений латинского характера имеют сопряжение со словами сходной (но не совпадающей семантикой): anticipation, coherence, correlation, elucidation, education, gradation, identity, levity, modesty, materiallity, penalty, ratiocination, reflex, transition. Эти слова, как мы считаем, являясь составной частью общеупотребительного словарного фонда, выполняют роль посредника при пополнении запасов пласта этико-философской лексики.

Результаты сравнения семантической структуры исследуемых единиц в анализируемый период и в современном английском языке (на материале имен существительных литературно-книжного стиля) подтверждает рабочую гипотезу о сравнительной простоте строения семантической структуры слов этико-философского характера (данные относительно слов литературно-книжного характера в современном английском языке взяты из исследования) (16, 16).

Английская лексика этики выступает как сложная многомерная система, характеризующаяся наличием многочисленных переходных случаев, отражающих, таким образом, сложность взаимоотношений и взаимосвязей составляющих ее единиц. Эта лексика также подвержена процессам, которые характерны для всех заимствований XVI века.

**Заключение.** Таким образом, лексика этики предстает перед нами как единая, целостная система, подчиненная определенным объективным законам

истории и мышления, отражающая реально существующую диалектическую взаимосвязь и дальнейшее развитие важнейших этических понятий, мировоззрения представителей XVI-XVII веков. Показательно то, что на переднем плане находится та часть лексики, которая непосредственно связана с центральными понятиями философии гуманизма и просвещения (reflex, modesty, levity, identity, coherence, antitipation, education, correlation).

**Литература:**

1. Будагов Р.А. Что такое развитие и совершенствование языка? – М.: Наука, 1977- С.76.
2. Ярцева В.Н. Развитие национального литературного английского языка. М., 1964.- С.122.
3. Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка. –М. Наука,,1974 - С. 13.
4. Шадманов К. Особенности английской философской мысли и лексики XIV-XVII веков. Т.: ТФИ, 2003.- С. 66.
5. Донской В.Ф. Глагольные фразеологические единицы, обозначающие начало и конец жизни человека в языке новоанглийского периода: Автореф.дис…канд.филол.наук. –М., 1977. –С. 23.
6. Красильникова М.С. Происхождение, семантическая структруа и некоторые синтагматические связи английских имен существительных литературно-книжного характера: Автореф.дис…канд.филол.наук. – М., 1978. – С. 16.
7. Виноградов В.В. Лексикология и лексикография. Избр.труды. – М.: Наука, 1977 - С. 312.
8. Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка. – М. Наука, 1968. - 1980 – С. 580.
9. Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка. –М. Наука, 1968. – С. 251.
10. Ярцева В.Н. Развитие национального литературного английского языка. –М.: Наука. 1969 – С. 95.
11. Бархударов Г.С. О значении и задачах научных исследований в области терминологии//Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. – М.: Наука, 1980. –С.10.
12. Шадманов К. Особенности становления и развития английской философии Возрождения (категориально-понятийный аспект): Дис. д-ра филос.наук.–Т., 2006.
13. Halliday M.A. Langunage as Social Semiotic.- L., 1989. –P.157.
14. Savory T.H. The Language of Science: its growth, character and usage. –L., 1967. –P.51
15. Бархударов Г.С. О значении и задачах научных исследований в области терминологии//Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. – М.: Наука, 1980 –С. 12.
16. Красильникова М.С. Происхождение, семантическая структруа и некоторые синтагматические связи английских имен существительных литературно-книжного характера: Автореф.дис…канд.филол.наук. – М., 1978. –С.16.

# ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ЁШГА ОИД НОМИНАЦИЯЛАР

Ахророва Рўзихон Усмоновна, Фарғона давлат университети,ўқитувчи.

***Аннотация:****Мақолада лингвистик тадқиқотларда ёшга оид номинациялар ва инсон умри цикларга бўлиниши ҳақида ёзилган. Ёш тушунчасини ифодалашга тегишли бўлган фразеологик семантик гуруҳга умуман, ҳаётнинг ёш циклида кетма-кет турадиган иккита ёш даврини бирлаштирувчи, кексалик ва ёшликни қарама-қарши қўювчи фразеологизмлар , инсон ёш даври билан боғлиқ жуда кўп ҳодисалар ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:****ёш, номинациялар, умр, ёш даврлари, инсон ёши, тасаввур, болалик, ўспиринлик, ёшлик, тиббиёт энциклопедияси, ўсиш, ривожланиш, фразеологизм, болалик ёши, баркамоллик ёши, кекса ёш, дифференциал.*

# ВОЗРАСТНЫЕ НОМИНАЦИИ В ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

Ахророва Рузихон Усмановна, Ферганский государственный университет, преподаватель.

***Аннотация:****В статье описаны возрастные категории в лингвистических исследованиях и разбивка жизненных циклов человека. Фразеологическая семантическая группа, которая относится к понятию возраста, часто описывается в терминах возраста и молодости, сочетая два периода преемственности в молодом цикле жизни.*

***Ключевые слова****:возраст ,номинации,жизнь,возрастные периоды,возраст человека,представление, детство, юность, молодость, медицинская энциклопедия, взросление, развитие, фразеологизм, возраст детства, зрелый возраст, старческий возраст, дифференциал.*

# AGE NOMINATIONS IN LINGUISTIC RESEARCH

Akhrorova Ruzikhon Usmanovna, Ferghana State University,teacher.

***Annotatio****The article describes age categories in linguistic research and a breakdown of human life cycles. The phraseological semantic group, which refers to the concept of age, is often described in terms of age and youth, combining two periods of continuity in the young life cycle.*

***Keywords :****age, nominations, life, age periods, person's age, performance, childhood, youth, youth, medical encyclopedia, growing up, development, phraseologism, childhood age, adulthood, senile age, differential.*


Айрим тилшуносларнинг ишларида ёш ва ёшга оид даврларни шкала тарзида кўрсатишга уринишлар қилинган. В. И. Матвеев ўз ишида ёш аломатлари номинацияларига боғлиқ бир қатор хулосалар ва тахминлар қилади: "... рус, украин, инглиз умум қўлланиладиган тилларда инсон умрининг ёш даврлари нисбатан аниқроқ ифодаланади, улар билан муносабатдош бўлган у ёки бу ёшдаги кишиларнинг номлари ҳар доим ҳам кўрсатиб берилмаган. Тадқиқ қилинаётган

тилларда ёши катта одамларни ифодалаш учун “инсон ёши” асосий семаси билан бир сўздан иборат бўлган (лўнда) от ва сифат мавжуд эмас” [2:10].

Муаллиф ушбу далилларни инсон номларининг ёши бўйича умумий шкаланинг характери ифодаси ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилиб, бу шкалани олим тўғри чизиқ шаклида эмас, балки “ёшга бўлинишда ижтимоий онг учун муҳим бўлган – ривожланиш, ўсиш, ривожланишда маълум (энг юқори) даражага эришиш ва сўнишни” ифодаловчи ёй шаклида тасаввур қилади [2:11]. Ёшнинг ушбу метафорасини чуқурлаштириб, тадқиқотчи ёзади: “Тасаввур қилиш мумкинки, бу ёйнинг юқори қисми шундай жойки, унда бошқа ёш гуруҳлари вакилларига ном берадиган қандайдир бир “кузатувчи” бўлади. Бошқаларни номлаш хуқуқини у ўзининг аҳамияти, жисмоний ва интеллектуал кучи шарофати билан олган; кузатувчи ўзини гўё кўрмайди, ҳеч қандай атамайди. Етуклик давридаги шахслар учун ёшга оид лўнда ном, сифат ва феълнинг мавжуд эмаслиги шундандир” [2:12]. В. И. Матвеевнинг фикрича, тиллардаги суқут (матнда тушиб қолган, етишмаган жой) одатда эркак, аёл сўзлари билан тўлдирилиб, улар “ёшни ифодачилари маънолари билан фақат қисман боғланган” [2:12].

Шунингдек тадқиқотчининг русча ‘Инсон ёши’ семантик майдонида “кечиккан болалик шахсларини билдирадиган сўзлар кичик гуруҳида асимметрия кузатилиб, бу аёл жинсидаги шахсларни билдириш учун лексик бирликларнинг мавжуд эмаслигида ифодаланади (қиёсланг, эскирган: отроковица (бўйига етаётган (етмаган) қиз, отрочица); инглизча инсон ёши семантик майдонида, аксинча, ушбу кичик гуруҳда фақат ўсмир-қизларни аташ учун бир қатор сўзларнинг (flapper, subdeb ва б.) мавжудлигига қарамай, ўғил бола-ўсмирларни билдириш учун бундай номлар деярли мавжуд эмас” [2:14].

В. Г. Гак “...бир тилдан бошқасига ўтишда номлардаги ўзгаришлар кўпинча битта номлаш усулини бошқаси билан алмаштириш билан чегараланиб қолмайди, бироқ улар ифодаланаётган тушунчанинг ўзининг ҳажмини ёки чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ” [1:44] деган далилни намойиш қилиш мақсадида ёшга оид номларнинг шкаласини тузади. Денотатларнинг мос келмаслигига французча ва русча номинациялар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин: “Оддий луғавий мувофиқлик шундай тасаввур ҳосил қилади-ки, “болалик” – “enfance”, “ўспиринлик” – “adolescence”, “ёшлик” – “jeunesse” сўз-тушунчалари ўзаро боғланишдадир. Аслида, бу сўзларнинг қўшимча оттенкаларидан четга чиқилса ва уларни ёшлар шкаласига жойлаштирилса, жуда кўп фарқлар кузатилади” [1:45]. Изоҳли ва синоним луғатларнинг маълумотларини ишлатиб, тадқиқотчи қуйидаги шкалани тузади:




Демак, “агар 6-8 ёшли болани ифодалаш биз enfant ва “ёш бола” сўзларини қиёслашимиз керак бўлса, 12-14 ёшли учун enfant ва “ўспирин” сўзларини, 16-18 ёш учун adolescent ва “ёш йигит” сўларини қиёслашимиз керак ва ҳ.к. [1:45 ].

Матнларда ёшга оид маъноли сўзларнинг ишлашини таҳлил қилишда биз турли тилларда у ёки бу ёш номинациялари ортида турган нафақат концептуал мазмун, балки бу сўзларнинг денотатив маъноси ҳам мос келмаслиги мумкинлик далилини эътиборга олишимиз зарур.

“Тиббиёт энциклопедиясида” инсон ёшининг қуйидаги даврлари кўсатилган:

1. Болалик ёши – туғилганидан жинсий етилиш бошлангунча (12-13 ёш);
2. Ўсмирлик ёши – қиз болаларда 12-13 ёшдан тортиб 16 ёшгача, ўғил болаларда 13-14 ёшдан тортиб 17-18 ёшгача;
3. Ёшлик ёши – аёлларда 16 дан 25 ёшгача, эркакларда 17 дан 26 ёшгача;
4. Катталик ёши – аёлларда 25 дан 40 ёшгача, эркакларда 26 дан 45 ёшгача;
5. Баркамоллик ёши – аёлларда 40 дан 55 ёшгача, эркакларда 45 дан 60 ёшгача;
6. Қарий бошлаган ёш – аёлларда 55 дан 75 ёшгача, эркакларда 60 дан 75 ёшгача;
7. Кексалик ёши – аёллар ва эркакларда 75 дан юқори.

Шунингдек, 90 ёш ва ундан юқори умр кўрган шахслар учун узоқ яшаганлар махсус ёшини ажратиб кўрсатиш таклиф қилинади [5].

Ўсмирлик ёши Википедияда болалик ёши даврига киради, катта ёшли инсоннинг ёш даврлари эса ёшлик, баркамоллик ёшининг биринчи даври (эркаклар 21-35 ёш, аёллар 20-35 ёш), баркамоллик ёшининг иккинчи даври (эркаклар 35-60 ёш, аёллар 35-55 ёш), қарий бошлаган ёш (55/60 – 75 ёш) ва кексалик ёши (75 – 90 ёш). 90 ёш ва ундан юқори бўлган эркаклар ва аёллар узоқ умр кўрувчилар ҳисобланади [4]. Демак, олимлар, умуман олганда, инсон умри циклининг учта асосий даврини ажратиб кўрсатадилар:

1. Ўсиш ва ривожланиш, морфологик, жинсий, маънавий етуклик ёшигача давом этадиган функционал тизимларнинг шаклланиши;

2. Ўртача барқарорлик, организм функционал тизимларининг етилиши даври;

3. Куч-қувватдан қолиш (сўлиш), организмни қариши вақтида функционал тизимларнинг сусайиши ва издан чиқиши, у репродектив функция тўхтаганидан кейин бошланади [3].

Олимларнинг фикрини ва ёш маъноли фразеологизмларнинг абсолют кўпчилик қисми халқлар – тил соҳиблари томонидан халқ тажрибасига суяниб, инсон умрининг аниқ даврлари ҳақидаги илмий билимларсиз яратилганлиги фактини эътиборга олиб, ишимизда, ўрганилаётган ФБларнинг семантикаси асосида, биз қуйидаги фразео-семантик гуруҳларни (ФСГ) ажратиб кўрсатамиз:

1. “Болалик ёши” маъноли фразео-семантик гуруҳлар ҳамда ўз ичига ўсмирлик ёшини тасвирлашга тегишли бўлган фразеологик бирликлар;

2. “Ўспиринлик” ёши маъноли фразеосемантик гуруҳлар;

3. “Баркамоллик ёши” маъноли фразео-семантик гуруҳлар, уларга катталик ва баркамоллик ёшларини ёки баркамоллик ёшининг биринчи ва иккинчи даврини ифодаловчи ФБлар жамланган;

4. “Кекса ёш” маъноли фразео-семантик гуруҳлар, чунки, биринчидан, “қарий бошлаган ёш”ни ифодаловчи ФБларнинг жуда чекланган сони мавжуд, иккинчидан, бир қатор ҳолларда фразеологик бирликнинг семантикаси бир вақтнинг ўзида “қарий бошлаган ёш” ва “кексалик ёши” тушунчаларини билдириши мумкин;

5. Умумлаштирилган “ёш” семантикали фразео-семантик гуруҳлар. Ушбу фразеологик семантик гуруҳга умуман ёш тушунчасини ифодалашга тегишли бўлган, ҳаётнинг ёш циклида кетма-кет турадиган иккита ёш даврини бирлаштирувчи, кексалик ва ёшликни қарама-қарши қўйувчи фразеологизмлар киради, чунки инсон билан боғлиқ жуда кўп ҳодисалар, кўпинча қатъий ва аниқ математик таҳлилга бўйсунмайдиган мураккаб ва бир маъноли бўлмаганларга киради.

Ажратиб кўрсатилган фразеологик семантик гуруҳларнинг ҳар бирини бевосита таҳлилига киришишдан олдин, кўрсатиб ўтамизки, уларнинг ҳар бирига ҳам сўз бирикмаси структурали, ҳам гап структурали (мақоллар, маталлар) фразеологик бирликлар киради. Кейингиларини териб олишда биз фразеологик бирликларни ўзининг компонентлари маъносини тўлиқ ёки қисман қайта тушуниб етишни бошқалардан ажратиб турувчи таърифига таяндик. Яна қайд қилиш зарурки, инсон ёши ва маълум ёш даври семалари, шу тариқа ФБларни ушбу

семалар билан фразеологик-семантик гуруҳларнинг марказий, ядровий бирликларига қўшиб, ҳам ядровий характерга эга бўлишлари ва интеграл бўлишлари, ҳам бундай бирликларни фразео-семантик гуруҳларнинг ташқарисига "жўнатиб", ядросиз, дифференциал бўлишлари мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология (На материале французского и русского языков). М.: Междунар. отношения, 1977. 44-45 бетлар.
2. Матвеев В. И. Википедия 1987.10-11.
3. [https://studopedia.su/2 54040 vozrastnie periodi. html].
4. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Возрастная периодизация].
5. https://medical-enc.ru/3vozrast.shtml

## ОБОГАЩЕНИЕ РУССКОЙ РЕЧИ СТУДЕНТОВ ОБЩЕЯЗЫКОВЫМИ МЕТАФОРАМИ.

Мамаджанова Мохимир Рашидовна
старший преподаватель
Андижанский государственный медицинский институт

***Аннотация**: Статья посвящена актуальной проблеме современной методике преподавания русского языка – обогащению речи студентов с изучением метафор.*

***Ключевые слова**: метафора, тропы, метафоричность, речь, метафорическое значение слов, прямое и переносное значения, антонимы, синонимы, лексика.*

## ТАЛАБАЛАРНИНГ РУС ТИЛИДАГИ НУТКИНИ УМУМИЙ ТИЛ МЕТАФОРАЛАРИ БИЛАН БОЙИТИШ

Мамаджанова Мохимир Рашидовна
катта укитувчи
Андижон давлат медицина институти

***Аннотация:** Ушбу макола рус тилини укитишда замонавий усулларнинг долзарб муаммолари – талабаларнинг рус тилидаги нуткини метафоралар билан бойитиш ёритилган.*

***Калит сузлар:** метафора, троплар, мажозийлик, нутк, сузнинг мажозий маноси, сузнинг тугридан-тугри ва кучма маънолари, антонимлар, синонимлар, лексика*

## ENRICHMENT OF RUSSIAN SPEECH OF STUDENTS WITH GENERAL LANGUAGE METAPHORS

Mamadjanova Moximir Rashidovna
Senior Lecturer
Andijan State Medical Institute

***Annotation:*** *The article is devoted to the urgent problem of the modern methodology of teaching the Russian language – enriching students speech with thee study of metaphors*

***Keywords****: metaphor, trails, metaphorical, speech, metaphorical meaning of words, direct and figurative meanings, antonyms, synonyms, vocabulary*

Одна из главных задач преподавателей национальных групп вузов – не только обучать студентов правильно излагать свои мысли на русском языке, расширять их словарный запас, но и прививать им культуру русской речи, вырабатывать у них практические навыки образного выражения мыслей чувств как в устной и в письменной форме. Знание русского языка – неотъемлемая часть подготовки полноценного специалиста любого профиля[1,75]. Для студентов же овладение русским языком – задача особой важности. Решению этой задачи в вузах Узбекистана уделяется большое внимание.

Русский язык необычайно богат различного вида тропами, его метафоричность часто ставит студента в затруднительные положения, или же недопонимание материала.

Как же вести работу над тропами, знакомить студентов с метафоричностью русской речи? Как связать эту работу с изучением других тем.

Работа над тропами – это словарно-стилистическая работа, направленная на активизацию образно-метафорических значений слов в русской речи студентов. Её надо вести упорно, настойчиво, целенаправленно и терпеливо, вести на каждом занятии – при изучении любой темы по русскому языку.

Метафора – употребление слова в переносном значении на основе сходства в каком-либо отношении двух предметов, явлений или действий. В отличие от двучленного сравнения, в котором приводится и то, что сравнивается, и то, с чем сравнивается, метафора содержит только второе, что создает компактность и образность употребления слов[2,58].

Метафора – это перенос названия с одного предмета или явления действительности на другой на основе их сходства в какомғлибо отношении или по контрасту.

Метафора является одним из самых распространенных художественных тропов в литературе. Метафора основывается на сходстве предметов или явлений в самых различных чертах. Она возникает из сравнения, сопоставления нового предмета с уже известным и выделения общих их признаков.

Чтобы появилась метафора, следует найти точки соприкосновения двух предметов или явлений в чем-то, например:

Озеро как зеркало – зеркало озера

Руки как золото – золотые руки

Волосы как серебро – серебряные волосы

Именно поэтому, метафора – скрытое сравнение.

Перенос значения одного слова на другой, то есть возникновение метафоры, связан с их сходством:

1. Подобие формы: дамская шляпка – шляпка гвоздя, копна сена – копна волос

2. Цветовая близость: янтарные бусы – янтарный блеск, золотое кольцо – золотая листва
3. Общность функции: дворники расчистили снег – автомобильные дворники, горит свеча – горит лампочка, сторож (охранник) – сторож (кухонное приспособление, не дающее подгореть молоку)
4. Похожесть в расположении: подошва обуви – подошва горы

Метафора основана на принципах функционирования поэтического слова, компенсирующих отказ от мотивировок единственностью и точностью выбора. Метафора расцветает на почве поэзии, но она не составляет ее вершины. Порожденная воображением, метафора всегда – прямо или косвенно – соотнесена с действительным миром. Метафора углубляет понимание чувственно воспринимаемой реальности, но не уводит за ее пределы.

В метафоре можно выделить 4 элемента:

1. Категория или контекст
2. Объект внутри конкретной категории
3. Процесс, каким этот объект осуществляет функцию
4. Приложения этого процесса к реальным ситуациям, или пересечения с ними.

Для углубленного изучения метафор следует:

1. Преподавателю привести примеры простых метафор, построенных на сближении предметов или явлений по одному общему признаку: *нос корабля, закат пылает*.
2. Анализировать несколько примеров.

Например: 1) *Снег давит на крышу. 2) Смешные они, те твои люди. Сбились в кучу и давят друг друга, а места на земле вон сколько, - он (Макар Чудра) широко повел рукой на степь (М.Горький).*

В первом примере глагол «давит» имеет значение «налегает тяжестью», а во втором примере глагол имеет значение «угнетать, притеснять» - притеснение человека человеком уподобляется той тяжести, которая давит на что-нибудь. После этого, поясняется, что переносное, т.е. метафорическое значение слова возникает по сходству между предметами, явлениями или действиями. Например: глагол плыть обозначает «передвигаться по поверхности воды или в воде». (*Плыть по реке. Плыть на пароходе, на плоту. Лодка плывет*). Этот глагол приобретает метафорическое или переносное значение, если его употребить для обозначения плавного движения или плавного распространения чего-нибудь (*Луна плывет по небу. Звуки плывут по полям*).

3. Сопоставить прямое и переносное значение слов.

Примеры: *Тоска давит грудь. Председатель давит своим авторитетом. Давить инициативу. Поршень давит на жидкость. Глядь – поверх текучих вод лебедь белая плывет. Туманы седые плывут к облакам. На красных лапках гусь тяжелый, задумав плыть по лону вод, ступает бережно на лед. … мысль одна плывет в небесной чистоте…*

4. На практических занятиях по теме «Лексическое богатство русского языка» важно показать студентам, что отдельные слова в русском языке бывают антонимичными или синонимичными лишь в переносных значениях (не являясь синонимами или антонимами в прямых значениях). Так, глаголы уколоть и ущемить

синонимичны лишь в значении «обидеть», «уязвить», грызть и точить – в значении «изводить, «мучить». В других значениях данные слова не синонимы.

Трудной, но очень важной задачей преподавателя является умение довести до сознания студента мысль о том, что метафора должна соответствовать стилистической окраске предложения или текста: в текстах о высоких, светлых, положительных предметах или явлениях употребляются метафоры светлого, торжественного, радостного тона; в текстах о тяжелых, мрачных, отрицательных предметах и явлениях метафоры имеют соответствующую содержанию окраску. Например, метафора «плеяда» (созвездие) вполне уместна в предложении *В 9-15 веках в математической науке Средней Азии блистала плеяда великих ученых: Мухаммед Хорезми, Абу Райхан Беруни, Джемшид Каши*. Но эта метафора совершенно неуместна в предложении *В повести «Смерть ростовщика» С.Айни изобразил (плеяду) скупцов и скряг, рабов «желтого дьявола»* [3,23].

Задача преподавателя – научить студентов определять те признаки, по которым происходит перенос значений. В этом отношении полезны такие задания:

– объяснить смысл метафор

– указать признаки, по которым происходит перенос значений.

Примеры: *И на грядках, от капусты пенных, челноки ныряют огурцов* (С. Есенин). *Горбушка месяца; пшеничные усы; понурая листва; возмужалые хлеба; осанистый дом* (М. Шолохов). *Слова – тот материал, из которого шьются пиджаки и брюки мыслям, чувствам* (М. Горький).

Таким образом, решение задач по сопоставлению прямых и переносных значений слов, по подбору антонимов и синонимов к переносным значениям, по выделению признаков сходства между предметами, по подбору метафор, соответствующих той или иной стилистической окраске предложения и текста и т.п., способствует усвоению студентами русской лексики с образно-метафорическим значением, включению ее в их активный словарный запас, обогащению русской речи студентов.

**Список использованной литературы**:

1. Виноградов В.В. Русский язык/Под ред. Г.А. Золотовой. – 4-е изд.- М.:Рус.яз.,2001. – 720с
2. Канакина В.П. Русский язык. Методическое пособие с поурочными разработками. – М.:Просвещение, 2012
3. Львов М.Р. Словарь – справочник по методике преподавания русского языка: Пособие для студентов педагогических вузов.- М.:Академия, 2002

## ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ МАЪНОСИ ВА УНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ ҲАҚИДА

Умида Мансуровна Рашидова, Самарқанд давлат университети, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

***Аннотация:*** *Ўзбек тилидаги фраземаларда кенг тарқалган услубий функциялар умумий ва доимий характерга эга бўлиб, бадиий матнларда ҳам, насрий матнларда*

*реаллашади, улар фраземаларнинг ўзига хос, категориал хусусиятлари билан бевосита алоқадордир. Бадиий асар тили ва услубини тадқиқ этишга бағишланган айрим ишларда ҳам йўл-йўлакай тилнинг бошқа тасвирий воситалари қатори фраземаларнинг услубий имкониятлари ҳақида ҳам фикр юритилган. Мақолада фраземаларнинг услубий маънолари, уларнинг услубий жиҳатдан фарқланиши, услубий тармоқланиши ҳамда улар ўртасидаги маънодошлик ҳодисалари бадиий асарлардан олинган мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *фразеология, фразеологизм, кўп маъноли фразеологизмлар, услубият, услубий бўёқдорлик.*

## О МЕТОДОЛОГИЧЕСКОМ ЗНАЧЕНИИ УЗБЕКСКИХ ФРАЗЕМ И ИХ КОМПОНЕНТОВ

Умида Мансуровна Рашидова, Самаркандский государственный университет, доктор философских наук (PhD),

***Аннотация:*** *Методологические функции, которые распространены во фраземах узбекского языка, носят общий и постоянный характер, как в литературных, так и в прозаических текстах, и напрямую связаны с конкретными категориальными особенностями фразем. В некоторых работах по изучению языка и художественного стиля также рассматриваются методологические возможности фразем наряду с другими визуальными средствами языка. В статье на примерах из художественных произведений анализируются методологические значения фразем, их методологическая дифференциация, методологическая ветвь, а также явлениесинонимов между ними.*

***Ключевые слова:*** *фразеология, фразема, фразеологические значения, методология, методологическая красочность.*

## ON THE METHODOLOGICAL SIGNIFICANCE OF UZBEK PHRASEMES AND THEIR COMPONENTS

Umida Mansurovna Rashidova,
senior lecturer of Samarkand State University, Doctor of Philosophy (PhD),

***Abstract:*** *The methodological functions that are common in phrasemes of the Uzbek language are general and constant in both literary and prose texts, and are directly related to specific categorical features of the phraseme. Some works on the study of language and artistic style also consider the methodological possibilities of phrasemes along with other visual means of the language. The article analyzes the methodological meanings of phrasemesusing examples from literary works, their methodological differentiation, methodological branch, as well as the phenomenon of synonyms between them.*

***Key words:*** *phraseology, phrase, phraseological meanings, methodology, methodological colorfulness.*

Фраземаларнинг услубий таснифи доирасига қуйидаги долзарб масалалар киради: услубий маъно ва унинг компонентлари, фраземаларни услубий жиҳатдан

фарқлаш мезонлари, ўзбек фразеологик системасининг услубий қатламларини белгилаш, фраземалар маънодошлиги ва уларнинг услубий тармоқланиши ва бошқалар.

Сўзнинг семантик структурасини ўрганишга бағишланган ишларда коннотациянинг икки тури ингерент коннотация ва адгерент коннотация ўзаро фарқланади. Ингерент коннотация дейилганда сўз ёки ибора контекстдан ташқари олинган ҳолатда уларга хос бўлган коннотатив маъно тушунилса, адгерент коннотацияда сўз ёки иборанинг муайян контекстда ифодалайдигаи нутқий коннотатив маънолари эътиборга олинади[1]. Шунинг учун биз ҳам фраземаларнинг услубий тавсифи, уларнинг семантик структурасини ўрганишда ибора тил элементи сифатида ўз парадигматик қаторида олинганда унга хос бўлган ингерент (лисоний) коннотатив маънони ва адгерент (нутқий) коннотатив маънони фарқлашга ҳаракат қиламиз, чунки бу икки хил коннотацияни бир-биридан фарқламасдан туриб ўзбек тилидаги фраземаларнинг семантик структурасини изчил ва асосли ўрганиб бўлмайди.

Маълумки, тилдаги барча бирликлар номинатив-мантиқий маъно билан бирга услубий бўёқдорликка ҳам эгадир. Улар матнда ўзига хос «экспрессив атмосфера билан ўралган» (В.В.Виноградов) бўлади. Бу ҳолат тилшуносликда ҳозирга қадар турлича номланиб келинмоқда. Тил элементларига ирония, тантанаворлик, ҳазил-мутойиба, ишонмаслик, шубҳа каби услубий нозикликларни юкловчи бундай ҳодисани номлашда олимлар “услубий бўёқ”, “услубий тоналлик”, “коннотация” каби бир қанча терминлардан фойдаланмоқдалар. Биргина “коннотация” атамасининг ўзи ҳам тилшуносликда ҳозирги кунга қадар ҳар хил таърифланаётир. Жумладан, О.С.Ахманова, Н.М.Шанский, М.Тикоцкий каби таниқли олимлар коннотатив элемент асосий маънога қўшимча тарзда юкланади, шунга кўра, у тил бирликларининг семантик структурасига кирмайди, деб ҳисоблайдилар [2].

А.В.Кунин, С.Г.Гаврин, А.М.Мелерович сингари бошқа бир гуруҳ фразеолог олимлар эса коннотацияни лексик ёки фразеологик маънонинг таркибий қисми сифатида изоҳлайдилар. Э.С.Азнаурова эса коннотацияни объектив тил ҳодисаси деб қараш тарафдори сифатида кўринади [3]. Проф.Э.Қиличевнинг талқинича, коннотатив маьно сўз семантикасидан денотатив маьно ажратилгандан кейин ҳосил бўладиган айирмага тенгдир[4].

Фраземаларнинг эмоционал-экспрессив бўёқдорлигини аниқлашнинг энг муҳим йўли уларни семантик-услубий ва контекстуал методлар асосида синчиклаб ўрганиш, фраземаларнинг контекстдаги маъно қирраларини белгилашдир. Аммо ЎТИЛда, янгидан тузилган беш жилдлик ЎТИЛ-5, проф. Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати” (ЎТИФЛ, 1978) “Ўзбек тилининг фразеологик луғати” (ЎТФЛ, 1992), М.Содиқованинг “Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғати” (ҚЎРФЛ, 1989), Б.Менглиев, М.Худойбердиеванинг “Ўзбек тили иборалари ўқув луғати” (ЎТИЎЛ, 2007) каби лексикографик манбаларда фраземаларнинг маъно доирасини аниқлаш жараёнида унда қўшимча услубий, баҳо элементлари борлиги кўпинча ҳисобга олинмайди. Масалан, “*кўзи тўрт*

*бўлди"* фраземасини олиб кўрайлик. Бу фразема ЎТИЛда "ниҳоятда интизорлик билан кутди" маъносига эга эканлиги қайд қилинган (ЎТИЛ, 1, 411). Янги ЎТИЛда *"кўзи тўрт (бўлмоқ)"* ибораси оддийгина "йўлига интизор" тарзида изоҳланган (ЎТИЛ-5, 2, 446). Ш.Раҳматуллаев луғатида эса бу фраземанинг *"кўзлари тўрт бўлди", "кўзи тўрт бўлиб", "икки кўзи тўрт бўлиб", "тўрт кўз бўлиб"* сингари вариантларга эга эканлиги қайд қилинган ҳамда "интизор бўлмоқ" маъносини ифодалаши таъкидланган (ЎТФЛ, 142). М.Содиқова луғатида эса бу иборанинг русча таржимаси *"все глаза проглядел; ждал с нетерпением; ждал не дождался; высматривал"* тарзида берилган (ҚЎРФЛ, 150). Кўринадики, юқоридаги тўрт лексикографик манбада бир фраземанинг изоҳи фарқли томонларга эга. Бу жиҳатдан ЎТИЛда қайд этилган "ниҳоятда" семаси ўша фраземанинг қўшимча услубий маъноси саналади. Ҳар тўртала манбада ҳам ўша фраземанинг услубий хосланиши, яъни қайси услубда кўпроқ қўлланиши ҳам таъкидлаб кўрсатилиши лозим эди. Энди худди шу фраземанинг айрим туркий тиллардаги изоҳи билан танишайлик. "Қирғиз тилининг фразеологик луғати"да *"экки козу торт бодуу" ("икки кўзи тўрт бўлмоқ")* ибораси келтирилиб, унга *"қандайдир бир нарсани жон дили билан тиламоқ, зориқиб кутмоқ"* деб изоҳ берилган (ҚТФЛ, 315). О.Жамалдинов томонидан тузилган "Уйғур гилининг изоҳли фразеологик луғати" да *"тўрт кўз билан (кутмоқ)"* ибораси келтирилиб, унга "интизорлик билан" тарзида изоҳ берилган (Жамалдинов О., 1985, 184). "Татар тилининг фразеологик сўзлиги"да *"кўз дурт бўлу"* иборасига "кутилмаган ҳол-хабардан, ажаблаиувдан кўзлар тўрт бўлиб очилув", деб изоҳ берилган (Исанбат Н., 1985, 1, 460), туркман тилида эса *«кўзи тўрт бўлмоқ»* ибораси «турмуш қурмоқ, уйланмоқ" маъносини ифодалайди (ТТФС, 121).

Кўринадаки, лексикографик ва фразеографик манбаларда фраземалар турлича изоҳланади, уларда фраземаларнинг қўшимча услубий маъноси (коннотатив хусусияти) кўпинча қайд этилмайди. Аслини олганда, фраземаларнинг услубий томони таъкидланганда луғатларда махсус ҳаволалар-белгилар қўлланилиши лозим. Лекин туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили фраземалари изоҳида ҳозирги кунга қадар бунга кўпинча амал қилинмайди.

Масалан, ЎТИЛда фраземалар ромбик билан берилган, уларнинг айримлари эса услубий (китобий, сўзлашув тили сингари) ҳаволалар билан таъминланган. Жумладан, *"кўзи қаттиқ"* фраземасининг "кишига тикилиб қарайдиган, уялмайдиган, хаёсиз" маънолари кайд қилинган, шу билан бирга, унга с.т. (сўзлашув тилига хос) деган хавола ҳам қўйилган (ЎТИЛ, 1, 411; ЎТИЛ-5, 2, 446). Ш.Раҳматуллаев луғатида эса бу фразема қайд этилмаган. М.Содиқова луғатида *"кўзи қаттиқ"* фраземаси "у него наглые (бесстыдные) глаза" деб таржима қилинган ва неодобр. (неодобрительно) деган белги қўйилган (ҚЎРФЛ, 150).

Баъзан фраземаларнинг эмоционал-баҳо бўёғи луғатларда уларни изоҳлаш таркибига киритилади (бу ҳолат фраземанинг узуал, лисоний хусусияти билан ҳам боғлиқ). Масалан, А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» да *"қазо қилмоқ"* ибораси оддий сўзлашувда, асосан катта ёшдаги кишиларга нисбатан ва вафот этиш вақтларида, уни бошқаларга хабар қилишда қўлланиши таъкидланган (ЎТСИЛ, 242-243). *"Нобуд бўлмоқ"* ибораси ҳам қўлланиш жиҳатидан

.оддий сўзлашувга хос, лекин у асосан гўдакларга нисбатан қўлланади. Энди бу икки фраземанинг ЎТИЛ ва ЎТИЛ-5даги изоҳлари билан танишайлик: *“Қазо қилмоқ* – ўлмоқ, вафот этмоқ” (ЎТИЛ, П, 536; ЎТИЛ-5, 5, 210); *“Нобуд бўлмоқ”* –“ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ” (ЎТИЛ, 1, 505; ЎТИЛ-5, 3, 45). Кўринадики, ЎТИЛ ва ЎТИЛ-5да ҳар иккала ибора изоҳида уларнинг қўлланиш хусусияти, услубий хосланиши очиб берилмаган.

Шуниси муҳимки, энг дастлабки нашр этилган “Ўзбекча-русча луғат”ларда ҳам фраземалар талқинида уларнинг услубий аспекти лисоний изоҳ таркибига киритилган эди (Ишаев М., 1880; Юдахин К.К., 1927).

Умуман олганда, сўзда бўлгани сингари фраземаларда ҳам мантиқий-номинатив маъно билан бирга экспрессив-услубий бўёқдорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда семасиологияга оид тадқиқотларда “услубий маъно”, “тил бирликларидаги умумий-эмоционал баҳо ёки экспрессив маънонинг ифодаланиши”, “узуал ва окказионал лексик маънолар” каби атамалар қўлланилмоқда[5]. Т.Г.Винокур эса бу ҳодисани номлаш учун “услубий коннотация” атамасидан фойдаланган[6]. Д.Н.Шмелев лексик ва услубий маъноларни ўзаро қиёслаб, индивидуал, соф лексик маънони грамматик ва экспрессив-услубий элементлар ажратилгандан кейинги “қолдиқ” (“остаток”) деб ҳисоблайди[7]. Т.Г.Винокур эса бу фикрни давом эттириб, шундай ёзади: “тадқиқотнинг семантик-услубий йўналишида сўз (сўз бирикмаси, конструкция)”нинг умумий семантикасига қўшиладиган услубий маънони “қолдиқ”, аниқроғи “қўшимча”, деб ҳисоблаш мумкин[8]. И.В.Арнольд коннотация таркибига “эмоционаллик”, “экспрессивлик”, “баҳолаш” ва “услубий бўёқдорлик”ни киритади[9].

Кўринадики, услубий маъно инсон онгининг экспрессив-баҳолаш фаолияти маҳсули бўлиб, сўз ва фраземанинг тушунча ифодалаш хусусияти билан узвий боғлиқдир. Сўз ва иборанинг денотатив ҳамда конотатив маъноларга эга эканлиги уларнинг бадиий тасвирда асосий воситалардан бири сифатидаги ролини белгилайди.

Шундай қилиб, бизнингча, “коннотация”, “услубий бўёқ”, “услубий маъно” атамалари бир тушунчани, бир лисоний ҳодисани ифодалайди. Уларни фразеологик услубийада маънодош атамалар сифатида қўллаш мумкин. Лекин айрим услубшунослар бу атамалардаги фарқли томонларни аниқлашга ҳам интилмоқдалар, лекин бундай интилишлар ҳозирча яхши натижа бераётгани йўқ[10].

Маълумки, ўзбек тили луғат таркибида кенг истеъмолдаги сўзлар миқдор жиҳатдан асосий қисмни ташкил этади. Бундай сўзлар, 26 мавзуий гуруҳдан иборат бўлиб, кундалик турмушда кенг қўлланилиши, кўпчилик учун тушунарли эканлиги ва услубий жиҳатдан нейтраллиги билан характерланади[11]. Бу сўзларнинг ана шундай услубий нейтраллиги, нейтрал услубий бўёққа, ноль услубий маънога эгалиги уларнинг услубий тавсифи учун хизмат қилади, чунки бу сўзлар юқори ёки кам (паст) услубий бўёққа эга бўлган сўзларни ажратиш, белгилаш учун услубий фон вазифасини ўтайди.

Фраземалар орасида услубий жиҳатдан нейтраллар", яъни услубий нолларнинг мавжуд бўлиши жуда камдан-кам учрайдиган ҳолат. Лекин бу нарса айрим олимлар ҳисоблаганидек, "фразеологияда коннотатив элемент доим маънонинг денотатив элементидан устун келади"[12], дейишга асос бўла олмайди. Масалан, *"қош кўяман деб кўз чиқармоқ", "ўн гулидан бир гули очилмаган"* сингари фраземаларда соф номинатив маъно коннотатив маъно томонидан сиқиб чиқарилади, дейиш маъқул эмас. Буни қуйидаги матнлар ҳам тўла тасдиқлайди: *"...ҳамма оғир сукутга толиб, қош кўяман деб кўз чиқарганлигини ҳис этмоқда эдилар"* (Ж.Абдуллахонов. Суиқасд). *"У энди йигирма уч ёшга кирган, ўн гулидан бир гули очилмаган бўлса ҳам, бошига эрта тушган ташвишлар унинг оппоқ юзидан кулгичларини сўндирди"* (Ҳ.Ғулом. Мангулик).

Юқорида келтирилган дастлабки матнда *"қош қўяман деб кўз чиқармоқ"* фраземаси "яхшилик қиламан деган ҳолда ёмонлик қилиб қўймоқ" деган коннотатив маъно (ЎТФЛ, 353) ифодаси учун хизмат қилмоқда. Кейинги матнда эса *"ўн гулидан бир гули очилмаган"* фраземаси "ҳусн-жамоли эндигина намоён бўла бошламоқ" коннотатив маъноси (ЎТФЛ, 331) учун восита бўлган. Ёзувчи Б.Худойбергановнинг "Аёл армони" романидан олинган қуйидаги парчада эса *"қош қўяман деб кўз чиқариб қўймоқ"* фраземаси қизининг хурсандлик кайфияти отаси Улуғбекнинг ички кечинмалари орқали ифодаланган: *"- Ойи, ойижон, суюнчи беринг! Мен ҳам икки-уч кун ичида ишга тушиб кетадиган бўлдим! – дея Фарангиз ёш болалардай югуриб уйга кириб кетди. "Қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйдим, шекилли" деб Улуғбек ўйлади ичида"* (Б.Худойберганов. Аёл армони). Ёзувчи Б.Худойбергановнинг "Қўйнимдаги қотил" романида *"ўн гулидан бир гули очилмай"* фраземаси икки марта қўлланган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир аёл – эрининг қотили сифатида айбланаётган Зебохонга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўлланган. Дастлаб бу фразема Зебохонни қотилликка ундаган Тўлғоной томонидан тилёғламалик белгиси сифатида ишлатилган: *"- Нималар деяпсиз ўргилай? Шу арзимаган бир эркакни деб ўн гулингиздан бир гулингиз очилмай ўлиб кетмоқчимисиз? Куриб кетсин шу эр қилиб юрганинг, зоти паст. Ҳали мени айтди дерсиз... Сизга етишиш ниятида менман деган эркаклар кетингиздан соя бўлиб эргашиб босган изларингизни тўтиё қилишиб кўзларига суртиб юришади, айланай..."* (Б.Худойберганов. Қ.қ., 47). Иккинчи марта бу фразема Зебохонга нисбатан унинг онаси томонидан қизининг хатти-ҳаракатига нисбатан афсус-надомат воситаси сифатида қўлланган: *"-Қўй қизим, бундай дема. Ҳали сенинг ўн гулингдан бир гулинг очилган эмас. Агар ҳамма иш бости-бости бўлиб сен қамалмай қолсанг, Пардагул опангдан омонатларингни олиб ҳовли сотиб оламиз. Кейин сен, мен, Холидахон – учаламиз бирга яшайверамиз, қизим"* (Б.Худойберганов. Қ.қ., 317).

Фраземаларнинг услубий маъноси икки компонентдан иборат: а) экспрессив-баҳо бўёғи - бу компонент фраземага баҳолаш ва бошқа эмоционал оттенкаларни юклайди; б) иккинчи компонентни "функционал-услубий бўёқ" деб номлаш мақсадга мувофиқ, чунки бундай деб аташ фраземаларнинг турли функционал услубларда қўлланилишини ҳам ўзида ифода этади.

Бундан кўринадики, тилимиздаги ҳар бир фразема икки хил услубий бўёққа эга бўлиб, улар бир ҳодисанинг турли томонларини ифодалайди. Лексикографик

ишларда (амалиётда) тил элементларнинг услубий бўёғи кенг тушунилади: унинг доирасига тарихий-замонавий тавсиф хам киритилади. Шубҳасиз, луғатларда “эски”, “тарихий”, “неологизм”, “бетакаллуф” сингари ҳаволалар ҳам зарур, улар тил элементларининг қўлланиш доирасини, фаол ёки нофаоллигини кўрсатишга хизмат қилади, лекин бундай ҳаволалар сўз ёки фраземанинг услубий маъноси (бўёғи) билан бевосита алоқадор эмас.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1969. – С. 523-524; Шаховский В.И. Эмотивный компонент значения слова и методы ее описания. – Волгоград, 1983. –С. 12-14; Стернин И.А. Лексическое значение слова в речи. – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 1985. – С. 70-78 ва бошқалар.
2. Говердовский В.И. История понятия коннотации // НДВШ «Филологические науки», 1979. № 2. –С. 83-86; Стернин И.А. Лексическое значение слова в речи. – Воронеж: 1985. –С. 89-93; Шаховский В.И. Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка. – Воронеж, 1987. –С. 12-14; Шаховский В.И. Эмотивный компонент значения слова и методы ее описания. – Волгоград, 1983. – С. 18-37 ва бошқалар.
3. Азнаурова Э.С. Очерки по услубийе слова. – Ташкент, Фан, 1973. – С. 88.
4. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. –Б. 10.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б. 40-42.
6. Винокур Т.Г. Закономерности стилистического использования языковых единиц. – М.: Наука, 1980. –С. 42.
7. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. –М.: Наука, 1973. – С. 13.
8. Винокур Т.Г. О содержании некоторых стилистических понятий // Стилистические исследования. – М.: Наука, 1972. – С. 14.
9. Арнольд И.В. Услубийа современного английского языка. –М., Просвещение, 1990. – С. 108-114.
10. Бу ҳақда қаранг: Кожин А.Н., Крылова О.А., Одинцов В.В. Функциональные типы русской речи. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 32-34.
11. Бу ҳақда қаранг: Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 11-13; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент: Фан, 1985. – Б. 116-125.
12. Федоров А.И. Фразеологизм как экспрессивно-стилистическая единица языка // Вопросы услубийи (сборник научных трудов). Выпуск 12. – Саратов: Изд-во Саратовского ун-та, 1977. – С. 26.

## ШОИРНИНГ БАДИИЙ ТАФАККУР ОЛАМИ

Каримов Обиджон Якубжанович ,
НамДУ доценти, филология фанлари номзоди

***Аннотация.*** *Мақолада шеър-метафоранинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ижоди мисолида таҳлил қилинган. Унда шеърнинг тасвир предмети инсон ҳис-туйғулари эканлиги, инсон қалбини тадқиқ этишилиги айтилади. Машҳур Аристотелнинг поэтик образ яратиш маҳорати ҳам тилга олинган. Поэтик метафора билан лингвистик метафора мисоллар билан солиштирилган. А. Ориповнинг метафорик образ яратиш маҳорати мисоллар билан таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:****образ (тимсол), глоссалар, метафора, поэтик метафора, лингвистик (лисоний) метафора, композицион контраст, композиция, шеър-ўхшатиш, сўз, сўз бирикмаси, образлилик, эстетика, гулливер, бургут, аллегория, муболаға, литота, тазод, тушунча, бадиий ҳукм (предикат)*

## ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ МИР ПОЭТА

Каримов Обиджон Якубджанович,
доцент НамГУ, кандидат филологических наук.

***Аннотация.*** *В данной статье рассматриваются поэтические метафоры на примере творчества народного поэта, героя Узбекистана Абдуллы Арипова. В нем говорится, что предметом стихотворения являются человеческие эмоции, исследование человеческого сердца. Также упоминается поэтический образ знаменитого Аристотеля. Сравнение поэтической метафоры с примерами лингвистической метафоры. Метафорические навыки Арипова анализируются на примерах.*

***Ключевые слова:*** *метафора, поэтическая метафора, лингвистическая метафора, композиционный контраст, образ, поэтическое сравнение, гипербола, литота, понятие, изображение, композиционный контраст, композиция, симуляция поэмы, слово, фраза, изображение, эстетика, гулливер, орел, художественное суждение (предикат).*

## POET'S ARTISTIC WORLD

Karimov Abidjon Yakubdjanovich,
doctor of filosophy (Ph.D), dosent

***Annotation.*** *The article discusses the poetic metaphors on the example of works of the people's poet and hero of Uzbekistan Abdulla Oripov. It says that the subject of the poem is a human emotion and study of the human heart. The poetic image of the famous Aristotle is also mentioned. There is a comparison of poetic metaphor with the examples of linguistic metaphor. A. Aripov's metaphorical skills are analyzed with examples.*

***Key words:*** *metaphor, poetic metapfor, compositional contrast, image, composition, poetic comparison, word, gloss, metaphor, linguistic metaphor, composition, simulation of a poem, word, phrase, image, aesthetics, Gulliver, eagle, allegory, concept, artistic judgment (predicate)*

Шеърият ҳақида гап кетганда, энг аввал унинг тасвир предмети инсон ҳис-туйғулари эканлиги, инсон қалбини тадқиқ этиши айтилади. Инсон қалби эса чексиз бир уммон. Ундаги эврилишлар, туйғулар жилвасини аташ учун ҳар доим ҳам сўз топилмайди. Шунинг учун шеър образ яратади, ўз навбатида, образ шоир

учун ўша ҳис-туйғуни ифодалашга, шеърхон учун эса қайта ҳис қилиб кўришга имкон яратади. Худди шу нуқтада лисоний метафора билан поэтик метафора орасидаги фарқни кўриш мумкин. Поэтик метафора – образ, у лисоний метафора каби аташга эмас, балки ифодалашга қаратилгандир. Зеро, поэтик метафора сўз ёки сўзлардан таркиб топувчи матн бўлгани ҳолда, унда ифода сўз (ёки сўз бирикмаси, гап, матн) воситасида эмас, балки унинг ёрдамида яратилган образ орқали амалга ошади. Арастунинг уқтиришича, агар умумистеъмолдаги сўзлар поэзия тилининг аниқлигини таъминласа, "*глоссалар, метафоралар, безаклар... олийжаноб ва улуғворлик касб*" этади [1], яъни кундалик нутқдан фарқлайди. Бундан кўринадики, Арасту ўзи айтмоқчи "ноодатий сўзлар"ни, жумладан, метафораларни *поэзия тилининг белгиловчи хусусияти* деб ҳисоблайди ва уларга ғоят катта аҳамият беради.Демак, биз оддий ҳақиқат сифатида қабул қиладиган "бадиий адабиёт сўз воситасида иш кўради, сўз воситасида ифодалайди" деган қарашни ҳам шундан келиб чиққан ҳолда тушуниш керак бўлади. Яъни сўз бадиий адабиётда образ яратиш воситасидирки, унинг ёрдамида сўз санъатининг ифода воситаси бўлмиш образ яратилади.

Абдулла Орипов адабиёт, шеърият ҳақида гапира туриб шундай дейди: "*Адабиёт, шеърият образлилик билан тирикдир. Шеъриятда самимият ҳам бўлиши керак. Шундагина у бир умр эсда қолади*" [2]. Демак, шоир шеърият олдига иккита асосий талабни қўяди: образлилик ва самимийлик. Шубҳасиз, ғоят тўғри талаблар. Лекин шуниси борки, уларнинг биринчиси поэзиянинг табиати билан, иккинчиси эса ижодкор шахс – шоир табиати билан боғлиқдир. Албатта, самимият жуда зарур, лекин образлилик бирламчи эканлиги шубҳасиз. Адабиёт илми бадиий образ поэзиянинг воқеликни бадиий-эстетик инъикос қилишида энг асосий, бирламчи восита эканлигини бешак ҳақиқат дея эътироф этади. Зеро, сўз санъати инсоннинг ички оламини ҳам, ундан ташқаридаги оламни ҳам бадиий образ воситасида идрок этиб, уларга эстетик идеал нуқтаи назаридан муносбатда бўлган ҳолда умумлаштиради ва конкрет ҳис этиладиган тарзда акс эттиради. Яъни бадиий образ санъатдаги ҳам тафаккур, ҳам ифода шаклидирки, шунинг учун образлилик санъатнинг белгиловчи хусусияти саналади.

Эстетика ва адабиётшуносликка оид ишларда бадиий образнинг материали бир томондан реал воқелик, иккинчи томондан ижодкор шахси эканлиги таъкидланади [3]. Агар метафора (ҳатто унинг энг оддий кўчим даражасидаги кўриниши ҳам) образ эканлигини эътиборда тутсак, бу гап унга ҳам тўла тегишли деган хулоса келиб чиқади. Аслида, буни Арасту яхши метафора ярата олиш, ўхшашликни кўра олиш истеъдоднинг белгиси деб ҳисоблаганидаёқ эътироф этган. Чунки ўхшашлик воқеликда мавжуд бўлса, уни кўра олиш ижодкор шахси билан боғлиқ, яхши метафора эса шу иккисининг бирлигида яратилади. Арасту метафора яратишни ўзгалардан ўрганиб, ўзлаштириб бўлмаслигини, яъни бунинг туғма қобилият билан эканлигини таъкидлайди [4]. Демак, метафора (умуман образ) ярата олиш учун киши алоҳида сифатларга эга бўлиши лозим. Хўш, бу қандай сифатлар? Бизнингча, ушбу саволга жавобни бошлаб Абдулла Ориповнинг ўзидан излаш керак.

Абдулла Орипов ижодидаги фалсафийлик "Она сайёра" шеърида ёркин акс этган. Шеърни мутолаа қилар эканмиз, унда фикрлар ўта нозик,қатма-қат

метафорик маъно юкламалари билан чуқурлаша ва кенгая борганини кўрамиз. Бундай фалсафий-эстетик маъно гуруҳланиши натижасида бадиий образнинг тузилиши ўзига хос поэтик структурага (тузилишга) эга бўла боради. Шеър қуйидаги мисралар билан бошланади:

*Қаршимда Ер шарин суврати турар,*
*Салмоғи Қуванинг анорича бор.*
*Тим қора осмонда порлаб кўринар,*
*Шу жажжи сайёра кўркам,улуғвор.* [2.210]

Шеърнинг ушбу кириш қисмида образнинг поэтик тузилишига экспозицион кириш ҳосил қилинади. Аста-секин шоир тафаккуридаги онг оқими оддий тарзда чизилган Ер шари образини фалсафий-мажозий маъно билан бойита боради:

*Унга боқаману ушлайман ёқа,*
*Наҳот шу кўрганим рост бўлса,наҳот?*
*Наҳотки еримиз бир кичик соққа?*
*Наҳотки биз шунга жо бўлсак,ҳайҳот!..*
*Уммонлар кўринар қатра ёш мисол,*
*Чигит увоғича келмас тоғлар ҳам.*
*Қитъалар,денгизларафтода бир ҳол,*
*Бари бир нуқтага бўлиб олмиш жам.*(Ўша жойда )

“Жажжи сайёра”,”бир кичик соққа”, уммонлар “қатра ёш”, тоғлар “чигит увоғи” ва шу каби бир қатор муболаға, кичрайтириш, литота, истиора ( метафора ) каби бадиий ифода ва тасвирий воситалар ёрдамида шоир “салмоғи Қуванинг анорича” бўлган асосий поэтик образни тазод (зидлаш) усули билан улуғлаштира боради:

*Сен ҳозир сувратсан кўзим ўнгида,*
*Эшита билмассан сўзимни балким.*
*Бир зумлик безовта ўйлар сўнгида*
*Яна рухсорингга тикиламан жим.*
*Бир ёнда ложувард Баҳри Муҳит бор,*
*Бир ёнда заъфарон Саҳрои Кабир.*
*Бир ёнда оқ сочли тоғлар пурвиқор,*
*Сенинг толеингга ўқийди такбир [2.211].*

Энди Ер шари образи оддий-персонаж тимсол маъносидан мураккаб тузилмага эга бўла боради. Бу эса шоирга Ер шари, унинг буюклиги,қудрати,инсоният учун ягона бешик, Галактикада танҳо ҳаёт манбаи эканлиги ҳақидаги фалсафий-космогоник қарашларига, хулосаларига замин яратади. Шеър поёнида турли элат ва миллатлар маскани бўлган сайёра тимсоли билан лирик қаҳрамоннинг қайғули ва сурурли туйғулари чизгисидан яратилган Ватан тимсоли бирлаша боради ва шоир ҳақли равишда шундай дейди:

. *Эллар тўзғиб ётар гул япроғидек*
*Бир ён шоҳу гадо, бир ён дўст, ғаним.*
*Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек*
*Буюк ва бетимсол менинг ватаним.*
*У менинг кўзимга ҳилолдай маҳваш,*

*Офтоб келар фақат унинг қошига.*
*О, она сайёра, бағрингни поклаш*
*Менинг Ватанимнинг тушган бошига* (Ўша жойда).

Шеър мисраларини таҳлил қилишда давом этарканмиз,юқоридаги ҳолатни таъминлаш шоирнинг фалсафий тафаккури зиммасига тушганини осонгина пайқаймиз. Натижада"Она сайёра" – ҳамма учун бир бутун ватандир" маъносидаги жиддий хулосани чикаришга ишонч ҳосил қиламиз:

*Мен ҳам бир ўглингман,она сайёра,*
*Бағринг мен учун ҳам,ҳоки пок бўлсин.*
*Толеинг то абад бўлмасин қора,*
*Манглайинг оқ бўлсин,ярқироқ бўлсин.* [2.207]

" Поэтик образ – бу фақатгина шакл бўлмай,балки субъект ( лирик қаҳрамон ) туйғу тафаккури орқали янги маъно касб этиб кенгайиб ва мураккаблашиб борувчи бадиий жараён ҳамдир" [5. 56].

Абдулла Ориповнинг "Гулливер" шеъри жаҳон халқлари мулкига айланган асарга таяниб ёзилган. Шеърнинг қуйидаги мисраларига эътибор қаратайлик:

*Атрофин улканлар қуршагани чоқ,*
*Гулливер заррадир, у – йўқ, у – ўлган.*
*Митти одамчалар қошида бироқ*
*Гулливер буюкдир, Гулливер – улкан* [2, 326].

Бизнингча, шу банднинг ўзи мустақил ҳолда ҳам метафорик маънони ифодалай олади. Бу ҳолда Гулливер метафораси улуғлар оёғига пояндоз бўлгани ҳолда ўзидан паст мақомдагилар қаршисида "жажжи наполеон"га айланувчи кишини характерлайди, шундайларга қаратилган эпиграмма бўлиб жаранглайди. Балки, тушунувчилар доираси тор бўлиб қолишини ўйлагандир, ҳар ҳолда шоир биринчи бандда Гулливернинг улканлар ва миттилар оламида бўлганини, яъни асарнинг асосий мазмунини эслатиб ўтади. Ҳолбуки, машҳурлиги бундан асло ортиқ бўлмаган ривоят билан мазмунан боғланувчи метафорик тўртликда эса изоҳ берилмайди:

*Бир йўл чеккасида ётибман нолон,*
*Чорасиз бўлсам-да, мен ҳам тирик жон.*
*Устимга отингнинг сояси тушди,*
*Жиловини нари тортсанг-чи, нодон!* [2, 250]

Шеър Искандар Мақдуний билан файласуф Диогеннинг учрашуви ҳақидаги антик ривоятга боғланади. Эмишки, офтобда исиниб ётгн Диоген ёнига отлиқ Искандар келганида, файласуф зарра парво қилмай ётаверади. Жаҳли чиққан жаҳонгир "Менинг кимлигимни биласанми?" деб дўқ урали, файласуф эса хотиржам "Ким бўлсанг ҳам, нари тур: офтобни тўсяпсан!" дея жавоб қилади. Тўртликнинг метафорик маъноси шу ривоят билан боғлиқ юзага чиқади ва бу фақир шоирнинг ўзини Искандар мисоли тутган кишига дуч келган ондаги аччиқ киноояси сифатида тушунилиши мумкин. Яъни бунда лирик субъектнинг оний кайфияти ифодаланса, "Гулливер"да инсон феъл-атворига оид фалсафий умумлашма чиқариш мақсади устувор. Шуни эътиборга олинса, иккала ҳолда ҳам

шеър қурилиши ифода мақсадига мос амалга оширилган деган хулосага келиш мумкин.

А.Ориповнинг турли ривоят, ҳикмат, ҳолат ва шу кабилар асосида метафорик мушоҳада юритилган шерлари композициясига кўра турлича. Масалан, улардан баъзилари шартли равишда “ўрама композиция” тархида қурилган дейиш мумкин. Бу типдаги композициянинг моҳияти шуки, унда аввал асос (ривоят, ҳикмат, ҳолат ва б.) келтирилади, кейин шеърнинг мавзуси ривожлантирилади ва охирида яна асосга қайтган ҳолда хулоса ясалади. Масалан, шоирнинг “Бургут қисмати” шеъри худди шу тартибда қурилган бўлиб, биринчи банди мана бундай:

*Қулоққа чалинар гоҳи-гоҳида*
*Шундай бир ривоят, шундай бир ўгит:*
*Ночору ноилож қолган чоғида*
*Ўзини тошларга урармиш бургут*. [2.266]

Бургут билан боғлиқ ривоятни келтиргач, шоир II-IV бандларда яратганга илтижо қилади, илтижолари кексаларимизнинг дуоларига ҳамоҳанг бўлиб, қуйидаги тартибда ўсиб борадики, қисқача мазмуни бундай: “меҳрингдан мосуво этма” – (ўзингдан бегона этма), “дўстга зор, душманга зор этма” – “қариганда бировга, ҳатто фарзандлар қўлига қаратиб қўйма” – қаноат бер, токи “такаббур зотлар” қаршисида бош эгиб юрмай. Шу илтижолардан сўнг охирги бандда поэтик мушоҳадалар хулосаланади:

*Қарайман сарғайган тунд қуёшимга,*
*Секин оғиб борар умрнинг туни.*
*Магар раҳм этмасанг тушсин бошимга,*
*Майли ўша ночор бургутнинг куни* [2. 266].

Кўряпмизки, охирги банд биринчисига боғланади ва гўё орадаги шоир мушоҳадаларини “ўраб” туради. Яъни метафорик маънонинг юзага чиқиши мана бу тартибда амалга ошади: ривоят келтирилади – кексалик остонасига оёқ қўйган кишининг ўз эртаси ҳақидаги мушоҳадалари берилади – ривоятга қайтиб хулоса ясалади.

А.Орипов ёзувчи Ш.Бўтаев билан суҳбатида бундай дейди: “Теварак атрофдаги нарсаларга – дарахтларга, гулларга, гиёҳларга ҳамманинг ҳам нигоҳи тушади. Сиз кўрган-билган воқеа-ҳодисалардан ёнингиздаги ўртоғингиз ҳам воқиф бўлади. Бироқ, улардан таъсирланиш ҳар хил. Биров йиқилган дарахтга кўзёшсиз қарай олмаса, биров одамни бўғизлашса ҳам лоқайдгина кузатади...” [2, 346] Кўряпмизки, бу ерда гап санъаткор учун энг муҳим сифат – таъсирланиш ҳақида боряпти ва уни ижодга туртки берувчи илк омил санаш керак. Албатта, шоир тўғри таъкидлаётганидек, таъсирланиш даражаси ҳар кимда ҳар хил. Шу билан бирга, таъсирланиш билан таъсирчанликни ҳам фарқлаш керак. Таъсирчанлик кўпчиликка хос, лекин ҳаммада ҳам ташқи оламдан олинган таассурот бадиий мушоҳадага етакламай, бошқа йўллар билан (йиғлаб-сиқташ, ғамга чўкиш, қувониш ва ҳоказо) қондирилади. Аксинча, таассурот ижодкорнинг қалбини ҳисларга тўлдиради, уларни бадиий мушоҳада кучи билан идрок этиш ва ифодалаш эҳтиёжини туғдиради. Яна А.Ориповнинг ўзига мурожаат этамиз: “Мен негалигини ўзим ҳам

билмаган ҳолда тўкилаётган япроқларга, юлдузларга боқиб хўрсинган вақтларим бўлган... Нималарнидир айтгим, тўлиб турган юрагимни қоғозга туширгим келарди...” (ўша жойда)

Шеърият ҳақида гап кетганда, энг аввал унинг тасвир предмети инсон ҳис-туйғулари эканлиги, инсон қалбини тадқиқ этиши айтилади. Инсон қалби эса чексиз бир уммон. Ундаги эврилишлар, туйғулар жилвасини аташ учун ҳар доим ҳам сўз топилавермайди. Шунинг учун шеър образ яратади, ўз навбатида, образ шоир учун ўша ҳис-туйғуни ифодалашга, шеърхон учун эса қайта ҳис қилиб кўришга имкон яратади. Худди шу нуқтада лисоний метафора билан поэтик метафора орасидаги фарқни кўриш мумкин. Поэтик метафора – образ, у лисоний метафора каби аташга эмас, балки ифодалашга қаратилгандир. Зеро, поэтик метафора сўз ёки сўзлардан таркиб топувчи матн бўлгани ҳолда, унда ифода сўз (ёки сўз бирикмаси, гап, матн) воситасида эмас, балки унинг ёрдамида яратилган образ орқали амалга ошади. Демак, биз оддий ҳақиқат сифатида қабул қиладиган “*бадиий адабиёт сўз воситасида иш кўради, сўз воситасида ифодалайди*” [6.25]. деган қарашни ҳам шундан келиб чиққан ҳолда тушуниш керак бўлади. Яъни сўз бадиий адабиётда образ яратиш воситасидирки, унинг ёрдамида сўз санъатининг ифода воситаси бўлмиш образ яратилади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Минораи Калон тепасидаги лайлак” шеъри турли талқинларга имкон берадиган, ўз вақтида шоирга турли хил маломатлар келтирган метафорик характердаги шеърлардандир. Шу ўринда айтиш керакки, биз шўро даврида адабий асарлардан “ғоявий хато” излашни гўё йўқ ердан айб излаш, шунчаки тирноқ остидан кир қидириш деб тушунамиз. Бу тўғри эмас. Чунки ҳақиқатан ҳам шўро даврида яратилган кўплаб асарларда, жумладан, А.Орипов асарларида жамиятдаги мавжуд ҳолатдан норозилик оҳанглари бўлган. Норозиликни эса шўро даври ижодкорлари образ қатига яшириб ифодалашга мажбур эдилар. Демак, ҳақиқатда мафкура ҳимоясига отланган танқидчилар образдаги кўплаб маънолардан бирини очишган ва уни мафкура нуқтаи назаридан қоралаганлар. Жумладан, “Минораи Калон тепасидаги лайлак” шеърини ўқисак, унда ийҳом санъатидаги каби яқин ва узоқ маънолар борлигини кўриш мумкин. Уч бандли шеърнинг биринчи бандида шоир бундай дейди:

*Ташлаб кетди бу шаҳарни беклар, амирлар,*
*Ташлаб кетди бу шаҳарни ислом шавкати.*
*Ташлаб кетди бу шаҳарни шайхлар, кабирлар,*
*Ташлаб кетди маҳмадона Мангит давлати.* [2.266]

Ушбу сатрлар шўро мафкурасига мос, чунки ундан “Бухорони “қора кучлар, текинхўр эксплуататорлар ташлаб кетди” деган маъно чиқаверади. Лекин иккинчи бандниг дастлабки икки мисраси маънони бошқа ўзанга буриб юбориши мумкин:

*Булбуллар ҳам кетди бундан кўзини ёшлаб,*
*Товуслар ҳам қайларгадир аста йўқолди...*

Адабий анъанамизда булбулнинг ижод, завқ-шавқ, ишқ-муҳаббат, товуснинг эса гўзаллик рамзи сифатида ўрин олганини эсласак, биринчи банд билан семантик зиддият юзага келганини кўрамиз. Лекин кейинги икки мисрада:

*Фақат бир қуш бу шаҳарни кетмади ташлаб,*
*Фақат лайлак Бухорода мангуга қолди, –*

дейилгани худди булбул ва товус образлари ўзгача маъно ифодалаш учун эмас, балки қаршилантир иш орқали лайлакнинг садоқатини бўрттириб кўрсатиш учун ишлатилган деган тасаввур ҳосил қилади. Яъни бу ҳол ҳақиқатда ифодалаш кўзда тутилган маънони яна яширади. Ниҳоят, охирги бандда ўқиймиз:

*Мен бу ҳолга ҳайрон бўлиб боқдим ҳар сафар,*
*Бир шеър излаб Бухорони кезаркан узоқ.*
*Ажаб, қушнинг оёқлари гўзага ўхшар,*
*Қанотлари эса унинг пахтадек оппоқ.* [2.266]

Иккинчи бандда лайлакнинг садоқати бўрттирилгани сабабли бундан “пахта ҳам юртимизга шундай садоқатли” деган мафкура нуқтаи назаридан “ижобий” маънони ҳам эплаб чиқариш (аниқроғи, мен шундай демоқчиман дея ўзни оқлаш) мумкин. Икинчи томондан, қулоғи бор одам булбул ва товус – завқ-шавқ билан яшаш, ижод, гўзаллик каби эзгуликлар ўрнида биргина пахта қолди, пахтадан бошқа ҳеч вақомиз қолмаяпти деган ташвишли бонгни ҳам эшита олади. Шеърнинг бундай қурилиши, аслида, шўро даври шароитида, яъни мафкура тазйиқи остида туриб ҳам юракдагини айтиш эҳтиёжини қондиришга интилиш туфайли шаклланган услуб хусусиятидир. Бундай услубда ёзилган шеърлар шўро даврида ижод қилган Чўлпондан бошлаб мустабид тузумнинг сўнгги йилларида қўлига қалам олган шоирлар ижодида ҳам учрайди. Зеро, шўро шароитида метафора, жумладан, шеър-метафора кўнгилдагини ифода этишнинг эҳтимол ягона йўли бўлиб қолган. Бошқача айтсак, бу даврда шеър-метафора А.Орипов “Эски қудуқ” шеърида етишмаётганидан нолиган “қудуқ” вазифасини бажарган дейиш мумкин.

А.Ориповнинг Шарқ ривоятлари йўлида ёзилган “Ҳангома”, “Эчки” каби воқеабанд шеърлари борки, уларда тасвирланган воқеа яхлит ҳолда метафорик маъно ҳам касб этади. Уларда ҳикоя қилинган воқеа бевосита маъносида ҳам тушунилаверади, яъни кўчма ва ўз маънолар бир-бирига ҳалақит қилмайди, шу жиҳатига кўра уларни ҳам шеър-метафоралар дейиш мумкин. “Ҳангома” шеъри, албатта, шунчаки ҳангома учун ёзилган эмас: унинг асосида ётган воқеа шоир учун қайсидир жиҳати билан эстетик қиммат касб этган. Йўқса у шеър қилинмаган бўларди. Ахир, киши ҳаётида эшитган, кўрган-билган ҳангомадан кўпи борми? Эстетик қиммат касб этган деганни қандай тушуниш керак? Айтмоқчимизки, ўша воқеа шеър ёзилган пайтда шоирни ўйлатган бирон бир муаммога ечим, муайян бир ҳаётий ҳолатга жавоб ёки муносабат ифодаси бўлган. Сезган бўлсангиз, биз бу ерда А.Потебнянинг масал ҳақидаги фикрларига эргашмоқдамиз. А.Потебня антик юнон масалларининг кўпи аниқ бир ижтимоий ҳодиса билан боғлиқ яратилган дейди [7.148]. Фақат вақт ўтиб масалнинг яратилишига сабаб бўлган ижтимоий ҳодисани одамлар унутадилар. Натижада масалда тасвирланган воқеада умумлаштирилганлик, универсаллик хусусиятлари кучаяди ва у метафорик тарзда бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини очишга хизмат қила бошлайди. Шунга ўхшаб, А.Орипов ҳам шеърни ёзган пайтда воқеада ҳикмат кўрган, лекин шеърда ҳикматни ифода этмаган, воқеани тасвирлаш билан чекланган. Лекин воқеанинг ўзи, аниқроғи,

унинг шеърда муайян бир тартибда тасвирланиши – шеърнинг ички структураси фаол ўқувчи онгида кўчма маънони шакллантириш учун етарли. Қизиқарли, латифанамо бўлгани учун шеър воқеаси кўпчиликнинг ёдида қолади ва у шахслараро мулоқотда масал функциясини бажара бошлайди. Масалан, мос ҳаётий ҳолатда кимдир "*Йўлни эшак бошлади, От эргашди лўкиллаб*" [2.207] деса бўлди, кўпчликнинг ёдига шеър келади, шеър мазмуни ҳолат билан боғланади ва хаёллардан "охири бахайр бўлсин" деган ўй ўтади. Яъни бу ўринда образ ҳаётий ҳолатга муносабатни ифодалашга, уни мушоҳада қилиш ва тўғри йўлни белгилашга хизмат қилади. Кўрамизки, "Ҳангома"да А.Ориповнинг кўплаб шеърларида кузатилувчи шарқона донишмандлик воқеада мужассам ифодасини топган.

Ўзининг қурилиши, ифода тарзига кўра шоирнинг "Шарқ ҳикояти", "Эчки" каби шеърлари ҳам "Ҳангома"га ўхшашки, юқоридаги гапларни уларга нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин. Фақат "Шарқ ҳикояти" шеърида кўчма маъно муаллиф томонидан шакллантирилган бўлиб, унда шеър-аллегория хусусиятлари устунроқ. Маълумки, халқ оғзаки ижодида "Шарқ ҳикояти" шеъридаги воқеанинг турли вариантлари мавжуд. Лекин бу шоир ўша вариантлардан бирини ёки умумлаштирган ҳолда шеърга солди дегани эмас. Шоир уни ижодий қайта ишлайди, воқеанинг янги маъно қирраларини очадики, бу шеърнинг якунловчи бандида акс этади:

*Қондошликнинг миллион йиллик*
*Ришталари узилди.*
*Ўртага бир эшак тушиб*
*Оралари бузилди* [2.327].

Агар ривоятнинг халқ ижодидаги вариантларида: 1) "*эл оғзига элак тутиб бўлармиди, нимаики қилма, ундан ўян қидирувчилар ҳамиша топилади*" ва 2) "*одам ўзгаларнинг нима дейишига қараб эмас, ақл-фаросати билан иш қилмоғи керак*" деган маънолар келиб чиқса, А.Орипов маъно урғусини кишилар орасини бузувчилирга кўчиради, уларни эшакка менгзайди. Шоирнинг кашфи туфайли ривоят ўзининг янги умрини бошласа ажаб эмас. Чунки энди "*ўртага бир эшак тушиб...*" дейилсаёқ кўпчилик ёдига шу шеър келади, демак, у энди "масал", яъни мос ҳаётий ҳолатларнинг ечими сифатида мулоқотда фаол яшайверади. Кўряпмизки, "Ҳангома" билан "Шарқ ҳикояти" шеърлари кўп жиҳатдан ўхшаш, уларнинг орасидаги фарқ кейингисида кўчма маънога очиқ ишора борлиги билан белгиланади.

Абдулла Орипов ижодида 80-йилларга томон аллегория характеридаги шеърлар ва шеър-аллегориялар салмоқлироқ ўрин тута бошлайдики, бу ижтимоий шароитнинг ўзгариб бориши, яъни сўз айтиш имконининг кенгайиб бориши ва адабиёт зиммасидаги ташвиқий функциянинг долзарблашуви билан боғлиқдир. Шоир шеъриятидаги меҳнаткаш халқ руҳи ифодаси, халқимиз маданий меросидаги мавжуд ғояларнинг даврга ҳамнафас ҳолда жаранглаши ҳамда поэтик тасвир ва халқ тили алоқалари ижодкор бадиий оламининг ўзига хос қирраларини кашф этишга хизмат қилаверади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аристотель. Риторика. Поэтика.- М. Лабиринт, 2000 С.264
2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-4-жилд. – Т., Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. 346 б.
3. Борев Ю. Эстетика.- М.,1987.- С.212
4. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т., “Янги аср авлоди”, 2011. 352 б.
5. Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Т., 1979.178 б.
6. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент, 2018.224 б.
7. А. Потебня. Эстетика и поэтика. – М., 1976. С.429

## НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Нуруллаев Хасан Тўхтаевич
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:*** *Мазкур мақолада немис ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологик бирликларни таржима қилишда юзага келадиган муаммолар ва ўзига хос жиҳатлар ёритиб берилди, эътиборга олиниши керак бўлган муҳим омилларга тўхталиб ўтилди, шунингдек, фразеологизмларнинг таржимасидаги проблематик доирани таҳлил қилган тилшуносларнинг назарий фикрлари келтирилди. Фразеологизмларни таржима қилишда уларнинг ўта мураккаб мазмун структурасига эгалиги ва натижада иккинчи тилда унинг бутунлай бир хил семантик тузилишга эга муқобил вариантинини топиш мураккаб жараёндир. Мақолада ушбу масалалар мухтасар таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *соматик фразеологик бирликлар, муқобиллик, таржима, таснифлаш, новербал, денотатив мазмун, миллий ўзига хослик, ички омил, ташқи омил*

## ВОЗМОЖНОСТИ ПЕРЕВОДА СОМАТИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ НА НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Нуруллаев Хасан Тухтаевич
Каршинский инженерно-экономический институт
Преподаватель кафедры иностранных языков

***Аннотация:*** *В данной статье излагаются проблемы и особенности перевода соматических фразеологизмов на немецком и узбекском языках, а также описываются важные факторы, которые необходимо учитывать, а также теоретические мнения лингвистов, которые проанализировали проблемные рамки перевода фразеологии. При переводе фразеологии они имеют очень сложную структуру смысла, и в результате, трудно найти эквиваленты на втором языке с полностью семантической структурой.. В статье кратко анализируются эти проблемы.*

***Ключевые слова****: соматические фразеологические единицы, эквивалентность, перевод, классификация, невербальный, денотативный смысл, национальная самобытность, внутренний фактор, внешний фактор.*

# POSSIBILITIES OF TRANSLATION OF SOMATIC PHRASEOLOGICAL UNITS IN GERMAN AND UZBEK

Nurullayev Khasan Tukhtayevich
Karshi engineering-economics institute
Teacher of the Department of Foreign languages

***Abstract:*** *This article outlines the problems and features of the translation of somatic phraseological units in German and Uzbek, and also describes the important factors that must be taken into account, as well as the problematic framework for the translation of phraseology. The theoretical opinions of linguists are analyzed. When translating phrases, they have a very complex meaning structure, and as a result, it is difficult to find an alternative in the second language with a completely semantic structure. The article briefly analyzes these problems.*

***Keywords:*** *somatic phraseological units, equivalence, translation, classification, non-verbal, denotative meaning, national specific pecularities, internal factor, external factor*

**Кириш**:Фразеологик бирликларнинг таржима муаммолари кам ўрганилган соҳалар сирасига киради. Бу борада фразеологизмларнинг таржимасидаги проблематик доирани таҳлил қилган Каммер, Ҳееш ҳамда Коллер каби тилшуносларнинг ишларини эътироф этиш мумкин [2, 183]. Улар бир нечта монографияларнинг бўлим ва бобларида фразеологик ибораларнинг таржимаси хусусида тўхталиб ўтишган.

Бирор тилда ибораларни таржима қила олиш ёки таржима қила олмаслик мезонлари фразеологик ифодаларни эркин бирикламалардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлар сирасига киради. Бу мезон шундан келиб чиқадики, фразеологик бирликларни таржима қилишда қийинчиликларга дуч келамиз, эркин бирикмаларни эса бевосита бошқа тилларга таржима қилиш мумкин. Кўплаб фразеологик бирликларни сўзма-сўз таржима қилиш имкони мавжуд эмас [3, 36].

Турли манбааларда идиомалар таржимасида кўплаб қийинчиликлар мавжудлиги етарли даражада талқин қилинган. Умуман олганда, бу қарашлар тўғри. Фразеологизмларни таржима қилиш ҳақиқатдан ҳам мураккаб жараёндир. Бироқ бунинг сабаби фразеологик бирликларнинг, одатда, анъанавий миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини, ноёб образларини ёки халқ донишмандлигини ўз ичига олганида эмас, балки кўплаб идиомаларнинг ўта мураккаб мазмун структурасига эгалиги ва натижада иккинчи тилда унинг бутунлай бир хил семантик тузилишга эга муқобил вариантини топиш имкони йўқлигидадир.

Соматик фразеологизмларнинг немис ва ўзбек тиллари доирасида қиёсий ўрганилиши борасидаги ишлар умуман мавжуд эмас дея олмаймиз. Ўз илмий изланишлари ҳамда мақолаларида тилшуносларимиз мазкур соҳани ўрганмоқдалар, тадқиқ этмоқдалар. Шу ўринда, О. Латиповнинг турли системага мансуб бир нечта тиллардаги соматик ибораларнинг қиёсий таҳлилига бағишланган ишларини эътироф этиш мумкин. Муаллиф ўз илмий мақолаларида соматик

ифода бирликларининг семантик таркибини ўрганган ва маданий ўзига хосликларини ёритиб берган.

У ўзининг илмий мақолаларида рус, ўзбек, инглиз ва немис тилларида „бош“ ҳамда „кўз“ компоненти билан ҳосил бўлган соматик фразеологизмларни чоғиштирма таҳлил қилган. Муаллиф уларнинг қариндош бўлмаган тиллардаги мос ва муқобил вариантларини аниқлаган, ибораларнинг семантикаси ўрганган. Ишда мазкур тематик гуруҳга оид мажозий бирликларнинг компонент таҳлили чоғиштирма тарзда ўтказилган, уларнинг турли тизимда бўлган тўрт тилдаги аналогик вариантлари аниқланган, тадқиқот натижаларига доир статистик маълумотлар акс эттирилган.

**Асосий қисм**

Фразеологизмларнинг таржима имконияти деганда биз уларнинг бир тилдан бошқа бир тилга денотатив ҳамда коннотатив жиҳатлардан таржима қила олинишини тушунамиз. Таржимада қуйидаги икки муҳим омил эътиборга олиниши лозим [7, 163]:

1. Ички омил. Ички омиллар тилдаги идиомаларнинг тузилиши билан боғлиқ. Фразеологизмларга таъриф беришда идиомаларни конгломерат (хилма-хил сўзларнинг тасодифий йиғиндиси) сифатида намоён қиладиган синтактик, семантик ҳамда прагматик хусусиятлари асосий мезон сифатида олинади. Идиоматизм қайта номлашнинг бошланиши сифатида талқин қилинади.

2. Ташқи омил. Ташқи омиллар эса тиллараро ўхшашлик ёки фарқларни излашни ўз ичига олади. Дарҳақиқат, бунда умумий ёки турли хил анъаналар ҳамда қадриятлар, шунингдек, маданий ва иқтисодий муносабатларга эга бўлган географик ҳудудлар ҳам инобатга олиниши лозим.

Тиллараро таққослашда таржиманинг қуйидаги турлари мавжуддир:

1) Аниқ мос келадиган таржима. Аниқ мос келадиган таржима шундан иборатки, бошқа тилларда ҳам худди шундай фразеологик бирликлар мавжуд бўлиши ва бу таржима қилинаётган ифодага тўлиқ мос келиши керак. Масалан: *бурнини жийирмоқ* - die Nase rümpfen, *бурнини кўтармоқ* - die Nase hoch tragen, *бирор кишининг бошини айлантирмоқ* - jmdm. den Kopf verdrehen.

Юқорида келтирилган ибораларнинг немис ва ўзбек тилида бир хил мазмун касб этади ҳамда „жирканиш“, „манманлик“, „севги“ каби маъноларни ифодалаб келяпти. Мазкур гуруҳга қуйидаги ибораларни ҳам қўшиш мумкин: *ўз кўзларига ишонмаслик* - seinen [eigenen]Augen nicht trauen, *бет(и)га айтмоқ* - jmdm. etw. ins Gesicht sagen, *бошини тик тутмоқ* - den Kopf oben behalten, *бошдан-оёқ* - von Kopf bis Fuß, *кимнингдир бошига чиқмоқ* - jmdm. in den Kopf steigen, *кимнингдир ўнг қўли бўлмоқ* - jmds. rechte Hand sein, *оғиздан-оғизга ўтмоқ* - von Mund zu Mund gehen. Бундай таржималарда уларнинг барча муқобиллик мезонларида мос келиши ҳамда лексик, морфо-синтактик жиҳатдан бир хил бўлиши ҳам эътиборга молик. Қуйида келтирилган немис ва ўзбек тилларидаги соматик ибораларда лексик ва синтактик жиҳатдан тенгликни кузатишимиз мумкин:

Немис тилидаги „*das Herz bleibt stehen*“ ва ўзбек тилидаги „*юраги тўхтаб қолмоқ*“ (w.w.: das Herz bleibt stehen) ибораларида бир хил лексик бирликлар

ифодаланган: *das Herz- юрак, stehenbleiben-тўхтаб қолмоқ*. Ҳар иккала иборадан англашилган коннотатив мазмун ҳам бир хил: *„жуда қаттиқ қўрқмоқ“*. Синтактик жиҳатдан эса фразеологик бирликлар *от + феъл* структурасига эга.

Немис ва ўзбек тилларидаги *jmdm./nach jmdm. die Zunge herausstrecken – бирор бир кишига/бирор бир кишининг орқасидан тилини чиқармоқ* (w.w.: jmdm./nach jmdm. die Zunge herausstrecken) иборалари лексик таркибига кўра тенг ва *„тилини чиқариб кимнидир масхара қилмоқ“* фразеологик мазмунига эга. Чоғиштирилаётган ҳар икки тилда ҳам фразеологизмлар бир хил синтактик қурилишга эга: *жўналиш келишигидаги гумон олмоши + тушум келишигидаги от + феъл.*

*Den Mund aufsperren – оғзини очмоқ* (w.w.: den Mund aufmachen) ибораси юз мушакларининг маъноли ҳаракатлари, яъни, мимикалар негизида концептлашган ва „жуда ҳайратланмоқ“ коннотатив мазмунини касб этади. Ибораларнинг тузилиши ўхшаш: *тушум келишигидаги от + феъл;*

*Die Nase über jmdn., etw. rümpfen – бирор бир кишига/ нарсага бурнини жийирмоқ* (w.w.: die Nase über jmdn. rümpfen) иборалари ҳам мимикалар асосида фразеологик мазмун касб этган: *„кимгадир паст назар билан қараш, унга ҳурматсиз шаклда муносабатда бўлиш“*. Фразеологизмларнинг синтактик тузилиши бир хил: *тушум келишигидаги от + феъл;*

*Die Schulter zucken – елкасини қисмоқ* (w.w.: die Schulter zucken) „бирор нарсани билмаслик ёки бирор кишига ниманингдир қизиғи йўқлигини ифодалаш учун елкасини қисмоқ“. Ушбу иборалар икки тилда ҳам бир хил тузилишга эга: *тушум келишигидаги от + феъл;*

*Den Kopf oben behalten – бошини тик тутмоқ* (w.w.: den Kopf oben behalten) „жасоратини йўқотмаслик“. Ҳар икки тилдаги фразеологик бирликлар бир хил тузилишга эга: *тушум келишигидаги от+равиш+ феъл;*

2) Аниқ мос тушмайдиган таржималар бошқа бир фразема билан алмаштириш орқали таржима қилишни назарда тутади. Бошқа бир фраземалар билан алмаштириш орқали таржима бир хил мазмунга эга бўлган, лекин таржима қилинаётган фразеологик ифодага тўла мос келмайдиган муқобил вариантни танлашдир. Бунда мос келмайдиган қисмлар бошқа фраземалар билан алмаштирилади. Мисол қилиб оладиган бўлсак, ўзбек тилидаги *кўнгли айнимоқ* (w.w.: jmdm. dreht sich das Herz um) фразеологизми таржимаси немис тилидаги *jmdm. dreht sich der Magen um* иборасига мос келмайди. Бу барқарор бирикмалардаги лексик фарқ сифатида шуни кўрсатиш мумкинки, немис тилидаги „der Magen“ (ошқозон) от сўз туркумига оид сўз ўзбек тилидаги „das Herz“ (юрак) сўзи билан алмаштирилган. Шунга қарамасдан, ҳар икки тилда ҳам фразеологизмнинг англатган маъноси бир хил: „беҳузур бўлмоқ, ўзини ёмон ҳис қилмоқ“.

Қуйида келтирилган немис ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар ҳам шулар жумласидандир: *vor jmdm. auf den Knien rutschen – бировнинг одида тиз чўкмоқ* иборалари „бировнинг қаршисида итоаткорона тиз чўкиб турмоқ“ маъносини ифодалайди. Қиёсланаётган ҳар икки тилда фразеологизмнинг лексик таркибига кўра фарқлар мавжуд: немис тилидаги „rutschen“ (тушмоқ) феъли ўрнида ўзбек тилида „чўкмоқ“ (kriechen) феъли қўлланилган. Синтактик қурилишига кўра

фарқлар: немис тилида: *предлог + гумон олмоши + предлог билан қўлланилган жўналиш келишигидаги от + феъл*, ўзбек тилида: *қаратқич келишигидаги гумон олмоши + феъл.*

*Die Zähne zusammenbeißen – тишини тишига қўймоқ* иборалари „оғриқ, оғир пайтлар ва шу каби қийин жараёнларга сабр ва матонат билан дош бермоқ“ фразеологик мазмунига эга. Мазкур ибораларда ҳам лексик тафовутлар борлигини кўриш мумкин. Немис тилидаги „zusammenbeißen“ (тишламоқ) сўзи ўзбек тилида „қўймоқ“ “stellen” феъли билан ифодаланган. Синтактик тузилишига кўра фарқлар: немис тилида: *тушум келишигидаги от + феъл*, ўзбек тилида: *учинчи шахс бирлик эгалик қўшимчасини олган тушум келишигидаги от + учинчи шахс бирлик эгалик қўшимчаси билан қўлланилган жўналиш келишигидаги от + феъл.*

*Augen haben wie ein Luchs – лочин кўз* иборалари негизида „кўзлари жуда ўткир, ҳамма нарсани сезадиган, зийрак“ коннотатив мазмуни концептлашган. Бу ибораларнинг келиб чиқишини шундай изоҳлаш мумкин. Ҳар икки ҳайвон “Luchs” (силовсин) ҳамда “лочин” (der Falke) ҳар доим ҳам ўз нигоҳининг ўткирлиги билан маълум бўлган, шу боис кўчма маънода жуда зийрак одамларга нисбатан мазкур фразеологизмлар қўлланилади. Образ жиҳатидан немис тилида кўз ўткирлиги силовсинникига қиёсланган бўлса, бу ўзбек тилида лочиннинг кўзига ўхшатилган. Ибораларнинг синтактик қурилишида ҳам фарқлар мавжуд: немис тилида: *кўплик шаклидаги от +феъл +юклама+от*, ўзбек тилида:*от + от;*

3) Турли семантик ўзгарувчан муносабатлар орқали таржима қилиш (қисқартириш ёки тўлдириш). Агар лексик иборалар маъно жиҳатдан жуда яқин ва бир хил мазмун доирасига тегишли бўлса, унда фразеологик бирликлар қисқартириш ёки тўлдириш орқали таржима қилиниши мумкин. Мисол тариқасида *бошини тикмоқ - Kopf und Kragen riskieren* иборасини таҳлил қилайлик. Бу ҳолатда немис тилида „Kragen“ сўзи орттирилган, бироқ ҳар иккала ҳолатда ҳам ибора англатган коннотатив мазмун бир хил. Қуйидаги ибораларни ҳам ушбу гуруҳга қўшиш мумкин: *кўз юммоқ* (w.w.: das Auge schließen) - die Augen für immer schließen/zumachen, *бирор бир кишининг қалбини забт этмоқ* (w.w.: jmds. Herz erobern) - jmds. Herz im Sturm erobern, *қўли очиқ* (ww. eine weiße Hand) - eine offene Hand haben, *бирор бир кишига орқа ўгирмоқ* (w.w.: jmdm. das Schulterblatt hinwerfen) - jmdm. die kalte Schulter zeigen, *бирор бир кишининг юраги тушмоқ* (w.w.: jmds. Herz fällt herunter) - jmdm. fallt/rutscht das Herz in die Hose, *тилининг учида турмоқ* (w.w.: etw. auf der Spitze der Zunge stehen haben) - etw. auf der Zunge haben.

4) Эркин тасвирий ифода орқали таржима қилиш. Юқорида келтирилган таржима имкониятлари мавжуд бўлмаганда, таржима эркин тасвирий ифодалар воситасида амалга оширилади. Қуйида ушбу таснифга оид мисолларни таҳлил қиламиз: *(кулавериб) ичаги узилмоқ* (w.w.: jmds. Darm bricht (beim Lachen) ab) - *da bleibt kein Auge trocken* „бу ерда қуруқ кўз қолмади“. Немис ва ўзбек тилидаги ушбу ибораларда коннотатив мазмун турли образлар воситасида ифодаланган. Ўзбек тилида жуда кўп кулиш маъноси „ичак тана аъзосининг узилиши“ орқали мужассамлаштирилган бўлса, бу немис тилида „кўзларга ёш келиши“ орқали акс эттирилган. Ўзбек тилидаги *„Олма пиш, оғзимга туш“, деб ўтирмоқ* иборасининг аниқ таржимаси имконсиздир. Немис тилида ушбу иборанинг мазмунига тенг

фразеологик бирликни эркин тасвирий ифодаларни қўллаб, таржима қилиш мумкин. Қуйида келтирилган немис тилидаги *warten, daß einem die gebratenen Tauben in den Mund fliegen* фразеологик бирлиги юқоридаги ибора мазмунига яқин бўлсада, бошқа образлар воситасида ифодаланган. Мазкур иборалар ҳам шу гуруҳга мансубдир: *ўзи тўйсада, кўзи тўймас* (w.w.: wenn er selbst satt ist, noch ist sein Auge nicht satt) - *die Augen sind größer als der Magen*, *қўли тор* (w.w.: jmd. dessen Hand eng ist) - *die Hand auf die/auf der Tasche halten*, *қўлидан иш келмайди* (w.w.: jmds. Hand hat keine Geschicklichkeit) - *zwei linke Hände haben*.

**Хулоса**

Биз мақолада соматик фразеологик бирликларнинг таржимадаги ўзига хос жиҳатларини ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Фразеологизмларнинг ўзига хос лингвистик фарқлари дунёдаги турли шароитлардан келиб чиқадиган маданий тафовутларга асосланади: жамиятдаги ҳодисалар, тарихий воқеликлар, умумий турмуш тарзи, географик жойлашув, иқлим, наботот ва ҳайвонот олами, диний анъаналар, урф-одатлар ва менталитет, халқ анъаналари ва донишмандлиги, халқнинг эътиқоди. Миллий ҳамда маданий ўзига хос фразеологик бирликлар фақат бир тил ва бир маданият доирасида бўлиши мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган жиҳатлардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, соматик фразеологик бирликлар воситасида инсонлар ўртасидаги бир-бирини тушуниш нафақат тил воситасида юз беради, балки бу жараённинг катта қисми новербал ҳолатда амалга ошади. W*ie die Nase rümpfen – бурнини жийирмоқ*, *Schulter zucken – елкасини қисмоқ* каби ҳолатлар ҳар икки маданиятда ҳам маълум, чунки улар бизнинг кундалик одатий тана ҳаракатларимиз ҳисобланади ҳамда уларнинг ифода мазмуни ҳам жуда яхши танишдир. Лекин жестлар, мимика, гавда ҳолати ва тана ҳаракатлари негизида юзага келган фразеолгизмлар ҳар доим ҳам қиёсланаётган икки тилда бир хил талқин қилинмайди. Масалан, ўзбек ва немис тилларидаги *“кафтини/ қўлини очмоқ”* ва *“die Hand aufhalten/ aufmachen”* фразеологизмлари бир хил, бирор бир кишининг қўл кафтини очиб туришини ифодаловчи жест асосида юзага келган. Бироқ ибораларнинг икки тилдаги коннотатив мазмуни турличадир. Ушбу ибора немис менталитетида қуйидаги ҳолатни билдиради: Ресторан, қаҳвахона ёки шунга ўхшаш жойларда официант мижоз олдида кафтини очади ва бу мижоз унга чойчақа бериши лозимлигини ифодалайди. Мазкур жест немис тилида замирида *„чойчақа сўрамоқ“* фразеологик мазмуни концептлашган. Фразеологизм ўзбек тилида *„дуога қўл очмоқ”* мазмунини касб этади.

Шунингдек, ҳар икки тилда ҳам миллий менталитет ва халқнинг эътиқоди билан боғлиқ иборалар борлиги, чоғиштирилаётган тилда уларнинг муқобил вариантлари мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Ўзбек тилидаги *кўз тегди* ибораси бирор бир кишининг назари зарарли бўлиши мумкинлигига ишора қилади. Кўп жойларда бу қараш ҳозиргача мавжуд бўлиб, бировнинг суқланиб, хасад билан қараши оқибатида зиён етиши ва хаста бўлиб қолиш мумкин дея талқин қилинади. Бунга асосан ёш болалар, хомиладор хотинлар ва келинчаклар кўпроқ мубтало

бўлади деган қарашлар мавжуд. Бундан ҳимояланиш учун эса тумор тақиб юрилади ва бу уларни ёмон назардан сақлашига ишонишади. Бу каби ибораларнинг немис тилида муқобил вариантлари мавжуд эмас.

Хулоса қилиш мумкинки, соматик фразеологизмларни таржима қилиш тилшунослар ҳамда таржимонлар учун доим долзарб ва мураккаб жараён бўлиб келган, чунки улар таркибида миллий ва маданий белгилар мавжуд. Шу боис уларнинг таржимаси алоҳида эътибор ва чуқур билим талаб қилади. Мазкур мақола ушбу соҳада кичик бир ҳисса бўлиб хизмат қилади.

**Адабиётлар:**

1. Duden. Redewendungen. Wörterbuch der deutschen Idiomatik. Band 11. Dudenverlag Berlin, 2013
2. Kammer, G. Probleme der Übersetzung phraseologischer Einheiten aus dem Russischen ins Deutsche. München, 1985. S.183
3. Kavalcova L. Form und Funktion von modifizierten Phraseologismen in der Anzeigenwerbung. Wien, 2002. S. 36
4. Латипов О. Ж. Рус, ўзбек, инглиз ва немис тилларида “бош” компоненти билан ҳосил бўлган иборалар хусусида “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. 3/2018. б. 58-63
5. Латипов О. Ж. Рус, ўзбек, инглиз ва немис тилларида “қўл” компоненти билан боғлиқ иборалар “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. 2/2019. б. 70-76
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006- 2008.
7. Secura Garcia B. Kontrastive Idiomatik: Deutsch-Spanisch. Eine textuelle Untersuchung von Idiomen anhand literarischer Werke und ihrer Übersetzungsprobleme. Frankfurt am Main, 1998. S.163
8. Умархўжаев М.И., Назаров К.Н. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат. Тошкент, 1994.

## НЕОЛОГИЗМЫ И ПРОБЛЕМА ИХ ИЗУЧЕНИЯ В СОВРЕМЕННОМ РУССКОМ ЯЗЫКЕ.

Саттарова Фируза Улугбековна преподаватель кафедры
русского языка и литературы
Наманганского Государственного Университета

***Аннотация*** *научной статьи по теме: «Неологизмы и проблема их изучения в современном русском языке», автор научной статьи - Саттарова Ф.У.*
*Данная статья рассказывает о проблемах изучения и употребления неологизмов в современном мире . В данной статье разносторонне описывается проблемы изучения и функционирования неологизмов в русском языке, обосновывается важность и роль неологизмов с точки зрения практического применения их в языке. Также автор дает характеристику некоторых, часто встречающихся в последнее время, неологизмов.*

***Ключевые слова:*** *неологизмы, неология, русский язык, лексикология , современный русский язык, единицы речи, причина возникновения неологизмов.*

## NEOLOGISMS AND THE PROBLEM OF THEIR STUDY IN THE MODERN RUSSIAN LANGUAGE.

Sattarova Firuza Ulugbekovna teacher of the Department Russian language and literature Namangan state University.

***Abstract*** *of the scientific article on the topic: "Neologisms and the problem of their study in the modern Russian language", the author of the scientific article - Sattarova F. U.*

*This article tells about the problems of studying and using neologisms in the modern world . This article describes the problems of studying and functioning of neologisms in the Russian language, the importance and role of neologisms from the point of view of their practical application in the language. The author also gives a characteristic of some neologisms, which are often found in recent times.*

***Keywords****: neologisms, neology, Russian language, lexicology , modern Russian language, units of speech, the cause of neologisms.*

## NEOLOGIZM VA ULARNI O'RGANISH MUAMMOSI ZAMONAVIY RUS TILIDA.

Sattarova Firuza Ulugbekovna kafedra o'qituvchisi rus tili va adabiyoti Namangan Davlat Universiteti

***Annotatsiya****: "Neologizmlar va ularni zamonaviy rus tilida o'rganish muammosi" mavzusidagi ilmiy maqola referati, ilmiy maqola muallifi Sattarova F.U.*

*Ushbu maqola zamonaviy dunyoda neologizmlarni o'rganish va ulardan foydalanish muammolari haqida gapiradi. Ushbu maqolada rus tilidagi neologizmlarni o'rganish va ularning ishlashi muammolari batafsil yoritilgan, neologizmlarning ahamiyati va rolini ularning tilda amaliy qo'llanilishi nuqtai nazaridan asoslab berilgan. Shuningdek, muallif so'nggi paytlarda tez-tez uchraydigan ba'zi neologizmlarga tavsif beradi.*

***Kalit so'zlar****: neologizmlar, neologiya, rus tili, leksikologiya,*

За последние годы в связи с развитием науки, культуры, техники, спорта, промышленности в словарном составе русского языка произошли изменения, выражающиеся в появлении новых слов и словосочетаний, служащих названиями новых предметов, явлений, понятий. Неологизмы, ставшие единицами языка, со временем входят в словари, отражающие актуальное состояние лексики.

Д.Э. Розенталь указывает, что неологизмы – это новые слова, которые еще не стали привычными и повседневными наименованиями соответствующих предметов и понятий [19, с.98].

Лексика довольно чутко откликается на все изменения, происходящие в жизни людей, и отображает все достижения человека. Потребность собирания, исследования и описания свежих лексических единиц ни разу не вызывала

колебаний. Впрочем, ни в XIX, ни в начале первой половины XX века не было уделено особого пространства в науке о языке для исследования и изучения нововведений в словарном составе (хотя сам термин «неологизм» был популярен еще XVIII веке). Еще начиная с эпохи правления Петра 1, в лексику активно стали входить слова с западноевропейского языка. Особенно много их было с французского языка. Это такие политические слова как, дилетант, деспот, офицер, авангард, деспот. Многие названия предметов быта и одежды (мода, балет, анонс, шедевр, дирижер, декорация, оркестр, тюль, капюшон, ваниль). Из польского языка были заимствованы (бутылка, винт, гитара, дуршлаг, комедия, цифра, карета, паштет, шаль). Из итальянского языка (виолончель, опера, либретто, вермишель, помидор). Из голландского языка пришли слова (лоцман, зонт, кастрюля, флаг).

Неологический бум последних десятков лет находит свое отражение в публицистике, в языке средств массовой информации и литературной критике, которые тем более проворно и живо откликаются на изменения в социальной жизни языка.

Язык – это живая система, в которой постоянно появляются новые слова и выходят из употребления устаревшие. Скорость таких перемен неравномерна. Именно сейчас русский язык переживает период, когда в результате некоторых перемен возникла необходимость в обозначении, а самое главное понятии многих новых слов.

Язык – саморазвивающаяся единица. Его формирование подчинено определенным закономерностям. В частности, он имеет способность самостоятельно освобождаться от избыточного, ненужного. Хотелось бы надеяться, что русский язык очистится от ненужных, иноязычных слов и выражений. Согласно Н.М.Шанскому, неологизмы – «новые лексические образования, которые возникают в силу общественной необходимости, для обозначения нового предмета или явления, сохраняют ощущение новизны для носителей языка и которые еще не вошли или не входили в общее литературное употребление» {1}. [5, с. 158].

Благодаря политическим отношениям между многими странами, несомненно, происходят и изменения в культурной и социальной жизни, появляются новые виды спорта, развивается экономика, кино, культура, наука, медицина. Это находит отражение в словарном составе языка. И конечно, же ведет за собой возникновению новых слов, оффшор, оффшорные деньги, в значении «свободные»; демпинг – «снижение, уменьшение», спикер- председатель парламента, от англ. Speaker- «оратор» , а также « председатель палаты общин Англии и палаты представителей в США». Некоторые спортивные термины, а также названия некоторых игр или видов спортивных занятий: боулинг- игра, в которой шаром нужно сбить стоящие кегли;

дайвинг – «подводное плавание»; «скейтборд» - «катание на доске с роликами»; сноуборд – «катание на доске по снегу»; шейпинг – от англ.shaping « придание формы»; фитнес – от анг. fitness «соответствие». Фьючерс (от англ. futuries – товары, закупаемые впрок) вид сделки на фондовой и товарной бирже, проводимой на еще не изготовленный товар. Лизинг (leasing– от анг. – сдать в

аренду) вид долгосрочной аренды или кредитования техники, оборудования, товаров. Сайт (анг. website: web- паутина, сеть и site – место, сегмент, часть в сети.)

Конец XX века называют веком неологизмов. Для того, чтобы оставаться современным человеком, необходимо знакомиться с новыми словами, постоянно появляющимися в нашей речи. Иногда смотря телевизор и слушая новости ,читая газеты, журналы, мы сталкиваемся с тем, что некоторые слова нам непонятны. Их все больше используют в средствах массовой информации, в выступлениях политиков и бизнесменов.

Новые слова, или неологизмы появляются со скоростью света, ежечасно, ежеминутно. Данное название происходит от древнегреческих слов neos – новый, logos–слово. Изучает неологизмы особая наука - неология. Но так устроен человек, что его память не может сохранить вновь появившиеся слова, поэтому, они по возможности фиксируются в справочниках и словарях.

Для каждого поколения людей какие –то слова были новыми в свое время. Люди старшего поколения тоже впервые услышали новизну таких слов, как магнитофон, универмаг, перестройка. Люди, родившиеся в 50-х 60-х годах, помнят появление таких слов, как спутник, космонавт, орбита, луноход, стыковка. На сегодняшний день эти слова прочно вошли в нашу речь. В начале XX века для людей старшего поколения было диковинкой слова компьютер, ноутбук, диск, файл, мобильная связь. Сейчас же это повседневные слова и выражения, использующиеся в нашей речи. Но настанет такое время, когда и эти слова потихоньку уйдут в число устаревших слов, либо совсем исчезнут. В настоящее время в русском языке наблюдается появление огромного количества неологизмов, которые интересуют лингвистов не только с грамматической, но и с семантической, фонетической и даже графической стороны. С появлением нового слова начинается борьба двух тенденций: развития и сохранения языка. И только лишь в результате полного освоения нового слова большинством носителей языка, оно теряет свой статус неологизма. Как известно, неологизмы появляются в результате словообразовательной и семантической деривации, а также заимствования из других языков. Резкое и обильное вторжение в современный русский язык, иностранной лексики, вызывает некоторое беспокойство. В настоящее время наиболее употребительны и продуктивны англицизмы, которые охватывают почти все сферы деятельности человека. Заимствований из немецкого, итальянского или французского языков намного меньше, и в основном они пополняют некоторые сферы жизни людей.

Можно выделить две особенности, характерные неологизмам.

1. Новое слово вначале понимает определенный круг людей, который занимается изучением той области, где употребляется это слово.
2. Неологизмы могут быть новыми очень небольшой период времени. И вскоре они становятся привычными для всех в употреблении.

Неологизмы могут относиться к разным частям речи.

Существуют разные пути пополнения словарной лексики. Словарный запас русского языка обновляется путем появления новых слов, развития новых значений у

устаревших. Совсем иной путь пополнения словарного запаса- это заимствование.
Что такое заимствование?
Заимствование иностранных слов – это процесс, в результате которого в языке появляется и закрепляется некоторый иноязычный элемент.На сегодняшний день можно назвать причины возникновения заимствованных слов и неологизмов:
1. Они возникают как потребность нового предмета, нового понятия, появившегося в общественной жизни (маркетинг, брэнд, лизинг, мерчендайзер, сайт, файл, муниципалитет, фьючерс).
2. Новые слова обозначают явления, которые и раньше существовали в жизни общества, но они не имели соответствующего обозначения, так как об их существовании умалчивалось. Это такие слова, как мафия, рэкет, отказник ( тот, кто отказывается служить в армии, т.е. отказывается от своих обязанностей) .
3. Новое слово является более удобным обозначением того, что раньше называлось при помощи словосочетаний (рейтинг – положение политического деятеля или фирмы, создание имиджа – образа, который создает тележурналист, ведущий, фотомодель).
4. Новые слова возникают потребностью подчеркнуть изменение социальной роли предмета в меняющемся мире (офис – контора, сбербанк – прежде сберкасса, босс – начальник).
5. Заимствование новых слов обусловлено влиянием иностранной культуры, диктуется модой на иностранные слова ( гламурный – роскошный, изысканный, пиар (от англ.сокр.PR – public relation) связи с общественностью, практика создания и внедрения в сознание людей привлекательного образа, кого-либо или чего-либо.

Неологизмы – новые слова в языке, которые еще проходят процесс адаптации и усвоения в речи. За счет многократного употребления их в речи, такие слова постепенно усваиваются обществом. Большинство неологизмов связано с развитием науки, техники, экономики, культуры. Многие из этих слов прочно входят в нашу жизнь, затем утрачивают свою новизну и становятся активными в нашем словарном запасе. Но, однако, большой наплыв неологизмов вызывает некоторые проблемы с полноценным пониманием значения этих слов. Их употребление выходит за пределы профессиональной среды и общества, и начинает употребляться в СМИ, в публичной речи политиков и бизнесменов.

Важность изучения неологизмов признана давно. В некоторых странах (Россия, США, Франция, Япония) существуют центры неологии, где занимаются исследованием неологизмов, созданием словарей неологизмов, вопросами культуры речи. Ученые давно осознали, важность изучения неологизмов, которые представляют собой не только материал для изучения лексикологии, но и для изучения словообразования, истории и теории языка.

Проблемы описания неологизмов, проблема их создания (словообразование и заимствование), а также их типы (политические, экономические, культурные и т. п) исследованы и разработаны давно.

По мнению В.В. Виноградова, «образование новых слов практически непрерывный процесс, но все так называемые новообразования первоначально

представляют собой факты речи и становятся фактами языка лишь в результате ощущение новизны присуще каждому новому слову индивидуального лексикона человека, т.к.связано с восприятием слова конкретным носителем языка и носит психолингвистический характер. С этой точки зрения неологизмы в их языковом сознании, подобно ощущению новизны могут не порождать, т.е. для данного носителя языка новым словом не являться». (Например: слова - селфи, смартфон, гуглить). Москалева 2008. 246 стр.

Из всего сказанного выше, можно сделать вывод – в русском языке заимствований слов не должно быть много. Сильное увлечение англоязычными словами превращает нашу речь в мягко говоря, «не совсем русскую». Много непонятного в употреблении иноязычных слов и выражениях. Хотелось бы проявить хороший вкус, сохранить целостность и полноту русского литературного языка.

**Список использованной литературы.**

1.Виноградов В.В. Толковые словари русского языка.// Избранные труды.
2. Котелова Н.З. Теоретические аспекты лексикографического описания неологизмов. / Н.З.Котелова. / Советская лексикография. – М.Энциклопедия. 1988 г. с 46-63.
2.Котелова Н.З. Первый опыт лексикографического описания русских неологизмов / Н.З. Котелова /. Новые слова и словари новых слов. – Л.Наука ЛО, 1990.- с 8-9.
3. Ларионова Е.В. Новейшие англицизмы в современном русском языке. / Ларионова Е.В. / СП6. Питер.1996.- 128 с.
4. Розенталь Д.Э. Современный русский язык. / Д.Э.Розенталь, И.Б.Голуб, М.А. Телепкова. – Высшая школа, 1991. – 560 с.
5. Котелова Н. З. Значение слова и его сочетаемость (к формализации в языкознании). Л., 1975. 164 с.
6. Русский язык конца 20 столетия. М., 2000, 480 с.
7. Сергеев В. Н. Современная русская лексикография. Л., 1981. 231 с.
8. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. / Н.М. Шанский – М.ПКИ, 2007. -304 с.

## ЗНАЧЕНИЕ ПЕРЕВОДА В ИНТЕГРАЦИИ КУЛЬТУР

Юсупов Муратбек Рахимович., преподаватель кафедры русского Намгу

***Аннотация.*** *В статье говорится о значении перевода и переводчиков в сближении культур народов; о некоторых методах и приёмах перевода, а также об ответственности переводчиков за свою деятельность.*

***Ключевые слова****: теория перевода, переводчик, ответственность, художественное произведение, оригинал, метод, прагматическая адаптация.*

## IMPORTANCE OF THE TRANSLATION IN INTEGRATIONS OF THE CULTURES

Yusupov Muratbek Rakhimovich, teacher of Russian department of NamSU

***Annotation.*** *In article is spoken about importance of the translation and translator in rapprochement of the cultures folk about some method and receiving the translation. As well as about responsibility translator for its activity.*

***Key words****: theory of the translation, translator, responsibility, work of fiction, original, method, pragmatic adaptation.*

## МАДАНИЯТЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИДА ТАРЖИМАНИНГ АХАМИЯТИ

Юсупов Муратбек Рахимович НамДУ

***Аннотация****. Маколада турли халклар маданиятини якинлашишида таржима ва таржимонларнинг ахамияти, таржиманинг баъзи услуб ва усуллари, шунингдек таржимонларнинг уз фаолиятлари учун жавобгар эканликлари хакида суз боради.*

***Калит сузлар****: таржима назарияси, таржимон, жавобгарлик, бадиий асар, асл нусха, услуб, прагматик мослашув.*

Теория перевода как самостоятельная наука утвердилась сравнительно недавно. Однако сам перевод, как процесс, имеет свою долгую историю. Можно предположить, что ещё с незапамятных времён, при первобытнообщинном строе, племена и общины прибегали к услугам толмачей для ведения переговоров по различным общинно-бытовым вопросам. С течением времени вместе с развитием общества, науки, техники, народного хозяйства носителям различных языков и культур приходилось всё теснее контактировать друг с другом. Этому способствовали и освоение новых жизненных пространств, и развивающиеся торгово-экономические связи, и возникающие в этой связи конкурентные трения между государствами, приводившие к войнам. Во многих сферах жизни стали нужны люди, которые могли правильно перевести с одного языка на другой устные или письменные тексты.

Люди, владеющие иностранными языками, имели немаловажное значение также и в Русских государствах. Имея общие границы как с европейскими странами, так и с азиатскими, Русь, а затем и Россия остро нуждались в квалифицированных переводчиках, для ведения церковных, межгосударственных и торговых дел.

Хулоса шуки, ўзбекча матнлар тизимида диний матнлар ҳам тилда ўз ўрни ва мақомига эга. Унинг шаклланишида иштирок этадиган лингвистик омиллар ва экстралингвистик шарт-шароитлар эса ўзбек тилининг тарихий тараққиёти давомида ушбу мазмундаги матнларнинг ўз баён ва ифода усуллари юзага келганлигини тасдиқлайди.

Ижтимоий онг шакли сифатида пайдо бўлган диний мулоқот ўзбек халқининг ҳаёти ва руҳиятидан мустаҳкам ўрин олган ва асрлар давомида сайқал топган ўз ифода услубига эга. Бу эса унинг ўзбек тили функционал услублари тизимидан жой олишига ишончли асос бўла олади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *Бабаханова Д.*Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. …канд филол.наук. – Ташкент, 1987.
2. *Баскаков Н.А.* Структурные и функционалные стилистические модификации в современных тюркских языках // Развитик стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968.
3. «Ислом нури» газетаси, 2018 йил 15 сентябрь.
4. Каримов С. Ўзбек тилининг функционал стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010.
5. *Курбанов Т.И.* Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. …канд филол.наук. – Ташкент, 1987.
6. *Мукаррамов М.* Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантика-функциональном аспекте: Автореф. дис. …д-ра филол.наук. – Ташкент, 1985.
7. *Сулаймонов А.* Тил стиллари ҳақида // Совет мактаби, 1064, 6-сон.
8. *Ўзбек тилининг имло луғати.* – Тошкент: “Фан”, 1976.

PEDAGOGICAL SCIENCES

# БЎЛҒУСИ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЎҚУВ ВА МЕТОДИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўринов Ҳалимжон – ўқитувчи (Фарғона ДУ)
Баракаев Мурод – педагогика фанлари номзоди, доцент (ТДПУ)

***Аннотация.*** *Мақола бўлғуси математика ўқитувчисининг ўқув ва методик кўникмаларини шакллантиришга бағишланган бўлиб, унда педагогик фаолият, педагогик маҳорат, ўқув кўникмалари ва методик қобилиятларни ривожлаништиришни ўрни очиб берилган.*

***Таянч иборалари.*** *Таълим, анъанавий таълим, замонавий таълим, маҳорат, ўзлаштирилган ҳаракат, ўқув кўникма, методик кўникма, педагогик фаолият.*

# ВОЗМОЖНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В БУДУЩЕМ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ МАТЕМАТИКИ

***Аннотация.*** *Статья посвящена формированию навыков в учебной и методической деятельности будущего преподавателя математики, а также показывает как можно развивать педагогическую способность, педагогическую деятельность, учебные навыки и методические способности в преподавателе.*

***Ключевые слова:*** *Обучение, традиционное обучение, современное обучение, талант, освоение поведения, учебные навыки, методические навыки, педагогическая деятельность.*

# OPPORTUNITIES FOR DEVELOPING A FUTURE MATH TEACHER`S TEACHING AND METHODOLOGICAL SKILLS

***Annotation****. The article is devoted to teaching and developing skills for a future math teacher, in it pedagogical activity, pedagogical skills, it shows the development of teaching skills and methodical skills.*

***Keywords:*** *Education, traditional education, modern education, skill, customized action, reading skills, methodical skills, pedagogical activity.*

Таълим тизимида “**маҳорат**” тушунчаси муҳим ўрин тутиб, у турли хил талқин қилинади.

**Масалан**: Анъанавий таълим тизимида:

*а) маҳорат – бу ўзлаштирилган ҳаракат;*

*б) маҳорат бу - мавжуд билимлардан фойдаланиш қобилияти;*

*в) маҳорат бу - кўникмалар тўплами;*

*д) маҳорат бу - тугалланмаган маҳорат ёки маҳоратни ривожлантиришнинг муҳим босқичларидан бири кўринишларда талқин этилади.*

Замонавий таълим (ноанъанвий таълим)да эса “маҳорат” тушунчасининг энг замонавий ва истиқболли талқини қуйидагиларни ўз ичига олади:

*ўқув ва когнитив эҳтиёжлар ва мотивлар;*

*ўқув вазифаси;*

*ўқув-билим вазифаси ҳал этиладиган ҳаракатлар ва ҳаракатлар;*

*акс эттириш ва таҳлил қилиш ҳамда улар асосида ўқув ва билим фаолиятини баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш ҳаракатлари.*

Маълумки, **педагогик фаолият – фаолият турлари мажмуи** сифатида қаралади ва мазкур фаолиятларнинг аксарияти ўқув ва когнитив фаолиятга асосланган бўлади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда "**маҳорат**" тушунчасини изоҳлашда ўқитувчининг таълимий фаолияти таркибига эътибор қаратилади. Чунки, ўқитувчининг таълимий фаолияти маълум ўқув ва когнитив ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

**Масалан**. **Билимларни ўзлаштиришда**: *дастлаб билимларнинг келиб чиқиши таҳлил қилинади; сўнгра уларнинг тузилиши аниқланади; ўрганиладиган билимлар янада қулайроқ тилда моделлаштирилади; якунида улар аниқлаштирилади ва умумлаштирилади.*

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “**маҳорат**” бу- “**ўзлаштирилган ҳаракат**” – деб хулоса чиқариш мумкин бўлади. Психология курсидан маълумки, **таълимий ва когнитив ҳаракатлар** объектив ҳақиқат ҳисобланиб, улар топшириқ, кўрсатма, тавсия, савол ёрдамида аниқланади. Бунда, **кўникма** - субъектив факт, яъни, маълум бир шахс ҳаракатини ўзлаштириш характеристикаси сифатида қаралиб, бунда ҳаракатлар асосан ўқув материали билан, кўникмалар эса шахс билан боғлиқ бўлади.

Аммо, талабалар томонидан ўрганилаётган билимлар бўйича ҳосил қилинган **кўникмалар** кўп ҳолларда нотўғри талқин қилинади. Бу эса ҳаракатлар натижасида ҳосил қилинган кўникмалар ўрганилаётган тушунчанинг тузилишини тўлиқ очиб бера олмайди.

Психологларнинг фикрича, ҳаракатлар турли ҳаракатлар орқали намоён бўлади ва улар турлича кўринишда бўлади.

**Масалан**. **1. Механик ҳаракатлар** (рассом расмни чизишида қўллайдиган турли манзаралар, кашта тикишда қўлланиладиган амалий тажрибалар ва ҳ.к.)

**2. Ақлий ҳаракатлар** ( Турли теоремаларни исботлаш учун зарур бўлган билимларни ажратиб олиш жараёнидаги ақлий ҳаракатлар, ўрганилиши керак бўлган ўқув материалини олдиндан режалаштиришда қўлланиладиган ҳаракатлар, бирор нарса ёки ҳодисанинг мавжудлигини асослаш учун зарур бўлган ҳаракатлар ва ҳ.к.)

**3. Ўрганилаётган мавзудан тўғридан-тўғри ўтадиган ҳаракатлар.** Бундай ҳаракатлар одатда объектив ҳаракатлар деб юритилади.

**4. Аниқ бир ўқув фанини ўрганиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган умумий таълим ва умумий когнитив ҳаракатлар.**

Юқорида келтирилган ҳаракатлар моҳияти нуқтаи назаридан интеллектуал хусусиятга эга бўлиб, улар кўникмаларни ҳосил қилишда муҳим ҳисобланади.

Бундай ҳаракатлар: ***таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш ва таснифлаш, исботлаш ва умумлаштириш*** кабиларни ўз ичига олади. Бу борада россиялик олим В.В.Давидов: “таълимий ҳаракатларни шакллантириш учун биринчи навбатда у ёки бу академик фанга мос келадиган ҳаракатларга аниқ шакл бериш керак. Чунки, ўқувчиларда "муайян" фан билимларини узоқ вақт ўзлаштириш жараёнида ҳаракатлар қилиш асосида таълим кўникмалари шаклланади” – деган эди. [1]

Юқоридагилардан кўринадики, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларда математика фанини ўқитиш ва ўргатиш жараёнида ўқув кўникмалари: ***математик билимларни узоқ вақт давомида эгаллаши ва мазкур билимларни ҳамда умумий ўқув-когнитив ҳаракатларни синтез қилиш асосида шаклланади.***

Математика фани ўқитиш ва ўргатиш жараёнида кўникмаларни шакллантириш қуйидаги учта даража бўйича:

*1) ижро этиш даражасига кўра; 2) ўхшаш вазиятларда кўникмаларни қўллаш даражасига кўра; 3) янги ностандарт вазиятларда ҳосил қилинган кўникмаларни ижодий қўллай олиш даражасига кўра.*

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқув фаолияти ўқувчи ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиши мумкин бўлгандагина шаклланади. Агар таълим жараёнида бунга эришилса, у ҳолда ўқувчитаълим мақсадларни аниқлай олиш ва рағбатлантириш ҳаракатларини, ўқув вазифаларини белгилаш хатти-ҳаракатларини, таълим муаммоларини ҳал қилиш учун зарур бўлган воситаларни тўғри танлай олиш ва турли маърифий тадбирларни ва ўз-ўзини баҳолай олиш ҳаракатларини амалга ошира олади. Аслида, таълимнинг бош мақсади ҳам шундай битирувчиларни тайёрлашдан иборатдир. Демак, **ўқув кўникмалари** бу – ўқувчи ўқув фаолиятини амалга ошириш учун турли ҳаракатлар бўлиб, мазкур ҳаракатлар умумий ўқув, когнитив ва маълум асосга эга бўлган ҳаракатларнинг синтези экан.

Математик ўқув кўникмаларини ўқувчилар томонидан эгалланишида математика ўқитувчисининг ўрни муҳим ҳисобланиб, уларнинг назарий, амалий, методик билимлар ва методик жиҳатдан касб сирларини эгаллашида зарур бўладиган методик кўникмалар кўламиини аниқлаш талаб этилади. Чунки, буларсиз математика ўқитувчисининг касбий ҳаракатлари моҳиятини очиб бериб бўлмайди. Одатда, математика ўқитувчиси касбий фаолияти жараёнида қуйидаги саволларга жавоб бера олиш даражасида тайёргарликка эга бўлиши зарур ҳисобланади:

*1) Нима учун айнан Сиз математикадан дарс беришингиз керак?*

*2) Бунинг учун Сиз қандай назарий, амалий ва методик тайёргарликка эга бўлишингиз керак?*

*3) Мактабда математикани қандай ўқитиш мақсадга мувофиқ – деб ҳисоблайсиз?*

Мактабда математика ўқитувчиси бундай саволларга ўринли жавоб бера олишига эришиш учун уларни талабалик даврида улар таҳсил олаётган олий таълим муассасаси олдига қуйидаги масалаларни ҳал этиш вазифаси юкланади:

1. Таълим мақсадаларини аниқлаш, яъни **Нима учун ўқитилади?** – деган савол ҳақида олдиндан тўлиқ тасаввурга эга бўлиш.
2. Ўрганиладиган назарий ёки амалий материал мазмун, яъни **Нима ўрганиш мақсадга мувофиқ (табақалаштирилган таълим шароитида)?** – деган саволга олдиндан жавоб бераолиши керак.
3. Режалаштирилган таълим мазмунини етарли даражада эгаллаш орқали таълим мақсадларига эришиш учун таълим методларини танлаш, яъни **Қандай ўқитиш мақсадга мувофиқ (табақалаштирилган таълим шароитида)?**лиги ҳақида тасаввурларга эга бўлиши лозим.
4. Таълим мақсадларига эришишда керак бўладиган таълим воситалари, яъни **Нима ёрдамида ўқитиш мақсадга мувофиқ (табақалаштирилган таълим шароитида)?**лиги ҳақида тасаввурларга эга бўлиши керак.
5. Таълим мақсадларига эришишни таъминлашни ташкил этиш, яъни **Қандай амалга ошириш мақсадга мувофиқ?** эканлиги ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши керак.
6. Таълим жараёнида эришилган натижалар, яъни **Олдиндан белгиланган мақсадларга эришилдими ёки йўқми(таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш)? -** уни аниқлаш бўйича тўла тассавурларга эга бўлиш талаб этилади**.**

Демак, бўлғуси математика ўқитувчиси фаолиятининг мазмуни маълум бир касбий билимларга асосланган бўлиши керак экан, яъни:

1) ***мактабда математикани ўқитиш учун мақсадларни белгилаш масаласининг асосий жиҳатлари*** *(касбий назарий билимлар)*:

*давлат таълим стандартларида белгиланган билимларни эгаллаш мақсадини аниқлай олиш;*

*ҳар бир синф учун мавзулар, бўлимлар, ўқитиш методлари, муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал этиш, математик жумларни исботлаш ва ҳ.к.ларни билиши;*

*ўқув материалини ўргатиш ва ўрганиш мақсадларини аниқлаш методлари тўғрисида билимларга эга бўлиши;*

*ўқув, математик ва методологик муаммоларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни шакллантириш методларини билиши;*

*математик, ўқув ва методик муаммоларнинг ҳал қилиш учун ҳаракатлар ва тегишли ҳаракатларни билиши;*

*ўқув мақсадлари ва усулларига мувофиқ турли масалаларни ўқитишда ўқув қўлланмаларини, улардан самарали фойдаланиш имкониятлари тўғрисида кўникма ва малакаларга эга бўлиши;*

*ўқувчилар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уларни бошқариш усулларини билиши;*

*назоратнинг турли шакллари ва ўқувчилар фаолиятини баҳолаш усуллари ва уларнинг ўз-ўзини баҳолашга ўргатиш малакаларига эга бўлишини ўз ичига олади.*

Олий таълим муассасида бўлғуси математика ўқитувчисида методик кўникмаларни шакллантириш жараёнини ҳам таълимдаги каби бир неча даражаларга ажратиб қараш мақсадга мувофиқ:

1. Бўлғуси математика ўқитувчиларида методик кўникмаларни шакллантиришнинг **биринчи даражаси бу -** методик ёки ўқув-когнитив ҳаракатни амалга ошириш мақсадларини аниқлай олиш кўникмаларига эга бўлиши, бунда унинг мазмунини тушуниб етиши ва ва кўрсатмаларда келтирилган намуналарга асосланган ҳолда уни амалга ошириш усулларини излаб топишдан иборат.

**2.** Бўлғуси математика ўқитувчиларида методик кўникмаларни шакллантиришнинг **иккинчи даражаси** - бу индивидуал шаклланган услубий кўникмаларни ва айрим ҳолларда бутун мажмуаларни янги фан объектларига ва катта ҳажмдаги ўқув материалларига (математик усул, мавзу, математик муаммолар турига ва бошқаларга) ўтказиш кўникмаларига эга бўлиши.

3. Бўлғуси математика ўқитувчиларида методик кўникмаларни шакллантиришнинг **учинчи даражаси** - бу нафақат мақсадни, балки фаолият усулларини танлашнинг омиллари ва воситаларини англаган ҳолда тушуниб етадиган методик маҳоратга эга бўлиши.

Бўлғуси математика ўқитувчиларида юқорида санаб ўтилган методик кўникмаларни шаклланганлик даражаси одатда педагогик амалиёт даврида амалда синаб кўрилади ва улар янада такомиллаштирилади. Бунда методик кўникмаларни шаклланиши орқали методик қобилиятларни ривожланиш ҳолати ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга ажратилган ҳолда аниқланади:

**Методик қобилиятларни ривожланишини аниқлашнинг биринчи гуруҳи** асосан методик кўникмаларни шаклланишининг биринчи даражаси билан боғлиқ, яъни:

*1. Математик тушунчалар, математик жумлалар, қоидалар, алгоритмлар, чизмалар, теоремалар ва таърифларни мантиқий ҳамда математик таҳлил қилиш.*

*2. Дарсликдаги ўқув материалларининг мантиқий ва дидактик таҳлил қилиш.*

*3. Математик масалани ечиш қоидаларини билиш ва уни ўқувчиларга ўргата олиш, математик жумларни исботлай олиши ва исботлашга ўргатиш кўникмаларига эга бўлиш.*

*4. Математик жумлаларни исботлаш, қоидаларни шакллантира олиш ёки алгоритмларни тузиш учун керакли маълумотларни танлай қобилиятига эга бўлиш.*

*5. Энг оддий ўқув ёки визуал, эпадоскоп, кодоскоп каби таълим воситалари учун материал танлаш ва тайёрлаш қобилиятига эга бўлиш.*

*6. Турли жадваллар ва шунга ўхшаш бошқа материаллар билан ишлаш ва уни ўқувчиларга ўргатиш кўникмаларига эга бўлиш.*

*7. Бирор теоремани исботлаш, математик муаммони ҳал этиш, дарсликдаги маълум бир мавзуни ўрганиш учун зарур бўладиган ўқув адабиётларни танлаш қобилиятига эга бўлиш.*

*8. Тушунчалар, аксиомалар, таърифлар, жумлалар, теоремалар, қоидалар кабилар бўйича эгаллаган билимларин фронтал текшириш учун назарий саволлар ва тестлар тизимини ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг маълум бир мавзу ёки бўлим бўйича математик ёки таълим кўникмаларини баҳолаш учун мустақил ишларни тузиш, ўқувчиларнинг аниқ билим ва кўникмаларини текшириш учун тестларни тузиш қобилиятига эга бўлиш.*

*9. Ёзма ишлар ёки якуний назорат ишларини баҳолаш ва унинг натижаларини таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиш.*

*10. Дарс жараёнида ўрганилаётган назарий ёки амалий материалларни синф доскасига тегишли тартибда жойлай олиш малакаларига эга бўлиш.*

**Методик қобилиятларни ривожланишини аниқлашнинг иккинчи гуруҳи** ўқув материалини ўрганишнинг педагогик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни шакллантиришнинг иккинчи даражаси билан боғлиқ *ҳолда аниқланади:*

*1. Маълум бир ўқув материалларини нима учун ўрганилишини (мақсадини) аниқлай олиш қобилиятига эга бўлиш.*

*2. Ўқув материалини ўрганиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, унинг мантиқий ва дидактик тузилишини таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиш.*

*3. Ҳар бир ўрганилаётган ўқув материалини ўрганишни рағбатлантириш қобилиятига бўлиш.*

*4. Ҳар ўқув машғулти учун ўқув топшириқларни аниқ белгилаш ва бу учун зарур бўлган машқлар ва ҳаракатларни тўғри танлаш қобилиятига эга бўлиш.*

*5. Ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва мазкур жараёндаги таълим муаммоларини ҳал қилишда бошқариш қобилиятига эга бўлиш.*

*6. Мавзуни мантиқий ва дидактик таҳлил қилиш асосида тақвимий режани туза олиш.*

*7. Ҳар бир дарс учун ўқув материалини танлаш ва шу асосда дарс ишланмасини тайёрлай олиш.*

*8. Ҳар бир дарс мақсади ва унда ўрганилиши керак бўлган ўқув материалини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиш.*

*9. Ўқувчи жавобини таҳлил қилиш, унга тўғри ва адолатли баҳо бериш қобилиятига эга бўлиш.*

*10. Психологик, педагогик ва методик мазмундаги илмий-методик мақолалар, методик қўлланмалар* ва ўқув қўлланмаларни таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиши.

**Методик қобилиятларни ривожланишини аниқлашнинг учинчи гуруҳи** олдиндан шакллантирилган барча кўникмаларни синтез қилиш ва ҳар қандай ўқув материалини ўрганшда унга амал қилиш орқали амалга оширилади:

*1. Математика бўйича ҳар бир мактаб дарслигини мантиқий ва дидактик жиҳатдан таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиш.*

*2. Маълум бир мавзу, курс, мавзу бўйича ўқув мақсадлари иерархиясини аниқлаш ва уни амалга ошириш тизимини лойиҳалаштириш қобилиятига эга бўлиш.*

*3. Таълим мақсадлари ва унга эришишнинг реал шароитларидан келиб чиққан ҳолда турли хил ўқитиш методикасини яратиш қобилиятига эга бўлиш.*

Олий таълим муассасаларида бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида юқорида санаб ўтилган қобилиятлар ва кўникмаларни шакллантиришга эришилса, албатта бўлғуси математика ўқитувчиси келгусида самарали ва сифатли касбий фаолият олиб боради. Бу эса мактаб битирувчиларини келгусида меҳнат ва хизматлар бозорида ўзига муносиб ўрин топиши учун хизмат қиладиган билим, кўникма ва малакаларни эгалаш имкониятларини оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. В.В.Давидов. Лекции по общей психологии М.: Академия, 2008. - 176-бет (б.59)
2. Баракаев М. ва б.Замонавийлашув шароитида математика фанини ўқитиш технологиялари (ўқитувчилар учун қўлланма). – Т.: “ZUHRA BARAKA BIZNES”, 2017, 131 бет (б.22)

## НАЗАРИЯ БИЛАН АМАЛИЁТНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИЛИГА ЭРИШИШ ОРҚАЛИ МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Юсупова Анора – физ.мат.ф.н., доцент (Фарғона ДУ)
Баракаев Мурод –педагогика фанлари номзоди, доцент (ТДПУ)
Ражабов Улуғбек – ўқитувчи (ТДПУ)

***Аннотация.*** *Мақолада ўқувчилар томонидан билимларни англанган ҳолда эгаллашда дидактиканинг назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлиқи тамойили ва у асосида дарсларни ташкил этишда қўйиладиган талабларни ўрни “Нисбий хато” мавзусини ўрганиш мисолида очиб берилган.*

***Таянч иборалар****. Назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, тақрибий ҳисоблашлар, абсолют хато, нисбий хато, абсолют яқинлашишилар, назариядан амалиётга, амалиётдан назарияга ўтиш.*

## ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ МАТЕМАТИКИ ПУТЕМ ДОСТИЖЕНИЯ ВЗАИМОСВЯЗИ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ

***Аннотация****. В статье раскрывается сущность принципа дидактики взаимо связи теории и практики в процессе усвоения знаний учениками и требования к организации урока по этому принципу показано на примере темы “Относительная погрешность”*

***Ключевые слова****. Взаимо связь теории и практики, приближенные вычисления, абсолютная погрешность, относительная погрешность, абсолютные приближения, переход от теории к практике, переход от практики к теории*

## IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING MATHEMATICS BY ACHIEVING THE INTERRELATION OF THEORY AND PRACTICE

***Annotation***. *In the state of principle, the theory and practice of didactics and practice in the process of teaching and learning in the teaching of the principle of "Goodness".*

***Keywords***. *The relationship of theory with practice, approximate calculations, absolute error, relative error, absolute approximations, the transition from theory to practice, the transition from practice to theory.*

Ҳозирги кунда фан ва техника соҳасида фаолият юритувчи ҳар бир мутахассис тақрибий ҳисоблашлар бўйича етарли даражада билим ва кўникмаларига эга бўлмасдан туриб, бозор муносабатлари кундан-кунга ҳукмрон бўлиб бораётган бир шароитда меҳнат ва хизматлар бозорида ўзига муносиб ўрин топиши оғирлашиб боради. Мазкур соҳадаги билимларга бўлган зарурият математика фанини ижтимоий ишлаб чиқаришда янада кенгроқ қўлланиш муносабати билан унинг долзаблиги янада ошмоқда. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга тақрибий ҳисоблаш соҳасидаги билимларни бериш умумий ўрта таълим тизимида ўзиниг муносиб ўрнини эгаллаши давр талаби бўлиб қолди.

Методик адабиётларнинг таҳлили, узоқ йиллик илмий-методик изланишлар ва педагогик тажриба натижаси, тақрибий ҳисоблашлар бўйича ўлчаш ҳамда ҳисоблашга доир билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш жараёни шуни кўрсатадики, "**Тақрибий ҳисоблаш**" курси бўйича ўтказилаётган дарсларда **назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги**га амал қилиш муҳим ҳисобланади.

Бунда мазкур курс юзасидан ўтказиладиган ҳар бир дарсни қуйидаги талаблар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**1.** *Реал ҳаётдан олинган ва кундалик амалиётда учрайдиган материаллар асосида тузилган масалаларни кенг қўллаш ҳисобига назарий билимлар бериш жараёнида амалиётнинг ролини янада ошириш талаб этилади. Бу ўқитиш жараёнида ўқувчилар фаолиятида назария ва амалиёт бирлиги тамойили талабларини тўлароқ татбиқ қилиш имконини беради.*

**2.** *Амалий машғулотларда назариянинг ролини ошириш лозим. Бунда ўқувчиларга янги назарий билимлар бериш амалий характердаги масалаларни ечиш асосида амалга оширилади. Бу эса ўқувчиларда амалиёт билан назариянинг ўзаро боғлиқлиги, амалий ишларни назарий билимларсиз ҳал қилиш мумкин эмаслиги, баъзан амалиётнинг назариядан ёки назариянинг амалиётдан ўзиб кетиши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга кенг имкон яратади.*[2]

Юқорида санаб ўтилган аспектларнинг "**Нисбий хато**" мавзусини ўрганиш мисолида кўриб чиқайлик. Мазкур мавзуни 2 та дарс давомида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, биринчи дарсда назарий материалларни ўзлаштиришни амалий мазмундаги топшириқларни бажариш орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Дарс мақсади: 1) Таълимий:** *Ўқувчиларга нисбий хато тушунчасини ва унинг амалиётдаги ўрнини ўргатиш.*

**2) Тарбиявий:** *Математиканинг кундалик ҳаётда тутган ўрни ҳақидаги қарашларини ривожлантириш.*

**3) Ривожлантирувчи:** *Дарс жараёнида ўқувчиларни мустақил билим олишга бўлган қизиқишларни ошириш.*

**Дарс методи:** *Эвристик суҳбат, амалий ишлар, кичик гуруҳларда ишлаш.*

**Дарснинг жиҳози:** Рулетка, кубнинг модели, компьютер ва проектор.

**Дарснинг бориши:**

Ўқитувчи ўтилган дарсларни сўрагандан сўнг ўқувчиларга қуйидаги топшириқни бажаришни таклиф этади.

**1-топшириқ.** Синф хонаси ва столнинг узунлигини ўлчанг. Натижаларни таққосланг.Ушбу топшириқни бажариш учун доскага 4 та ўқувчи таклиф этилади. Улар иккитадан бўлиб мазкур топшириқни алоҳида-алоҳида бажариш топширилади. Шу вақтда синфдаги қолган ўқувчилар билан ўқитувчи **эвристик метод** асосида қуйидагича суҳбат ўтказиши мақсадга мувофиқ.

**Изоҳ.** *Ўқитувчининг моҳирлик билан қўйган саволларига ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари, тиришқоқлиги билан янги билимларни ўзлаштирилишини таъминловчи ўқитиш методи - **эвристик метод** деб юритилади.*

**Ўқитувчи:** Миқдорнинг абсолют қиймати деб нимага айтилади?

**Ўқувчи:** Миқдорнинг аниқ қиймати билан унинг тақрибий қиймати орасидаги айирманинг модули яқинлашишнинг **абсолют хатоси** дейилади.

Агар $a$ аниқ қиймати $x$ га тенг бўлган миқдорнинг тақрибий қиймати бўлса, у ҳолда абсолют хато $|x-a|$ га тенг бўлади.

**Ўқитувчи:** Тақрибиқ соннинг абсолют хатоси қандай топилади?

**Ўқувчи:** Абсолют хатони топиш учун миқдорнинг аниқ қийматидан тақрибий қийматини топиш айириш кифоя.

**Ўқитувчи:** Абсолют хато қайси формула ёрдамида ҳисоблаб топилар эди?

**Ўқувчи:** Абсолют хато $h=|x-a|$ формула ёрдамида ҳисоблаб топилади. Бунда $x$ - миқдорнинг аниқ қиймати, $\alpha$ - тақрибий қиймати, $h$ - абсолют хато.

Шундан сўнг, доскада ўқувчилар томонидан бажарилган топшириқнинг натижалари синф ўқувчилари билан ҳамкорликда таҳлил этилади. Ўлчаш натижасига кўра синф хонасининг узунлиги $b=800 \pm 5$ см, столнинг узунлиги эса $l=95 \pm 5$ см эканлиги аниқланди.

**Ўқитувчи:** Қайси ўлчаш натижаси аниқроқ?

**Ўқувчи:** Ҳар иккала ўлчаш натижаси ҳам бир хил, чунки уларнинг абсолют хатоси бир хил бўлиб, $h$=5 см га тенг.

**Ўқитувчи:** Бу ўлчаш натижаларидан қайси бирини нисбатан аниқроқ деб ҳисоблаш мумкин?

**Ўқувчи:** Синф хонасининг узунлиги нисбатан аниқроқ ўлчанган дейиш мумкин, чунки ўлчашдаги хатолик 800 сантиметрга тақсимланади, иккинчи ўлчашда эса хатолик 95 сантиметрга тақсимланади.

Бундан **ўқувчилар**:

$$\frac{5}{800}=0{,}00628... \quad \text{ва} \quad \frac{5}{95}=0{,}0526...$$

эканлигини аниқлашади. **Ўқитувчи:** Охирги натижаларни 0,01 гача аниқликда яхлитланг?

**Ўқувчи:** $\frac{5}{800} \approx 0{,}01$ ва $\frac{5}{95} \approx 0{,}05$ бўлади.

**Ўқитувчи:** Ҳосил бўлган 0,01 ва 0,05 сонлари мос равишда миқдорларни ўлчашнинг нисбий қийматини билдиради ва у одатда **нисбий хато** деб юритилади. Нисбий хато символик равишда "$\Delta$" ҳарфи билан белгиланади.

**Ўқитувчи:** Нисбий хатони қандай аниқлаш мумкин?

**Ўқувчи:** Бунинг учун миқдорнинг абсолют хатосини топиш керак ва уни шу миқдорнинг тақрибий қийматига бўлиш кифоя.

**Ўқитувчи:** Нисбий хатонинг ўлчов бирлиги ҳақида нима дейиш мумкин? **Ўқувчи:** Маълумки, миқдорнинг тақрибий қиймати ва асболют хатосининг ўлчови бир хил бўлади. Шунинг учун нисбий хато ўлчовга эга эмас ва у фоизларда ҳисобланади. Бунинг учун нисбий хато қийматини доимо 100 га кўпайтириш керак. Буни ўқувчилар юқорида кўриб чиқилган топшириқ учун бажариб қуйидаги натижаларни ҳосил қилади:

$\Delta_b = 0{,}01$ ёки $\Delta_b = 1\%$ ва $\Delta_l = 0{,}05$ ёки $\Delta_l = 5\%$

бўлади.

Юқоридагилардан ўқувчилар $x = a \pm h$ миқдор тақрибий қийматининг нисбий хатоси $\frac{h}{|a|}$ дан ошмаслиги керак эканлигини тушуниб етишади.

Шундай қилиб, юқорида ўқувчилар амалий мазмундаги топшириқларни бажариш орқали янги назарий билимларни эгаллашди, яъни амалиётдан назарияга ва ўз навбатида назариядан амалиётга (назариянинг билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги тамойилига асосланилди) келишди. Мазкур жараёнда ўқитувчи томонидан муаммоли вазиятлар яратилди ва у ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилди.

Бизга фалсафа курсидан маълумки, назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги - кўзланган мақсадга эришишни олдиндан кафолатлашда муҳим ҳисобланади. Лекин назариянинг амалиётдаги ва амалиётнинг назариядаги ўрни билан боғлиқ бўлган **назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги** масаласи бугунги фан ва технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиб ва такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитда асосий муаммолардан бири ҳисобланиб, бунга эришишнинг асосий шартларидан бири: **амалий машғулотлар жараёнида доимий равишда назарияга, худди шунингдек назарий машғулотларда амалиётга мурожаат қилишдир.**

Бундай тарзда дарсларни ташкил этиш ўрганиш ва ўргатиш режани тузишда ўқитувчи томонидан қуйидаги тамойилларга амал қилиш ҳам муҳим ҳисобланади:

1. *Режанинг назарий асосини бевосита унга боғлиқ бўлган маълумотлар ташкил этиши керак.*
2. *Кўрсатмалар тизими дискрет хусусиятга эга бўлиб, мавжуд бир жинсли масалалар синфига нисбатан умумий бўлиши лозим.*
3. *Кўрсатмалар тизими мазмун жиҳатдан тўла ва етарли бўлиши, яъни ўқиш фаолиятини яхлит равишда олганда охирги натижага эриша олиш муваффақиятини*

*кафолатлаши, ўқувчиларни оралиқ маълумотлар билан таъминлаши зарур.*

*4. Кўрсатмалар тизими зиддиятсиз ва яхлит бўлиши, яъни ҳар бир олдинги кўрсатма (ёки кўрсатмалар гуруҳи) оз бўлсада, кейинги кўрсатмаларга, узатувчи, кейингиси эса олдингисининг мантиқий давоми бўлиши керак.*

*5. Режа бандларининг сони кўп бўлмаслиги керак. Бу баъзи қадамларни бирлаштириш ёки янада майда қадамларга бўлиш имконини беради. Режани эркин равишда амалга оширишга хизмат қилади.*

*6. Кўрсатмалар тизими бир хил типдаги масалаларни бир неча марта ечиш имконини бериши ҳамда оммавий хусусиятга эга бўлиши керак.*[1]

Дарсларни бундай ташкил этиш ўқувчиларнинг назарий ҳамда амалий билим ва кўникмаларини бирлигига эришишни таъминлайди. Пировардида, ўқувчилар англанган ҳолда билим эгаллашга эришади ва бу уларнинг математика фанини ўрганишга бўлган қизиқишларини оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

**1.** Гайбуллаев Н. Практическая направленность обучения математике в школе. /Узб. НИИ пед.наук им.Т.Н.Кары Ниязова. - Ташкент: Фан, 1987. - 118 с.

**2.** Баракаев М. Взаимо связь теории и практики при обучении приближенным вычислениям в школе.//Авторефарат диссю на соиск. учён.степ. канд.пед.наук.//. – Ташкент, 1992 йил, 18 бет

## ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ОРИЕНТИРОВАННОСТЬ НА ИНДИВИДУАЛИЗАЦИЮ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ

Пардабаева Д.Р. (НамГУ)

***Аннотация**:Статья посвящена актуальной проблеме современной методики преподавания литературы. Проанализированы психологические и педагогические принципы личностно-ориентированного подхода в преподавании. Определены новые технологии в преподавании в вузовской аудитории.*

***Ключевые слова:**Технология обучения, индивидуальный подход в преподавании, всестороннее и гармоническое развитие личности, закономерности процесса образования, деятельностный подход в преподавании*

## PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL FOCUS ON THE INDIVIDUALIZATION OF THE LEARNING PROCESS

Pardabaeva D.R. (NamSU)

***Annotation**:The article is devoted to the actual problem of modern methods of teaching literature. The psychological and pedagogical principles of a personality-oriented approach to teaching are analyzed. New technologies in teaching in a university audience are identified.*

***Keywords:** Educational technology an individual approach to teaching comprehensive and harmonious personality development patterns of the educational process*

## O'QUV JARAYONINI INDIVIDUALLASHTIRISHGA PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK E'TIBOR

Pardabaeva D.R. (NamDU)

***Izoh***:*Maqola adabiyotni o'qitishning zamonaviy usullarining dolzarb muammolariga bag'ishlangan. Shaxsga yo'naltirilgan o'qitishning psixologik-pedagogik tamoyillari tahlil qilinadi. Universitet auditoriyasida o'qitishning yangi texnologiyalari aniqlandi.*

***Калит сўзлар***: *Таълим технологияси,ўқув жараёнида шахсни хар томонлама ва уйгун шаклланишида ўқитишнинг индивидуал ёндашуви*

В мировой практике особое внимание уделяется развитию интеллектуального потенциала студентов, формированию навыков работы с информацией и формированию информационно-аналитического потенциала, совершенствованию технологий работы над лингвистическим и художественным материалом в процессе обучения, ориентированном на индивидуальную личность каждого обучаемого.

Данная статья в определенной степени служит осуществлению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП -4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП – 3151 от 27 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки высококвалифицированных специалистов с высшим образованием», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП – 3271ё от 13 сентября 2017 года «О программе комплексных мероприятий по разработке и продвижению системы издания и распространения книжной продукции», Указе Президента Республики Узбекистан №УП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечения активного участия в широких реформах в стране, а также других нормативно-правовых актах.

В нашей республике особое значение придается развитию лингво-культурологической компетентности в условиях индивидуально-личностного подхода.

Личностно-ориентированный или индивидуальный подход в воспитании студентов представляет собой целенаправленную систему педагогических действий и отношений, максимально учитывающую возрастные и социально-психологические особенности каждого студента в целях всестороннего и гармонического развития его личности.

В педагогике высшей школы, к сожалению, до сих пор бытует директивный стиль воспитания студентов, ведущий нередко к формализму и ошибкам вследствие незнания и игнорирования индивидуальных особенностей студентов.

Изучение личности студентов важно, прежде всего, с позиций реальной жизни. Известно, что индивидуальные особенности людей оказывают глубокое и разнообразное влияние на социальные группы, а тем самым и на общество в целом, уровень и характер организации, продуктивность коллективной деятельности, межличностные отношения.

Невнимание к индивидуальности и порождает дефекты «человекообразования», противоречия поведения и сознания людей, негативно сказывается на межличностном общении.

Вторая причина психологического характера. На психологическом уровне реакции, установки, оценки, отношения людей к одному и тому же факту, явлению, событию всегда варьировано. Эти различия в отношениях и установках людей влияют на поведение людей и проявления личности. Так как истинным объектом педагогической работы является именно отношения человека, необходимы их знания и учёт.

Третья причина – закономерности процесса воспитания. В воспитании нет прямой зависимости результатов воспитания от воспитательных воздействий. Широта и динамизм связей и отношений студента с окружающей предметной и социальной средой должны быть постоянным объектом педагогического познания и коррекции.

Индивидуальные особенности студентов должны изучаться сообща всеми преподавателями, контактирующими со всеми студентами. Такой своеобразный педагогический «консилиум» обеспечит полную, достоверную информация и единство действий всех преподавателей.

Общей программой для всех преподавателей является принцип изучения личности: целенаправленность, всесторонность, динамичность, систематичность и последовательность, изучение личности в деятельности и в коллективе, воспитывающий характер изучения личности.

Студенты всегда занимали и занимают специфическое место в социальной структуре общества. Эта специфичность определяется следующими отличиями.

Во-первых, определяющей функцией студентов в обществе и особенности их ведущей деятельности. Цель студентов – подготовка к профессиональному труду, учебная деятельность является ведущей – индивидуально по своей природе и характеризуется, прежде всего, личной. А не и общественной значимостью.

Во-вторых, единством образа жизни. В нашей стране вузы сосредоточены преимущественно в городских центрах, причём большинство (около 75%) студентов живёт в общежитиях. Единство направленности (овладение избранной специальностью), единства быта студентов определяют способы и формы их жизнедеятельности.

В-третьих, возрастными психологическими особенностями студентов. Малый жизненный опыт, определённая психологическая и социальная незрелость, широта интересов, эмоциональность ориентаций – лишь некоторые из слагаемых особенного психологического облика большинства сегодняшних студентов, для которого характерна также незавершённость и динамизм.

Для ценностных ориентаций большинства студентов характерна малая степень согласованности компонентов. Если на когнитивном и эмоциональном уровне первое место занимает подготовка по специальности, самостоятельная работа, то на поведенческом уровне первое место занимают ориентации, связанные с возрастными особенностями – развлечение и общение. Задача оптимально

согласовать различные компоненты ценностных ориентаций студентов, учитывая, что интенсивное, разнообразное по содержанию общение в студенческом возрасте необходимо для шлифовки многих социально и профессионально значимых качеств личности.

Во всем мире в обеспечении развития системы образования имеет особое значение ориентация на новые педагогические технологии в процессе воспитания и образования. В настоящее время одним из самых актуальных является вопрос воспитания всесторонне развитых личностей, обладающих глубокими знаниями, высокими нравственными качествами, убеждениями, являющихся специалистами в своей профессии. Для осуществления этих задач на современном уровне необходимы дальнейшее совершенствование экономической, социальной и других отраслей, повышение благосостояния народа на пути обеспечения развития Республики Узбекистан и создания ее великого будущего.

Широкий диапазон, многообразие интересов студентов часто характеризуется поверхностностью, а не глубиной[1]. В динамике направленности и интересов студентов от 1 к 4 курсов бакалавриата наблюдаются две тенденции: гуманитаризация и профессионализация. Значимо увеличивается коммуникативная и художественная направленность, снижается направленность на спортивную деятельность (не на специальных спортивных отделениях) и, к сожалению, почти без изменения остаются познавательная и трудовая направленности. Что касается профессиональной направленности, то, по данным социологов[2], лишь примерно половина студентов отмечает у себя устойчивую склонность и сознанное самоутверждение в избранной профессии.

Определённая неадекватность характерна для выбираемых студентами моделей жизни, для отношений к себе, к другим людям, а также и к основным видам деятельности.

Процесс становления личности студента за годы обучения в вузе – сложный, требующий самого длительного внимания со стороны исследователя учебного процесса, ведущих преподавателей и особенно кураторов академических групп.

Личностно-ориентированный подход в воспитании студентов осуществляется в коллективе и прежде всего через коллектив. В этом диалектика этих основополагающих понятий.

За годы учёбы в вузе студент является членом различных социальных объединений (академическая студенческая группа, научные и трудовые объединения студентов, объединения внеучебного воспитательного процесса, группы референтного общения и т.д.). На вопрос, в каких видах деятельности сложились коллективные отношения, большинство студентов Наманганского государственного университета (из 348 опрошенных студентов отделения русской филологии) указало внеучебную деятельность, и только 10% опрошенных отметили учебную. Более половины не удовлетворены взаимоотношениями в группе, содержанием общения с однокурсниками. Только 28% опрошенных студентов оценили свою академическую группу как дружную и сплочённую.

Известно, что формирующее начало на личность оказывают лишь группы высшего типа – коллективы. И тот факт, что значительная часть академических групп находится на начальной или промежуточной стадиях развития коллектива, вскрывает слабость воспитательного воздействия на личность и открывает перспективы работы психологов и педагогов.

Личностно-ориентированный подход учебно-познавательной деятельности студентов, минимальная потребность в деловом сотрудничестве и взаимодействии в учебной деятельности, часто несовпадающие индивидуальные цели студентов осложняют процесс формирование коллектива студенческой группы. Индивидуальный подход в воспитании студентов находится в тесной взаимосвязи с рациональным подходом (от сознания к поведению), от эмоционального подхода (от эмоций к сознанию и поведению), от деятельностного подхода (от деятельности, поведения к сознанию). При этом необходимо соблюдение ряда условий активного воспитания, а именно: разносторонности, единства, непрерывности, ступенчатости, постепенности, опосредованная индивидуальностью всех воспитательных воздействий.

В процессе воспитания главной воспитательной силой является сам воспитуемый. Результатом и условием воспитания является самовоспитания, в отрыве от которого невозможно решить ни одну воспитательную задачу. Связующим звеном воспитания и самовоспитания является социально ценная деятельность[3].

На этапе содержательного тренинга и закрепления очень важны своевременные изменения тактики общения педагога со студентами с учётом возможности возникновения эмоционального «пресыщения» при постоянных и интенсивных контактах педагога и студентов. Доверие студентам, акцент на самоконтроль и саморегуляцию важны для роста их сознательности, самостоятельности поведения, для активизации самовоспитания.

Формируемые качества и навыки поведения должны впоследствии проявляться в различных ситуациях, в различной обстановке, в различном окружении. Для этого необходимо расширить виды активности студента, дать ему усложнённые поручения, включить его в различные виды деятельности. Это позволит углубить и ускорить процесс закрепления формируемых навыков и качеств, сделать их устойчивыми свойствами личности.

**Литература**

1.Бабанский Ю.К. Оптимизация учебно-воспитательного процесса. – М.: Педагогика, 2003.

2.Куценко В.Г., Липник В.Н. Состояние психолого-педагогической подготовки учителя. – М.-СПб.: Учитель, 1998.

3.Гарифьянов Р.С. Психолого-педагогические основы руководства самовоспитания студентов. – Казань: Изд-во Казанского университета, 1988.

# REVITALIZATION OF THE COGNITIVE ACTIVITY OF THE STUDENT: A MODERN VIEW OF THE PROBLEM

Akbarova Ravzaxon Abdullaxayevna
an English teacher of Namangan State University

***Annotation:*** *The problem of activation of cognitive activity of school student requires a decision in the conditions of the development of technologies. Means, receptions and methods, assisting activation of activity student in an educational process, are examined in the article.*

***Keywords:*** *learning; cognitive activity; activation of cognitive activity; teaching method; method of activation of cognitive activity.*

# РЕВИТАЛИЗАЦИЯ КОГНИТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТА: СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ

Акбарова Равзахон Абдуллахаевна,
преподаватель английского языка
Наманганского государственного университета

***Аннотация:*** *Проблема активизации познавательной деятельности школьника требует решения в условиях развития технологий. В статье рассматриваются средства, приемы и методы, способствующие активизации деятельности учащегося в учебном процессе.*

***Ключевые слова:*** *обучение; познавательная деятельность; активация познавательной деятельности; метод обучения; метод активации познавательной деятельности..*

# O'QUVCHINING KOGNITIV FAOLIYATINI QAYTA KO'RIB CHIQISH: MUAMMONING ZAMONAVIY KO'RINISHI

Akbarova Ravzaxon Abdullaxaevna
Namangan davlat universiteti
Ingliz tili fani o'qituvchisi

***Annotatsiya:*** *Talabaning bilim faolligini oshirish muammosi texnologiyaning rivojlanishi sharoitida hal qilinishini talab qiladi. Maqolada o'quv jarayonini faollashtirishga yordam beradigan vositalar, usullar va metodlar muhokama qilinadi.*

***Kalit so'zlar:*** *o'qitish; kognitiv faoliyat; kognitiv faoliyatni faollashtirish; o'qitish usuli; kognitiv faoliyatni faollashtirish usuli.*

The question of enhancing cognitive activity is one of the urgent questions of a pedagogical science, to which no universal answer has yet been found. Teachers from different eras thought and proposed solutions to this problem. Conceptual provisions, methods, successful methodological techniques proposed by L.N. Tolstoy and K.D. Ushinsky, V.A. Sukhomlinsky and V.F. Shatalov, G.I. Schukina and T.I. Shamovoi, V.I. Andreev and A.V. Farmstead.

Information technologies are developing faster and faster, and schoolchildren have new priorities, other ways of perceiving and analyzing information, which must meet the level of complexity of the educational material. But the more difficult it is for a student to perceive large volumes of the content of the subject, the more difficult it is to keep his attention and activity in the lesson.

The purpose of the work is to consider various methods, techniques and methods of enhancing the cognitive activity of a student.

In accordance with the goal, the following tasks:

Identification of the most effective methods, techniques and methods of enhancing cognitive activity;

The disclosure of the role of techniques, methods and methods of enhancing the knowledge of the student in the learning process.

The scientific novelty of the work is to detect the dependence of the student's activity in the cognitive process on other areas of activity.

I.F. Kharlamov considers activity in cognition as “an active state of a student, which is characterized by a desire for learning, mental stress and the manifestation of volitional efforts in the process of mastering knowledge” [1]. A T.I. Shamova looks at the cognitive activity as “the quality of a person, manifested in relation to the content and process of activity, in the desire to effectively master the knowledge and how to obtain it, in mobilizing volitional efforts to achieve the goal of learning” [3].

In stimulating cognitive activity, a great role is played by the encouragement of students to comprehend logic and sequence in the presentation of educational material, to highlight the main points and meaning in it. Indeed, without students comprehending the structure of the material, understanding the course of reasoning on any problem, the students' activity will be minimal. For this, the possibilities of traditional methods for enhancing the cognitive activity of students have not been exhausted:

Verbal methods (story, lecture, reading).

Visual methods (demonstration of the natural, screen and other visual aids, experiments).

Practical methods (practical work, laboratory experiments).

Cognitive stimulation refers to the set of techniques, strategies and materials to improve performance and effectiveness of cognitive capabilities and executive functions such as memory, attention, language, reasoning and planning, among others. Cognitive activities are mental processes through which we make sense of the world around us or get to know or experience our environment (internal and external). Examples of cognitive activities are reasoning, thinking, perceiving, decision-making, listening, observing, etc

The student's activity at different stages of learning depends on physical and mental abilities, as well as on the education of the student. Therefore, the student’s desire for learning depends not only on the student and teacher but also on the parents, who provide the basis for all education. If parents do not give proper upbringing to their child, then the teacher can only correct, but not fundamentally change, the upbringing of his student. What is the cognitive approach?

The cognitive approach in psychology is a relatively modern approach to human behaviour that focuses on how we think. It assumes that our thought processes affect the way in which we behave. Play allows children to use their creativity while developing their imagination, dexterity, and physical, cognitive, and emotional strength. Play is important to healthy brain development. It is through play that children at a very early age engage and interact in the world around them.

In order for students to understand the need for activity in obtaining knowledge, they take into account various factors that encourage students to be active. This, for example, is a professional interest, consisting of the relevance of the problem considered in the lesson. For this, teachers try to draw up a lesson plan so that the student is interested in learning from the lesson. Also, these factors include the creative, playful nature of the forms and proposed tasks and the competitive nature of the interaction.

To enhance the knowledge of students, interest in learning, use visual aids, put various experiments. We state the fact that modern students are fond of various types of gadgets, computers, robots, electronics. Accordingly, it is possible to identify points of interaction of modern technologies with the long-standing problem of enhancing cognition. So, lesson plans can contain the necessary training material in an unusual form - in the form of a game, presentations on an interactive whiteboard, which would include animation, the ability to select an answer option and more.

At the moment, methods have been developed to enhance the cognitive activity, including the reception of problem-based learning, the reception of algorithmized training, the reception of heuristic training, the reception of research training and the observation. The above methods of activation vary in the construction of the lesson, as they include different ways of bringing information to students. Consequently, teaching methods play a large role in enhancing cognitive activity.

Education has the ability to identify the potential of each student in the development of thinking and creative abilities. This potential needs to be seen and unleashed in each person, to be able to develop and apply it in the right learning channel. For this, the activation of cognition must be approached not only from an algorithmic point of view but also from a creative point of view. The student's creative activity is considered as the highest form of manifestation of cognitive activity, which is interconnected with going beyond the limits of the problem in question, with the search for new original ways of solving it.

So what are the ways to enhance cognitive activity now?

The main ways to enhance cognition are:

Stimulating the collective form of work, the interaction of students in learning.

Inclusion of students in solving problem situations. The collective work of students contributes to the better memorization of educational information, the development of interpersonal relations of students and sociability.

The use of didactic games, discussions, competitions.

It is useful to use in the lessons the pupil's self-isolation of the meaning in the teacher's speech. This contributes to a better understanding of the essence of the new

topic, mentally divide the material into important logical parts. However, it is important that the student is self-developing.

Using different methods, methods and techniques of enhancing the knowledge of schoolchildren, the teacher must take into account the capabilities of students, the conditions of study at school, as well as the teaching method that is currently used in the classroom.

To achieve the best result in the cognitive activity of students, you can use not only visual aids and textbooks but also many scientific achievements: an interactive whiteboard; computer programs focused on obtaining knowledge, as well as other innovations.

What are some examples of cognitive activities?

Here are some examples to help students improve their cognitive skills:

Memory Matching. Memory matching games or simple card games like Go Fish allow preschoolers to intellectually work through a problem to find the answer or a solution.

Sorting and Classifying.

Sequencing.

Symbolic.

At what age does cognitive decline begin? “Cognitive decline may begin after midlife, but most often occurs at higher ages (70 or higher).” [4]

“…relatively little decline in performance occurs until people are about 50 years old.” [5].

“…cognitive abilities generally remain stable throughout adult life until around age sixty.”[6]

“…no or little drop in performance before age 55…”[7]

“…most abilities tend to peak in early midlife, plateau until the late fifties or sixties, and then show a decline, initially at a slow pace, but accelerating as the late seventies are reached.” [8]

“… relatively little decline in performance occurs until people are about 50 years old.”[9]. Examples include the verbal, spatial, psychomotor, and processing-speed ability." Cognition mainly refers to things like memory, the ability to learn new information, speech, understanding of written material. Learning is an example of cognition. The way our brain makes the connection as we learn concepts in different ways to remember what we have learned. Our ability to reason through logic is a prime example of cognition. People do have different ways of reasoning if we think about why people buy certain things when they shop.

Cognitive approaches to learning are concerned with how information is processed by learners. Cognitive theories view students as active in “an internal learning process that involves memory, thinking, reflection, abstraction, motivation, and meta-cognition”[10].

Thus, the need to motivate the student, to intensify his cognitive activity in accordance with his interests and hobbies, professional orientation and thinking is of lasting importance. Constant attention to this problem is required not only from scientists but also from practical educators.

In accordance with the teacher's experience, his professional style is formed, with the help of which all creative potential and skill are revealed due to the variety of forms, methods, techniques and methods of activating the student's cognitive activity.

References:

1. Ogoltsova Ye.G. Problema aktivizatsii poznavatelnoy deyatelьnosti v didaktike vыsshey shkolы // Sovremennыe problemы nauki i obrazovaniya. – 2009. – № 3. – S. 162-166.

2. Xutorskoy A.V. Metapredmetnoe soderjanie obrazovaniya s pozitsiy chelovekosoobraznosti. [Elektronnыy resurs] // Vestnik Instituta obrazovaniya cheloveka; 02.03.2012g. – URL: http://eidos-institute.ru/journal/2012/0302.htm ( data obraщeniya - 09.06.2016g).

3. Shamova, T. I. Upravlenie profilnыm obucheniem na osnove lichnostno-orientirovannogo podxoda: Uchebno-metodicheskoe posobie/ T. I. Shamova, G. N. Podchalimova, A. N. Xudin i dr. — M.: TSentr «Pedagogicheskiy poisk», 2006. — 160 s.

4.Aartsen MJ, Smiths CHM, van Tilburg T, Knopscheer KCPM, Deeg DJH. Activity in older adults: Cause or consequence of cognitive functioning? A longitudinal study on everyday activities and cognitive performance in older adults. Journal of Gerontology: Psychological Science. 2002;57B:P153–P162.

5.Albert MS, Heaton RK. Intelligence testing. In: Albert MS, Moss MB, editors. Geriatric Neuropsychology. New York: Guilford Press; 1988. pp. 13–32.

6.Plassman BL, Welsh KA, Helms M, Brandt J, Page WF, Breitner JCS. Intelligence and education as predictors of cognitive state in late life: A 50-year follow-up. Neurology. 1995;45:1446–1450

7.Ronnlund M, Nyberg L, Backman L, Nilsson LG. Stability, growth, and decline in adult life span development of declarative memory: Cross-sectional and longitudinal data from a population-based study. Psychology and Aging. 2005;20:3–18.

8.Schaie KW. Individual differences in rate of cognitive change in adulthood. In: Bengston VL, Schaie KW, editors. The Course of Later Life: Research and Reflections. New York: Springer; 1989. pp. 65–85.

9.Sheline YI, Mintun MA, Moerlein SM, Snyder AZ. Greater loss of 5-HT2A receptors in midlife than in late life. American Journal of Psychiatry. 2002;159:430–435

10.Ally, M. (2008). Foundations of educational theory for online learning. In T. Anderson (Ed.) Theory and practice of online learning (pp. 15-43).

## HARBIY PEDAGOGLARDA XORIJIY TILLAR BO'YICHA MUSTAQIL KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY JIHATLARI

Mamatqulov Xurshid Abdurashidovich.
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti mustaqil izlanuvchisi.
Yunusov Davronbek Bekmirza o'g'li
O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti guruh komandiri

***Annatatsiya:*** *Maqolada pedagoglarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda xorijiy til bo'yicha kasbiy kompetentligini oshirish muammolari va axborot-ta'lim muhitini yaratish shart-sharoitlari yoritilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *innovatsiya, internet-resurs, integratsiya, kompetentsiya, kompetentlik, kasbiy kompetentlik, kommunikatsiya, masofaviy ta'lim.*

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОИ КОМПЕТЕНЦИИ ПО ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ ВОЕННЫХ ПЕДАГОГОВ

Маматкулов Хуршид Абдурашидович
Соискатель в Узбекистанский государственный университет мировых языков
Юнусов Давронбек Бекмирза угли
Командир группы военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются проблемы повышение уровня профессиональной компетентности педагогов по иностранному языку с применением информационно-коммуникационных технологий и условия создания информационно-образовательной среды.*

***Ключевые слова:*** *инновация, интернет-ресурс, интеграция, компетенция, компетентность, профессиональная компетентность, коммуникация, дистанционное обучение.*

## METHODOLOGICOL WAYS OF DEVELOPING COMPOTANCE OF MILITARY TEACHERS IN FOREIGN LANGUAGES IN SELF-STUDY

Mamatkulov Khurshid Abdurashidovich
Researcher in Uzbekistan state world languages University
Yunusov Davronbek Bekmirza o'g'li
Commander of group in Military-technical institute of National Guard of the Republic of Uzbekistan

***Annotation:****The article discusses the content of normative model of teacher's competency, displaying scientifically based composition of professional knowledge and skills and here we can see pedogogical condition and developing level of professional competence of foreign languages teachers.*

***Key words:*** *innovation, online resource, integration, competence, professional competence, creativity, linguistics, distance learning, pragmatics sociolinguistics.*

Xalqaro globallashuv ta'siri ostida axborot makonining tezlik bilan o'sishi, pedagog kadrlarni tayyorlashda o'zgacha yondashuvni, ya'ni innovatsion axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va axborot-metodik ta'minot tizimi yordamida kasbiy kompetentlikni rivojlantirishni davr talabiga aylantirmoqda.

O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlarda pedagoglarni tayyorlash va ularning kasbiy bilim, ko'nikma va malakasini oshirishga

qaratilgan bir qator amaliy ishlarni ko'rishimiz mumkin. Jumladan, pedagog kadrlarning o'quv-uslubiy va ilmiy-pedagogik faoliyatini tashkil etishning mavjud me'yoriy-huquqiy asoslari muttasil takomillashtirib borilmoqda. Mazkur jarayonni boshqarishning davlat tomonidan amalga oshirilishi va mamlakat miqyosida ahamiyatga molik bo'lgan Davlat dasturlarining qabul qilinishi va unda belgilangan vazifalarning bajarilishi bugungi kunda amaliyotda o'z samarasini bermoqda.

**G.N.Serikov [1]** kasbiy kompetentlikni, kasbiy odatlar (etika), kasbiy faoliyat sohasidagi tashabbuskorlik va kasbiy mahorat bilan bir qatorda turuvchi, malaka tavsiflari tarkibi komponentlaridan biri, deb hisoblaydi. Uning fikricha, mutaxassis malakasi unga xususiyatlarning ayrim darajasida kasbiy faoliyatni amalga oshirish imkonini beruvchi, insonning ichki xususiyatidir. Sanab o'tilgan tavsiflar jamiyatning mutaxassis malakasi to'g'risidagi tasavvurlarining umumlashgan ifodasi tizimi hisoblanadi. Mutaxassislar kasbiy kompetentligi – bu, "kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilimlar ifodalangan malaka tavsifi". Muallifning e'tirof etishicha, kompetentlik mazmunining asosini insonshunoslikka taalluqli bo'lgan fanlar, o'z ustida ishlash asoslari va ushbu fanlar doirasidagi nazariy bilimlar tavsiflaydi. Faoliyat negizi kasbiy faoliyat jarayonida yuzaga keladi. Malaka tavsiflarining bunday tarkibi, asosiy tavsiflari xabardorlik, onglilik, harakatlilik va uquvlilik bo'lgan insonning bilimlilik modeliga mos keladi. Bilimlilik modelida kasbiy kompetentlik "ta'lim jarayonida ijtimoiy tajribaning bir qismi orqali o'zashtirilganlarni qayta ishlash qobiliyati sifatida tushuniladigan" xabardorlikka mos keladi. Kasbiy faoliyat jarayonida "professional-pedagogik kompetentlik avval o'zlashtirilgan ijtimoiy tajriba (etarlicha rivojlangan ijtimoiy bilimlilik) va kasbiy pedagogik faoliyatni amalga oshirish tajribasi natijasida ochilayotgan ichki bilimlar qorishmasi kabi rivojlanadi".

**N.K.Sergeev [2]** va shu yo'nalishda tadqiqod olib borgan olimlar shaxsning kasbiy tarkibini tadqiq eta turib, kasbiy kompetentlik – shaxsning kasbiy yo'nalganligi, muhim kasbiy xususiyatlari, kasbiy qiymatga ega psixofiziologik xususiyatlari bilan bir qatorda turuvchi tarkib hisoblanadi va kasbiy bilim, ko'nikma, malakani o'z ichiga oladi, degan xulosaga kelish mumkin.

Shu o'rinda, kasbiy kompetentlik tushunchasiga bilimli yondashuv pedagogning mazkur hususiyatini oliy ta'lim muassasasida shakllanish asoslarini ko'rib chiqish imkonini beradi. Ta'lim sun'iy faoliyat sanaladi, ammo shu xususiyatning tarkibiy komponenti sifatida kasbiy bilimlarni o'z ichiga oladigan, aynan, bilish faoliyati kasbiy kompetentlik shakllanishining mezoni hisoblanadi.

Tizimli-integrativ yondashuv kasbiy kompetentlikni tizimli xodisa sifatida o'rganadi. Tizimli yondashuvning metodologik nuqtai nazaridan "ilmiy ifodaning har qanday ob'ekti bir-biri bilan ma'lum munosabatda bo'lgan o'zaro bog'liq komponentlar birligidir". Kasbiy kompetentlikni tizimli ob'ekt sifatida ta'riflash, uni bir butunligini, uning tarkibiy elementlarini, ularni ichki munosabati shakllanishining o'ziga xosligini ko'rish imkonini beradi. Bunday yondashuv, ob'ektning integrativ xossalari va xususiyat tavsiflarini aniqlashda o'rinlidir. Bu, tizimdagi o'zgarmas va o'zgaruvchan, muhim va ikkinchi darajali bo'lgan xodisalarni shuningdek, tizimli butunlikni shakllantiruvchi komponentlar to'plamini o'rganishga yordam beradi. Kasbiy kompetentlikni

mutaxassisning bir butun integral tavsifi kabi o'rganish, uning rivojlanish holatida shaxs imkoniyatlarini aniqlashga imkon beradi. Mazkur yondashuvga tayanadigan tadqiqotchilar, kasbiy kompetentlikni bilim, ko'nikma, malaka, faoliyat usullari, shaxsning psixologik xususiyatlari, kasbiy qiymatga ega xususiyatlar tizimi orqali ifodalaydi.

**L.V.Makarova [3]** ijtimoiy xodimning kasbiy kompetentligini o'rgana turib, uni "kasbiy-faoliyat sub'ektining individual-integral xususiyat tavsifi va bir vaqtning o'zida shaxsning bir butunlik holati", deb ta'riflaydi. Ijtimoiy xodimning kasbiy kompetentligi mutaxassisning ob'ektiv modeli bilan shaxsning sub'ektiv imkoniyatlari o'rtasidagi bog'liqlikda namoyon bo'ladi.

Shu nuqtai nazardan, kasbiy kompetentlik pedagog, kasb talablariga moslik darajasini namoyon qiluvchi standart malaka ko'rsatkichlari hamda uning betakrorligi va o'ziga xosligini aniqlovchi kasbiy faoliyatni amalga oshirishning individual uslubi nuqtai nazaridan baholanishi lozim. Bunday yondashuv, pedagogik professionalizmning etalon modeliga mos keladi. Kasbiy kompetentlik o'zida ob'ektiv (mutaxassisga bo'lgan talab) va sub'ektiv (individual xususiyatlar) birligini aks ettiradi va ikkita ifoda darajasiga ega: tashqi (kasbiy faoliyatni amalga oshirish usuli) va ichki (insonning fundamental psixik strukturalari darajasi, uning shaxsiy rivojlanishi).

Kasbiy kompetentlik tushunchasini oliy ta'lim muassasalari professor-xodimlariga nisbatan qo'llanilganda ularning xususiyatlari va shaxsiy fazilatlari birligini ifodalovchi belgilar mujassamligi sifatida qarash mumkin. Oliy ta'lim muassasasida bu xususiyatni shakllanish yo'li va vositalariga turli yondashuvlar mavjud. Kasbiy kompetentlik tushunchasining murakkabligi, bizningcha, bu ko'p omilli xodisaning pedagogikada turli ma'nolarga ega ekanligida namoyon bo'ladi. Kasbiy kompetentlik pedagoglar kasbiy faoliyatining sifat ko'rsatkichi, kasbiy ma'lumotning maqsadi va natijasi, kasbiy faoliyatning natijaviylik sharti sifatida qaraladi. Bundan tashqari, kasbiy kompetentlik turli fanlar: pedagogika, psixologiya, ijtimoiy psixologiya, sotsiologiyada menejmentni o'rganish ob'ekti hisoblanib, ularning barchasi bu xususiyatning turli jihatlarini o'rganadi. Kasbiy kompetentlikni o'rganishda turli yondashuvlar mavjudligiga qaramasdan, uni tadqiq etuvchilar kompetentlikning dastlabki, boshlang'ich manbaasiga asoslanadi.

Psixologiya va pedagogikaga oid adabiyotlar tahlilida kasbiy kompetentlik tushunchasini kasbiy xususiyatlar va shaxsiy qadriyatlar nuqtai nazaridan guruhlarga ajratish va farqlash masalalariga e'tibor qaratiladi. Kasbiy kompetentlik tushunchasi shaxsning psixologik muammolari bilan bog'liq holatlarni kamrab olgan jihatlari mavjud bo'lgani uchun ayrim adabiyotlarda shaxsning ko'proq psixologik fazilatlari yoritiladi.

Tahlillarga ko'ra, "kasbiy kompetentlik" – xorijiy tillar bo'yicha pedagoglarning shaxsiy sifatlari, faoliyat maqsadi va vazifalarini belgilash, o'z navbatida ular qatoriga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texologiyalarini qo'llay olish, o'ziga xos tadqiqotchilik qirralari ham ko'shilishi mazkur tushunchaning mohiyatan to'liq izohlanishiga imkon beradi. Pedagoglarda xorijiy tillar bo'yicha kasbiy kompetentlikni rivojlantirish o'ziga xosliklardan iborat bo'lib, uning tadrijiy shakllangan kasbiy layoqati, bevosita va bilvosita omillar ta'siri ostida ijtimoiy lingvistik, pragmatik, diskursiv, madaniyatlararo va lingvistik kompetentliklarni vujudga keltiradi [4].

Ta’limda pedagoglarning xorijiy tillar bo’yicha kompetentligini rivojlantirishga bir necha omillar ta’sir etishi mumkin. Masalan, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yutuqlaridan foydalanish, o’z navbatida mavjud to’plangan ma’lumot va axborotlar ustida ishlash, ya’ni ularni tahlil qilish, tushuntirish hamda undan foydalanish yoki foydalanmaslik haqida qaror qabul qilishni bilish kabi omillar shular jumlasidandir.

Kompentetli yondashuvining yana bir muhim tomoni globallashuv jarayonida pedagoglarning xorijiy tillar bo’yicha o’z ustida har doim mustaqil ishlashi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining so’nggi yangiliklarini muttasil o’zlashtirib borishi va unda mavjud resurslar bazasini axborot-metodik ta’minoti nuqtai nazaridan rivojlantirishni nazarda tutadi. Pedagoglarning xorijiy tillar bo’yicha kompetentligi ularning kasbiy faoliyatida samarali qarorlar qabul qilish va turli sohalarda o’z kasbining barcha qirralarini, shuningdek o’quv faniga oid maxsus bilimlarni tashkil qilishning o’ziga xos turi sifatida qaraladi.

“Kompetentlik” va “Kasbiy kompetentlik” atamalariga xorijiy va vatanimiz olimlari tomonidan berilgan ta’riflarni o’rganish va tahlil qilish asosida, ular tomonidan berilgan ta’riflar mazmun-mohiyat jihatidan aslo bir-birini inkor etmaydi, aksincha bir-birini to’ldiradi.

Shu nuqtai nazardan, kasbiy kompetentlik - murakkab xususiyatga ega bo’lgan, ijtimoiy, axborot, kommunikativ, refleksiv, intellektual, tadqiqotchilik kompetentsiyalarini o’zida mujassamlashtirgan integral tizim ekanligini qayd etish o’rinli bo’ladi. Kompetentlik va kompetentsiya tushunchalarining xususiyati ularni o’zaro uyg’un xodisalar sifatida qabul qilinishini taqozo etib, bu tushunchalar mohiyatan bir-biriga singib ketadi. Yuqorida keltirilgan ta’riflardan, kompetentlik shaxsning murakkab ijtimoiy-kasbiy qobiliyati sifatida qabul qilinsa, kompetentsiya esa, shaxsiy xususiyatlar va kasbiy tayyorgarlikni o’zida mujassamlashtiradi, - deb, e’tirof etish mumkin. Kompetentlik o’z ichiga kompetentsiyalar tizimini kamrab olib, shaxsning amaliy vaziyatlarda faol ishtirok etishi va ularning ratsional echimini izlab topishda o’zini-o’zi takomillashtirish qobiliyatlari bilan uzviy bog’liq.

Bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri, bu ta’lim tizimida kechayotgan modernizatsiya jarayonlari sharoitida pedagoglarning xorijiy tillar bo’yicha kompetentligini rivojlantirishni amalga oshirish shart-sharoitlari, tamoyillari, metodlari texnologiyasini ishlab chiqilmaganligi, shuningdek kompetentlikning tashkiliy tuzilmasi modelini yaratilmaganligi bilan belgilanadi. Pedagoglarning xorijiy tillar bo’yicha kompetentligini rivojlantirish vazifasi, mazkur tushunchaning mazmuni va tarkibini aniqlash bilan bog’liq. Ayniqsa, yosh pedagoglarni tayyorlashda ularning kompetentligini shakllantirish jarayonining mazmunini aniqlashda, avvalambor, ularning kasbiy faoliyatining mohiyati ochib berilishi zarur.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta’lim tizimidagi islohotlar o’z o’rnida jahon ta’lim standartlariga bosqichma-bosqich, yangicha ta’lim paradigmalari orqali o’tib bormoqda. Ushbu islohotlarning tan olinishi, shaxsga yo’naltirilgan yondashuvni bevosita kasbiy ta’limga singib borishini ta’minlamoqda.

Pedagoglarning xorijiy tillar bo’yicha kompetentligini rivojlantirish vazifasi undagi kompetentlik va kompetentsiya turlarini to’g’ri tanlay olish, ular orasidagi aloqadorlikni

belgilash, ularni tizimlashtirish va ushbu tizimning amal qilish qonuniyatarini aniqlash bilan uzviy bog'liqdir. Shaxs kompetentligi xorijiy til bo'yicha pedagoglar intellektual, kreativ, tanqidiy fikrlashi va dunyoqarashi kengligida, yangidan-yangi ilmiy bilimlar, psixologik savodxonligi bilan muammoli, nizoli vaziyatlarda masalani to'g'ri hal qilish, ishbilarmonlik muloqotida etika, shaxs munosabatlari hamda pedagoglar ijodiy yutuqlarini taqdirlashning rag'batlantirish usullarini bilishida namoyon bo'ladi. Shaxs kompetentligini rivojlanishida pedagog uchun mas'uliyatlilik va yuksak insoniylik hislatlari muhim ahamiyat kasb etadi. Xorijiy til bo'yicha pedagoglar uchun o'z ustida yuqori darajada ishlash va zaruriy kasbiy qobiliyatlar muhim sanaladi, bu esa, o'z navbatida tinglovchilar bilan ishlash qobiliyati va mashg'ulotni qiziqarli o'tish demakdir. Shu o'rinda, metodik kompetentlik va innovatsion kompetentlik tushunchalarining farqini bilib olishi ham zarur [5].

Metodik kompetentlik - bu menejment, boshqarish sotsiologiyasi, ta'lim iqtisodiyoti, huquq, pedagogika, psixologiya, turli faoliyatdagi innovatsion ishlanmalar, o'quv-uslubiy, ilmiy-tadqiqot yo'nalishidagi bilimlar, pedagogik tajribalarni yangiliklar bilan almashtirish va eksperimental innovatsion faoliyatga jalb etilgan pedagoglarga o'quv jarayonida ko'maklashishdir. Bundan tashqari, tashkiliy kommunikativ kompetentlik – boshqarish faoliyatini olib borish, ma'lum bajaruvchilik mahoratidan tashqari boshqarish texnikasi, deb ham qabul qilinadiki, ba'zida odamlar bilan muloqot qilishni bilmaslik kerak paytda yorqin nutq so'zlash mumkin lekin "aqliy hujum"dan tegishli javobni ololmaslik ham kuzatiladi. Ushbu holatlarda pedagogning kasbiy mahorati, boshqarish ilmining kerakli usullarini qo'llay olishi, to'g'ri maqsad va intilishi hamda aniq samarali usullarga tayanishi muhimdir.

Hozirgi vaqtda ta'lim paradigmasi o'zgarishi uzluksiz, butun hayot davomida ro'y berishi kerak bo'lib, uni tashkil etuvchi uzluksiz ta'lim shaxsning kasbiy sifat va malakasining shakllanish jarayoni bilan izohlanadi. Bundan yaqqol ko'rinib turibdiki, pedagoglarning xorijiy tillar bo'yicha oliy ta'lim muassasasida olgan bilim va ko'nikmalari oliy ta'lim tizim oldida turgan dolzarb masalalarni hal qilishda etarli darajada bo'lmay qolmoqda. Jamiyat tomonidan pedagogning xorijiy tillar bo'yicha faoliyati ijodiy, mustaqil, moslashuvchan, yuqori intellektual va g'oyaviy potentsialga ega, ijtimoiy muhitga nisbatan yuqori kasbiy kompetentlik va madaniy darajali bo'lishi kutilmoqda. Faqat o'z ustida ishlaydigan, mustaqil ta'lim olishga qodir o'kituvchigina o'z ustida ishlaydigan ta'lim oluvchini tarbiyalashga va faqat raqobatbardosh pedagoggina raqobatbardosh shaxs etishtirib berishga qodirdir. Pedagogik faoliyat uchun qo'yiladigan ushbu talablar sababli pedagog doimiy ravishda yangi sharoitlarga moslashishga imkoniyat beruvchi hamda fan bo'yicha uning nazariy tayyorgarligini va mantiqiy bilimlarini takomillashtirishga tayyor bo'lishini taqazo qiladi. Bu shaxsning ta'lim olish faoliyatini rag'batlantiruvchi tizim uchun yangi texnologiyalarni qidirib topish va uni joriy etishni talab etadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati :**

1. Сериков Г.Н. Образование: аспекты системного отражения. –Курган: Зауралье, 1997. – 464 с.
2. Сергеев Н.К. Теория и практика становления педагогических комплексов в системе непрерывного образования учителя: Автореф. дисс. … докт. пед. наук. – Волгоград, 1998. – 42 с.
3. Макарова Л.В. Преподаватель: модел деятельности и аттестация. – Москва: Исслед. центр проблем качества подготовки специалистов, 1992. – 161 с.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 tomlik. – Toshkent: O'zbekiston, 2010. – T.2. – 396 b.
5. Richard Arum, Melisa Velez. Inproving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012. № ISBN 978-0804778039.

## O'QUVCHILARNING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK HOLATINI ANIQLASH

Azizov Nosirjon Ne'matullayevich
Spor faoliyati kafedrasi dotsent
Raxmonov Muzaffar Usmonboyevich
Spor faoliyati kafedrasi o'qituvchi
Rustamova Muxbira Qahramon qizi
Namangan davlat universiteti
4-bosqich talabasi

***Annotatsiya:*** *Mazkur maqola ta'lim muassasasida o'quvchi-yoshlarni tarbiyalash jarayonida sog'lom turmush tarzini shakllantirish, ularning pedagik-psixologik holatlarini o`rganishga bag'ishlangan.*

***Kalit so'zlar:*** *sog'lomlashtirish, sog'lom turmush tarzi, sog'lom avlod, jismoniy tarbiya, jismoniy faollik, ratsional ovqatlanish.*

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПЕДАГОГИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ УЧАЩИХСЯ

Азизов Носиржон Неъматуллаевич
Кафедра спортивний диателности, доцент
Раҳмонов Музаффар Усмонбоевич
Кафедра спортивний диателности, учитель
Рустамова Мухбира Қаҳрамон қизи
Наманганский государтвенно университет
Студентка 4-кого курса

***Аннотация:*** *Данная статья посвящена формированию здорового образа жизни учащейся молодёжи в процессе воспитания в образовательных учреждениях.*

***Ключевые слова:*** *Оздоровление, здоровый образ жизни, здоровое поколение, физическое воспитание, физическая активность, рациональное питание.*

# TO DETERMINETE PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STATE OF HEALTHY LIFESTYLES OF STUDENTS

Нематуллаевич Азизов Носиржон
Namangan state of university
Associate dotsent, deportment for sports activities
Namangan state of university
Raxmonov Muzaffar Usmonboyevich
Associate teacher, deportment for sports activities
Namangan state of university
Рустамова Мухбира Қаҳрамон қизи
4 course student, deportment for sports activities

***Annotation:*** *Methods and means of effective in educational process in the process of educating students in educational institution have been developed.*

***Key words:*** *health, healthy lifestyle, healthy generation, physical education, physical activity, dietary nutrition.*

Jamiyatda sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, jismoniy tarbiya va sportni yanada ommalashtirish dolzarb vazifadir. Sportni jadal rivojlantirish, xalqaro musoboqalarda yuksak natijalarga erishgan sportchilarni rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlashga bundan buyon ham katta ahamiyat beramiz. Yosh avlodimiz o'rtasida sportni ommalashtirish maqsadida eng chekka tumanlarda ham bolalar va o'smirlar sport maktablarini tashkil etamiz[1,2].

Barcha rivojlangan davlatlarda bo'lgani kabi mamlakatimizda mustaqillik yillarida, birinchi navbatda jamiyatning sog'lomligi, fuqarolarning farovon turmush tarzini shakllantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Sog'lom turmush tarzi insonning umrini qisqartirishga olib keluvchi kasallik va sabablarning oldini olishga xizmat qiladigan harakatlardan va umrini uzaytirishga qaratilgan hayot tarzidan iborat bo'lib, unga faqatgina jamiyatni sog'lomlashtirish va sog'lom ijtimoiy muhitni qaror toptirish natijasida erishiladi.

Bugungi kunda sog'lom avlodni shakllantirish eng muhim vazifalardan biridir. Bunga eng avvalo sog'lom turmush tarzini shakllantirish, turli maishiy shart-sharoitlarni yaratish, sog'lom avlodni tarbiyalashning moddiy asosini belgilash, ya'ni davlat tomonidan iqtisodiy va moliyaviy qo'llab-quvvatlash kiradi. Kishilar salomatligini ta'minlamasdan turib, sog'lom turmush, sog'lom fikr, farovon hayot hamda kelajagimiz asosi bo'lgan barkamol avlod haqida o'ylash mumkin emas.[2]

Yosh avlodni tarbiyalash ishida jamiyatning muhim, hal qiluvchi bo'g'ini bo'lgan, farzandlar, shaxs sifatida shakllanib, Vatanga muhabbat, milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalanib, o'z xalqining munosib vakillari bo'lib yetishadigan, sog'lom hamda mustahkam oilani qurish uchun zarur sharoitlarni yaratish, yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzi tamoyillarini qaror toptirish, ularni giyohvandlik, axloqsizlik, tashqaridan kirib kelayotgan "ommaviy madaniyat" ning turli illatlari xavfi va

zararli ta'sirlaridan himoya qilish kompleks chora – tadbirlarini amalga oshirish masalalari yoritilgan.[3,4]

Umumiy o‘rta ta'lim maktab o‘quvchilarida sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda biz pedagogik-psixologik hamda jismoniy tarbiyaga oid fikrlarni o‘zida mujassamlashtirgan “Sog‘lom turmush tarzi-inson hayotidagi asosiy omil sifatida” mavzusida o‘quv seminar o‘tkazdik. O‘quv seminar soha mutaxassislari, ustozlar bilan birgalikda tashkil etildi. Seminarda mutaxassis hamda o‘qituvchilar o‘quvchi-yoshlarga savollar bilan murojaat qilishdi: “Yoshlar tarbiyasida sog‘lom turmush tarzining muammolari nimalardan iborat?”, “Siz yoshlar tarbiyasida sog‘lom muhitning qanday o‘rni bor deb o‘ylaysiz?”, “Sog‘lom turmush tarzining asosiy tarkibiy qismlari nimalardan iborat”, “Sog‘lom turmush tarzi deganda siz nimalarni tushunasiz”, “Jismoniy faollikning sog‘lom turmush tarziga qanday bog‘liklik tomonlari bor”, “Ratsional ovqatlanish va gigiyena bu nima” kabi shularga o‘xshash ko‘pgina savollar bilan murojaat qilindi va ularda sog‘lom turmush tarzi uning asosiy tarkibiy qismlari va o‘ziga xos xususiyatlarining dolzarb muammolari o‘rganib chiqildi hamda ularni bartaraf etishda pedagogik, psixologik, tibbiy hamda sportga oid jarayonlarning ahamiyati haqida tushunchalar berildi.

Amalga oshirilgan tadqiqot natijalariga ko‘ra amalga oshirilgan ishlar davomida olingan natijalar tahlil qilindi va o‘quvchilarni shartli ravishda uch guruhga ajratdik.

Birinchi guruhga yuqori darajada sog‘lom turmush tarzi bo‘yicha tushunchaga ega bo‘lgan o‘quvchilar kiritildi. Bu guruhga kiruvchi o‘quvchilar turmush tarzi nima ekanligi, nima uchun sog‘lom turmush tarziga jamiyatimiz tomonidan katta e'tibor qaratilishi, asosiy tarkibiy qismlari hamda jismonan barkamollik va aqlan yetuklik tushunchalari bilan, shaxslararo o‘zaro munosabatga kirishish jarayonida ijobiy tasavvur qoldirishi va amaliy faoliyatlarida ana shu xususiyatlarini namoyon eta olishi bilan ajralib turdilar.

Ikkinchi guruhga o‘rta darajada sog‘lom turmush tarzi shakllangan sog‘lom muhitga salbiy ta'sir ko‘rsatadigan omillar haqida unchalik ko‘p tushunchaga ega bo‘lmagan, sog‘lom turmush tarziga qisman intiladigan, axloq-odobga ega, shaxslararo o‘zaro munosabatga kirishish jarayonida qisman tasavvur qoldiradigan, amaliy faoliyatlarida ana shu xususiyatlarini qisman namoyon eta oladiganlar tashkil etdi.

Uchinchi guruhga past darajada sog‘lom turmush tarzi shakllanmagan o‘quvchilar kiritildi. Ularda asosan nosog‘lom turmush tarzi hukmron, ta'lim tarbiya olishga umuman qiziqmaydigan, ma'naviy dunyosi tor, shaxslararo o‘zaro munosabatga kirisha olmaydigan, amaliy faoliyatlarida ana shu xususiyatlarini namoyon etadiganlar kiritildi.

Quyidagi jadvalda keltirilganidek, sog‘lom turmush tarzi asosida maktab o‘quvchilarini tarbiyalanganlik natijalari o‘z aksini topdi (1.1– jadval).

**Maktab o‘quvchilarini sog‘lom turmush tarzini shakllantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlarining rivojlanganlik darajasi**

**1.1 – jadval**

| Guruhlar | Tajriba avvalida 60 nafar o‘quvchi | | | Tajriba yakunida 60 nafar o‘quvchi | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Yuqori | O‘rta | Past | Yuqori | O‘rta | Past |
| Tajriba guruhi 30 nafar | 7 | 11 | 12 | 17 | 9 | 4 |
| Nazorat guruhi 30 nafar | 9 | 12 | 9 | 11 | 10 | 9 |

Maktab o‘quvchilarini sog‘lom turmush tarzini shakllantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlarini aniqlash va rivojlantirish jarayoni, tajriba-sinov ishlarining natijalariga muvofiq o‘quvchilarni sog‘lom turmush tarzi bo‘yicha tarbiyalanganligi borasida fikr to‘la tasdiqlandi. [4,5]

Biz tomonimizdan ishlab chiqilgan metodika asosida tajriba-sinov ishlari davomida o‘quvchi yoshlarning sog‘lom turmush tarzini shakllantirish bo`yicha bilim-malakalari oshirildi. Tadqiqot yakunida yuqorida ko‘rsatib o‘tilganidek o‘quvchi yoshlar qayta sinovdan o‘tkazildi va natijalar umumlashtirildi. Quyida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish ko‘rsatkichlariga to‘xtalib o’tilgan.

Qisqa muddatli o‘quv-seminarda o‘quvchi-yoshlar sog‘lom turmush tarzini shakllantirish bo‘yicha umumiy tushunchalarga ega bo‘lishdi.

O‘quvchi-yoshlarning sog‘lom turmush tarzini egallaganlik darajasini aniqlash maqsadida o‘tkazilgan anketa-so‘rovlari tahlillariga ko‘ra “Sog‘lom turmush tarzi tushunchasi haqida qanday fikr bildirasiz? degan savolga o‘quvchichilarning 68% “Salbiy ko‘nikmalarga berilmaslik”, “Sog‘lom turmush tarzi insonning barcha salbiy illatlarga qarshi turishi”, 25% “Sog‘lom turmush tarzi bu kishining madaniyat manbalari bilan tanishligi va ularni tushunishi, sog‘lom turmush tarzi esa insonning axloq normalariga, gigiyenik qoidalarga va davlat qonunlariga bo‘ysunib yashashi” deb javob berdi, 57% “Sog‘lom turmush tarzi bo‘sh vaqtni qanday o‘tkazishga bog‘liq”, “Sog‘lom turmush tarzi – bu madaniyat” kabi fikrlarni bergan. 18% o‘quvchilar “Sog‘lom turmush tarzi to‘g‘ri ovqatlanish, faol jismoniy harakat, uyquni to‘g‘ri tashkil qilish va sog‘lomlik” deb javob bergan bo‘lsa, 26% o‘quvchilar umuman fikr bildirishmagan.

“Sog‘lom turmush tarzining asosiy tarkibiy qismlari” haqidagi savolimizga o‘quvchi-yoshlarning 57% “Jismoniy va ruhiy sog‘lomlik”, “Ozodalilik, madaniyatlilik, insondagi barcha axloqiy fazilatlar”, 49% “Barkamol inson fazilatlari” deb ko‘rsatib o‘tishgan, 74% o‘quvchilar esa “Aqlan va jismonan barkamollik” deyishgan bo‘lsa 24% o‘quvchilar “Sog‘lom turmush tarzining tarkibiy qismlari – ovqatlanish, gigiyena, jismoniy harakatlar” deya sanab o‘tganlar.

O‘quvchilarning javoblariga ko‘ra muomala madaniyati, nutq, tozalikka rioya qilish, yaxshi axloq, mustahkam intizom, kuchli bilim va ko‘nikmalarni egallash, tarbiyaning yaxshi bo‘lishi to‘g‘risidagi fikrlar kiritilgan. O‘quvchilarning aksariyat qismi “hech qaysi biri kiritilmagan”, deb javob bergan, 43% aksincha, “hammasi” degan qisqa javob bilan cheklangan, ammo ularni sanab o‘tmaganlar.

Bir oy davomida o‘quv-seminar tinglovchilari “Sog‘lom turmush tarzi – inson hayotidagi asosiy omil sifatida” dasturi doirasida 10 soatlik ma'ruzani tingladilar:

Xulosa qilib aytganda, tadqiqotlarda umumiy o‘rta ta'lim maktab o‘quvchilarini sog‘lom turmush tarzini shakllantirish jarayonida bir qancha ta'limiy va tarbiyaviy vositalardan o‘rinli, maqsadga muvofiq, erkin va ijodiy, zamonaviy va samarali foydanishga alohida e'tibor qaratildi. Tadqiqot doirasida o‘tkazilgan barcha pedagogik, psixologik hamda jismoniy tadbirlar quyidagi vositalarning samarali ekanligini tasdiqladi:

Umumiy o‘rta ta'lim muassasasida o‘tkazilgan tajriba-sinov ishlari natijasida quyidagi xulosalarga kelindi:

- o‘quvchi-yoshlarni ta'lim muassasalarida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish jarayoniga tayyorlash dolzarb masala ekanligi aniqlandi;
- o‘quvchi-yoshlarni ta'lim muassasasida tarbiyalash jarayonida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish jarayoniga tayyorlashning samarali shakl, usul va vositalari ishlab chiqildi;
- o‘quvchilarni ta'lim tizimida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish jarayoniga tayyorlashning samaradorlik darajasi aniqlandi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Mirziyoyev Sh. «Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari» Yoshlar nashryot uyi. 2019yil. – 71-83 b.
2. Muminova F. O‘quvchilarda sog‘lom hayot tarzi ko‘nikmalarini shakllantirish omillari / Maktab va hayot №7, 2002. – 20-21 b.
3. Ziyomuhammedova B., Abdullaeva Sh. / «Pedagogika» «O`zbekiston milliy ensiklopediyasi» nashriyoti. T. 2000 yil. – 98 b.
4. Ғозиев. Э. / Олий мактаб психологияси. Тошкент. 1996 й. – 8-11 б.
5. O‘rinboev N. / Barqaror taraqqiyot va sog‘lom turmush tarzi. T., “Fan” 2009.

## СТРУКТУРА СОВРЕМЕННОГО УРОКА ГЕОГРАФИИ

Ботиржон Мирзамахмудович Абдурахмонов
Наманганский государственный университет
Преподаватель.
Валерий Геннадьевич Суслов
Российский государственный педагогический университет им. А.И. Герцена
Доктор педагогических наук, профессор

***Аннотация**: Авторы рассматривают особенности современного урока географии с позиции деятельностного подхода.*

***Ключевые слова**: современный урок географии, деятельностный подход.*

## ЗАМОНАВИЙ ГЕОГРАФИЯ ДАРСИНИНГ СТРУКТУРАСИ

Ботиржон Мирзамахмудович Абдурахмонов
Наманган давлат университети
Ўқитувчи

Валерий Геннадьевич Суслов
А.И. Герцена номидаги Россиядавлат педагогика университети
Педагогика фанлари доктори, профессор

***Аннотация***: *муаллифлар география дарсининг хусусиятларини ўқув фаолияти ёндашуви нуқтаи назардан кўриб чиққанлар.*

***Таянч сўзлар:*** *замонавий география дарси, фаолиятга ёндашув.*

## STRUCTURE OF THE MODERN LESSON OF GEOGRAPHY

Botirjon Mirzamakhmudovich Abdurahmonov
Namangan State University
Lecturer
Valery Gennadyevich Suslov
The Herzen State Pedagogical University of Russia
Doctor of Pedagogical Sciences, professor.

***Annotation***: *The authors consider the features of the modern geography lesson from the standpoint of an activity approach.*

***Keywords***: *modern geography lesson, activity approach.*

Положения деятельностного подхода, выступающего методологической основой обновления школьного образования, оказали существенное влияние на современный урок географии, изменив не только виды учебной работы школьников, но и виды педагогической деятельности учителя.

В традиционной дидактике существует вполне четкая классификация уроков (изучения нового материала, совершенствования знаний, умения и навыков (ЗУН), обобщения и систематизации ЗУН, контроля и коррекции ЗУН, комбинированный), определена их структура. Типы уроков обязательно чередовались при изучении большой темы или раздела, структура складывалась из составляющих элементов (проверка и/или актуализация ЗУН, изучение нового материала, его закрепление, обобщение, контроль).

Новая типология уроков, разрабатываемая в дидактике в настоящее время, должна отвечать требованию приоритета активной самостоятельной деятельности учащихся по достижению образовательных результатов.

Ведущими ориентирами для современного урока, по мнению О.Н. Крыловой и И.В. Муштавинской, могут стать следующие положения:

1) от триединой цели урока – к формулировке целей через деятельность учащихся и далее – к самостоятельному целеполаганию;

2) от традиционного «линейного» урока изучения нового материала или закрепления пройденного – к многокомпонентному уроку;

3) от традиционной отметки – к современной оценке [2].

Традиционный и современный уроки имеют глубокие структурные различия. В структуре современного урока целесообразно выделить тот инвариант, который, с

одной стороны, будет фундаментом для дальнейшего развития традиционного урока, а, с другой стороны, давать свободу проектирования учебной деятельности как для учителя, так и для учеников (таблица 1) [1].

Таблица 1

**Структура традиционного и современного урока**

| Традиционный урок | Современный урок |
|---|---|
| **1. Организационный момент.**<br>**2. Проверка домашнего задания.**<br>**3. Сообщение учителем темы и задач урока.**<br>**4. Объяснение нового материала.**<br>**5. Практическая работа (закрепление).**<br>**6. Подведение итогов урока.**<br>**7. Домашнее задание** | 1. *Организационно-мотивационный этап* (создание мотивационной установки, определение цели деятельности).<br>2. *Процессуально-содержательный этап* (решение познавательных задач в процессе приобретения и применения учебных действий).<br>3. *Рефлексивно-оценочный этап* (соотнесение результатов собственной и коллективной деятельности с целями и задачами урока) |

Отметим, что структурные этапы современного урока достаточно чётко соотносятся с элементами учебной деятельности (таблица 2).

Таблица 2

**Соотнесение этапов урока с элементами учебной деятельности**

| Этапы современного урока | Элементы учебной деятельности |
|---|---|
| **Организационно-мотивационный** | Мотивация |
| | Определение цели деятельности |
| **Процессуально-содержательный** | Учебно-познавательная задача |
| | Учебные действия |
| **Рефлексивно-оценочный** | Контроль |
| | Самоконтроль |
| | Рефлексия |

Такая структура современного урока придает ему не только деятельностную, но и четкую организационную форму, сохраняя при этом возможность учителю для свободной трансформации этапов классического урока в зависимости от конкретных условий (специфики содержания изучаемого курса, особенностей конкретного класса, логики построения урока и др.) [3].

Рассмотрим специфику каждого этапа урока с позиции деятельностного подхода в обучении (таблица 3).

Таблица 3

**Особенности этапов урока географии**

| Этапы урока | Ориентиры урока с позиции деятельностного подхода |
|---|---|
| **Организационно-мотивационный** | • формулировка целей (задач) через деятельность учащихся с показом её значимости и с учетом планируемых результатов;<br>• обсуждение целей урока в диалоге с учениками, самостоятельное целеполагание учащихся;<br>• объяснение критериев оценки результатов урока |
| **Процессуально-содержательный** | усиление практической направленности материала;<br>внутрипредметное и межпредметное интегрирование;<br>опора на жизненный опыт учащихся;<br>инициация творческой позиции и самостоятельности суждений учеников;<br>создание атмосферы сотрудничества на уроке;<br>переход от линейного (традиционного) урока к структуре динамичного, интерактивного, многокомпонентного урока;<br>использование современных образовательных технологий |
| **Рефлексивно-оценочный** | соотнесение результатов собственной и коллективной деятельности с целями и задачами урока;<br>систематичность и регулярность учета; поэтапное подведение итогов деятельности;<br>переход от отметки к оценке (разнообразие и динамизм в использовании методов и форм контроля, оценки с целью предупреждения формирования стереотипов);<br>использование формирующего (критериального) и суммативного оценивания предметных и метапредметных результатов (критерии обсуждены с учениками и понятны им);<br>дифференцированный подход к учащимся (учет индивидуальных особенностей и стиля работы) |

***При отборе содержания к уроку*** учителю географии следует обратить внимание на:

• использование наряду с традиционными разнообразных справочных материалов (словари, энциклопедии, справочники, электронные материалы и ресурсы Интернет);

• один из источников информации - личные наблюдения учеников, опыт, эксперимент;

• привлечение краеведческого материала, межпредметных связей с другими школьными дисциплинами;

• использование материалов разных форматов (текст, таблицы, схемы, графика, видео, аудио);

• подбор и обучение приемам продуктивной обработки учебной информации (задания по самостоятельной обработке и самоконтролю);

• создание учебных ситуаций, в которых необходимо сравнивать, сопоставлять данные из разных источников.

***При организации учебно-познавательной деятельности учащихся*** акцент делается на такие моменты, как:

- динамичное сочетание элементов урока со сменой видов деятельности учащихся;
- вариативность заданий (ученик имеет возможность выбора темпа, уровня сложности, способов деятельности);
- комментируемое управление учебной деятельностью школьников со стороны учителя; поэтапный само- и взаимоанализ учащихся;
- внедрение групповой работы с целью более полного включения каждого ученика в решение учебных задач, преодоления коммуникативных барьеров, расширения арсенала способов учебной деятельности, создания ситуаций успеха.

Значительным потенциалом в формировании компонентов содержания школьного географического образования обладают ***современные образовательные технологии***, например:

- ***опорные конспекты*** (изучение крупными блоками нового материала по всем темам, применение опор для формирования ориентировочной основы действий; формирование знаково-символических действий);
- ***проблемное обучение*** (формирование познавательных и коммуникативных действий на основе активизации деятельности учащихся);
- ***проектная деятельность*** (расширение способов работы с источниками информации, совместная деятельность, рефлексия с целью развития умений самореализации);
- ***ситуационные задачи*** (решение реальных жизненных задач с целью формирования метапредметных и личностных результатов обучения).

Необходимо особо отметить, что огромное влияние на восприятие информации современными школьниками оказывают процессы лавинообразного развития технологий, распространения социальных сетей и мессенджеров. Поэтому учебно-воспитательный процесс должен носить интерактивный характер с опорой на современные ***компьютерные технологии***, например:

- замена традиционных настенных карт на компьютерные аналоги;
- использование географических интернет-игр, в том числе на основе интерактивных панорам;
- создание веб-квестов и проведение уроков на их основе и др.

Таким образом, современный урок — это открытая, динамичная система, имеющая непосредственное отношение к интересам и личности учащегося. Указанные пути обновления структуры урока демонстрируют потенциал школьного курса географии как базы для формирования знаний и развития качеств, умений, которыми должен обладать выпускник современной школы.

## Литература

1. Душина И.В., Беловолова Е.А., Таможняя Е.А., Пятунин В.Б. Учителю о новых подходах к планированию урока географии в условиях введения образовательных стандартов нового поколения // География в школе. 2012. № 3. С. 29-38.
2. Крылова О.Н., Муштавинская И.В. Новая дидактика современного урока в условиях введения ФГОС ООО. – СПб.: КАРО, 2014.
3. Суслов В.Г. Современный урок географии как методическая система // География в школе. 2019. № 1. С. 23-26.

## ШАХС – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РОЛИ.

Баннаев Нурмуҳаммад Тошмаматович
НамДУ катта ўқитувчиси

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада шахс – жамият – давлат манфаатларини уйгунлигини таъминлашда меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг роли ҳақида сўз юритилади. Шахс – жамият – давлат манфаатлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳақида муаллиф ўз муносабатини билдиради.*

***Калит сўзлар::****Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, меъёрий-ҳуқуқий асос, умумий қоидалар, қонун, қонун ости ҳужжат, принцип, концепсия, таълим тизими турлари, таълим жараёни қатнашчилари, шахс, жамият, давлат, ижтимоий ҳимоя, таълим тизимини бошқариш, якунловчи қоидалар, мустақиллик, чора-тадбирлар.*

## РОЛЬ НОРМАТИВНО – ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СОГЛАСОВАННОСТИ ИНТЕРЕСОВ ОТДЕЛЬНЫХ ЛИЦ - ОБЩЕСТВА - ГОСУДАРСТВА В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ.

Баннаев Нурмухаммад Тошмаматович
Старший преподаватель НамГУ

***Резюме:*** *В данной статье обсуждается роль правовых актов в обеспечении гармонизации интересов личности - общества - государства. Автор высказывает мнение, что интересы личности - общества - государства тесно переплетены.*

***Ключевые слова:*** *Конституция Республики Узбекистан, нормативно-правовая база, общие положения, закон, законодательство, принцип, концепция, виды образования, участники образовательного процесса, индивид, общество, государство, социальная защита, система образования.*

## THE ROLE OF REGULATORY DOCUMENTS IN ENSURING THE COHERENCE OF THE INTERESTS OF INDIVIDUALS - SOCIETY - THE STATE IN HIGHER EDUCATION.

Bannaev Nurmuhammad Toshmamatovich
Senior teacher of NamSU

***Annotation.*** *This article discusses the role of legal acts in ensuring the harmonization of interests of the individual - society - the state. The author expresses his view that the interests of the individual - society - the state are closely intertwined.*

***Keywords::****The Constitution of the Republic of Uzbekistan, Regulatory Framework, General Provisions, Law, Legislation, Principle, Concept, Types of Education, Participants of the Educational Process, Individual, Society, State, Social Protection, Education System events.*

Шарқ донишмандлари айтганидек, **“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”**

**Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.[1]**

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевни ташаббуси билан МДҲ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида қатъий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Айниқса “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди. Натижада таълим тизими ва мазмун - моҳияти бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиб такомиллаштирилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислоҳотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив каби ҳужжатлар қўлланилмоқда. Лекин шу кунга қадар таълим ва тарбия жараёнларини субъектлари томонидан ушбу ҳужжатларда шахс-жамият-давлат манфаатлари уйғунлигига доир билим ва кўникмалар етарли даражада амалда қўлланилишининг назарий ва амалий жиҳатлари деярли ўрганилмаган. Бу ҳолатлар олий таълим муассасаларида қўлланиладиган олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асосларини ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этишни долзарблигидан далолат беради.[2]

Жумладан, Олий таълимнинг норматив - ҳуқуқий асоси сифатида қонун ҳужжатлари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари. Таълим муасасаларининг ҳуқуқий мақоми. Таълим тизими ва таълимнинг турлари. Таълим жараёни иштирокчиларининг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари. Олий таълимни бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари. Махсус ваколатли давлат органларининг ваколатлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуни. Ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари. Ўзбекистон Республикасида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда давлатнинг тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидагида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни таҳлил қилиш жараёнида шахс-жамият-давлат манфаатларини уйғунлигини кўришимиз мумкин.[3]

Конституциямизнинг IX бобида Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, 37-моддада "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилаган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суднинг ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир" деб билгилаб ўтилган.

Мамлкатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш бизнинг бош ғоямиз. Шунинг учун Ўзбекистон аҳолисининг барча қатламлари Асосий Конунда назарда тутилган қоидага мувофиқ, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқини белгиланмоқда. Ҳар шахснинг меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимояланган ҳамда кафолатланган. Фуқароларга меҳнат қилиш ва эркин касб танлаши учун барча шарт-шароитлар яратилган ва уларга қонунда белгиланган тартибда имтиёзлар берилган. Ҳар бир фуқаро хоҳлаган касбни танлаб, таълим муассасаларида ўқишга кириши билим ва кўникмаларга эга бўлиб, мутахассис бўлиб етишиб, ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар ва уларни Давлат томонидан моддий қўллаб қувватлайди.

Қолаверса, чет эл фуқароларини ҳам меҳнат қилиш ва эркин касб танлаши учун барча шарт – шароитлар яратиб беради.

Бундан ташқари, 41-моддада "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир", деб қайд этилган.

Давлат фақат таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун шароитлар яратибгина қолмай, мамлакатдаги мактаб ишларини назорат ҳам қилиб туради.[4]

Бўлажак ўқитувчининг билим даражаси уларнинг талабалик даврида касбий тайёргарлиги қандай ташкил этилганига боғлиқ. Ушбу даврда, одам ушбу даврга хос бўлган энг юқори даражасига етганида, “кичик акме” жуда муҳимдир. Бўлажак ўқитувчининг акмеологик платформаси уларнинг ўқув фаолиятида энг юқори даражага эришишга бўлган садоқатини англатади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ижодкорликни ривожлантиришда касбий фаолиятдаги инсоний мотивация мавжудлиги муҳим. Акмеологик ёндашувни шахснинг яхлит хусусиятлари сифатида тавсифлаш мумкин, бу ҳам инсон ривожланиши, ҳам инсоннинг кейинги эволюцияси учун потенциал куч ёки воситадир, бу одамни олдинга силжитадиган кучдир. Акмеологик ёндашув қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: билим ва тажриба, ҳиссиётлар ва қадриятлар тизими, ўз-ўзини англаш ва хулоса чиқариш қобилияти, алоқа ва мотивация. Бўлажак ўқитувчи ўзларининг акмеологик ёндашувини ишлаб чиқишда унга мақсадлар қўйиш, маълумот тўплаш, келгуси тадбирлар режасини тузиш, мақсадларни қандай амалга оширишни режалаштириш ва юқорида айтилганларни келажакда акс эттириш жараёнида таҳлил қилиш керак. Ўқитувчи ўзининг акмеологик жиҳатини ишлаб чиққанми ёки йўқлигини ҳал қилиш учун ўрнатилган мезонларни аниқлаш керак, уларга қуйидагилар киради:

- касбий ва шахсий маҳорат,
- устувор мавқе,
- ўқув машғулотлари услубининг муваффақиятли натижаларга эришиши,
- касбий фаолиятда ўзаро боғлиқ одамларнинг ўзини ҳурмат қилиши,
- кўп қиррали бўлиши.

Вазиятга қараб, бу таълим жараёнининг мақсади ҳам, натижаси ҳам, педагогика ҳодисасининг моҳиятини белгиловчи усул ҳам ўзгариши мумкин.

Акмеологик платформани ривожлантиришга ёрдам берадиган ўқитиш шароитлари қуйидаги фанларни чуқурлаштиришни ўз ичига олади:

а) психология ва педагогика,

б) методология

с) педагогик амалиёт.

Юқоридаги шартларга риоя қилиш назария ва амалиёт ўртасидаги "тафовутни" камайтиришга, жамоавий "акме"нинг ўқув муҳитини яратишга имкон беради, бу эса барча одамларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва келишиш имконини беради.

Акмеологик ёндашув жиҳатдан, бўлажак ўқитувчилар талабалар муваффақиятга эришишда юқори туртки бериш ва талабаларнинг шахсий хусусиятлари ва касбий маҳоратини оширишга эътибор беришга ўрганишлари лозим.

Таълим жараёнида таълимнинг фаол усулларидан, янги педагогик усуллардан ва ўқитишнинг инновацион усулларидан фойдаланиш керак. Ўқув машғулотларида талабалар янги кўникмалар ва билимлардан фойдаланиши, ўз стратегияси ва фаолиятини ишлаб чиқиши, ўзларининг назарий ва амалий кўникмалари ва билимларини намойиш қилиши керак. Бунинг учун эса ўқув машғулотлари махсус, интерфаол ўйинларни, машқлар ва ўқув топшириқлари ўз ичига олиши керак.

Замонавий таълим тизимида амалий машғулот акмеологик платформанинг "когнитив компоненти" мавжудлигини ва талабаларнинг ўз билим ва кўникмаларини синаб кўришларини таъминлаши керак. Бундай машғулотларда қатнашиш ўзларининг мақсадлари, манфаатлар ва фикрларини акс эттириш, тушуниш ва қайта кўриб чиқишга туртки бўлиши керак.

Талабалар ижодий фаолият билан боғлиқ профессионал муаммоларни қандай ҳал қилишни билишлари керак ва ўзларини ривожлантириш ва ўзининг касбий маҳоратини такомиллаштиришни режалаштиришлари керак. Амалий машғулотлар давомида бажариладиган машқлар акмеологик ёндашувнинг мотивацион, коммуникатив, ҳиссий ва аксиологик таркибий қисмларининг мавжудлигини таъминлаши керак. Бундан ташқари, кўникмаларни ривожлантиришга бағишланган айрим машғулотлар ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз фаолиятини баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Ўқув дастури талабаларнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш қобилиятини ва акмеологик платформанинг ҳиссий, аксиологик ва акс эттириш ва ўз-ўзини англаш қисмларига мос келишини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши керак. Талабаларни ўқитиш жараёни мустақил бўлишлари учун шароит яратиши керак, чунки улар ўз ютуқларини қайд этиш ва баҳолашни ўрганишлари керак. Бунинг учун профессионал портфолиодан фойдаланиш мумкин. Талабалар портфолиосига бажарилган тестлар, машқлар, мақолалар, иншолар, тест натижалари, рейтинг назорати расмлари ва бошқаларни киргизиш мумкин. Бўлажак ўқитувчининг

акмеологик жиҳатини ривожлантириш жараёни акмеологик ўқитиш техникасидан фойдаланишга боғлиқ. Чунки ўқитиш техникалари, яъни ҳар бир талабанинг муваффақиятли фаолиятига қаратилган техникалар маълум бир таълим тизимидан фойдаланган ҳолда маълум бир натижага эришишга қаратилган.

Акмеологик ўқув услуби бу талабага муваффақият ва юқори натижаларга эришишда ёрдам берадиган ва доимий равишда рағбатлантиришга асосланган услуб ёхуд ўқув жараёнини лойиҳалаш ва босқичма-босқич диагностика ёрдамида яратилган тизимли ўқув услубидир. Акмеологик услуб бўлажак ўқитувчининг ўқитиш ва ўз-ўзини ривожлантиришдаги муваффақиятларини таъминлаб, ўқув фаолиятини босқичма-босқич ташкил этишга ёрдам беради. Педагогика соҳасидаги ўқитувчининг вазифаси бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал, шахсий, ижтимоий фазилатлари ва шахснинг коммуникатив аспектларини ривожлантиришдир. Акмеологик техникага қуйидагилар киради: интерфаол ўйинлар, маҳорат дарслари, ишлаб чиқиш техникаси, шахсга йўналтирилган ўқитиш услублари, таҳмин қилиш усуллари, муаммоларни қандай ҳал қилишни ўргатиш усуллари ва ҳоказолар. Ўқитувчининг яхши ривожланган акмеологик ёндашуви асосан ўқитувчининг рақобатбардошлигини ва касбий-ижтимоий муваффақиятини белгилайди. Бўлажак ўқитувчи коммуникативлик каби профессионал ва шахсий фазилатни ривожлантирганида, бу жараён ўзининг самарали натижасини беради. Бўлажак ўқитувчининг акмеологик платформаси – бу юқори даражадаги натижаларга ва педагогик кўрсаткичларга эришишга, ўқитувчи ва талабанинг ижодини ривожлантиришга, ўқув фаолиятида барқарор гуманистик мотивацияга йўналтирилган уларнинг шахсиятининг интегратив хусусияти демакдир.

Бундан ташқари, жамият ривожланишидаги замонавий тенденциялар шуни кўрсатадики, яқин келажакда дунё меҳнат бозорида таклифнинг талабга нисбатан ортиши кузатилади. Шу муносабат билан, ушбу соҳада ишлайдиган мутахассислар ҳақида турлича саволлар келиб чиқади.

Россиялик тадқиқотчи В. С. Безрукованинг фикрига кўра, “меҳнат бозорида юқори касбий фазилатларни таклиф эта оладиган, улар учун давлат ва нодавлат корхоналарига реал эҳтиёж мавжуд бўлган” [1] рақобат шароитлари вужудга келади. Ҳозирги вақтда рақобатбардош мутахассис бир қатор талабларга жавоб бериши керак, хусусан, профессионал ҳаракатчанлик, янги билим, кўникмаларни эгаллаш қобилияти, ўзининг касбий фаолиятини касбий функциясининг ўзгаришига мувофиқ равишда мослаштириш ва ҳоказолар кабидир.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, меҳнат бозорида албатта педагогларга бўлган талаб ҳамиша ортиб бораверади. Шу сабабли, педагогик фаолият ўқитувчига юқори талаблар қўяди. Касбий мажбуриятларнинг компетенцияли ва ижодий амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатлар доираси, илмий диалектик мослашувчанликнинг аҳамияти педагогик муаммоларни очиб беришга хизмат қиладиган тушунчалардир. Ўқитувчи фаолиятини тавсифлаш билан боғлиқ баъзи тушунчалар чуқурроқ кўриб чиқишни талаб қилади. Улардан бири ўқитувчининг компетенцияси. “Компетенция – бу бирон бир нарсага баҳо беришга имкон

берадиган билим, ҳар қандай касбда қўлланиладиган белгиланган меъёрга мослашиш қобилияти". Бўлажак ўқитувчини баркамол мутахассис қилиб шакллантириш жараёни профессионал педагогиканинг муаммоларидан биридир. Сўнгги йилларда ижтимоий тажриба доимий равишда ўзгариб бораётганлиги, таълим соҳаси қайта қурилаётгани ва турли хил нарсалар туфайли ўқитувчининг малакаси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа, педагогик тизимларининг хилма-хиллиги ва жамиятдан мутахассисга мурожаат қилиш даражаси ошмоқда. Илгари бу муаммо маҳаллий олимлар томонидан кенг йўналтирилган ишчиларни тайёрлаш аспектларида ўрганилган (П. Р. Атутов, С. Я. Батишев, Б. А. Поляков, С. А. Шапоринский ва бошқалар томонидан). Ўқитувчининг касбий маҳоратига оид ғояларни ўрганиш турли хил ёндашувлардаги жиддий ўзгаришларни кўрсатмоқда: ўқитувчининг педагогик йўналишини шакллантириш асосларини ишлаб чиқишдан тортиб, касбий ва шахсий муҳим фазилатларни ривожлантириш ва шахс сифатида педагогик ижод манбаларининг моҳиятини тушунтиришгача.

Е.Ф.Сеер, К.К.Платонов ғояларига асосланган ҳолда, қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олган мутахассиснинг касбий жиҳатдан аниқланган тўрт компонентли тузилиши яратилди:

• касбга йўналтириш (мойилликлар, қизиқишлар, муносабатлар, умидлар, муносабатлар, сабаблар);

• касбий компетенция (касбий билим, кўникма, малака);

• касбий муҳим фазилатлар (диққатлилик, кузатувчанлик, ижодкорлик, қатъиятлилик, алоқа, ўзини ўзи бошқариш, мустақиллик ва бошқалар);

• профессионал аҳамиятли психофизиологик хусусиятлар (энергия, нейротизм, экстроверсия, визуал мувофиқлаштириш, реактивлик ва бошқалар) [2].

Субструкциялар таркибини ишлаб чиқиш ва шакллантириш жараёнида улар ўзаро бир-бирига таъсир қилади, рақобатбардошлик, касбий ҳаракатчанлик кабилар профессионал фаолият самарадорлигини ўз ичига олган интеграциялашган касбий фазилатларни (асосий малакалар) шаклланишига олиб келади ва касбий ўсишни, касбий ривожланишни ва мартаба ўсишини таъминлайди. Шуни таъкидлаш керакки, ўқитувчида мутахассиснинг деярли барча фазилатлари бўлиши керак.

Касбий ва педагогик компетенциянинг умумий феноменологияси ва унинг ўзига хос турлари В. А. Адолф, Е. В. Бондаревская, Н. В. Кузмина ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган [3]. Олимлар асосан касбий маҳоратнинг индивидуал жиҳатларини ўрганганлар. Маркова "компетенция"ни ўқитувчига эга бўлган объектив зарур билим, кўникма, психологик фазилатлар ва уларнинг педагогик фаолият жараёни ва натижаларига таъсири нисбати сифатида кўриб чиқади [4]. Н. Н. Лобанова эса уни тизимли шахсий хусусиятлар сифатида уч таркибий қисмга ажратади: касбий-таълимий, профессионал-фаол ва касбий-шахсий [5]. Ҳозирги вақтда касбий таълимда Европа ҳамжамияти бешта компетенцияларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар: жтимоий, коммуникатив, информацион, махсус ва когнитивдир. Компетенция бу "кимнингдир билими, тажрибаси, шунингдек

кимнингдир (муассаса, шахс) компетенцияси доирасидаги муаммолар доираси. Юқоридагилар орасидан когнитив компетенцияга тўхталсак, бу бўлажак ўқитувчиларнинг таълим даражасини доимий равишда оширишга тайёрлик, шахсий потенциални янгилаш ва амалга ошириш зарурияти, мустақил равишда янги билим ва кўникмаларни эгаллаш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш, ўз касбий маҳоратини доимий равишда бойитиш демакдир.

Маълумки, анъанавий когнитив йўналтирилган таълим асосан билим, кўникма ва муаммоларни шакллантириш масаласини ҳал қилади, ўқувчиларни ривожлантириш ва ўқитишга ўқув жараёнининг "қўшимча маҳсулоти" сифатида қаралади. Бундай машғулот мутахассисга эмас, балки мутахассисни тайёрлашга қаратилган. Юқоридаги асосий 5 та компетенция ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш ушбу икки тушунчани фарқлашимизга имкон беради. Мутахассис – бу малака учун зарур бўлган билим, кўникма ва кўникмаларга эга бўлган ходим. Профессионал – бу индивидуал ва ўзига хос фаолият услуби билан ажралиб турадиган, аниқ белгиланган профессионал муҳим фазилатлар ва компетенцияларга эга бўлган ижтимоий ва профессионал баркамол ходим.

Замонавий таълим тизими ва жамият профессионалларга муҳтож. Ўқитувчининг профессионаллиги бир қатор талаблар билан баҳоланади, улар орасида қуйидаги касбий ва педагогик маҳоратни ажратиб кўрсатиш мумкин: ижтимоий, дидактик, ташкилий ва услубий, коммуникатив-директор, прогностик, акс эттирувчи, ташкилий ва бошқа педагогик маҳоратлар. Ўқитувчи шахсиятининг таркибидаги муҳим қисм - бу аҳамиятга эга бўлган фазилатлар, яъни самарадорликка таъсир қилувчи фаолият субъектининг индивидуал хусусиятларидир. Бундай хусусиятлар сирасига шахсий фаоллик, қатъиятлилик, талабчанлик, таълим даргоҳида ўқийдиган ўқувчилар билан ишлаш истаги, экстремал вазиятларда адашиб қолмаслик қобилияти, жозиба, ҳалоллик, адолат, замонавийлик, педагогик гуманизм, эрудиция, педагогик хушмуомалалик, бағрикенглик, интизом, педагогик оптимисм кабилар киради. Педагогик аҳамиятга эга бўлган фазилатларга мақсадга мувофиқлик (шахсий педагогик мақсадларга эришиш учун шахсиятнинг барча хусусиятларини йўналтириш ва ишлатиш қобилияти) ва позиция (ҳар қандай педагогик вазиятда ўз ҳаракатларини бошқариш қобилияти) киради. Замонавий ўқитувчининг шахсияти кўп жиҳатдан унинг билимдонлиги билан белгиланади, бу эса бадиий тасвирлаганда гўё замонавий дунёда бемалол сайр қилишни истаган киши кўп нарсани билиши керак деганидир.

Когнитив соҳага одамларни идрок этиш, муаммони аниқлаш, хотира, тасаввур, тил функциялари, ривожланиш психологияси, фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш, инсон ва сунъий интеллектни ўрганишнинг асосий соҳалари кабилар киради. Бу барча ақлий жараёнлар, асосан ўқув жараёнида муҳим рол ўйнайди. Ўқитиш фаолиятида ўқув жараёнининг барча томонлари материални тақдим этиш усулидан ўқитувчининг талабалар билан бўлган муносабатларининг ижтимоий-психологик жиҳатларига таъсир қилади. Ўқитувчи ушбу кузатувларни ташкиллаштириши, режалаштириши, ташхис қўйиши, кузатиши, мазмунини бериши, ечимларни ишлаб чиқиши ва уларни бажаришда иштирок этиши керак.

Ўрганиш жараёни мавжуд билим ва кўникмаларга тегишли янги материаллар мавжуд билим соҳасига киритилган тақдирдагина самарали бўлади. Муҳим шарт сифатида ўқитувчи ва талабаларнинг ички мотивацияси ўрганилаётган фанга қизиқиш билан боғлиқ ҳисобланади. Кўрсатилган қоидаларга асосланиб, ўқитувчининг когнитив компетенциясининг тузилиши қуйидагича таркибда ифодаланиши мумкин.

- Доимий касбий ва педагогик ўзини-ўзи такомиллаштириш истаги
- Касбий педагогик мустақил таълим бериш кўникмаларини шакллантириш
- Ижодкорлик, янги педагогик қадриятларни яратишга тайёрлик
- Педагогик фаолиятда янгилик киритиш қобилияти

Шу сабабли, юқоридагилардан келиб чиқиб, когнитив компетенцияни ўқитувчининг касбий фаолиятга назарий ва амалий тайёргарлиги, уни доимий равишда такомиллаштириш ва касбий фаолият шароитида ижодий қарорлар қабул қилиш қобилиятининг бирлиги дея таърифлаш мумкин.

Ўқитувчининг когнитив компетенциясининг шаклланиши ўқув жараёнини тизимли равишда лойиҳалаштириш ва амалга оширишда ташҳис қўйилган ва босқичма-босқич қўйилган мақсад ва вазифалар кўринишида, замонавий жамият эҳтиёжларини ва ўқув жараёни субъектларига нисбатан толерант муносабатни ҳисобга олган ҳолда ўзини такомиллаштиришга бўлган доимий интилиш кўринишида намоён бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, акмеологияда шахснинг компетенциясини белгилашда унинг ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини намоён қилиши ва ўзини-ўзи англаш жараёнлари билан боғлиқ эканлигига урғу берилади. Компетенция эса шахснинг ижодий потенциалини очиш, уни ўзи амалга ошириш, ўзининг касбий ва ҳаётий қадриятлари тизимига асосланган ҳолда ўзини такомиллаштириш демакдир. Шу сабабли, бўлажак ўқитувчиларда когнитив компетентлиликни оширишда акмеологик ёндашувга таяниш мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Безрукова В. С. Касбий педагогикага кириш. – Екатеринбург, 1996. – С. 51.
2. Зеер Е.Ф., Павлова А.М., Сшанюк Е.Е. Касбий таълимни модернизация қилиш: баркамолликка асосланган ёндашув. – М.: МПСИ, 2005. – Б. 48.
3. Кузмина Н.В. Акмеология мавзуси. – Санкт-Петербург: Политехника, 2002. –Б. 102.
4. Умумий ва касбий педагогик. Дарслик. Педагогика университетлари талабалари учун қўлланма / Ед. В. Д. Симоненко. М.: Вентана-Граф, 2005. – Б. 114.
5. Софина В. Н., Клюев В. А. Давлат хизматчиларининг касбий маҳоратини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга акмеологик ёндашув. – Санкт-Петербург, 2008. – Б. 89.

# SPORTDA KURASH TURLARIDA UMUMIY VA MAXSUS TAYYORGARLIKLARINING SHAKLLANTIRISH USULLARI

Qirg'izov Ismat Musirmonovich – JizPI
"Jismoniy tarbiya" kafedrasi
katta o'qituvchisi
qirg'izov@mail.ru

***Rezume:*** *Maqolada ixtisoslashgan bazaviy tayyorgarlik bosqichida maxsus tayyorgarlik ulushi muhim darajada oshirilishi va umumiy tayyorgarlik ulushi kamayishini hamda sport kurashidagi kurashchining oqilona texnik-taktik tayyorgarligiga bog'liqligini yoritib berilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *Kurashchi, texnika-taktik tayyorgarlik, maxsus tayyorgarlik, umumiy chidamlilik, mashg'ulot yuklamasi, murabbiy, talaba.*

# ОБЩИЕ И СПЕЦИАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ ПОДГОТОВКИ И ФОРМИРОВАНИЯ В ОБУЧЕНИЯ СПОРТИВНОЙ БОРЬБЕ

Киргизов Исмат Мусирмонович - ЖПИ
Кафедра "Физическая культура"
Старший преподаватель
qirg'izov@mail.ru

***Резюме:*** *В статье рассматривается значительное увеличение доли специальной подготовки и сокращение доли общего обучения, а также зависимость борца от рациональной технической и тактической подготовки на базовом этапе специализированной подготовки.*

***Ключевые слова:*** *Борец, техническая и тактическая подготовка, специальная подготовка, общая выносливость, обучение, тренер, студент.*

# GENERAL AND SPECIAL METHODS OF TRAINING AND FORMATION IN TRAINING SPORTS WRESTLING

Kirgizov Ismat Musirmonovich - ZhPI
Department of Physical Culture
Senior Lecturer
qirg'izov@mail.ru

***Abstract:*** The article considers a significant increase in the share of special training and a reduction in the share of general education, as well as the dependence of the fighter on rational technical and tactical training at the basic stage of specialized training.

***Key words:*** Wrestler, technical and tactical training, special training, general endurance, training, coach, student.

Kurashchining ko'p yillik tayyorgarligi - yuqori malakali sportchilarni tayyorlashga qaratilgan murakkab hamda uzoq davom etadigan pedagogik jarayondir. I.G. Ildarhanov fikricha, murabbiy, ko'p yillik mashg'ulot rejasini tuzayotib, mashg'ulot va musobaqa nagruzkalari hajmi, yo'nalishi yildan yilga qay tarzda o'zgarib borishini, bu o'zgarishlar tarbiyalanuvchilarning axloqiy, iroda, jismoniy, texnika-taktik va nazariy tayyorgarligiga qanday ta'sir ko'rsatishini hamda u sport yutuqlarining yosh dinamikasida xalqaro toifadagi sport ustasigacha qanday aks etishini tasavvur qila olishi lozim [3].

Ko'p yillik mashg'ulot jarayonidagi mashg'ulot nagruzkalari yo'nalishi hamda hajmi o'ziga xos xususiyatlarga ega. Boshlang'ich tayyorgarlik bosqichida umumiy va yordamchi tayyorgarlik asosiy o'rinni egallaydi (bosqichlarining tasnifi K.K.Platonov bo'yicha keltiriladi). Dastlabki bazaviy tayyorgarlik bosqichi yordamchi tayyorgarlik hajmining oshishi bilan tavsiflanadi (u umumiysi bilan birga mashg'ulot ishining umumiy hajmidan 80-90%ga oshadi). Maxsus tayyorgarlik, odatda, 15% dan oshmaydi. Ixtisoslashgan bazaviy tayyorgarlik bosqichida maxsus tayyorgarlik ulushi muhim darajada oshadi va umumiy tayyorgarlik ulushi kamayadi. Alohida imkoniyatlarni maksimal amalga oshirish bosqichida maxsus tayyorgarlik umumiy ish hajmidan 60% gacha etishi va undan ko'p bo'lishi mumkin.

Yutuqlarni ushlab turish bosqichida maxsus tayyorgarlik ulushi qat'iy yuqori bo'ladi va umumiy tayyorgarlik ulushi minimumgacha kamaytiriladi. Har xil tayyorgarlik turlari nisbatlarining bunday sxemasi hamma sport turlari uchun umumiy hisoblanadi, lekin kurashda u mashg'ulot to'g'risida umumiy tassavurlarni beradi [4].

Mukammal texnika – bu eng yuqori natijaga erishish maqsadida sport mashqlarini bajarishning samarali usullari yig'indisidir. O'rgatish jarayonida texnikani egallash darajasi o'zgarib turadi (yangi shug'ullanuvchining sodda texnikasidan to xalqaro toifadagi sport ustasining mukammal texnikasigacha).

Oqilona texnika sportchiga harakatlarni tejamkorlik bilan bajarish uchun imkon yaratadi [5].

Yosh sportchining xalqaro toifadagi sport ustasi darajasigacha bosib o'tadigan yo'lini to'rtta bosqichga ajratish mumkin (G.S. Tumanyan bo'yicha, 1985):

I-bosqich - "maktab" texnikasini, ya'ni ixtisoslashgan elementlar hamda ularning komplekslarini shakllantirish;

II-bosqich - bazaviy texnikani shakllantirish (taktik tayyorgarlik, usullar, qarshi usullar, himoyalar);

III-bosqich - kombinatsion texnikani (texnik-taktik komrlekslarni) shakllantirish;

IV-bosqich -mashg'ulotning alohida rejalari bo'yicha alohida texnikani takomillashtirish (1-jadval).

1-Jadval

**Kurashchilar ko'p yillik tayyorgarligida texnik-taktik tayyorgarlik mazmuni va bosqichlari (G.S.Tumanyan bo'yicha)**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Jismonan va ma'nan yetuk barkamolavlodni tarbiyalash vazifalari** | **XALQARO TOIFADAGI SPORT USTASI** | | |
| | Matnlar | IV bosqich<br>individual texnikani takomillashtirish: individual mashg'ulot rejasi asosida | Mevalar |
| | Jumlalar | III bosqich<br>kombinatsiyali texnikani shakllantirish: texnik-taktik komplekslar | Novdacha-lar, shohlar |
| | So'zlar | II bosqich<br>bazaviy texnikani shakllantirish:<br>-taktik tayyorgarlik; - usullar;<br>- qarshi usullar; - himoyalanishlar. | Tana |
| | Bo'g'in-lar, harflar | I bosqich<br>"maktab" texnikasi, ya'ni ixtisoslashgan elementlar va ularning komplekslarini shakllantirish | Ildiz |

Ko'p yillik texnik-taktik tayyorgarlikning har bir bosqichida "o'sish o'lchamini" aniqlash va musobaqalarda qayd qilingan TTHni baholash tizimidan foydalanish lozim. Sport kurashi bo'yicha maxsus ilmiy-uslubiy adabiyotlarni har tomonlama tahlil qilish natijasida professor I.I. Alixonov kurashchining texnik-taktik tayyorgarligini ko'p yillik rejalashtirishni ishlab chiqdi. 1-jadvalning tahlili shuni ko'rsatadiki, kurash texnikasi elementlari va taktik tayyorgarlik usullari, asosan, 10-15 yoshda o'rganilishi lozim. Texnik-taktik mahoratni kelgusida takomillashtirish o'smirlik hamda o'spirinlik yoshlarida amalga oshiriladi.

Mashqlar yo'nalishini yurak qisqarish sur'ati (YuQS) bo'yicha nazorat qilib borish mumkin. Maksimal shiddatda va kichik hajmda bajariladigan mashqlar, odatda, tezkor-kuch sifatlarining rivojlanishiga ta'sir etadi.

Huddi shunday, lekin katta hajmdagi mashqlar yoki katta shiddat bilan 30-120 s. atrofida bajariladigan mashqlar tezkor chidamliligiga ta'sir ko'rsatadi. Ularni bajarish paytida YuQS 160-190 zarb/daq. gacha etadi. Uzoq vaqt davom etadigan kam shiddatli mashqlar umumiy chidamlilikning takomillashishiga ta'sir etadi, YuQS- 130-160 zarb/daq.

M.A.Godik va boshqalar ma'lumotlariga ko'ra, mashqlarning YuQS bo'yicha yo'nalishini qayd qilishda ularning ketma-ketligini hisobga olish lozim. Bu ketma-ketlik mashg'ulot boshidagi xuddi shu mashq bilan solishtirganda, uning yakunida YuQS ning nisbatan 20-30%ga oshishiga imkon beradi. Birinchi holda yuklama umumiy chidamlilikning, ikkinchi holda tezkor chidamliligining rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadi [2].

Oddiy texnik harakatlarga dast ko'tarishlar, siltabko'tarishlar, ushlab olishlar, ushlab olishlardan chiqib ketish, oddiy hujum harakatalari kiradi, ya'ni hujum darhol usul tarkibidan boshlanadi.

Murakkab texnik harakatlarga murakkab hujum harakatlari, ya'ni taktik tayyorgarlik usullari bilan hujum harakatlari va usullar kombinatsiyalarini qo'llab hujum qilish), himoyalanishlar, qarshi usullar, usullar bog'lanishlari, ya'ni ikki usul birikmasidan (birinchisi tik turishda - parterda boshlanadi, ikkinchisi parterda yakunlanadi) iborat usullar kiradi.

Sport kurashi bo'yicha yirik musobaqalarning tahlili shuni aniqlashga imkon beradiki, murakkab hujum harakatlarini tez-tez qo'llab turadigan kurashchilar katta muvaffaqiyatlarga erishar ekan. Demak, mashg'ulotlarda murakkab texnik harakatlarni rejalashtirish kurashchining jismoniy imkoniyatlarini oshirishga yordam beradi.

Sportcha kurash turlarida mashg'ulot shiddati va yuklamasini optimallashtirish yordamida tayyorgarlik olib boriladi. Bunda yuklama hajmini me'yorlash kutilgan natijani beradi. Yuklama hajmi deganda sportchi bajarayotgan mashqlarning uning organizmiga ta'sir etish darajasi (maksimal, katta, o'rta, kichik) tushuniladi. Yuklama hajmi, odatda, hajm va shiddat ko'rsatkichlari bilan aniqlanadi[1].

Kurashchilar mashg'ulotida yuklama hajmini nazorat qilayotib, quyidagilarni qayd etish zarur: mashg'ulot va musobaqa faoliyatiga sarflangan vaqt (soatlar, kunlar, haftalar, oylar), mashg'ulotlar soni (sikllar, bosqichlar, davrlar).

2-Jadval

**Sport kurashida V.A.Sorvanov tomonidan taklif etilgan yuklamalar shiddatining tasnifi qo'llaniladi.(V.A.Sorvanov bo'yicha)**

| № | Mashg'ulot ta'siri yo'nalishi | YuQS | | Baho(ballarda) |
|---|---|---|---|---|
| | | 10 sek. | 1 daq. | |
| 1 | Ko'proq aerob | 19 | 144 | 1 |
| | | 20 | 120 | 2 |
| | | 21 | 126 | 3 |
| | | 22 | 132 | 4 |
| | | 23 | 138 | 5 |
| | | 24 | 144 | 6 |
| | | 25 | 150 | 7 |
| 2 | Aralash aerob-anaerob | 26 | 156 | 8 |
| | | 27 | 162 | 10 |
| | | 28 | 168 | 12 |
| | | 29 | 174 | 14 |
| | | 30 | 180 | 17 |
| 3 | Anaerob-glikolitik | 31 | 188 | 21 |
| | | 32 | 192 | 25 |
| | | 33 | 198 | 33 |

Mashg'ulotdagi yuklama hajmini aniqlash uchun mashqdan keyin YuQSning o'rtacha hisobi topiladi, so'ngra jadvaldan shiddat qiymati topiladi, uni shu mashqni

bajarish vaqtiga ko'raytiriladi. Yuklama hajmini mashg'ulotning ta'sir etish yo'nalishi bo'yicha qayd etish maqsadga muvofiqdir.

Mashg'ulot dasturini tuzuvchi murabbiy sportchi tomonidan bajarilgan ishlar to'g'risida aniq hamda ishonchli ma'lumotga ega bo'lishi lozim, murabbiy uning tayyorgarligidagi ijobiy hamda salbiy tomonlarni bila turib, mashg'ulot jarayonini maqsadga muvofiq holda amalga oshirishi mumkin.

Mashg'ulot yuklamasining kattaligini aniqlash uchun mashqdan keyin o'rtacha YuQS o'lchanadi, so'ngra jadvaldan shiddatning qiymati topilib, u mazkur mashqni bajarish uchun sarflangan vaqtga ko'raytiriladi. Yuklama kattaligini, imkon bo'lsa, mashg'ulot ta'sirining yo'nalishi bo'yicha qayd etish kerak.

Misol tariqasida kurashchilarning mashg'ulotlaridan birining yuklamasi kattaligini aniqlaymiz (3-jadval).

3-Jadval

**Kurashchilar mashg'ulotining taxminiy tuzilishi**

| № | Mazmuni | Bajarish vaqti(t) | 1 daqiqa YUQS | Shiddat allarda (n) | Yuklama birligi (t x n) | Shiddat zonalari |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Tayyorgarlik qism, badan qizdirish mashqlari | 15 | 132 | 4 | 60 | |
| 2. | Parter holatida bajariladigan usullarni takomillashtirish | 10 | 144 | 6 | 60 | |
| 3. | Tik turgan holatda usullarni takomillashtirish | 10 | 156 | 8 | 80 | I |
| 4. | Tik turgan holatda tez sur'atda bajariladigan ag'darib otishlarni takomillshatirish | 5 | 174 | 14 | 70 | I |
| 5 | Parter holatidagi qarshi hujumlarni takomillashtirish | 10 | 138 | 5 | 50 | |
| 6. | O'quv-mashq bellashuvi | 6 | 186 | 21 | 126 | II |
| 7. | Kurashchining bo'yin mushaklarini mustahkamlash uchun maxsus mashqlar | 4 | 126 | 3 | 12 | |
| Jami: | | 60 | - | - | 458 | |

Shunday qilib, bizning mashg'ulotimizda umumiy ish muddati 60 daqiqani tashkil etadi. Har bir mashq uchun biz YuQSning o'rtacha ko'rsatkichini va sarflanadigan vaqtni aniqlaymiz. V.A.Sorvanov jadvali asosida biz mashg'ulot shiddati ballini bilib olamiz. Masalan, badan qizdirish mashqlari YuQS 132 zarba/daqiqa bo'lgani holda 15 daqiqa davom etgan, bu - jadvalga ko'ra 4 ballga teng. Endi, formulaga asosan, yuklama kattaligini aniqlaymiz, bunda mashqni bajarish uchun sarflangan vaqt uning shiddati balliga ko'raytiriladi.

Mazkur mashg'ulot yuklamasini sportchi organizmiga ta'sirning yo'nalishiga qarab ham aniqlash mumkin. Odatda, ishning shiddati vaqtini uch zonada hisoblash mumkin: I-asosan aerob YuQS –140-150; II-zona-aralash-aerob –anaerob YuQS – 156-180 va III-zona – anaerob YuQS-186 va undan baland.

Shunday qilib, birinchi zonada bajarilgan ishning umumiy vaqti 39 daq. yoki umumiy vaqtning 65%ini, yuklama kattaligi esa 182 shartli birlikni tφshkil etdi. Ikkinchi zonada ish vaqti 15 daq.ga yoki umumiy vaqtning 25%ga, yuklama kattaligi esa 150 shartli birlikka teng bo'ldi. Uchinchi zonada sportchi 6 daq. yoki umumiy vaqtning 10%icha ish bajardi, yuklama kattaligi esa 126 shartli birlikni tashkil qildi.

Mashg'ulot yuklamasini bunday tahlil qilish mikro-mezo, makrosiklda bajarilgan ish kattaligini aniqlashga imkon beradi. Texnik-taktik tayyorgarlikka vaqtning umumiy sarflanishi kurashchilar malakasi ortib borishi bilan o'sadi, lekin mashg'ulotning umumiy hajmiga nisbatan foizlarda kamayib boradi. Bunday nisbat kuch tayyorgarligi va tezkor chidamliligi darajasini oshirish zaruriyatiga bog'liq.

**Adabiyotlar ro'yxati**

1. Галковский Н.М., Керимов Ф.А. Вольная борьба. - Т., 1987.
2. Годик М.А., Бальсевич В.К., Тимошкин В.Н. Система общеевропейских тестов для оценки физического состояния человека // Теория и практика физической культуры, 1994, №5-6, С. 24-32 с.
3. Ильдарханов И.Г. Мы родом из "Курэш". - Гасыр., 2003.
4. Платонов, К.К. Структура и развитие личности / К. К. Платонов. - М.: Наука, 1986, 255 с.
5. Фомин В.С. Способ измерения здоровья по В.С.Фомину // Теория практика физической культуры. 1995, № 6, 46-52 с.

## КУРАШ ТУРЛАРИДА ПОРТЛОВЧАН КУЧНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Баҳодир Муродови Ишонқулов -ЖПИ
"Жисмоний тарбия"кафедраси
катта ўқитувчиси
ishonqulov@mail.ru

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада курашчиларнинг амалий дарсларда ҳамда машғулот жараёнида куч сифатларини, портловчи кучини махсус машқлар орқали ошириш муҳим аҳамияти келтирилган. Портловчи кучни оширишга мулжалланган ускуна (СПРОК) тулилиши ва вазифаси келтирилган. Ўтказилган тажриба синов натижалари тахлил килинган. Синов натижалари асослаб келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *кураш, таълим олувчилар, мусобақа, ўйинлар, спорт турлари, компонентлар, педагогик тажриба.*

## ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА ВЗРЫВННУЮ СИЛУ У БОРЦОВ

Баходир Муродович Ишонқулов - ЖПИ
Кафедра "Физическая культура"

Старший преподаватель
ishonqulov@mail.ru

***Аннотация:*** *В данной статье подчеркивается важность повышения взрывной силы наших борцов в процессе тренировок. Приведены конструкция и предназначение оборудования для усиления силы взрыва (СПРОК). Описаны эксперименты на тренажёре для повышения взрывной силы борцов. Приведены и проанализированы результаты эксперемента .*

***Ключевые слова****: борьба, стажеры, соревнования, игры, спорт, компоненты, педагогический опыт.*

## FACTORS INFLUENCING EXPLOSIVE POWER IN WRESTLERS

Bahodir Murodovich Ishongulov - ZhPI
Department of Physical Culture
Senior Lecturer
ishonqulov@mail.ru

***Annotation:*** *This article emphasizes the importance of increasing the explosive power of our wrestlers during training. The design and purpose of equipment for enhancing the force of an explosion (SPROK) is given. Experiments on the simulator are described to increase the explosive strength of wrestlers. The results of the experiment are presented and analyzed.*

***Keywords****: wrestling, trainees, competitions, games, sports, components, pedagogical experience*

Спорт фаолияти жараёнида, турмушда куч чидамлилиги ва портлаш кучи энг кўп аҳамиятга эга. Кучнинг бу турлари рўёбга чиқиши билан инсон ҳар қадамда тўқнаш келади (масалан: оғир атлетикада, спорт гимнастикасида, курашда ва бошқалар) максимал кучни мушаклар қисқа-ришларининг юқори тезлиги билан бирга қўшиб олиб боришда (улоқтириш, гребле ва бошқалар) бажарилиши вақтида фойдаланилади. Инсонни абсолют нисбий кучни фарқлаш керак. Яъни шахсий оғирлигининг 1 кг га тўғри келадиган кучни миқдори у тайёргарлиги бир хилда бўлган, аммо ҳар хил оғирликдаги атлетикачиларнинг кучларини таққослаш учун аниқланади.

Куч машқларини бажариш вақтида мушаклар уч хил тартибда ишлаши мумкин:

- Ўз узунликларини (статистик изометрик) ўзгартирмайдиган режим.
- Ўз узунликларини қисқартириб (прюдолеваюший, миометрик) режим.
- Узайиб ён берувчи (плиометрик) режим.

Чунончи, масалан оёқлар тўғри кўтарилган вақтда оғирликда то тўғри бурчакгача мушаклар фаолиятининг барча учала тартиби учрашадилар. Мушак ишининг узунлигини қисқартиришда – оёқларни кўтариш, статистик иш – оёқларни 90º бурчак остида ушлаб туриш; Мушакларни узайиши – дастлабки ҳолатга қатиш оёқларни тушириш (1-расм). Ўқувчилар жисмоний тарбиясида умумий ва махсус куч тайёргарлиги амалга оширилади.

Умумий куч тайёргарлиги инсоннинг меҳнат фаолиятига тайёрлиги ва жисмоний ривожланиши учун аҳамиятга эга бўлувчи барча асосий мушаклар гурухларининг гармоник ривожланишига қаратилган.

Махсус куч тайёргарлигининг мақсади фаолиятининг танланган турига тадбиқан мусобақалашувчи ҳаракатнинг техникаси билан мушакнинг мувофиқ гурухлари кучининг бирга қўшиб олиб борилишининг юзага чиқиши жисмоний сифатларнинг ривожланишидир.

Инсон кучини ўлчаш учун ҳар хил конструкциялардаги динамометрлар қўлланилади. Энг кўп қўлланишни панжа ва (гавда) бел умуртқа динамометри билан аниқланади.



1-расм.Инсоннинг ташқи қаршиликни енгиш ёки мушак кучланишлари ҳисобига қаршилик кўрсатиш қобилияти тузилмаси

Бу кўрсаткичлар ўлчамлар мажмуасига киради¸ улар бўйича ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши тўғрисида мулоҳаза юритадилар жадвал).

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўтказилаётган “Алпомиш” ва “Тўмарис” фестиваллари, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” каби уч босқичли мусобақалар ёшларимизнинг маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлаш омили бўлиб хизмат қилмоқда.

“Бизнинг тараққиётимиз, - деб таъкидлаган эди Президентимиз, соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган”. Ўтмишда халқимизнинг жуда кўп анъаналари бой берилганига қарамай, қадриятимизнинг сарчашмаси бўлган миллий ўйинлар ва спорт турлари тикланди ва ривожланмоқда. Миллий ўйинлар ва спорт турларининг авлоддан-авлодга ўтиши, замонга қараб мослашуви, унинг давомийлиги, анъаналарга бойлиги – буларнинг барчаси муайян халқнинг ўз қиёфасини қай даражада сақлаганликларининг мезони ҳисобланади. Ёшавлодни жисмоний тарбиялаш ва камол топтиришда миллий спорт турларининг, хусусан, курашнинг роли ва ўрни каттадир.

Белбоғли кураш қадимий спорт турларидан биридир. Белбоғли кураш санъати ўзининг муайян тарихига эга бўлиб, у доимий равишда халқимиз томонидан эъзозланиб келинмоқда.

Белбоғли кураш спорт турининг тарихи юртимиздаузоқ мозийга бориб тақалади. Ҳозирги пайтда куррайи заминнинг барча қитъаларида ўзбек миллий кураши ҳамда белбоғли кураш бўйича биринчилик мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Демак ер юзидаги мамлакатларнинг кўпчилик қисми диёримизнинг кураш турларига бўлган қизиқишлари йилдан йилга ортиб бораётганлиги диққатга сазовордир.

Юртимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида милий кураш турлари ниҳоятда кенг тараққий этаётган бўлса, Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент вилоятининг Бўка, Паркент, Пискент каби туманларида белбоғли кураш турига бўлган қизиқиш ниҳоятда кучли бўлаётганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Полвонларимиз халқаро спорт майдонларида ўз маҳоратларини муносиб намойиш этишиб, Ватанимиз шаъни ва шуҳратини оширмоқдалар. Полвонларимизнинг бундай йирик мусобақаларида зафар қучишлари ва совриндорлар сафидан ўрин олишлари йилдан йилга рақобатнинг кескин кучайиши натижасида кўплаб тер тўкишларига тўғри келмоқда.

Ҳозирга пайтда жаҳоннинг 120 дан зиёд мамлакатлари ўзбек миллий курашини тан олганлар. Жумладан белбоғли кураш ҳам кенг довруғ қозонаётган паллада унинг ўринбосарларига яъни болалар ва ўсмирларга ҳам кенг эътибор қаратиш лозим. Мактаб, академик лицейларда, коллежлар ўқувчилари ҳамда мамлакатимизда мавжуд 60 дан зиёд олий ўқув юртлари талабаларига белбоғли курашнинг сир-асрорларини қунт билан ўргатиш бўйича кенг залворли ишларни

янада кучайтириш лозим. Болалар ва ўсмирлар ўртасида белбоғли кураш бўйичатўгарак машғулотларда спорт мураббийларининг олиб борадиган ишларининг натижалари юқорида таъкидлаб ўтганимиздек “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақаларида ўз натижасини бериши орқали алоҳида мураббийнинг билим савияси, педагогик маҳоратига холисона баҳо бериш лозим.

Шу сабаб курашчиларимизни кучини ривожланишини, чидамлилигини оширишнинг ҳамда портловчан кучни аниқлашимизда янги “СПОРК” (Спортчиларни портловчан кучини ўлчаш) ускунасидан фойдаланилди.

Ускуна икки функцияга эга:

1. Портловчан кучни назорат этиш;
2. Портловчан кучни ривожлантириш .

Психологик жихатданяратилган услубни принципиал фарқи шундаки бунда спортчинипортлаш кучи табий холда текширилади. Спортчи сакраш жараёнида ўз олдига аниқ мақсад қўйяди (баландликка неча сантиметр сакраш) ва шу мақсадига мувофиқ куч йиғиб сакрайди, бунда спортчи қандай натижа кўрсатганини англайди. Ускунани бу имконияти портлаш кучни нафақат назорат қилишбалки уни курашчи ўз-ўзида ривожлантириш имкониятини беради. Бизни фикримизча ускунага сакрашмашқида нафақат спортчи портловчанкучи ўсади, балки курашга оид бўлган психик компонентлар ҳам фаоллашади. Буларга:

Сенсор компонент ( қаергача сакраш).

Мотивацион компонент ( нима учун сакраш, рақибни енгиш учун).

Тезлик реакцияси вақти қисқаради, ( баландликка сакраб кўтарилиш учун ердан оёқларни тез узиш).

Иродавий компонент( мақсадга интилиш , қийинчиликни енгиш).

Иродавий зўр беришни намоён бўлиши ( ички зўриқишни намоён бўлиши).

Интелектуал компонент ( қилинган харакатларни тахлил қилиш).

Диққатни жамлаш (мақсадга кўра кучни йиғиш).

Ушбу ускунаспортчи курашиш жараёнида мусобақа самарадорлигини аниқлаш учун биз педагогик эксперимент ўтқаздик.

Педагогик тажрибада 2 та гурух қатнашди. Тадқиқотимизда Жиззах политехника институти биринчи босқичнинг икки гурухи танлаб олинди. Ҳар бир гурухдан олтитадан белбоғли курашчилари қатнашди.

Тажриба ўқув йили бошида тажриба ва назорат гурухларининг кўрсатган портловчан куч натижалари қуйдагича тажриба гурухида 28-30 сантиметргача ташкил қилган бўлса, назорат гурухи кўрсаткичи 30-34 см бўлди. Портловчан кучни аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида, тажриба гурухининг машғулотларига, юқорида кўрсатилган махсус мосламага сакрашни киритдик. Натижада ўқув йили оҳирига келиб тажриба гурухини кўрсаткичлари 38см га кўтарилди. Назорат гурухиники эса ушбу вақтда 31-36смга етди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, белбоғли курашчиларда портлаш кучни ривожлантиришмусобақа жараёни самарадорлигини оширишга ижобий таъсир

кўрсатиши исботланди. Бунда портлаш кучини кескин ривожланишида “СПОРК” ускунаси мухим ахамият касб этди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент.ш. 14.декабрь 2016.
2. ВоробьёвА.И. Методика тренировки // Тяжёлая атлетика - Учебник для институтов физкультуры». М., 1981. - 132-185 с.

## O’QUV KUN TARTIBIDAGI SOG’LOMLASHTIRISH TADBIRLARI ORQALI BOSHLANG’ICH SINF O’QUVCHILARINI HARAKAT FAOLLIGINI OSHIRISH

Turobjon Ismoilov, dotsentn Nam DU
G‘anisher Ismoilov, magistr Nam DU

**Annotatsiya**: *ushbu maqolada boshlang’ich sinf o’quvchilari bilan o’quv kun tartibida o’tkaziladigan sog’lomlashtirish tadbirlarini ahamiyati yoritib berilgan.*

**Kalit so’zlar:** *jismoniy tarbiya, sog’lomlashtirish, jismoniy rivojlanish, jismoniy tayyorgarlik, harakat faolligi, pedagogik tajriba.*

## ПРОВЕДЕНИЕ ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ УЧЕБНОГО ДНЯ В ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ УЧЕНИКОВ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ.

Туробжон Исмоилов, доцент Нам ГУ
Ганишер Исмоилов, магистр Нам ГУ

***Аннотация***: *в данной статье раскрывается сущность проведения оздоровительных мероприятий в учебном процессе учеников начальных классов.*

***Ключевые слова***: *физическое воспитание, оздоровление, физическое развитие, физическая подготовка, двигательная активность, педагогический эксперимент.*

## THE CONDUCTING RECOVERY EVENTS THROUGH PHYSICAL ACTIVITIES FOR THE PUPILS OF PRIMARY CLASSES

Turobjon Ismoilov, dotsent of NamSU
G‘anisher Ismoilov, master of NamSU

***Annotation***: *this article is dedicated to the study of the importance of health care activities to be held in primary forms of secondary schools*

***Key words:*** *physical training, recovery, physical developing, physical readiness, physical training, physical activity, pedagogical experience.*

Mamlakatimizda mustaqillikni daslabki kunlaridan boshlab hukumatimiz rahbariayti tamonidan boshqa sohalar qatori jismoniy tarbiya va sportga ham alohida

e'tibor qaratildi. Dunyo mamlakatlari ichida birinchi bo'lib "Soglom avlod uchun" ordenini ta'sis etilishi ham katta ahamiyatga ega bo'ldi.

Bugungi kundagi eng asosiy vazifalardan biri o'sib kelayotgan yosh avlodni barkamol insonlar qilib tarbiyalashdan iboratdir. Respublikamiz rahbariyati va prezidentimiz tomonidan bu borada katta ishlar qilinib kelinmoqda. " Kadrlar tayorlash milliy dasturi", "Ta'lim to'g'risida"gi va "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi qonunlarni qabul qilinishi fikrimizning yorqin ifodasidir[1;2;3].

Respublikamizda axolini salomatligini mustaxkamlash borasida ham muntazam ravishda katta ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Prezidentimiz tomonidan respublikamizda ommaviy sportning sifat va samaradorligini oshirish maqsadida 2017-yil 3-iyunda "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori sport ishlarini tizimli yo'lga qo'yishda dasturi amal bo'lib kelmoqda[4].

Bugungi kunning dolzarb va kechiktirib bo'lmaydigan vazifalaridan biri ishlab chiqarish korxonalarida, ta'lim muassasalarida, oilalarda, mahallalarda, ommaviy sportning sifatiga va samaradorligiga e'tiborni oshirish bilan shug'ullanuvchilar sog'ligini yanada mustahkamlashdan iboratdir. Bu vazifalarni amalga oshirishda prezidentimiz tamonidan ishlab chiqilgan yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni hayotga tadbiq etilishi katta ahamiyatga ega bo'ldi

Kelajagimiz egalari bo'lgan yosh avlodni sog'lom, etuk va har tomonlama barkamol insonlar qilib tarbiyalashda umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'quvchilar bilan o'tkaziladigan jismoniy tarbiya va o'quv kun tartibidagi sog'lomlashtirish tadbirlarini ahamiyati beqiyosdir[5].

Ilmiy-uslubiy adabiyotlarning tahlilidan ma'lum bo'ldiki, bugungi kunda umumiy o'rta ta'lim maktablarida ta'lim-tarbiya olayotgan o'gil va qiz bolalarning kunlik harakat faolligi ularning yoshi uchun qo'yilgan me'yor talablariga to'liq javob bermaydi.

Olib borilgan pedagogik kuzatishlardan aniqlandiki, hozirgi kunda o'quvchilar o'rtasida dars tayyorlashga, televizor ko'rishga va kompyuter bilan shug'ullanishlariga vaqt ko'proq sarflanayotganligi tufayli ular organizmining kunlik harakatga bo'lgan ehtiyoji ortib bormoqda.

O'quvchilarning kunlik harakat faolligi: ularning kun tartibiga rioya qilishiga; o'quv faoliyati jarayonidagi soglomlashtirish tadbirlarida faol ishtirok etishiga; sinfdan va maktabdan tashqari tashkil qilingan sport to'garaklarida muntazam shug'ullanishiga; ommaviy sport tadbirlarida, musobaqalarda faol ishtirokiga; maktabda, mahallada, oilada tashkil qilingan jismoniy tarbiyaga; yashash sharoitiga bevosita boqliqdir.

Ma'lumki, N.T.Lebedeva ma'lumotlari bo'yicha maktabda haftada o'tkaziladigan 2 soatli jismoniy tarbiya darsi bolalarda harakatga bogliq bo'lgan talabni 11 foizga, ko'pi bilan dars yuqori zichlikda o'tilsa 40 foizga qoniqtirar ekan. Boshqa jismoniy tarbiya shakllari mashg'ulotgacha bo'lgan gimnastika, jismoniy tarbiya daqiqalari, katta tanaffusdagi harakatli o'yinlar va jismoniy mashqlar, ochiq havodagi ko'ngil ochar o'yinlar, sport to'garaklari, musobaqa va boshqalar muntazam ravishda o'tkazilsa 60 foizga bolalarning haftalik harakatga bo'lgan talablariga javob beradi.

T.S. Usmonho'jaev fikricha umumiy o'rta ta'lim maktablaridagi o'quvchilarning kunlik harakat faolligining hajmi 2 soatdan, haftalik harakat 14 soatdan kam bo'lmasligi kerak.

Umumiy o'rta ta'lim maktablaridagi boshlang'ich sinf o'quvchilarining organizmining kunlik harakat faolligini oshirish bugungi kunning eng asosiy va kechiktirib bo'lmaydigan vazifalaridan hisoblanadi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining kunlik harakat faolligini oshirish ularning jismoniy tayyorgarligini yaxshilashda va salomatligini mustahkamlashda katta ahamiyatga egadir.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini harakat faolligini oshirishda haftalik jismoniy tarbiya darslari, o'quv kun tartibidagi jismoniy tarbiya sog'lomlashtirish tadbirlari, sinfdan va maktabdan tashqari jismoniy tarbiya, ommaviy sport tadbirlari, sport musobaqalari, sayrlar va oilada o'tkaziladigan sport mashg'ulotlarini o'rni va ahamiyati kattadir.

Kichik sinf yoshidagi o'quvchilarning kunlik harakat faolligini oshirish maqsadida o'quv kun tartibidagi jismoniy tarbiya va sog'lomlishtirish tadbirlarini o'tkazish bo'yicha bolalarning pedagogik xususiyatlarini hisobga olgan holda dastur ishlab chiqildi.

Tadqiqot ishlarini o'tkazish maqsadida, pedagogik kuzatishlar natijasiga asosan sharoiti bir-biriga yaqin bo'lgan umumiy o'rta ta'lim maktablardan tajriba-sinov va nazorat guruhlari tanlab olindi.

Tajriba-sinov va nazorat maktablaridagi kichik sinf yoshidagi bolalarning harakat faolligini aniqlash maqsadida jismoniy tayyorgarlik bo'yicha testlar ishlab chiqdik. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini jismoniy tayyorgarligi ishlab chiqilgan testlar asosida aniqlandi. Olingan ma'lumotlar matematik-statistik usulda tahlil qilindi va umumlashtirildi. Yigib olingan ma'lumotlarni tahlilidan ma'lum bo'ldiki, tajriba-sinov va nazorat guruhlaridagi o'quvchilarning jismoniy tayyorgarligi o'zaro taqqoslanganda statistik jihatdan farq bo'lmadi.

Tadqiqot ishlarini o'tkazish jarayonida ishlab chiqilgan dastur asosida tajriba-sinov guruhida o'quv kun tartibidagi sog'lomlashtirish tadbirlari jismoniy tarbiya o'qituvchisi tomonidan olib borildi va muntazam ravishda nazorat qilindi.

Nazorat guruhidagi o'quvchilar bilan o'quv kun tartibidagi jismoniy tarbiya-sog'lomlashtirish tadbirlari oldin qanday bo'lsa shundayligicha o'tkazildi va nazoratchi tamonidan hech qanday ta'sir ko'rsatilmadi.

O'tkazilgan tajriba ishlarini samaradorligini o'rganish maqsadida tajriba- sinov va nazorat guruhlaridagi o'quvchilarning jismoniy tayyorgarligini aniqlash maqsadida testlar qabul qilindi. Testlar asosida yig'ib olingan ma'lumotlar matematik-statistik usulda tahlil qilindi va umumlashtirildi.

Yigib olingan ma'lumotlarning tahlili shuni ko'rsatdiki, tajriba-sinov guruhidagi o'quvchilarning jismoniy tayyorgarligi yaxshilanishi bilan birgalikda ularning kunlik harakat faolligi ortganligi aniqlandi, dastlabki va yakuniy olingan testlar bo'yicha statistik farqqa erishildi. Nazorat guruhidagi bolalardan olingan ma'lumotlar taqqoslanganda

ularning jismoniy tayyorgarligi va kunlik harakat faolligi yaxshilangan bo'lsa-da, lekin statistik farqqa erishilmadi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan o'tkazilgan tajriba-sinov ishlaridan shunday xulosa qilish mumkinki, o'quv kun tartibidagi sog'lomlashtirish tadbirlarini bolalarning pedagogik hususiyatlarini nisobga olib o'tkazilishi, ularning salomatligini mustahkamlash bilan birgalikda jismoniy tayyorgarligini va kunlik harakat faolligini oshirdi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro`yhati.**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (1997, 29 август). Туркистон. - Тошкент, 1997. 30 август.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Маърифат. - Тошкент, 1998. 1 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни (2015. 04.09). Халқ сўзи. –Тошкент, 2015. 5 сентябр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (2017. 3 июн). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами № 23. -Тошкент, 2017. 12 июн.
5. Исмоилов Т.У. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг педагогик хусусиятлари. Дис. ... пед.фан.ном. -Тошкент: 2010. -157 б.
6. Лебедева Н. Т. Основы гигиенического нормирования общей двигательной активности младших школьников. Автореф. дисс. …д-ра мед. наук. -Минск: 1973. - 42 с.
7. Усмонхўжаев Т. С. Мактабда жисмоний тарбия дарслари. //Фан спортга. - Тошкент. 1998. -№ 1. -Б. 42-44.

## OLIY HARBIY BILIM YURTLARIDA "ELEKTROTEXNIKA VA ELEKTRONIKA ASOSLARI" FANINI O'QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI

Ramonova Sadoqat Komilovna-Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti "Tabiiy-ilmiy fanlar" kafedrasi katta o'qituvchisi

***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada oliy harbiy bilim yurtlarida o'quv jarayonlarini axborot texnologiyalari asosida takomillashtirish masalalari keltirilgan. Shuningdek, maqolada zamonaviy o'qitish texnologiyalari, elektron dasturlar va ulardan samarali foydalanish usullari keltirib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *Logisim dasturi, Multisim dasturi, o'zgarmas elektr zanjiri, Kirxgof konunlari, kontur toklari usuli , tugun potensiallar usuli.*

## ЗНАЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ ОСНОВАМ ЭЛЕКТРОТЕХНИКИ И ОСНОВЫ ЭЛЕКТРОНИКИ В ВЫСШИХ ВОЕННЫХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Рамонова Садокат Комиловна- старший преподаватель кафедры «Естественных-научных дисциплин» Чирчикское высшее танковое командно-инженерное училище

***Аннотация:*** *В данной статье автор затрагивает проблему усовершенствования учебного процесса в военных учебных заведениях на основе информационных технологий. Там же приводятся современные методы обучения, электронные программы, а также эффективное использование этих методов.*

***Ключевые слова:*** *программа Logisim, программа NI Multisim, постоянная электрическая цепь, законы Кирхгофа, методы контурного тока, метод потенциального узла.*

## THE IMPORTANCE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN TEACHING THE BASICS OF ELECTRICAL ENGINEERING AND THE BASICS OF ELECTRONICS IN HIGHER MILITARY EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Ramonova Sadoqat Komilovna- senior Lecturer at the Department of Natural Sciences of the Chirchik Higher Tank Command and Engineering School

***Annotation:*** *In this article author retells about developing educational processes with are help of IT. at the Military schools. Likewise, it contains modern teaching technologies, electron programmes and effectively using them.*

***Key words****: Logisim programme, NI Multisim programme, sustainable electr chain, the rules of Kirchhoff, methods of contur electric current, method of potential nodes.*

“”Agar mendan sizni nima qiynaydi?” deb so‘rasangiz, farzandlarimizning ta’lim va tarbiyasi deb javob beraman” degan edilar muxtaram prezidentimiz
Shavkat Mirziyoyev[1].

Shubhasiz, albatta bu so‘zlar zamirida juda katta teran ma’no yotibdi. Yoshlarimiz, qolaversa vatan himoyachilari bo‘lmish harbiylarimizning bilim salohiyatini, ma’naviyatini oshirishda ularning kursantlik davridagi bilimlarini mukammallashtirish juda zarur deb o‘ylayman. Bu borada biz pedagoglardan ta’lim jarayoniga horijiy ta’lim texnologiyalarini olib kirishdek vazifani qo‘yadi.

Ma’lumki, o‘qitish usullarining bitmas–tuganmas xazinasi mavjud. Bu usullar har xil o‘quv samarasi va muayyan o‘quv sharoitida o‘quvchilarning bilish faoliyatining har xil darajasi ta’minlashi mumkin. Shu bois, har bir fan o‘qituvchisi o‘z fanining xususiyati va mavzuning mazmunidan kelib chiqib, maqbul ta’lim texnologiyalaridan samarali natijalar berishi mumkin bo‘lganlarini tanlashi va aniq o‘quv maqsadlari asosida dars mashg‘ulotini loyihalashi eng birinchi vazifalardan ekanligini har birimiz chuqur anglab turibmiz.

Zamonaviy o‘qitish texnologiyalari – majmuaviy interaktiv tizimlar bo‘lib, ular o‘z ichiga ta’lim maqsadlari bilan belgilangan kasbiy ko‘nikma hamda bilimlarni o‘zlashtirishga yo‘naltirilgan operatsiya va harakatlarning tartiblashtirilgan to‘plami tushuniladi.

Ta’limni axborotlashtirishda, bo‘lajak kadrlarning axborot va kommunikatsion texnologiyalarni o‘zlashtirishlari bilan bir qatorda, aniq fan sohasida kadrlar tayyorlashni

axborot va kommunikatsion texnologiyalari vositalari yordamida jadallashtirish lozim.
Chirchiq oliy tank qo‘mondonlik-muhandislik bilim yurtida Tabiiy-ilmiy fanlar kafedrasida “Elektrotexnika va elektronika asoslari” fani o‘qitiladi. Fanni o‘qitishda ham shu dasturlardan foydalanib kursantlar uchun elektron o‘quv adabiyotlar, ma’ruzalar matni, dastur bo‘yicha prezintatsiyalar, animatsion sxemalar yaratildi.
Shu nuqtai nazardan “Elektrotexnika va elektronika asoslari” fani bo‘yicha nazariy va amaliy darslarni tashkil etish jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalar va interfaol usullardan foydalanish o‘rganilayotgan mavzuning yanada keng qamrovli tushinib olishiga, bilim, ko‘nikma va malakalarning mustahkamlanishiga olib keladi.
Shuningdek, Logisim, NI Multisim dasturlari yordamida virtual o‘quv laboratoriyasi tashkil etilgan. Ushbu dasturlar ichida eng mukammali bu Multisim dasturidir. Ushbu dasturda kursant laboratoriya va amaliy mashg‘ulotlarni bajarishda masalan, ixtiyoriy mantiqiy sxemani yig‘ishda turli xil elementlardan foydalana olish imkoniyatiga ega bo‘libgina qolmasdan hamda yasalgan qurilmani ishlashini kuzatish imkoniga ham ega bo‘ladi[3]. Bunday mashg‘ulotlarning elektron ko‘rinishi quyidagilarga imkon beradi:
– kursantlarning o‘quv ishlarida faolliklari va mustaqilliklarini oshiradi;
– o‘quv materialining multimedia ko‘rinishidaligi bilan uni qabul qilishni osonlashtiradi;
– har bir talabaning materialni o‘zlashtirishi bo‘yicha to‘liq nazoratni ta’minlaydi;
– talabalar o‘quv faniga doir materiallar bilan mustaqil ishlashga, izlanishga, o‘qitishning samarali shakl va uslublaridan ijodiy foydalanishga odatlanib boradi.
Quyidagi barcha mutaxasisliklar uchun “Elektrotexnika va elektronika asoslari” fanidan aniq bir mavzu asosida amaliy dars mashg‘ulotini innovatsion usullar yordamida o‘tkazish texnologiyasini hamda olingan natijani multisim dasturi yordamida tekshirishni tavsiya qilamiz.

Amaliy mashg‘ulot dars mavzusi: O‘zgarmas elektr zanjirlarini hisoblash.

1. Kirish qismi.(20-daqiqa).

Guruh komandiri bildiruvi, salomlashish, yo‘qlama, yangiliklar. Kursant fikrini darsga jalb etish. Bu bosqich mashg‘ulotga tayyorgarligi, guruhning ruxiyati, tajriba o‘tkazish uchun kerak bo‘ladigan o‘quv vositalarning etarligini nazorat qilinadi.
Kirish qismida amaliy topshiriqlarni bajarishda kerak bo‘ladigan nazariy ma’lumotlar takrorlab olishi kerak. Buning uchun “Eng so‘ngi fikr” o‘yinli texnologiyasidan foydalanishni tavsiya etamiz. Kursantlar bunda ixtiyoriy ravishda mavzuga tegishli mulohazalarni, to‘g‘riroqi avval o‘zlashtirilgan bilimlarni namoyon qila boshlaydilar. Mazkur o‘yinning afzalliklari quyidagilarda namoyon bo‘ladi:
- shaxsiy fikrlar mavzuga tegishli bo‘lganligi uchun kursant, albatta, mavzuni o‘zlashtirishga harakat qiladi;
- eng so‘ngi fikrni aytish uchun kursantlarning ko‘pgina bilimlar bazasiga ega bo‘lishi talab qilinadi;
- ma’lumotlarning kursantlar tomonidan e’tirof etilayotgani beixtiyor mavzuni mustahkamlaydi, “to‘g‘ri fikr qabul qilindi” tasdig‘ining o‘qituvchi tomonidn berilishi bir tomondan bildirilgan fikrni ishonchli va to‘g‘ri ekanligini anglatsa, ikkinchi tomondan bu ma’lumotga ega kursantni yangi bilimlar bilan beixtiyor boyitadi.

- kursant o‘z fikrini ximoya qilish extiyoji tug‘ilib, o‘zining imkoniyatlariga bo‘lgan ishonchi ortadi, so‘nggi fikrini aytishga bo‘lgan umid xar safar “yangi-yangi” kursantlarning bu bahsga qo‘shilishi natijasida faol kursantlar soni ortishiga olib keladi.
- barcha zarur axborotlar takrorlanib, kursantlar mashg‘ulotini o‘tkazishga tayyor, ishchi xolatda bo‘ladilar, nihoyat, hamma talabalarda, xatto o‘ta passiv kursanlarda ham bilishga bo‘lgan moyillik, xoxish uyg‘onadi.

Mazkur texnologiyani nafaqat takrorlash bosqichida balki, ma’ruza mashg‘ulotlarining mustaxkamlash bosqichida xam qo‘llash yaxshi samaralar berishi mumkin[2].

2.Asosiy qism (60 daqiqa)

Bu bosqichda asosiy e’tibor bevosita olingan nazariy bilimlar asosida amaliy ko‘nikmalarni xosil qilishga qaratiladi. Xususan, biz o‘rganayotgan dars mashg‘ulotida elektr zanjirlarini hisoblash usullariga mos ekvivalent sxemalar ishlab chiqiladi hamda ularga mos Kirxgof konunlari bo‘yicha tenglamalari tuzish kursantlarga topshiriladi, tuzilgan tenglama ishonchliligi tekshiriladi[4]. Topshiriqni musobaqa tarzida bajartirish maqsadga muvofiqdir. Musobaqa usulini quyidagi stsenariy asosida qo‘llash mumkin

*1-bosqich*. Dastlab, guruh 3 ga bo‘linadi. Har bir guruhga alohida topshiriq, aniqrog‘i tekshirilayotgan sxemani hisoblash uchun tenglamalar tuzish topshiriladi.

1-guruh uchun: Kirxgof qonunlari bo‘yicha tenglamalar tuzish usuli;

2-guruh uchun: Kontur toklari usuli bo‘yicha tenglama tuzish;

3- guruh uchun: Tugun potentsiallar usuli bo‘yicha tenglamalar.


Bunda xar bir guruh jamoasi maslahatlashib, o‘zlariga ajratilgan tarkibiy xisoblash usuli bilan masalani ishlab chiqadilar.

*2-bosqich*. Xar bir guruh o‘zi ishlab chiqqan tenglama asosida quvvatlar balansini tekshirishni boshlaydi. Xar bir guruh a’zosi ishlab chiqilgan tenglama doskadagi o‘zlari uchun ajratilgan maydonga yoza boshlaydilar. Xar bir maydonda komanda a’zolari tuzgan tenglama hosil bo‘ladi. Topilgan qiymatlar guruxning bitta a’zosi tomonidan multisim dasturida yig‘iladi va guruhning aniqlagan qiymatiga mosligi tekshiriladi.

Kimning maydonida quvvatlar balansi eng to‘g‘ri, mantiqiy va sintaktik xatolarsiz, ishonchli tenglama tuzilgan bo‘lsa shu komanda a’zolari rag‘batlantiriladi.

Usulni qo‘llashdan kutiladigan samaralar:

- xar bir guruh o‘zi uchun belgilangan topshiriqni birgalikda bajarganligi uchun jamoa bo‘lib ishlash, o‘zaro hayrixohlik va hamfikrlik tuyg‘ulari kamol topadi;
- guruhni ortga tortmaslik xar bir kursantdan iloji boricha ko‘proq bilimlarga ega bo‘lishni talab etsa, guruhning faol ishtirokchisiga aylanishga bo‘lgan intilish ularni o‘z ustida ko‘proq mustaqil ishlashlarini taqozo etadi.
- dasturdan foydalanish esa, tok yo‘nalishini to‘g‘ri tanlay olish, ya’ni tokning qiymati manfiy chiqqan holatlarda tok yo‘nalishini o‘zgartirish imkoniyatini beradi.




Rasm-1. O‘zgarmas tok zanjirini NI Multisim dasturida yig‘ilgan sxemasi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, hozirgi kunda innovatsion texnologiyalar, axborot texnologiyalari o‘qitishning asosiy vositalari bo‘lib xizmat qilmoqda. Ushbu logik dasturlar fanga doir elementlarni, qurilmalarni, sxemalarni chet el standartlariga mos xolda o‘rganish imkoniyatini beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Sh. Mirziyoyevning hikmatli so‘zlari.
2. Буланова -Топоркова М.В., Духавнева А.В., Кукушкин М.Ы. и др. Педагогические технологие учебное пособие,-М.:2004.-336 стр.
3. Multisim User Guide. National Instruments, 2007 y.
4. Бакалов В.П., Журавлева О.Б., Крук Б.И. Основы анализа цепей: Учебное пособие для вузов. –М.:2007.-40 стр.

## БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Хайитова Шахноза Данияровна
Самарқанд ветернария медицинаси
институти “Гуманитар фанлар, жисмоний
тарбия ва спорт” кафедраси ўқитувчиси
shahnoza@bk.ru

***Аннотаци:*** *Ушбу мақолада талабаларни мустақил таълим олишининг мазмуни, ташкил этиш усуллари, унинг турлари, мустақил таълимнинг мақсад ҳамда вазифалари ёритилган. Шунингдек, мустақил таълим фаолияти даражаларини ва мезонлари, мустақил таълимнинг амалга ошириш босқичлари, мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш йўллари, талабаларнинг мустақил таълим олиш кўрсаткичлари очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим, эврестик, даража, мезон, билим, кўникма, малака, компетенция, мустақил таълим, мустақил иш, таълим олиш кўрсаткичлари.*

# АКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБРАЗОВАНИЯ СОМАСТОЯТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У БУДУЩИХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ПЕДАГОГОВ

Хайитова Шахноза Данияровна
Самаркандский ветеринаринский медецинский
институт преподаватель кафедры
“Гуманитарные предметы, физичекое
воспитание и спорт”
shahnoza@bk.ru

***Аннотация:*** *Содержание, способы организации самостоятельного обучения студентов, виды и цели самостоятельного обучения описаны в этой статье. Также сообщается, что уровни и критерии самостоятельной учебной деятельности, этапы реализации самостоятельного обучения, способы развития навыки и умение работать самостоятельно, а также степень самостоятельного обучения студентов.*

***Ключевые слова****: образование, креатив, степень, критерии, знания, умения, компетенции, самостоятельное образование, самостоятельная работа, степени образования.*

# ACTIVE METHODS OF EDUCATION OF JUSTICE ACTIVITIES IN FUTURE PROFESSIONAL TEACHERS

Khaitova Shakhnoza Daniyarovna
Samarkand Veterinary Medical
Institute lecturer of the department
“Humanities, physical
education and sport ”
shahnoza@bk.ru

***Annotation:*** *The content, ways of organizing students’ independent learning, the types and objectives of independent learning are described in this article.It also reports that the levels and criteria of independent learning activities, the stages of the implementation of independent learning, the ways of developing the skills and competence of working independently,as well as the degrees of students’ independent learning.*

***Key words:*** *education ,creative, degree, criteria, knowledge, skills, competence, independent education, independent work, degrees of education.*

Мамлакатимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, яъни қабул қилинган қонун ва фармойишлар жамиятимиз равнақига ижобий таъсир қилиши шубҳасиздир. Улар мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, давлат таълим стандарти талабларига жавоб бера оладиган, етук, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади.

Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида ўз касбий билим, кўникма ва малакаларини ошириш устида шуғулланмасликлари, кутубхоналарда мустақил

таълим олиш учун керакли адабиётларнинг етишмаслиги, ахборот технологияларидан унумли фойдалана олмасликлари муаммонинг долзарблигини кўрсатади. Ушбу муаммони ижобий ҳал қилиш учун талабаларнинг мустақил таълим олишини изчил тизимга келтириш керак.

Мустақил таълим олишни ташкил этиш учун нафақат муайян касбга ёки фаолият соҳасига қизиқиш, балки ушбу фаолият турига лаёқатнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади.

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқлиги сабабли унга берилган таърифни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: "Мустақил фикрлаш - инсоннинг ўз олдида турган муаммоларни мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир"[4].

Ёшларда мустақил иш бажариш кўникмаларини шакллантиришни турли ўқув предметларини ўқитишда амалга ошириш мумкин. Масалан, математик олимлар С.И.Демидова ва Л.О.Денишевалар мустақил таълимга қуйидагича таъриф берганлар:

"Ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан мустақил иш мазмуни, мустақил ишлашни фаол ташкил этишга, уларни олдига қуйилган дидактик мақсадларни бажаришга йўналтирилган ва шунга махсус ажратилган вақт тушунилади. Билимларни қидириш, уларни англаб етиш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш билимларини умумлаштириш, тизимлаштириш жараёни тушунилади" [1].

«Мустақил таълим» тушунчаси педагогик луғатларда ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда «мустақил таълим олиш», «ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга қуйидагича таъриф берилди: ***мустақил таълим*** – *ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.*

Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Аммо энг асосийси, талабаларнинг мустақил равишда таълим олиш фаолиятини ташкил этишда уларнинг интилиш ва қизиқишларига эътибор қаратиш зарур. Талабаларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишини, улар ижтимоий фойдали, тарғибот–ташвиқот ишларида иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ [3].

Мустақил билим олиш назариясига мувофиқ педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни ишлаб чиқиш қоидалари қуйидагилардан иборат:

- педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишлар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиши керак;

- мустақил ишлар асосини ташкил этувчи муаммони ҳал этишнинг турли усуллар (таҳлил, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш ва бошқалар) ёрдамида амалга ошириш;

- тушунчаларни таққослашда субъект фикрлашнинг турли: таҳлил, синтез, солиштириш, таққослаш, техник объектлар орасидаги умумийлик, типиклик ва хусусийликни топиш амалларини бажаради;

- муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришда субъект қуйидаги амалларни бажаради;

- тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан қайта ишлаб чиқади;

- тушунчалар шаклини ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;

- илгари ўзлаштирилган тушунчаларни расмий-мантиқий фикрлаш усулларидан фойдаланиб, қайта ўзгартиради;

- назарий фикрлаш асосида янги тушунчаларни шакллантиради [2].

Талабалар педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишлар ёрдамида педагогик ҳодисалар, техник объектлар, технологик жараёнлар ўртасидаги турли хусусият ва боғлиқликларини аниқлайдилар (таҳлил ва умумлаштириш кўринишидаги ҳаракатларни амалга оширадилар), уларни ўзаро солиштирадилар, таққослайдилар, бу ҳодиса, жараён ва объектларнинг умумийлиги ҳамда ўзига хос муҳим хусусиятларини кўрсатадилар. Мураккаб топшириқларни бажариш баъзи талабаларга педагогик-психологик ва техник-технологик тушунчаларини илмий даражада дарҳол ўзлаштириш имконини беради [2].

*Мустақил таълим фаолиятининг биринчи босқичида* фанларга бўлган қизиқиш асосий манба бўлади. Бироқ бу қизиқиш етарли даражада қатъий ва чуқур бўлмайди. Бунда ҳам мақсадга йўналтирилган, тизимли, махсус ташкилий, мустақил таълим фаолияти мавжуд эмас.

*Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичида* талабалар мустақил (албатта, нисбатан) ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб, мустақил фаолият мазмунини англаб, ташкилий ишларни амалга ошириб борадилар. Бу даврда талабалар шахсий – ҳаётий режалар, ғояларни амалга ошириш воситаси сифатида касбий вазифаларни ҳал этадилар. Иккинчи босқичда уларнинг мустақил фаолият қизиқишлари жиддийлашади, фаннинг алоҳида қисмини ўрганиш, бу орқали ўз ҳаётий режаларини тузиш, бирор касбни эгаллашга бўлган қатъий истак асосий ўрин тутади.

*Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичида* талабалар мустақил таълим билан бир неча йил шуғулланиб, ўз касбий мақсадлари, фаолияти йўналишларини вазифаларини аниқ белгилаш малакасига эга бўладилар.


Мустақил билим олиш даражасини баҳолаш ўз-ўзини баҳолаш ва ўқитувчи томонидан баҳолаш асосида қиёсланади.

Талабаларни мустақил ишга тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли айниқса катта бўлади. Ўқитувчи мустақил иш мавзусини талабанинг имкониятига, билим даражасига мослаб, унда шу ишга нисбатан қизиқиш уйғотадиган ва мустақил фикр юритишга мажбур қиладиган қилиб белгилаши лозим. Бугунги кунда аудиториядан

ташқарида бажариладиган мустақил ишлар қуйидаги усулларда олиб бориш мумкин:

- маъруза, амалий машғулотлар, семинар ва лабораторияларга тайёргарлик;
- ўқув режадаги фанларнинг маъруза машғулотларида ўрганилмайдиган мавзуларини мустақил ўрганиш;
- интернетдан керакли маълумотларни излаб топиш;
- курс ишлари, курс лойиҳалари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларни тайёрлаш;
- ахборот-ресурс маркази каталоги орқали мустақил равишда адабиётларни излаш;
- ўқув аудиоёзувларини эшитиш, видеоматериалларни кўриш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларни ўрганиш;
- назорат ишларини бажариш;
- мавзулар бўйича докладлар, рефератлар ва эсселар ёзиш;
- семинар ва конференцияларда маъруза қилишга тайёргарлик қилиш;
- амалий машғулотларда берилган масала ва мисолларни ечиш;
- ўтган амалиёт бўйича ҳисоботлар, талабалар конференцияларига илмий докладлар тайёрлаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларни бажариш;
- жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш;
- монографияларни конспектлаш [5].

Илмий педагогик адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги тўртта тури қайд этиб ўтилади: намуналар бўйича бажариладиган мустақил ишлар, реконструктив-вариатив, эвристик (қисман ижодий), ижодий тадқиқот характеридаги мустақил ишлар. Аммо уларда юқорида қайд этилган мустақил ишлар натижасини текшириб кўриш, таҳлил этиш, синтез қилиш, баҳолаш, хулоса чиқариш ҳақида сўз юритилмайди. Бизнингча, мустақил ижодий тадқиқот натижаларини таҳлил этиш ва синтез қилиш ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга (1-расм).




Биз тадқиқот жараёнида ижодий тадқиқот характеридаги мустақил ишлар натижаларини таҳлил этиш ва синтез қилиш асосида умумлаштиришни ҳам мустақил иш тури сифатида қараб ўтдик.

Уларни шартли равишда қуйидаги номлар билан аташ мумкин:

1. Ўқув материалларини ўрганишда ва мустақил иш жараёнини ташкил этишда умумийдан типикликни ва хусусийликни ажратиб олиш малакаси (ажрата олиш малака).

2. Мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, амалий бажариш, техник чизмалар, схемалар тузиш малакаси (тузиш малакаси).

3. Аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўқув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил этиш малакаси (ташкил этиш малакаси).

4. Мустақил фикрлаш малакаси (фикрлаш малакаси).

5. Материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси (назорат қилиш малакаси).

1-жадвалда талабаларнинг мустақил фаолият олиб бориш малака ва кўникмаларини эгаллаш кўрсаткичлари келтирилган.

1- жадвал

**Талабаларнинг мустақил таълим олиш кўрсаткичлари**

| | **Мустақил таълим олиш малакалари** | **Мустақил таълим олиш кўрсаткичлари** |
|---|---|---|
| 1 | Ўқув материалларини ўрганишда ва мустақил ишни ташкил этишда умумийдан типикликни ва хусусийликни ажратиб олиш малакаси | Ўқув материалининг асосий мазмунидан муҳим хусусиятларини самарали ва тез ажратиб олиш. Технологик жараёнлар ва техник обьектларни танлашда ўз билими, малакасига ва ўқитувчи ёрдамига суяниш |
| 2 | Мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, ўқиш, ёзиш, чизиш, схемалар тузиш малакаси | Технологик жараёнларни илмий нуқтаи назардан яхши илғай олади, техник обьектларни танлашда, ўқиш, ёзиш, меҳнат операцияларини бажаришда ишлаш сурати юқори, иш бажариши жараёнида мустақил равишда танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятига эга . |
| 3 | Аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўқув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил | Техник топшириқлар учун вақтни тўғри тақсимлайди, ўқув қуролларнидан тўғри фойдаланади, ўқув топшириқларини бажаришга жадал ва фаол киришади, керакли асбоб анжомларни ва технологик жараёнларни ўз салоҳиятига мос ҳолда танлайди |

| | | |
|---|---|---|
| | этиш малакаси | |
| 4 | Мустақил фикрлаш малакаси | Техник масалани ҳал этиш йўлларини ўзи мустақил, ижодий ҳолда топишни билади, амалий фаолият жараёнида, масалани ечишда мустақил элементларни ва усулларни киритади, ўзига хос фикрлайдиган, топшириқлар ҳамда машқларни бажаришда ихтирочилик ва ижодкорлик элементларини, амалий иш бажаришда мақбул усулларни мустақил танлайди |
| 5 | Материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси | Ўқув ишларида ўз-ўзини назорат қилиш, мустақил ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун ўзини қўшимча саволлар ва мустақил ишлаш топшириқлари ёрдамида текширади, амалий бажарилган ишларнинг сифат даражасини таҳлил қилинади, йўл қўйилган хатолар устида мустақил ҳолда изланишлар олиб боради, тузатишлар натижасида янгича усулларни ўрганади |

Ушбу жадвалда мустақил таълим олиш даражаларига эришишда талабалар томонидан қандай кўрсатгичларга эга бўлишлари лозимлиги келтириб ўтилган.

Талабаларга ўқув фанларини ўқитиш жараёнида назарий хулоса ва умумлаштиришга таянадиган назарий-амалий фикрлашни мустақил таълимнинг мазмуни, хусусиятлари ва малака даражаларини аниқлаш мезонлари ҳамда уни ривожлантириш зарурлиги, яъни муаммо мақсади ва вазифасини мустақил ифода этиш, мустақил равишда фаразни яратиш, фан бўйича мустақил ишлаш методикасини ишлаб чиқиш, муаммонинг асосий ва хусусий босқичларини аниқлаш лозимлиги эътиборга олинган. Шунингдек, ишлаб чиқилган методика ва режага мос хусусий муаммоларни, муаммонинг ечими асосида олинган натижалар ва чиқарилган хулосаларнинг назарий ва амалий характерга эга эканлигини тақозо қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Демидова С. И., Денищева Л.О. Самостоятельная деятельность учащихся при обучении математике. – М.: Просвещение, 1985 г.- 189 с.
2. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.
3. Халилов Н. Мустақил таълим шакллари. // Халқ таълими. – Тошкент, 2002.- № 5.- Б. 88 – 89.
4. Ҳусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Дис. … пед.фан.док. –Тошкент: ЎзПФИТИ, 2004. – 261 б.

5. Хусаинов Р.Р. Олий таълимда фанларни ўқитиш сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли. // Замонавий таълим. – 2016. №4. 25-32 б.

## TA'LIM SOHASIDA INTEGRATIV YONDASHUVNING O'RNI VA ROLI.

Tursunboeva Muxlisa Anvar qizi, Farg'ona politexnika institute

***Annotatsiya:****Ushbu maqolada O'zbekistonda integrativ yondashuv va uning ta'lim sohasidagi o'rni va ahamiyatiga tasnif berilgan. Shuningdek, bu yondashuvdan foydalanish natijasida erishish mumkin bo'lgan yutuqlarga ham to'xtalib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *integratsiya, integrative dars, kompetensiya, kompetentiv yondashuv, dialektika, motivatsiya*

## РОЛЕ И МЕСТО ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ

***Аннотация:****Статья посвящена интегративному подходу и его роли и значительностью в сфере обучении в Узбекистане. Кроме этого, здесь рассматривается перспективы ее применения в сфере среднего и высшего профессионального образования.*

***Ключевые слова:*** *интеграция, интеграционный урок,компетенция, компетентный подход, диалектика, мотивация*

## THE ROLE AND PLACE OF INTEGRATIVE APPROACH IN EDUCATIONAL SYSTEM

***Annotation:*** *The article is devoted to the integrative approach and its role, importance in the field of education in Uzbekistan. Besides, the possible perspectives achieved by using an integrative approach in all kinds of education system has been also taken into consideration.*

***Key words:*** *integration, an integrative lesson, an integrative approach, dialectics, motivation.*

O'zbekiston Respublikasi mustaqilligini qo'lga kiritgandan buyon ta'lim sohasida yildan yilga o'quvchi va talabalarning bilim va kasbiy salohiyatlarini rivojlantirish maqsadida bir qator islohotlar ishlab chiqilmoqda.

Bu islohotlardan ko'zlanayotgan asosiy maqsad esa xalq ta'limi va oliy ta'lim muassasalarida o'tilayotgan darslarning sifatini oshirish va kelajakda yetuk mutaxassislar yetishtirib chiqarishdir.

Ta'lim jarayoninig samaradorligi uning qanday yondashuvlardan foydalanilayotgani bilan ham uzviy bog'liq. Ushbu sohada yondashuvlarning bir qancha turi mavjud:

- Tadqiqot yondashuvi;
- Shaxsga yo'naltirilgan yondashuv;
- Kommunikativ yondashuv;
- Kompetentiv yondashuv;

- Integrativ yondashuv va h.k

Yuqoridagi zamon talablariga mos keladigan yondashuvlarni o'rganish, ularni ta'lim sohasida uzluksiz qo'llab borish, o'quvchi yoshlarni ulardan xabardor qilish har bir ta'lim beruvchining asosiy vazifalaridan biridir. Qayd etib o'tilgan yondashuvlarning har birining o'z o'rni va mohiyati bor va ular maktablar bilan bir qatorda oliy ta'lim muassasalarida ham keng qo'llanilib kelinmoqda. Ushbu pedagogik yondashuvlar orasida integrativ yondashuvning ham ahamiyati juda katta.

Integrativ yondashuvga kengroq to'xtalib o'tishdan oldin integratsiya so'ziga aniqlik kiritib olish maqsadga muvofiqdir. Integratsiya so'zi lotin tilidan kelib chiqqan bo'lib, "integer" – "butun" yohud "bir butunlikning yaratilish jarayoni" degan ma'noni anglatadi. Integratsiya zamonaviy tizimli fikrlashning umumiy metodologiyasi, universal mantiqiy texnikasi tufayli turli xil tizimlardan olingan ilmiy bilimlarning mosligini ta'minlaydi.[1]

Integrativ yondashuvga shaxsining rivojlanishi va o'zini dunyoga yaxlit qarashni shakllantirish uchun ma'lum bir ta'lim tizimidagi tarkibiy qismlar o'rtasida aloqalarni o'rnatish jarayoni deb ham izoh beriladi. Integrativ yondashuv boshqa ta'lim yondashuvlardan eksperimental timsolning kengligi, ijodiy dizaynning chuqurligi, tarixiy rivojlanishning davomiyligi va dialektikasi bo'yicha o'ziga xos ustunligi bilan ajralib turadi.

Ta'lim sohasida "integratsiya" atamasi o'tgan asrning 80 chi va 90 chi yillarda kirib kelgan bo'lib, unga qadar "fanlararo aloqa" tushunchasi qo'llanilgan[1]. Shundan so'ng uning muammolari ikki yo'nalishda ishlab chiqilgan:

1) Fan va ma'daniyat rivoji bu integratsion tendensiyaning aksi bo'lib, bu o'quvchi dunyoqarashini oshirishga asos bo'ladi;
2) Ta'lim inson faoliyatining yahlit sohasi sifatida, uning mavzusi ta'lim tizimida shaxsning kasbiy va shaxsiy shakllanishi hisoblanadi.

O'qitishda integrativ yondashuvning bir qancha asosiy g'oyalari mavjud:

- Ta'limning shaxsga yo'naltirilishi;
- Umumlashtirilgan fan tuzilmalarini va faoliyat usullarini shakllantirish;
- O'rganishda ma'no shakllantiruvchi motivlarning ustuvorligi;
- Tizimli ravishda o'qitish;
- O'qitishda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarni bartaraf etish;
- Integrativ jarayonlarda ko'zlanayotgan maqsadlarga erishish;
- O'zaro muloqotda bo'lish va fikrlar almashinuvi.

Integrativ ta'lim jarayonini bir nechta texnologiyalar orqali amalga oshirish mumkin:

- integratsiya;
- dizaynli texnologiya;
- global informatsion jamityatda ta'lim texnologiyasi;
- internet asosida yirik tizimli o'quv kurslarini amalga oshirish.

Yurtimizning deyarli barcha o'rta va oliy ta'lim maskanlarida har bir fanni o'qitishda, fanlarga oid darsliklar, o'quv qo'llanmalar, ishchi dasturlarni yaratishda integrativ yondashuvga bevosita murojaat qilinmoqda. Rossiyalik olim M.Pak tomonidan integrativ

yondashuv bir nechta funksiyalarga bo'linadi: o'quv va uslubiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi va konstruktiv [2].

Integrativ yondashuvni kengroq targ'ib qilish maqsadida hozirgi kunda integratsion darslardan ko'proq foydalanilmoqda. Bundan ko'zlangan maqsad , o'quvchilarning fanlarni o'rganishda har tomonlama bilimga ega bo'lishi hisoblanadi.

Integratison dars bu – bir tushuncha, mavzu va sohani o'rganish jarayonida bir vaqtning o'zida turli sohalarni o'zida jamlagan tarzda o'tiladigan asosiy dars turlaridan biridir.

Integrativ yondashuv vazifasi o'quv motivatsiyasini oshirish va ta'lim muassasalarida muvaffaqiyatli o'qish va o'qitish, o'quvchi, talabalarning kasbiy rag'batlantirishdir. Hozirgi kunda pedagoglar o'qitish tizimida integrativ yondashuvning nazariy asoslaridan kengroq foydalanmoqdalar. Shuning natijasida, maktabgacha ta'lim tizimidan oliy ta'lim tizimigacha bilim berishning har bir pog'onasida integrativ yondashuv asosida dars berish doirasida anchayin boy tajribaga ega bo'lingan.

O'quvchi his tuyg'ularini so'zlar orqali ifoda eta

Maktablarda bilim berish jarayonida integrativ yondashuvda fanlararo tizimga murojaat qilinadi. Misol uchun, biologiya va kimyo, fizika va matematika, fizika yoki informatika asoslari, ingliz tili va rus tili, tarix va adabiyot va h.k. Integrativ yondashuvni amalga oshirishda o'qitishning metodlari, umumiy tushunchalari, turkumlari, usullari va alohida mavzularning mundarijasi o'rtasida fanga bog'liqlik jihatidan kelib chiqqan holda foydalaniladi. Bu usul o'quvchini kasbiy yo'naltirishga, ijodiy intellektini o'stirishga, o'ziga bo'lgan ishonchini oshirishga yordam beradi. Shu bilan birgalikda integrativ yondashuv asosida bilim olgan o'quvchi keyinchalik oliy ta'lim hayotiga va uning belgilangan talablariga oson ko'nika oladi.

Biroq bir darsni hamma fanlarni yoki duch kelgan fanni qo'shgan holda olib borish ham bir muncha noto'g'ridir. Shuning uchun ma'lum bir darsni integrativ yondashuv asosida o'tish uchun bir nechta mavzu va fanlarni o'zaro bog'lovchi yetakchi g'oya bo'lishi maqsadga muvofiqdir.

Misol uchun darsini

tarix

tarix fani

Jahon miqyosida dunyo jarayonining makon-vaqt va sabab-oqibat munosabat-larini ochib beradi

adabiyot bilan bog'liqlikda o'tganda

O'quvchi bundan jamiyatning evolyutsion rivojlanish jarayonini o'rganadi

o'quvchi nimalarni o'zlashtira olishi mumkinligini quyidagi jadvalda ko'rish mumkin:

adabiyot

→

→

→

Jarayonni anglashga, holatni his qilishga, so'zlar bilan izohlashga, san'atning turli janrlarida va badiiy obrazlarda tasavvur qilishga yordam beradi.

→

oladi, umuminsoniy madaniyat rivojiga hissa qo'sha oladigan yetuk inson bo'lib yetishadi

Dars jarayonlarida integrativ yondashuvdan foydalanishning bir qator ijobiy tomonlari berib o'tildi. Ammo uning bir muncha ijobiy bo'lmagan taraflari ham mavjud. Bu yondashuvning salbiy jihatlari sifatida, o'qitishda integratsion usllardan kengorq foydalanish natijasida dars zichligining ortishi, berilgan mavzuda to'liq tafsilotlarining yetishmasligi yoki darsga tayyorgarlik uchun keragidan ortiq vaqtning sarflanishini misol sifatida keltirish mumkin.

Integrativ yondashuvdan foydalanishga qaratilgan talab oliy ta'lim muassasalarida ham anchayin yuqori hisoblanadi. OTMlarda undan foydalanish maktab metodidan biroz farq qilishi mumkin. U yerda bir nechta fanlarga bir vaqtning o'zida murojaat qilish bilan birga, pedagoglar, fan nomzodlari, professorlar bir-birlari bilan tajriba almasha olishlari va ulardan dars mashg'ulotlaridan foydalanishlari integrativ yondashuvning universalligidan darak beradi.

Integrativ yondashuvga o'quvchi va o'qituvchilarning motivatsion ruhini oshirish, o'qitish tizimini yahshilash sifatida ham qaraladi. Shu sababdan, ushbu yondashuvdan kelib chiqib kasbiy kompetensiya shakllantirish bo'yicha bir qator o'quv dasturlar, qo'llanmalar, darsliklar tuzilmoqda.

Yuqorida keltirilgan asoslar va o'rganishlardan kelib chiqib ushbu xulosalarga kelish mumkin;

Integrativ yondashuvdan foydalanish natijasida o'quvchi va talabaning intellektual salohiyatinni oshirish ehtimoli yuqori bo'ladi;

Shaxsning fikrlash doirasini kengaytirish, o'z-o'zini anglash uchun sharoit yaratiladi;

O'zaro hamkorlik qilish va shaxslararo munosabatlarni qurish qobiliyatlari rivojlanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

А.В. Ельцов "Интегративный подход как теоретическая основа осуществления школьного физического эксперимента". 12 bet. 2007 y.

M.Pak "Metodika prepodavaniya ximii PTCH" 115bet. 2015 y.

# ИККИНЧИ ТИЛНИ ЎРГАТИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲИССИЙ МУҲИТНИНГ АҲАМИЯТИ

Эргашева хилола юнусхановна
Наманган муҳандислик технология институти

***Аннотация***: *Ушбу мақолада кичик ёшдаги болаларнинг чет тили дарсларида ҳиссий муҳитнинг самарали аҳамияти ва дарс жараёнида тегишли ҳиссий шарт-шароитни ташкиллаштириш, машғулотда болаларда чет тилига бўлган жонли қизиқишни кучайтирадиган самарали ҳиссий рағбат воситаларидан фойдаланилишни хисобга олиш назарда тутилади.*

***Калит сўзлар***: *ҳиссий муҳит, чет тили ўқитиш, ҳиссий рағбат, салбий муносабат, ижобий ҳиссиётлар, оғзаки кўникма, сенсор эҳтиёж, ривожлантирувчи муҳит.*

# THE IMPORTANCE OF EMOTIONAL ENVIRONMENT IN EFFECTIVE ORGANIZING SECOND LANGUAGE LEARNING

Ergasheva xilola yunusxanovna
Namangan institute of engineering and technology

***Abstract:*** *This article considers the importance of emotional environment in young children's foreign language lessons and the organization of appropriate emotional conditions in the classroom, and the use of effective emotional stimulus to stimulate children's interest in foreign language.*

***Keywords***: *emotional environment, foreign language learning, emotional stimulus, negative attitude, positive emotions, verbal skills, sensory needs, developmental environment*

# ЗНАЧЕНИЕ ЭМОЦИОНАЛЬНОЙ СРЕДЫ В ЭФФЕКТИВНОМ ОРГАНИЗОВАНИИ ВТОРОГО ЯЗЫКОВОГО ОБУЧЕНИЯ

Эргашевой Хилолы Юнусхановна
Наманганский институт инженерных технологий

***Аннотация***: *В данной статье рассматривается важность эмоциональной среды на уроках иностранного языка детей младшего возраста и организация соответствующих эмоциональных условий в классе, а также использование эффективных эмоциональных стимулов для стимулирования интереса детей к иностранному языку.*

***Ключевые слова***: *эмоциональная среда, изучение иностранного языка, эмоциональный стимул, негативное отношение, позитивные эмоции, речевые навыки, сенсорные потребности, среда развития*

Болаларнинг чет тилини муваффақиятли ўзлаштириб олишлари нафақат объектив вазиятларга, балки субъектив шарт-шароитларга ҳам боғлиқдир. Буларнинг ичида тилнинг ўзига нисбатан ва уни эгаллаб олиш жараёнига нисбатан шахс сифатида ёндашув, тўғрироғи унга бўлган билиш истаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Агар таълим олаётган болаларнинг ўзлари ушбу жараёнга

бефарқ бўлсалар ва унда иштирок этишга интилмасалар, кўргазмали ўқув қуролларининг қанчалик тўлиқ ва мукаммаллигига, таълим жараёни қанчалик самарали методлар ва усуллар билан олиб борилаётганига қарамасдан, кутилган натижаларга эришиш муваффақиятсиз кечади. Тажрибада эса чет тилга ўргатиш жараёнида машғулотлар, фаолиятларнинг ҳиссиёт билан боғлиқ жиҳатларига кўпинча етарли даражада эътибор берилмайди ва бу болаларнинг зарур ўқув материалини ўзлаштирмасликларига олиб келади.

В.А.Сухомлинский ҳам ўз асарларида агар таълим жараёнида тегишли ҳиссий шарт-шароит мавжуд бўлмаса, машғулотда болаларда ўзга тилга бўлган жонли қизиқишни кучайтирадиган самарали ҳиссий рағбат воситаларидан фойдаланилмаса, энг яхши дарс услуби ҳам яхши натижа бермаслигини бир неча бор таъкидлаган.[6.53б]

Энг яхши тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳиссиёт омили фикрлаш жараёнига тааллуқлидир, у ахборотни ишлаб чиқиш жараёнларини назорат қилиш ва тартибга солиш учун зарурдир. Инсоннинг фикрлаши ўзининг алоҳида мотивлари ва эҳтиёжларига эга.

Ақлий ҳиссиётлар инсон руҳиятидаги фикрлаш ва ҳиссиёт соҳаларининг амалда бир-бирига қўшилиб кетганлигининг ёрқин ифодасидир. Бунга ҳиссиётга қизиқувчанлик, ҳақиқатни яхши кўриш, кутиш, шубҳаланиш, ҳайрон қолиш, завқланиш, доно фикрга лол бўлиш, секин фикрлашдан ҳафсаласи пир бўлиш, тушунмаслик азоби ва ҳоказолар киради. Ақлий ҳиссиётлар “қучоғида” инсон ўзининг ақлий фаолиятини кузатиб боради ва фикрлаш жараёнининг айрим жиҳатларини тартибга солади.

Маълумки, одамга ўз она тилидан бошқа тилни (рус, ўзбек, инглиз ва бошқ.) ўргатишга одатда, бир неча йиллар кетади, лекин амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу борада эришилган натижалар жуда паст даражада. Нима учун шундай? Балки, одатдаги ўқув жараёнида фақат хотира ва нутқ марказлари ишлаши ва ҳиссиёт соҳасининг ишга туширилмаслиги учун шундайдир. Педагогнинг вазифаси ҳиссиётни қизиқарли ўйинга “қўшиб юбориш”дан иборат ва ана шунда натижа ҳайратланарли бўлади.

Ўзга тилга оид билимларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши учун улар нафақат тушунарли бўлиши, балки ўқувчилар томонидан ҳис қилиниши ҳам лозим. Болалар кўпинча бошидан кечирадиган ҳиссий “очлик” ушбу тилни ўрганишга нисбатан салбий муносабатни, қаршиликни, олинаётган ахборотни қабул қилмаслик истагини шакллантиради. Ижобий ҳиссиётлар эса аксинча, асаб тўқималарининг уйғонувчанлигини оширади ва руҳий жиҳатдан тартибга солишни яхшилайди, бу эса ўқув материалини нисбатан енгил ва мустақил қабул қилишга ёрдам беради.

Иккинчи тил машғулотларида ҳиссий муҳит яратилишига тўсқинлик килувчи сабаблар нималардан иборат?

Бундай сабаблардан бири шуки, болалар гуруҳи педагог томонидан яхлит бир бутунлик сифатида қабул қилинади ва унда барча болалар

ўқув материалини бир хил қабул қилмоқдалар, деган хато тасаввурни шакллантиради.

Педагог билан болалар ўртасида катта оралиқ масофа мавжуд бўлган ҳолатларда у имкон даражасида барча воситалар ёрдамида бу масофани қисқартиришга ҳаракат қилиши, ҳар бир боланинг ёнига бориши ва улар билан тушунарли тилда сўзлашиши лозим.

Таълим жараёнида болалар билан жонли ва узвий мулоқот жуда зарурдир. У нафақат тил воситалари ёрдамида, балки ёқимли табассум, илиқ назар, жалб қилувчи талаффуз ёрдамида ҳам амалга оширилиши лозим, дарс жараёнида зўрма-зўракилик ҳолатларининг олдини олишга интилиш зарур. Қачонки, педагог болаларни чуқур ҳурмат қилмас экан, ўртадаги сунъийликни олиб ташламас экан, болалар фақат бу машғулотнинг тезроқ тугашини орзу қилиб ўтирадилар.

Амалиётда ўқитувчилар кўпинча иккинчи тил машғулотларида мутлақ жимжитлик ва “темир” интизом ўрнатишга интиладилар.[5.26б] Бундай дарсларда одатда, ҳаммаси аниқ режалаштириб қўйилган, фақат бир нарса, яъни - жонли муҳит, ижодий жараён, билим олишга бўлган ҳақиқий интилиш йўқ. Ҳиссий кечинмаларсиз, педогог билан болалар ўртасидаги дўстона муносабатларсиз, қизиқишсиз таълимда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Янги ўқув материали нафақат тушунарли бўлганида, балки у чуқур ҳис қилинган тақдирдагина бола тўлақонли, мустаҳкам билим олди, дейиш мумкин. Моҳирона берилган янги билимлар болалар қалбида қувончли ҳаяжон ҳисларини уйғотиши лозим.

Баъзан ҳақли савол туғилади: нима учун замонавий техника воситалари, пухта ишлаб чиқилган таълим методикаси, ҳар хил самарали машқлар ўрин олган турли ўқув-методик қўлланмалар мавжудлиги шароитида биз чет тилини ўқитиш жараёнида ҳар доим ҳам яхши натижаларга эриша олмаймиз? Нима учун болалар бир ўқитувчининг машғулотида жон деб ўзга тилни ўрганишадию, бошқасининг дарсида тезроқ машғулот тугашини интиқлик билан кутишади? Бу ҳолатда дарсда ҳиссий муҳит яратилишининг сабабчиси педагогнинг ўзидир, зеро у нафақат машғулот мазмуни ҳақида, нафақат ўқув материалини болаларга етказиш шакли ҳақида, балки яхши кайфият яратиш ҳақида ҳам қайғуриши даркор.

Ўқитувчи белгиланган дарс режасини бажаришга интилиб, кўпинча ўрганилаётган материал болаларда қандай ҳислар уйғотаётганини, уларнинг ҳар бири ўқитувчининг сўзларига қандай шахсий муносабат билдираётганини унутиб қўяди.

Болаларни ҳаяжонланишга, ҳайрон қолишга ва ҳайратланишга мажбур қилган билимлар энг мустаҳкам билимлар ҳисобланади, шунинг учун ўқитувчи дарсларда шундай вазият яратиши керакки, токи бола, биринчидан, зарур материални ўзга тилда гапириб беришга мажбур бўлсин, ва, иккинчидан, у бу нарсани хоҳиш-истак билан ва ўз ташаббусига кўра қилсин.

Бошланғич таълим жараёнида кичик ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишда педагогга суҳбат, болалар билан сўзлашиш, топшириқ ва вазифалар бериш, ўқитувчи сўзларини ёд олиш, саёҳатлар, жисмоний машқлар, педагогнинг ўйинчоқ суратлар ҳақидаги ҳикояси, стол қўғирчоқ театрини намойиш этиш, эртак ва шеърларни саҳналаштириш, ўйинлар каби методик усуллардан фойдаланиб ривожлантирувчи мухитни ташкил этиш тавсия этилади.

**Чет тили ўқув хонаси**. Мактабгача ташкилотларда чет тилларини юқори даражада ўқитиш учун ёруғ, шинам, машғулотларни олиб бориш учун ишончли муҳитни яратиб бера оладиган ва болаларнинг соғлигига зиён етказмайдиган ўқув хоналарини ташкил этиш зарур. Энг асосийси кичик ёшдаги болаларда оғзаки кўникма ва билимлар ривожланмаган бўлиб, бу ўз навбатида уларда мураккаб мазмунга эга ибораларни туза олмасликларига, бир турдаги ибораларда сўзларни ўзгартира олмасликларига ва бошқаларга олиб келади. Шу сабабли, дарс жараёнини юқорида санаб ўтилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда ташкил этиш лозим. Ўқув гуруҳида болаларнинг камчиликларни ташкил этиши (турли ижтимоий гуруҳларда, хусусан жуфтликда, кичик гуруҳларда, катта гуруҳларда ва индивидуал ишлаш учун бир гуруҳда 8 тадан 12 тагача бола бўлиши тавсия этилади) ва талаб даражасидаги ўқув хонаси ҳар бир болани ўрганаётган чет тилида гапиришига ва ҳар бир боланинг эҳтиёжига кўра ўқитувчидан ёрдам олиш учун имконият яратилишига кафолат беради. [2.14б] Буларнинг барчаси эрта ёшда коммуникатив (мулоқот) эҳтиёжларни ва ибораларни чет тилида уйғунлаштириш имконини беради. Бу ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишда муайян методлар ва усуллардан фойдаланиш, бирон муассасанинг ўқув хонасини ҳудудларга бўлиш замонавий концепсиясига мувофиқ 3 та ҳудудга бўлиниши лозим: Ўқув (стол, стул, ИТС); Ўйин (гилам, ўйинчоқлар ва б.лар), мутоала ҳудуди (китоблар учун полкалар, гилам, ёстиқчалар ва б.) **Демак биз қуйидаги қоидаларни муҳим эканлигини унутмаслигимиз керак!**

- Бола дарс жараёнининг марказида бўлиши лозим!
- Ўқитувчи ҳар бир боланинг ўқишга бўлган жисмоний ва сенсор эҳтиёжларини билиши ва ҳисобга олиши уларнинг ҳиссий. ижтимоий ва ҳаракат компетенцияларини ривожлантириши керак.
- Таълимнинг мақсади, мавзулари, мазмуни ва шаклини шундай танлаш керакки, улар боланинг дунёси ва ҳаётий тажрибаси билан боғлиқ бўлиши керак. Боланинг кундалик ҳаётида аҳамиятга эга бўлиши ва бола улардан фойдаланиши керак.
- Бошланғич босқичда боланинг ривожланиш даражасига мувофиқ оғзаки нутқ диққат марказида туради (оғзаки ва тинглаб тушунилган нутқ).
- Ижро этишдан олдин ўзлаштириш, гапиришдан олдин тушуниш, ўқиш ва ёзишдан олдин нутқий билимларни ошириш лозим. бир вазифа ёки мавзудан мавзуга ўтиш жараёнида (фаолиятнинг ҳаракатли турлари билан пассив ҳаракатнинг уйғунлиги акс этган фаолият билан боғлаш лозим) бир методдан бошқасига мантиқий боғланган ҳолда ўтиш ва уларни уйғунлаштириш тавсия этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси . – Т.: Ўзбекистон,1992. – 48 б
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11. 12. 2012 йилдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 8-майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти”. Барча таълим босқичлари

битирувчиларининг чет тили бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон
5. Қурбонов Ш., ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси (“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулохазалар). –Т.: Шарқ, 1998.
6. Халилова Ш., Насиров А. ва б. Бошланғич синфларда чет тилини ўқитишни жадаллаштириш методикаларини яратиш ва жорий этиш. Лойиҳа, – Т., 2015
7. Халилова Ш.Т., Рўзметова М.Ш., Носиров А ва.б “Бошланғич синфларда чет тилини ўқитишнинг психологик асослари ва самарали технологиялари”. Тошкент 2015 й. OzPFITI nashriyoti. УЎК: 075.1 КБК: 74.268. 71. Ҳ-70.

## БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ 3-7 ЁШЛИ БОЛАЛАР ҚОМАТИДАГИ НУҚСОНЛАРЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Болтабоев Сайдулло Абдуллаевич
Наманган давлат университети
тиб. ф. н., спорт фаолияти кафедраси доценти
Рахманова Дилфуза Абдибаннаевна
Наманган давлат университети
2-босқич магистранти

***Аннотация.*** *Мақола бадиий гимнастика билан шугулланувчи 3-7 ёшли болалар тана тузилишининг хусусиятлари ва қоматидаги нуқсонларларини олдини олиш, ҳамда даволаш имкониятларига бағишланган.*

***Калит сўзлар****. Бадиий гимнастика, болалар тана тузилиши, қомат нуқсонлари, сколиоз, гимнастик машқлар комплекси.*

## ПРЕДЕЛЫ ПРОФИЛАКТИКИ ДЕФЕКТОВ ОСАНКИ ДЕТЕЙ 3-7 ЛЕТ ЗАНИМАЮЩИЕСЯ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ГИМНАСТИКОЙ

Болтабоев Сайдулло Абдуллаевич
Наманганский государственный университет
к.м.н. доцент кафедры спортивной деятельности
Рахманова Дилфуза Абдибаннаевна
Наманганский государственный университет
магистр 2-курса

***Аннотация.*** *Статья посвящена пределам профилактику и лечение дефектов осанки и особенностей строения организма детей 3-7 летного возраста занимающейся художественной гимнастикой.*

***Ключевые слова.*** *Художественная гимнастика, строение организма детей, дефекты осанки, сколиоз, комплекс гимнастические упражнение.*

# POSSIBILITIES OF OVERCOMING UNDER DEFECTS OF BODY STRUCTURES 3-7 YEAR CHILDREN WHO TRAIN WITH RYTMIC GYMNASTICS

Boltaboyev Saydullo Abdullayevich C.M. S., associate professor, department of sports Namangan State University
Rahmanova Dilfuza Abdibannayevna master's degree 2 year student of Namangan State University

**Abstract:** This article is devoted to possibilities of pretending defects in bodies and body structures who train with rhythmic gymnastics 3-7 year children.

**Key words:** rhythmic gymnastics, body structure, body defects, scoliosis, complex gymnastic exercises.

**Кириш.** Ҳозирги кунда юртимиз аҳолисини соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Республикамизда ҳар қандай соха вакиллари зиммасига соғлом авлодни тарбиялаш чора-тадбирлари юклатилган десак муболаға бўлмайди. Саломатлик инсоннинг энг катта бойлигидир. Саломатликка хилма-хил таърифлар берилган бўлиб, энг аввало фарзанд туғилгандан бошлаб кейинчалик уларни таълим муассасаларида кечадиган жараёнларда нафақат ота-оналарининг балки мураббий-ўқитувчиларининг ҳам ўрни каттадир. Мавзу шунинг учун ҳам долзарбдирки, хозирги кунда болаларни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашда шунингдек, юқори спорт натижаларига эришишда турли хилдаги соғломлаштирувчи тадбирларни олиб бориш, инсоннинг қадди-қомати бузилишларига ва уларни даволашга ижобий таъсир кўрсатувчи гимнастик машқлар орқали болаларда сколиоз асоратларини олдини олиш муҳимдир.

Шундай қилиб тадқиқот ишининг мақсади 3-7 ёшли болалар тана тузилишининг хусусиятлари ва қоматидаги нуқсонларларни ўрганиб, уларни олдини олиш, ҳамда даволаш имкониятларини излаб топиб, илмий асослашдан иборатдир.

**Материал ва услублар:** Мазкур тадқиқотнинг манбалари бўлиб: мавзу бўйича адабиётлар шарҳлари, ахборот воситалари маълумотлари ва услубий хужжатлардир. Мавзу бўйича тадқиқотлар жараёнида қуйидаги услублардан фойдаланилган: библиографик (адабиётлар) ва ретроспектив (тарихий манбалар) тахлили, назарий умумлаштириш ва таққослаш, тизимли ва комплекс ёндашиш усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот юзасидан ахборот манбалари тарихий ва замонавий маълумотларни таққослаш асосий усул бўлиб саналади

**Натижалар ва улар тахлили:** Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, юқори спорт натижаларига эришишга қаратилган гимнастикани ўғил болалар ва қиз болаларнинг замонавий тайёргарлик тизими қоидаси бўйича мактабгача таълим ёшиданоқ бошланадиган машғулотларни тизимлаштиришни назарда тутади.

Ёш гимнастикачиларни узоқ вақт кузатиш натижаларини шуни кўрсатдики тана тузилишининг хусусиятлари, қоматидаги нуқсонлар ва жисмоний

ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, хусусан, тана узунлиги ва оғирлиги башоратли эканлиги аниқланди. Ташқи аломатларнинг мавжудлиги яъни фенотиплар йиғиндиси 7 ёшданоқ спортчи тана тузилишини башорат қилиш учун имконият яратади.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, бошқа спорт турлари билан шуғулланувчи ёки умуман спорт билан шуғулланмайдиган тенгдош болалардан фарқли ўлароқ гимнастикачи ўғил болалар учун ретардация (ривожланишнинг секинлашиши), яъни жинсий етилиш 2-3 йилга орқада қолиш билан тавсифланар экан.

Ҳозирги пайтда антропология, педагогика ва педиатрияда 4-7 ёш биринчи болалар ёш даври сифатида кўрилади, 5-7 ёш болаларда эса "чўзилиш"нинг биринчи даври якунланади ва "тўлиш" даври бошланади. Тана узунлигининг ўсиши секинлашади ва вазн орта бошлайди. Суяк тизимларида жадал ривожланиш жараёнлари содир бўлади. Бу даврда скелетнинг, яъни 206 та суякларнинг деярли ҳар бири нафақат ўлчам ёки шакл жиҳатдан балки ички тузилиши бўйича ҳам мунтазам ўзгаришлар босқичида бўлади. Умуртқанинг шаклланиши тугайди. Лекин катта мактаб ёшигача умуртқа поғонаси айниқса, кўкрак сохасида ҳали унча мустаҳкам, барқарор бўлмайди.

Бизнинг фикримизча барча таълим муассасалари жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг умуртқа поғонасининг қийшайиши, хусусан сколиозга чалинган болаларни даволаш ва олдини олишга эътибор қаратишлари керак бўлади. Шу мақсадда сколиозни олдини олиш ва даволашда махсус машқлар дастурини ишлаб чиқишни, ҳамда ишлаб чиқилган дастур асосида сколиозни олдини олиш ва даволашда кенг қўллашни кўзда тутилади.

Сколиоз – умуртқа поғонасининг ён томонга қийшайиши. Сколиознинг прогрессив ривожланиш турларида консерватив даволаниш махсуслаштирилган стационарларда, мактаб интернатларда ўтказилади. Бундай мактаб-интернатларда даволаш гимнастикаси кун тартибида асосий ўрин эгаллайди: эрталабки гигиеник гимнастика коррекцияга қаратилган, ҳар бир дарсда жисмоний машқли танаффуслар, кейин даволаш гимнастикаси дарслари (кун ора 45 дақиқадан), колган кунлари сузиш, спорт ўйинларининг элементлари ва жисмоний тарбия дарсларида умумривожлантирувчи машқлар қўлланилади.

Сколиоз уч хил: чап томонлама, ўнг томонлама, S – симон бўлиб, умуртқа поғонасининг қийшайишига қараб 4 даражаси фарқланади:

Сколиознинг 1-даражаси бироз қийшайиши билан характерланади, тик турган ҳолда мушакларнинг таранглашишида умуртқа поғонаси ростланади. Бунда умуртқа поғонасининг қийшайиши $1\text{-}10^0$.

Сколиознинг 2-даражаси умуртқа поғонасининг қийшайиши $11\text{-}25^0$ бўлиб, қўл бармоқларини бирлаштириб, бошнинг энса сохасига қўйиб, умуртқа олди мушаклари таранглашганда умуртқа поғонаси ростланади.

Сколиознинг 3-даражасида умуртқа поғонасининг қийшайиши $26\text{-}50^0$ бўлиб ташқи кўринишда беморнинг елкалари ва кураклари ҳар хил сатҳда туради, бел билан қўл орасидаги учбурчакли томонларининг симметриклиги йўқ. Лекин

турникка осилганда умуртқа олди мушаклари тарнглашиб, тос-сон камари оғирлиги умуртқа поғонасини ростлайди.

Сколиознинг 4-даражасида умуртқа поғонасининг қийшайиши $51^0$ ва ундан юқори бўлиб, ҳеч қандай вазиятда умуртқа ростланмайди.

Сколиознинг 1-даражасида даволаш жисмоний тарбияси машқлари ўзининг принциплари бўйича бажарилади. Ҳар хил вазиятларда (ётган, ўтирган, тик турган) умумривожлантирувчи ва кучли мушак корсетини келтирувчи машқлар қўлланилади. Машғулот вақтида кўп вақт қоматнинг ривожланишига ажратилади. Нафас машқлари ва координация функциясини келтирувчи, шакллантирувчи машқлар қўлланилади. Асосан, симметрик машқлар берилади. Машғулотлар поликлиникаларда ёки умуртқа поғонасининг ҳар хил нуқсонларига учраган болалар билан бирга махсус тиббий гуруҳда коррекцияловчи гимнастикаси билан ўтказилади. Бир йил давомида ҳар ҳафтада 3 мартадан машғулотлар ўтказилиши лозим. Бунда организмнинг чиниқишига катта аҳамият берилади.

Тадқиқотимиз натижалари бўйича биз сколиозни олдини олиш ва даволаш учун бажариладиган гимнастик машқлар комплексини келтирамиз:

1. Оёқ учида туриб, иккала қўлни юқорига кўтариб, бармоқларни бир-бирига туташтириб тана билан бирга айлантирилади. Машқ дастлаб 2-4 марта, машқ ўзлаштирилгач 4-6 марта бажарилади.
2. Оёқни елка кенглигида қўйиб, қўлни икки ёнга туширилади, кейин бир қўлни юқорига кўтариб орқага эгилади, айни вақтда пастга туширилган қўл ҳам орқага эгилади, қўллар ҳолатини галма-гал ўзгартириб, машқ бир неча марта қайтарилади. Машқ дастлаб 2-4 марта, машқ ўзлаштирилгач 6-8 марта бажарилади.
3. Оёқни елка кенглигида қўйиб, бир қўлни юқорига кўтариб, тана қарама-қарши томонга энгаштирилади, иккинчи қўл орқа томонга юборилади. Машқ танани дам у томонга, дам бу томонга энгаштириб, бир неча марта қайтарилади. Машқ дастлаб 2-4 марта, машқ ўзлаштирилгач 6-8 марта бажарилади.
4. Чўккалаб қўлга тиралиб турилади, бир қўлни ён томонга чўзиб тана бурилади, кейин дастлабки ҳолатга қайтилади. Машқ танани дам у томонга, дам бу томонга буриб, бир неча марта қайтарилади. Машқ дастлаб 2-4 марта, машқ ўзлаштирилгач 6-8 марта бажарилади.
5. Тизза тушиб, қўлни тираб ўтирилади, зулуксимон чўзилиб, икки қўл олдинга юборилади, кейин тиззага қайтариб келтирилади. Машқ дастлаб 2-4 марта, машқ ўзлаштирилгач 8-10 марта бажарилади.
6. Чўкка тушиб, қўлга тиралиб, бир қўлни кўтариб унга қарама-қарши томондаги оёқни орқага чўзилади, кейин дастлабки ҳолатга қайтилади. Оёқ-қўлни ҳолатини галма-гал ўзгартириб, машқ бир неча марта қайтарилади. Машқ дастлаб 2-4 марта, машқ ўзлаштирилгач 6-8 марта бажарилади.
7. Икки қўл билан чўзилиб эмаклаш. Машқ дастлаб 1-2 дақиқа, машқ ўзлаштирилгач 3-4 дақиқа бажарилади.
8. Дам ўнг қўл, дам чап қўлни чўзиб айни шу пайтда ўша оёқни йиғиб эмаклаш. Машқ дастлаб 1-2 дақиқа, машқ ўзлаштирилгач 3-4 дақиқа бажарилади.

9. Юзни умуртқа поғонасининг қийшайган томонига қаратиб қия қилинган ўриндиққа ўтириб, тана сколиоз бўлган томонга қарама-қарши ён томонга энгаштирилади. Машқ дастлаб 2-4 марта, машқ ўзлаштирилгач 6-8 марта бажарилади.
10. Чалқанча ётиб, икки қўл тана бўйлаб чўзилади ва нафас олиш, чиқариш машқлари бажарилади. Машқ дастлаб 1-2 дақиқа, машқ ўзлаштирилгач 3-4 дақиқа бажарилади.

**Хулоса.** Шундай қилиб, олинган тадқиқотими натижалари, 3-7 ёшли болалар тана тузилишининг хусусиятлари ва қоматидаги нуқсонларларни ўрганиб, уларни олдини олиш, ҳамда даволаш имкониятлари фақат сколиознинг 1-даражасига таъаллуқли эканлигини изохлади. Сколиознинг қолган даражаларида ҳам даволаш жисмоний тарбия машқларини қўллаш мумкинлиги, аммо ундан кутилган натижалар камлиги аниқланди.

**References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018-йил 5-мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт сохасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5368-сонли Фармони.
2. Болтабоев С.А. Спорт тиббиёти, даволаш жисмоний маданияти ва жисмоний тарбия гигиенаси. Н. 2015 й.
3. Газиева З.Й ва бошқалар “Даволаш жисмоний тарбияси” Т. 2015 й.
4. Умаров М.Н ва бошқалар “Гимнастика (яккакураш, координацион ва циклик спорт турлари)” Т. 2018 й.

## ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ИЛМ-МАЪРИФАТ” СЕМЕМАЛИ ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Қўқон давлат педагогика институти ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси
Д.Ш.Рахматуллаева

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семемали лексемалар, уларнинг ички мазмуний гуруҳлари, ҳар қайси лексеманинг умумий ва фарқли хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар****: маърифат, маданият, илм, таълим, лексема, семема, сема, мазмуний умумлашма, гомоген, гетероген, мавзу гуруҳлари.*

## ПРОБЛЕМЫ ИССЛЕДОВАНИЯ СЛОВАРНЫХ ЕДИНИЦ С СЕМЕМОЙ «НАУКА-ПРОСВЕЩЕНИЯ» В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

***Аннотация.*** *В данной статье рассмотрены лексемы с семемой “просвещения” в узбекском языке, их внутренные семантические группы, общие и отличительные особенности каждой лексемы.*

***Ключивые слова****: просвещение, культура, наука, образование, лексема, семема, сема, семантическая общность, гомогенный, гетерогенный, семантические группы.*

# THE PROBLEMS OF INVESTIGATION OF LEXICAL UNITS WITH THE SEMES "ENLIGHTENMENT" IN THE UZBEK LANGUAGE

***Annotation.*** *The article deals with universal and differential features of lexemes, the inner logical groups of them, and "science – education" lexemes in Uzbek language.*

***Key words:*** *enlightenment, culture, science, education, lexeme, semema, sema, logical combination, homogene, heterogene, theme groups.*

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатларида таъкидланганидек, "Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак"[1]. Ҳақиқатан, ҳозирги кунда юртимизда илм-маърифат, жумладан, таълим, етук кадрлар тайёрлаш соҳасига эътиборнинг кучайиши натижасида мактабгача таълимдан олий ўқув юртидан кейинги босқичга қадар изчил равишда бу жараён тубдан янгиланмоқда. Табиийки, ҳар қандай амалий натижалар муайян тушунчаларнинг моҳиятини чуқур ўрганиш, тўлақонли англашдан бошланади. Ўзбек тилидаги "илм-маърифат" семемали луғавий бирликларни мазмуний асосда тадқиқ этиш ана шу йўлдаги изланишлардан биридир. "Илм-маърифат" семемали лексемаларнинг ички мазмуний бўлинишлари, синтагматик хусусиятлари билан алоқадор белгилари асосида ўрганиш бугунги кунда тилшуносликнинг муҳим масаласига айланди.

Яқин йилларга қадар тилга мунтазам алоқадорликдаги элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган яхлит система сифатида қаралиб, лексеманинг лисоний белгиларини турли хил аспектларда мукаммал тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигининг алоҳида йўналишларидан бирини ташкил этди. Бу борада қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам ўзбек тили лексикасини муайян мазмуний умумлашмалар асосида яхлит система сифатида ўрганиш, ҳар қайси мазмуний гуруҳнинг функционал ва миллий-маданий хусусиятларини изчил ўрганишга эҳтиёж катта. Илмий манбаларда қайд этилишича, "парадигма билан мазмуний майдон ўртасидаги муҳим фарқловчи белгилар бир сатҳлилик – турли сатҳлилик ва гомогенлик – гетерогенликдир. Бундан шу нарса маълум бўладики, баъзан бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар ҳам бир мазмуний майдон таркибига бирлашиши мумкин. Бундай вақтда парадигма ва мазмуний майдон тушунчалари ўзаро максимал яқинлашади ва улар фақат битта фарқловчи белги билан: гомогенлик-гетерогенлик белгиси билан ўзаро зид муносабатда бўлади. Бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар бир мазмуний майдонга бирлашганда, улар ўртасидаги гетерогенлик белгиси турли сўз туркумларига мансубликда намоён бўлади" [2, 84].

Ўзбек тили лексик системасида илм-маърифат, таълим билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи турли сатҳга мансуб қатор лингвистик бирликлар бўлиб, бу тушунчаларни англатувчи бирликларни семантик-структур таҳлил этиш ўзига хос самара беради. Турли бадиий, илмий, публицистик манбаларда таълим билан боғлиқ лексемалар, синтактик қурилмалар учрайди. Хусусан, бундай гуруҳга мансуб лексемаларни бир неча ички бўлинишлар орқали ажратиш мумкин: 1) илм-

маърифат билан боғлиқ умумий тушунчалар номлари; 2) шахс номлари; 3) жой номлари; 4) нарса-предмет номлари; 5) белги ифодаловчи номлар; 6) ҳаракат ифодаловчи сўзлар ва бошқалар. Айни вақтда, мазкур лексемалар турлича асосда ЛСМларга кириши билан бирга, нутқ жараёнида бошқа микромайдон бирликлари билан синтагматик муносабатга киришиб, ўз мазмуний мундарижаси таркибидаги турлича семаларни намоён этади. Дастлабки гуруҳга доир илм-маърифат билан боғлиқ умумий тушунчалар номлари сирасида *маърифат, таълим, тарбия, мажлис, илм* каби лексемалар учрайди: *Шундай бўлгандан кейин* ***мажлис****га жиддий тайёргарлик кўриб борилмаса бўлмайди (А.Қаҳҳор).*

Мустақиллик шароитида таълим тизимида бир қатор янги тушунчалар ва бу тушунчаларни ифодаловчи янги атамалар ҳам пайдо бўлдики, бу атамалар "илм-маърифат" семемали лексемалар системасида муносиб ўрин эгаллади. Ўзбек тилида илм, таълим билан боғлиқ бўлган қатор лексемалар мавжуд бўлиб, улар турли семаларга эга бўлади. Масалан, "шахс" семасига эга бўлган *ўқитувчи, ўқувчи, мудир, тадқиқотчи, олим* ёки "ўрин" семали *мактаб, институт,* шунингдек, *китоб, қалам, дафтар, мақола* сингари "предмет" семали лексемалар учрайди. *Ҳамроев ҳеч қачон мажлисга борган эмас, аммо фурсати бўлганда бир тайёрланиб бормоқчи ва* ***бола*** *тарбиялашни билмаган ёки бу ишга совуқ қараган* ***ўқитувчи****ларни уялтирмоқчи эди.*

Келтирилган парчада *бола* лексемасининг "оила аъзоси", "фарзанд", "кичик" сингари семаларидан фақатгина "кичик" семаси сақланган, шунингдек, ушбу лексема **ўқувчи, тарбияланувчи** маънолари билан намоён бўлмоқда. *Директор, мудир, ўқитувчи* тарзидаги шахс номлари "шахс", "таълим берувчи" семалари билан бирлашмоқда ва ўз навбатида, улар ўртасида маълум даражаланиш муносабати ҳам мавжуд.

Ш.Искандарова ўзбек тилидаги шахс номларини мавзу гуруҳларига ажратар экан, инсоннинг билим, қобилият ва қизиқиши асосидаги шахс номларини қобилият, билим, тажриба ва маълумот асосида фарқланган ички гуруҳларга бўлади. Булар таркибига *қобилиятли, талантли, нўноқ, оми, авом, аҳмоқ, доҳий, даҳо, донишманд, мутафаккир; уста, моҳир, эпсиз, маҳоратли, мутахассис, олим; полиглот, машойих, сиёсатдон, психолог, файласуф, қонуншунос* тарзидаги қатор бирликларни киритади [2,33].

Кўрсатилган бирликлар орасида аксарияти "таълим" семали лексемалар билан туташади. Мазкур лексемаларда "шахс" ва "белги" семалари уйғун ҳолда мавжуд. Шу сабабли улар "таълимга нейтраллик" белгиси билан хосланади.

"Тафаккур" сўзи фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш маъноларини англатади ва объективликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти демакдир[3,91]. Тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари уни тил билан бевосита боғлиқлигидир.

"Тафаккур" архисемали феъллар ичида "етиб бормоқ" ифодаси алоҳида ўрин эгаллайди. "Етиб бормоқ" феъли ўз доирасидаги бошқа бирликлар билан "тушунмоқ", "фаҳмламоқ" семалари воситасида умумий белги ифодалайди. "Тафаккур" архисемаси асосида бир парадигмани ташкил қилувчи феъллар таркибидаги *англамоқ* феъли "онг", "ақл", "тушунмоқ" семалари билан ўзи мансуб

бўлган парадигма аъзоларидан фарқ қилади. ”Онг”, “ақл”, “тушунмоқ” белгилари “англамоқ” феълининг хусусий (фарқловчи) белгиси ҳисобланади. Масалан:

*Милён йилда мени яратди ҳаёт,*
*Мени сўраб, тоғлар қатор чўкди тиз.*
*Наҳот* ***англамайсан****, билмайсан наҳот,*
*Ахир мен биттаман, ягона, ёлғиз* (И.Мирзо).

Таълим билан боғлиқ жой номлари орасида *мактаб* лексемаси энг фаол қўлланилади. *Мактаб* лексемаси таркибида “жой”, “бино”, “муассаса”, “илм-маърифат”, “таълим” семалари мавжуд: ***Мактаб****да сенга шуни таълим берадими?(А.Қаҳҳор)*

Илм-маърифат билан боғлиқ нарса-предмет номларига мансуб *дафтар, газета, қоғоз, китоб, мақола, монография* лексемалари маълум семаларини сақлаган ҳолда қўлланилган: *Кеча Ҳамдам ота-оналар мажлиси бўлиши тўғрисида мактабдан* ***қоғоз*** *олиб келган (А.Қаҳҳор).*

*Қоғоз* лексемаси таркибида “нарса”, “юпқа”, “ёзишга мўлжалланган”, шунингдек, “ҳужжат” семалари мавжуд бўлиб, берилган парчада бу лексема “ҳужжат” семаси орқали намоён бўлмоқда.

Таълим билан боғлиқ бўлган белги англатувчи лексемалар ҳам юқоридаги лексемалар билан бир қаторда келиши ва алоҳида парадигма ҳосил қилиши мумкин. Бундай лексемалар қаторига *аъло, яхши, ўрта, ёмон, қониқарли, қониқарсиз* бирликларини киритиш мумкин. Улар “таълим”, “баҳо”, “даража” семалари билан умумийлик ҳосил қилади ва даража кўрсаткичлари асосида ўзаро фарқланади. Бу қаторга кирувчи *аъло, қониқарли, қониқарсиз* сўзлари асосан таълимда ўқувчининг меҳнатини баҳолаш учун қўлланилади. *Яхши, ўрта, ёмон* лексемаларида “белги” семаси архисема бўлиб, “таълим”, “даража” семалари фақат нутқда бошқа шу семага эга бўлган бирликлар билан қўлланилгандагина воқеланади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ушбу парадигмага кирувчи лексемалар орасида градуал муносабат мавжуд бўлиб, қуйидагича даражаланади:

*аъло – яхши –ўрта/қониқарли – қониқарсиз*

Бунда “белги” семаси ижобийдан салбийга қараб даражаланади.

Таълим билан боғлиқ бўлган “белги” семали лексемалар орасида “шахс” семасига эга бўлган лексемалар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай бирликларга *аълочи, қолоқ* сингари лексемаларни киритиш мумкин.

*Дима-ку, йўлини топиб кетди. Шаҳарга бориб ўқишга кирди. (****Аълочи*** *эди ўзиям) Гриша колхозда бричка ҳайдай бошлади* (Ў.Ҳошимов).

Ушбу матнда берилган киритмада *аълочи* сўзи “таълим”, “шахс”, “белги” семалари билан бирга, “ижобийлик” семасини ҳам ўзида намоён қилади.

Юқоридаги бирликлар билан бирга, ўзбек тилидаги айрим лексемаларнинг архисемаси “белги” семаси бўлмаса-да, улар “таълим” семали “шахс”, “предмет” семаси орқали воқеланган бирликлар билан семантик асосда боғланади. Чунки “парадигма аъзолари нутқ жараёнида ҳар қайси тилнинг муайян қонун-қоидаси асосида ҳамда парадигма аъзосининг маъноси доирасида бошқа парадигма аъзосининг варианти билан синтагматик муносабатга киришади. Синтагматик

муносабатга киришувчи лингвистик бирликлар танланиш хусусиятига эга бўлади, яъни ҳар қандай жиҳатидан бир хил бўлган лингвистик бирликлар эмас, балки мазмуний мувофиқлашган, маъно тақазо этган икки парадигма аъзоси вариантларигина синтагматик муносабатга киришади" [4,9].

Таълим тушунчаси билан боғлиқ *ўқимоқ, таълим бермоқ, қўймоқ (баҳо), билмоқ, ёзмоқ* ҳаракат англатувчи бирликлар ҳам тилимизда фаол ишлатилади. Бундай ҳолат таҳлил объекти сифатида олинаётган бирликларнинг синтагматик муносабати асосида ҳам ўрганишни талаб қилади.

Ўзбек тили лексик системасидаги илм-маърифат луғавий гуруҳи таркибига бирлашган лексемаларни узвий таҳлил қилиш асосида бу лексик бирликларнинг ўзига хос хусусиятларини лексик системадаги қимматини белгилашга қулай имконият яратади. Ҳар бир лисоний бирликнинг тил системасидаги ўрнини белгилаш эса ҳозирда тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан саналади.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020 йил, 25 январь. 19-сон.
2. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. Тошкент: Фан, 2007.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2008.
4. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол.фанл. докт... дисс.автореф. Тошкент, 1999.

## КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРГА ЎЗГА ТИЛНИ ЎРГАТИШДА ЎЗИГА ХОС ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР

Жўраева Сарвиноз Жахонгир қизи
НамДУ , хорижий тил ва адабиёти йўналиши 3-босқич талабаси

***Аннотация*** *:Ушбу мақолада кичик мактаб ёшидаги болаларга чет тилини ўқитиш жараёнида, уларнинг ўзга тил бўйича коммуникатив малакаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган*

***Калит сўзлар****: Кичик мактаб ёши, тил ўргатиш услуби, илм-фан, таълим, илмий изланиш, болалик даври*

## МЛАДШИЙ ШКОЛЬНЫЙ ВОЗВРАСТ МЕТОД ОБУЧЕНИЕ ЯЗЫКА НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ НАУЧНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ДЕТСТВО

***Ключевые слова****: В данной статье рассматриваюстя некоторые аспекты формирования иноязычной коммуникативной компетенции при обучении иностранному языку детей младшего школьного возраста.*

# THIS ARTICLE DISCUSSES SOME ASPECTS OF THE FORMATION OF FOREIGN LANGUAGE COMMUNICATIVE COMPETENCE IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE TO CHILDREN OF PRIMARY SCHOOL AGE.

***Key words:*** *Young school age, method of teaching language, science, education, scientific research, childhood*

Чет тилларини ўқитиш масъулиятли ва завқли машғулот ҳисобланади. Бугунги кун Ўзбекистон республикасида бошланғич босқичда чет тилларни ўқитишнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонвий талаблардан келиб чиқиб ўқитувчилардан бу масалага янгича ёндашувни талаб қилади. Жисмонан ва маънан етук инсонгина жамият ривожи, юрт тараққиёти учун сидқидилдан хизмат қила олади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама шаклланишини таъминлаш албатта, бошланғич таълим тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади. Глобаллашаётган таълим эндиликда илм олувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам бутун дунёда таълим ва илмий изланишларни давом эттириш имкониятини яратиб бормоқда. Манбалардан бизга маълумки, кишилик жамиятида инсонлар бир неча тилни билиш-га қизиққанлар, унга эҳтиёж сезганлар. Шу ўринда келажагимиз пойдевори бўлан авлодни ҳар томонлама етук, хорижий тилда эркин сўзлаша оладиган, ҳуқуқий онгли, мукаммал инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Кичик мактаб ёшидаги бола шахсининг ривожланишида таянч вазифани ўқитувчининг қўйилган талабларга қанчалик мувофиқ эканлиги белгилаб беради. Бунда педагог энг аввало, боланинг келажаги, тақдири учун юксак масъулиятни тўла англаб етиши зарур. Фақатгина кичик мактаб ёшдаги бола ривожининг муҳим қадрият эканлигини тушунишгина эмас, балки бола ривожланиши қонуниятларига доир билимларни ҳам эгаллаши жуда муҳимдир.

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларда тил ўрганишга қизиқишни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Бизга маълумки, хорижий тил дарслари кўп ҳолларда визуал яъни кўриш воситасида тушуниш усули орқали ўргатилади. Бунда мавзуни кенг ёритиш мақсадида, дарс мавзусига таалуқли бўлган видео роликдан фойдаланилади.

Бундай дарсларни ташкил этишда кичик мактаб ёшдаги болалар учун инглиз тилида сўзлашиш, талаффуз қилиш, тушуниш каби билимларни мужассамлаш, болаларнинг фикрлаш доирасини, эслаб қолиш қобилиятини, диққатини, дунёқарашини ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ўйин фаолияти орқали янада ривожлантириш мақсадга муофиқ бўлади. Кичик ёшли болаларда инглиз тили ҳақидаги тушунчаларни ошириб бориш педагогнинг асосий мақсади

бўлиб, инглиз тилига бўлган қизиқишини янада ошириш учун мўлжалланган барча кўникма ва малакалардан бола ёшига, интеллектига, унинг қизиқиш даражаси ва хокозо психик жараёнларигача мўлжаллаб олиб бориши бу борадаги мухим ёндашувлиги шубхасиздир. Тил ўрганиш жараёнида илғор педагогик технологияларнинг компютер технологиялари билан уйғунликда ташкил этилиши ва шу асосида мултимедия дарсликларининг яратилиши, тил ўрганишни тобора осонлаштирмоқда, ҳамда дарс машғулотларини қизиқарли ўтишига сабаб бўлмоқда. Дарс жараёнида турли техник воситаларидан фойдаланиб дарсни ташкил этиш мумкин, лекин компютер экранида ажратиб берилган намунавий мисоллар ўқувчининг хотирасида яхши қолади. Ана шундай вазиятларда интеграцион жараён вужудга келади, яъни ўқувчи чет тилидан билим, кўникма ва малакаларини компютер воситаси билан ишлаш орқали ривожлантириб боради. Оғзаки нутқни ривожлантириш учун компютерда турли соҳаларга оид коммуникатив вазиятларни яратиш мумкин. Ўтилган мавзулар юзасидан ҳар хил диалог , ўйин технологиясига оид манбалар ва фильмларни намойиш қилиш лозим. Намойиш қилинадиган воситалар ўқувчи ёши ва билим савиясига мос бўлиши зарур. Ўқувчи ўзбек ва хорижий тилларда болалар учун яратилган электрон дарслик ва интерактив ўйинларнинг моҳиятини тушуниб етиши учун, боланинг дарсга тайёрланаётган пайтда намойиш этиладиган тил материалини қайси бирини ёки қачон кўрсатилишини эмас, балки унда изоҳланадиган ғояни ўқувчилар онгига етказиш усулларини ўйлаши зарур.

Шундай экан, кичик ёшдаги болаларга хорижий тилни ўргатиш анча мушкул ва ғоятда масъулиятлидир. Хусусан, болаларга инглиз тилини мазмунли ва қизиқарли ўргатиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

– қўшиқ ва шеърлар орқали тушунтириш ёки эсда қолиши қийин бўлган, маъноga эга бўлмаган ҳарф ёки бирикмаларни куйга солиб ўргатиш. Бунга мисол қилиб, болаларнинг инглиз тили алифбосини қўшиқ қилиб ўрганишлари шунчаки ёдлашдан кўра самарали эканлигини кўрсатиш мумкин

– ақлий ва жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган ўйинлар;

– мультфильмлар; Болалар тил ўрганиш мобайнида мультфильмдаги гапларни тушунмасада, мультфильм қаҳрамонларининг ҳаракатлари орқали улар ишлатаётган сўзларни тушунишга интилади. Бу эса болалар учун қизиқ ва тил ўрганишлари учун самарали йўл.

– роль ижро этиш (role play) ўқитувчи бирор маълумотни, масалан, ҳайвон ёки қушларнинг номларини ўргатаётган пайтда роль орқали ижро этиши ёки болаларга ижро эттириши лозим. Мисол учун: бир ўқувчи итнинг вовиллаши, мушукнинг миёвлашини кўрсатиб берса, бошқа бир ўқувчи бу товушлар қайси ҳайвонга тегишли эканлигини билиб, унинг инглизча номини айтиши зарур.

– мавзуга оид муҳит; Ўқитувчи мавзусига қараб ўша муҳитни яратиб бера олса, болалар тилни яхши ўрганишади. Масалан: traveling, birthday, in the kitchen ва бошқалар. Traveling (саёҳат) мавзусида ўқитувчи саёҳат уюштириши, саёҳатга қандай воситалар орқали (foot, bicycle, automobile, train, boat, airplane) бориш мумкинлиги, қаерларга саёҳат қилиш (Tashkent, Samarkand, Bukhara, England, USA)

муҳимлиги ҳақида маълумот беради. Бу ҳам ўқувчиларнинг сўз бойлигини, тил имкониятларини кучайтиради, дунёқарашини ўстиради.

– топишмоқлар; Болаларда топишмоқларнинг жавобини топишга қизиқиш кучли. Шунинг учун ўқитувчи топишмоқни инглиз ёки ўзбек тилида айтсада, унинг жавобини болалардан инглиз тилида айтишини талаб қилиши лозим. Шунда болалар сўзларни тез ўрганишади.

– амалий машғулотлар (мевалар ва бошқа озиқ-овқатларни татиб кўриш, гулларни ҳидлаб кўриш орқали ўрганиш); Ўқитувчи ўқувчилардан рангларнинг инглизча номини сўраб қолса, бола дарров мева еган пайтини эслайди, қизил-red, яшил-green эканлигини тез хотирлайди. Демак, бундай усулдан фойдаланиш ўқувчининг маълумотни узоқ муддатда хотирасида сақлаб қолишини таъминлайди

- имо-ишоралар, юз ифодалари орқали; Ўқитувчи болага бирор гапни гапирганда ёки буйруқ берганда, масалан, бу ёққа кел (come here), китобни оч (open the book), туринг (stund up), доскага қаранг (look at the blackboard) каби гапларда имо-ишоралардан фойдаланса болага тушунарли бўлади.

– кўргазмали қуроллар, плакатлар, китоблар орқали;

– кўзга кўринадиган ва кундалик ҳаётда кўп ишлатиладиган нарса, буюмларга ёзиш.

– янгиликлар орқали; биламизки, болалар қизиқувчан. Улар бир хилликдан тез зерикади. Шунинг учун уларга ҳар доим бир турдаги усуллардан фойдаланиб дарс ўтиш эмас, балки бундай усулларни ўзгартириб, янгилаб дарс ўтиш лозим. Акс ҳолда болалар ўқитувчининг қандай дарс ўтишини фаҳмлаб олишади ва бунга тайёргарлик кўришади.

Хулоса қилганда, ўзга тилларни билиш, ўрганиш ҳеч қачон ўз она тилини кейинги даражага қўйиш, эсдан чиқариш, унутиш ҳисобига бўлмайди. Ўз тилини мукаммал билгани ва ҳурмат қилгани ҳолда бошқа тилларни билиш ва ўрганиш, кўп тил билиш мақсадга мувофиқ эканлигини унутмаслик керак. Ана шу нуқтаи - назардан қарайдиган бўлсак, бошқа тиллар-ни ўрганишга даъват, аввало, ўз она тили-ни ҳам билишга, шу билан бирга, шу асосда, бошқа тилларга ҳам ҳурматни шакллантириш, ўрганишни йўлга қўйишни тақозо этади. Юқоридаги фикрларга таянган холда айтиш мумкинки , тил ўрганиш ҳам ёш даврларига боғлиқ. Педагог ва психологларнинг фикрича, болалар катталарга нисбатан тилни тез ва осон ўзлаштирадилар. Болаларда тил ўрганишга бўлган қизиқиш, мойилликлар, катталарга қараганда болалар вақтининг кўплиги бунинг асосий сабабларидандир. Шуни эътиборга олиш керакки, кичик мактаб ёшидаги болалар маълумотлар маъносини тушуниб эмас, уни механик тарзда ёдлайди. Шунинг учун мазкур ёш даврида инглиз тилини ўргатишни грамматик тушунча беришдан бошламаслик зарур. Акс ҳолда чет тилини ўргатишнинг дастлабки қадамиданоқ болани зўриқтириб қўйиш ва қизиқишини сўндириб қўйиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М.. “Buyuk kelajagimizni mard va jasur xalqimiz bilan birga quramiz” – Т., 2017 й.

2.Халқ таълими. Т.: 2016/ 4-сон. – 27-б.
3. Тил ва адабиёт таълими. Т.: 2017/3- сон. – 42-б.
4. Исмоилова. С. Бошланғич синф ўқувчиларига морфемани ўргатиш. Морфемака, сўз ясалиши ва уни ўқитиш муаммоларига бағишланган анъанавий конференция материаллари. Андижон. 2010. 48-б.

## ТАЛАБАЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, п.ф.д.
М.М.Мирқосимова

***Аннотация**: Мақолада тафаккур турларидан аналитик тафаккурнинг мазмун моҳияти ёритилиб, талабаларда воқеликни анализ, синтез қилиш, маълумотлар туплаш, умумлаштириш ва янги қирраларини топишга интилиш, ўз қарашларини далиллаш каби фаолиятга йўллаш кўникмасини шакллантириш зарурати илмий асосланган.*

***Таянч сўзлар**: таълим ва тарбия жараёни,метод,дебатлар,методик талаблар, таълим ва тарбия самарадорлиги, бахс-мунозара,мустақил фикр.*

***Аннотирование:** В статье изложены содержание и методические требования к использованию метода «дискуссии» в процессе обучения и воспитания, в основе которого лежит значение метода в обеспечении эффективности образования.*

***Ключевые слова**: учебно-методический процесс, методика, дискуссия, методические требования, эффективность преподавания и обучения, дискуссия, самостоятельное мышление.*

***Annotation**: The article describes the content and methodological requirements for the use of the method of "debate" in the process of education and upbringing. It is based on the importance of the method in ensuring the effectiveness of education.*

***Keywords:** teaching and learning process, method, debates, methodological requirements, effectiveness of teaching and learning, debate, independent thinking.*

Тафаккур илмий муаммо сифтида қадимдан файласуфларнингтина эмас рухшуносларнинг ҳам тадқиқотларида ўрганилган. Файласуф Рене Декартнинг ғоясига кўра фикрлаш инсоннинг бу оламда мавжудлиги белгисидир. “Фикрлаяпман, демак, мавжудман”,- деб ёзган эди у. Психологларнинг таъкидлашларича, тафаккур одатда муаммодан, саволдан, тушунмаслик ёки зиддиятларни хал қилишга интилишдан бошланади. Бошқача қилиб айтганда тафаккур ана шундай вазиятларда ҳаракатга келади. Муаммоли вазиятда. билиш сари интилиш кучайганда у фаоллашади. Шу сабабдан олимлар тафаккурни ҳаракатдаги фикр сифатида ўрганадилар. Зотан ҳаракат тафаккурнинг яшаш шаклидир. Бу ҳаракат алоҳидаликдан умумийликка.умумийликдан эса алоҳидаликка интилиш шаклида намоён бўлади.

Психолог А.В.Петровский: “Тафаккур муҳим бир янгилик қидириш ва очишдан иборат нутқ билан чамбарчас боғлиқ психик ва социал-сабабий жараёндир...тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилишда уни бевосита умумлаштириб акс эттириш жараёнидир”,-деб (1:14.) изохласа, Э.Ғозиев тафаккур нафақат психологиянинг балки мантиқ, фалсафа хатто кибернетиканинг ҳам тадқиқот объектига айланганлигини, фақат бу фанлар доирасида тафаккур илмий муаммоларга боғлиқ жиҳатлардан тадқиқ этилишини таъкидлаган. (2:13.) Олимнинг фикрича, тафаккур бир-бири билан чамбарчас боғланган хотира, диққат, тасаввур, идрок каби бошқа руҳий жараёнлар билан уйғунликда юзага келади. Психологлар тафаккур операцияларини анализ ва синтез, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш, конкретлаштириш, таснифлаш, тизимлаш каби турларга ажратадилар.

Тафаккур кўринишлари орасида шахс эрудицияси ва интеллектини оширишдаги самарадорлигига кўра алоҳида ажралиб турадиган тури бу аналитик тафаккур ҳисобланади. Аналитик тафаккур ёрдамида ўрганилаётган объектга турли тарафдан ёндашиш,унинг ички ва ташқи алоқаларини комплекс ҳолда текшириш имконияти ҳамда бир тўхтамга келиш тақазо этилади. Ана шундай фикрлаш салоҳиятига эга одамларни қадимги Юнонистонда аналитиклар деб номлаганлар.

“Фалсафа.Қомусий луғат”да “аналитика” атамаси таҳлил қилиш, муҳокама, исботлаш санъати сифатида изоҳланади.(3:25.) Аналитика атамаси илк бор Аристотель томонидан мантиқий таҳлил техникасига берилган ном сифатида қўлланган. Унинг “Аналитика” номли асарида фикрлашнинг бу йўсинига тааллуқли икки жиҳат: мураккаб бутунликка эга бўлган объектни дастлаб оддий қисмларга ажратиш ва уларни текшириш асносида тафаккур юритишнинг мураккаблашиб боришига эътибор қаратилади.

Немис файласуфи Иммануил Кант аналитикани инсоннинг англаш қобилияти деб атаб, “Соф онг танқиди” асарида биринчи бўлиб билиш жараёнини аналитик ва ситетик фикрлаш сингари икки босқичга ажратишни таклиф этди.(200.) Аналитик фалсафанинг рамзий отаси Г.Фреге аналитик фалсафада тил илмий тадқиқот олиб бориш ва унинг натижаларини ифодалаш воситасигина эмас, балки фалсафий тахлилнинг предмети ҳам ҳисобланади,деб таъкидлайди. (144.) Аналитик фалсафа ўзга фалсафий услублардан ўз ғояларини умумий матн орқали эмас, балки алоҳида гап орқали ифодалашига кўра ажралиб туради. Файласуф-аналитик фикр ва ундаги гапларнинг аниқ маъно ташишига мантиқий боғланишли бўлишига, аниқлигига жиддий эътибор қаратади.Шунинг учун ҳам талабалар фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш, уларни мустақил фикр кишиси қилиб тарбиялаш қаторида нутқини ўстириш, тилни ўргатиш ҳамиша долзарб масала бўлиб келмоқда.

Олий таълимда талабаларни аналитик фаолиятга йўллаш ва бу фаолиятни ривожлантиришда мантиқий, танқидий ва аналитик фикрлаш малакасини шакллантириш шахс сифатида ривожланишларининг динамик асосларини ташкил этади. Зотан, аналитик услубда фикрлаш ҳар қандай масала юзасидан чуқур, атрофлича мантиқли фикр юритиш билан бирга чиқарилган хулосанинг

исботланган бўлиши жихатидан ажралиб туради. Демак,талабаларни аналитик фаолиятга йўллашда ўзига хос ёндашув, қарашни аниқ, мантиқли, ифодали баён этиш ҳамда асослашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир одамнинг тафаккур даражаси ҳам билимлар турфалиги натижасида аналитик тафаккур ўзига хос қарашларни юзага чиқишига имкон беради. Шунинг учун ҳам XX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ғарб мамлакатлари педагогик амалиётида аналитик тафаккурни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланган.

Аналитик тафаккур мантиқий тафаккур хусусиятларини ҳам қамраб олиши, тафаккур суръатининг тезлиги, масалага турли жиҳатлардан ёндашишни талаб этиши, қамровлилиги, муаммонинг асосланган ечимини топиш сингари жиҳатлари билан устуворлик қилади. Бундай тафаккур эгаси масаланинг асл моҳиятини англаш, унинг сабаб-оқибатларини тушуниш, керакли қарорга кела билиш қобилиятига ҳам эга бўлади. Аналитик тафаккур янги ахборот излаб топиш,уни ўрганиб, тизимга солиш, таққослаш, бахолаш, мантиқий фикрлаш, далилларга таяниш, мавжуд ахборотларга танқидий қарай олиш, олинган маълумотлар асосида тўғри тўхтамга келиш имконини беради. Бинобарин,тараққиётнинг ҳозирги даражаси ҳар қандай касб эгасидан ўхшатиш, қиёслаш, қисмларга ажратиш, умумлаштириш, тизимлаш, моделлаштириш, таснифлаш, мўлжал қилиш орқали ўз фаолиятини режалаштиришни талаб қилади. Санаб ўтилган сифатларнинг қарор топиши эса талабаларда яхлит ахборот маданияти ҳамда замонавий, гуманистик дунёқарашни шаклланишида асос вазифасини ўтайди.

Хўш, қай йўсинда иш олиб борилса, талабаларда аналитик тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш самара беради?

1. Аналитик тафаккурни шакллантириш бевосита талабаларнинг амалий мутахассислик фаолиятига боғлаб фанлараро интеграция асосида касбий амалиётда кўп учрайдиган муаммоларни ечишга қаратилган бўлса;
2. Бу жараён самарали якунланишини кафолатлайдиган илғор таълим методларидан, усул ва воситалардан, инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали;
3. Касбий бахслар ташкил этиш, аналитик тренинглар ўтказиш,илмий тадқиқот лойиҳаларига жалб этиш ;
4. Талабаларнинг аналитик фикрлаш механизмини ўзлаштиришлари учун педагогик шарт-шароит яратиш, хилма-хил ўқув топшириқлари ва вазиятли кейслардан унумли фойдаланиш.

Талабалар аналитик фаолиятини ривожлантириш асосида ўз қобилиятини баҳолаш, ютуқларини тахлил қилишга интилиш, фанга доир компетентлик даражасини ошириш имконига эга бўладилар. Бу эса таълим натижаларини прогнозлашга шароит яратади. Биз талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлашда қуйидаги амалий компонентларга устуворлик беришни тавсия қиламиз : қадриятли мотивацион, рефлексив – баҳоловчи, фаолиятга доир, когнитив компонентлар.

Қадриятли-мотивацион компонент талабаларда вазифаларни аниқ белгилаш, тўпланган материаллар ва ахборотдан самарали фойдалана олиш лаёқатини шакллантиришни кўзда тутади.

Рефлексив-баҳоловчи компонент талабаларда эмоционал-интеллект ва баҳолаш-аксиологик қобилиятни ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Фаолиятга йўналтирилган компонент маълумотларни тизимлаштириш, яхлитлаш, уларнинг ўзига хос қирраларини топиш ва ўз қарашларини исботлаш орқали оддий қарашлардан илмий концепция яратишгача бўлган фаолият лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади.

Когнитив компонент эса ҳаётий, илмий, фалсафий хулосалар ясаш,тафаккурий юксалиш, амалий кўникмалар ҳосил қилиш лаёқатларини шакллантиришни ўз ичига олади.

Бўлажак мутахассис натижаларни исларда олам ҳодисалари ва одамлараро муносабатларга касбий ва илмий нуқтаи назардан аналитик ёндаша билиш кўникма ҳамда малакасини шакллантириш нафақат ҳар бир олий ўқув юрти илмий мавқеининг юксалиб боришига балки, жамият равнақига ижобий таъсир кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Петровский А.В. ва бошқ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи.-1992.
2.Ғозиев Э.Тафаккур психологияси. Т.: Ўқитувчи.-1990.
3.Фалсафа. Қомусий луғат.Т.: Шарқ.-2004
4.Электрон манба: https://methodological_terms.academic.ru Фоломкина.С.К. Аналитическое чтение, 1987.
5.Электрон манба: https://www.rebenok.com/info/library/psychology.

## O'YIN VOSITASIDA TARBIYALANUVCHILARDA DO'STONA MUNOSABATLARNI SHAKLLANTIRISH

Kuranova Ismigul Xolmurod qizi

***Annotatsiya:*** *Maqolada maktabgacha ta'lim muassasalaridagi ta'lim va tarbiya jarayonida o'yinlardan foydalanish orqali bolalarda do'stlik, hamjihatlik, bir-biriga g'amxo'rlik tuyg'ularini shakllantirish samaradorligini oshirish haqida so'z boradi.*

***Kalit so□zlar:*** *o'yin, maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilari, o'yin turlari, ijodiy o'yin, qoidali o'yin, rolli o'yin, o'yinni olib borish jarayoni.*

## ФОРМИРОВАНИЕ У ВОСПИТАННИКОВ ДРУЖЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ ПОСРЕДСТВОМ ИГРЫ

***Аннотация:*** *в статье говорится о повышении эффективности формирования у детей чувств дружбы, солидарности и заботливости по отношению друг к другу через применение игр в учебно-воспитательном процессе в дошкольных образовательных учреждениях.*

***Ключевые слова***: *игра, воспитанники дошкольных образовательных учреждений, виды игр, творческая игра, игра с правилами, ролевая игра, процесс проведения игры*

## USING GAMES FOR FORMATION OF FRIENDLY RELATIONSHIP IN PRE-SCHOOL CHILDREN

Kuranova Ismigul Xolmurod qizi

***Abstract:****The article analyzes the increase in the effectiveness of formation in children the feelings of friendship, solidarity and caring for each other through the usage of games in the educational process in preschool educational institutions.*

***Keywords****: game, pupils of preschool educational institutions, types of games, creative game, game with rules, role-playing game, process of the game conduction*

Ushbu maqolada maktabgacha ta◎lim muassasalarida ta◎lim jarayonida o`yinlardan foydalanish orqali bolalarda do`stona munosabatlarni shakllantirish samaradorligini oshirishning pedagogik asoslarini aniqlashni maqsad qildik. Muxtaram prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2017-yil 19-oktabr kuni maktabgacha ta◎lim tizimini tubdan takomillashtirish masalalariga bag◎ishlab o◎tkazilgan yig◎ilishda: ◎Qaysi sohani olmaylik, biz zamonaviy yetuk kadrlarni tarbiyalamasdan turib biron-bir o◎zgarishga, farovon hayotga erisha olmaymiz. Bunday kadrlarni, millatning sog◎lom genofondini tayyorlash, avvalo, maktabgacha ta◎lim tizimidan boshlanadi◎, - deb ta◎kidladi [1].

Yurtboshimizning ushbu fikrlaridan kelib chiqib bugungi kunda barkamol shaxslarning poydevori aynan maktabgacha ta◎lim tizimida qo◎yilishiga yana bir bor amin bo◎lamiz. Darhaqiqat, bolalarning kelajakda kim bo◎lib yetishishlari, qanday orzular, niyatlar qilishlari aynan maktabgacha ta◎lim muassasalarida bajarayotgan faoliyatlarida yaqqol namoyon bo◎ladi.

Maktabgacha ta◎lim muassasalarida bolalar faoliyatini mazmunli tashkil etish hamda ularning faolligini oshirish maqsadida turli o◎yin, sayr va mashg◎ulatlor tashkil etiladi. Bu jarayonda bolalarning yosh xususiyatlari ham inobatga olinadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning yetakchi faoliyati o◎yindir. O◎yin ◎ ijtimoiy hodisa. Maktabgacha ta◎lim muassasalarida bajariladigan har bir mashg◎ulot o◎yin tarzida olib boriladi. Bu jarayonda bola zerikmaydi va mashg◎ulot maqsadini aniq tushunib yetadi. Chunki o◎yin orqali bajarilgan mashg◎ulot bolalar uchun sodda va tushunarlidir. Bog◎cha yoshidagi bolalar o◎zlarining o◎yin faoliyatlarida ildam qadamlar bilan olg◎a qarab borayotgan sermazmun hayotimizning hamma tomonlarini aks ettirishga intiladilar. Bolalarning o◎yinlari orqali ularda ijtimoiy foydali, ya◎ni yuksak insoniy xislatlari va hayoti davomida shakllanadigan harakter-xususiyatlari rivojlanadi. Shuning uchun bolalarning o◎yin faoliyatlari ularni individual ravishda o◎rganish uchun juda qulay vositadir.


Bolaning ongida uni qurshab turgan voqelik to◎g◎risidagi xilma-xil o◎yin faoliyatini takomillashtiradigan sharoitlarni tadqiq qilgan N.M.Aksarinaning ta◎kidlashicha, o◎yin o◎z-o◎zidan vujudga kelmaydi, buning uchun kamida uchta sharoit bo◎lishi lozim:

a) taassurotlar tarkib topishi;

b) har xil ko◎rinishdagi o◎yinchoqlar va tarbiyaviy ta◎sir vositalarining muhayyoligi;

v) bolalarning kattalar bilan tez-tez muomala va muloqotga kirishuvi. Bunda kattalarning bolaga bevosita ta◎sir ko◎rsatish uslubi hal qiluvchi rol o◎ynaydi.

Bolalar o◎yinlari o`zining mazmuni, xususiyatlari, tashkil etilishiga ko◎ra xilma-xildir.




Ijodiy o◎yinlarda qoidalar bo◎lmaydi, bolalar o◎zlari o◎yin davomida qoidalar yaratadilar. Qoidali o◎yinlarda esa tarbiyachilar tomonidan o◎yin jarayonida ma◎lum bir qoidalar belgilanadi. Ijodiy o◎yinlar o◎z navbatida quyidagi turlarni o◎z ichiga oladi: syujetli-rolli, sahnalashtirilgan, qurish-yasashga doir o◎yinlar. Qoidali o◎yinlarga didaktik, harakatli, musiqaviy kabi o◎yinlar kiradi [3.B.75].

Bolalar qaysi bir o◎yin turi bilan shug◎ullanmasin, ularni tashqaridan kuzatsak, qiziqishlarini, tasavvurlarini, kelajakdagi maqsadlarini, kattalarga va o◎rtoqlariga bo◎lgan munosabatlarini bilib olishimiz mumkin. O◎yin davomida ular bevosita o◎z xatti-harakatlari orqali xarakter-xususiyatlarini ochib beradilar. Har bir o◎yin turi ma◎lum bir maqsadga yo◎naltirilgan. Ijodiy o◎yinlar o◎z nomi bilan bolalar tomonidan ijod qilinadi, bu esa bolalarni birgalikda o◎zaro hamjihat bo◎lib o◎ynashga va bir-birlarini fikrlarini hurmat qilishga o`rgatadi. Misol qilib oladigan bo◎lsak, yolg◎iz bola qurish-yasash o◎yinini o◎ynayotgan bo◎lsa, ikkinchi bir bola kelib o◎yin jarayoniga kirishib yangilik olib kirsa va bu birinchisiga ma◎qul tushsa, ular o◎rtasida o◎zaro do◎stlik munosabatlari yuzaga kela boshlaydi. Demak, ularni umumiy maqsad, unga erishishdagi umumiy xatti-harakat birlashtiradi. Shuning uchun o◎yin do◎stona munosabatlarni tarbiyalashda, tashkilotchilik qobiliyatlarini shakllantirishda muhim vositadir. Birgalikdagi o◎yin bilan birlashgan kichik bolalar jamoasida murakkab munosbatlar vujudga keladi [6]. Tarbiyachining vazifasi har bir bolani faol o◎yinga jalb qilish, bolalar o◎rtasida do◎stlikka, haqqoniylikka, o◎rtoqlarining fikrlarini hurmat qilishga asoslangan munosabatlar o`rnatishdan iborat [7].

Maktabgacha ta◎lim muassasalari tarbiyalanuvchilarida do◎stona munosabatlarni shakllantirishda barcha o◎yin turlaridan foydalanish mumkin. Muassasalarda bolalar faoliyatining ko◎p qismini syujetli-rolli o◎yinlar tashkil etadi. Syujetli va rolli o◎yin ◎ maktabgacha yoshdagi bolalarning yetakchi faoliyat turi bo◎lib, bolalar bu jarayonda bevosita o◎zlari qatnashadilar. Bu turdagi o◎yinda ma◎lum bir qoidalar belgilanmagani sababli bolalar uchun qulay. Ular o◎yin jarayonini o◎zlari xohlagandek tashkil etadilar va o◎z o◎y-xayollarida kechayotgan jarayonlarni o◎yin davomida aks ettiradilar. Rolli

o◉yinlar yakka holda ham, guruhiy holda ham o◉ynaladi. Bolalar hayotdan olgan taassurotlarini ishga soladilar, o◉yinlarida asosan kattalarga taqlid qiladilar. Bolalar avvaliga o◉z-o◉zicha alohida-alohida o◉ynaydilar. Sekin-asta o◉yin jarayonida rollarning ko◉payishi ularni jamoa bo◉lib o◉ynashga olib keladi. Avvaliga katta bo◉lmagan guruhchalarda 2-3 kishidan iborat bo◉lib o◉ynashadi, katta va tayyorlav guruhlariga kelib kattaroq jamoaga birlashadilar. O◉yinda har xil rollar orqali o◉zaro munosabatda bo◉lish bolalarda o◉rtoqlik munosabatlarini shakllantirishga yordam beradi [2.B.224].

Maktabgacha ta◉lim muassasalarida turli ertak qahramonlarining bolalar tomonidan jonlantirilishi ham ularda ijobiy tuyg◉ularni rivojlantirishda ko◉mak beradi. Bog◉chalarda turli yosh guruhlariga moslangan ertaklar bolalar tomonidan tarbiyachilar yordamida sahnalashtiriladi. Maktabgacha ta◉lim muassasalarining kichik guruhlarida ◉Zumrad va Qimmat◉, o◉rta guruhlarida ◉Ur to◉qmoq◉, katta guruh tarbiyalanuvchilari bilan esa ◉Uch og◉a-ini botirlar◉ xalq ertaklari ular bilan o◉zaro birgalikda jonlantiriladi. Ma◉lumki, uchala turdagi ertakning zamirida ham o◉zaro bir-biriga hurmat, ishonch, do◉stlikni qadriga yetish, mehnatsevarlik kabi tuyg◉ular yotadi. Avvalo, ertak mazmuni tarbiyachilar tomonidan ochib beriladi va shundan so◉ng bolalarga rolllar bo◉linadi. Bolalar ertakda rol ijro etayotganlarida qahramonlarining hayotida yashaydi va undagi ijobiy va salbiy holatlarda bevosita o◉zlari qatnashishadi. Ertak ijrosi davomida kimnidur hafa qilish yoki o◉zga bir insonga yomonlik qilish aynan bolaning o◉zi tomonidan bajarilganligi bois bu kabi odatlar salbiy oqibatlarga olib kelishini tushunib yetadi. Bunday ertaklar kichik gruhlarda do◉stlik, hamjihatlik, mehribonlik, ishonch tug◉ularini shakllantirishga yordam bersa, o◉rta va katta guruhlarda mustahkamlanib yanada rivojlantiriladi. Ertak qahramonlari rolini bolalarning ijro etishi ularni bir-birlariga yaqinlashtiradi, hamjihat bo◉lib ishlashga, o◉zaro tartibli harakatlanishga va fikrlarini hurmat qilishga undaydi.

Maktabgacha ta◉lim muassasalarida bolalar o◉yinlari albatta tarbiyachilar tomonidan kuzatiladi. O◉yin har doim ham ijobiy natijalarga olib kelmasligi mumkin. Bunday vaziyatlarning oldini olish uchun tarbiyachi o◉yinga rahbarlik qila olish qobilayatiga ega bo◉lishi kerak. Tarbiyachi holatni to◉g◉ri baholashi va bolalar o◉rtasidagi ziddiyatni bartaraf etish kerak. O◉yinda tarbiyachi tomonidan sog◉lom muhit yaratilishi va o◉yin jarayonini bekamu ko◉st tashkil etilishi ziddiyat kelib chiqishiga monelik qiladi. Odatda, bolalar o◉rtasida o◉yinchoqlar yetishmovchiligi yoki bir-birlarini tushunmaslik oqibatida ziddiyat kelib chiqadi. Bu kabi holatlarning oldini olish uchun makatabgacha ta◉lim muassasalarida bir xil turdagi o◉yinchoqlar sonini ko◉paytirish, tarbiyachining bolalar bilan individual shug◉ullanishi zarur. Bunda o`yin vaqtida kuzatilgan kabi xislatlar yomon odat ekanligi, ular do◉stlikka rahna solishi haqida shu mavzuga oid ertaklar yoki hikoyalar orqali tushuntirish ishlarini olib borish maqsadga muvofiq.

Bolalarning guruh-guruh bo◉lib o◉ynagan o◉yinlarida ular orasida sog◉lom raqobat bo◉lsagina ko◉zlangan maqsadga erishish mumkin. Maktabgacha ta◉lim muassasalarida o◉yin jarayonida bolalarning olg◉a intilishi va o◉sib borishi, guruhdoshlari bilan do◉stona va hamjihat bo◉lib harakatlanishlari uchungina raqobat qilinadi. Ko◉pchilik hollarda bog◉chalarda guruhiy musobaqalar o◉tkazilsa, o◉yin oxirida

tarbiyachi do◎stlik g◎alaba qozonishini ta◎minlaydi. Chunki bog◎cha davrida bolalar sog◎lom raqobatning asl ma◎nosini tushunib yetmaydilar. Tarbiyachi tomonidan mag◎lub bo◎lgan guruhning tushkunlikka tushib qolishiga va g◎olib guruh bundan faxrlanishiga yo◎l qo◎yilmaydi [5].

Rivojlangan mamlakatlardan Yaponiya maktabgacha ta◎lim muassasalariga nazar soladigan bo◎lsak, bog◎chalarda o◎yin davomida yuzaga kelgan ziddiyatlarni bartaraf etishda ishtirokchilarning o◎zlari yoki tengdoshlarining ko◎magidan foydalanadilar. Agar ikki tarbiyalanuvchi tortishib qolsa, ularni ajratish va tartibga chaqirish uchun boshqa bir tengdoshi ularning oldiga yuboriladi va bu muammo aynan tengdoshi tarafidan ijobiy hal qilinadi. Bu metodika bolalarda bir-birlariga nisbatan hurmat, chin do◎stlik, qilgan ishidan uyalish, ayblarini tushunib yetish va oqilona yakuniy qarorni mustaqil qabul qilis kabi xususiyatlarni shakllantiradi. Shuningdek, bog◎chalarda hech qachon raqobatga yo◎l qo◎yilmaydi, musobaqaviy o◎yinlarda doim do◎stlik g◎alaba qozonishi ta◎minlanadi. Yaponiyada, shu jumladan, o◎yinlar ko◎p hollarda erkin o◎ynaladi, ya◎ni bolalar nimani xohlasa, o◎sha narsa bilan mashg◎ul bo◎ladilar: rasm chizadilar, turli narsalar yasaydilar, syujetli-rolli o◎yinlar o◎ynaydilar va hokazo. Bu narsa ularga tengdoshlari bilan yanada mustahkam aloqalar o◎rnatishga yordam beradi, ziddiyatli holatlarga duch kelish va ularni mustaqil hal qilishga o◎rgatadi. Ta◎kidlash joizki, Yaponiyada erkin o◎yin kattalarning aralashuvidan holi bo◎ladi [4.B.28].

Xulosa o◎rnida aytish joizki, maktabgacha ta◎lim muassasalarida mamlakatimiz kelajagi poydevorlari ta◎lim va tarbiya oladi. Shu bois ham hozirgi kunda bog◎chalar sonini yanada ko◎paytirish, zamonaviylashtirish, komputer texnalogiyalardan foydalanish, tarbiyachilar bilimlarini oshirishga qaratilgan islohotlar amalga oshirilmoqda. Yaponiya olimlarida shunday gap bor: ◎3 yoshdan keyin kech bo◎ladi◎. Psixologlarning aytishicha, bolaning hayoti davomidagi xarakter-xususiyatlarining sakson foizi 3 yoshgacha shakllanib bo◎lar ekan. Bundan ko◎rinib turibdiki, tarbiyachilar oldida katta mas◎uliyat turibdi. Bolalarni avvalo oilasiga, do◎stga, yurtiga sadoqatli, mehnatsevar, mehribon va shu bilan birga bilimli qilib maktab ta◎limiga tayyorlash har bir tarbiyachi-padagogning zimmasiga yuklatilgan vazifadir. Bu vazifani ado etishda o◎yinlar imkoniyatlaridan to◎la foydalanish, jumladan, horijiy rivojlangan davlatlarda bu borada erishilgan yutuqlarni o◎rganib, o◎zimizning milliylikka moslagan holda qo◎llash muvaffaqiyat garovi bo◎ladi deb hisoblaymiz.

**Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. O◎zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 19-oktabr kuni maktabgacha ta◎lim tizimini tubdan takomillashtirish masalalariga bag◎ishlangan yig◎ilish o◎tkazildi. // http://uza.uz/uz/politics/maktabgacha-ta-lim-sohasida-zamonaviy-tizim-yaratiladi-19-10-2017

2. Berdiyeva M.M. Maktabgacha pedagogika fanidan ma◎ruza matni.- Termiz, 2018

3. Эльконин Д. Б. Психология игры. 2-е изд.- М., 1999

4. Хагундокова, Ж. В. Педагогические условия развития игровой деятельности младших дошкольников в условиях реализации ФГОС ДО // Вопросы дошкольной педагогики. - 2019. - № 8 (25). - С. 36-41.

5. Sodiqova Sh. Maktabgacha pedagogika.- Toshkent: Tafakkur bo'stoni, 2013
6. Калиниченко А. В., Микеляева Ю. В., Сидоренко В. Н. Развитие игровой деятельности дошкольников: Методическое пособие.- М.: Айрис-пресс, 2014.
7. Йўлдошев Ж. Ғ. Хорижда таълим.- Т.: Шарқ, 1995

## YOSHLARNI HAR TOMONLAMA SOG`LOM VA IJTIMOIY BARKAMOL BO`LISHLARIDA SPORTNINQ O'RNI

Qo`chqarov Ulugbek
NamMTI katta o`qituvchi

*Maqolada : Yurtimizda ta'lim tizimini isloh qilish, takomillashtirish, Vatan ravnaqi yo`lida yosh avlodni tarbiyalab voyaga yetkazish masalalariga jiddiy e'tibor berilmoqda. Yosh avlodning aqliy, axloqiy va jismoniy sifatlarini rivojlantirishda jismoniy tarbiya asosiy o`rinlaridan birini egallaydi. yoshlarni har tomonlama sog`lom va ijtimoiy barkamol bo`lishlarida sportninq o'rni yoritilqan.*

## РОЛЬ СПОРТА ПРИ ВСЕСТРОННОЕ РАЗВИТИЕ МОЛОДЁЖИ

Кучкаров Улугбек
НамМТИ, .

*В наше стране больше внимание выделяется усовершенствование реформы преобразование воспитание молодёж, роль этический и физической воспитание. В статье освещается роль спорта при нравственном воспитание молодёж.*

*Ключевые слова и выражения: вазможность, ситуация, условия, самостоятельный обучение, навык, правила, задачи, метод, профессиональные деятельность, самостоятельная задание, прикладной самостоятельная задание.*

## ROLE of the SPORT UNDER VSESTRONNOE DEVELOPMENT YOUTH

NamMTI,senior teacher U. Kuchkarov

*In our country, more attention stands out the improvement of the reform transformation education youth, role ethical and physical education. Role of the sport is illuminated in article under moral education youth.*

*The Keywords and expressions: result, situation, condition, independent education, skill, rules, problems, method, professional activity, independent task, applied independent task.*

Yurtimizda ta'lim tizimini isloh qilish, takomillashtirish, Vatan ravnaqi yo`lida yosh avlodni tarbiyalab voyaga yetkazish masalalariga jiddiy e'tibor berilmoqda. «Ta'lim to`g`risida»gi Qonun hamda «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning qabul qilinishi bu sohada olib borilayotgan ishlarning rivojlanishiga olib kelmoqda. Ta'lim tizimining boshlang`ich pog`onasi bo`lgan maktabgacha tarbiya muassasalarida jismoniy tarbiyani rivojlantirishga ham katta ahamiyat qaratilmoqda.

«Aynan yoshlik chog`idan jismoniy tarbiya va sport bilan do`st bo`lish bolaning o`z ustida ishlashi, xarakterining toblanishi, musobaqalarda qatnashishi orqali qat'iyatlilik va

mardlik xususiyatlarining shakllanishi, g`alabaga intilish, ta'bir joiz bo`lsa, avvalo, o`z ustidan g`alaba qozonishi, bir so`z bilan aytganda, mustahkam irodaga ega bo`lishi uchun puxta zamin yaratadi». Bunday islohotlar natijasida sportchilarimiz Osiyo hamda jahon miqyosidagi musobaqalarda yaxshi natijalarga erishib, O`zbekiston bayrog`ini yuqori ko`tarishmoqda.

Yosh avlodning aqliy, axloqiy va jismoniy sifatlarini rivojlantirishda jismoniy tarbiya asosiy o`rinlaridan birini egallaydi. Shuning uchun ham O`zbekiston Respublikasining «Jismoniy tarbiya va sport to`g`risida»gi Qonunida «Maktabgacha yoshdagi bolalar, o`quvchilar, talabalar salomatligini asrash va mustahkamlash, ularda jismoniy barkamollik ehtiyojini shakllantirishi, maktabgacha tarbiya muassasalari va o`quv yurtlarining asosiy vazifasi hisoblanadi» deyiladi.

Bolalarda umumiy chidamlilikni, sportga bo`lgan qiziqishni yoshligidan tarbiyalash, ularning sog`lom bo`lib voyaga yetishlarida muhim o`rin tutadi. Agar ularga yoshligidan e'tibor berilmasa, keyinchalik ulardagi qiziqishni shakllantirish qiyinlashadi. Chunki inson yoshligidan o`rganib, shakllanib bormasa, u charchash, loqaydlik, irodasizlik kabi holatlarga berilib qoladi. Muntazam harakatda bo`lgan, chidamlilik darajasi baland kishilarda esa charchash u qadar sezilmaydi. Odatda, biror bir faoliyatda charchoqqa qarshilik ko`rsatish qobiliyati chidamlilik deb ataladi. Insonda uzoq muddatli ishlar bilan muntazam shug`ullanish natijasida mushaklarida morfologik va biokimyoviy xususiyatlarning o`zgarishi kuzatiladi. Natijada organizmda moddalar almashinuvi jarayoni bajarilayotgan ish darajasiga moslashadi, bu esa uning tanasi sog`ligi va ruhiy sog`lomligi uyg`unligini ta'minlab beradi.

Sport faoliyati mamlakatimizda mustaqillikka erishilgandan so`ng juda ommaviylashib sport turlari bilan shug`ullanuvchilar ushbu faoliyat bilan o`zini kelajagini bog`lagan sportchilar ko`payib bormoqda. Bunga asosiy sabab, birinchidan, O`zbekiston sportchilarining halqaro maydonlarda erishayotgan katta-katta yutuqlari bo`lsa, ikkinchidan, mamlakatimizda yoshl avlodni sport bilan shug`ullanishi uchun moddiy texnik bazalarni yaratilayotganligi va sport turi bilan shug`ullanuvchilarni erishayotgan natijalariga qarab rag`batlantirib borilayotganligi sabab bo`lmoqda.

Sport faoliyati turi sifatida ijtimoiy munosabatlar tizimiga qabul qilingan va o`zining ijtimoiy–iqtisodiy rivojlanish faktorlari bilan shartlashgan. Falsafa, sotsiologiya, psixologiya va boshqa ijtimoiy fanlar sportni jamiyatdagi tutgan o`rni haqida doimo ijobiy xulosalarni berib kelmoqda. Sport faoliyati o`z faoliyati jarayonida quyidagi ijtimoiy funktsiyalarni amalga oshiradi:

1. Sport musobaqasi faoliyati sifatidagi funktsiyasi musobaqalarsiz o`zining mohiyati va xususiyatini yo`qotadi. Sportda asosiy jismoniy va psixologik zo`riqishlarning yuqori darajadagi sharoitlarda maksimal natijalarga erishishdir.
2. Sport insonni har tomonlama etuk qilib tarbiyalash va boshqa faoliyat turlariga tayyorlash vositasi sifatidagi funktsiyasidir. Sport insonning har tomonlama barkamol, yetuk bo`lib rivojlanishning vositasi hisoblanadi. Sport faoliyati bilan shug`ullanuvchilarni har tomonlama tarbiyalash uchun katta imkoniyatlarga egadir. Inson hayotining asosidan joy olgan sport faoliyati ularni ahloqiy tarbiyalash va shaxsni shakllanishida asosiy faktorlaridan bir bo`lib hisoblanadi.
3. Sportni sog`lomlashtirish funktsiyasi. Sport bilan shug`ullanish inson organizmiga ijobiy ta'sir ko`rsatadi. Sport faol dam olishning ham osoni va mashhuri bo`lib hisoblanadi. Sport turli

xil kasalliklar masalan, gipodinaimya (kam harakatlik), ruhiy charchoqni oldini olish va boshqalarni oldini olishni ham eng ajoyib vositalaridan biridir.

4. Sportning estetik tuzilishi va jozibadorligi. Sport qadimdan o`zining jozibadorligi va mashhurligi bilan ajralib turgan. Maydonda borayotgan o`zaro kurash, bellashuv tomoshabinlarda turli xil ruhiy xolatlarni namoyon qiladi, dam oldiradi. Harakatlarning go`zalligi, texnik usullarining o`sib rivojlanishi sportchilar tomonidan uning san'at darajasida qo`llanishi tomoshabinlarda ko`tarinki ruhiy holatlarni keltirib chiqadi. Shuning uchun sport saroylar, o`yingohlar doimo tomoshabinlar bilan to`ladir.

5. Sport keng ijtimoiy munosabatlar atrofidagi funktsiyasi. O`zaro munosabatlar, jamoalar, millatlar va xalqaro munosabatlar xalqlar o`rtasidagi o`zaro birlik, tinchlik va do`stlikni ta'minlaydi. Bundan tashqarii sportchi – sportchi bilan, trener – sportchi bilan, trener va xakam doimiy o`zaro munosabat va aloqada bo`ladi. Bu maxsus munosabatlar keng ijtimoiy munosabatlar tizimiga kiritilgan.

6. Sportni iqtisodiy ahamiyati – funktsiyasi. Sport faoliyatining iqtisodiy samaradorligi asosan sport bilan shug`ullanuvchilar sog`ligini mustahkamlash, kasallanish darajasini kamaytirish va ishchanlikni oshirishda namoyon bo`ladi. Bundan tashqari sport musobaqalaridan, sport inshootlaridan, sport lotereyalaridan, reklamadan moliyaviy tushumlar iqtisodiy ahamiyatga egadir.

Yuqoridagilardan ko`rinib turibdiki, sport faoliyatining ijtimoiy funktsiyalari shug`ullanuvchilar uchun xizmat qilib, alohida shaxs va jamiyat a'zolarining har tomonlama sog`lom va ijtimoiy barkamol bo`lishi uchun zamin yaratadi.

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЁШЛАРДА АХБОРОТЛАРГА РАЦИОНАЛ ЁНДАШУВ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

З.Қосимова - п.ф.н., доцент-Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси мудири

***Аннотация:*** *ушбу мақолада ҳозирги глобаллашув шароитида узлуксиз таълим тизимида ёшлар онги, руҳиятига информацион хуружларнинг таъсири, уларни бу каби таҳдидлардан ҳимоя қилишда ахборот коммуникация технологияларининг аҳамияти, шунингдек, педагог ходимларнинг ахборот маданияти, ахборот технологияларидан фойдаланиш малакалари орқали ўқувчи ёшларда ахборотларга рационал ёндашув кўникмаларини ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим, ахборот технологиялари, педагог, ахборот хуружлари, тажриба, ижодкорлик, таълим усуллари, интернет тармоғи, билим, касбий маҳорат, ташаббускорлик, жаҳон ахбороти тизими, ўқув жараёни.*

***Аннотация:*** *В данной статье рассматриваются вопросы информационно-коммуникативных технологий и значение их использования в учебном процессе*

*непрерывного образования. А также приводятся пути развития информационной культуры педагогов, направленных на нравственное воспитание молодёжи и развития их навыков рационального подхода к информациям в условиях глобализации.*

***Ключевые слова:*** *образование, информационные технологии, педагог, информационный взрыв, опыт, творчество, приёмы образования, сеть интернет, знание, профессиональное мастерство, инициативность, мировая информационная система, учебный процесс.*

***Annotation:*** *In this article questions of information and communicative technologies and value of their use in educational process of continuous education are considered. And also ways of development of information culture of teachers, their skills of rational application are given in the practice of information technologies.*

***Key words:*** *education, information technologies, pedagogue, experience, creativity, education methods, internet, knowledge, professional skills, world information system, educational process*

Бугунги кунда жамият таълим-тарбия жараёни олдига ўқувчини узлуксиз ривожлантириш вазифасини қўймоқда. Эндиликда ижодкор, конструктив фикрловчи, ҳаётий вазиятларни қатъий ёндашув асосида ҳал қила оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш давр талабидир.

Узлуксиз таълим муассасаларида сифатли таълим бериш, биринчи навбатда, педагог ходимларнинг бой тажрибаси, билими ва касбий маҳорати орқали амалга оширилади. Бироқ бугунги кундаги ахборотлар, маълумотлар манбаининг катталиги, пухта замонавий билимни фақатгина дарслик ёки дарс машғулотлари билан эгаллаб бўлмаслигини, бунинг учун жаҳон ахборот тизимига уланиш, шу орқали тегишли соҳаларда барча энг янги маълумотларга эга бўлиш мумкинлигини кўрсатади.

Ахборот асрида жаҳон ҳамжамияти билан тобора интеграллашиб бораётган Ўзбекистонда бугунги кунда ахборот тўплаш, тарқатиш ва уни тасарруф қилиш жараёни жадаллашиб бормоқда. Интернет, телевидение, радио, видео, телефон алоқалари ва шу кабиларнинг ривожланиши ёшлар маънавий дунёсининг илмий, ақлий, ҳиссий, руҳий, ахлоқий, мафкуравий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, бадиий, диний каби кўп қиррали таркибий қисмларига доимий таъсир этиш воситаларига айланди.

Ушбу ҳолат инсонга зарар етказадиган қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол информацион хуруждир. Айрим кучларнинг саъй-ҳаракатлари билан ахборот ҳарбий снарядга, оммавий ахборот воситалари эса тажовуз қуролига айлантирилмоқда. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган ахборот урушида инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи ахборот дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг қўпорувчилик кучи,

келтирадиган зарари ҳар қандай оммавий қирғин қуролидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатига зид ҳаракат қилишга ундайди, демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш яъни руҳий манипуляция қилиш имконини беради.

Ахборот уруши биз билган урушлардан қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Биринчидан, ахборот уруши анча камхарж-қўшин сақлашни, қурол-яроғ сотиб олишни талаб қилмайди. АҚШнинг собиқ Президенти Ж.Картер ҳам "Тарғиботга сарфланган 1 доллар -қуролланишга сарфланган 10 доллардан самаралироқ" деб бежиз таъкидламаган. Иккинчидан, ахборот уруши ҳеч қандай чегараларни тан олмайди. Тўғри-да, интернет, сунъий йўлдош орқали алоқа, оммавий ахборот воситалари ҳукмронлик қилаётган бугунги дунёда ахборотни божхона кўригидан ўтказиб, сарагини-саракка, пучагини–пучакка ажратишнинг иложи йўқ. Бироқ, энг ташвишлиси, бу урушда рақибни жисмонан йўқ қилиш эмас, уни ўзига маънан бўйсундириш мақсад қилинади. Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Бу урушда бинолар зарар кўрмаса, одамлар ўлдирилмаса, моддий бойликларга шикаст етмаса-да, унинг мафкуравий, маънавий, руҳий зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Устига-устак ахборот урушини бошлаганлар нафақат миллат турмуш тарзини, балки унинг яхшилик ва ёмонлик, оқ ва қора, савоб ва гуноҳ, рост ва ёлғон ҳақидаги тасаввурларини ҳам ўзгартиришга уринади.

Ташвишланарли жиҳати шундаки, аксарият ҳолларда ёш йигит ва қизлар информацион хуружнинг асосий объектига айланмоқдалар. Чунки, турли мамлакатларда файласуф ва социологлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, 11-18 ёшдаги йигит ва қизлар ташқи ғоявий таъсирларга тез берилувчан бўладилар. Бу ёшдаги йигит ва қизларда танқидий тафаккурнинг яхши шаклланмаганлиги боис уларнинг онгига исталган нормаларни сингдириш мумкин.

Ёшлар онги ва фаолиятини назорат остига олиш мақсадида амалга оширилаётган ғоявий таъсир қуйидаги воситаларга таянмоқда:

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятига таъсир қилиш учун кўнгилочар теледастурлардан кенг фойдаланилмоқда. Телерадиокомпаниялар нафақат турли реалити-шоулар, ток-шоулар, камеди-клаблар сценарийсини тузиш, балки уларни экспорт қилиш билан шуғулланмоқдалар. Масалан, Россия телеканалларида намойиш этилаётган "Пусть говорят", "Дом-2" реалити-шоуси 50 дан ортиқ мамлакатларнинг телеканалларида намойиш этилаётган сценарийнинг атиги бир версиясидир холос. Бундай реалити-шоулар Ғарб жамиятини ич-ичидан емириб бораётган иллатларни тарғиб ва ташвиқ этмоқда, ёшларни ахлоқсизлик сари ундамоқда. Сунъий йўлдошлар ёрдамида ахборот узатиш имкониятлари кенгайиб бораётган бир шароитда ўзбек йигит ва қизлари ҳам ушбу таҳдиддан холи қола олмайдилар.

Ёшларнинг ўзи яшаб турган жамиятга негатив муносабатни шакллантириш учун салбий ахборотлардан кенг фойдаланилмоқда. Бешта умуммиллий телеканалига эга бўлган мамлакатда информацион дастурлар кунига ўрта ҳисобда

302 та негатив маълумот эълон қилади. Масалан, информацион кўрсатувлар, турли газеталарда "Хориж янгиликлари" рукни остида берилаётган маълумотларнинг аксарият қисми негатив характерга эга.

3. Ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи воқеаларга асосланган фильмлар ва китоблар тарқатилмоқда. Бугун юзлаб телеканалларда намойиш этилаётган, минглаб видеокассета, лазер дисклари воситасида тарқатилаётган жангари фильмларнинг асосий ғояси шундай телеканалларда тасодифий олинган бир кунда намойиш қилинган фильмларда 160 та муштлашув, 202 та қотиллик, 6 та ўғрилик, 10 та зўрлаш, 66 та ичкиликбозлик саҳналари учрайди.

Негатив воқеаларга бой китобларнинг тарқатилаётгани ҳам бундан кам эмас. Масалан, Евгений Сазоновнинг етти китобдан иборат "Мен қонундаги ўғри" деб аталмиш романининг лейт-мотивини "адолат ўғрилар қўлида" деган фикр ташкил этади. Бундай фильм ва романлар жиноятчилик ва ахлоқсизликни тарғиб қилади, холос.

4. Умумэътироф этилган нормаларга тўғри келмайдиган рекламалар миқдорининг ошиб бораётгани ҳам йигит ва қизлар жисмоний ва руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Ачинарлиси шундаки, турли маҳсулотлар рекламаси (айтайлик, "Баунти" конфети, "Спрайт", "Кола" ичимликлари рекламаси), мутлақо ахлоқсиз принципларга асосланади. Рекламалар узайиш частотаси, шовқин-сурони метиндек соғлиқни ҳам емириб юбориши ҳеч гап эмас.

"Жаҳондаги информацион баланснинг ривожланган мамлакатлар фойдасига ўзгараётгани, глобал компьютер тармоқларининг шитоб билан ривожланаётгани ушбу воситаларнинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Масалан, ҳозирги даврда сунъий йўлдош ахборот узатишнинг энг қулай ва самарали воситаси бўлиб қолди. Аммо у қулай бўлса-да, "чўнтак-боб" эмас: жуда катта маблағ талаб этадиган сунъий йўлдошга ҳамма давлат ҳам эгалик қилолмайди. Шу боис фазодаги сунъий йўлдошлар бир нечтагина давлатга қарашли: АҚШ (30 та), Япония (21 та), Россия (12 та), Хитой (9 та), Ҳиндистон (9 та)" [4. -Б.6-7]

Хуллас, ахборот узатишнинг асосий воситаси ривожланган мамлакатлар қўлида тўпланмоқда. Натижада бу мамлакатлардаги айрим сиёсий кучлар юқорида баён этилган воситалар ёрдамида жаҳон ёшларининг онги ва фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

"Компьютерлар борасидаги рақамлар ҳам шундан далолат беради. Айтайлик, Сан-Маринода ҳар минг кишига 727, АҚШда 554 компьютер тўғри келади. Россияда бу кўрсаткич бор-йўғи 43 ни ташкил этади. Африкадаги аҳволни-ку қўя туринг. Бу ҳол ҳам яна ўша оқибатга олиб келмоқда. Жаҳон ахборот бозоридаги ахборотлар, кўрсатувлар, эшиттиришлар, рекламаларнинг аксарият қисми ривожланаётган мамлакатлар улушига тўғри келмоқда. Боз устига, тарқатилаётган маълумотлар ва ахборотларнинг катта қисмида зиғирдек ҳам ахлоқ йўқ. Масалан, "Рамблер" ахборот излаш системасида жами 317537 та порнографик сайт бўлиб, уларда 8029267 та материал тўпланган. Ўзбекистонда ҳам Интернетдан фойдаланувчилар сони тобора ўсмоқда. Маълумотларга кўра 1999 йил охирида Ўзбекистонда интернетдан

фойдаланувчилар сони 80 минг кишидан ошмаганди, шундан мунтазам шуғулланувчилар (ҳафтасига камида 1 марта) 30 минг киши эди. 2003 йилнинг 1 январидан мамлакатда 275 мингта, 1 августда 353,1 мингта, 1 октябрда 407,5 мингта интернетдан фойдаланувчилар қайд қилинган. Буларнинг 80% ни эса ёшлар ташкил қилади" [4. -Б.6-7] .

Ёшларда жозибали кўнгилочар нарсалар ва зарарли ғояларга, яъни "бегона маданиятга" берилувчанлик ўта кучли. "Бегона маданиятга" меҳр қўйиш эса маънавий манқуртликка олиб келади. Шу боисдан ҳам ҳар қандай мамлакатда ўз келажаги ҳисобланган ёшларни асраб-авайлашга, бегона қадриятлар, руҳият ва ғоялар таъсиридан сақлаб қолишга алоҳида эътибор берилади.

Ёшларни информацион хуружлардан асрашнинг бугунги кунда ҳам педагогик, ҳам психологик жиҳатдан кўплаб восита ва методлари ишлаб чиқилмоқда. Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2124-сонли Қарори мамлакатимизда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини англаш масалаларига эътибор қаратилаётганлигининг ёрқин исботидир.

Ушбу вазифаларни юқори даражада ҳал этиш мақсадида таълим муассасаси раҳбариятидан бошлаб ўқитувчилар (психологлар, етакчилар)гача компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технология тизимининг мазмун-моҳиятини ўргатувчи доимий харакатдаги ўқув-семинарларини ташкил этиб келинаётганлигини эътироф этиш лозим.

Шу билан бир қаторда педагог ходимлар учун тажриба алмашиш, малака ошириш, муҳими, ўз фани доирасидаги энг сўнгги жаҳон янгиликларини билиб боришни таъминловчи жаҳон ахборот тизимидан эркин фойдалана билиши – замонавий мактаб ўқитувчиси учун зарурлиги, жаҳон таълимий ахборот тизимини интернет тармоғи орқали мунтазам таҳлил этиб бориш, уларнинг кундалик дарсга тайёрланиш машғулотлари қаторида туриши лозим.

Мустақил фикрлаш, ижодкорлик ва интеллектни ривожлантирувчи компьютер техникасига асосланган таълим усулларини кенг қўллаш сифатли ва самарали таълим беришнинг истиқболли йўли эканлиги педагогик амалиётда тасдиқланган.

Педагогларнинг хулосасига кўра, инсоннинг қандай шахс бўлиб етишиши 15% ирсиятга, 40% муҳитга, 45 % тарбиянинг таъсирига боғлиқ бўлар экан. Сиёсатшунос олим Қ.Қуранбоевнинг таъкидлашича: "... фарзанд тарбиясини тўғри амалга ошириш учун ота-она оилада соғлом муҳит яратиши зарур. Ота-оналар ўз фарзандларига ҳар томонлама ўрнак бўлишлари катта аҳамиятга эгадир.

Шукроналикни узлуксиз ва узвий амалга оширишда оила тарбиясини мактаб таълимига узвий боғлаш жуда зарур. Оилада олинган илк тарбиявий сабоқлар мактабда фанлар мазмунида чуқурроқ мустаҳкамлаб борилади. Оила, мактаб, маҳаллада барқарорлашган юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар теран тафаккурли баркамол шахсни камолга етказади" [3. -Б.5].

Узлуксиз таълим тизимини илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, педагогик жамоада таълим инновацияларини излаш, уларни қўллаш натижасида таълим самарадорлигини ошишига эришаётган таълим муассасаларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, янги педагогик технологиялар тизимини яратиш ва ундан самарали фойдаланишнинг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаси жамоасида ижодий муҳит яратиш, педагог ходимлар орасида ташаббускорлик ва янгиликка бўлган қизиқишни орттириш;

таълим соҳасидаги ижодкорлик, янгиликларни қабул қилиш ва кенг ёйиш учун ижтимоий-иқтисодий шароит яратиш;

ўқитувчиларнинг изланувчанлик фаолиятларини рағбатлан-тириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмини ишлаб чиқиш;

таълим соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни ўқитиш тизимига жорий этиш, тўпланган янгилик ва тажрибаларни таълим жараёнига сингдириш.

Таълим бериш маҳорати, яъни ўқитиш усулини тўғри танлаш, ўқувчиларни дарсга қизиқтириш ва фаоллаштириш, эгаллаган билимларини кўникмага айлантириш, ҳақиқий педагогик жараённи шакллантириш, ўқувчини мустақил ишлаш ва ижодий фикрлашга йўналтириш, у билан дўстона мулоқотни таъминлаш, оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ривожлантириш, ўқув фаолиятини адолатли баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ўтиладиган ҳар бир мавзунинг таълим мақсадига мослиги, ўқув предметлариаро ҳамда мавзулараро алоқадорликни таъминлаш, ўқув материалларини интеграллашган ҳолда ўқувчиларга тақдим этиш имкониятлари, ўқувчининг эркин фикрлаши, муҳокама-мунозараларда ўзаро ҳурмат асосида киришишини таъминлаш, уларни фаоллаштириш, ижодий изланишларга йўналтириш, яратувчанликка ундаш, тарбиялай олиш маҳорати, яъни ўз фикрини мустақил баён қила олишга рағбатлантириш, ўз фикрини исботлаш ҳамда ўзининг нуқтаи-назарига бошқаларни ишонтира олиш сифатларини таркиб топтириш зарур.

Ўқитувчининг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар қуйидаги омиллар билан боғлиқ ҳолда изоҳланади:

ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг руҳий-педагогик қўллаб-қувватланиши;

ўқитувчининг психологик-педагогик тайёргарлиги;

ўз фанини чуқур билиши, касбий омилкорлиги;

илғор педагогик ва ахборот технологияларини билиши;

компьютер билан ишлай олиши;

касбий ахборот манбалари сифатида илмий-услубий адабиётлар билан танишиб бориши;

таълим тизимида амал қиладиган меъёрий ҳужжатларни билиши.

Педагогик технологиянинг марказий вазифаси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборатдир. Педагогик технологияни танлаш дарс ва тўгарак машғулотларида қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғлиқдир.

Таълим жараёнининг дидактик таркиби қуйидаги педагогик технологияларни ажратиш имконини беради: а) муайян ўқув– тарбия мақсадларини бажаришга асос бўладиган омилларни яратишга асосланган педагогик технология; б) фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология.

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида ўқувчи фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб боришни кўзда тутади. Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки амалий машғулот (ёки тўгарак машғулотлари) фаолиятига жалб қилиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижани кўзламаган топшириқлар машғулотнинг самарасиз якунланишига олиб келади.

Педагогик муносабатнинг таркибий қисми бўлган мулоқот (коммуникатив фаолият) ни қуйидаги шакл асосида самарали ташкил этиш мумкин: педагогик жараённи лойиҳалаштириш, ўқувчилар гуруҳи билан мулоқотга киришиш, бевосита мулоқот (коммуникатив ҳамкорлик)ни ташкил этиш, ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқотни бошқариш, кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш давомида мулоқот тизимини лойиҳалаштириш.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш ҳисобига, таълим жараёнининг рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммонинг ечими бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланиши билан боғлиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Джураев Р.Х, Толипов Ў.Қ. Педагогик атамалар луғати. - Т., 2008.
Қуранбоев Қ.Қ. Шукроналик – маънавият тарғиботининг узвий жиҳати. Респ.илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: Нишон ношир, 2014.
Қосимова З.Х. Ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишнинг психологик-педагогик масалалари. Т.: “Касб-ҳунар таълими” журнали (2009. №1)

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИ КЕСИМИДА

Салимов Маҳмуджон Абдуҳалилович
Фарғона давлат университети
мустақил тадқиқотчи

***Аннотация:*** *Мақолада илғор хорижий мамлакатларнинг умумтаълим мактаблари учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизими қиёсий тахлил этилган. Ушбу тажрибаларни Ўзбекистон манфаатлари кесимида экстраполяция қилиш имкониятлари кўриб чиқилиб, зарур таклифлар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *умумтаълим мактаблари, педагог кадрлар, хориж тажрибаси, таълим самарадорлиги.*

## ОПЫТ ПЕРЕДОВЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ОБЛАСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ В ИНТЕРЕСАХ УЗБЕКИСТАНА

Салимов Махмуджон Абдухалилович
Ферганский государственный университет
независимий соискатель

***Аннотация:*** *В статье представлен сравнительный анализ системы подготовки квалифицированных педагогических кадров для общеобразовательных школ передовых зарубежных стран. Были рассмотрены возможности экстраполяции этого опыта в интересах Узбекистана и выработаны необходимые предложения.*

***Ключевые слова:*** *общеобразовательные школы, педагогические кадры, зарубежный опыт, эффективность образования.*

## EXPERIENCE OF LEADING FOREIGN COUNTRIES IN PROVIDING QUALIFIED TEACHING STAFF OF SECONDARY SCHOOLS IN THE INTERESTS OF UZBEKISTAN

Salimov Mahmudjon Abduhalilovich
Ferghana State University
independence researcher

**Annotation:** The article presents a comparative analysis of the system of training qualified teachers for secondary schools in advanced foreign countries. The possibilities of extrapolating this experience in the interests of Uzbekistan were considered and the necessary proposals were developed.

**Keywords:** general education schools, teaching staff, foreign experience, educational efficiency.

Маълумки, умумтаълим мактабларидаги ўқитиш сифати, ўқитувчилар тайёрлаш тизими самарадорлиги ва уларнинг узлуксиз малакасини оширишга бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда умумтаълим мактабларини педагог кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириб боришни Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва бошқа вазирлик ва тузилмалар амалга оширади.

Шу ўринда, бугунги кунда, мазкур соҳадаги долзарб масалалардан бири, таълим тизимлари халқаро даражада барқарор муваффақиятларга эришган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, улар асосида эса – Ўзбекистон таълими шароитида мақбул бўлган аниқ амалий ҳаракатларни шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистонда умумтаълим мактабларидаги педагогик таълим билан боғлиқ асосий муаммолардан бири, мактабдаги реал амалиёт ва университетлардаги ўқув дастурларининг заиф алоқаси бўлиб, бу ўз навбатида, ёш ўқитувчиларнинг етарли билим ва касбий муваффақият учун кўникма ва услубий воситаларга эга бўлмаслигига олиб келмоқда.

Финляндия ва Сингапурдаги таълим тизимларини ривожлантириш тажрибаларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, бизга, Ўзбекистон олий педагогик таълими шароитида мақбул бўлган соҳаларни аниқлаш ва қатор стратегияларни шакллантириш имконини беради. Ушбу тажрибаларни бир неча йўналишларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи йўналиш, мамлакатдаги ўқитувчилик касбининг ҳолати бўлиб, Финляндияда ўқитувчилик касби энг обрўли касблардан бири ҳисобланади. Бу ерда, педагогика йўналишида олийгоҳга кириш қийин ҳамда ушбу касбнинг мавқеини ошириш мақсадида, барча ўқитувчилар магистр даражасига эга бўлиши шартлиги, шунингдек, амалиётни ўқитувчи тайёрлаш тизимига сингдириш каби талаблар қўйилган[4].

Педагогика йўналишидаги барча олийгоҳлар талабалари умумий ўрта таълим мактабларида дастлабки ўқув амалиётини ўтайдилар. Бу талабалар ўқув дастурининг мазмуни ва мактаб ўқув жараёнлари ўртасида яқин алоқани таъминлайди ва факултетларга мактабларда олиб борилган кузатишлар асосида ўз дастурларини мослаштириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Сингапурда эса барча ўқитувчилар ҳукумат ходимлари ҳисобланади. Ички имкониятларга қараб, ҳар бир мактаб Таълим вазирлигига ўз ривожланиш дастурини тақдим этади. Дастур вазирлик томонидан тасдиқлангандан сўнг мактабга ўз йўналиши бўйича қўшимча ресурслар берилади ва танланган соҳада энг яхши амалиётларни ишлаб чиқиш марказига айланади[1].

Иккинчи йўналиш олийгохларни педагогика мутахассисликлари бўйича тамомлаётган талабаларни умумтаълим мактабларига ишга қабул қилиш бўйича танлов тизими ҳисобланиб, Финляндияда танлов босқичлари номзодлар билан бир қатор суҳбатларга асосланган.

Биринчи навбатда, битирувчини ушбу соҳани танлашга ундаган сабаблар, бўлажак касб ҳақидаги билимлари, сўнгра, ёш мутахассиснинг олий таълимни битирганидан сўнг мактабда ишлаш истаги бор ёки йўқлиги ўрганилади. Шунингдек, касбий мотивация, мулоқот кўникмалари, ҳиссий таъсирчанлик, мослашувчанлик ва бошқалар текширилади. Натижада битирувчиларнинг фақат 30 % га яқини бундай танловдан муваффақиятли ўтади ва биринчи уринишда иш билан таъминланади[4].

Сингапурда эса, дастлаб, номзоднинг резюмеси, ёш гуруҳларда ишлаш махорати, керакли соҳага мос бўлган педагогик билим мавжудлиги баҳоланади. Иккинчи босқичда тест орқали номзоднинг саводхонлиги баҳоланса, учинчи босқичда психологик ҳолати ва шахсий фазилатларини баҳолаш учун суҳбат ўтказилади. Ниҳоят сўнгги босқичда, касбдаги дастлабки қадамлар давомида стандартларга мувофиқлик баҳоланади. Ўртача олти номзоддан бири танловнинг барча босқичларини енгиб ўтишга муваффақ бўлади[2].

Учинчи йўналиш, педагогик таълим мазмуни ҳисобланиб, Финляндияда педагогика мутахассисликлари ўқув режасидаги фанлар 67 % назария, 33 % амалиётдан иборат.

Университетда ўқитишнинг асосий мақсади - талабаларни мактабда ўқитишда самарали метод ва ёндашувларни доимий равишда излаб топишлари учун ўз устида изланиш олиб боришга ўргатишдан иборат. Шу муносабат билан, таълим жараёнида, маъруза ва семинарлар билан бир қаторда, илмий тадқиқот билан шуғулланадиган талабаларнинг мустақил ишлари катта улушни эгаллайди.

Шундай қилиб, таълим амалиёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади ва мактаб педагогик талими устида жиддий тадқиқотлар олиб борилади.

Сингапур Миллий таълим институтида таълим инглиз ва америка таълим тизимларининг хусусиятларини бирлаштирадиган кредит-модул тизимига асосланган[3].

Бу ерда, ўқув дастурлари умумпедагогик фанлар, мулоқот кўникмалари, фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳоратни ривожлантириш кабиларни кўзда тутади. Мактаблардаги амалиёт дастурга қараб ўн ҳафтагача давом этади. Амалиёт давомида талабаларга мактабдан ҳам ва университетдан ҳам мураббий бириктирилади. Мазкур олийгоҳда, шунингдек, қўшимча таълим олиш имконияти ҳам яратилган бўлиб, унда талабалар уч гуруҳга бўлинади ва улар ўқитувчилик, мутахассислик, етакчилик каби курсларда ўқитилади.

Мактабга ўз фаолиятини бағишлашни истаганлар учун ўқитувчилик, таълим вазирлигида ишлашни истаганлар учун мутахассислик, методик комиссиялар раҳбари, бош ўқитувчи ёки мактаб раҳбари сифатида ўз фаолиятини давом эттиришни режалаштирганлар учун етакчилик курслари ташкил этилади[5].

Кўриниб турибдики, ҳар бир мамлакат халқ таълимини ривожлантириш стратегиясини танлашда ўзига хос маданий ва миллий хусусиятларини инобатга олган. Бироқ, миллий таълим тизимларининг муваффақиятли амалиётлари ҳам бир қатор универсал стратегияларга эгадир. Бундай ҳолатда ривожланган мамлакатларнинг ижобий таълим ютуқларини Ўзбекистон хусусиятларига мослаштирилиши ва экстраполяция қилиниши яхши самара бериши мумкин.

Хусусан, юқоридаги мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб юртимиз умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

3. мактаб ўқитувчиси сифатида ишлаш учун мажбурий бакалавриат;

4. ўқитувчиларни тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлигини янада ошириш;

5. касбий тайёргарликни мактаб талабларига мос даражага келтириш;

6. иш ҳақини тақсимлаш механизмини ўзгартириш(бошланғич даража, кейинчалик ўқитиш самарадорлиги ва қўшимча касбий тайёргарлик даражасига қараб рағбатлантириш) кабилардан фойдаланиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, мазкур ўзгаришлар педагогика мутахассисликлари битирувчиларининг ўқитувчилик касбига ва мактаб амалиётига изчил ва муваффақиятли мослашувига, шунингдек, мамлакатимизда умумтаълим мактабларини малакали ва ўз касбига фидоий педагог кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

3. Гришин М.Л. Современные тенденции развития образования в Азии. М.: Эксмо, – 352 с.

4. Goh Chor Boon, Gopinathan (2008) The development of education in Singapore since 1965/Toward a better future // Education and training for economic development in Singapore since 1965 / Lee Sing Kong, Goh Chor Boon, B. Fredriksen, Tan Jee Peng (eds). World Bank. P. 12–38.

5. Образование в Сингапуре. Официальный сайт: Образование за рубежом. : http://ru.globalstudygroup. com/1/8/323/obrazovanie-v-singapure.

6. Борытко Н.М. Педагог в пространствах современного воспитания: Монография. Волгоград: Перемена, 214 с.

7. Singapore Ministry of Education Press MOE Launches Third Masterplan for ICT in Education. URL: http://www.moe.gov. sg/media/press/moe-launches-third-masterplan.php

## SOG'LOM TURMUSH TARZI VATANPARVARLIK TARBIYASINING IJTIMOIY PEDAGOGIK ASOSLARI

Namangan davlat universiteti
Jismoniy tarbiya va sport fanlarini o'qtitish kafedrasi dotsenti
Boltaboyev Hamidullo Habibulloyevich
Namangan davlat universiteti magistranti
Bekmirzayev Mirjalol Husanboy o'g'li

***Annotatsiya:*** *Yoshlar xarbiy xizmatchilar, xarbiy bilim yurtlarining o'quvchi ongiga Vatanga muxabba tuyg'usini singdrish, shu asosda insonparvarlik va xarbiy vatanaparvarlik ruxida tarbiyalash pedagogik, ijtimoiy pedagogika hamda jismoniy tarbiya darslari fanlarining o'ziga xos xususiyatidir. Bu borada shubxasiz, fikr qilingan tarbiya soxasida oid mumtoz fikrlar hamda xozirgi zamon pedagogik qarashlar rang barangligi ahamiyat kasb etadi.*

***Kalit so'zlar:*** *Ofittser-komondir, yuksak ma'naviy, mafkuraviy, axloqiy, estetik qadriyat, jismoniy tarbiya darslarida xarbiy vatanparvarliy tarbiyasining shakl va metodlari.*

# СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПАТРИОТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ

Болтабоев Хамидулло Хабибуллоевич доцент кафедры
преподавания физического воспитания и спортивных предметов
Наманганского Государственного университета
Бекмирзаев Миржалол Хусанбой угли

***Аннотация:*** *Отличительными особенностями воспитания в молодёжи, военнослужащих, учащихся военных учебных заведений на уроках педагогики, социальной педагогики, а также физической культуры является привитие в их сознании чувства любви к Родине и на основе этого воспитания на принципах гуманизма и в духе военного патриотизма. В связи с этим, несомненно, изложенные соответствующие классические идеи в области воспитания, а также разнообразие современных педагогических взглядов имеют особенный смысл.*

***Ключевые слова:*** *Офицер-командир, высоко-духовный, идеологический, моральный, эстетическая ценность, Формы и методы военно-патриотического воспитания на уроках физической культуры*

# THE SOCIAL-PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF UPBRINGING OF HEALTH LIFESTYLE AND PATRIOTISM

Namangan state university
Department of physical education associate professor
Boltaboyev habibullo Habibulloyevich
Namangan state university M.Ed
Bekmirzayev Mirjalol Husanboy O‘g’li

***Annotation:*** *The special feature of the pedagogical physical education lessons and social pedagogy is in bringing up youth military men under the notion of national military patriotism and growing this notion in their hearts.In this field,the colorfulness of the modern ideas which are relative to thought types of upbringing play a special role.*

***Keywords:*** *officer-commander, moral values, esthetic, tradition, statesmanship, the forms of and methods of military-patriotic upbringing in the PE lessons.*

Bugungi eng asosiy vazifalardan biri mustaqillikni mustahkamlash, yosh avlodda vatanparvarlik, milliy g’urur, milliy iftixor ruhini shakllantirish ularni o‘z ona-Vatani, uning boy tarixi, madaniyati, merosi, buyuk kelajagi bilan faxrlanish ruhida tarbiyalashdan iborat.

O‘zbekiston siyosiy mustaqillikni qo‘lga kiritish bilan jamiyatimizning barcha jabhalarida bo‘lgani singari Qurolli Kuchlarimiz faoliyatida ham katta o‘zgarishlar yuz beryapti. Davlatimiz mudofasini yetarli darajada himoya qilishga qodir bo‘lgan armiyani yetuk ofittser-komondirlarsiz tasavvur qilish qiyin. Zero mamlakatimiz qurolli kuchlari mustaqilligimizning kafolati va asosiy timsollaridan biridir[4].

Mamlakatimizdagi mavjud oliy harbiy bilim yurtlari shunday mutaxassislarni yetkazib berishga ihtisoslashgan bo‘lib, ularda tahsil olayotgan kursantlar tarkibi umumta’limiy maktablari, akademik littsey va kasb-hunar kollejlari bitiruvchilari, shuningdek, muddatli harbiy xizmatni o‘tagan yoshlar hisobidan to‘ldiriladi [1,3].

Shu ma’noda aholining harbiy xizmatga bo‘lgan munosabatini aniqlash muhum ijtimoiy-pedagogik ahamiyat kasb etadi. Aynan shu maqsadda o‘tkazilgan so‘rov natijalari o‘ziga xos harakterga ega. Masalan, o‘tkazilgan ijtimoiy so‘rovlarda qatnashgan xotin-qizlarning asosiy qismi, ya’ni 78% o‘z farzandlarining qurolli kuchlar safida harbiy xizmatni o‘tashlari tarafdori.

Bu kasb boshqa kasblarga qaraganda o‘zining murakkabligi hamda uni egallashni istovchilar oldiga qo‘yiladigan talablarning turli xilligi bilan ajrarilib turadi. Ofittserlar kasbi o‘z mohiyatiga ko‘ra insondan harbiy texnika, qurol-yarog’lar va shaxsiy tarkib, harbiy xizmatchilar bilan birday yuksak darajada ishlay olishini taqazo qiladi.

Bu soha vakillari jismonan va ruhan sog’lom, aqlan yetuk bo‘lishlari, ma’naviy jihatdan esa nafaqat o‘z kasblariga va burchlariga sadoqatli, balki yuksak yurtparvarlik hamda xalqparqarlik sifatlariga ham ega bo‘lishlari zarur. Shu o‘rinda ofittserlik kasbini tanlashga olib keluvchi motivlar haqida so‘z yuritish maqsadga muvofiqdir. Shuning uchun ham o‘quvchi-yoshlarni kasblarga to‘g’ri yo‘naltirish umumta’lim maktablarining asosiy vazifalaridan biri bo‘lishi lozim.

Qaxramonlarimizning Vatan taqdiri uchun olib borgan mardona kurashlari, ona-Vatan ozodligi yo‘lida ko‘rsatgan jasoratlari bo‘lajak xarbiy mutaxassislarda o‘z yurti, uning ozodligi uchun kurashgan ajdodlaridan faxrlanish, ularda vatanparvarlik xissini tarbiyalash omili jismoniy tarbiya darslarida keng qo‘llanilmoqda[2,5].

Jismoniy tarbiya darslarida yoshlarni xarbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalash uchun ular zimmasiga quyidagi vazifalar qo‘yiladi.

1. O‘zbekistonning kelajagiga umid bilan qarash, uning yuksalishiga fidokorona xizmat qilish uchun jismoniy sog’lomlikka erishish.
2. Mustaqil Vatanimiz xavfsizligi uchun o‘zlarini shaxsan javobgar sezish.
3. Vatanparvar – degan yuksak nomni iftixor bilan oqlash.
4. O‘z kuchiga ishonch, harbiy bilim mahoratini uzluksiz takomillashtirib borish.
5. Jismoniy tarbiya darslarida jismoniy mashqlarni bajarishga butun kuch g’ayrati bilan harakat qilish, harbiy xizmat qiyinchiliklarini xis qilish.
6. Harbiy siyosiy sharoitni zukkolik bilan baholash va har qanday sharoitda harbiy xizmatga shay turish.
7. Mamlakatimizning mo‘qaddas ramzlari bo‘lmish Davlat gerbi, Davlat madhiyasini qadrlash.
8. Jismoniy tarbiya darslarida o‘z xohish – irodasi bilan har qanday jismoniy mashqlarga bardosh bera olish.
9. Jismoniy tarbiya darslarida harbiy xizmatning boshlang’ich davrida askarga qo‘yilgan talablarini bajara olish malakalarini shakllantirish.
10. Yuqori darajada tarbiyalanganlik, bajaruvchanlik, javobgarlik qobilyatlarini shakllantirish.

11. Jismoniy tarbiya darslarida boshlang'ich harbiy tayyorgarlik darajasini oshirib borish.

Yoshlarga jismoniy darslarda yuqorida sanab o'tilgan sifatlarni tarbiyalash o'z navbatida muayyan pedagogik tizim, tarbiyaviy tadbirlar kompleksini ishlab chiqarishni talab etadi. Bu tizimni samarali ishlashida pedagoglar zimmasiga alohida mas'ulyat yuklatiladi [7,8].

**Hususan:** Yoshlarda O'zbekiston Qurolli kuchlarga nisbatan sadoqat va hurmat ruhini tarbiyalash; yoshlarda O'zbekiston Respublikasini himoya qilishga doimiy tayyorgarlikni shakllantirish; yoshlar tarbiyasida zarur bo'lgan ruhiy, ma'naviy, axloqiy va psixologik xususiyatlarini e'tiborga olish; yoshlarni xarbiy va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, harbiy-kasbiy, xuquqiy, axloqiy, ma'naviy-estetik, jismoniy tarbiyaning ahamiyatini ongli his etgan xolda faoliyat ko'rsatishga o'rganish; yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini tarbiyalash ularni «Vatan» tushunchasining ma'nosini teran anglab yetishga o'rgatish; ularga «Vatanparvarlik» yuksak ma'naviy, mafkuraviy, axloqiy, estetik qadriyat ekanligini tushuntirish; xalqimizning moddiy, ma'naviy merosini asrab avaylash va kelajak avlodga yetkazish; ularga to'g'ri munosabatda bo'lish tuyg'ularni shakllantirish; ajdodlarga, ular qoldirgan moddiy va madaniy, ma'naviy va ma'rifiy meroslarini davom ettirishi, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat hissini uyg'otish; yoshlarda Vatanning har bir qarichi, uning moddiy va ma'naviy boyliklarini ko'z qorachigidek saqlash tuyg'usini uyg'otish va boshqalar[1,8].

Bu vazifalarni hal qilish uchun mas'ul rahbarlar fan o'qituvchilari, harbiy tarbiyachilar o'z faoliyatlarini dars jarayonida, darsdan tashqari, jimoniy tarbiya darslaridan tashqari o'tkaziladigan tarbiyaviy tadbirlar davomida amalga oshiriladi.

Bir so'z bilan aytganda, yoshlarda to'g'ri so'zlik jasurlik, harbiy do'stonalik qat'iyatlik, qahramonlik ko'rsata olish, o'quv-tarbiyaviy kompleksning tashkil etadi. Jismoniy tarbiya darslari harbiy xizmatning tarkibiy qismi bo'lib, uning samarali yo'lga qo'yilishi xizmatga chaqiruvchilarga harbiy bilim asoslarini berish, shuningdek, ularni harbiy intizom va unga rioya etish shartlari bilan tanishtirish imkonini beradi[1].

Yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirish borasidagi ommaviy axborot vositalarining ahamiyati katta. Zero, ularning sahifalarida berilayotgan ma'lumotlar yoshlarning harbiy faoliyat borasidagi nazariy va amaliy bilimlarida foydalanish, shubxasiz, yoshlar, kabi vatanparvarlik tuyg'usining shakllanishiga zamin yaratadi.

O'tkazilgan tajriba natijalarning yakuniy ballari qo'yidagi jadvalda aks ettirilgan.

*1-jadval*


| № | Omillar | Yo'qori | O'rta | Past |
|---|---|---|---|---|
| 7. | Baxo | 63,8 | 30,2 | 6 |
| 8. | Faollik | 49,2 | 39,8 | 10,8 |
| 9. | Tartiblilik | 61,6 | 33,6 | 4,8 |
| 10. | Murakkablilik | 56,2 | 35,7 | 8 |
| 11. | Kuchlilik | 55,1 | 37,7 | 7,2 |
| 12. | Qulaylik | 51,4 | 36,5 | 12,1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 13. | Oddiylik | 61,8 | 29,4 | 8,8 |
| | **Jami** | **399,1** | **242,9** | **57,7** |

Harbiy vatanparvarlikning mavjud 7 omillari bo‘yicha sifatlarni konnotativ ahamiyatiga sinaluvchilar tomonidan berilgan ballar shuni ko‘rsatadiki, bu jarayon jismoniy tarbiya darslarida o‘quvchilarda 57,0% yo‘qori, 34,7 % o‘quvchida o‘rta va 8,3% o‘quvchida past darajada shakllanganligi aniqlandi.

Bu natijalar bugungi kun talablariga to‘la javob berolmaydi. Buning o‘ziga xos sabablaridan biri jamiyatimizda eski tuzimdan meros bo‘lgan salbiy munosabatlarda yoshlar ongiga milliy istiqlol mafkurasi g’oyalari yetarli darajada mustahkam singdirilmaganligidir.

**Jismoniy tarbiya darslarida xarbiy vatanparvarliy tarbiyasining shakl va metodlari.**




O‘quvchi yoshlarimizning harbiy xayotga yaxshiroq tayyorlash maqsadida yaqin o‘rtadagi harbiy qism yoki harbiy o‘quv muassasalariga sayohat, ekskursiya uyushtirish o‘quvchilarni harbiy xizmatchilarning hayotini va faoliyati bilan yaqindan tanishtirish maqsadga muvofiq. Agar, imkonini topib, bunday muassasalarda o‘quvchiar ishtirikidagi bir necha kunlik harbiy o‘quv yig’inlari tashkil etilsa yana ham yaxshiroq bo‘lar edi. Bunday tadbirlar o‘quvchilardagi kasbiy tasavvurlarning kengayishiga va ohir oqbatda ularning ofitserlarning kasbining to‘g’ri tanlashlariga olib keladi[1,7].

Maktab kutubxonalari xozirgi vaqtda davlat tilida nashr etilgan va harbiy faoliyatga oid bo‘lgan “Harbiy tipografiya”, harbiy psixologiyi, xarbiy pedogogika kabi ko‘plab o‘quv adabiyotlari shuningdek, “Umum harbiy nizomlar”, harbiy vatanparvarlik mavzusidagi nashrlar bilan ta’minlashi zarur. Bu omil o‘quvchi – yoshlarning harbiy kasblarga yo‘naltirishda alohida ahamiyat kasb etadi.

Jahon hamjamiyatiga tezkor kirib borayotgan respublikamizda boshqa sohalar bilan birga jismoniy tarbiya va sportga ham alohida e'tibor berilmoqda. Buning ijtimoiy – iqtisodiy, shaxsiy va pedagogik jixatlari mavjud.

Ijtimoiy – iqtisodiy tomoni shundaki, mamlakat kelajagi uning taraqqiyoti xavfsizligi yoshlar bilan chambarchas bog'liqdir. Bu esa o'z navbatida yoshlarni sog'lom va jismoniy baquvvat qilib tarbiyalashni muammo sifatida jamiyat va fan oldiga qo'yadi. Yoshlarni jismoniy jihatdan vatan himoyasiga tayyorlash ham dalzarb muammo. Jamiyat har qanday faoliyatga ma'lum talablar qo'yadi. Kasbiy faoliyat ma'lum ishni bajarish uchun zarur bo'lgan ko'nikma va malakalarni o'z ichiga oladi[6,9]..

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati**

1. Abdullayev A., Xonkeldiyev Sh.X. Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi. –Farg'ona: 2001. - 279 b.
2. Arslonova M.A. Ta'lim jarayonida harakatli o'yinlardan foydalanish. Ped.fan.nom. diss.... Avtoref. –Toshkent: 2009. -22 b
3. Barkamol avlod orzusi. / Tuzuvchilar: Qurbonov Sh., Saidov X., Ahliddinov R. – Toshkent: Sharq, 1998. -184 b.
4. Ismoilov T. Boshlang'ich sinflarda jismoniy tarbiya sog'lomlashtirish tadbirlari. // Uzluksiz ta'lim tizimi asosida jismoniy tarbiyaning uzviyligi va pedagogik kadrlarni tayyorlash muammolari: Respublika ilmiy-nazariy va amaliy anjuman materiallari. – Toshkent: 2008. - B.198-199.
5. Usmonxo'jaev T.S. Maktabda jismoniy tarbiya darslari. Fan-sportga. – Toshkent: 1998. №1, 42-44 b.
6. Safo Ochil, Redjaboev A.D. Tarixiy va xarbiy an'analarning yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashdagi roli va ahamiyati.
7. Redjaboyev A., Karimov A. Harbiy xizmatga chaqiruv yoshidagilar xarbiy-kasb yo'nalishi olishlarining dalzarb muammolari.
8. Akmalov A., Redjaboyev A. Milliy mafkura: Vatan himoyasi. Milliy istiqlol g'oyasi targ'ibotining ilmiy asoslari. Resp. ilm. amal. konf. mat. Toshkent, 2002.
9. Radjaboyev A.D. Yoshlarni milliy istiqlol g'oyasi asosida harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning pedagogik omillari, vositalari va tamoyillari. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi talablari asosida harbiy xizmatchilarni kasbiy tayyorgarligi va g'oyaviy tarbiyasining dalzarb muammolari. Resp. ilm. naz. anj. mat. Toshkent. 2003 yil, 10-dekabr.

## ҚЎШМА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАЛАРИНИ БЕНЧМАРКИНГ МЕТОДИ АСОСИДА ЎРГАНИШ

*Лутфуллаев Пўлатхон Мухибуллаевич*
Наманган давлат университети
Педагогика фанлари бўйича PhD

***Аннотация:*** *Мақолада қўшма таълим дастурларини ташкил этиш тажрибаларини бенчмаркинг методи асосида ўрганиш таклиф этилган. Бенчмаркинг жараёнини амалга ошириш босқичлари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *қўшма таълим дастури, бенчмаркинг, илғор тажрибалар.*

# ИЗУЧЕНИЕ ОПЫТА ОРГАНИЗАЦИИ СОВМЕСТНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОГРАММ НА ОСНОВЕ МЕТОДА БЕНЧМАРКИНГА

*Лутфуллаев Пўлатхон Мухибуллаевич*
Наманган давлат университети
Педагогика фанлари бўйича PhD

***Аннотация:*** *В статье предлагается изучить опыт организации совместных образовательных программ на основе метода бенчмаркинга. Рассмотрены этапы проведения процесса бенчмарикинга.*

***Ключевые слова:*** *совместная учебная программа, бенчмаркинг, передовой опыт.*

# LEARNING THE DUAL DEGREE PROGRAM'S BEST PRACTICES THROUGH THE METHOD OF BENCHMARKING

Lutfullayev Pulatkhon Mukhibullayevich
Namangan State University
PhD in pedagogical sciences

***Annotation:*** *In this article offered to learn the dual degree program's best practices through the method of benchmarking. The steps of implementation the benchmarking process is highlighted.*

***Key words:*** *Dual degree program ўшма таълим дастури, бенчмаркинг, илғор тажрибалар.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК,-3775-сонли карорида белгиланган вазифалар ижросини бажаришда ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида ўқув жараёни сифатини ошириш масаласи янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарорда белгиланганидек ҳозирги кунда бир қатор олий таълим муассасаларида хорижий мамлакатлардаги нуфузли олийгоҳлар билан қўшма таълим дастурлари ташкил этилди, талабалар ўқишга қабул қилинди, машғулотлар ўтказилмоқда.

Қўшма таълим дастурларини ташкил этишдан асосий мақсад, икки ёки ундан кўп бўлган ҳамкор давлатларнинг меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, уларни юқори малакали ва иш жараёнига мослашувчанлигининг ошишига эришиш, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш секторларида кадрларга бўлган янгича эҳтиёжларни қондиришдир.

Лекин, қўшма таълим дастурларини ташкил этишнинг ўзига хос муаммо ва мутаносибликлари мавжуд. Қўшма таълим дастурларида юзага келадиган масалаларга, икки-томонлама шартномаларнинг тузилиши, таълим олиш учун тўлов шартлари, икки томонлама ўқитувчи ва талабаларнинг сафарбарлиги, ўқув дастурлари ва ўқув режаларининг фарқлари, баҳолаш тизимлари борасидаги келишувлар каби компонентларни келтириш мумкин. Бу компонентлар бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш учун бенчмаркинг методини таклиф этамиз.

Аксарият адабиётларда шундай таърифлар берилади: «Бенчмаркинг бу қиёслаш, бир-биридан ўрганиш ва шу йўсинда муассасанинг заиф томонлари ва муаммоли аспектларини ҳамкорликда яхшилаш демакдир». Бенчмаркинг методидан фойдаланаётган ҳар бир университет раҳбарияти ўзи танлаган ҳамкори ўзига мос ва турдош фаолият юритаётган бўлиши лозим. Бенчмаркинг мақсад ва мазмунига кўра бир қанча турларга бўлинади. Улар:

- Старатегик бенчмаркинг
- Рақобат бенчмаркинг
- Жараён бенчмаркинги
- Муаммога қаратилган бенмаркинг
- Ички бенчмаркинг
- Глобал бенчмаркинг

Қўшма дастурларни ташкил этишда эса асосан жараён бенчмаркингини (process benchmarking) қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки жараён бенчмаркингни қуйидаги каби саволларга жавоб топишга уриниш деб қаралади:

- бошқаларга нисбатан биз қандай бажаряпмиз?
- биз қанчалик яхши бўлишни хоҳлаймиз?
- ким яхшироқ бажармоқда?
- улар (яхшироқ бажараётганлар) бунга қандай эришмоқда?
- биз улар бажарган ишларни ўзимиз учун қандай мослаштира оламиз?
- энг яхши бажаришга эришсак-да, янада такомиллашишни узлуксиз давом эттира оламизми ?

Юқоридаги саволлар авваллари ОТМлар учун аҳамиятли эмас эди, лекин 1990 йиллардаги иқтисоддаги ўзгаришлар ташкилотларнинг сифат жиҳатдан ўсиб бориши «бир тўхтамда туриб қолиш» (status quo) билан қаноатланмай қолди, балки узлуксиз тарзда иш фаолиятини юқоридаги каби саволларга жавоб излаш асосида ташкил этиши муҳим бўлиб қолди.

1-жадвалда берилганидек бенчмаркинг турлари таҳлил этилганда, жараён бенчмаркинги бевосита иш фаолияти ва уни ташкил этишдаги тажрибаларни ўрганишга қаратилганлиги аён бўлди.

**1-жадвал. Бенчмаркинг турларининг таҳлили.**

| | Бенчмаркинг йўналиши | Механизми | Бенчмаркинг тури |
|---|---|---|---|
| 1 | Қўйилаётган мақсад даражаси, фаолиятни яхшилаш вазифаси | Стратегик аҳамиятга эга бўлган фаолият тури билан боғлиқ | Старатегик бенчмаркинг |
| | | ОТМ фаолиятидаги кўрсатгичларни солиштириш билан боғлиқ | Рақобат бенчмаркинг |
| 2 | Бенчмаркинг объекти | Жараён ва ушбу жараёнга билан боғлиқ барча аспектлар | Жараён бенчмаркинги |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | Аниқ муаммони ечимига қаратилган | Муаммога қаратилган бенмаркинг |
| 3 | Бенчмаркинг субъекти (парнёрлар) | Йирик ОТМлар ичидага факультет, кафедра ва бўлимлар ўртасида олиб борилади | Ички бенчмаркинг |
| | | Дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган ОТМлар ўртасида олиб борилади | Глобал бенчмаркинг |

Биз таклиф этаётган бенчмаркинг амалиёти Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида қўшма таълим дастурларини ташкил этиш ва уларни самарали амалга ошириш механизмлари бўйича ўзаро тажриба ўрганишга қаратилган. Тажрибаларни ўрганиш учун уларни аниқ компонентларга бўлиб оламиз. Қўшма таълим дастурларини ташкил этиш **компонентлар**и:

1. Икки томонлама шартномалар. Уларнинг ўзаро манфаатлилик даражаси, шаффофлиги, тушунарлилиги, қонунийлигиги.
2. Тўрт босқичли таълим даражаларининг қамрови (бакалавр, магистр, PhD, докторлик).
3. Таълим олиш учун тўлов шартлари,
4. Икки томонлама ўқитувчи ва талабаларнинг сафарбарлиги,
5. Ўқув дастурлари ва ўқув режаларининг фарқлари,
6. Баҳолаш тизимлари борасидаги келишувлар.

Юқоридаги компонентлар бўйича бенчмаринг амалиёти амалга оширилади. Ҳар бир компонентлардаги иш жараёни қиёсий таҳлил этилади ва фарқлар аниқланади. Камчиликларни бартараф этиш таклифлари ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этиш учун муҳокама этилади. Бенчмаркинг жараёнини амалга ошириш босқичларини қуйидагача кўринишга келтириш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал. Таклиф этилаётган бенчмаркинг босқичлари.**

Компонентлар бўйича олиб борилаётган иш фаолияти ҳолатини баҳолаш босқичи:
1. Ишчи гуруҳни аниқлаш
2. Компонентлар бўйича мавжуд ҳолатларнинг маълумотларини тайёрлаш
3. Талаба ва ўқитувчилар билан суҳбат ташкил этиш

↓

Компонентлар бўйича муаммолар ва ҳал қилиниши зарур масалаларни аниқлаш босқичи:
- Аъзолар ўртасида семинар тренинг ташкил этилади,
- Муаммолар, масалалар ва тўсиқлар таҳлил этилади,
- Хорижий тажрибалар таҳлил этилади,
- Ҳар бир иштирокчи ОТМдаги ҳолатлар қиёсий таҳлил этилади.

↓

Илғор тажрибаларни аниқлаш босқичи:
1. Илғор тажрибалар яъни “Бенчмарк”ларни аниқлаш ва уларни илғор эканлигини асослаш,
2. Хорижий манбаъларнинг таҳлили ва қиёсий натижаларини аниқлаш,
3. Барча иштирокчилар билан якуний хулосага келиш жараёни.

↓

Илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш босқичи
- Келишилган илғор тажрибаларни амалиётга қўллаш жараёнини олиб бориш,
- Иш жараёни бўйича семинар ташкил этиш.

↓

Жорий этилган тажрибаларни натижадорлиги ва таъсирчанлигини баҳолаш босқичи
- Ютуқ ва камчиликлар таҳлили,
- Эришилган ютуқларни давомийлигини таъминлаш,
- Камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.
- “Давомий яхшиланиш” (Continuous improvement) муҳитини яратиш.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қўшма дастурларда вужудга келаётган муаммолар, ўқув жараёнидаги масалалар, икки тиллилик масалалари, молиявий ва ташкилий ишларни олиб боришда олий таълим муассасалари ўртасида кучли ҳамкорлик ва ҳамфирклилик муҳити зарур. Бу масалаларни ўзаро ўрганиш мақсадида Эрасмус+ дастури доирасида европалик мутахассислар иштирокидаги бир қатор семинарлар (Technical assistance mission) ташкил этилмоқда (www.erasmusplus.uz). Бенчмаркинг амалиётини ишга солган ҳолда бир қатор олий таълим муассалари келишув асосида иш жараёнин ўзаро ўрганиб бориши қўшма дастурларни янада самарали ва мазмунли ташкил этишга муҳим туртки бўлади.

# ВАРВАРИЗМЛАРНИНГ ТИЛГА ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА НУТҚИЙ МУЛОҚОТ ВА ЛИСОНИЙ ОНГНИН ГРОЛИ

Ғофурова Мавлудахон Ботиржон қизи Қўқон давлат п едагогика институти, кафадраси ўқитувчиси

***Аннотация***: *Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмларнинг лингвокултурологик шарт-шароитлари, нутқий варваризмларнинг қўлланилиши ўрганилган.*

***Таянч сўзлар ва ибораларр***: *тил меъёри, дунёнинг лисоний тасвири, туризм, таҳлил, билим, когниция, концептуал.*

# РОЛЬ РЕЧЕВОГО ОБЎЕНИЯ И ЯЗЫКОВОГО СОЗНАНИЯ В ПРОЦЕССЕ ЯЗЫКОВЫХ ВАРВАРСТВ

Ғофурова Мавлудахон Ботиржон кизи, Кокандского Государственного педагогическово институт Преподаватель кафедры англизкого языка и литературы,

***Аннотация***: *В данний статье исследованы лингвокультурологические условия варварства в английском и узбексом языках, использование оральных варварств.*

***Ключевые слова***: *варваризм, иностранные слова, языковой стандарт, языковой образ мира,называя существо, реалность шаблоны слово образования,этимологическийанализзнание*

# THE ROLE OF VERBAL COMMUNICATION AND LANGUAGE CONSCIOUSNESS IN THE PROCESS OF LANGUAGE BARBARISM

Gofurova Mavluda Botirjon qizi lecturer, Kokand State Pedagogical Institute Chair of English language and literature,

***Annotation***: *The Present article deals with the problems of analyzing the lingvocultural conditions of borrowing and using the barbarisms. Barbarisms are foreign words and phrases borrowed from often words beyond the requirements of the language norm. The barbarisms are used in the language to denote objects which exist in the recipient language, but for some communicative reasons barbarisms are used instead of the words existing in the recipient language.*

***Key words***: *Barbarisms, foreign words, linguoculturalism language norm, linguistic picture of the world, purism, nomination, reality world, denotal, referent, word-building model, elimological analysis, knowledge, cognition, conceptual.*

Замонавий психолингвистика, коммуникация ва когнитив лингвистика учун когнитив онг тушунчаси таснифини ўрганиш долзарб масалалардан бири бўлмоқда. Онг тушунчаси замонавий фаннинг қийин таърифланадиган тушунчаларига кирсада, доимий равишда барча ижтимоий ва аниқ фанларнинг аксарият қисми томонидан фойдаланилади. Бу билан бирга фанда ханузгача тафаккур ва онг атамалари ўртасида аниқ чегараланиш мавжуд эмас. Бу тушунчалар, баъзан турлича

талқин қилиниб қарама – қарши маъноларда берилса, баъзан синонимлар сифатида ишлатилади. Онг бу миянинг ўзига хос хусусияти бўлиб, тафаккур эса онгга эга бўлган миянинг фаолиятидир (яъни тафаккур қилиш фикрлаш фаолиятидир). Айнан шу жиҳатдан биз тафаккур ва онг ўртасидаги, бу икки тушунча мавжудлиги сабабли улар ўртасидаги чегарани аниқлаб бериш имкониятига эга бўламиз. Қуйидаги изланишда биз диққат- эътиборимизни онгнинг тилга бўлган муносабатини ўрганишга қаратамиз. Фалсафий ва психологик адабиётларда онг юқори ташкил қилинган материя- ўз ичида ҳиссий ва ақлий қобилятларни жамлаган мия ҳусусияти (функсияси) сифатида белгиланади. Шу билан бир қаторда, онгнинг тафаккур тимсоллари инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолиятини аниқлаб беради, шахснинг атрофдаги табиат ва ижтимоий ҳақиқат билан ўзаро муносабатини тартибга солади, шахснинг мавжуд эканлигини, ички маънавий дунёсини англаб олишга имконият беради ва ижтимоий-амалий фаолият жараёнида воқеликни мукаммаллаштириш шароитини яратиб беради. Онг сўзи замонавий тилда кўп маъноли сўз ҳисобланади.

С.А. Кузнецов таҳрири остидаги “Рус тилининг изоҳли луғати”да онг сўзи қуйидагича изоҳланган:

1. Тафаккурда инсоннинг реалликни тасвирлаш қобиляти;

2. Инсонга хос бўлган атроф воқеликни англаш ва тафаккур этиш; фикрлаш фаолияти, ақл, идрок, воқеликни онгли равишда қабул қила олиш қобилияти (ҳушдан айрилиш ).

3. Инсон, бир гуруҳ инсонлар томонидан ижтимоий ҳаётни англаб етиш; ижтимоий табақа вакиллари сифатида инсонларнинг дунёқарашлари.

4. Бирор нарсани англаш, фикр, ҳиссиёт, ҳис қилиш (бурч ҳисси), аниқ англаш.

5. Сўзлашув нутқида онглилик ( Калланг қаерда эди ? ) [1]

Шуни тушуниш қийин эмаски, барча маънолар сўнгги маънони қўшган ҳолда ҳам онгни воқеликни акси сифатида кўрсатиб уни турли томондан очиб беради ҳолос. Бундай ҳолда кўп маънолик деган нарсани нисбий деса бўлади. Онг тўғрисидаги тасаввурлар турларнинг кўплиги ва онгнинг шакилларидан келиб чиқади. Онгнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Тафаккур фаолияти бўйича сиёсий, илмий, диний, экологик, маиший, табақавий, эсттетик, иқтисодий ва хак. Онг субъектига асосан гендер ёшга оид, ижтимоий ( касбий, гуманитар, техник), шахсий, жамоавий, гуруҳли ва ҳакозо

Шаклланиш жиҳатидан ривожланган ва ривожланмаган онг; онг асосидаги тамойилга нисбатан глобал, демократик, консерватив, прогрессив, реаксион ва ҳакозо онгга ажратилади; Ақлий фаолият асосида келиб чиқадиган кўникмага асосан креатив, техник, эверестик, бадиий ва ҳокозо.

Шу тарзда таснифни давом эттириш мумкин, лекин бу биз олдимизга қўйган вазифага кирмайди. Онг турларининг барчаси “умумий англаш “ёки“ шунчаки англаш “турли кўринишларида бўлиб, улар комплекс тарзда глобал кориб чиқилади. “Умумий онг“ ни унинг етакчи “билим орттириш“ томонини ҳисобга олган ҳолда когнитив деб аталиши таклиф қилинади, чунки онг субъект томонидан воқеликни ўрганиш натижасида пайдо бўлади, онгнинг ўзи эса субектни билим

олиш фаолияти пайтида эга бўлган билимлар жамланмасидир. Миллий онг ва унинг тил билан боғлиқлиги устидан олиб борилган тадқиқотлар бой лингвистик тарихга эга бўлиб, булар В. Гумболдт, В.Вундт, А.А.Потебня, этнотилшунослар, Л.Вейсгербер ва бошқалар олиб борган илмий тақдиқотларда учрайди. Охирги пайтларда "лисоний онг" деган тушунча кенг тарқалмоқда ва у асосан тилшунос, маданиятшунос, этнограф ва шу кабилар томонидан ишлатилмоқда. Масалан: Лисоний онгнинг этномаданий хусусиятлари.[2] М. 1996; Лисоний онг: унинг шаклланиши ва ишлатилиши. М.,1998: Тилли Лисоний онг ва дунё тасири. М.2000 ва бошқ. Шунингдек, бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар "Тил ва миллий англаш" (1сони, Воронеж, 1998; 2.сони, Воронеж, 1999, 3.сони, Воронеж, 2002, ҳамда "Тил ва миллий онг. Назария ва методология масалалари калликтив монографияси. Воронеж, 2002) тўпламларида чоп этилган.

Лисоний онг масалаларига бағишланган дастлабки ишларнинг бирида (Й.Ф.Тарасов тахрири остида 1993йил Россия Ф.Атилшунослик институтида чоп этилган "Тил ва онг: парадоксал мувофиқлик") тўпламида илмий муҳаррир: " Монографияда " лисоний онг " ва оддий "онг" бир ҳил ҳодиса инсон англашини тасвирлайди " дея таъкидлайди. [3]

"Лисоний онг" терминнинг бирор фактни белгилаш учун моддийлаштирилиши самарали натижаларга олиб келмайди. Бу ҳолатда у масалага янгича ёндашмайди ва "Лисоний онг"нинг ўзига ҳос хусусиятини топиб бера олмайди. Шу билан бирга, ҳалигача лингвистика ва психолингвистикада инсон нутқи фаолияти, тил ҳақидаги билимлар мажмуини таъминлаб берувчи нутқнунг психик механизмлари атама сифатида киритилмаган. Фикримизча, айнан бу механизмлар ва билимлар инсоннинг тил ёрдамида англашни кўрсатиб беради. Бундай ҳолатда анъанавий тилшунослик айнан лисоний онг тил қоидалари, нормалари инсон онгтида тилни тартибга солишни ўрганади, лекин шу пайтнинг ўзида бажарилаётган тасвирлаш ҳолатларидаги психологик реалликларга этибор бермайди. Қайсидир босқичларда бу нарсаларнинг ўзи етарли бўлади, лекин ҳозирги босқичдаги тилшуносликдаги айнан шу коммуникатив антропоцентрик йўналиш етакчи бўлмоқда, бу эса луғат ва грамматикада акс этмаганда, сўзлашувчига тил мавҳумлаштирилган мавҳум тил эмас, реал фикр алмашинишида ишлатиладиган тилга бўлган қизиқиш пайдо бўлиши табиий ҳол. Шу нарса тилнинг психик механизмлари ва алоқа – тасаввур вербал тўрлари тасаввурий майдонлар ва ҳокозолар соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланишига олиб келади. Лисоний онг экспериментак тарзда жумладан тасаввурий тажриба ёрдамида ўрганилади, у онгдаги тил бирликларининг турли алоқаларини тиклаш ва уларни тушуниш, сақлаш ва нутқ асарларини яратиш турли жараёнларида бошқа экспериментал методларни ишлатган тарзда ўзаро таъсири табиатини англаш учун ёрдам беради. Шундай қилиб, лисоний онг – бу тил (нутқ) механизмлари фаолияти: нутқнинг пайдо бўлиши, нутқни англаш ва онгда тилни сақлашни таъминловчи онг қисмидир. Психолингвистика фани инсоннинг лисоний онггини предмет қилиб олган фандир. Лисоний онг тил бирликлари семантикаси орқали ўрганилиб борилади, уми номинация ва алоқа қилиш жараёнида аниқланган фактларнинг

психологик воқелигини топпиш мақсадида бу жараённи моддийлаштириб беради.Тил ва онг ўртасидаги фарқ ҳолатига мисол келтирамиз: Лисоний онг ўз ичида саломлашиш формулалари (яъни маълум консептни белгилаш учун ишлатиладиган тил бирликлари ) ни олган бўлади: салом, ҳайрли кун, ҳайрли тонг ва ҳокозо, шунингдек уларнинг фарқлаштирилган маънолари эрталабки, кечки ва бошқа пайтдаги саломлашишлар, одоб билан саломлашиш, оғзаки ва ҳ. Бу маълумот ўзбекларнинг тил онггига тегишли ҳисобланади.

Муомала англашига малум бир шахс билан қандай саломлашиш, қай оҳангда, қай масофада, ким билан қачон саломлашиш керак, кимга сиз деб мурожат қилиш керак, қай ҳолатларда саломлашиш шарт, қай ҳолатда эса такроран салом бериш ва шу каби маълумотлар тегишли бўлади.

Шундай қилиб, алоқа англаши ўз ичига тилга ҳос (юқорида келтирилган маънода) болган қисмни олади, лекин шу билан якунланмайди. Инсоннинг алоқа англаши алоқа категориялари ва алоқа консептларидан ташкил топган. Коммуникатив категориялар деганда, инсонни муомала ва уни амалга ошириш нормалари ҳақидаги билимларни тартибга солувчи умумий алоқа консептлари (тушунчалар) назарда тутилади. Коммуникатив категориялардан баъзилари инсоннинг муомала ҳақидаги; баъзилари эса унинг нутқи ҳақидаги умумий тасаввурларни акс эттиради. Шу тарзда, ўзбек тилида сўзловчи кишининг муомалада англаши учун релевант категориялари сифатида хушмуомалалик, қўполлик, тез кириша олишлик, алоқа дахлсизлиги, масъулият, ҳиссиётга берилувчанлик, бахолаш, ишонч, босим, тўқнашув, жиддийлик, илтимис-талаб, коммуникатив самарадорлик, сукут сақлаш, муомала оптимизми/пессимизми, ўзини тута билиш, муомала мавзуси категорияси, саводхонлик категорияси, муомала идеали категорияси она тили, чет тили, тилнинг ижтимоий мавқейи, нутқ маданияти, нутқ бмаданияти, нутқ равонлиги ва ҳокозолар ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Яна бир нечта аниқ категория (консепт) ларни ажратиб кўрсатиш мумкин: диолог, монолог, расмий нутқ, норасмий нутқ, омма олдидаги нутқ, тинглаш, сўзлашиш ва бошқалар. Янада аниқроқ бўлган келишик, сон, род, тусланиш, турланиш, синоним, антонйм, гап, урғу, оҳанг ва кўплик каби категориялар тил категорияларига тегишли чунки улар бевосита нутқ фаолияти қоидалари ва механизмалаини тавсифлайди ва тартибга солади. Халқнинг коммуникатив онггини ўрганиш лисоний онг билан бирга соф мулоқот билми, халқ онггига кирувчи қоида ва қонуниятларни ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Халқнинг коммуникатив онгги ўз тил ва коммуникатив онг билан халқнинг когнитив онггининг интеграл таркибига киради, эса халқнинг умумий когнитив онггининг бир қисми бўлиб қолади.

Инсоннинг коммуникатив онгги нафақат нутқ психологияси, социолингвистика, этнолингвистика учун, балки коммуникатив лингвистика ва тил ва нутқ ўргатиш методикаси учун ҳам катта қизиқишга эга.

Тил ва маданият муносабатини тушунтириш жуда мураккаб. Тил, тафаккур, маданият – бу доимий ҳаракатда. Ўзгаришда бўлувчи ходисалардир

Шундай қилиб, тил, тафаккур ва маданият ўзаро шунчалик боғликки, амалда икки компонентдан, улардан хеч бири бошқа иккинчисисиз ишлай олмайдиган (ўз навбатида, мавжуд бўлмаган) ташкил топувчи бир бутуни ташкил қилади. Улар барчаси бирликда теварак олам билан муносабатга киришади, уни акс эттиради хамда бир вақтнинг ўзида уни шакллантиради ҳам. Бунда улар ўзига хос - теварак олам хақидаги ахборотни узатувчи тизимли тартибланган ижтимоий аҳамиятга эга белгилар модели турли лисопий воситалар ёрдамида ифодаланувчи дунёнинг лисоний манзарасини ташкил этади. Оламнинг лисоний манзарасида этник менталитет "варваризм" маданий консептларда долзарблашади.

Дунёнинг лисоний манзарасини ўрганиш маълум тил тузилиши ва сўзлашувчиларнинг миллий-маданий онгга тегишли қонуниятларни, шунингдек тилнинг дунёни қабул қилиш ҳамда категориялаш тамойиллари ишлаб чиқилиши ва яратилиши, категоризация ва консептуализация жараёнида билим олиш усулларининг таъсирини келтириб чиқаради. Турли тилларда теварак олам турлича ингментациялашмумкин. Бу фарқлар варваризм орқали воқелантирилган тушунча мазмунига, билим доирасига ёки мазкур сўзни қўллаш диораларига тегишли бўлиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Axmanova O.S. Slovar lingvitichiskiy terminov. – M.: Se., 1966.
2.Reformatitskiy V.V. Vvedeniye yazikoznaniye. – M. Prosvesheniye, 1967.
3.Churyakalova YE.O. Amerikalizmi v britanskim I ruskom gazetom stile : AKD – M., 2004.
4.Novikova T.V. Anglo-amerikanskiy zaimstvovaniya-varvarizmi v sovremennom angliyskom yazike : AKD Sankt-Peterburg, 2003.
5.Semenova N.I. O nekotorik problemi zaimstvovaniya stov v Russkom yazike. M. 2009.
6.Serebrennikov B.A. (red) Rol chelovecheskogo faktora v yazike. M., Nauka, 1988. s. 128.
7.Smirnitskiy L.I. Leksikologiya angliyskogo yazika, M., 2008.
8.Kubryakova E.S. Yazik i znaniye. M., 2006.
9.Yazykovaya nominatsiya. Part I. Obshiye voprosy. – M.: Nauka, 1976.
10. Yazykovaya nominatsiya. Part II. Vidy naimenovaniya. – M. Nauka, 1977.
11.Meshkov A.V. Slovobrazovaniye v analiyskom yazyke. – M. Nauka, 1983.

## ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ДИАГНОСТИКАСИ

Эгамбердиева Турғуной Ахмаджоновна
Фарғона давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори
Қурбонов Жасурбек Акмалжонович
Қўқон давлат педагогика институти Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси тадқиқотчиси

***Аннотация:*** *Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва ушбу соҳага кириб келаётган иннновациялар, уларнинг мазмуни, йўналиши ва функциялари, ушбу жараёнда талабаларда ижодкорлик, интеллектуал*

*маданият билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантириш зарурияти, унга хизмат қиладиган педагогик омиллар тадқиқ қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *олий таълим, инновация, талаба, замонавий мутахассис, интеллектуал фаоллик, интеллектуал маданият, инновацион гоя, педагогик омил.*

## ДИАГНОСТИКА ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ У СТУДЕНТОВ

Эгамбердиева Турғуной Ахмаджоновна
Профессор Ферганского государственного университета, доктор педагогических наук
Қурбонов Жасурбек Акмалжонович
Кокондский государственный пед институт Соискатель кафедры нац идея, основы духовности и права

***Аннотация:*** *В статье исследованы реформы в сфере высшего образования на новом этапе развития Узбекистана и инновации, входящие в эту сферу, их содержание, направленность и функции, креативность студентов в этом процессе, необходимость формирования интеллектуальной культуры и навыков, связанных с образовательной деятельностью, педагогические факторы, служащие ей.*

***Ключевые слова:*** *высшее образование, инновация, студент, современный специалист, интеллектуальная активность, интеллектуальная культура, инновационная идея, педагогический фактор.*

## DIAGNOSTICS OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF INTELLECTUAL CULTURE AMONG STUDENTS

Egamberdiyeva Turg’unoy Axmadjonovna
Professor of Fergana State University, Doctor of Pedagogical Sciences
Qurbonov Jasurbek Akmaljonovich
Kokond State Pedagogical Institute Applicant for the Department of Nat Idea, Basics of Spirituality and Law

***Annotation:*** *In the article, reforms in the field of higher education at a new stage of development of Uzbekistan and innovations entering into this sphere, their content, direction and functions, creativity of students in this process, the need to form skills and skills related to traditional culture, pedagogical factors that serve it were investigated.*

***Key words:*** *higher education, innovation, student, modern specialist, social activity, innovation idea, pedagogical factor.*

Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги босқичида инсон интеллекти ижтимоий жараёнларни глобал миқёсдаги ҳаракатлантирувчи кучга айлантирди. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Интеллектуал маданиятнинг муҳим хусусиятлари бўлмиш

янги билимларни мустақил ўзлаштира олиш, такомиллаштириш, илмий билимлар билан қуролланиш ҳамда ўз-ўзини англаш, тўғри фикрлаш кўникма ва малакаларини эртанги кун эгалари бўлган талаба-ёшларда ривожлантириш бугунги кунда глобал даражадаги муаммога айланди.

XXI асрга келиб, ижтимоий тараққиёт жараёнида умумбашарий зиддиятларни юзага келиши маънавий-ахлоқий, молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда инқирозларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бугунги кунда олимларнинг ахлоқий тизгини билан жиловлаб олинмаган тафаккури инсоният бошига яна қандай савдолар солиши ҳали номаълум бўлган янги ихтиро ва технологияларни яратиш ҳаракатлари давом этмоқда. Жумладан, фан ва техниканинг энг янги соҳалари бўлган нанотехнологиялар, машина интелекти, генетик медицина кабилар эндиликда кўпчилик фан арбобларини ҳам жиддий ҳавотирга солмоқда. Инсониятга яхши таниш бўлиб қолган ядровий хавф ёнига эндиликда нанотизимлар ва машина интеллекти каби соҳаларда жадал ривожлана бошлаган технологияларнинг мисли кўрилмаган имкониятлари ва хатарлари келиб қўшилмоқда. Инсониятнинг бугунги тамаддунидаги (цивилизацияси) “ижодкор – инсон”нинг тобора “истеъмолчи – инсон”га айланиб бораётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Бу жараён эса ўз навбатида, ижодий фикрловчи, интеллектуал ривожланган ёшларга эҳтиёжни тобора орттирмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда талаба-ёшлар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида замонавий мутахассисларни тайёрлашнинг янги тизими ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълимда ўқитиш сифати ва самарадорлигини бўлажак кадрларнинг касбий, маънавий-ахлоқий тайёргарлиги белгилаб бериши ҳақидаги қатъий хулосага келинди[1,15],

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашаётган бир пайтда корхона, ташкилот ва турли муассасаларининг фаолият самарадорлигини оширишда замонавий билимларни эгаллаган кадрларнинг ўрни муаммоси бугунги куннинг долзарб муаммолари қаторига киради. Бу жараён нафақат тўла маълумотга, балки етарли илмий тайёргарликка ҳам эга бўлган кадр шахсини тарбиялашни талаб қилади. Ушбу масалаларни такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаган: "Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак”[2]. Шунингдек, Президентимиз таълим тизими, хусусан олий таълимдаги таълим-тарбия сифатига доир мавжуд муаммолар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди. Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш

сифати билан боғлиқ замонавий ўқув режа ва услубларини жориш этиш талаб даражасида эмас... Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор ўқитувчилари таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур", - деб таъкидлайди[3,45].

Бу масалаларни амалга оширишда, ислоҳотларни чуқурлаштиришда олий таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ошириш, бўлажак мутахассисларнинг дунёқараши, маънавияти, иқтидори, салоҳияти ҳал қилувчи ўринлардан ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг такомиллаштирилган дастурий-методик таъминоти яратилди. Натижада бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмлари ишлаб чиқилди ва таълимни инсонпарварлаштиришнинг устуворлиги таъминланди. Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантириш механизмларини жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим ўрин эгаллайди[4,39].

Айни пайтда жаҳонда олий таълим тизимида талабаларни касбий ижтимоийлаштириш омили сифатида интеллектуал маданиятни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш, талабаларнинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган мультимедиа воситаларини яратиш; талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг диагностик тизимини такомиллаштириш; талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг нейролингвистик дастурлаштириш технологияларини такомиллаштириш; талабаларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кўпинча тадқиқотчилар интеллектуал маданиятни тафаккур ва унинг хусусиятлари сифатида белгиласалар (Н. Ш. Валеева, Н.П. Гончарук, Ш. Заицева, И.Ф. Исаев ва бошқалар), айримлари маънавий маданиятнинг компоненти (А. С. Зубра, Э. Б. Плотникова ва бошқалар.) сифатида тадқиқ қиладилар. Мамлакатимиз педагогика фанида ўқувчи ва талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг турли жиҳатларига катта эътибор қаратилса-да, аммо айнан интеллектуал маданиятни шакллантириш муаммоси деярли учрамайди. аммо интеллектуал маданиятни мустақил ўрганиш деярли йўқ.

Интеллект маданиий ҳодиса сифатида бу ақл ва шахснингузвий бирлигини англатади. Тадқиқотчи В.П. Иванова интеллектуал маданиятни "шахснинг когнитив

йўналиши билан боғлиқ бўлган интеллект фаолияти натижаларининг асосли томонлари" деб тушунтиради [5,132-137]. В. М. Розин эса интеллектуал маданиятнинг фундаментал асосларини рефлексия деб ҳисоблайди. У замонавий шахс интеллектуал маданиятининг асосий хусусиятларидан бири бўлган рефлексив фикрлаш ҳажмининг ўсишига эътибор қаратади. Г. П. Шчедровицкийнинг фикрига кўра, интеллектуал маданият фикрлашнинг янги усуллари ва фаолиятни ташкил этиш шаклларининг пайдо бўлишини англатиб, [6,78] яъни у интеллектуал маданиятни ривожлантириш жараёнида субъектив равишда янгиликлар яратишни назарда тутади. Унингча, интеллектуал маданият – бу шахснинг стандарт фаолият доираси билан чекланмаслик ва янги ғояларни яратиш қобилиятидир.

Тадқиқотчи С. М. Вишнякованинг нуқтаи назарига кўра, интеллектуал маданият шахс ривожланиш даражаси, ҳодисаларни қарама-қаршиликларда кўриш ва уларни баҳолаш қобилияти, билимларни тўлдиришга фаол интилиш, бизнесга ижодий ёндашиш"дир [7,49]. Бошқача қилиб айтганда, шаклланган интеллектуал маданият одамга ўз билимлари ва тажрибасидан унумли фойдаланишга, атроф-муҳит ва жамиятдаги тобора кучайиб бораётган ўзгаришларга тезроқ мослашишга ва шахсий ўзини ўзи ривожлантиришда самарали ривожланишига имкон беради. Бундай кишини тарбиялаш кўп жиҳатдан таълимнинг энг олий мақсадидир. Бизнингча интеллектуал маданият маънавий бойликни ўзлаштириш даражаси билан тавсифланадиган ва таълим, мустақил фикрлаш, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини тушуниш билан тавсифланадиган шахснинг ривожланиш даражасидир.

Талабаларнинг интеллектуал маданиятини ривожлантириш ижтимоий-маданий ва касбий тажрибани ўзлаштиришни акс эттирувчи ва ўзгартирувчи фаолиятдир.

**1-жадвал**

Талабалар интеллектуал маданиятининг мезонлари, кўрсаткичлари ва шаклланиш даражаси

| Мезонлар | Кўрсаткичлар | Кўрсаткичлар даражаси |
|---|---|---|
| Интеллектуал ривожланиш ва ўзини намоён қилиш учун мотивация | Интеллектуал ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга эътибор қаратиш; | ЯРАТИШ (2) |
| | Янги билим ва тажрибага очиқлик; | ТАЙЁРЛАШ (1) |
| | Интеллектуал ривожланиш йўналиши бўйича стимулларга мойиллик | |
| Интеллектуал муаммоларни ҳал қилишда фаоллик қобилияти | Интеллектуал муаммоларни ҳал қилишда билим ва тажриба; | МОСЛАШУВЧАНЛИК (0) |

| | | |
|---|---|---|
| | Мантиқий фкрлаш; | |
| | Талабаларнинг интеллектуал ўзини ўзи тартибга солиш | |
| Интеллектуал ривожланиш жараёнида ижодий қобилиятларни амалга ошириш | Интеллектуал фаолиятдаги ижодий фаолият; | |
| | Мустақил ижодий позиция; | |
| | Ижодий мукаммаллик | |

2-жадвал



**3-жадвал**

"Интеллектуал маданият асослари" мини дарсларининг тематик режаси

| № | Дарс мавзулари | Соатлар сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | М | С | МТ | Жами |
| 1 | Замонавий дунёда ривожланган интеллектуал маданиятга эга бўлишнинг аҳамияти ва зарурияти | 1 | 1 | 2 | 4 |
| 2 | Ўқув фаолиятида талабалар томонидан бажариладиган интеллектуал операциялар | 1 | 1 | 4 | 6 |
| 3 | Таҳлил ва синтез: стандарт муаммоларга ностандарт эчимлар | 1 | 2 | 8 | 11 |
| 4 | Когнитив жиҳатдан мураккаб қарорларни моделлаштиришда мавҳумлик ва конкретлик | 1 | 4 | 8 | 13 |
| 5 | Интеллектуал жиҳатдан мураккаб вазифаларни ҳал қилишда таққослаш ва тизимлаштириш | 1 | 2 | 8 | 11 |
| 6 | Лойиҳада ишлаш жараёнида ижодий қобилиятларни рўёбга чиқариш | 2 | 4 | 8 | 14 |
| 7 | Диалектик фикрлаш: интеграциялашган фаолият | 1 | 4 | 8 | 13 |
| | Жами | 8 | 18 | 46 | 72 |

Талабаларнинг интеллектуал маданияти диагностика қилишда “Талабаларда интеллектуал маданиятни инновацион усулда ривожлантириш технологияси (“Фалсафа” (Этика, эстетика, мантиқ) фани мисолида)” деб номланган тадқиқот ўтказилди. Унда Қўқон давлат педагогика институти, Фарғона, Наманган давлат университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетларининг Ижтимоий-гуманитар, иқтисодий, аниқ ва табиий фан йўналишлари 2-3 босқич 785 та талабаси иштирок этди. Мазкур тажриба-синов ишлари 2018-2020 йиллар давомида ўтказилди. Изланишни ўтказишда сўровнома, интервью ва анкета усулларидан фойдаланилди. Олинган таҳлиллар шуни кўрсатдики, талабаларнинг илм-фан билан шуғулланиш, илмий-тадқиқот билан шуғулланишга нисбатан аксиологик муносабатни талаб қилувчи интеллектуал маданиятга нисбатан билим ва кўникмалари дастлаб 48 % бўлган бўлса, бевосита “Фалсафа” (Этика, эстетика, мантиқ) фани доирасида “Интеллектуал маданият асослари” деб номланган мини дарсларни ўтказиш натижасида уларда бу кўрсаткиз 94 %га ошди.

Олий таълим муассасасининг талабаларининг интеллектуал маданитини ривожлантириш бўйича қуйидаги педагогик вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Талаба интеллектуал маданиятини ривожлантириш асоси сифатида билим олишга қизиқишнинг шаклланиши ва бирлашишига кўмаклашиш.

2. Ўқув жараёнининг таркибий ва технологик таркибий қисмларини такомиллаштириш ва янгилаш.

3. Талабаларнинг интеллектуал фаолиятини мустақил ташкил этиш истагини педагогик қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2013. – Б.15.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент, 2016 йил 14 декабрь.
3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б. 45
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.
5. Иванова В. П. Феноменология интеллектуальной культуры : общие характеристики / В. П. Иванова // Вестник Томск. гос. ун-та. - 2010. - № 334. - С. 132--137.
6. Щедровицкий Г. П. Принципы и общая схема методологической организации системно-структурных исследований и разработок / Г. П. Щедровицкий. - М. : Академия,1995. - 800 с.
7. Вишнякова С. М. Профессиональное образование : словарь. Ключевые понятия, термины, актуальная лексика / С. М. Вишнякова. - М. : НМЦ СПО, 1999. - 538 с.

## ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИ СИФАТИДА

ЎзДЖТУ ўқитувчиси Д.Исакова

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида миллий-мафкуравий тарбия ишларини такомиллаштириш, шунингдек, бугунги кунда жамиятда кучайиб бораётган лоқайдлик, бепарволик, миллий қадриятларимизга беписандлик каби ижтимоий иллатларга барҳам беришда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида ташкил этилган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат Кенгаши “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви билан ҳамкорликда ҳар бир йил учун алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси халқи ва давлатига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари, ота-оналар, оила, маҳалла қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, Ёшлар иттифоқи, кўплаб жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берилган.

Ҳамкорлик концепциясининг асосий мақсади – ҳар бир боланинг ҳаётда ўз ўрнини топишга, бахти учун замин яратишга, масъулиятли, инсонпарвар бўлишига қаратилган. Ҳамкорлик педагогикаси принциплари асосида умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ривожлантириш таълим сифатини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва лойиҳа доирасида белгилаб олинган мақсад, объект, предмет ва вазифаларни аниқлаштириб олиш мақсадида эксперт баҳолаш методидан фойдаланилди. Ушбу эксперт баҳолашни амалга оширишда В.И.Михеев ва В.С.Черепановлар томонидан ишлаб чиқилган педагогик экспертиза назарияси ва методологияси асос қилиб олинди.(2,3)

Педагогик экспертиза жамоа фикрини олиш учун экспертлар, мутахссислар муҳокамасидан ўтказишда ёки тадқиқот объектини баҳолашда амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндисидир. Педагогик экспертизанинг назарий базаси эксперт баҳолаш методи ҳисобланади. Эксперт баҳолаш орқали ўрганилаётган, тадқиқ этилаётган долзарб муаммолар, лойиҳалаштирилаётган педагогик объектлар ва мавжуд ҳолатлар бўйича миқдорий шунингдек, сифат кўрсаткичларини баҳолаш мумкин.

Эксперт баҳолаш методи бир қанча вариантлардан иборатдир, улардан энг кўп қўлланиладиганлари қуйидагилар:

- индивидуал эксперт баҳолаш, тадқиқотчи билан эксперт ўртасида суҳбат жараёнида ёки экспертнинг анкета саволларига жавоби орқали олинади;
- морфологик эксперт методи, тадқиқот объектида таркибий элементлар ажралиб турса, элементларнинг кўп миқдордаги комбинациялари, функциялари ва функционал алоқалари ўрганилаётган тақдирда фойдаланилади;
- рейтинг методи – тадқиқот объектини балларда ёки олдиндан белгилаб олинган шкалалар орқали баҳолаш;
- ўзини-ўзи баҳолаш методи – тадқиқот субъекти томонидан ўзининг билим, малакалари, шахс сифатлари ва бошқа субъектив кўрсаткичларини ўзини-ўзи баҳолаш шкалалари орқали баҳолаш;
- жамоавий эксперт баҳолаш методи – тадқиқот қилинаётган, ўрганилаётган, лойиҳалаштирилаётган ёки амалдаги педагогик объектларни жамоа билан биргаликда баҳолаш.

Олиб борилган тадқиқот жараёнида анкета сўровномалари асосида экспертлардан сўров ўтказиш орқали амалга ошириладиган индивидуал эксперт баҳолаш методидан фойдаланилди.

Педагогик экспертизани ўтказишда, эксперт баҳолаш методини амалга оширишда асосий вазифа экспертларни танлашдир.

Экспертларни танлашда:

экспертнинг маълумоти, илмий-педагогик, амалий-педагогик иш стажи, эгаллаб турган лавозими, илмий даражанининг, илмий, илмий-методик мақолаларнинг мавжудлиги, экспертнинг компетентлиги, тадқиқот қилинаётган, ўрганилаётган муаммога қизиқиши, ишбилармонлиги, хаққонийлиги каби кўрсаткичларга асосланилади.

Ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияларини эксперт баҳолаш уч босқичда амалга оширилди:

*1-босқич* – Тайёргарлик;

*2-босқич* – Экспертлар фаолияти, экспертиза ишлари, эксперт баҳолаш;

*3-босқич* – Якуний.

Тадқиқотимиз жараёнида учта гурух тамойиллар аниқланди ва шакллантирилди.

Ижтимоий тамойил. Ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг моҳиятини аниқлаштириш яъни, жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамқорлик ишларини ташкил этиш, умумий ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Маънавий-ахлоқий тамойил. Жамият томонидан белгиланган қадриятлар ва меъёрларни, танқидий тафаккурни, маънавий ҳимоя механизми, ижтимоий-психологик соғломлик каби ижобий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Маданий тамойил. Жамоатчилик орасида ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Экспертлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари, Олий Мажлис депутатлари, хотин-қизлар кўмитаси мутахассислари, халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходимлари, назорат ва ҳуқуқ – тартибот органлари ходимлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, педагогика йўналишидаги Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, мусурмонлар идораси, махалла раислари ва маслаҳатчилари, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларидан иборат жами 167 нафар шахс танлаб олинди.

Тайёргарлик босқичида экспертлар билан “Умумий ўрта таълим муассасаларида ҳамқорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш технологиялари” мавзуси бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб семинар-тренинг ўтказилди.

Семинар-тренинг давомида экспертларга:

- Ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологиялари;
- Ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияларини моҳиятини аниқлаштириш, таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш;
- Таълим муассасаларида жамият томонидан белгиланган қадриятлар ва меъёрларни, танқидий тафаккурни, маънавий ҳимоя механизми, ижтимоий-

психологик соғломлик каби ижобий сифатларни ривожлантириш масалаларига оид маълумотлар берилди.

Тадқиқот жараёнида экспертлар орасида ўтказилган анкета сўровномаларида: “Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим муассасаларда педагогик фаолиятини ривожлантириш бўйича раҳбарлар ва педагогик ходимларда кўникма ва малакаларини шакллантириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ўқув режа ва дастурларига “Ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологиялари” мавзусини киритиш керакми?” - деган саволга жавоб беришлари сўралди.

Эксперт баҳолаш натижаларига кўра қайси тамойил муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Қуйида экспертлар томонидан баҳоланган тамойиллар тўпланган балларининг даражасига кўра тартиблаштирилган:

10. ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш;

11. ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияларини таъминлаш моҳиятини аниқлаштириш;

12. ўқитувчиларда жамият томонидан белгиланган қадриятлар ва меъёрларни, танқидий тафаккурни, маънавий ҳимоя механизми, ижтимоий-психологик соғломлик каби ижобий сифатларни шакллантириш;

13. ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияларини зарурияти.

Экспертлардан илгари сурилган муаммони ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида, ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияларини зарурияти амалга оширилиши лозим бўлган ишларни муайян йўналишларда олиб бориш лозимлиги хақида ҳам фикр-мулоҳазалари олинди.

Ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; ижтимоий талаблардан келиб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг штатлар рўйхатига таълим муассасасининг инновацион фаолиятига ташхис қўя олиш ва уни янада ривожлантириш имкониятига эга мутахассисликни киритиш орқали махсус тайёргарликка эга мутахассис томонидан муассаса раҳбарларининг бошқарув фаолиятини мувофиқлаштирилиб туришига эришиш зарур.

Умумий таълим мактабларида “Инновацион бошқарув” кенгашини ташкил қилиш орқали педагогик жамоа томонидан инновацион фаолиятни самарали ташкил этилиши ва бошқарилишига оид муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш ва мақбул йўлларни топиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик, психологик ҳамда бошқарув соҳаларида яратилган мавжуд манбалар билан танишиш ва уларда илгари сурилган ғояларни назарий таҳлил этиш инновацион фаолият замонавий умумий таълим мактабларининг ижтимоий тараққиёт билан ўзаро мувофиқликда ривожланишини белгиловчи муҳим омиллардан биридир тасдиқлади.

Умумий таълим мактабларини инновацион бошқаришда тамойилларнинг тўғри танланиши ва улар моҳиятининг тўла ифодаланиши мазкур жараённинг самарали кечишини таъминлайди. Умумий таълим мактабларини инновацион бошқаришда психологик-педагогик таъминотнинг мавжудлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга зарурий таркибий қисм ҳам саналади. Таълим муассасаси инновацион фаолиятини бошқаришда инновацион ғояларни шакллантириш, ижобий таълимий ўзгаришларни аниқлаш, уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Мактаб ҳаётида рўй бераётган объектив ва субъектив ўзгаришларга мувофиқ равишда таълим муассасаси инновацион фаолиятини самарали бошқариш манбаларини объектив ва субъектив тарзда икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ саналади.

Таълим муассасаси инновацион фаолиятини самарали бошқаришга таъсир этувчи объектив манбалар сирасидан жамият ижтимоий ҳаётида рўй берган ва бераётган ўзгаришлар, тармоқ тизимида содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришлар, юқори бошқарув органлари томонидан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, демографик ўзгаришлар, янги илмий билимларнинг яратилиши, ишлаб чиқариш ёки касбий фаолиятни ташкил этишга бўлган янгича қарашларнинг шаклланиши ҳамда илғор педагогик технологияларнинг яратилиши кабилар ўрин олади.

Назарий ўрганиш ва раҳбарлар ҳамда педагогик жамоа фаолиятини бевосита кузатиш умумий таълим мактабларини инновацион бошқариш мақсад ва вазифаларни аниқлашда ташхислаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Лойиҳалаш ҳам умумий таълим мактаблари инновацион фаолиятини бошқаришнинг муҳим омилларидан бири сифатида мазкур жараённинг изчил ва тизимли кечишини таъминласа, таълим муассасаси раҳбарларининг инновацион фаолиятини лойиҳалашнинг асосий кўринишлари бўлган тажриба-синов ишлари лойиҳалари ва таълимий хизматлар кўрсатиш бизнес-режасини ишлаб чиқиш лаёқатларига эга бўлишлари эса таълим муассасаси инновацион фаолиятини муваффақиятни бошқаришга имкон беради.

Халқ таълими бошқармалари қошида умумий таълим мактабларининг инновацион фаолиятида қўлга киритилаётган илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш масаласи билан шуғулланувчи эксперт кенгашини ташкил этиш ҳамда кенгаш таркибини педагог, психолог олимлар, тажрибали, ташаббускор, ижодкор таълим муассасаларининг раҳбарлари, ўқитувчилар ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи вакиллари асосида шакллантириш лозим.

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашда ота-она, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш ўсмирлар орасида қаровсизлик, тартиббузарлик, жиноятчилик ва шунга ўхшаш маиший бузуқликлар билан шуғулланишнинг олдини олишда муҳим тарбия воситасидир. Ёш авлодга замон талаблари ва миллий қадриятлар асосида таълим-тарбия бериш, ўқув-тарбия жараёнининг сифатини ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини

оширишда кенг жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Таълим сифатини самарадорлигини ошириш бўйича олдимизда турган вазифалар ва муаммоларнинг ечимини барча соҳалар билан бир мақсад йўлида мувофиқлаштиради ҳамда "Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги" Жамоат кенгашлари фаолиятини кучайтириб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда ўзининг ижобий самараларини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар**

8. Иноқов Қ.Қ. Хамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини бошқаришни такомиллаштириш масалалари // Халқ таълими илмий методик журнали. – Т. № 4. 2016.
9. Михеев В.И.Моделирование и методы теории изменений в педагогике. М.:Высшая школа. 1987. С. 120.)
10. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Семинар тренинг материаллари (тренерлар учун қўлланма). – Т.: ЎМКҲТМ, 2002. – 181 б.
11. Умаралиева М.А. Узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлигини ошириш омиллари // Узлуксиз таълим илмий-услубий журнал. – Т., 2013 №3. 23-27-б.
12. Черепановлар В.С. Экспертные оценки в педагогических исследованиях. М.:Педагогика. 1989. С. 152.

## ФАНЛАРНИ МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯЛАР ЯРАТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Темирова Махбубахан – Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, физика-математика фанлари номзоди, доцент
Ахмедов Абдурахмон – Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, физика-математика фанлари номзоди, доцент

***Аннотация:*** *Ҳозирги кунда таълим технологияларини жаҳон андозаларига мослаштириш ҳар бир фан олдига аниқ талаблар билан бирга катта муаммоларни ечиш вазифасини қўймоқда. Мазкур мақолада замонавий таълим тизимида виртуал лабораторияларни яратиш ва улардан фойдаланиш масаласи "Электротехника ва электроника" фани мисолида кўриб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *дастурий комплекс, технология, ахборот технология, виртуал лаборатория, виртуал ахборот-таълим, электрон таълим, мустақил таълим, электрон жиҳозлар.*

## СОЗДАНИЕ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВИРТУАЛЬНЫХ ЛАБОРАТОРИЙ В ПРОЦЕССЕ МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ ДИСЦИПЛИН

Темирова Махбубахан -Ташкентского института по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог, кандидат физико – математический наук, доцент

Ахмедов Абдурахмон - Ташкентского института по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог, кандидат физико – математический наук, доцент

***Аннотация**: На сегодняшний день поставлена огромная задача по каждому предмету как приурочить образовательные технологии к международным стандартам. В данной статье рассмотрены создание и использование виртуальных лабораторий в процессе модульного обучении предметов.*

***Ключевые слова:** программный комплекс, технология, информационная технология, виртуальная лаборатория, виртуальная информационное образование, электронное образование, самостоятельное образование, электронные оборудование.*

## CREATION AND USE OF VIRTUAL LABORATORIES IN THE COURSE OF MODULAR TRAINING OF DISCIPLINES

Temirova Makhbubakxan - Tashkent Institute of design, construction and maintenance of automotive roads, PhD in fhysics and mathematics
Akxmedov Abdurakxmon - Tashkent Institute of design, construction and maintenance of automotive roads, PhD in fhysics and mathematics

***Annotation:** To date, delivered a huge task for each subject as to coincide with educational technology to international standards. This article describes the creation and use of virtual laboratories in the process of modular learning objects.*

***Keywords:** software system, technology, information technology, virtual laboratory, virtual information education, e-education, self-education, electronic equipment.*

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига замонавий ахборот технологияларига асосланган педагогик технология кириб келди. Замонавий ахборот технологияларининг ҳар бири маълум техник, дастурий ва бошқа таъминотларга боғлиқ.

Ҳозирги кунда таълим технологияларини жаҳон андозаларига мослаштириш ҳар бир фан олдига аниқ талаблар билан бирга катта муаммоларни ечиш вазифасини қўймоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёни методик таъминотини ривожлан-тиришни талаб этади.

Виртуал лаборатория дастурий комплекс бўлиб, фойдаланувчига ҳар хил турдаги қурилмалар ва тизимлар билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва уларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш имкониятини беради.

Виртуал лаборатория – тажрибалар ўтказиш ва фанларни қизиқарли тарзда ўрганиш учун идеал муҳит бўлиб ҳисобланади. Интерактив виртуал реаллик оддий экспериментлар билан бир қаторда мураккаб экспериментларни ҳам ўтказиш имкониятини очиб беради.

Виртуал лаборатория ишларини эффектив тарзда қўллаш ўқитиш сифатини орттириш билан бир қаторда ўқув жараёнини моддий-техник таъминоти бўйича кескин муаммоларни қисман бўлсада ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўқитишнинг анъанавий усулларида фан бўйича олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш учун ҳизмат қилувчи лаборатория ва амалий машғулотларга катта эътибор берилмоқда. Лекин замонавий лаборатория стендларини етарли эмаслиги, мавжуд лаборатория стендлари замонавий асбоблар, қурилмалар ва аппаратлар билан таъминланмаганлиги, кўпчилик лаборатория стендларининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги ва маънавий эскирганлиги, айрим лаборатория ишлари схемаларини йиғиш учун кўп вақт талаб қилиниши сабабли кўпчилик ҳолларда кутилган натижаларни бераолмайди. Юқорида келтирилган камчиликларнинг кўпчилигини ўқув жараёнига виртуал лабораторияларни киритиш йўли билан бартараф қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш,қуриш ва эксплуатацияси институти “Физика” кафедраси томонидан ”Электротехника ва электроника ” фанидан виртуал лаборатория ишлари яратилди ва ўқув жараёнига қўлланилмоқда.

Бу ишда Электротехника ва электроника” фанидан лаборатория машғулотларини ўтказиш учун ҳозирги кунгача ишлатилаётган эски турдаги лаборатория дастгоҳларини замонавий электр ва электрон жиҳозлари билан алмаштириш иқтисодий жиҳатдан анча қийинчиликлар туғдиради, шу сабабли ушбу бўлимлар бўйича виртуал лаборатория ишлари яратилди ва ўқув жараёнига тадбиқ қилинди. Уларни яратишда асосан замонавий Delphy тили муҳити қўлланилди [1].

Ушбу фаннинг “Ўзгармас ток электр занжирларини тадқиқ этиш” бўйича лаборатория ўлчаш ишлари қуйидаги кўринишда ойналар кема-кетлигида бажарилади.

## Кетма – кет уланган лампалар қаршиликларини аниқлаш

1. *Схема таъминотини ишга тушириш*
2. *Ростлагичлар ёрдамида* Таъминот улансин/ узилсин




*ток катталиги ва $R_1$, $R_2$, $R_3$ қаршиликлар ўрнатилсин.*

3. *Лампаларнинг мос қисқичларига навбат билан мослама теккизилиб схемадан кучланишнинг катталиги ўлчансин.*





## Кетма-кет уланган лампалар қаршиликларини аниқлаш


### Асосий маълумотлар











Манба улансин/ узилсин

### Асбоблар панели





### Ўлчашлар натижалари

Жадвал тозалансин

Таблица 3

| Ўлчашлар | | | | | Ҳисоблашлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I A | U B | $U_1$ B | $U_2$ B | $U_3$ B | $R_1$ Ом | $R_2$ Ом | $R_3$ Ом | $R_{ум}$ Ом | $R_x$ Ом |
| | | | | | | | | | |










Ушбу фаннинг Электроника қисми бўйича “Ярим ўтказгичли диодларнинг тадқиқ этиш” ,“ Умумий эмиттерли схема бўйича уланган транзисторларнинг тавсифларини тадқиқ этиш”, “Ўзгарувчан токни тўғрилаш схемаларини тадқиқ этиш” каби бўлимларидан виртуал лаборатория ишлари яратилди ва ўқув жараёнида қўлланилмоқда [1,2].


Барча ишлаб чиқилган виртуал лаборатория ишларида ишнинг мақсади, асосий жиҳозлари, лаборатория ишини бажариш учун тушунтиришлар, ишни бажариш тартиби ҳамда тест ва назорат саволлари келтирилади [3-5].

Ўлчаш ишлари қуйидаги кўринишда ойналар кема-кетлигида бажарилади.




Тўғирлашнинг бир фазали кўприксимон схемасини тадқиқ этиш
I
0
Бир фазали кўприксимон схема
Уч фазали кўприксимон схема
Вентил тури
Д-226-А
Максимал-рухсат этилган ток Iдоп
0.3
Максимал-рухсат этилган тескари кучланиш Uдоп
500 В
№
Тўғрилаш тоқи,номиналдан %
Однофазная мостовая схема
Трехфазная мостовая схема
Id
Ud
1 0
2 20
3 40
4 60
5 80
6 100
Жадвални тозалаш
Параметрда
Схема
Бир фазали кўприксимон схема
Уч фазали кўприксимон схема
Максимал-рухсат этилган ток Idоп
0,6
0,9
Максимал-рухсат этилган тескари кучланиш Udоп
22,6
39,12
Схеманинг тўғрилаш коэффициенти Кф
0,9
1,17
Ишга туш.
N
Асбоблар панели
A
V
Орқага
Олдинга


Транзисторнинг кириш тавсифларини ўлчаш
Ишга туш.
Uкэ=0
П1
0
П1
П2
mA
V1
V2
Асбоблар панели
A
V
Жадвални тозалаш
1-жадвал
Uкэ=0
Iб, мА
Uэб, В
0
0
Орқага
Олдинга




Хулоса қилиб айтганда, виртуал ахборот-таълим лабораторияси шароитида ўқув моделлаштириш орқали билимнинг янги соҳаларини ўрганишда талабаларнинг атроф оламдаги ҳодисаларни билишга оид мустақил фаоллиги ортади, ҳаётий фаолияти давомида юзага келадиган муаммоларнинг ечими вариантларини мустақил топиш малакаси, олинган билимларни амалиётда қўллашга тайёрлик шаклланади. Демак, талабаларнинг мустақиллигини ривожлантиришга кўмаклашадиган виртуал лабораториялардан фойдаланиш электрон таълимий компьютер маҳсулотини жорий қилишда муваффақиятнинг узвий қисми саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- Темирова М.А. “Электротехника ва электроника” фанидан виртуал лаборатория ишлари бўйича услубий кўрсатмалар. Т.: 2019. - С. 108.
- Ахмедов А.П.,Темирова М.А., Худойберганов С.Б. “Электротехника ва электроника” fanidan laboratoriya ishlarini bajarish uchun uslubiy ko`rsatmalar. Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш,қуриш ва эксплуатацияси институти.Т.: 2020. - С. 184.
- Темирова М.А. “Электротехника ва электроника” фани бўйича назорат саволлари (тестлар) услубий кўрсатма. Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш,қуриш ва эксплуатацияси институти. Т.: 2019. - С. 194.
- Темирова М.А. “Электротехника ва электроника” фанидан мустақил ишларни бажариш учун услубий кўрсатма. Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш,қуриш ва эксплуатацияси институти. Т.: 2019. - С. 198.

- Temirova M.A. “Elektrotexnika va elektronika“ fanidan amaliy mashg’ulotlari uchun O’quv qo’llanma. Toshkent avtomobil yo’llarini loyihalash,qurish va ekspluatatsiyasi institute. T.: 2019. - C. 185.
- Ахмедов А.П., Худойберганов С.Б. “Электротехника ва электроника” фанидан Ўқув қўлланма. Т.: 2019. – С. 253.
- Темирова М.А. “Электротехника ва электроника” фанидан маърузалар матни. Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти. Т.: 2019. - С. 194.
- (http://www.virtulab.net) .

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИНИНГ ТЕХНИК ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИ ЎЗГАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Одамов Умарбай Оманович
Ўзбекистон фанлари академияси
Энергетика муаммолари институти
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим
Комилов Мирзиё Миркамолович
Гулистон давлат университети
докторант

***Аннотация:*** *Мақолада Наманган вилояти Поп туманида қурилган синов режимида ишлайдиган қуввати 130 кВт бўлган қуёш электр станциясининг хозирги кунда ишлаш фаолияти, қуёш панелларининг техник характеристикалари, жойлашиш тартиби, ишлаб чиқарган электр энергиясининг кунлик, ойлик ва йиллик характеристикалари ва динамикаси, фойдали иш коэффициентининг ўзгаришлари ҳамда деградация жараёнилари ўрганилган. Тажрибалар асосида аниқ натижалар олинган ва илмий хулосалар келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *қуёш электр станцияси, фото электрик модуллари (қуёш панеллари), монокристал ва поликристал элементлар, кучланиш, ток кучи, электр энергия, деградация жараёнлари.*

## ИЗУЧЕНИЕ ПРОЦЕССА ИЗМЕНЕНИЯ ТЕХНИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК СОЛНЕЧНЫХ ПАНЕЛЕЙ В КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Одамов Умарбай Оманович
Академия наук Узбекистана
Институт проблем энергетики
кандидат технических наук, старший научный сотрудник
Комилов Мирзиё Миркамолович
Гулистанский государственный университет
докторант

***Аннотация:*** *В статье приводятся текущая эксплуатация тестовой солнечной электростанции мощностью 130 кВт, построенной в Попском районе Наманганской области, технические характеристики солнечных панелей, компоновка, суточные,*

*месячные и годовые характеристики и динамика выработки электроэнергии, эффективность, а также изучаются деградационные процессы. На основании экспериментов были получены реалные результаты и научные выводы.*

***Ключевые слова:*** *солнечная электростанция, фотоэлектрические модули (солнечные панели), монокристаллические и поликристаллические элементы, напряжение, ток, электричество, процессы деградации.*

## STUDY OF PROCESSES OF CHANGING TECHNICAL CHARACTERISTICS OF SOLAR PANELS IN CLIMATE CONDITIONS OF UZBEKISTAN

Odamov Umarbay Omanovich
Academy of Sciences of Uzbekistan
Institute of Energy Problems
PhD, senior researcher
Komilov Mirziyo Mirkamolovich
Gulistan State University
doctoral student

***Annotation:*** *The article describes the current operation of a test solar power plant with a capacity of 130 kW, built in Pop district of Namangan region, technical characteristics of solar panels, layout, daily, monthly and annual characteristics and dynamics of electricity generation, efficiency and degradation processes are studied. Based on the experiments, real results and scientific conclusions were obtained.*

***Keywords:*** *solar power plant, photovoltaic modules (solar panels), single crystal and polycrystalline elements, voltage, current, electricity, degradation processes*.

Юртимиз – органик ёқилғиларининг барча турларини ишлаб чиқариш ҳажмидаги уч баробар ошадиган катта миқдордаги қайта тикланадиган энергия салоҳиятига эга мамлакат ҳисобланади [1]. Айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланадиган технологиялар учун катта истиқболга эга. Чунки қайта тикланадиган энергиянинг ушбу туридан бутун мамлакат ҳудудида йил давомида фойдаланиш мумкин. Қуёш энергиясидан фойдаланишни кўпайтириш мамлакатнинг, айниқса, бориш қийин бўлган ва олис қишлоқ туманларида электр энергиясига бўлган эҳтиёжини бемалол қондириб, бу эса кўпгина иссиқлик электр станцияларидаги табиий газга бўлган талабни камайишига олиб келади, ўз навбатида иқтисод қилинган катта ҳажмдаги табиий газни экспорт қилиш имкониятини оширади.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб, қуёш энергиясини ривожлантириш учун илмий-тадқиқот ишлари биринчи даражага кўтарилди, 2012 йилда "Халқаро қуёш энергияси институти" ташкил этилди. Шунингдек, 2013-2018 йилларда хорижий сармоялар иштирокида кремний, фото электрик модуллари (қуёш панеллари), қуёш концентраторлари ишлаб чиқарадиган заводларини яратиш бўйича лойиҳалар имзоланди ва бир нечта қуёш электр станциялари (ҚЭС) қурилди.

Юртимизга ривожланган мамалакатлардан хар-хил техник хусусиятларга эга бўлган, жаҳон стандартлари ассосида ишлаб чиқарилган қуёш панеллари олиб келинди. Бизга маълумки [2], олиб келинаётган қуёш панелларининг сифати ва техник характеристикаларига қараб нархлари белгиланади. Айниқса, фото электрик модуллар, яъни қуёш панеллари юртимизнинг иқлим шароитида ўзини қандай тутиши ва фойдали иш коэффициентининг ўзгариши, техник хусусиятларини камайиши унга сарфланган харажжатларни қоплаши, ҳамда ишлаш муддатини аниқлаш мамалакатимиз иқтисодий сиёсати учун жуда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, 20 асрнинг 70 йилларида маълум бўлган[3,4], фото электрик модулларнинг вақт ўтиши билан техник хусусиятларининг сезиларли даражада ёмонлашиши ва самарадорликни, фойдали иш коэффициенти (ФИК)ни маълум фоизгача камайиши, яъни деградация жараёнини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақолада асосан, 2015 йилда Наманган вилояти, Поп туманида Кореялик мутахассислар билан биргаликда синов режимида ишлайдиган, қуввати 130 кВт бўлган қуёш электр станциясининг хозирги кунда ишлаш фаолияти, қуёш панелларининг техник характеристикалари, жойлашиш тартиби, ишлаб чиқарган электр энергиясининг кунлик, ойлик ва йиллик характеристикалари ва динамикаси, фойдали иш коэффициентининг ўзгаришлари ҳамда деградация жараёнилари ўрганилди.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 25-июндаги “Жанубий Корея Республикаси Президенти Pak Kin Xe”нинг Ўзбекистонга давлат ташрифи даврида эришилган келишувларни амалга ошириш чоралари ва икки томонлама ҳамкорликни келажакда ривожлантириш тўғрисидаги №2192-сонли Қарори доирасида Корея Республикаси иқтисодиёт вазирлиги орасида қайта тикланувчи энергия манбаларини республикада қуёш энергияси потенциалини ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ривожлантириш бўйича ҳамжихатлик тўғрисида “Меморандум” имзоланган эди. Меморандумнинг амалга ошириш натижаларига кўра, Корея Республикаси томонидан қиймати 700 минг АҚШ доллари ҳажмдаги грант маблағлари ҳисобига синов тартибида қуввати 130 кВт бўлган куёш панеллари олиб келинди ва ишга туширилди. Қуёш электр станцияси суткасига 500-600 кВт·соат электр энергиясини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Турли ускуна ва бутловчи қисмлар “Корея Республикасининг фотоэлектрик саноат уюшма”сига кирувчи 4-та “HANWHA”, “JSPV”, “S_ ENERGY” ВА “TOPSUN” компанияларининг қуёш панеллари ҳамда Германияда ишлаб чиқарилган “KACO” ва “DASS TECH” инверторлари ўрнатилган.

Қуёш панелларининг техник характеристикалари 1-жадвалда келтирилган.


**1-жадвал**

| | HANHWA-1 | JSPV-2 | S-ENERGY-3 | TOPSUN-4 |
|---|---|---|---|---|

| Image |  |  |  |  |
|---|---|---|---|---|
| **Model** | **HSL 250** | **JSMM2501** | **SM250PC8** | **TS-S400** |
| Rated Power | 250 Wp | 250 Wp | 250 Wp | 400Wp |
| Voltage at $P_{max}$ | 30.4V | 30.9V | 30.8V | 49.39V |
| Current at $P_{max}$ | 8.23A | 8.25A | 8.14A | 8.1A |
| Short-circuit current | 8.79A | 8.8A | 8.67A | 8.7A |
| Open-circuit voltage | 37.7V | 38V | 37.5V | 60.55V |
| Module efficiency | 15.5% | 15.55% | 15.03% | 15.6% |
| Size (W*H*D) | 988*1.636*40 | 990*1.646*45 | 999*1.665*50 | 1.308*1.960*40 |

1-жадвалдан кўринадики, қуёш панеллари монокристал (mono-Si) ва поликристал (poly-Si) элементлардан иборат. Қуёш панелларининг номинал қуввати (Rated Power,V) 250 Вт ва 400 Вт, максимал кучланиш қиймати (Voltage at $P_{max}$,V) ҳамда максимал ток қиймати (Current at $P_{max}$, A) ҳар бир панеллар учун жадвалда келтирилган. Худди шундай, қисқа туташув токи (Short-circuit current, A) ва юклама йўқ пайтдаги кучланиш (Open-circuit voltage, V), фойдали иш коэффициенти (ФИК) (Module efficiency, %) ва ўлчамлари Size (W*H*D) келтирилган.

Қуёш панелларининг лойиҳа буйича жойлашиш схемаси 1- расмда келтирилган.




**3. расм. Қуёш панелларининг жойлашиш схемаси.**

1-расмдан кўринадики, қуёш панелларининг 1, 2 ва 3 қаторлари ерга нисбатан $30^0$ қилиб ўзгармайдиган қилиб ўрнатилган, 4 қатор эса йил фаслларига қараб $15^0$ ва $45^0$ га ўзгартириб турадиган қилиб ўрнатилган. 1- қаторда HANHWA фирмасининг HSL 250 модулидаги қуввати 250 Вт бўлган 198 дона, умумий қуввати 49,5 кВт поликристал қуёш панеллари, 2- қаторда эса JSPV фирмасининг JSMM2501 модулидаги қуввати 250 Вт бўлган198 дона, умумий қуввати 49,5 кВт монокристал қуёш панеллари, 3 – қаторда S-ENERGY фирмасининг SM250PC8 модулидаги қуввати 250Вт бўлган 72 дона, умумий қуввати 18 кВт бўлган поликристал қуёш панеллари ҳамда 4-қаторда TOPSUN фирмасининг TS-S400 модулидаги қуввати 400 Вт бўлган, умумий қуввати 9,6 кВт бўлган монокристал қуёш панеллари ўрнатилган. Қуёш электр станциясининг умумий қуввати 126,6 кВт ни ташкил этади.

Қуёш панеллари ишлаб чиқарган ўзгармас электр энергиясини 4 та инвертор ёрдамида ўзгарувчан электр энергиясига айлантириб трансформатор орқали электр тармоғига узатилади. Инверторларни техник характеристикалари 2-жадвалда келтирилган. 1 ва 2 қатордаги қуёш панеллари учун “KACO” фирмасининг Powador 60.0 TL3 модулидаги қуввати 49,9 кВт бўлган 2 та умумий қуввати 99,8 кВт инвертор ўрнатилган. 3 ва 4 қаторларга эса “DASS TECH” фирмасининг DSP-3320KT ва DSP-3310KT модулидаги қувватлари 20 кВт ва 11 кВт инверторлари ўрнатилган.

**2-жадвал**


| | **KACO-1,2** | **DASS TECH-3** | **DASS TECH-4** |
|---|---|---|---|
| Image |  |  |  |
| **Model** | **Powador 60.0TL3** | **DSP-3320KT** | **DSP-3310KT** |
| Max. Open Circuit Voltage | 1,000 V dc | 700 V dc | 700 V dc |
| Range of MPPT Voltage | 200◎850 V dc | 220◎700 V dc | 220◎700 V dc |
| Rated output capacity | 49.9 kW | 20 kW | 11 kV |
| Size (W*H*D) | 840*1.360*355mm | 650*1.400*500 | 650*1.060*500 |
| Full Weight | 173 kg | 210 kg | 160 kg |

Қуёш электр станциясининг электр схемаси бўйича “KACO” ва “DASS TECH” инверторларидан ҳосил қилинган электр энергияси L-PV йиғиш шкафига йиғилади. Йиғилган электр энергияси 3 фазали 0,4 кВ ли яъни (A,B,C-O) шаклида ташқи трансформаторга узатилади. L-PV шкафи ва трансформатор 0,4 кВ фазалари

мослаштирилиб уланади. Уларни ҳар қандай ўчиш ва ёқишлардаги параллелга кириши учун синхронизм автоматикаси ҳар бир инверторга киритилган.

Қуёш электр станциясидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини ҳисобга олиш мақсадида трансформаторга уланиш жойида DTS 541U №530230 сонли электрон ҳисоблагич ўрнатилган.

Қуёш электр станциясининг ўланиш схемаси 2- расмда келтирилган. 2-расмдан кўринадики, ҳар бир компаниянинг қуёш панелларига алоҳида инвертор ва монитор уланган, ишлаб чиқарилган электр энергия ҳажмини кузатиб бориш имкониятига эга. Демак, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун жуда катта имконият яратилган. Шу имкониятлардан фойдаланиб, ҳар бир компаниянинг қуёш панелларининг ишлаш фаолияти, йил фасллари бўйича электр энергиясини ишлаб чиаришнинг ўзгаришлари, ҳар қандай иқлим шароитларида кузатиб борилди. 3-расмда қуёш электр станциясининг умумий кўриниши келтирилган. 2015 йилда қуёш электр станцияси ёрдамида ишлаб чиқарилган ва аҳолига узатилган электр энергияси таҳлил қилинган. 4- расмда ойлар бўйича ишлаб чиқарилган электр энергияси динамикаси келтирилган.





**2- расм. Қуёш электр станциясининг уланиш схемаси.**



**3-расм. Қуёш электр станциясининг умумий кўриниши.**

Олинган таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, қуёш панеллари электр энергиясини ишлаб чиқаришни эрталабки қуёш чиқишидан, яъни йил фаслларига қараб тахминан 06:00 вақтдан то кун қорайгунгача, яъни 19:00 гача давом эттиради.

Қуёш электр станциясининг ишлаб чиқарилган умумий электр энергиясининг маълум бир қисмини станцияни асбоб ускуналарини ишлаб туриши учун сарф қилади, яъни ўз эҳтиёжлари учун, қолган қисми электр тармоғига узатилади. Буларни ҳар бири учун алоҳида ҳисоб олиб борилади.





**4- расм. 2015 йилда ойлар бўйича ишлаб чиқарилган электр энергияси**

4-расмдан кўринадики, юртимизда йилнинг 12 ойида ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин экан. Асосан, март ойидан бошлаб октябрь ойигача 10000 кВт·соат дан юқори электр энергиясини олиш имконияти мавжуд, қолган 4 ой, яъни январь, февраль, ноябрь ва декабрь ойларида тахминан ойига 4000 кВт·соат дан юқори электр энергиясини ишлаб чиқариш мумкин. 2015 йилда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг максимал қиймати август ойига тўғри келган, минимум эса февраль ойига тўғри келган. 2015 йил бўйича умумий 141556 кВт·соат электр


энергияси ишлаб чиқарилган ва тармоққа узатилган. 5-расмда 2015 йилнинг октябрь ойи бўйича кунлик ишлаб чиқарилган электр энергияси ва ёруғлик нурининг панелларга тушиши (Вт/м²), ҳамда ташқи муҳит ва панел сиртининг температураси келтирилган.

5-расмдан кўринадики, қуёшли кунларда, яъни ёруғлик нурининг ерга тушиши (Вт/м²) ортиши билан ишлаб чиқариладиган электр энергияси 1,5-2 баробарга ошиб кетади, булутли кунларда эса бу кўрсатгич катта унчалик қийматга эга бўлмайди. Қуёш панелларинг сиртқи температураси ташқи муҳит температураси билан бир-бирига яқинлиги кўрсатилган.




**5-расм. 2015 йилнинг октябрь ойи бўйича кунлик ишлаб чиқарилган электр энергияси**


Худди шундай, 6-расмда 2016 йил учун ҳам қуёш панеллари ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг динамикаси келтирилган.



**6-расм. 2016 йил учун ойлар бўйича ишлаб чиқарилган электр энергиясини динамикаси.**

2016 йил ҳам 12 ой давомида ҳам электр энергияси ишлаб чиқарилган. Асосан, март ойидан бошлаб октябрь ойигача 10000 кВт·соат дан юқори бўлган миқдорда электр энергиясини олиш имконияти мавжуд, қолган 4 ой, яъни январь, февраль, ноябрь ва декабрь ойларида тахминан ойига 4000 кВт·соат дан юқори бўлган миқдорда электр энергиясини ишлаб чиқариш мумкин. 2016 йилда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг максимал қиймати август ойига тўғри келган 19251 кВт·соат, минимум эса декабрь ойига тўғри келган 1289 кВт·соат. 2016 йил бўйича умумий 143302 кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқарилган ва тармоққа узатилган. Бу кўрсатгич олдинги йилга нисбатан 1746 кВт·соатга кўп электр энергия тармоққа узатилган.

Агар 2017 йилда (7-расм) ишлаб чиқарилган электр энергия юқорида келтирилган йилларга ўхшаб, асосан март ойидан бошлаб то октябрь ойигача бўлган даврда қуёш панелларининг иш фаолияти максимал даражага чиқади, қолган 4 ой, яъни январь, февраль, ноябрь ва декабрь ойларида ўртача қийматда ишлайди. Қуёш панелларининг техник хусусиятлари уч йил давомида сезирарли ҳеч қандай ўзгаришлари кузатилмади. 2017 йилда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг умумий қиймати 135810 кВт·соат.





**7-расм. 2017 йил учун ойлар бўйича ишлаб чиқарилган электр энергия динамикаси.**

Синов мақсадида ўрнатилган 4-та “HANWHA”, “JSPV”, “S_ ENERGY” ВА “TOPSUN” компанияларининг қуёш панелларининг кунлар давомида алоҳида фойдали иш коэффициенти ва ишлаб чиқариш самарадорлиги аниқланди (8-расм).


Ҳар бир компания қуёш панелларинг ўрнатилган қувватлари 8-расмда келтирилган. Электр энергия ишлаб чиқариш динамикаси ҳамма қуёш панелларида бир хил, яъни ўзига мос қувватларда қуёш нурининг ёритиши (Вт/м$^2$) кучайганда қуёш панелларинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) 1,5-2 баробарга ошиб кетиши кузатилди.

9-расмда келтирилган, 2018 йилда ишлаб чиқарилган электр энергиясини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ҳолатларда ҳам март ойидан бошлаб то август ойигача қуёш панеллари электр энергияни ишлаб чиқарувчанлиги максимал даражага эришилган. Умумий ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қиймати 126873 кВт·соатни ташкил қилган.





**8-расм. 4 та компания қуёш панелларининг 2015 йилнинг июнь ойида кунлар бўйича электр энергия ишлаб чиқариш динамикаси.**

2015-2018 йилларда ишлаб чиқарилган электр энергия таҳлиллари шуни кўрсатдики, 8 ой давомида, яъни март ойидан то октябрь ойигача қуёш панелларнинг ишлаш фаолияти жуда юқори, қолган 4 ойи, яъни январь, февраль, ноябрь ва декабрь ойларида ўртача ишлаши аниқланди. Қуёш электр станцияси ҳам ўз эхтиёжи учун электр энергиясини сарфлайди. Ушбу сарфланаётган электр энергия 9-расмда эгри чизиқ орқали берилган, қуёшли кунларда кам сарфланиши, яъни қуёш панеллари фойдали иш коэффициенти юқори бўлса, ўз эхтиёжи учун кам электр энергия сарфлаши таҳлиллар асосида исботланди.




**9-расм. 2018 йил ишлаб чиқарилган электр энергияси ва ўз эхтиёжи учун сарфланган электр энергия динамикаси.**

Агар қуёш панелларининг ушбу 2015-2018 йилларда ишлаб чиқарилган электр энергияларини солиштирсак, ушбу ҳолат 10-расмда келтирилган. Бир кўришда, электр ишлаб чиқариш қийматлари бир хилдай кўринади, аммо 2018 йил июль ойдан бошлаб қуёш панелларининг ишлаб чиқариши бироз камайганини кўрсатади. Бу ҳолатни чуқурроқ таҳлиллар асосида ўрганилганда, шу нарса маълум бўлдики, қуёш панеллари қаттиқ иссиқ кунларда қуёш панелларининг температура +70$^0$C дан +90$^0$C гача кўтарилади. Натижада, қуёш панелларинг ишлаш фаолияти ёмонлашади ва фойдали иш коэффициенти тушиб кетади. Бу ҳолат эса деградация жараёнларини бошланаётганлигини билдиради. Агар ушбу холатни "Қайта тикланувчи энергия миллий лабораторияси (NREL) лабораторияси [4] маълумотлари билан солиштирсак, ҳақиқатан ҳам қуёш панеллари деградациясининг ўртача даражаси 1 йилига 0,5% - 0,8% баъзи ҳолларда ундан пастроқ ёки юқорироқ бўлиши мумкин экан. Бироқ, бу ўртача қийматлар ва кўрсатгични ўзгартирадиган бир қатор омилларга боғлиқ.




**10-расм. 2015-2018 йилларда ишлаб чиқарилган электр энергия динамикаси.**

Қуёш панелларининг деградацияси қуёш модули ва ўрнатиш тузилмаси (одатда, алюминий ёки пўлатдан ясалган рамка) орасидаги потенциал фарқи яримўтказгичли гофретлар ва модулнинг бошқа элементлари (шиша, ламинат) орасидаги қатламларда кузатиладиган носозликлар туфайли юзага келади. Натижада, модулнинг номинал чиқиш кучланиши камаяди.

Жаҳон амалиётларида [5,6,7,8,9] атроф-муҳит намлигининг ортиши билан қуёш панелларининг деградация жараёнлари интенсивлигининг ошишини ҳам аниқладилар. Маълумки [10,11,12], қуёш панеллари ташқи муҳит температурасининг ошиши ва қуёш панелларини меъёрдан ортиқ исишига олиб келади, бу фотоэлектрик эффект қувватини камайтиради ҳамда ишлашига салбий таъсир кўрсатади.

Кузатишлар натижаси асосида яна бир муҳим нарса аниқландики, агар қуёш панеллари сиртида чанг ёки қум йиғилиб қолса, бу ҳолатда ҳам қуёш панелларини ишлаш фаолияти кескин 10% дан 30% гача камайиши мумкин экан.

Шундай қилиб, Поп туманида жойлашган синов режимида ишлайдиган қуввати 130 кВт бўлган қуёш электр станциясининг хозирги кунда ишлаш фаолияти, қуёш панелларининг техник характеристикалари, жойлашиш тартиби, ишлаб чиқарган электр энергиясининг кунлик, ойлик ва йиллик характеристикалари ва динамикаси, фойдали иш коэффициентининг ўзгаришлари, ҳамда деградация жараёнлари ўрганилиб қуйидаги хулосалар қилинди:

14. Қуёш панеллар тоифаси жиҳатидан А тоифага киради. Булар энг юқори сифатли қуёш панеллари микро ёриқларсиз, ташқи кўринишидан бу фотоэлементлар ранги ва тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшашдир. Ушбу тоифадагилар энг кичик бузилишга ва энг юқори самарадорлик хусусиятига эгадир.
15. Қуёш панелларининг кунлик иш фаолияти давомида қуёшли кунларда, яъни ёруғликнинг интенсивлиги 285,2 Вт/м$^2$ дан ошганда фойдали иш коэффициенти 1,5-2 баробарга ошиши аниқланди.
16. Булутли ва совуқ кунларда эса қуёш панеллари ишлаб чиқарган электр энергиясининг кўп қисми қуёш станциясидаги асбоб ускуналарни ишлашига, яъни ўз эҳтиёжига сарфланади. Бу қиймат тахминан йил фаслларига қараб 2% дан 18% гача боради.
17. Агар қуёш панеллари сиртида чанг ёки қум йиғилиб қолса, бу ҳолатда ҳам қуёш панелларининг ишлаш фаолияти кескин 10% дан 30% гача камайиши аниқланди.
18. 4-та “HANWHA”, “JSPV”, “S_ENERGY” ва “TOPSUN” компаниялари қуёш панелларининг фойдали иш коэффициенти ва ишлаб чиқариш самарадорлиги, дастлабки уч йил ичида ҳеч қандай ўзгаришсиз, яъни паспортда берилган характеристикаларига мос ишлаши аниқланди.
19. Қуёш панеллари монокристал (mono-Si) ва поликристал (poly-Si) элементларидан ясалган бўлиб, техник хусусиятлари деярли бир хил маромда ўзгарди, фойдали иш коэффициенти ҳам деярли бир хил, лекин бугунги кун жаҳон бозорида уларнинг нархлари хар хил.
20. 2015-2018 йиллар давомида ойлар бўйича ишлаб чиқарилган электр энергиясини ўзгариш динамикаси солиштирилганда, 2018-2019 йилларнинг июль ойидан бошлаб қуёшли кунларда ҳам фойдали иш коэффициентининг одатдагидан камайиши кузатилди ва бу ҳолат деградация жараёнларига ўхшашлиги аниқланди.

Бу Поп туманида жойлашган қуёш электр станцияси фаолияти бўйича дастлабки илмий тадқиқотлар, кейинги тадқиқотларда ҳар бир компания қуёш панелларининг вольт-ампер характеристикалари ва деградация жараёнларининг сабаблари ҳамда қуёш панелларининг фойдали иш коэффициентига таъсир қилувчи факторлар ўрганилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

13. Бирлашган миллатлар ташкилотининг тарққиёт дастури (БМТТД) “Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш истиқболлари” маърузаси (Тошкент, 2007 й.), “Муқобил энергия манбалари: Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари” (Тошкент, 2011).
14. World Bank Group, Global Solar Atlas, Solargis, URL:

https://solargis.com/maps-and-gis-data/download/uzbekistan/.
15. Odamov U.O., Komilov M.M. Evaluation of solar panels quality and research of degradation processes in the climate conditions of Uzbekistan. // Sciences of Europe, №43(43) Vol 1, 2019y. p.62-66.
16. https://solarhome.ru/buyer_guide/tips_select_pv.htm/
17. http://www/nrel.gov/
18. https://batteryk.com/gibkie-solnechnye-paneli
19. https://www.solarhome.ru/equipment/pv
20. https://www.nrel.gov/docs/fy12osti/51664.pdf
21. https://batteryk.com/solnechnye-batarei-harakteristiki
22. http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/s0301421516301860
23. https://eco-tech.com.ua/a252276-pervaya-chastnaya-ses.html
24. http://www.photovoltaiksolarstrom.de/photovoltaiklexikon/degradation

## NOTO`LIQ OILALARDA MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR RIVOJLANISHINING O`ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

M.X.Asranbayeva NamDU

Oila a`zolari tomonidan bolalar oldiga qo`yiladigan talablarning birligi , o`zaro mas`uliyat va ta`sir ko`rsatishdagi uyg`unlik bola shaxsining har tomonlama rivojlanishining muhim manbai hisoblanadi.

Maktabgacha yoshdagi bola yashayotgan va tarbiyalanayotgan oila uning uchun tabiiy manba bo`lib, u bolaning harakteri va xulq-atvorida alohida iz qoldiradi. Bola shaxsi ko`p jihatdan va asosan, oilada shakllanadi. Yashashning boshlang`ich qoidasini o`rganadi.

Oilaning tarbiyaviy ta`siri shunchalik kuchli bo`ladiki va bizning nazarimizda ota-onalarning harakterlari xususiyatlari bolaga biologik yo`l bilan o`tganday tuyuladi. Shuning uchun ham oilani '' hissiyotlar maktabi'' deb bejiz aytilmaydi.

Oiladagi maishiy turmush sharoiti, oila jamg`armasi, qadriyatlari, oila a`zolarining o`zaro munosabatlari, ularning xulq-atvorlari, axloqiy sifatlari, ehtiyojlari va qiziqishlari bolaga ilk yoshlik davridanoq o`z ta`sirini o`tkaza boshlaydi. Ayniqsa ota va onaning ma`naviy qiyofasi, ijtimoiy sifatlari kelgusida bolada qanday harakter xususiyatlari shakllanishini oldidan belgilab beradi. Chunki bola eng avvalo o`ziga yaqin bo`lgan kishilarga taqlid qiladi, ularning xul-atvorlarini o`zida ifoda eta boshlaydi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarning xulq-atvorlariga qarab oilani, oila tarbiyasining harakterli tomonini baholash mumkin. Agarda bolaning xulq-atvorida salbiy xatti-harakatlar mavjud bo`lsa, oila va undagi tarbiyaning, namunali, ta`sirchan emasligi haqida xulosa chiqarish mumkin bo`ladi.

Bolalar tarbiyasida namunali oilalar bilan bir qatorda bolalarga moddiy sharoit yaratish bilangina chegaralanadigan, bolaning tarbiyasi, uning kelajagi haqida o`ylamaydigan, e`tibor bermaydigan noto`liq oilalarni ham uchratish mumkin.

Oila a`zolarining ajralishlari yoki ota va onaning birining vafot etishi natijasida noto`liq oilalar paydo bo`ladi. Oila a`zolaridan birining bola tarbiyasida qatnashmasligi

qator obyektiv qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi. Natijada bola tarbiyasi bilan shugullanuvchi onaning zimmasiga ikkita og`ir vazifa: o`z qaramog`ida qolgan bolalarni moddiy jihatdan ta`minlash va ularning tarbiyasi uchun javobgar bo`lish mas`uliyati yuklanadi. Bundan tashqari yoig'iz ona juda katta ruhiy qiyinchilikni hamda bolalar tarbiyasiga doir katta javobgarlikni his qila boshlaydi.

Noto`liq oilaga xos xarakterli xususiyat uning o`ziga xosligi (yopiqligi)dir. Tevarak-atrofdan unga ta`sir etish birmuncha qiyinroq bo`ladi. Chunki oila a`zolari ona va bolalar to`liq oila a`zolariga nisbatan kamgapligi, kamsuqumligi va tortinchoqligi bilan ajralib turadi.

Noto`liq oilada o`ziga xos ruhiy muhitning mavjudligi va uning vaqti-vaqti bilan o`zgarib turishi bu oilada tarbiyalanayotgan bolaning aqliy, axloqiy va ruhiy kamolotiga alohida ta`sir etadi.

Masalan, bolaning ota-onasi bilan bo`lgan osoyishta va erkin munosabati-uning ijtimoiy ongiga, xulq-atvoriga, o`z-o`ziga bo`lgan ishonchining ortib borishiga ijobiy ta`sir etadi.

Tekshirishlardan ma`lumki, to`liq oilada tarbiyalangan bola odatda oila va oila a`zolari to`g`risida kamroq tashvishlanadi, o`z oilasi to`g`risida hotirjamlik hissi mavjud bo`ladi.

Oilaning ajralishi tufayli sodir bo`ladigan to`xtovsiz oilaviy nizolar va son-sanoqsiz mojarolar oilaviy muammolarning tez-tez muhokama qilinishi bolaning osoyishtaligi, hotirjamligini, tinchini, huzur-halovatini yo`qotadi, o`ziga nisbatan ishonchsizlikning ortishiga sabab bo`ladi. Kuzatishlar natijasida bola qanchalik kichik yoshda bo`lsa oila va uning oqibatlarini, ajralishini tasavvur qila olmaydi degan tushuncha noto`g`ri ekanligi ma`lum bo`ldi. Bolalar qanday yoshda bo`lishlaridan qat`iy nazar oilaviy nizo va ajralishdan qattiq iztirob chekadilar, ruhiy tushkun, odamovi bo`lib qolishadi. Sababsiz oilaviy mojarolar bolaning tasavvurida xotirasida yoqimsiz iz qoldiradi, bu esa uning ruhiy jihatdan normal rivojlanishiga salbiy ta`sir ko`rsatadi. Natijada bunday oila bolalarida qo`rquv hissi, hadiksirash hissi uyg`onadi va hatto bolalarning nutqlarida nuqsonlar paydo bo`la boshlaydi, duduqlanib, ishonchsizlik bilan gapiradigan bo`lib qoladilar.

Maktabgacha yoshidagi bolalar oila ajralishiga dastlab juda sust, sezilarsiz munosabatlarni bildirsa-da, asta-sekin katta maktabgacha yoshida ular otasiz yoki onasizlikni chuqurroq his eta boshlaydilar. Bolalarning otasizlikni his etishlarini ularning turli xatti-harakatlarida, jumladan, onasiga bo`lgan munosabatlarida o`zgarishlarda kuzatish mumkin. Bolalarning tevarak-atrofdagi voqelikka bo`lgan kuchli qiziqishlari susaya boshlaydi, tengdoshlari va kattalarga bo`lgan munosabati keskin o`zgaradi, injiq, janjalkash, gap ko`tara olmaydigan va kattalarga quloq solmaydigan bo`lib qoladilar. Eng xavflisi shundaki, boladagi samimiylik, g'mho'rlik o`rnini asta-sekin bag`ritoshlik, befarqlik egallay boshlaydi, chunki bola oila ajralishi jarayonini, eng yaqin kishilarining bir-birlariga bo`lgan sovuqqonlik, berahmlik munosabatlarini o`z ko`zi bilan ko`rgan, g`azablangan va nihoyat , bunga o`rganib qolganligidir. Bundan tashqari, bola qolgan onaning tarbiya faoliyatida ruhiy o`zgarishlarning yuz berishi, bolaga nisbatan o`zini mehribonroq, g`amxo`rroq qilib ko`rsatishi, uning barcha ehtiyojlarini to`la qondirishga

harakat qilishi otasiga nisbatan bolada g`azab uyg`otishiga urinishi, intilishi bolada yangi salbiy munosabatlarni: e`tiborsizlik, beparvolik, ba`zi hollarda esa qaysarlik va o`jarlik yolg`onchilik va irodasizlikning shakllanishiga sabab bo`ladi. Natijada, bolaga tarbiyachilar tomonidan ta`sir etish qiyinlashadi, asta-sekin pedagoglar bunday bolalarni tarbiyasiga qiyin va tarbiyadan chetda qolgan bolalar deb atay boshlaydilar. Fikrimizning dalili sifatida quyidagi misollarni keltiramiz:

Kuzatilgan 17 ta maktabgacha ta'lim tashkilotlarida hammasi bo`lib 408 bola noto`liq oilada tarbiyalanmoqda. Shulardan 69 tasini ota, 339 tasini esa ona tarbiyalamoqda. Aniqlanishicha, 408 boladan 31 tasining tarbiyasi qiyinlashib borayotganligi ma`lum bo`ldi. Maktab yoshidagi bolalarga nisbatan olinganda, tarbiyasi qiyinlashib borayotgan bolalar soni noto`liq oilalar hisobiga yanada ortib borayotganligi o`qituvchilarni tashvishlantirmoqda.

Oilada tarbiyaning bir tomonlama olib borilishi, bolaning shaxsiy xususiyatiga yetarlicha e`tibor berilmasligi, ya`ni ota va ona tomonidan teng ta`sirning yo`qligi, bola bilan bo`ladigan munosabatlarning sifat jihatidan o`zgarganligi asta-sekin unda otasiga yoki onasiga nisbatan yotsirash hissining uyg`onishiga sabab bo`ladi, bu esa uning rivojlanishiga katta xavf tug`diradi.

Oiladagi yangicha yashash sharoiti bola ruhiyatiga ikki xil ta`sir etadi: faqat ota yoki onaning ta`sirida bola bir tomonlama rivojlanadi va aksincha, ota yoki onaning maqsadga muvofiq oqilona ta`sir etishi bola rivojlanishining bir tekis bo`lishini ta`minlaydi. Har ikki holatning ijobiy va salbiy tomonlarini bilish, bola tarbiyasi uchun ta`sir ko`rsatish metodlarini aniqlash muhimdir.

Izlanishlar shuni ko`rsatmoqdaki, noto`liq oilaning tarbiyaviy ta`siri ijobiy natija berishiga nisbatan ko`proq salbiy ta`sir etmoqda. Chunki, bugungi noto`liq oila boshlig`ining ruhiyati bundan 20 yil oldingi noto`liq oila boshlig`ining ruhiy xususiyatidan tubdan farq qiladi. Onaning iqtisodiy jihatdan ta`minlangani ayrim hollarda uning ma`naviy qiyofasini o`zgartirib yubormoqda, natijada bunday ona tarbiyasidagi bolaning rivojlanishi notekis bo`lib, yoshligidagi xulq-atvori maktab yoshiga yetganda keskin o`zgarmoqda. Onasini mensimaydigan, unga ishonmaydigan, o`zini onadan ustun tutadigan bo`lib qolishi va tarbiyaviy ta`sir etib bo`lmaydigan holat vujudga kelib, bola tez orada tarbiyadan chetda qolmoqda.

Ko`pincha onaning tarbiyasida qolgan bolaning hayotiy tajribasi bir tomonlama, tor bo`ladi: hayoti davomida hosil bo`lgan har qanday yangi vaziyatda bola o`zining o`rnini, o`zini qanday tutish zarurligini mustaqil belgilashda, qarama-qarshiliklarni yengishda boshqa bolalarga nisbatan o`quvsiz ekanligi sezila boshlaydi va uning o`ziga bo`lgan ishonchi kamayadi. Onaning chegarasiz erkalashlari, ortiqcha mehribonchiligi, bolaga har doim kichkina, ko`ngli yarim deb qarashi bolada mustaqillikning rivojlanishini kechiktiradi, unga o`z kuchiga ishonmaslik, har doim onasiga suyanib ish ko`rish odati shakllanadi. Bolaning ijtimoiy tushunchasi to`liq oiladagi bolaning tushunchasidan birmuncha tor bo`ladi, chunki onaning oilada ham ona, ham ota vazifasini bajarishi uning ijtimoiy tasavvurlarini kengaytirmaydi.

Noto`liq oilada tarbiyalangan bolalarga ijtimoiy hayot to`g`risidagi tushunchalarning torligi o`g`il bolalarga nisbatan qiz bolalarda yaqqol seziladi, chunki

o`g`il bolalarning sport o`yinlariga, texnikaga bo`lgan qiziqishlari o`yin, mehnat faoliyatlarida o`zaro munosabatda bo`lishlari ularda ijtimoiy tushunchalarning ma`lum darajada o`sishini ta`minlaydi. Qiz bolada esa aksinchadir, chunki ular hayotining asosiy qismini onasi va qiz bolalar o`rtasida muloqotlarda o`tkazadi, bu hol uning kelgusi hayot yo`lini belgilashida ayrim qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi.

Ba`zan noto`liq oilada tarbiyalanayotgan bolaning xulq-atvorida aqliy rivojlanishida orqada qolish sodir bo`ladi. Maktabda esa o`zlashtirishida va orqada qolishning sababi oilada ona tomonidan qulay psixologik muhitning yaratilmaganligi onaning shaxsiy masalalarini hal etish bilan bandligi yoki bolaga nisbatan beparvoligi hisoblanadi.

Bunday hollarda bolaning rivojlanishi va tarbiyasi maktabgacha ta'lim tashkilotlarining alohida diqqat e`tiborida turishi va unga yordam berishlari zarur. Tarbiyachi pedagoglar esa noto`liq oiladan keladigan bolalarni o`rganishi ularni tarbiyalashi, sabr toqatli bo`lishi va bolaga shaxsiy yondashishi zarur.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Akramova F.A. "Oilada muomalani tashkil etish psixologiyasi" Toshkent "Shams ASA"-2006 yil
2. Otaxo'jaev F.M."Nikoh va uning tartibga solinishi" Toshkent "Adolat"-1999 yil
3. Karimova V. "Oila ma'rifati" Toshkent-2009 yil
4. Karimova V. "Oilaviy hayot psixologiyasi" O'quv qo'llanma Toshkent-2006 yil
5. Shoumarov G'.B. "Oila psixologiyasi" Toshkent "Sharq" -2008 yil
6. Xolmatova M "Oilaviy munosabatlar madaniyati va sog'lom avlod tarbiyasi" T.: "O'zbekiston" 2002
7. Fayzieva M, Jabborov A "Oilaviy munosabatlar psixologiyasi" T.: "Yangi asr avlodi" 2007
8. Davletshin M.G, Shoumarov G'.B, Sog'inov G'.B. "Zamonaviy o'zbek oilasi va uning psixologik xususiyatlari" Toshkent-1993 yil

## МУНДАРИЖА


**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**

**01.00.00 ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

1 Ba’zi algebraik masalalarning geometrik yechimi
Ergasheva H.M, Mahmudova O. Y ,Ahmedova G. A…… 3

2 Қизиган электрон ва ковакларнинг ферми квазисатҳлари билан $p-n$ ўтишли диоднинг вольт – ампер ҳарактеристикаси фазасидаги боғланиш.
Гулямов Г, Гулямов А.Г, Шахобиддинов Б.Б, Мажидова Г.Н, Усманов М.А …… 9

3 The strategy of parallel pursuit for differential game of the first order with gronwall-bellman constraints
Samatov B.T , Ahmedov O. U ,Doliev O.B …… 15

4 О решения одной краевой задачи для уравнения третьего порядка с кратными характеристиками в трехмерном пространстве
Апаков Ю.П, Хамитов А А …… 21

5 Определение потерь на трение при течении нелинейновязко пластичной среды по трубам
Мирхамидов У, Запаров З.А, Эгамбердиева Б.Г…… 31

6 Изучение темы «молекулярное строение и свойства жидкостей» в средних общеобразовательных школах
Онарқулов К. Э, Якубова Ш.Қ, Деҳқонова О.Қ …… 36

7 Определения теплофизических свойств топлива аэс
Эргашева М., Ортиқова О , Обиджанов Ҳ. …… 40

8 Исследование одной краевой задачи для уравнения третьего порядка параболо-гиперболического типа вида $\left(\frac{\partial}{\partial x}+\frac{\partial}{\partial y}+c\right)(Lu)=0$
Шерматова Х.М…… 44

**КИМЁ ФАНЛАРИ**

**02.00.00 ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**CHEMICAL SCIENCES**

9 Giloslarni tez muzlatish bo’yicha eksperimental o’rganish texnologiyasi
Aripov M.MMamatov Sh. M,Meliboyev M .F, Qodirov U……... 54

10 Polyelectrolyte expansion effects in size-exclusion chromatography of plant polysaccharides
Boymirzaev A. S, Sobirov S.M …… 60

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**BIOLOGICAL SCIENCES**

11 Namangan viloyatidagi efirmoyli o`simliklar haqida fikrlarimiz
Abdullayeva N. X…… 66

12 Smola saqlovchi kovraklar (*ferula foetida* (bunge) regel.) va *f.tadshikorum* (pimen)) urug'larining morfologiyasi va unish biologiyasi
Xalquziyeva M.A.,Raxmonqulov U…… 69
13 Барг устки ёнғоқ ширасининг мавсумий миқдор динамикаси
Юлдашева Ш.Қ……. 73
14 Фарғона водийси зулукларининг биохилма-хиллигини ўрганиш бўйича илк маълумотлар
Иззатуллаев З, Солижонов Х.Х……. 80
15 Қоратепа тоғ массивининг ўрта зонаси биоценозлари нематодафаунаси ва экологик хусусиятлари
Нарзуллаев С Б, Мавлонов О. М, Хакимов Н Х……. 85
16 Суғориладиган тупроқларда помидор хосилдорлигига азотли ўғитларнинг таъсири.
Нормуратов О.У, Зокиров Х, Хурсанов Ш. Ғ …… 91
17 Анализ земель в охранных зонах высоковольтных линий электропередач (лэп) на примере ферганской области.
Абдуллаев И. Н, Марупов А. А…….. 95
18 Фосформочевина ўғитининг сабзавот ўсимликлари ҳосили ва сифатига таъсири (Карам ва картошка мисолида)
Ташкулов С.М …….. 102
19 Природные факторы, характеризирующие потенциальную опасность эрозии почв
Джалилова Г.Т, Игамбердиева Д А, Маматкулов.А …… 106
20 Барг шакли турлича бўлган ғўза намуналарининг f1 ўсимликларида турли сув режими шароитларида "битта кўсакдаги пахта оғирлиги" белгисининг ирсийланиши
Хамдуллаев Ш.А, Абзалов М. Ф, Набиев С.М, Шавқиев Ж.Ш…….. 110
21 Марказий Фарғона Шимолий Қисми Гидроморф Тупроқларининг Антропоген Омил Таъсирида Ўзгариши
Қаландаров Н. Н, Исмонов А.Ж, Абдурахмонов Н.Ю …… 115

## ТЕХНІКА ФАНЛАРИ
## ТЕХНИИЧЕСКИЕ НАУКИ
## 05.00.00 TECHNICAL SCIENCES

22 Экстримал шароитда етиштирилган ковар (capparis spinosa) ўсимлик мевалари ни қуритишда махсулот чиқиш миқдори ва сифат кўрсатгичларига қуритиш усулларининг таъсири
Салихов С.А, Каримов И.Р, Хакимова А.З, Шарафиддинова М.Ф…….. 123

## ТАРИХ ФАНЛАРИ
## ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
## 07.00.00 HISTORICAL SCIENCES

23 Маданий- маърифий юксалиш тарихидан
Насриддинова Д…… 127

24 Ёшларни иш билан таъминлашнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечимлар
Абдулбоқиев Ф.А…….. 131
25 Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнларга қисқа назар
(илк ҳукмдорлар давридан бошлаб худоёрхоннинг тахт тепасига келгунга қадар)
Исмоилов И ……. 138
26 An’anaviy hunarmandchilik tarixidan (pichoqchilik misolida)
Mahmudov A. B…….. 145
27 XIX аср охири – xx аср бошларида туркистонда соғлиқни сақлаш тизими: анъанавийлик
Патхиддинов Р.Х ……. 149
28 Ҳамза ҳакимзода ниёзий асарларининг ўзбек тили тараққиёт тарихида тутган ўрни.
Хонқулов Ш.Х, Нурматова С.С…….. 152

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
08.00.00 ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
ECONOMIIC SCIENCES

29 To problems of improvement of marketing in education
Nabieva N…… 158
30 Блокчейн технологияси- рақамли иқтисодиётнинг асосий омили сифатида
Усманова З.М…… 162
31 Пахта-тўқимачилик кластерини ривожлантириш масалалари
Ахунова М.Х …….. 167
32 К актуальным проблемам мотивации персонала на промышленных предприятиях
Муминова Э.А …….. 172
33 Саноат тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммолари ва ечимлари
Тўхтасинова Д. Р…… 177
34 Региональный маркетинг как инструмент повышения инвестиционной привлекательности ферганской долины
Тухтасинова М.М ……. 181

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

35 Демократик давлат бошқаруви моделларининг ривожланиш тенденцияси
Султонов А. Ф…… 188
36 Ижтимоий ишда илмий тадқиқот метод ва воситалари
Юлбарсова Х.А…….. 194
37 Yoshlarda kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish – zamon talabi
Soxibov S.A…… 200

38 Жамият ва табиат орасидаги мувозанатнинг бузилиши глобал цивилизация кризиси сифатида
Абдумаликов А.А…… 206
39 Гендер сиёсати: муаммо ва ечимлар
Султонова А.Р …….. 211
40 Глобаллашув даврида ёшларда аксиологик онгни шакллантириш
Расулова Ш.А, Азимов У.А…… 216
41 Мафкуравий тарбиянинг моҳияти
Ибраҳимов Б.Б ……. 219
42 Глобаллашув даврида ёшлар маънавиятини юксалтириш – бугунги куннинг мухим вазифаси
Мухторжонова М.Р,.Холиярова М. С ……... 222
43 Глобаллашув шароитида социал стратификацион жараёнлар ва ижтимоий ҳамкорлик
Шарипов А.З …….. 227
44 Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришда ёшларга оид давлат сиёсатининг ўрни.
Жалилов А.А …… 234
45 Носириддин тусий шахсияти
Қўшшаева Н. М …… 239
46 Ҳаракатлар стратегияси – ёшлар интеллектуал салоҳиятининг ижтимоий-маданий омили сифатида
Исомиддинов.А А …… 243
47 Постмодернизм таълимотида модерн инсоннинг айрим жиҳатлари
Олимова М ……. 248

## 10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES

48 Roles of clt and its features in teaching english.
Kodirova M.Sh …… 255
49 So’z birikmasining tilshunoslikdagi sintaktik birlik sifatidagi tadqiqi
Asqarova M.X ……. 259
50 Assonans yoki vokalik alliteratsiyasi
Kuliyeva D.A ..... 263
51 Инновационные технологии (портфолио) в методике преподавания русского языка и литературы
Ибрагимова Н …… 270
52 Jarayon ifodalovchi leksemalar va ularning semantik tahlili
Xodjayeva M , Усмонова Х. ……..... 273
53 Неологизмлар: уларни тушиниш ва таржима қилишдаги муаммолар
Абдулбориева Ф …….. 277

54 Бизнес туризм терминларининг структурал хусусиятлари таҳлили
Гавҳарой Исроилжон қизи …… 282

55 Тил тизими ҳар хил бўлган тилларда полисемия
ва унинг турлари
Нарзуллаева Ф. О…… 289
56 Терминологик бирликларнинг комбинатор-таркибий ва функционал-синтактик
таҳлили
Шукурова М.А …… 297
57 Лингвистик тадқиқотларда ёшга оид номинациялар
Ахророва Р. У …… 304
58 Обогащение русской речи студентов общеязыковыми метафорами.
Мамаджанова М.Р …… 308
59 Ўзбек тилидаги фраземаларнинг услубий маъноси ва унинг компонентлари
ҳақида
Рашидова У.М …….. 311
60 Шоирнинг бадиий тафаккур олами
Каримов О.Я ……....., 317
61 Немис ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологик бирликларни таржима қилиш
имкониятлари
Нуруллаев Х.Т ……... 326
62 Неологизмы и проблема их изучения в современном русском языке.
Саттарова Ф. У …….. 332
63 Значение перевода в интеграции культур
Юсупов М. Р…….. 337
64 Словообразовательная семантика деминутивов в современном русском языке
Отаханова Ш …… 342
65 Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган нофилологик йўналишлар талабарини
рус тилидаги кишилик олмошларининг келишикларда турланишини грамматик
модел асосида ўргатиш
Набиев Ш.А ……... 346
66 Ўзбек тилида диний матнлар услубини белгиловчи экстралингвистик омиллар
Омонтурдиева Ш. Р …… 351

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**
**13.00.00 ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**
**PEDAGOGICAL SCIENCES**

67 Бўлғуси математика ўқитувчисининг ўқув ва методик кўникмаларини
шакллантириш имкониятлари
Ўринов Ҳ, Баракаев М …… 359
68 Назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлилига эришиш орқали математика
ўқитиш самарадорлигини ошириш
Юсупова А.Баракаев М …… 365

69 Психолого-педагогическая ориентированность на индивидуализацию процесса обучения
Пардабаева Д.Р ..... 369
70 Revitalization of the cognitive activity of the student: a modern view of the problem
Akbarova R.A ..... 374
71 Harbiy pedagoglarda xorijiy tillar bo'yicha mustaqil kompetentligini rivojlantirishning nazariy jihatlari
Mamatqulov X.A, .Yunusov D. B ..... 378
72 O'quvchilarning sog'lom turmush tarzini shakllantirishning pedagogik-psixologik holatini aniqlash
Azizov N, Raxmonov M.U, Rustamova M.Q..... 384
73 Структура современного урока географии
Абдурахмонов Б.М, Суслов В. Г ..... 388
74 Шахс–жамият–давлат манфаатлари уйғунлигини таъминлашда норматив ҳуқуқий ҳужжатларни роли.
Баннаев Н.Т ..... 393
75 Бошланғинч синф ўқувчиларида танқидий фикрлашни ривожлантириш имкониятлари
Мамаджанова Н. А ..... 400
76 Работа со словом при изучении литературы с использованием авторской технологии б.с. дыхановой гизатулина о. и.
Гизатулина О.И ..... 405
77 Бўлажак ўқитувчиларнинг когнитив компетентлигини оширишда акмеологик ёндашувнинг аҳамияти
Маҳмудова Д. Х ..... 414
78 Sportda kurash turlarida umumiy va maxsus tayyorgarliklarining shakllantirish usullari
Qirg'izov I. M ..... 421
79 Кураш турларида портловчан кучни ошириш омиллари
Ишонқулов Б. М ..... 426
80 O'quv kun tartibidagi sog'lomlashtirish tadbirlari orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarini harakat faolligini oshirish
Ismoilov, Turobjon , Ismoilov, G'anisher ..... 431
81 Oliy harbiy bilim yurtlarida "elektrotexnika va elektronika asoslari" fanini o'qitishda axborot texnologiyalarning ahamiyati
Ramonova S. K ..... 435
82 Бўлажак касб таълими ўқитувчиларни мустақил таълим олишини фаоллаштириш усуллари
Хайитова Ш.Д ..... 438
83 Ta'lim sohasida integrativ yondashuvning o'rni va roli.
Tursunboeva M.A ..... 445

84 Иккинчи тилни ўргатишни самарали ташкил этишда ҳиссий муҳитнинг аҳамияти
Эргашева Х. Ю …….. 449

85 Бадиий гимнастика билан шуғулланувчи 3-7 ёшли болалар қоматидаги нуқсонларларни бартараф этиш имкониятлари
Рахманова Д. А Болтабоев С. А……. 453

86 Ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семемали луғавий бирликларни тадқиқ этиш муаммолари
Рахматуллаева Д. Ш……. 457

87 Кичик мактаб ёшидаги болаларга ўзга тилни ўргатишда ўзига хос педагогик ёндашувлар
Жўраева С.Ж…….. 461

88 Талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологияси
Мирқосимова М.М…… 465

89 O’yin vositasida tarbiyalanuvchilarda do’stona munosabatlarni shakllantirish
Kuranova I.X ..... 468

90 Yoshlarni har tomonlama sog`lom va ijtimoiy barkamol bo`lishlarida sportninq o’rni
Qo`chqarov U ……. 472

91 Педагогик технологиялар асосида ёшларда ахборотларга рационал ёндашув кўникмаларини шакллантириш.
Қосимова З……. 475

92 Умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш соҳасида илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўзбекистон манфаатлари кесимида
Салимов М.А ……. 481

93 Sog’lom turmush tarzi vatanparvarlik tarbiyasining ijtimoiy pedagogik asoslari
Boltaboyev H. H, Bekmirzayev M. H…….. 485

94 Қўшма таълим дастурларини ташкил этиш тажрибаларини бенчмаркинг методи асосида ўрганиш
Лутфуллаев П.М ……... 490

95 Варваризмларнинг тилга ўзлаштириш жараёнида нутқий мулоқот ва лисоний онгнин гроли
Ғофурова М, Б ……. 494

96 Талабаларда интеллектуал маданиятнинг шаклланиш ва ривожланиш диагностикаси
Эгамбердиева Т. А, Қурбонов Ж.А…….. 499

97 Эксперт баҳолаш ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш технологиялари самарадорлигини аниқлаш методи сифатида
Исакова Д…… 506

98 Фанларни модулли ўқитиш жараёнида виртуал лабораториялар яратиш ва улардан фойдаланиш
Темирова М, Ахмедов А ..... 511

99 Ўзбекистон иқлим шароитида қуёш панелларининг техник характеристикаларини ўзгариш жараёнларини ўрганиш
Одамов У., Комилов М.М ..... 519

100 Noto`liq oilalarda maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishining o`ziga xos xususiyatlari
Asranbayeva M.X ..... 531